

У ТУРСУНОВ Ж МУХТОРОВ
Ш РАҲМАТУЛЛАЕВ

ХОЗИРГИ ЎЗБЕК
АДАБИЙ
ТИЛИ



ОЛИЙ ҮҚУВ ЮРЛАРИ УЧУН

„УЗБЕКИСТОН“

У. ТУРСУНОВ, А. МУХТОРОВ, Ш. РАҲМАТУЛЛАЕВ

ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИ

ОЛИЙ ҮҚУВ ЮРТЛАРИ
ФИЛОЛОГИЯ ФАКУЛЬТЕТЛАРИ
ТАЛАБАЛАРИ УЧУН ДАРСЛИҚ

Қайта ишланган, түлдирилган
учинчи нашри

Наманган Давлат
университетиинг
ИЛМИИ КУТУБХОНАСИ. *726*

ТОШКЕНТ
«УЗБЕКИСТОН»
1992

«Ҳозирги ўзбек адабий тили» дарслиги олий ўқув юртлари филология факультетларининг талабалари учун мўлжалланган. У «Кириш», «Фонетика ва фонология», «Графика ва орфография», «Орфоэпия», «Лексикология билан фразеология», «Морфемика», «Сўз ясалиши» ва «Морфология» бўлимларини ўз ичига олган.

Ўқув қўлланмасини қайта ишлаш жараёнида «Морфемика», «Сўз ясалиши» алоҳидаги бўлим сифатида ажратилди, мавжуд бўлимлар бирмунча тўлдирилди.

Ўзбек тили ҳодисаларини баён қилишда тилшуносликнинг кейинги ютуқлари ҳисобга олинди.

Ўқув қўлланмасининг «Кириш», «Фонетика ва фонология», «Графика ва орфография», «Орфоэпия», «Морфемика», «Сўз ясалиши» бўлимларини А. Мухторов, «Лексикология билан фразеология» бўлимларини Ш. Раҳматуллаев, «Морфология» бўлимини У. Турсунов ва А. Мухторовлар ёзган.

Масҷул муҳаррир: филология фанлари доктори,
профессор Ш. РАҲМАТУЛЛАЕВ

Муҳаррир: З. Аҳмаджонова

ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМАЛАР

A. Мух.—Асқад Мухтор
A. О.—Абдулла Орипов
A. Қ.—Абдулла Қаҳҳор
A. Қод.—Абдулла Қодирӣ
B. П.—Борис Полевой
З.—Зулфия
M. Ибр.—Мирза Иброҳимов
I. Р.—Иброҳим Раҳим
M. Исм.—Мирзакалон Исмоилий
Мирм.—Мирмуҳсин
Мирт.—Миртемир
H. С.—Назир Сафаров
O.— Ойбек
O. Е.— Одил Ёқубов
P. Т.— Парда Турсун
P. Қод.— Пиримқўл Қодиров
P. Ф.— Раҳмат Файзий

C. А.— Садриддин Айний
C. Абд.— Собир Абдулла
C. Аҳм.— Саид Аҳмад
«С. Ўзб.»— «Совет Ўзбекистони» газетаси
У.— Ўйғун
Ч. Айт.—Чингиз Айтматов
Ш.— Шуҳрат
Э. В.— Эркин Воҳидов
Я.— Комил Яшин
Ў. У.— Үлмас Умарбеков
Ў. Усл.— Ўқтам Усмонов
F. F.— Faфур Ғулом
X. Н.— Ҳаким Назир
X. О.— Ҳамид Олимжон
X. F.— Ҳамид Ғулом
X. X.— Ҳамза Ҳакимзода

ISBN 5-640-01266- 8

Т 4602020400—88 12—92
М 351 (04) 92

© «ЎЗБЕҚИСТОН» нашириёти, 1992 й.

ҚИРИШ

1- §. Ҳозирги ўзбек тили ўзбек миллатининг тили, ўзбек миллий маданиятининг кўзгусидир.

Ўзбек тили туркий тиллар гуруҳига киради. У лексик, фонетик ва грамматик ҳусусиятлари жиҳатидан бошқа туркий тиллар билан бир қатор ўхшашлик ва яқинликларга эга. Масалан, ўзбек тилидаги **кўз**, **бош**, **ота**, **она**, **кун**, **қариндош**; туркман тилидаги **гоз**, **баш**, **ата**, **ана**; озарбайжон тилидаги **гоз**, **баш**, **ата**, **ана**, **гардаш**; қумиқ тилидаги **баш**, **гоз**, **ата** каби сўзлар шаклан бир-бирига ўхшайди. Бундай ўхшашликларни ўзбек тили билан бошқа туркий тилларнинг фонетик системаси ва грамматик қурилишида, сўз ясалиши ва бир қатор грамматик категорияларида ҳамда уларнинг ифодаланиш шаклларида ҳам кўриш мумкин. Шунга қарамай, бу тилларнинг ҳар қайсиси уларни бир-биридан ажратадиган ўзига хос муҳим ҳусусиятларга ҳам эга. Бу фарқларни лексикада ҳам, фонетика ва грамматикада ҳам кўриш мумкин. Бу жиҳатдан айниқса туркий тилларнинг фонетик структураси муҳимдир. Жумладан, бир қатор туркий тилларда сингармонизм қонуни асосан сақланган бўлиб, уларнинг айримларида товушнинг қаттиқ-юмшоқ айтилиши билан боғлиқ бўлган танглай уйғунлиги ҳам, лабланганлик-лабланмаганлик ҳодисаси билан боғланган лаб уйғунлиги ҳам сақланган, сўзларнинг талаффузи ва орфографиясида ана шу ҳодисаларга риоя қилинади (қирғиз, бошқирд тиллари). Қозоқ, туркман, озарбайжон каби кўпгина туркий тилларда эса сингармонизмнинг ё лаб уйғунлиги, ё танглай уйғунлигининг сақлангани ҳолда, иккинчиси кучсизланган. Ҳозирги ўзбек адабий тилида эса сингармонизм ҳодисасига (танглай уйғунлигига, лаб уйғунлигига) риоя қилинмайди. Айрим ўзбек шеваларида унинг баъзи элементларини, қипчоқ ва ўғуз шевалари-

да эса сингармонизмнинг танглай уйғулиги тұла сақланғанлыгини күриш мүмкін. Сұзниң турли ўринларида ундош товушларнинг келиши (к-г, т-д, ш-с, ч-ш каби) нұқтаи назаридан ҳам үзбек адабий тили бу тилардан фарқ қиласы.

2-§. Тиленің уруғ тилидан миллій тилгача бұлган тараққиётининг турли босқичларида унинг функцияси үзгаратынды ва кенгаяди. Үзбек миллій тили тарихан таркиб топған ижтимоий ҳодиса бўлиб, үзбек миллатига хос ҳамма тил воситаларини, шу жумладан барча үзбек диалект ва шеваларини ҳам бирлаштиради. Маълумки, үзбек тили таркибида қарлуқ-чигил-уйғур диалекти, қипчоқ диалекти, ўғуз диалекти мавжуд. Үзбек миллій тили ана шу уч диалектни бирлаштирган жонли сўзлашув тили негизида ташкил топган.

Тарихий жиҳатдан қарлуқ-чигил-уйғур тил бирлиги билан боғланган диалект ва шевалар, айниқса Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Бухоро, Андижон, Қўқон ва кўпгина бошқа шаҳарларнинг шевалари үзбек миллій адабий тиленің ривожланишида асосий манба бўлиб хизмат қиласы. Үзбек адабий тиленің луғат таркибини бойитишида ҳам, фонетик системасини ва талаффуз меъёрларини белгилашда ҳам, грамматик воситаларини аниқлаш ва ривожлантиришида ҳам бу шевалар муҳим роль ўйнайди. Шу билан бирга, үзбек адабий тиленің лексик бойлиги, грамматик ва услубий воситаларини кенгайтишида қипчоқ ва ўғуз диалектлари ҳам муҳим манба ҳисобланади. Қипчоқ ва ўғуз диалектига хос кўпгина сўз ва грамматик формаларнинг адабий тилга қабул қилинганлиги буниң далилидир.

3-§. Умумхалқ тиленің юқори шакли **адабий** тил бўлиб, у тиленің фонетик, лексик ва грамматик қурилишида мавжуд қонуниятларни маълум меъёрга солиб туради. Бу меъёр шу тилда сўзловчи барча кишилар учун умумий ва зарурий ҳисобланади. Улар дарслікларда, қўлланмалар ва барча турдаги луғатларда қайд қилинади. Умумхалқ тиленің қайта ишланиши негизида шаклланиб, маҳаллий диалектларнинг умумий хусусиятларини үзига сингдира борган адабий тил айни замонда миллій тиленің ана шу кўринишларидан — умумхалқ сўзлашув нутқидан ҳам, маҳаллий диалект ва шевалардан ҳам, турлича жаргонлардан ҳам фарқланиб туради.

4- §. Ҳозирги ўзбек адабий тили муайян қолипга солинган, ўзбек халқининг маданий эҳтиёжи ва талабларини қондиришга хизмат қиласиган миллий адабий тилдир, фан ва техника, матбуот ва адабиёт, давлат идоралари ва ўқув юртлари, кино ва телевидение тилидир.

Адабий тилнинг муайян меъёрга солинганлиги шундан иборатки, унинг лугат таркиби маълум тартибга келтирилган бўлади, сўзларнинг маъноси ва ишлатилиши, талаффузи ва ёзилиши ҳамда грамматик шакл ясалиши ягона муштарак меъёрга бўйсунади. Адабий норма тарихий категория ҳисобланади. У тилнинг тараққиёти билан боғлиқ равишда ўзгариб туради, унинг ички қонуниятларига бўйсунган ҳолда кишиларнинг талаб ва эҳтиёжларини қондиради. Шунинг учун адабий тил меъёри тилда доимо юз бериб турадиган ўзгаришларни акс эттирувчи кўринишларни инкор этмайди. Масалан, *Жўрабой — Жўравой*, *келар эди — келарди* каби от ва феълларнинг ҳар икки (талаффуз ва ёзув) шакли ҳам адабий ҳисобланади.

Адабий тил — умумхалқ тилининг ёзувчилар, сўз санъаткорлари томонидан сайқал берилган кўриниши. «Тилни адабий ва халқ тилига ажратиш фақат «хом» тил ва ёзувчилар томонидан ишланган тил борлигини кўрсатади»¹, — деган эди М. Горький. Адабий қайта ишлаш, одатда, умумхалқ тилида бўлган барча энг яхши жиҳатларни, тилнинг энг чиройли, ўткир ва ихчам ифода воситаларини танлаб олиш ва уларни усталик билан адабий тилга киритишдан иборат. Фақат ёзувчи ва шоирларгина эмас, балки олимлар, адабий танқидчилар, журналистлар, олий ва ўрта мактаб ўқитувчилари ва бошқа жуда кўп мутахассисликларнинг вакиллари ҳам бу жараёнда қатнашади.

5- §. Адабий тил ёзма ва оғзаки шаклларга эга. Булар идрок этишнинг икки тури, кўрув ва эшитув учун мўлжалланган бўлиб, улар лексик таркиб ва грамматик воситалардан фойдаланиши жиҳатидан ўзига хос бир қанча хусусиятларга эга. Адабий тилнинг ёзма ва оғзаки шакллари орасидаги фарқ, аввало, гапнинг синтактик қурилишида очиқ кўринади. Содда гапларни, айниқса тўлиқсиз гапларни, қисман боғланган қўшма гапларни ишлатиш кўпроқ адабий тилнинг оғзаки шак-

¹ А. М. Горький. Адабиёт ҳақида. Тошкент. 1962, 96-бет.

ли учун хос. Албатта бунда оҳанг, имо-ишора ва нутқ вазияти каби воситалар муҳим роль ўйнайди. Адабий тилнинг ёзма шакли эса ўз синтактик қурилишининг бирмунча мураккаблиги билан ажралиб туради. Унда эргашган қўшма гаплар, кириш сўз ва кириш гаплар, киритма оборот ва конструкциялар, ажратилган бўлаклар ва уюшиқ бўлакли гаплар кўпроқ ва кенгроқ қўлланилади. Шунингдек, лексик жиҳатдан оғзаки адабий тилда оддий сўзлашувга хос сўзлар ишлатилса, ёзма адабий тилда китобий сўзлар, махсус терминлар ва русча-байналмилал сўзлар кўп ишлатилади.

Адабий тилнинг оғзаки шакли ўзаро суҳбатларда, унинг ёзма шакли эса фан-техника, адабиёт асарлари, расмий-иш ҳужжатларида ишлатилади. Лекин адабий тилнинг оғзаки ва ёзма шакллари орасида кескин чегара йўқ. Чунки маъруза, нутқ ва ҳар хил чиқишлилар ўз хусусияти билан ёзма адабий тилга яқин туради. Шунингдек, ёзма адабий тилда, бадиий асарларда қаҳрамонларнинг нутқ хусусиятларини бериш мақсадида оддий сўзлашув нутқига хос сўз ва иборалар ҳам ишлатилади.

Одатда, адабий тилнинг оғзаки шакли олдин ташкил топади, у ашула ва қўшиқлар, мақоллар ва ҳикматли сўзлар, достонлар, топишмоқ ва эртаклар сингари халқ оғзаки ижоди асарлари негизида тараққий этади, оғиздан оғизга ўтиб ихчамлашади, унинг ягона умумий меъёрлари пайдо бўла бошлайди. Адабий тилнинг ёзма шакли эса бевосита ёзув билан боғланган бўлиб, оғзаки адабий тил асосида юзага келган умумий меъёрларни ривожлантиради, мустаҳкамлайди ва қатъий бир қолипга солади. Бундан кўринадики, адабий тилнинг оғзаки ва ёзма шакллари бир-бири билан узвий боғланган бўлиб, унда маҳаллий шеваларнинг умумий хусусиятлари ҳам ўз аксини топади. Демак, ҳозирги ўзбек адабий тили ўзбек миллати ижтимоий фаолиятининг барча соҳасида муҳим алоқа воситаси бўлиб хизмат қиласди.

6. §. Ҳозирги ўзбек адабий тили жуда катта тараққиёт босқичини босиб ўтган. У дастлаб X—XIII асрлар давомида умумтуркий адабий тил сифатида ривожланади, аста-секин унинг адабий меъёрлари юзага кёла бошлайди. Бу ҳолат Ўрга Осиёдаги барча туркий халqlарнинг умумий мероси ҳисобланган «Девони луғати турк», «Қутадғу билиг», «Ҳибатул ҳақойиқ» сингари

нодир ёдгорликларда очиқ кўринади. Ўзбек адабий тили тарихида XIII—XIV асрларда шаклланиб, XX асрнинг бошларигача давом этган эски ўзбек адабий тили даври айниқса катта аҳамиятга эгадир. Жонли халқ тили негизида шаклланган эски ўзбек адабий тили Хоразмий, Лутфий, Атойи, Саккокий каби шоирлар томонидан яна ҳам тараққий эттирилди. Эски ўзбек адабий тилини юксак поғонага кўтаришда айниқса буюк Алишер Навоийнинг хизматлари катта бўлди. Алишер Навоий эски ўзбек адабий тилининг жуда бой лексик, грамматик ва фонетик имкониятларини очиб берди, адабий тил нормаларини илмий тарзда ишлаб чиқди, уни ҳимоя қилди ва кенг тарғиб этди. Алишер Навоийдан кейин кўп асрлар давомида унинг адабий тил анъанаси давом эттирилди, ўзбек адабий тили яна ривожлантирилди. Кўп асрлар давомида яратилган адабиёт туфайли ўзбек адабий тили жуда ривожланди, бойиди, унинг лексик, фонетик ва грамматик системаси негизида муайян умумий талаффуз ва ёзув меъёrlари қарор топди.

7- §. Октябрь инқолобидан кейин эса ҳозирги ўзбек адабий тилининг ижтимоий мавқеи мустаҳкамлана боради. Ўзбекистон Республикасининг давлат тили сифатида ўзбек адабий тилининг мавқеи бекиёс ўсади, хизмат доираси кенгаяди, луғат таркиби ниҳоятда бойиб, фонетик структураси ва грамматик қурилишнинг ривожланишида, унинг такомиллашишида каттагина ўзгаришлар юз беради, адабий тилнинг хилма-хил янги услублари келиб чиқади.

Ўзбек адабий тили ижтимоий вазифасининг кенгайиши натижасида ўзбек адабий тилининг луғат таркибида жиддий ўзгаришлар юз берди. Адабий тил лексикасининг ривожланиш жараёни унинг янги ясалган ва бошқа тиллардан қабул қилинган сўзлар ҳисобига бойиб бориши асосида давом этди. Халқ хўжалигидаги, фан-техника ва маданият соҳасидаги катта ўзгаришлар ўзбек тилида ўз ифодаси бўлмаган жуда кўп янги тушунчаларни келтириб чиқарди. Буларнинг ҳаммаси ўзбек тили лексикасининг жуда кўп миқдорда янги ясалмалар ҳамда бошқа тиллардан, айниқса рус тилидан ўзлаштирилган сўзлар билан бойишига сабаб бўлди, бир қатор сўзларнинг маъноси ўзгарди, кенгайди, бошқа маънода қўллана бошлади. Шу билан бирга, сўзлашув нутқи, маҳаллий диалект ва шевалар бу даврда

ҳам адабий тил лексикасининг бойишида муҳим манба бўлиб қолди, улардан ишлаб чиқариш ва турмушнинг турли соҳаларига тегишли жуда кўп маҳсус сўзлар кириб келди. Мана шулар натижасида ўзбек адабий тили лексикаси жиддий равишда янгиланди, яна ҳам бойиди.

8- §. Ўзбек адабий тилининг фонетик системасида ҳам маълум ўзгаришлар содир бўлди. Тилда товушлар бирикувининг янги қонуниятлари (унли билан унлиниг, ундош билан ундошнинг ва унли билан ундошнинг бирикуви каби) ҳамда айрим янги товушлар пайдо бўлди. Ҳозирги ўзбек адабий тилида сингармонизм—унлилар оҳангдошлиги қонунияти (лаб уйғунлиги ва, айниқса, танглай уйғунлиги) деярли йўқолиб кетди, бир сўзда олдинги қатор ва орқа қатор, лабланган ва лабланмаган унлиларнинг келиши меъёрга айланди. Янги фонетик ҳодиса сифатида тил олди **Э (е)** фонемаси чуқур тил орқа **х** товуши билан бириккан ҳолда кела бошлади: **цех, техника, механизм, чех** каби. Ўзлаштирма сўзлар таъсири остида ўзбек тили учун хос бўлмаган икки унлиниг бирикиб келиши ҳодисаси юз берди: **океан, зоолог, идеология, какао, аэропорт, теорема** каби.

Ҳозирги ўзбек адабий тилида янги ўзлаштирмалар сабабли бўғиннинг янги турлари (сўз бошида ва сўз охирида икки ёки уч ундошнинг қатор келиши) пайдо бўлди: **сту-дент, бри-гадир, спорт, справ-ка, пункт, текст** каби.

9- §. Сўз ясалиши бобида аффиксларнинг сўз ясаш даражаси кенгайди, сўз қўшиш, композиция сўз ясашнинг унумли усулларидан бирига айланди. Бу усул орқали хилма-хил таркибли жуда кўп қўшма сўзлар ҳосил бўлди. Тилда янги ясалмаларнинг маъно ва қўлланиш доираси кенгайди, фаол (кўп)роқ қўллана бошлади. Ўзбек адабий тилида сўз ясашнинг янги усули пайдо бўлди — рус тилининг таъсири остида сўз ва унинг қисмларини қисқартириш асосида, яъни аббревиация усули орқали сўз ясаш анча фаоллашди: **БМТ, АҚШ, ТошМИ** каби. Аффиксация усули билан янги сўз ҳосил қилишда ясаш асоси вазифасида келувчи русчабайналмилал сўзларнинг алоҳида қатлами вужудга келди: **-ли: планли, талантли, газли, машинали;** **-чи: гвардиячи, пулемётчи, колхозчи, тракторчи;** **-лаш:** **активлашмоқ, реаллашмоқ;** **-лаштир:** **автоматлаштироқ,**

газлаштироқ; -часига; янгичасига, -ларча: ёшларча;
-дош: полкдош, курсдош, -чилик: цитрусчилик каби.

Совет даврида янги тушунчаларни ифодалаш учун жуда кўп сўзларнинг маъноси ўзгарди, янги маъноларда қўлланади: *кўпайтма, бурун, йўлдош, қолдиқ, аҳзо, эга, кесим, гап, бўлак* каби. Сўз ясалишининг турлича усуллари орқали кўплаб янги сўз ҳосил қилиш, сўз ўзлаштириш, сўзни янги маънода қўллаш кабилар фақат янги тушунчаларнига ифодалаб қолмай, балки унинг услугбий имкониятларини кенгайтирди, синонимиканинг бойишига олиб келди.

10- §. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг грамматикаси соҳасидаги ўзгаришлар асосан грамматик қоидаларнинг силлиқланиши, унинг етакчи диалектлар негизида айрим янги қоидалар билан бойишида кўринади.

Морфология бўйича адабий тил ва етакчи диалектларда бўлмаган айрим янги грамматик шакллар ўзбек тилининг бошқа шеваларидан қабул қилинди. Жумладан, Хоразм шевасидан **-ажак** шакли адабий тилга киритилди.

Келишик шакллари ҳамда кўпгина кўмакчиларнинг маъноси ва вазифаси кенгайди, келишикли бошқарув ва кўмакчили бошқарув меъёрлари белгиланди, отли бошқарув қурилмалари анча фаоллашди. Маънонинг услугбий фарқланиши туфайли айрим феъл шаклларининг иш доираси белгиланди (**-гунча** шаклининг чегара ва **-ганча** шаклининг қиёс маъносини англастиши каби).

Синтаксис соҳасида эса адабий тил ижтимоий вазифасининг кенгайиши, ижтимоий-сиёсий, илмий-публицистик адабиётнинг юзага келиши, бадиий адабиёт ва саҳна нутқининг ривожланиши кабилар таъсири остида гапда сўзлар тартибининг қабул қилинган меъёри ўзгарди, инверсия ҳодисаси кучайди. Кириш сўз, кириш бирикма ва киритма гапларни қўллаш жараёни анча фаоллашди (*Олтинчи бригаданингғўзаси — мана мен ҳозиргина айланиб келдим — сира авж олмаяпти* каби). Ажратилган бўлакларни турли услугбий мақсадларда ишлатиш (*Биз, ёзувчилар, халққа хизмат қиласмиэз*) ҳамда ундов гапли конструкцияларнинг ишлатилиши (*Қурултой делегатларига оташин салом!* каби) анча кенгайди.

Шуни қайд қилиш керакки, ўзбек тили морфологияси ва, айниқса, синтаксисида юз берган ўзгаришлар жуда суст давом этди, бу ўзгаришлар тилда бор унум-

сиз ёки камунум грамматик моделлар, синтактик қурилмаларнинг ички ва ташқи манбалар таъсирида активлашганлигини кўрсатади.

11- §. Ўзбек адабий тилидаги услубий ўзгариш ҳам кейинги даврга хос тараққиёт қонуниятларидан бири ҳисобланади. Ўзбек адабий тилининг янги ижтимоий тузум шароитидаги ривожланиш хусусияти эски услубий меъёрларнинг ўзгаришига олиб келди. Адабий тилининг барча услублари учун умумий негиз сифатида грамматик қурилиш ва лугат таркибининг восита ва имкониятлари бениҳоя кенгайди. Алоҳида лексик қатламни ишлатиш, маҳсус ифода воситалари, мураккаб синтактик қурилмалар ва гапларни қўллаш жиҳатидан барча услубларнинг ўзаро фарқлари белгиланди. Жумладан, бадиий услуг учун образли ва ҳис-ҳаяжон лексика, уларнинг кўчма маъноси, афоризмлар, кичрайтириш-эркалаш маъноларини ифодаловчи шакллар, такрор, сўроқ, ундов, эмоционал синтактик қурилмаларни ишлатиш муҳим бўлса, илмий услубда кўпроқ аниқлик, илмийлик ва равонликка катта эътибор берилади, ҳар бир соҳага доир маҳсус атамашунослик лексикаси, русча-байнамилал атамалар, айниқса мавҳум сўзлар ва ёзма нутққа хос синтактик оборотлар кўп қўлланади. Ўзбек адабий тили услубларининг доираси кенгайди, янги услублар пайдо бўлди.

Ўзбек адабий тилининг бундан кейинги тараққиёти ички қонуниятлари асосида грамматик қурилишнинг такомиллаша бориши, лесиканинг яна ҳам бойиши, орфография ва талаффуз нормаларининг қатъий бориши, стилистик ифода воситаларининг яна ҳам кенгая бориши билан боғлиқ ҳолда давом этади. Бунда халқ жонли тили билан доимий боғланганлик, турли диалект ва шеваларга хос айрим прогрессив элементларни адабий тилга қабул қилиш, диалектларнинг адабий тилга сингиб бориши жараёни ҳам муҳим ўрин тутади.

12- §. Ҳозирги ўзбек адабий тили курси олдига қуйидаги вазифалар қўйилади:

1) ҳозирги ўзбек адабий тилининг фонетика ва фонологияси, лексикологияси билан фразеологияси, морфемикаси, сўз ясалиши ва грамматикаси бўйича изчил назарий маълумотлар бериш;

2) ўзбек адабий тилининг графика системаси, орфографияси ва пунктуациясининг илмий асослари билан таништириш;

3) ўзбек адабий тили ва адабий талаффуз меъёрини пухта эгаллашни таъминлаш;

4) ҳозирги ўзбек адабий тилининг жамиятдаги, ўзбек миллий ҳаётидаги жуда катта аҳамиятини, унинг бойлигини ва қудратини кўрсатиш;

5) лингвистик таҳлилни пухта ўрганиб олишларида талабларга кўмаклашиш.

13- §. Ҳозирги ўзбек адабий тили курси қўйидаги бўлимлардан иборат: фонетика ва фонология, орфоэпия, графика ва орфография, лексикология ва фразеология, лексикография, морфемика, сўз ясалиши ва грамматика.

1. Фонетика ва фонология яда ҳозирги ўзбек адабий тилининг товуш системаси, фонемалар тузуми ўрганилади.

2. Орфоэпия яда ҳозирги ўзбек тилининг адабий талаффуз номлари ўрганилади.

3. Графика ҳозирги ўзбек алифбеси таркибини, товуш ва ҳарфнинг ўзаро муносабатини ўргатса, орфография морфологик, фонетик ва анъанавий услублар асосида тўғри ёзув қоидалари системасини аниқлайди.

4. Лексикология ва фразеология ўзбек адабий тилининг лексик бирликлари ва фразеологик бирликлари, уларнинг тузилиши ҳамда тараққиёт қонуниятлари ҳақида баҳс этади. Лексикография эса луғат, унинг тузилиши ва турларини ўрганади.

5. Морфемика бўлимида сўзнинг маъноли қисмлари ва буларнинг турлари, хусусиятлари, сўзнинг морфем структурасидаги ўзгаришлар аниқланади.

6. Сўз ясалиши бўлимида ҳозирги ўзбек адабий тилида янги сўз ҳосил қилишнинг муҳим белгилари, сўз ясаш усуслари ўрганилади.

7. Грамматиканинг морфология қисмida сўзнинг грамматик шакллари, грамматик таркиби, сўз туркumlари ва уларга хос грамматик категориялар; синтаксис қисмida сўзларнинг бирикуви, гапнинг тузилиши ва турлари ўрганилади. Синтаксис асосида тиниш белгиларини ишлатиш қоидалари (пунктуация) баён қилинади.

Демак, «Ҳозирги ўзбек адабий тили» курсининг мақсади ўзбек миллий тилининг юқори шакли бўлган ҳозирги ўзбек адабий тилининг асосий ҳодисалари ҳақида изчил маълумот бериш, уларнинг муҳим хусусиятини очиб бериш ва тараққиёт йўлларини белгилашдан иборат.

ФОНЕТИКА ВА УНИНГ ВАЗИФАСИ

14- §. Тилшуносликнинг фонетика (юононча phone — «товуш») қисми тилнинг нутқ товушлари ҳақидаги фандир. Фонетика тилнинг товуш системаси элементлари бўлган нутқ товушларини ўрганади.

Нутқ товушлари сўзниңг товуш қобиги ҳисобланади. Уларни талаффуз этмай туриб, шунингдек, эшитув аъзолари орқали идрок этмай туриб кишиларнинг ўзаро нутқий алоқа қилишлари, фикр алмашишлари мумкин эмас. Бошқа кишилар билан ўзаро муносабатда бўлиш учун эшитилиши ёки талаффуз этилиши жиҳатидан бир-бирига ўхшаш сўзларнинг ҳар қайсисини алоҳида алоҳида ажратиш катта аҳамиятга эга. Шунинг учун тилнинг фонетик системасида нутқнинг маъноли бирликлари бўлган сўз ва унинг шаклларини, сўз бирикмалари ва гапларни ажратиш, бир-биридан фарқлаш учун хизмат қилувчи зарурий фонетик воситалар (нутқ товушлари, сўз таркибида товуш ўзгариши, товуш алмашиниши, ургу, бўғин кабилар) ўрганилади.

15- §. Нутқ товушлари нутқ аъзоларининг турлича фаолияти натижасида юзага келадиган мураккаб ҳодиса бўлиб, товушни унинг ёзувдаги шартли белгиси бўлган ҳарф билан аралаштираслик керак. Товуш нутқ бирлиги ҳисобланади, у талаффуз этилади ва эшитилади. Ҳарф эса нутқ товушларини ёзувда ифодалаш учун қўлланадиган шартли белги бўлиб, у ёзилади, уни кўз билан кўрилади, яъни ҳарф ёзув бирлиги ҳисобланади. Ҳарф товушнинг барча хусусиятларини тўла акс эттира олмайди. Жумладан, кийди, ким, кийик, қизиқ, қилиқ, қишилсқи, кўз, қўл, қўзи каби сўзлар таркибидаги и ва ў товушлари айнан бир хил бўлмай, қисман фарқ қилса ҳам, улар ёзувда битта ҳарф билан ёзилади. Шунингдек, ёзувда бир ҳарф орқали бир

нече товуш акс эттирилиши ёки, аксинча, бир товуш бир неча ҳарф орқали ифода этилиши мумкин. Масалан, ж ҳарфи ҳам тил олди жарангли қоришиқ ж (ж) ундошини (*жанғ, жилға, жиян, жұжға* каби), ҳам тил олди жарангли сирғалувчи ж ундошини (*жанр, гижда, аждақо, мужда* каби) ифодалайди. Ёки тил орқа жарангли бурун товуши н ёзувда н+г ҳарф бирикмаси орқали ифода этилади: *кенғ, тонғ, тингла, келинғ, танглай* каби. Ёзувда е, ё, ю, я ҳарф(графема)лари эса сүйзининг турли үйинларида келадиган й+э(е), й+о(ё), й+у(ю), й+а(я) каби товуш бирикмаларини ифодалайди: *ёш, елим, етмиш, тайёр, юз, юклама, янги, яхши* каби.

НУТҚ АЪЗОЛАРИ

16- §. Нутқ товушларининг хусусиятини белгилашда нутқ аъзолари ва уларнинг вазифасини билиш зарур. Нутқ товушларини ҳосил қилишда қатнашадиган аъзоларга нутқ аппарати дейилади.

Нутқ аппарати уч қисмдан иборат: 1) нафас аппарати. Бунга үпка, трахея ва бронхлар — нафас йўллари киради; 2) бўғиз, ундаги овоз пайчалари ва тоғайлар; 3) ҳаво бўшлиғи системаси. Бунга ҳалқум, ҳиқилдоқ, оғиз ва бурун бўшлиқлари киради.

Үпка жуда кўп майдага зарра пуфакчалардан иборат бўлиб, нафас олишда унга оғиз, бурун, ҳиқилдоқ, трахея ва бронхлар орқали ҳаво оқими киради ва нафас чиқариш вақтида нутқ товушлари ҳосил бўлади. Демак, үпка товуш ҳосил қилиш учун лозим бўлган ҳаво оқимини бериб туради.

Бўғиз жуда мураккаб тузилган бўлиб, тўрт тоғай (қалқонсимон, ҳалқасимон ва икки чўмичсимон тоғайлар) ва кўндаланг жойлашган овоз пайчаларидан иборат. Тоғайлар овоз пайчаларининг ҳаракатини тартибга солади.

Овоз пайчалари — икки қайишқоқ эластик мускулча бўлиб, товуш ҳосил қилишда асосий ўрин тутади. Овоз пайчалари орасидаги очиқлик овоз оралиғи ҳисобланади. Овоз пайчалари таранглостиб, бир-бирига яқинлашса, үпкадан чиқаётган ҳаво уларни бир текисда тебратади ва оҳангдор товуш — овоз ҳосил бўлади. Овоз пайчалари таранглашмай, тинч ҳолатда бўлиб, товуш ҳосил этишда қатнашмаслиги мумкин.

Оғиз бўшлиғи нутқ товушлари учун резонаторлик вазифасини бажаради. Бошқа нутқ аъзоларининг хилма-хил ҳолатига қараб оғиз бўшлиғи турлича ҳолатга киради, товушларга ҳар хил тус беради. Бошқа нутқ аъзоларининг ҳаракати ва ҳолати оғиз бўшлиғининг шаклини ўзгартириб туради.

Тил оғиз бўшлиғидаги энг муҳим нутқ аъзоси бўлиб, ўзининг хилма-хил ҳаракати, товуш ҳосил қилишдаги фаоллиги билан ажралиб туради. Оғиз бўшлиғида тил бошқа аъзолар билан бутунлай жипслashiши ёки улар ўртасида тор оралиқ ҳосил бўлиши мумкин. Натижада ҳар хил товушлар юзага келади.

Тилнинг устки қисми учга бўлинади: 1) тилнинг ортқи қисми — тил орқаси, юмшоқ танглайга қарама-қарши туради; 2) тилнинг ўрта қисми — тил ўртаси, қаттиқ танглайга қарама-қарши туради; 3) тилнинг олдинги қисми — тил олди.

Лаблар ҳам товуш ҳосил қилишда муҳим роль ўйнайди. Ундошларнинг айтилишида лаблар бир-бирига яқинлашиб, тор оралиқ қолиши ёки бир-бирига бутунлай жипслashiши мумкин. Унлиларнинг талаффуз этилишида эса доирача шаклига кириши ёки олдинга чўзилиши мумкин.

Бурун бўшлиғи кўпгина эгри-бугрини қисмли бўшлиқдан иборат. Юмшоқ танглай пардасини тушириш орқали оғиз бўшлиғидан бурун бўшлиғига йўл очилади ва ўпкадан чиқаётган ҳаво оқимининг бир қисми бурун бўшлиғидан ўтади. Бунинг натижасида бурун товушлари ҳосил бўлади, бурун бўшлиғи қўшимча резонаторлик вазифасини бажаради.


Товушларнинг ҳосил бўлиши, турлича тусга кириши маълум даражада пастки жағнинг ҳаракатига ҳам боғлиқ.

Нутқ аъзолари товуш ҳосил қилиш вазифасига кўра фаол ва суст аъзоларга бўлинади. Овоз пайчалари, тил, юмшоқ танглай, лаблар ва пастки жағ фаол аъзоларга киради. Тиш, қаттиқ танглай, юқори жағ ва бурун бўшлиғи эса суст аъзоларга киради.

НУТҚ АЪЗОЛАРИНИНГ ТУЗИЛИШИ

I. Оғиз бўшлиғи. II. Ҳалқум бўшлиғи. III. Бурун бўшлиғи. IV. Бўғиз.

1. Устки лаб. 2. Милк. 3. Қаттиқ танглай. 4. Юмшоқ танглай. 5. Кичик тил. 6. Пастки лаб. 7. Тил учи. 8 а) Тил олди. 8 б). Тил ўртаси. 8 в). Тил орқаси. 9. Чукур тил орқаси. 10. Бўғиз қолқоқчаси. 11. Бўғизнинг орқа девори. 12. Қалқонсимон тоғай. 13. Ҳалқасимон тоғай. 14. Пирамидасимон тоғай. 15. Овоз пайчалари. 16. Трахея (нафас йўли). 17. Кекирдак.



УЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИНИНГ ТОВУШ ТУЗУМИ

17- §. Товуш ҳақида тушунча. Товуш нутқининг фонетик жиҳатдан бўлинмайдиган энг кичик бирлиги. Нутқ товушлари якка ҳолда қўлланмайди, балки сўз таркибида бошқа товушлар билан бирга келади. Шу сабабли сўздаги товушлар ажратилганда, уларниң сифат жиҳатдан маълум фонетик мавқе билан боғлангањлиги, унга тобелиги ҳамда у билан боғланмаган мустақил ҳолати ҳисобга олинади. Нутқ товушлари **акустик** (эшитилиш), **физиологик** (артикуляцион ёки талаффуз) ҳамда **лингвистик** (маъно фарқлаш) нуқтаи назаридан ўрганилади.

18. §. Нутқ товушлари ўпкадан чиқадиган ҳаво оқимининг овоз пайчаларини тебратиши натижасида ҳосил бўладиган овоздан ҳамда бошқа нутқ органларида ишқаланиши натижасида ҳосил бўладиган шовқиндан иборат бўлади. Нутқ товушларининг акустик томони ҳаво оқимининг тебранишли ҳаракати билан белгиланади.

Нутқ товушлари акустик жиҳатдан товушнинг баландлиги, товушнинг кучи, товушнинг чўзиқлиги ва товуш тембри кабилар билан характерланади.

Товушнинг баландлиги тебранишнинг бир секунд ичидаги миқдори билан боғланган, шу вақт ичидаги теб-

раниш миқдори қанча кўп бўлса, товуш ҳам шу қадар баланд бўлади ва, аксинча.

Товушнинг кучи тебранишнинг кенглиги ёки кўлами билан боғланган, яъни тебраниш кўлами қанча катта бўлса, товуш ҳам шунча кучли чиқади.

Товушнинг чўзиқлиги тебраниш вақти билан боғланган, яъни нутқ товушининг қисқа ва чўзиқлиги талаффузнинг вақти, тебранишнинг оз-кўп давом этиши орқали аниқланади.

Товуш тембри — бу товушнинг сифат белгисидан иборат. Одатда, ўпкадан чиқадиган ҳаво оқимининг тебраниши содда ва мураккаб бўлади. Содда тебраниш фақат асосий тонлардан иборат бўлади. Мураккаб тебраниш эса ҳам асосий, ҳам қўшимча тонлардан иборат бўлади. Мураккаб тонларни ҳосил қилишда резонаторлик вазифасини бажарувчи бўғиз, оғиз бўшлиғи ва бурун бўшлиғи муҳим роль ўйнайди. Товуш тембри ана шу мураккаб тебраниш натижасида юзага келган асосий ва қўшимча тонларнинг қўшилишидан ҳосил бўлади.

19- §. Нутқ товушларининг физиологик (талаффуз) томони нутқ аппаратининг фаолияти билан боғланган. Нутқ аъзоларининг товуш ҳосил қилишдаги фаолияти, унинг турлича ҳаракати артикуляция дейилади. Шунинг учун физиологик жиҳат нутқ товушининг артикуляция томони ҳисобланади.

20- §. Нутқ товушларининг лингвистик томони товушларнинг тилда маълум вазифани бажариши билан боғланган. Улар сўзнинг фақат моддий қобиғигина бўлиб қолмай, балки сўз ва сўз шаклларини, ўзаро фарқлаш, маъно ажратиш вазифасини ҳам бажаради. Масалан, бил ва бол, тил ва тол сўzlари и ва о унлилари орқали, кўр ва кўз, бўр ва бўз сўzlари эса р, з ундошлари орқали бир-биридан фарқ қиласди.

Лингвистик жиҳат киши нутқига хос товушларни табиатдаги барча бошқа товушлардан ажратишга хизмат қиласди. Чунки фақат нутқ товушларигина ижтимоий қийматга эга бўлиб, ўзаро фикрлашиш жараёнида тилнинг маъноли бирликларини аниқ белгилаб беради («Фонема ҳақида тушунча» баҳсига қаранг).

Товуш билан ҳарфни аралаштираслик керак, улар бир-биридан фарқ қиласди. Товуш нутқга хос бўлса, ҳарф ёзувга хосдир, товушнинг ёзувдаги шартли белгиси ҳарфдир. Товушга нисбатан ҳарфнинг вазифаси ан-

ча чегараланган бўлиб, у ёзувда бир товушни ифодалайди, шу товушнинг барча хусусиятларини акс эттира олмайди.

21- §. Анъанавий таснифлашга кўра нутқ товушлари унли ва ундош товушларга бўлинади. Нутқ товушларининг унли ва ундош товушларга бўдиниши уларни талаффуз этишдаги физиологик фарқларга ҳамда акустик хусусиятларга асосланади.

Унли товушларни ҳосил қилишда ҳаво оқими ўпкадан нафас йўли орқали ҳеч қандай тўсиққа учрамай чиқади. Ун пайчаларининг титраши натижасида мусикий овоз юзага келади. Бу вақтда оғиз бўшлиғи очиқ бўлади. Унли товушларнинг сифати ва хусусияти оғиз бўшлиғидаги нутқ аъзоларининг ҳаракати ва ҳолати билан боғланган.

Ундош товушларни ҳосил қилишда ўпкадан чиқадиган ҳаво оқими ҳар хил тўсиқларга учрайди. Натижада оғиз бўшлиғида овоз шовқин билан аралашади ёки фақат шовқиннинг ўзи ҳосил бўлади.

УНЛИ ТОВУШЛАР ТАСНИФИ

22- §. Ўзбек адабий тилида унли товушлар олтига: **и, э(е), а, о, у, ў.** Бу унли товушлар ёзувда ўнта **ҳарф** билан ифода этилади: **и, э, е, а, я, о, ё, у, ю, ў.**

Унли товушлар тил ва лабларнинг ҳолати ҳамда шаклига қараб ўзаро фарқ қиласи. Нутқ аъзоларининг турлича артикуляцияси (ҳаракати ва ҳолати) оғиз бўшлиғининг шаклини ва товушларнинг сифатини ўзгартиради.

Унли товушларни тасниф қилишда қўйидагилар ҳисобга олинади:

1) тилнинг қаттиқ танглайга томон кўтарилиш даражаси, яъни **тилнинг вертикал ҳаракати;**

2) тилнинг олдинга томон ва орқага томон ҳаракат қилиши, яъни **тилнинг горизонтал ҳаракати;**

3) лабларнинг иштироки.

1. Тилнинг танглайга томон кўтарилиш даражасига кўра унли товушлар учга бўлинади:

1) тор унлилар: **и, у;**

2) ўрта кенг унлилар: **э(е), ў;**

3) кенг унлилар: **а, о.**

Тор унлиларни ҳосил қилишда тил юқори кўтарилиб, танглайга жуда яқинлашади, ҳаво йўли анча то-

раяди; ўрта кенг унлиларни ҳосил қилишда эса тил ўрта даражада кўтарилади, кенг унлиларнинг айтилишида эса анча пастга туширилади.

2. Тилнинг олдинга ва орқага томон ётиқ (горизонтал) ҳаракатига қараб, яъни ҳосил бўлиш ўрнига кўра унлилар иккига бўлинади:

1) тил олди унлилари: и, э(е), а;

2) тил орқа унлилари: ӯ, ӯ. о.

Тил олди унлиларини ҳосил қилишда тил тишларга тиради, тил орқа унлиларини ҳосил қилишда эса тил кейинга тортилади.

3. Лабларнинг иштирокига кўра унлилар иккига бўлинади:

1) лаблашган унлилар: ӯ, ӯ. о;

2) лаблашмаган унлилар: а, э(е), ғ.

Лаблашган унлиларнинг айтилишида лаблар доира шаклига кириб, олдинга қараб чўзилади. Бунга **лаблашиш ҳодисаси** дейилади. **Лаблашмаган** унлиларни ҳосил қилишда эса лаблар доира шаклига кирмайди.

Юқорида кўрсатилган белгилар асосида ўзбек адабий тили унлиларини жадвалда шундай кўрсатиш мумкин:

Лабларнинг иштирокига кўра	Лаблашмаган	Лаблашган	
Тилнинг горизонтал ҳаракатига кўра	тил олди	тил орқа	тил олди
Тилнинг вертикал ҳаракатига кўра			
Тор унлилар	и		ӯ
Ўрта кенг унлилар	э		ӯ
Кенг унлилар	а		о

Ўзбек адабий тилида мана шу олти унли товуш сўз маънолари ва унинг грамматик шаклларини ўзаро фарқлаш учун хизмат қиласи. Сўзлашув нутқи ва ўзбек тили шеваларида бу унлиларнинг ҳар қайсиси турлича варианtlарда келиши мумкин.

УНЛИ ТОВУШЛАР ТАВСИФИ

23- §. и унлиси — олд қатор, лаблашмаган, тор унли. Тилнинг танглай томон юқори кўтарилиши ва оғизнинг нисбатан тор очилиши билан қисқа талаффуз

этлади. Сўзнинг турли ўринларида келади, шунга кўра турлича вариантларга эга. Жумладан, сўзнинг бошида ва тил олди ундошлари орасида олд қатор унли сифатида айтилади: *тил, дил, жим, из, иш, игна, йигит, кийик, кичик, йил, йигирма, ким, кийим, кигиз* каби.

И унлиси чуқур тил орқа *f, қ, х* ундошлари билан ёнма-ён келса, орқа қатор унли сифатида (*ы*) талаффуз қилинади: *қышки, қырқинчи, қыйышық, ғышт, ғылоф, ҳыра, ҳырмон, ҳытоб* каби. Бу унли икки жарангсиз ундош товуш орасида ва *н, л, р, з* ундошларидан олдин жуда қисқа талаффуз қилинади: *ниначи, билим, бирикиш, бино, сиз, синиқ, силсила, милк, кириш, биз* каби. И унлиси сўз охирида **э(е)** товушига мойил очиқроқ талаффуз қилинади: *кўрдэ, келдэ, ўқидэ, олдэ, қолдэ* каби.

У унлиси — орқа қатор, лаблашган, тор унли. Уни талаффуз қилишда тил танглай томон кўтарилиб, оғиз жуда тораяди, лаблар олдинга чўзилади. У унлиси тил олди ва саёз тил орқа ундошлар билан ёнма-ён келганди, олд қаторга мойил бўлади: *гулан, гуноҳ, гумон, кунжут, куртак, зулук, жувоз, лунж* каби. Чуқур тил орқа ундошлари билан ёнма-ён келганди, орқа қаторга мойил бўлади: *қудуқ, буғу, буғдой, муқова, тумшук, хурсанд, хушнуд* каби. Икки жарангсиз ундош орасида, шунингдек, ургусиз бўғинларда кучсизланиб, қисқа талаффуз этилади: *чучук, чумчук, қуруқ, суюқ, тушунча, туюқ, тутун, тушум* каби.

э(е) унлиси — олд қатор, лаблашмаган, ўрта кенг унли. Тилнинг танглай томон юқори — ўрта кўтарилиши, тил учининг пастки тишларга тегиши билан юмшоқ талаффуз этилади, оғиз бирмунча тораяди. Э унлиси сўзнинг бошида ва очиқ бўғинларда келса, очиқроқ талаффуз этилади: *эт, эҳсон, этик, негиз, секин, мева, мерос, зерикмоқ* каби. Бир бўғинга мансуб икки ундош орасида келса, бир оз ёпиқроқ айтилади: *мерган, келтир, зеҳн, сезгир, тепки, етмииш* каби. Рус тилидан ўзлашган сўзларда **э(е)** унлиси турли бўғинларда келади ва кенг айтилади: *этюд, экскурсия, поэма, аэродром, генерал, вегетация, метеорит* каби.

Ў унлиси — орқа қатор, лаблашган, ўрта кенг унли. Ҳар вақт сўзнинг биринчи бўғинида келади: *бўз, бўй, бўш, дўппи, кўзгу, кўкат, сўлак* каби. Бу унлиниг қаттиқ-юмшоқлиги қандай товушлар билан ёндош кели-

шига боғлиқ: **г, қ, й, ч** товушларидан кейин келса, юмшоқ (олд қатор) унлидек айтилади (*гұзал, гүшт, құчат, күңгил, үйлак, үйргак, үйгирма, чұкма, құклам, гүжа, құсак, каби*), **ғ, қ, х** каби чуқур тил орқа товушларидан олдин ва кейин келганды, қаттиқ (орқа қатор) унлидек айтилади (*тұқай, тұғри, құзи, құлланма, ғұза, ғұра, хұранда, хұroz, бұғин, сұқмоқ, тұхташ, тұғон каби*). Бу унли сұзниң очиқ бүғинида кенгроқ (күкат, тұқай, пүчоқ, құза, құланка, жұжа, дүкөн каби), ундошлар орасида ёпиқ бүғинларда эса торроқ (күклам, тұлқин, сұқмоқ, тұплам, үйқи, құчкор каби) талаффуз этилади.

а унлиси — олд қатор, лаблашмаган, кенг унли. Унинг айтилишида лаблар керилиб, тилнинг олдинги қисми пастга тушады, учи эса пастки тишиларга яқинлашади. Бу унли сұзниң ҳар қандай бүғинида кела олади: *аланга, безак, газдар, дада, калава, кураш, манзара, пакана, араз, вазифа, жасур, маданият* каби. Чуқур тил орқа ундошлари **ғ, қ, х** билан ёндош келганды, тил орқага тортилиб, учи пастки тишиларга яқинлашади ва орқа қатор унлига мойил бўлади: *ақл, васиқа, дақиқа, мақола, ҳалқ, ғалла, гайрат, хавф, қарға, ғарам* каби. Рус тили орқали қабул қилинган байнамиллал сұзларда ҳам орқа қатор унлига мойил айтилади: *аванс, аппарат, астроном, атом, максимум, натура, папка* каби.

о унлиси — орқа қатор, лаблашган, кенг унли. Унинг айтилишида тил ичкарига тортилади, тилнинг учи тишилардан узоқлашади, пастки жағ эса туширилади. Сұзниң барча бүғинида кела олади: *бозор, бола, обод, овоз, ҳикоя, құзычоқ, олчазор, матбуот* каби. Чуқур тил орқа ундошлари **ғ, қ, х** билан ёндош келганды эса қаттиқ (орқа қатор) унлига мойил айтилади: *соғ, соғин, оғриқ, ғор, қоронғи, қогоз, қозон, соқол, оқсоқ, охир, сохта, хол, хона* каби. Рус тилидан ўзлаштирилган сұзларда **о** ҳарфи русча унли товушни билдиради: *том, ток, орден, норма, роль, обзор, образ, композитор, бетон, окоп* каби.

24- §. е, ё, ю, я графемалари. Ҳозирги ўзбек адабий тилида унли товушлар ёзууда, олтита ҳарфдан ташқари, **е, ё, ю, я** графемалари орқали ҳам ифодаланади. Бу ҳарфлар таркибида **й** ундоши бўлган товуш бирикмаларини (**е=й+ә, ё=й+օ, ю=й+ү, я=й+а**) билдиради. **е, ё, ю, я** графемалари кўпинча бўғин боши-

да ёки ўзи бўғин бўлиб келади: *елкан*, *елка*, *объект*, *разъезд*, *ёдгор*, *ёмгир*, *музёрап*, *дунё*, *бўёқ*, *ютуқ*, *юрт*, *юксак*, *қуюқ*, *қуюн*, *уюшиқ*, *интервью*, *якка*, *ялла*, *муайян*, *назария* каби. Рус тили орқали қабул қилинган сўзларда ўзидан олдин келган ундошларнинг юмшоқлигини кўрсатишга хизмат қилади: *актёр*, *режиссёр*, *монтажёр*, *рюмка*, *сюжет*, *брююра*, *заряд*, *наряд*, *разряд* каби.

УНДОШ ТОВУШЛАР ТАСНИФИ

25- §. Узбек адабий тилида 25 та ундош товуш бор. Ундош товушларни ҳосил қилишда ўпкадан чиқаётган ҳаво оқими нутқ аъзоларининг бирор ерида юзага келган тўсиқдан ўтиши, яъни нутқ аъзоларининг бир-бирига жипсланиши натижасида шовқин пайдо бўлади, ўпкадан чиқаётган ҳаво эса уни ёриб ўтиши ёки нутқ аъзоларининг бир-бирига жуда яқинлашиши, ҳавонинг жуда тор оралиқдан сирғалиб ўтиши натижасида ундош товушлар ҳосил бўлади.

Ундош товушларни тасниф қилишда қўйидагилар ҳисобга олинади:

1) ун пайчаларининг ҳаракати ва ҳолатига кўра овоз ва шовқиннинг иштирок этиши;

2) артикуляция усули (товушнинг ҳосил бўлиш усули);

3) нутқ аъзоларида тўсиқнинг пайдо бўлиш ўрни.

26- §. Овоз ва шовқиннинг иштирокига кўра ундош товушлар сонорлар ва шовқинлиларга бўлинади.

Сонор (латинча *sonorus* — «овоз», «оҳангли») ундошларнинг талаффузида овоз пайчалари титраб, шовқинга нисбатан овоз кўпроқ ҳосил бўлади: **м, н, һ, (нг), л, р**. Шовқинли ундошларда эса овозга нисбатан шовқин кўпроқ бўлади: **т, к, ш, ч** каби.

Шовқинли ундошлар ўз хусусиятига кўра икки хил: жарангли ундошлар ва жарангсиз ундошлар.

Жарангли ундошларнинг айтилишида шовқинга қисман овоз ҳам қўшилади, чунки бу товушларнинг ҳосил бўлишида овоз пайчалари қатнашади. Жарангсиз ундошлар эса, асосан, шовқиндан иборат бўлади, чунки уларнинг талаффузида овоз пайчалари қатнашмайди. Узбек тилида жарангли ундошларнинг кўпига жарангсиз ундошлар жуфт бўлади:

Жарангли	б	в	д	з	ж	г	ж	ғ	й	-	-	-
Жарангсиз	п	ф	т	с	ш	к	ч	х	*	ң	,қ	ҳ

* Ҳарф бўлмаса ж ёки ч

27- §. Товушнинг ҳосил бўлиш усулига қараб ундош товушлар учга бўлинади: 1) портловчи товушлар; 2) сирғалувчи товушлар, 3) қоришиқ товушлар. Сонорлар эса, ўз навбатида, бурун товушлари, ён товуш ва титроқ товушга бўлинади.

Портловчи ундошлар талаффузида нутқ аъзолари бир-бирига жисплашади ва ҳаво оқими уларни ёриб (портлаб) чиқади: б, п, д, т, г, к, қ каби.

Сирғалувчи ундошларнинг талаффузида нутқ аъзолари бир-бирига жуда яқинлашади ва ҳаво оқими шу аъзоларга ишқаланиб чиқади: в, ф, з, с, ж, ш, й, ҳ, ғ, қ, ҳ.

Қоришиқ ёки аффрикат ундошларнинг талаффузи икки хил усул (бошланишида портлаш, охирида сирғалиш) иштирокида ҳосил бўлади: ч=t+ш, ж=d+ж, ц=c+s.

Бурун ундошларининг (*м, н, ң*) талаффузида кичик тил салгина пастга тушиб, ҳаво оқими бурун бўшлиғидан ўтади.

Лундоши ён товушлар. Унинг айтилишида тилнинг учи милкка тегиб, икки ёни салгина пасаяди ва бўшлиқ қолади, ҳаво оқими шу ердан сирғалиб чиқади. Рундошининг айтилишида ҳаво оқимининг таъсири билан тил учи титрайди, айни вақтда нутқ аъзолари тез-тез жисплашади, ана шу жисплashiшлар оралиғида ҳаво оқими чиқади. Шунга кўра Р титроқ товуш ҳисобланади.

28- §. Нутқ аъзоларида тўсиқнинг пайдо бўлиш ўрнига қараб ундош товушлар учга бўлинади: 1) лаб ундошлари; 2) тил ундошлари; 3) бўғиз ундоши.

Лаб ундошларининг ҳосил бўлишида пастки ва устки лаблар фаол иштирок қиласади. Лаб ундошлари, ўз навбатида, лаб-лаб ундошига ва лаб-тиш ундошига бўлинади.

Лаб-лаб ундошлари икки лабнинг фаол иштирокида ҳосил бўлади: **б, в, м, п** (в товуши рус тилидан ўзлашган сўзларда лаб-тиш ундошига мойил).

Лаб-тиш ундоши пастки лаб билан устки тишлар иштирокида ҳосил бўлади: **ф**.

УНДОШ ТОВУШЛАР ТАСНИФИ

Овоз ва шовқининг иштироқига кўра	Хосил бўлиш усулига кўра	Хосил бўлиш ўрнига кўра						Бўғиз товуш	
		Лаб товушлари		Тил товушлари					
		лаб-лаб	лаб-тиши	тил олди	тил ўрта	тил орқа			
Шовқилицлар	Жарангли	Портловчи-лар	б		д		г		
			п		т		к	қ	
	Жарангли	Сирғалувчи-лар	в		з, ж	й		ғ	
	Жарангли		ф	с, ж				х	
	Жарангли	Қоришиқ товушлар			ж				
	Жарангли				ч, ц				
Сонорлар	Жарангли	Бурун товушлари	м		н		н (нг)		
		Ён товуш			л				
		Титроқ товуш			р				

Тил ундошлари тилнинг қайси қисми фаол ҳаракат қилишига қараб учга бўлинади: 1) тил олди ундошлари; 2) тил ўрта ундоши; 3) тил орқа ундошлари. Тил олди ундошлари тил учи ёки олд қисми билан миљк ва юқори тишлар иштироқида ҳосил бўлади: д, т, л, н, р, з, с, ш, ж, ч, ц, ж.

Й товуши тил ўрта ундоши бўлиб, тил ўрта қисми нинг қаттиқ танглай томон кўтарилиши асосида ҳосил бўлади. Тил орқа ундошлари (г, к, н (нг), қ, ғ, х) ҳосил бўлиш ўрнига кўра икки хил. Тил орқа қисмининг юмшоқ танглайга тегиши натижасида ҳосил бўлган г, к, н (нг) товушлари саёз тил орқа ундоши дейилади. Тил илдизи билан юмшоқ танглайнинг орқа қисми иштироқида ҳосил бўлган ғ, қ, х товушлари чуқур тил орқа ундоши дейилади.

Бўғиз ундоши (**ҳ**) ҳаво оқимининг бўғиз бўшлиғига ишқаланиб ўтиши натижасида ҳосил бўлади. Фонетик транскрипцияда унли ва ундош товушларни ифодалаш учун қўйидаги белгилар ишлатилади:

Транскрипцион ҳарфли белги	Қандай товушни ифодалайди	Адабий орфографик шакл
и	олд қатор, лаблашмаган, тор унли: <i>кәтти, бир</i>	и
ы	орқа қатор, лаблашмаган, тор унли: <i>қызыл, қолды</i>	и
ъ	олд қатор, лаблашмаган, оралиқ унли: <i>бъз, къишъ</i>	и
ь	орқа қатор, лаблашмаган, оралиқ унли: <i>қъз, мъх</i>	и
е	олд қатор, лаблашмаган, тор унли: <i>бер, кел</i>	э (е)
э	олд қатор, лаблашмаган, очиқ унли: <i>энки, кэрәк</i>	э (е)
ә	олд қатор, лаблашмаган, э нинг очиқ варианти: <i>гәл, нәмесъ</i>	ә (е)
ә	олд қатор, лаблашмаган, кенг унти: <i>тәрәк, бъләк</i>	а
а	орқа қатор, лаблашмаган, кенг унли: <i>қаны, қанча</i>	а
ɔ	орқа қатор, лаблашган, кенг унли: <i>әдам, тәл</i>	о
θ	олд қатор, лаблашган, ўрта кенг унли: <i>көргән, кок</i>	ӱ
օ	орқа қатор, лаблашган, ўрта кенг унли: <i>бол, тоғон</i>	ӱ
ү	олд қатор, лаблашган, тор унли: <i>гул, кул</i>	ү
у	орқа қатор, лаблашган, тор унли: <i>кулжек, чуқур</i>	ү
н	тил орқа, бурун товуши: <i>кән, тинле</i>	нг
ж	тил олди, қоришиқ товуш: <i>жожа, жән</i>	ж
:	унлидан кейин қўйилиб, унинг чўзиқлигини билдиради.	
>	Бир шаклининг бошқа шаклга ўтиш ҳодисасини билдиради.	
<	Еир шаклининг бошқа шаклдан келиб чиққашилигипи билдиради.	
	Икки фактнинг параллел қўлланишини кўрсатади.	
/ва ~)	Таққослаш, форманинг вариантларини кўрсатади.	
()	Шарт бўлмаган, тушиб қоладиган элементни кўрсатади.	

Бундан ташқари, ҳозирги замон тильтунослигига лотини графикаси асосидаги халқаро фонетик транскрипция ҳам ишлатилади: а (a), ә (ä), і (и), е (э), ё (ө), ү (ү), ў (ў), б (б), в (в), ф (ф), д (д). 1 (л), ғ (р), с (с), т (т) каби.

СУЗНИНГ ФОНЕТИК ТУЗИЛИШИ

29- §. Узбек тилининг фонетик бирликлари. Нутқ оқими оҳанглар занжиридан иборат бўлиб, фраза, сўз, бўғин, товуш каби қисмларга бўлинади. Булар нутқнинг фонетик бирликлари дейилади.

Фраза энг катта фонетик бирлик, интонацион бутунлик бўлиб, мазмунан тугал фикрни англатади, бошқа фразадан тўхтам орқали ажратилади. Фраза гапга тенг келади.

Такт (ёки синтагма) фразанинг бир қисми бўлиб, бир фонетик чўққига бирлашган бир неча сўздан ёки бир сўздан иборат бўлади, фразанинг бошқа қисмидан яrim тўхтам билан ажратилади.

Такт, одатда, сўзлардан ташкил топади. Сўз фонетик жиҳатдан яна ҳам майда қисмга — бўғинларга бўлинади. Бўғин эса товушлардан ҳосил бўлади.

Бўғин

30- §. Бир нафас зарби билан айтиладиган бир ёки бир неча товуш бўғин дейилади. Акустик жиҳатдан бўғин нутқнинг товуш парчаси бўлиб, унда бир товуш бошқаларидан жааранглилиги билан ажралиб туради. Бундай товушлар бўғин ҳосил қилувчи товуш ҳисобланади. Одатда, унлилар бўғин ҳосил қилувчи товуш бўлади. Ҳар бир бўғин таркибида, албатта, бир унли товуш қатнашади. Сўзнинг бўғинларга ажралиши унинг таркибидаги унлиларнинг миқдорига қараб белгиланади: *бо-ла, ки-тоб, тан-та-на, у-ка, қўл-ёз-ма, тонг, съезд, старт* каби. Ундошлар эса бўғин ҳосил қилмайдиган товушларга киради, бўғин ҳосил қилишда улар ҳар вақт унли билан ёнма-ён келади ёки умуман қатнашмайди. Бўғин таркибида ундошлар миқдори турлича бўлади: *беш, барг, грин, грамм, цент-нер, шарқ-шу-нос* каби.

31- §. Тузилиш жиҳатидан бўғиннинг энг асосий типлари қўйидагича:

1. Бир унлидан иборат: *о-та, ў-қи, а-ка, до-и-ра, а-ви-а-ци-я* каби.

2. Бир унли ва бир ундошдан иборат. Бу типдаги бўғинлар: а) унли ва ундошдан тузилади: *от, иши, ол, аб-жир, ин-сон, ус-тоз* каби; б) ундош ва унлидан тузилади: *да-ла, та-ро-на, до-на, иши-ла, зи-на, до-ри-хона, ло-ла* каби.

3. Бир унли ва икки ундошдан иборат. Бу турдаги бўғинлар уч кўринишга эга: а) ундош+унли+ундош: *куч, қош, кел-моқ, мак-таб, нав-бат, тақ-сим*; б) унли+икки ундош: *ақл, илм, уст, эрк, онт, бе-ақл*; в) икки ундош+унли: *три-бу-на, фра-за, ста-кан, пла-нер, хрони-ка* каби.

4. Бир унли ва уч ундошдан иборат. Бу хил бўғинлар: а) ундош+унли+икки ундошдан: *бахт, қирқ, дарахт, ҳам-дард, пой-тахт, а-ванс, жанр, лутф*; б) икки ундош+унли+ундошдан тузилади: *хлор, хром, трас-са, трак-тор, слёт, стол* каби.

5. Бир унли ва тўрт ундошдан иборат. Бу тур бўғинлар: а) икки ундош — унли — икки ундошдан: *штамп, шрифт, трест, пресс, спорт, стенд ҳамда* б) ундош — унли — уч ундош ёки уч ундош — унли — ундошдан ташкил топади: *текст, пункт, структура, стрелка, склад, стреп-то-цид* каби.

Тўртинчи (иккинчи тури) ва бешинчи турдаги бўғинлар кўпинча рус тили орқали ўзлашган сўзларда учрайди.

Унли ёки ундош билан тугашига қараб бўғин икки хил бўлади: 1) очиқ бўғин; 2) ёпиқ бўғин.

Очиқ бўғин унли билан тугайди ёки унлидан иборат бўлади: *ма-са-ла, да-ла, шо-и-ра, хо-ти-ма, во-ли-да, о-би-да* каби. Ёпиқ бўғин эса ундош билан тугайди: *де-ҳ-қон, иши-чан, бул-бул, Тош-кент, гул-зор, ҳам-қиши-лоқ* каби.

Ургу

32- §. Икки ва ундан ортиқ бўғинли сўзларда бир бўғиннинг бошқаларига нисбатан кучлироқ оҳанг билан айтилиши *урғу* дейилади. Ургули бўғин одатда кўп бўғинли сўзларга нисбатан белгиланади. Бундай ургулар сўз ургуси дейилади. Масалан: *Қорлӣ тоғлар турар босида, Гул водийлар яшнар қошида*. (Ҳ. О.)

Ургули бўғиндаги унли кучлироқ оҳанг билан аниқ талаффуз этилиши жиҳатидан ургусиз унлилардан ажралиб туради. Жумладан, охирги бўгинига ургу тушган кўп бўғинли сўзларда талаффуз оҳангি кейинги бўғин-

га қараб аста-секин кучайиб боради: *муаллым*, *Музаффар*, *англашилмовчилик*, *абадийлаштириш*, *ватанпарварлык* каби.

Ўзбек тилида урғу динамик бўлиб, кўпинча сўзнинг охирги бўғинига тушади: *ота*, *китоб*, *каттат*, *бино*, *қишилoқ*, *ўқувчӣ*, *муҳаббат* каби. Сўзга аффикслар қўшилиши билан урғу ҳам кейинги бўғинга кўчиб боради: *ота* — *оталар*, — *оталаримиз*, *бино* — *бинокор* — *бинокорлар* — *бинокорларнинг*, *қишилoқ* — *қишилогунг* — *қишилогингиздá* каби.

Бу умумий қоидага мос келмайдиган ҳолатлар, яъни урғу охирги бўғинга эмас, балки олдинги бўғинга тушадиган сўзлар ҳам анчагина:

1) келиб чиқиши жиҳатидан араб ва тоҷик тили билан боғлиқ бўлган *дом*, *ҳозир*, *албатта*, *ҷӯни*, *аммо*, *ҳатто*, *лекин*, *бáзви*, *бáзван* каби равиш, ёрдамчи ва модал сўзларда;

2) *ҳамма*, *бárча*, *қáнча*, *қáндаи*; *аллаким*, *алланима*, *аллақанча*, *кýмдир*, *қачондир*, *ҳár ким*, *ҳár қачон*, *ҳár қайси*, *ҳéч нима*, *ҳéч қандай*, *ҳéч қайси* сингари олмошларда.

Уч ва ундан кўп бўғинли сўзларда бош (асосий) урғу ва иккинчи даражали урғу ажратилади. Бош урғу охирги бўғинга, иккинчи даражали урғу эса биринчи ёки иккинчи бўғинга тушади: *тантанá*, *ўқитувчӣ*, *қишиломийз*, *ёзувчӣ*, *пахтакор* каби.

33- §. Сўзга қўшимча қўшилганда, урғу шу қўшимчага кўчади. Шу билан бир қаторда, урғу олмайдиган аффикслар ҳам бор. Бу вақтда урғу шу аффиксдан олдинги бўғинда қолади. Урғу олмайдиган аффиксларга қўйидагилар киради:

1. Биринчи группа тусловчи аффикслар (шахс-сон аффиксининг тўлиқ шакли): *ўқийман*, *ўқийсан*, *ўқиганман*, *ўқигансан*, *келарман*, *келарсан*, *ёзувчиман*, *ёзувчисан*, *ёзувчимиз*, *ёзувчисиз* каби.

2. Доналик ва чама сон ясовчи **-та**, **-тача** аффикслари: *бёшта*, *саккизта*, *ўнта*, *еттитача*, *ўнтача*, *ўн бёштатача* каби.

3. Равиш ясовчи **-ча**, **-дек**, **-дай** аффикслари: *болача*, *йигитча*, *мардларча*, *қаҳрамонларча*, *отдек*, *бидек*, *гулдай*, *пахтадай*, *қордай* каби.

4. Феълнинг бўлишсиз шаклини ясовчи **-ма** аффикси: *кёлма*, *ишлама*, *ўқима*, *бóрма*, *кётма* каби.

Аффикслардан ташқари, -у (-ю), -ку, -ми, -чи, -ок (-ёқ), -да, -гина (-кина, -қина) каби юкламалар ҳам урғу олмайды; *Мени танимаяпсизми? Қосым темирчининг ўғлыман-ку!* (О.) Келдý-да, кетди, *Саодат буви аста кўзларини юмдý-ю*, бир зумгина тўхтаб қолди. (М.И.) *Хўп, қаерда кўргансан, айт-чи?* (М. Исм.)

Русча-байналмилал сўзларнинг урғуси ўзича сақланади: *лекция, роман* каби. Аммо бу сўзларга урғули аффикслар қўшилганда, урғу шу аффиксларга кўчади: *лекциядáн* каби.

34- §. Узбек тилида урғу асосан гап таркибидаги сўзларни бир-биридан ажратишга хизмат қиласди. Шу билан бир қаторда, баъзан сўзни ёки сўз шаклларини бир-биридан фарқлашгача ҳам ёрдам беради. Жумладан, урғу шаклан бир хил *тайтиладиган* сўзларнинг маъноси ва грамматик шаклини аниқлашгача хизмат қиласди. Бу эса қуийдагича:

1. *Олма, бўлма, тўқўма, улама* (феълнинг бўлишсиз формаси), *олмá* (меванинг тури), *бўлмá* (жой оти), *тўқима, уламá*, (сифат: *тўқима гап, улама соч*).

2. *Янгй, ҳозир* (сифат); *янги, ҳозир* (равиш).

3. Учувчимиз, ёзувчимиз — шахс-сон аффикси (*Биз ўқувчимиз, Биз ёзувчимиз*); *учувчимиз, ёзувчимиз* — эгалик аффикси (*бизнинг учувчимиз, бизнинг ёзувчимиз*) каби.

35- §. Узбек тилида, сўз урғусидан (лексик урғудан) ташқари, *гап урғуси, логик урғу* ҳам бор. Логик урғу гапда бирор бўлакни бошқасига нисбатан кучлироқ айтиш орқали ажратиб кўрсатишга хизмат қиласди. Масалан: *Поёнсиз чўлда ҳаёт тантана қиларди. Поёнсиз чўлда ҳаёт тантана қиларди. Поёнсиз чўлда ҳаёт тантана қиларди.* Мисолларда ҳаракат, ҳукм қарашли бўлган предмет, ҳаракат ўрни ва унинг белгиси алоҳида ажратиб кўрсатилган, дикқат шу сўзларга қаратилган.

СУЗ ТАРКИБИДАГИ ФОНЕТИК УЗГАРИШЛАР

36- §. Сўз таркибидаги фонетик ўзаришлар асосан товушларнинг ўзаро бир-бирига таъсири натижасида юз беради. Сўзларни талаффуз қилиш жараёнида унлилар, жарангли ва жарангсиз ундошлар маълум фонетик қонуният асосида бир-бирига ўхшашлик ёки ноўхшашлик

томун ўзгаради, натижада комбинатор ва позицион товуш ўзгаришлари вужудга келади.

Сўз таркибидаги юз берадиган фонетик ўзгаришларга сингармонизм, ассимиляция, диссимилляция, метатеза, товуш тушиши, товуш қўшилиши, товуш ўзгариши кабилар киради.

37- §. Сингармонизм (юонча sun —«бирға» ва harmonia —«оҳангдошлиқ»). Сўз таркибидаги унли товушларнинг (шунингдек, қисман ундошларнинг) ўзаро бирбири билан оҳангдош бўлиши, уйғунлашиши сингармонизм дейилади. Сингармонизм икки кўринишга эга: а) танглай гармонияси; б) лаб гармонияси.

Танглай уйғунлигига кўра сўз таркибидаги унлилар олд қатор (тил олди) ёки, орқа қатор (тил орқа) унлилар бўлади ҳамда юмшоқ-қаттиқлик жиҳатидан ўзаро уйғунлашади. Жумладан, сўзниг асосида олд қатор унли бўлса, унга қўшиладиган аффиксларда ҳам олд қатор унли келади (бундай сўзлар таркибидаги чуқур тил орқа ундошлари қатнашмайди); *кәчалари*, *кәтасиз*, *кэламан*, *эчкига*, *ишилаймиз* каби. Аксинча, сўзниг асосида орқа қатор унлилар бўлса, кейинги бўғинларда ҳам шунга мос равишда орқа қатор унлилар келади (Бундай сўзларда чуқур тил орқа ундошлари қатнашади): *қышлоқда*, *қырқынчи*, *йығладынг*, *қырғоқ* каби. Демак, танглай уйғунлиги юмшоқ-қаттиқлик, тил олдилик-тил оралик ҳодисасига асосланган оҳангдошлиқ ҳисобланади.

Сингармонизмнинг иккинчи кўриниши лаб уйғунлиги бўлиб, сўз таркибидаги унлиларнинг лаблашган-лаблашмаганилиги жиҳатидан оҳангдош бўлиши ҳисобланади, яъни асосда келган лаблашган унли аффиксларда ҳам лаблашган унлининг келишини талаб қиласди. Бу вақтда унлиларнинг тил олдилик ва тил орқалик жиҳатидан мослашганлиги сақланган бўлади. Бу ҳодисалар бошқа туркий тиллар учун ва сингармонизм ҳодисаси сақланган ўзбек шевалари учун хосдир. Лекин уларда ҳам бир хил ҳолатда эмас, айримларида кучлироқ, баъзиларида бир оз кучсизроқ тарзда сақланган. Ҳозирги ўзбек адабий тилида ва адабий тилга асос бўлган етакчи шаҳар шеваларида танглай уйғунлигига ҳам (*борди*, *келди*, *яшироқ*, *каттароқ* каби), лаб уйғунлигига ҳам (*кўзинг*, *кўнглим*, *бўғин*, *тилинг*, *кўрдим*, *ўттиз* каби) риоя қилинмайди.

38- §. Ассимиляция (лот. *assimilatio* — «ўхшашлик»). Артикуляция жиҳатидан сўз таркибидаги товушларнинг ўзаро бир-бирига таъсири асосида вужудга келган ўхшашлик *ассимиляция* дейилади. Ассимиляция ўз хусусиятига қараб икки хил бўлади: 1) прогрессив ассимиляция, 2) регрессив ассимиляция.

Прогрессив ассимиляцияда олдинги товуш кейинги товушни ўзига ўхшатади: *кетди* — *кетти*, *отдан* — *оттан*, *эшикга* — *эшикка*, *қочди* — *қочти* каби.

Регрессив ассимиляцияда кейинги товуш олдинги товушни ўзига ўхшатади: *түзсиз* — *түссиз*, *тўқсон* — *тўхсон*, *атлас* — *аллас*, *бирла* — *билла*, *тутча* — *тучча* каби.

Ассимиляция тўлиқ (товушлар бир-бирига айнан ўхшаш) бўлади: *тилакга* — *тилакка*, *отни* — *отти*, *тушин* — *түссин* каби; тўлиқсиз (товушлар бир-бирига қисман ўхшаш) бўлади: *оқшом* — *оҳшом*, *ҳадсиз* — *ҳатсиз*, *мақтамоқ* — *маҳтамоқ* каби.

39- §. Диссимилияция (лат. *dissimilatio* — «ноўхашлик»). Бир хил товушларнинг ўзаро таъсири остида вужудга келган ноўхашлик *диссимилияция* дейилади. Диссимилияция ассимиляциянинг акси, лекин ассимиляцияга қараганда камроқ учрайди: *зарар* — *зарал*, *зарур* — *зарул* — *зарил* каби.

40- §. Метатеза. Сўз таркибидаги ундошларнинг ўзаро ўрин алманиниши *метатеза* дейилади: *аҳвол* — *авҳол*, *дарё* — *дайро*, *ёғмир* — *ёғмир* (*ёғмур*), *турпоқ* — *турпоқ* каби.

41- §. Ўзбек тилида товуш тушиши, товуш қўшилиши, товуш ўзгариши билан боғлиқ бўлган турлича фонетик ўзгаришлар ҳам учрайди:

а) сўзнинг бирор ерида товуш тушиб қолади. Сўзнинг бошида товуш тушиб қолиши *прокона* дейилади: *ёғоч* (*йоғоч*) — *оғоч*, *ийгна* — *игна*, *ийринг* — *иринг* каби. Сўз ўртасида товуш тушиб қолиши *シンкопа* дейилади: *бўйин* — *бўйни*, *пастқам* — *пасқам*, *сингил* — *сингли* (*си*), *пўстдумба* — *пўсдумба*, *бурун* — *бурни*, *қорин* — *корнинг* каби. Сўзнинг охирида товуш тушиб қолиши *апакона* дейилади: *рост* — *рос*, *хурсанд* — *хурсан*, *газета* — *газет* — *газит*, *гўшит* — *гўш*, *Тошкент* — *Тошкең* каби. Бу ҳодисалар сўз таркибидаги айрим товушларнинг маълум фонетик шароитларда талаффуз қилинмаслиги натижасида юз беради.

б) Товуш қўшиш ҳодисаси ҳам сўз бошида (протеза): *стакан* — *истакан*, *стол* — *устол* — *устал*; сўз ўтара-

сида (эпентеза): *группа* — *гурппа*, *ilm* — *илим*, *оид* — *оид*; сўз охирида (эпитеза): *отпуск* — *отпуска*, *бланк* — *бланк*, *киоск* — *киоска* каби юз беради. Бу ҳодисалар сўзлашув нутқига хос.

в) Товуш ўзгариш ҳодисаси маълум сўзга баъзи ясовчи аффикслар қўшилиши натижасида ҳам юз беради: *сон* — *сана* — *саноқ*, *сайла* — *сайлөв*, *от* — *ата* — *атоқли*, *чанқа* — *чанқоқ* каби.

ФОНЕМА ҲАҚИДА ТУШУНЧА

42- §. Фонология (грекча *phone* — «товуш», «ковоз», *logos* — «таълимот») тил ҳақидаги фаннинг алоҳида бўлими бўлиб, нутқ товушларининг сўз ва морфемаларни бир-биридан фарқлаш вазифасини ўрганади. Нутқ товушларини фонологик жиҳатдан текшириш тилшуносликда муҳим ўрин тутади. Нутқ товушларини физиологик-акустик томондан ўрганиш фонология билан узвий боғлиқ.

Фонология нуқтаи назаридан нутқ товушлари **фонема** деб юритилади. Фонема энг кичик тил бирлиги бўлиб, сўзларни, морфемаларни ўзаро фарқлашга хизмат қиласди.

Маълумки, тилдаги сўзларнинг ва морфемаларни товуш таркиби турличадир (омонимлар бундан мустасно). Масалан, *биз*, *без* ва *бўз* каби сўзларда *и*, *е*, *ў* фонемалари шу сўзларни товуш состави жиҳатидан фарқлашга хизмат қиласди. *Боғ* сўзида учта фонема (*б*, *о*, *ғ*) бўлиб, уларнинг ҳар бири сўз фарқлаш вазифасини баъзаради: *боғ* — *тоғ*, *боғ* — *буғ*, *боғ* — *бол* каби. *Бола* — *лола* — *хола* — *тола*, *озод* — *обод*, *нафас* — *нағис*, *расм* — *разм* ҳамда *кўр* — *кўрк* — *кўқ*, *авж* — *мавж*, *базм* — *азм*, *жаз* — *жазм* кабиларда ҳам фонемалардан бирининг бошқача бўлиши ҳамда у ёки бу фонеманинг бор-йўқлиги орқали сўзлар бир-биридан ажралади. *Дил* ва *тил*, *гул* ва *кул*, *ғўр* ва *қўр* кабиларнинг товуш таркиби ҳам уларнинг бошқа-бошқа сўз эканлигини кўрсатади.

Демак, фонема сўз ва морфемаларнинг товуш таркибидаги фарқни кўрсатишга хизмат қиласди, шу орқали уларни фарқлайди, аммо бу фарқнинг хусусиятини, унинг туб моҳиятини очиб бермайди.

43- §. Фонеманинг товушга ва товушнинг фонемага муносабати турлича бўлади. Барча фонемалар товуш

ҳисобланади, аммо ҳар бир нутқ товушини фонема деб бўлмайди. Жумладан, *n* ва *t* ундошлари *пуч*, туз сўзларида алоҳида фонема саналади. Шу ундошлар *шапкўр* (*шабкўр*), *шамишот* (*шамишод*) сўзларида талафуз жиҳатидан алоҳида товуш бўлса ҳам, лекин фонема эмас, улар жарангиз товуш билан ёндош ҳолда ёки сўз охиралида жарангизлашиб, *b*, *d* фонемаларининг варианти бўлиб келган. Шунинг учун фонеманинг хусусиятини аниқлашда товушнинг сифати томонидан мустақил ёки тебе ҳолатини ҳисобга олиш лозим. Товушнинг мустақил ҳолати алоҳида фонемани ҳосил қиласди. Тобе ҳолатдаги товуш эса мустақил фонемани ҳосил қилмайди, балки муайян бир фонеманинг турлича кўриниши ҳисобланади.

Тилда фонемаларнинг сони анча чегараланган, нутқ товушларининг миқдори эса чегаралмаган бўлади. Чунки бир фонеманинг ўзи қаерда ва қандай ўринда келишига қараб бир қанча товуш вариантларига эга бўлиши мумкин.

44- §. Ҳар бир фонема ўзининг турлича ўринда келиши билан боғлиқ бўлмаган доимий белгиларига эга. Жумладан, унли фонемаларнинг доимий белгиларига тилнинг тик ҳаракатига кўра кўтарилиш даражаси ва

Унли фонемаларнинг доимий белгиларини кўрсатувчи жадвал

Унли фонемалар	Тилнинг кўтарилиш даражасига кўра			Лабнинг иштирокига кўра	
	юқори	ўрта	қўйи	лаблашган	лаблашмаган
<i>u</i>	+				+
<i>y</i>	+			+	
<i>ə (e)</i>		+			+
<i>ø</i>		+		+	
<i>a</i>			+	+	+
<i>o</i>			+	+	

Үндөш фонемаларынг доимий белгиларини күрсатувчи жадвал

Үндөш товуш	Овоз ва шөвкнүү интироқига күра					Хосил бўлиш усулига кўра					Хосил бўлиш ўрнига кўра					Бўғиз товуши		
	Солгортар	Шөвқинчлар	Жараганги	Жарагансиз	Портловчилар	Сиржалувчилар	Коринчилар	Бурун товуши	Ҷи товуш	Титрок товуш	Лаб-тавушлари	Лаб-тиши	Тил-олди	Тил ўрга	Сайз	Тил орқа	Чунур	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	12	12	13	13	15	16	17	18	
б		+	+		+						+							
п		+		+	+						+							
в		+	+			+					+							
ф		+	+			+						+						
д		+	+		+								+					
т		+		+	+								+					
з		+	+			+							+					
с		+		+		+							+					
ж		+	+			+							+					
ш		+		+		+							+					
ѓ		+	+			+								+				
к		+		+	+									+				
ж		+	+				+						+					

	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18
ч			+		+				+					+				
ғ			+	+				+										+
қ			+		+	+												+
й			+	+				+									+	
ц			+		+				+							+		
х			+		+	+												+
ҳ			+		+	+												+
м	+		+						+			+						
н	+		+						+				+					
н, (нг)	+		+	+					+							+		
л	+		+							+			+					
р	+		+								+		+					

лабланган-лабланмаганлиги киради. Тилнинг горизонтал ҳаракатига кўра бўлиниши фонеманинг қаерда ва қандай товушлар билан ёндош келиши билан боғланган, шунинг учун у унили фонемаларнинг доимий белгисига кирмайди.

Ундош фонемаларнинг доимий артикуляцион белгилари деб овоз ва шовқиннинг иштироки, шовқиннинг ҳосил бўлиш ўрни ва усули кабилар ҳисобга олинади.

45- §. Фонеманинг доимий белгилари орасида дифференциал белгилар ажралиб туради. Дифференциал белгилари ҳам доимий, ҳам доимий бўлмаган белгилар билан бўғланган бўлади. Масалан, т фонемасининг дифференциал белгиси жарангсизлик бўлиб, у шу фонемага хос доимий белгидир. Шу билан бир қаторда, т фонемасига хос бир қанча белгиларга эга бўлиб, ундан фақат жаранглилиги билан фарқ қиласидиган бошқа товуш — д фонемаси ҳам мавжуд: *тамба* — *дамба*, *товор* — *дован*, *тик* — *дик* каби.

Икки фонемани ўзаро чоғиштирганда, дифференциал белгилар билан бир қаторда доимий умумий белгилар ҳам ҳисобга олинади. Масалан, *б* ва *д* фонемаларини таққослаганда, уларнинг шовқинли, жарангли ва портловчи эканлиги умумий белгига ҳамда бирининг лаб-лаб ва иккинчисининг тил олди ундоши эканлиги дифференциал белгига киради. *а* ва *и* фонемаларида умумий белги олд қатор, лаблашмаганлик бўлса, қуи кўтарилиш (кенг) ва юқори кўтарилиш (тор) унли эканлиги дифференциал белгидир.

ОРФОЭПИЯ

Орфоэпия ҳақида тушунча

46- §. Адабий тилнинг муҳим хусусияти унинг муайян меъёрга бўйсунишидир. Грамматика ва лексика соҳасида бўлганидек, талаффузда ҳам барча учун умумий бўлган меъёр мавжуд. Бу меъёрдан четга чиқиш ўзаро фикр алмашиш жараёнида ҳар хил қийинчиликлар келтириб чиқаради.

Орфоэпия (грекча *orthos* — «тўғри», *eros* — «нутқ») тилдаги сўз ва унинг қисмларини адабий талаффуз этиш қоидалари тўпламидан иборат. Талаффуз меъёrlари оғзаки нутққа хосдир. Орфоэпия нормалари тилнинг фонемалар системаси билан, фонемаларнинг маълум позициялардаги ўзгаришлари билан боғланган.

Фикр алмашиш жараёнида тўғри талаффуз муҳим аҳамиятга эга. Нутқ маданиятининг бир томони бўлган орфоэпия адабий талаффуз маданиятини оширишга, уни бир системага солишга ёрдам беради. Шуни эслатиш керакки, орфоэпик талаффуз меъёри ўз асосларига эга бўлиб, у тўғри ёзиш меъёrlаридан фарқ қиласиди. Чунки

кўп ҳолларда сўз ва унинг қисмлари қандай ёзилган бўлса, худди шундай талаффуз қилинмайди.

47- §. Орфоэпик талаффуз нормалари адабий тил билан биргаликда шаклланади. Аввалги адабий талаффуз меъёрлари эски ўзбек адабий тили негизида юзага келган эди, кейин эса фан, техника ва маданиятниаг ривожланиши, адабий тилнинг ёзма ва оғзаки шаклларининг бир-бирига яқинлашиши натижасида ўзбек тили адабий талаффузининг янги нормалари ташкил топади. Бу даврда кенг меҳнаткашлар оммасининг сиёсий ҳаётга фаол жалб этилиши, ишлаб чиқаришнинг ижтимоий табиати, халқ маданий савияси тобора ўсиб бориши, умумий саводхонлик, ўрта ва олий мактабларнинг ривожланиши каби омиллар адабий тилнинг кенг халқ оммаси томонидан ўзлаштирилишига шароит яратиб беради. Айниқса адабий талаффузининг кенг ёйилиши ва унинг бирлигини сақлашда радиоэшиттириш ва кино муҳим ўрин тутди. Бу воситалар, мактаб, олий ўқув юртлари ягона адабий талаффузни онғли равишда сингдира боришда, кенг халқ оммаси томонидан ўзбек адабий талаффузи меъёрини ўзлаштиришда жуда катта аҳамиятга эга бўлди.

48- §. Одатда, адабий талаффуз меъеридан четга чиқиши кўпроқ жонли сўзлашув ва маҳаллий шева таъсирида воқе бўлади: *гапни ўрнига гапни ёки гапти, келяпман ўрнига келяппан* талаффуз қилиш каби. Аммо бундай шева шакллари адабий талаффуз доирасига киритилмайди. Талаффузда шева хусусиятларидан қутулиш ва унинг ўрнига эркин равишда шунга мос адабий талаффуз кўнікмаларини ҳосил қилиш учун кўп йиллар иш олиб бориш зарур. Орфоэпиянинг вазифаси ҳам адабий талаффуздан ана шундай чекинишларни бартараф этиш ва сўзлашув нутқини содда ва тушунарли алоқа воситасига айлантиришдан иборат. Орфоэпия адабий тилда унли ва ундош товушларнинг айтилиши, сўз ва бўғин, сўз ва сўзниң морфематик таркиби (ўзак морфема ва аффикс)ни ҳамда сўз бирикмалари талаффуз меъёрини белгилайди.

Унлилар орфоэпияси

49- §. Сўз ва бўғинларнинг тузилиши ва таркибига кўра ўзбек орфоэпияси системасида унли товушлар турлича талаффуз этилади. Булардан энг муҳимлари қуидагилардан иборат:

и унлиси сўздаги бўғинларнинг тузилиши ва қандай ундошлар билан ёнма-ён келишига қараб ҳар хил айтилади. Адабий талаффуз меъёрларига кўра *и* унлиси қўйидагилар билан фарқланади:

1. Сўзниг ёпиқ бўғинларида жуда қисқа талаффуз этилади: *биз, жир, сиз, тиф, қиз, мис, мих, чин* каби. Икки жарангсиз ундош орасида ҳам эшитилар-эшитилмас тарзда қисқа айтилади: *пичан, пишиқ, ситам, киши, сипоҳ, чиқим, шитирламоқ* каби.

2. Сўзниг очиқ ва урғули бўғинларида ҳамда й товушидан олдин ва кейин келса, чўзиқроқ талаффуз қилинади: *дакки, жажжи, зира, сигир, зийрак, сийрак, жиддий, лойиҳа, кейин, майин, кигиз* каби.

3. Саёз тил орқа ундошлари (*г, к*) ва бўғиз ундоши (*ҳ*) билан ёнма-ён келганда, анча юмшоқ айтилади: *бигиз, гирифтор, текис, беҳи, ҳикмат, ҳимоя, ҳикоя, гина, ким, киноя, мискин* каби.

4. Чуқур тил орқа ундошлари билан ёнма-ён келса, қаттиқ талаффуз этилади: *қизиқ, қитиқ, иқрор, миқдор, ғилдирак, ғишит, сигинди, хира, хилват, ихлос, ихчам* каби.

5. Ўзлаштирилган сўзлар бошида, шунингдек, сўз охирида *и* билан э орасидаги товушдек айтилади: *изоҳ — эзоҳ, биҳишт — беҳишт, фируз — феруз, ижод — эжод, келди — келдэ, борди — бордэ, ёзди — эздэ* каби.

6. *ои* унлиларининг айтилишида бу товушлар орасига қисқа й товуши қўшиб талаффуз қилинади: *оид — оийд, қоидда — қойида, фоиз — фойиз, тоифа — тойифа, доир — дойир, жоиз — жойиз, коинот — койинот* каби.

У унлиси талаффуз қилиниши жиҳатидан қўйидагилар билан ажралиб туради:

1. Жарангсиз ундош товушлар билан ёнма-ён келса, қисқароқ айтилади: *куч, тухум, тус, қуруқ, тук, тушикун, сунур, сучук, сутун* каби.

2. Очиқ бўғинда, жарангли товуш ёнида ва сўзниг кейинги бўғинида чўзиқроқ талаффуз этилади: *муаллим, зуҳра, зуҳур, музика, номаълум, ташаббус, маҳрум* каби. Рус тилидан ўзлаштирилган сўзларда юмшоқ ва чўзиқроқ айтилади (бунда *ю* ҳарфи ёзилади): *бюджет, революция, алюминий, июнь* каби.

3. Саёз тил орқа (*г, к*), бўғиз (*ҳ*) ҳамда й товушлари билан ёндош келса, бирмунча олдроқ ва юмшоқ

талаффуз қилинади: *гувоҳ, гулғун, гумон, курак, кузак, кундуз, ҳукм, ҳунар, юлдуз* (*йулдуз*), *юксак* (*йүксак*) каби.

4. Чуқур тил орқа ундошлари (*F, қ, x*) билан ёнма-ён келса, қаттиқ ва орқароқ талаффуз этилади: *ғулғула, ғұнча, ғурур, қудук, құдрат, қулун, хурсанд, хуррам, хусусият* каби.

У унлисисининг *ў, и* тарзида айтилиши адабий талаффуз мейёрига мос келмайди: *мұнис — мұнис, жұмард — жұмард, журнал — жүрнал, тутиң — тутиң, тушун — тушиң* каби.

Бу товуш айриш белгисидан кейин келса, зарб билан ажратиб айтилади: *масъуд, масъул, малъун, машъум* каби.

Э(*e*) унлиси: 1. Бўғин бошида ҳамда сўзнинг очиқ бўғинида чўзиқроқ айтилади: *эллик, эсадалик, эга, эҳтиром, беда, бегумон, семиз, елим* (*йэлим*), *етук* (*йэтук*) каби.

2. Айриш белгисидан олдин келганда ҳам чўзиқроқ талаффуз этилади: *феъл, меъда, неъмат, шеър, эълон, эътибор, эъзоз* каби.

3. Ёник бўғинда икки ундош орасида бирмунча торроқ айтилади: *тез, сезгир, мен, кескин, тепки, кечмоқ, севги, телпак* каби.

4. Жонли сўзлашувда Э(*e*) унлиси баъзан и товуши билан алмаштириб айтилади: *сехр — сиҳр, зеҳн — зиҳн, меҳр — миҳр, ҳеч — ҳич, меҳмон — миҳмон, эҳтимол — иҳтимол* каби. Э(*e*) унлисини и товуши билан алмаштириб айтиш русча-байналмилал сўзларда ҳам учрайди: *ремонт — римонт, бензин — бинзин, вентилятор — винтилятор, вазелин — вазилин* каби.

Ў унлиси: 1. Саёз тил орқа ва бўғиз товушлари ҳамда *й, ч, ж* товушлари билан ёнма-ён келса, юмшоқ талаффуз этилади: *кўза, кўнгил, кўклам, гўшт, гўжа, жўра, гўзал, йўлак, ҳўқиз, йўргак, чўкма* каби.

2. Чуқур тил орқа ундошлари (*F, қ, x*) билан ёнма-ён келганда, қаттиқ айтилади: *ўғил, тўғон, қўлланма, ғўра, қўзи, қўшима, хўп, хўрда, ҳўмраймоқ, хўш* каби.

3. Айриш белгисидан олдин келган ў унлиси чўзиқроқ талаффуз этилади: *мўъжиза, мўътадил, мўътабар, шўъла, мўъжаз* каби. Бундай сўзларда ў унлисисининг у тарзида айтилиши адабий талаффуз мейёрига тўғри

Елмайди: шўъла — шуъла, мўъжиза — музжиза, шў́да — шуъба каби.

a унлиси талаффуз жиҳатидан қўйидагилар билан жралиб туради:

1. Сўзнинг барча бўғинларида кела олади: асар, девал, баланд, дабдаба, манглай, тантана, нарса, шарпа, танга каби.

2. Саёз тил орқа (*г, к*) ундошлари ва бўғиз товуши (*х*) ҳамда й, ч, ж, л, м, н каби ундошлар билан ёндош келса, юмшоқ айтилади: гавда, гажак, қалава, қаби, жадал, жавоб, ҳаракат, ҳамма, чайла, байрам, чакалак каби.

3. Чукур тил орқа ундошлари билан ёнма-ён келса, қаттиқ талаффуз этилади: қадам, қадар, қалба, ғалаба, ғазал, хаста, хат, ҳалқ, ҳафа, ғарла, ғарам каби.

4. Кўп бўғинли арабча сўзларда *a* унлиси и товушига мойилроқ талаффуз этилади: мулоҳаза — мулоҳиза, мухокама — мухокима, муболага — муболига, мудофаа — мудофиа каби.

5. Айриш белгисидан олдин келган *a* унлиси чўзиқроқ айтилади, кейин келганда эса, зарб билан қисқароқ ажратиб талаффуз этилади: аълочи, маълум, ваъда, таъсир, таъмин, таъкид, таъм, дафъа, санъат, талъат каби.

6. *a* унлиси унли товуш билан ёнма-ён келганда:
а) *аи* бирикмасида қисқа й товуши қўшиб талаффуз қилинади: *Саида* — *Сайида*, *заиф* — *зайиф*, *машнат* — *майишнат*, *раис* — *райис*; б) *аэ* бирикмасида э товуши й тарзида талаффуз этилади: *аэрофлот* — *айрофлот*, *аэрородром* — *айродром*, *аэростат* — *айростат* каби.

o унлиси: 1. Сўзнинг ҳамма бўгинида келади, кенг ва очиқ айтилади: озод, доно, олов, дараҳтзор, бодом, ҳосилдор, маънодош, ирода, ошна, ошхона каби.

2. *o* унлисининг юмшоқ ва қаттиқ айтилиши саёз тил орқа ундошлари ва чуқур тил орқа ундошлари билан ёнма-ён келишига боғлиқ: бинокор, комил, сокин, бегона, нок, ногоҳ, огоҳ, қозон, қоши, қондош, ғоя, ғоз, ғолиб, ғов, ҳом, ҳолис, ҳодим, ҳона, ҳола каби.

3. Рус тилидан ўзлашган сўзларда *o* ҳарфи бошқача унлини билдиради: сўзларнинг ургули бўгинида орқа қатор қаттиқ ў товушига мойил талаффуз қилинади: нота, номер, мода, том, ток, полк каби. Шунингдек, бундай сўзларнинг ургусиз бўгинида *a* тарзида ва *и* тар-

зинда айтилади: *оборот — абарот, отряд — атряд, отчёт — атчёт, операция — аперация; трактор — трактир* каби.

Ундошлар орфоэпияси

50- §. Ундош товушларнинг талаффузи, қаттиқ ва юмшоқ айтилиши, жарангизланиши ёки жарангиланиши кабилар сўзнинг қаерида ва қандай товуш билан ёндош келишига боғлиқ. Ундош товушлар қўйидагилар билан ажралиб туради:

б портловчи лаб товуши бўғин бошида очиқ айтилади: *барг, банд, баланд, безак, бебаҳо, дабдаба, обида, бебок* каби. Сўз охирида жарангизлашиб, *н* товушига мойил айтилади: *мактаб — мактап, изтироб — изтироғ, китоб — китоп, котиб — котип, жавоб — жавоп* каби. Баъзан сўз ўртасида *в* товуши билан алмашинади: *кабоб — кавоп, ишқибоз — ишқивоз, кета берди — кетаверди* каби. *Қабоқ — қовоқ, қабат — қават, табоқ — тавоқ — товоқ, ҷибин — ҷивин, қабармоқ — қавармоқ* каби сўзларда ҳам сўзлашув нутқи таъсири остида *б* ундоши в товушига ўтган.

в сирғалувчи лаб товуши ўзбекча сўзнинг барча бўғинларида очиқ айтилади: *варақ, мева, мавзу, эгов, ҳаловат, мақтоз, овоз, овора, савдо, савол, учрашув, сайлов* каби.

Русча-байналмилал сўзнинг охирида ва жарангиз товушлардан олдин сўз ўртасида *ф* ундоши каби айтилади: *автобус — афтобус, совхоз — софхоз, состав — состаф* каби.

ф жарангиз лаб товуши соф ўзбек сўзларида деярли учрамайди. Сўзнинг турли ўринларида *н* ундошига мойил талаффуз этилади: *Шариф — Шарип, нафас — напас, тараф — тарап, Юсуф — Юсуп* каби. Бу ундош ўзбек адабий тилида мустақил товуш бўлиб, ўзича талаффуз этилиши керак: *фазл, фозил, фазо, фарқ, фонема, садаф, офарин, масофа, лоф, ифтихор* каби.

д, *т* товушлари сўз ва бўғин бошида ҳеч ўзгаришсиз ўзича айтилади: *беда, бедарак, дадил, тадбир, дона, татбиқ, қатор, даста, атама, дафтар, тенг* каби. *д* ундоши сўз охирида жарангизлашиб, *т* ундошига мойил талаффуз этилади: *мадад — мадат, шод — шот, тараддуд — тараддут, даромад — даромат* каби. *д*, *т* ундошлари сўз охирида ундошдан кейин жуда кучсиз талаффуз этила-

дашт — **даш**, **гўйшт** — **гўши**,
ғишишт — **ғиши**, **хурсанд** — **хурсан**, **Самарқанд** — **Самарқан**
каби.

к, **қ** жарангсиз товушлари сўзнинг барча ўринларида асосан ўзгаришсиз талаффуз қилинади: **кайфият**, **калит**, **кейинчалик**, **келинчак**, **мактаб**, **ука**, **қадар**, **қомат**, **нуқта**, **мотиқ**, **оқсоқ**, **пишмоқ** каби. Бу товушлар билан тугаган сўзларга унли билан бошланган аффикслар қўшилганда жаранглилашиб, **г**, **ғ** га айланади: **истак** — **истагим**, **тилак** — **тилагим**, **юрак** — **юраги**, **тароқ** — **тарогинг**, **сочиқ** — **сочиғим**, **қулоқ** — **қулоги** каби.

г, **ғ** жарангли товушлари аксарият ҳолларда ўзгаришсиз айтилади: **агар**, **гавда**, **гулгун**, **боғ**, **дағдаға**, **ғазал**, **ғарғара**, **ғўра** каби. **г**, **ғ** ундошлари билан тугаган сўзларга **г** билан бошланган аффикслар қўшилганда, ҳар иккала товуш ҳам жарангсизлашади: **барг** — **баркка**, **туг** — **туккан**, **тоғ** — **тоққа**, **ийғ** — **ийққан**, **чоғ** — **чоққача** каби. **к**, **қ** билан тугаган сўзларга қўшилганда ҳам аффикс бошидаги ундош жарангсизлашади: **эк** — **еккан**, **сүяқ** — **сүякка**, **чиқ** — **чиққач** — **чиққунча**, **нироқ** — **нироққа** каби.

Қолган ундош товушлар сўзнинг турли ўринларида ҳар хил вазиятда келса ҳам, асосан, ўзгаришсиз талаффуз қилинади.

ГРАФИКА ВА ОРФОГРАФИЯ

ГРАФИКА ҲАҚИДА ТУШУНЧА

51- §. Графика (юононча *graphike* — «чизув», «ёзма») нутқ товушларининг ёзув шакллари системасидан иборат. Ҳар бир нутқ товуши учун олинган шартли шакл ҳарф дейилади. Ёзувда ишлатиладиган ва қатъий тартиб асосида жойлаштирилган ҳарфлар йиғиндиси алифбо дейилади. Графика ҳар бир ҳарфнинг товушга муносабатини, у ёки бу ҳарфнинг қандай ўқилишини ўргагади.

Графика ўз вазифасига кўра иккига бўлинади: 1) график воситалар; 2) ҳарф ва товушларнинг ўзаро муносабати.

52- §. График воситалар. Ҳарф ёзма нутқда ишлатиладиган асосий график воситасига киради. Ҳарфлар орқали тилнинг товуш томонини ифодалайдиган ёзув товуш ёзуви ҳисобланади. Шу билан бирга, нутқни ёзувда

тўлиқроқ ифодалаш учун нуқта (.), қўшнуқта (:), верғул (,), қўштириқ («), кўп нуқта (...), сўроқ (?), ундов (!) каби тиниш белгилари ҳам ишлатилади.

Ҳозирги ўзбек алфавитида 33 ҳарф ва 2 белги бўлиб, ҳар бир ҳарф бош ва кичик шаклларга эга.

Ўзбек алфавитидаги ҳарф ва белгилар ҳамда уларнинг номи қўйидагича:

Аа	Бб	Вв	Гг	Дд	Ее	Ёё	Жж	Зз	Ии	Йй	Кк
а	бэ	вэ	гэ	дэ	е	ё	же	зэ	и	йи	ка
Лл	Мм	Нн	Оо	Пп	Рр	Сс	Тт	Үү	Фф	Хх	Цц
эл	эм	эн	о	пэ	эр	эс	тэ	у	эф	ха	це
Чч	Шш	ъ		ъ	Ээ	Юю	Яя	Ўў	Ққ	Ғғ	Ҳҳ
чэ	ша	айириш	юм-	э		ю	я	ў	қэ	ғэ	ҳэ
		белгиси	шатиш								
		белгиси									

53- §. Ўзбек графикасининг хусусиятлари. Товуш ёзувиининг мақсадга мувофиқ тузилиши учун графика қўйидаги талабларга жавоб бериши лозим: 1) ҳар бир шакл ҳарф бўлиши, яъни товушни ифодалаши, алфавитда товушни ифодаламайдиган шакл бўлмаслиги керак; 2) ҳар бир ҳарф фақат бир товушни ифодалаши лозим, ҳарф икки ва ундан ортиқ товуш бирикмасини ифодаламаслиги керак; 3) ҳар бир ҳарф ҳар қандай ҳолатда ҳам турли товушларни эмас, балки биргина товушни ифодалаши керак. Аммо узоқ тарихий тараққиёт йўлини босиб ўтган ёзув одатда бу талабга тўла жавоб бера олмайди. Чунки давр ўтиши билан тилнинг товуш таркиби ҳам ўзгариб боради. Ўзбек алфавитида товуш кўрсатмайдиган белгилар (Ҷ, Й) бор, бир ҳарф икки товушни кўрсатади (*e=йе*, *ё=йо*, *ю=йу*, *я=йа*) ҳамда бир ҳарф турлича қўлланиш шароитида ҳар хил товушни ифодалайди. Жумладан, *е* ҳарфи *сезги*, *мева* каби сўзларда э унлисига тенг келса, *елка*, *енгил* сингари сўзларда *й* ва э товуш бирикмасини билдиради (*йэлка*, *йэлим* каби); *ж* ҳарфи *аждар журнал* каби сўзларда сирғалувчи товушни, *жадвал жавоб* каби сўзларда қоришиқ товушни билдиради. Лекин бу каби чекинишлар ёзма адабий тилга сезиларли таъсир кўрсата олмайди.

54- §. Ҳозирги ўзбек ёзуви ўзига хос бир қанча хусусиятларга эга. Маълумки, алфавитда нутқ оқимида учрайдиган ҳар бир товушга махсус ҳарф бўлмайди. Нутқ товушларига нисбатан алфавитдаги ҳарфлар анча

кам. Графиканинг муҳим хусусиятларидан бири ҳам ана шу ҳарфларнинг қанча товушни англатишига кўра бўлинишидир. Бу жиҳатдан ўзбек алфавитидаги шакллар 4 группага бўлинади:

1. Ўзича товуш ифодаламайдиган шакллар: *Ҷ*, *Ҷ* белгилари.

2. Бир товушни ифодалайдиган ҳарфлар: *Б*, *В*, *Г*, *Д*, *К*, *Л* каби.

3. Икки товушни ифодалайдиган ҳарфлар: *Е*, *Ё*, *Ю*, *Я*, *Ж*.

4. Икки ҳарф бир товушни ифодалайди: *НГ*.

1. Ўзича товуш ифодаламайдиган *Ҷ*, *Ҷ* белгилари унлиларни чўзиқроқ талаффуз этиш (*феъл*, *эълон*, *эъзоз*, *эътиқод* каби), унлиларни олдинги ундошлардан ажратиш (*сунъий*, *жузъий*, *масъул*, *масъуд*, *санъат*, *журъат* каби) ҳамда русча-байналмилал сўзларда графемалардан олдин келиб, шуларни «*й+унли*» тарзида айтиш кераклигини (*съезд*, *объект*, *пьеса*, *адъютант* каби) кўрсатади.

2. Алфавитимиздаги ҳарфларнинг кўпи бир товушни кўрсатади: *Б-Н*, *В-Ф*, *Д-Т*, *З-С*, *Г-К* каби.

3. *Е*, *Ё*, *Ю*, *Я* графемалари қуидаги ҳолларда тил ўрта *й* ундоши билан бир унли товуш бирикмасини билдиради: а) бўғин бошида: *елкан*, *етти*, *юк*, *юрт*, *уюшма*, *ялла*, *яқин*, *дарё*, *қуёш*, *бўёқ*, *назария*, *туя*, *суяқ* каби; б) *Ҷ*, *Ҷ* белгиларидан кейин (асосан, русча-байналмилал сўзларда): *разъезд*, *подъёмник*, *рельеф*, *конъюнктура*, *барьер* каби.

Графемалар бир товушни ифодалashi ҳам мумкин. Бу вақтда улар *А*, *О*, *Э*, *Ү* унлиларини ифодалаш билан бир қаторда, ўзидан олдин келган ундош товушнинг юмшоқ айтилишини кўрсатиш учун ҳам хизмат қиласди: *меҳмон*, *кел*, *партнёр*, *монтёр*, *режиссёр*, *бюст*, *бюджет*, *эволюция* каби.

Ж ҳарфи ҳам икки товушни билдиради. Бир ҳолатда тил олди қоришиқ ж товуши учун (*жасур*, *жавоб*, *журъат*, *жанг*, *жиддий* каби), иккинчи ҳолатда тил олди сирғалувчи ж товуши учун (*гижда*, *аждар*, *мужда*, *журнал*, *жанр*, *жаргон* каби) ёзилади.

4. Икки ҳарф (*Н* ва *Г*) ёрдамида тил олди бурун товушни ҳифодаланади: *тенг*, *энг*, *чанг*, *тонг*, *кенг*, *уканг*, *ўзинг*, *келинг* каби.

Хозирги ўзбек графикаси бўғин системасига асосланади. Чунки ўзбек ёзувида кўпинча тилнинг график

бирлиги сифатида ҳарф әмас, балки бўғин ишлатилади. Унлига тенг ёки унли ва ундошнинг бирикувидан тузилган бўғин энг кичик талаффуз бирлиги ҳисобланади.

Графика орфография ва орфоэпия билан узвий боғланган. Масалан, *ишлабди* сўзида *и*, *и*, *л*, *а* ҳарфлари ҳам орфография, ҳам орфоэпия қоидаларига мувофиқ ишлатилган. *б*, *д* ҳарфларининг ёзилиши эса бошқача: талаффуз меъёрига мувофиқ *п*, т ҳарфлари ёзилиши лозим эди, аммо орфография талабига кўра *б*, *д* ёзилади.

УЗБЕҚ ЕЗУВИ ҲАҚИДА

55- §. Тил кишиларнинг энг муҳим алоқа воситасидир. Биз бошқа кишиларга ўз фикримизни билдириш учун сўзлашамиз ва ёзамиз. Ўзаро фикрлашишнинг оғзаки ва ёзма шакллари мавжуд. Нутқнинг бу иккى шакли ўхшаш ва фарқли томонларга эга. Нутқнинг оғзаки шакллари ҳам, ёзма шакллари ҳам фикр англатади. Ифода воситалари ва уни идрок этиш, қабул қилиш жиҳатидан эса ўзаро фарқланади. Оғзаки нутқ товуш чиқариб айтилади ва эшитиш учун мўлжалланади. У кишиларнинг нутқ жараёни вақтидаги алоқа воситаси бўлиб хизмат қиласди. Ёзма нутқ эса тош, ёғоч, тери, металл, қофоз кабиларга кўриш асосида идрок қилинадиган доимий белгилар орқали ёзиб қўйилади. Ёзув тилнинг энг зарурый ифодаси, ўзаро фикрлашиш ва билим эгаллашнинг энг қудратли воситаси ҳисобланади. Дарҳақиқат, ёзув нутқни жуда узоқ сақлайди, авлодларни, даврларни бир-бири билан боғлайди. Ёзув туфайли киши фикри, инсоният қўлга киритган билимлар агадий яшайди, мавжуд бўлади. Оғзаки нутқ киши тафаккурининг энг зарурый моддий қобиғи бўлса, ёзув инсоннинг ўз ихтироси, ўз каашфиёти ҳисобланади. У замон ва ма-софа жиҳатидан оғзаки нутққа нисбатан катта устунликка эга. Матбуот ва нашриёт юксак ривожланиб бориши натижасида ёзувнинг, ёзма адабий тилнинг аҳамияти яна ҳам кенгайиб боради.

56- §. Ўрта Осиёда яшаган халқлар энг қадимдан бошлаб ўз ёзув маданиятига эга бўлган, улар ҳарф (товш) ёзувининг энг қадимги шакллари бўлмиш суғд ва хоразмий ёзувларидан фойдаланганлар. Бу ёзувлар эса оромий алифбоси асосида юзага келган. Бу ерларда яшаган туркий уруғ ва қабилалар суғд ёзувини муайян

бир даврда қайта ишлаш асосида ўзларининг қадимги турк (урхун-енисей ёки рун) ёзувини яратадилар. Ўрга Осиёда кенг ишлатилган уйғур ёзуви эса, В. А. Лившицнинг кўрсатишича, сұғд ёзувининг бевосита давоми бўлган.

Туркий қабила ва уруғлар орасида бу ёзувлар жуда кенг ишлатилади. Қадимги турк ва уйғур ёзувлари қўлланган даврларда туркий халқларнинг жуда кўп қийматли ёдгорликлари — қабр тошларига ёзилган битиклар, диний обидалар, тарихий-юридик ҳужжатлар шу ёзув билан битилган. Урхун-енисей ёзуви ҳарф (товуш) ёзувининг анча мукаммаллашган шакли бўлиб, ҳар бир товуш учун маҳсус шакл қўлланган.

Ўрта Осиё VIII асрда араблар томонидан босиб олиниди. Шу даврдан бошлаб бу ерларда ислом дини тарқала бошлайди. Ислом дини билан бирга аста-секин араб ёзуви ҳам тарқалади ва бу ердаги маҳаллий халқларнинг ёзувини сиқиб чиқаради. Араб ёзувини қабул қилган. Ўрта Осиё халқлари (асосан, тожиклар ва ўзбеклар) бу ёзувдаги 28 ҳарфга яна қўшимча 4 (... п, ... ч, ... ж, ... г) ҳарф киритиб, ўз тилларига мослаштирадилар. Шу асосда араб алифбоси ўзбек халқининг минг йиллик тарихи давомида қўлланиб келади.

57- §. Ўзбек ёзуви дастлаб 1929 йилда лотин графикасига асосланган алифбога кўчирилди. Бу алифбо халқимиз орасида саводсизликни тугатиш, мактаб-маориф ишларини, тўғри йўлга қўйишда муҳим роль ўйнади. Умуман, лотинлаштирилган алифбо кўпгина миллий жумҳуриятлар, шу жумладан ўзбек халқи ҳаётида жуда катта маданий, ижтимоий-сиёсий воқеа бўлди.

58- §. 1940 йил 8 майда Ўзбекистон республика ҳукуматининг қарори билан рус графикасига асосланган янги ўзбек алифбоси қабул қилинди. Янги ўзбек графикасида рус графикасидаги барча ҳарфлар (ы, ў, ҳ ҳарфларидан ташқари) ўзича ва ўз тартибида қабул қилинди. Ўзбек тилининг ўзига хос товушларини ифодалаш учун қўшимча ҳарфлар (ў, қ, ғ, ҳ) олинди.

ОРФОГРАФИЯ ҲАҚИДА

59- §. Орфография (юнонча *orthos* — «тўғри», *grapho* — «ёзаман») — тўғри ёзиш меъёрлари ва шулар ҳақидаги соҳа.

Одатда, адабий тил маълум меъёрларга эга эканлиги билан шевалардан ажралиб туради. Бу меъёр эса на-мунали бадиий адабиёт орқали тилда аста-секин ишлаб чиқилиб, барча учун ягона ва мажбурий бўлган сўзларнинг адабий талафзузи ва тұғри ёзилиши, уларнинг тузилиши ва ургуси қоидалари, сўз ва сўз формалари яса-лиши қоидаларидан иборатдир. Маълум меъёрларга риоя қилиш нутқининг аниқ, равон ва равshan бўлишига ёрдам беради. Орфоэпик, орфографик, лексик ва грамматик меъёрлар бир-биридан фарқ қиласиди. Орфографик меъёрлар ёзма нутқининг характерли хусусиятини очиб беради. Адабий тилни тўлиқ эгаллаш учун эса тил меъёрларини билиш ва унга риоя қилиш шарт.

60- §. Ўзбек ёзуви ривожланиши натижасида аста-секинлик билан тил қурилишига мослаша боради, бир-бири билан узвий боғланган графика ва орфография орқали ифодаланган муайян система сифатида шаклла-нади. Ёзув орқали ўзаро алоқа қилишда фақат графиканинг ўзи кифоя қилмайди. Фақат график системадан фойдаланиш орқали ёзувда асосан сўзнинг товуш томо-нини ифодалаш мумкин. Масалан, *томуша* сўзи *томуша*, *тамошо* каби турлича айтилиши ва ёзилиши мумкин. Булардан фақат биринчиси орфографик қоида-га мувофиқ келади.

Тилнинг товуш таркиби унинг график системасига, ёзувга нисбатан анча мураккабдир (нутқ товушлари-нинг хилма-хил кўринишлари, вариантлари ҳамда алиф-бода аниқ белгиланган ҳарфлар миқдорини чоғиши-ринг). Шунинг учун улар орасида тўла ўхшашлик бўл-майди.

Орфография товуш ва ҳарфлар, сўз ва унинг маъ-ноли қисмлари, қўшма сўз қисмларининг қўшиб, ажратиб ва чизиқча орқали ёзилиши, бўғин кўчириш ҳамда бош ва кичик ҳарфларни ишлатиш ҳақидаги ягона қоидалар системасидан иборат. Орфография ёзув воси-талари орқали сўз ва морфемаларнинг ёзилишини тар-тибга солади.

61- §. Бир бутун қоидалар системасидан иборат бўл-ган ўзбек орфографияси тўрт қисмга бўлинади:

1. Сўз ва морфема таркибидаги товушларни ҳарф-лар орқали ифодалаш қоидалари.
2. Сўзларни қўшиб, ажратиб ва чизиқча орқали ёзиш қоидалари.
3. Бош ва кичик ҳарфларни ишлатиш қоидалари.

4. Сўз қисмларини бир сатрдан бошқа сатрга кўчириш қоидалари.

Бу қисмларнинг ҳар қайсиси маълум принципга асосланган қоидалар системасидан иборат. Сўз ва мэрфема тартибидаги товушларни ҳарфлар орқали ифодалаш орфографиянинг асосий қисми ҳисобланади.

УЗБЕК ОРФОГРАФИЯСИННИГ ПРИНЦИПЛАРИ

62- §. Одатда, ҳар бир товуш ёзуви келиб чиқиши жиҳатидан фонетик хусусиятга эга бўлади. Тилнинг тарихий ривожланиши натижасида сўзларнинг талаффузи ҳам ўзгариб боради. Аммо сўзларнинг ёзилиши эса сўзлашув нутқига нисбатан турғуноқ бўлиб, кўпинча илгариги ҳолича қолади. Нутқнинг оғзаки ва ёзма шакллари орасида юзага келган бу ноўхашлик, узилиш ёки онгли равишда тугатилади, ёки тилда сақланиб, мустаҳкамланиб қолади. Кейинги ҳолатда товуш билан ҳарфнинг ўзаро муносабатида бошқача янги қонуниятлар юзага келади. Шу тарзда асосий қондаги қилиб олинган ёзув принциплари аниқланиб, белгиланиб боради.

63- §. Узбек орфографияси фонетик принцип, морфологик принцип ва анъанавий принципга асосланади. Шунингдек, айрим сўзлар дифференциация принципи асосида ёзилади.

64- §. Фонетик принцип. Бу принципга кўра сўзлар талаффуз қилинишига мос равишда ёзилади, сўзнинг талаффуз этилишида юз берган фонетик ўзгаришлар ҳисобга олинади: қишлоқ — қишлоғим, қишлоққа, этик — этиги, юмишоқ — юмишоққина, бурун — бурни, оғиз — оғзи каби. Демак, фонетик принципда сўзнинг айтилиши билан ёзилиши бир-бирига мос келади. Масалан, к, қ ундоши билан тугаган сўзларга эгалик аффикси қўшилганда, к, қ ундошларининг г, ф га ўтиши (*тилак* — *тилагим*, *юрак* — *юрагинг*, *ўртоқ* — *ўртогим*, *қўшиқ* — *қўшиғи*) ёки шундай сўзларга г ундоши билан бошланган аффикслар қўшилганда, кг, қг тарзида эмас, балки кк, ққ тарзида ёзилиши (*эшикка*, *ётоққа*, *зериқкан*, *эккунча*, *кичиккина*, *чиниққан*, *ошиққанча*, *илиққина*), шунингдек, айрим сўзларга сўз ясовчи ва шакл ясовчи аффикслар қўшилганда негиздаги бир унлининг тушиб қолиши (*улуг* — *улғай*, *сингил* — *синглим*, *оғиз* — *оғзи*, *етти* — *еттов*, *икки* — *иккала* каби) ва шунга ўхшаш ҳолларда сўзлар фонетик принцип асосида ёзилади.

65- §. Морфологик принцип. Бу принципга кўра сўз ва унинг қисмлари, морфемалар ягона умумий шаклда ёзилади. Бу принципнинг муҳим хусусияти шундаки, сўзларнинг маъноли қисмлари, қандай талаффуз қилинишига қарамай, доим бир хилда, ягона шаклда ёзилиши таъминланади. Масалан, *кетди*, *чопди*, *юрибди*, *четдан*, *дарёчил*, *йигитчилик* каби сўзлар кетти, *чопти*, *юрипти*, *четтан*, *дарчил*, *йигиччилик* тарзида айтилса ҳам, ҳар вақт ягона шаклда ёзилади.

Морфологик принципда сўзнинг айтилиши билан ёзилиши бир-бирига мос келмайди. Ўзбек тилида сўз таркибида товуш алмашиниши (*омоним* — *амоним*, *окоп* — *акоп*, *мотор* — *матор*, *солдат* — *салдат* каби), товуш тушиб қолиши (*дастгоҳ* — *дасгоҳ*, *дастлаб* — *даслаб*, *рецепт* — *рецеп*, *область* — *облас* каби), товуш кучсизлашиши (*доктор* — *доктир*, *ректор* — *ректир* каби) сингари ҳодисалар тез-тез учраб туради. Кўпгина сўзлар эса морфологик жиҳатдан мураккаб қурилишга эга. Шунуқтаи назардан, сўзларнинг бир хил ёзилишини таъминлашда морфологик принципнинг жуда катта қулайликларга эга эканлигини кўриш мумкин. Демак, морфологик принцип ўзбек орфографиясининг етакчи принципидир. Сўз негизи ва аффикслар, одатда, шу принцип асосида ёзилади.

66- §. Анъанавий принципда сўз ва морфемалар қадимдан анънага айланиб қолган қоидалар асосида ёзилади. Бу принципга кўра ҳам сўзнинг айтилиши унинг ёзилишидан фарқ қиласди. Лекин бунда морфологик принципдаги сингари морфеманинг ягона шаклланишига, грамматик қоидага риоя қилинмайди. Аксинча, сўзларнинг ҳарфий ифодаси уларнинг тарихан ўзлашиб силгиб кетган шаклига teng келади: *муомила* (*муомала* ўрнига), *кабутар* (*кантар* ўрнига) каби.

67- §. Сўзларни қўшиб, чизиқча орқали ва ажратиб ёзиш орфографиянинг алоҳида қисми ҳисобланди. У сўз маъноли қисмларининг ҳарфий ифодасига тегишли эмас, балки сўзларни орфографик жиҳатдан ажратишда қўлланадиган алоҳида усуллар, қоидаларни ўз ичига олади.

Сўзларнинг қўшиб, чизиқча орқали ва ажратиб ёзилиши ўз моҳияти билан лексика соҳасига киради. Чунки қўшиб ёзиш ҳам, чизиқча билан ёзиш ва ажратиб ёзиш ҳам тилнинг луғат системасида юз берадиган ўзгаришларнинг график акс этиши ҳисобланади. Луғат таркиби

тилда мустақил сўз сифатида ишлатиладиган янги ясалмалар билан тўхтовсиз равища тўлдирилиб боради. Сўз ясалиши ҳодисаси эса хилма-хиллиги ва доимий равища аста-секин давом этиши билан характерланади. Бундай янги ясалмалар, лексик бирликлар ўзбек орфографиясида қўшиб, чизиқ орқали ва ажратиб ёзиш билан ўз ифодасини топади.

Мураккаб лексик ясалмаларнинг мазмун жиҳатидан яхлитлиги шу сўзларнинг ўз қурилиши орқали аниқ ифодаланиб турса, қўшиб ёзиш усули қўлланади. Бу вақтда қўшма сўз компонентлари орасидаги аниқловчилик муносабати йўқолган бўлади, икки компонентнинг қўшилуви натижасида янги тушунча англатган бошқа янги бир сўз юзага келади. Бундай ясалмаларда битта бошурғуга эга бўлиш, компонентларнинг мустақил ҳолда ишлатилиш-ишлатилмаслиги, унинг таркибида юз берган фонетик ўзгаришлар ҳам муҳим роль ўйнайди: *ошибозон, оқсоч, томорқа, Оқтепа, бошоғриқ, музёрап, мошхўрда, халқаро, оташқалб* каби.

Жуфт ва такрорланиб келган мустақил лексик бирликларни, бир компоненти ёки ҳар иккала компоненти мустақил лексик маъносини йўқотган жуфт ва такрорларни, шунингдек, қўш сўзларни ифодалашда чизиқча қўлланади. Бу хил жуфт ва такрорларнинг таркиби синонимик ва антонимик муносабатда, мазмунан бирбирига яқин ёки бутун ва бўлак маъно муносабатида бўлади: *опа-сингил, гап-сўз, таниш-билиш, яхши-ёмон, қўча-кўй, қўни-қўшни, маза-матра, жиз-биз, так-туқ, вакуум-лампа, контр-адмирал* каби.

ЛЕКСИКОЛОГИЯ БИЛАН ФРАЗЕОЛОГИЯ

КИРИШ

1- §. Тил сўзига тилшуносликда турлича маъно берилади. Кенг маънода тил деганда хотираада мавжуд ижтимоий бойлик ҳам, бу бойлиқдан фойдаланиш жараёни ҳам, шу жараён натижасида юзага келадиган матн (нутқ) ҳам тушунилади. **Тил** деганда асли хотираада сақланувчи ижтимоий бойлиқни, нутқ ҳосил этиш учун хизмат қиласиган ҳодисаларни, шулардан фойдаланиш қоидаларини тушуниш тўғри бўлиб, бунда тил билан нутқ ўзаро чегараланади, тилга мансуб бирлик-

ларни тил бирлиги деб, нутқнинг ўзида тузиладиган бирликларни нутқ бирлиги деб фарқлаш мумкин.

Тил ижтимоий ҳодиса сифатида луғат бойлигига мансуб бирликлардан ва грамматик қурилишга мансуб бирликлардан (булар тобуш асосида гавдаланади), шулардан фойдаланиш қондларидан иборат. Луғат бойлигига мансуб бирлик *лугавий бирлик*, грамматик қурилишга мансуб бирлик эса **грамматик бирлик** дейилади.

Луғат бойлигига икки қатлам мавжуд: сўзлар қатлами ва шулар асосида таркиб топган иборалар қатлами.

2-§. Ҳар бир сўз маълум маънони англатади. Аммо бу маъно барча сўзларда бир хил эмас. Шу жиҳатдан сўзлар бир неча тӯдага бўлинади. Сўзларнинг маъно турлари, одатда, сўз туркумларига боғлаб белгиланади.

Сўзларнинг маъно турлари, асосан, қўйидагича:

1. Номловчи сўзлар. Бу маъно турига от (баъзи атоқли отлардан ташқари), феъл, сифат, равиш, сон киритилади. Булар нарсани, ҳаракатни ва уларнинг турли-туман белгиларини номлайди: *қоғоз, ёзмоқ, қалин, тез, икки* каби.

2. Ифодаловчи сўзлар. Бу маъно турига ундов, модал сўз ва юклама киритилади: *эҳ, шубҳасиз, -ку* каби.

3. Кўрсатувчи сўзлар. Бу маъно турига боғловчи ва кўмакчи киритилади: *ва, билан* каби.

Иккинчи, учинчи тур сўзларда номлаш маъноси йўқ: айримлари (ундов, модал сўз) бевосита ҳис-ҳаяжонни, фикрга муносабатни ифодаласа, бошқалари (боғловчи, кўмакчи) сўзларнинг грамматик муносабатини кўрсатиш учун хизмат қилади.

4. Сўзларнинг маъно турлари бўйича алоҳидалик олмошларда кўринади. Олмош мустақил туркумлардан бири деб қаралади-ю, аммо бундай сўз ўзича лугавий маънога эга бўлмайди: у бундай маънони ўзи ишлатилган контекстда, нутқ вазиятида олади (ким?, биз, қандай? каби). Шунга кўра буларни олмошловчи сўзлар деб юритамиз.

5. Атоқли отларнинг маълум турлари ҳам айримликка эга. Жумладан, киши, ҳайвон, парранда кабиларга бериладиган исмлар бирор маънони англатиш учун хизмат қилмайди, фақат атайдигина. Масалан, *тўлқин* сўзи номлаш орқали маълум бир ҳодиса («сув

сатхининг кўтарилиши ва тушиши асосида воқе бўла-
диган тебраниш»)ни англатади. *Тўлқин* сўзи эса фақат
атайди, лексик маъно англатмайди, шунга кўра у
шартли: истаган кишини *Тўлқин* деб аташ мумкин,
аммо истаган ҳодисани *тўлқин* деб номлаб бўлмайди.

Демак, атоқли отларнинг маълум турлари лексик
маънога эга бўлмайди, лексик маъно англатмайди. Шу
жиҳати билан улар турдош отлардан, шунингдек ном-
ловчи бошқа туркум сўзларидан кескин фарқ қиласиди.
Шу асосда бундай атоқли отларни *атовчи сўзлар* деб
юритамиз.

Сўзларнинг юқоридаги маъно турларидан лексико-
логияда асосан *номловчи сўзлар* ўрганилади.

3- §. Маъно турлари жиҳатидан иборалар асосан
икки хил:

1. Номловчи иборалар. Булар кўпчиликни ташкил
қиласиди. Масалан, қўйидаги гапларда ишлатилган би-
ринчи ибора — нарсага хос белгининг номи (*дўппининг*
тагидаккина — «нисбатан жуда кичик»), иккинчи ибо-
ра — ҳаракат-ҳолатнинг номи (*оғиз кўпиртиromoқ* — «кўп
ва мақтаниб гапирмоқ»), учинчи ибора — ҳаракатга хос
белгининг номи (*эшикдан келмай тешикдан* — «шу за-
ҳотиёқ, дарҳол»): *Бизнинг бу Қамишкана дўппининг*
*тагидаккина жой бўлса ҳам, бу ерда турли тоифа одам-
лар бор.* (П. Т.) Улар бир-бирларига *гап бермай оғиз*
кўпиртирилар. (О. Юнус.) Тошкентга бир кетганича
ўн беш кун йўқ бўлиб кетди. Эшикдан келмай тешик-
дан ишга чиқиб кетди. (С. Аҳм.)

2. Ифодаловчи иборалар. Булар жуда оз. Масалан,
қўйидаги гапда ишлатилган ибора воқеликни номла-
майди, балки муносабат ифодалайди (ишонишга даъ-
ватни билдиради): *Буни эшишиб, азбароий худо, тута-
қиб, иситмам чиқиб кетди.* (О.)

4- §. Сўз деганда луғат бойлигидаги ҳар бир бирлик
кўзда тутилади. Масалан, қўл ҳам сўз, *ва* ҳам сўз. Кўри-
надики, бунда сўз лексик мазмун ёки грамматик маз-
мунга эга бирлик бўлиши мумкин. Шу асосда буларни
лексик сўз ва грамматик сўз деб иккига гуруҳлаш ке-
рак. Лексик мазмунли сўзларни *лексема* деб юритамиз,
грамматик мазмунли сўзларни эса (аффикслар қа-
тори) *морфема* деб, аниқроғи, *морфема-сўз* деб юри-
тамиз.

Демак, лексик бирлик деганда лексема кўзда тути-
лади, лексемаларни ўрганувчи соҳа *лексикология* де-

йилади (юонча ἑξικός — «сүзга доир», logos — «таълим»).

Луғат бойлигидаги иккинчи қатламни иборалар ташкил этади, булар фразеологик бирлик деб юритилади; лексема терминига монандлаб фразема деб номлаймиз. Фраземаларни ўрганувчи соҳа фразеология дейилади (юонча φήρασις — «ибора»). Луғат бойлигидаги фразеологик қатлам ҳам фразеология деб номланади.

5- §. Маълумки, от, феъл туркумларида грамматик шаклланиш жуда тараққий этган; грамматик шаклланиш сифат, сон туркумларида ҳам мавжуд, равиш туркумида эса сал сезилади (сифатсимон равиш даражаланади). Шуларни ҳисобга олсак, бу туркумларда сўз билан лексема ўзаро тенг келмаслигини кўрамиз. Бунда сўз лексик-грамматик бирлик сифатида намоён бўлиб, икки қисмдан — лексик маъно англатувчи ва грамматик маъно ифодаловчи қисмлардан ташкил топади. Лексема деганда бундай сўз таркибидағи лексик маъно англатувчи қисм тушунилади; лексема унга қўшиладиган грамматик шакл билан биргаликда сўзформага тенг бўлади.

Демак, грамматик шаклланиш мавжуд туркумларда сўзформа билан лексема бутун билан қисм муносабатини акс эттиради, бунда лексема хотирада яшовчи мавҳум тил бирлиги сифатида тасаввур қилинади, нутқда у грамматик тавсиф олиб, сўзформа ҳолида намоён бўлади.

Сўзформа билан лексема илмий асарларда иккинчиси охирига чизиқча қўйиб фарқланади: қўйл — лексема, қўйл — сўзформа: шу лексеманинг нутқда ишлатиладиган бир кўриниши. Қўйл сўзформаси таркибида, қўйл-лексемасидан ташқари, бирлик маъноси ва бош келишик маъноси мавжуд (*қўйл*-+бирлик+бош келишик). Қўйл-лексемаси от туркумига мансуб бўлгани сабабли нутқда камида 72 сўзформа ҳолида учраши мумкин (2 сон шакли, 6 эгалик шакли, 6 келишик шакли асосида 72 сўзформа тузилади).

Изоҳ. Лексемани (тил бирлигини) сўзформадан (нутқ бирлигидан) чизиқча қўйиб фарқлаш баъзан ноқулай (бу айниқса фраземаларда сезилади), шуни ҳисобга олиб тил бирликларини луғатга киритиладиган шаклида келтиравердик.

Грамматик шаклланмайдиган лексемалар таңын күринишда сўз (сўзформа)га тенг бўлади, лекин буларда ҳам, барибир, лексик маънодан ташқари, грамматик тавсиф ҳам қатнашади, аммо бу тавсифининг кўрсаткичи бўлмайди. Масалан, ҳозир жўнаймиз гапида ҳозир равиши ҳол вазифасида келиб, грамматик кўрсаткич олмайди, лекин синтактик вазифадан чиқиб келиб, «ҳол»лик тавсифини олгани таъкидланади. Хуллас, бу тур сўзшаклларда лексема билан сўзшакл ташқи кўринишда тенг келса ҳам, моҳиятан қисм билан бутун муносабатида бўлади.

ЛЕКСЕМА ТИЛ БИРЛИГИ СИФАТИДА

6- §. Тил бирлиги ифода плани ва мазмун планига эга бўлади; бунда мазмун плани ифода планига тил босқичида биркитилган бўлади, тил хотирасида сақланади, нутқда ана шу ифода плани билан мазмун плани биргаликда, ўзаро биркитилган ҳолда қалқиади.

Лексема ана шу талабларга жавоб беради, шунга кўра тил бирлиги деб қаралади. Масалан, мустақил туркумларга мансуб *нок*, *ниш*, *ширин*, *секин* каби лексемаларнинг ҳар бири маълум ифода планига ва мазмун планига эга ва бу икки илан тил босқичида ўзаро биркитилган, шунга кўра ҳар бири тил бирлигига тенг.

ЛЕКСЕМАНИНГ ИФОДА ПЛАНИ

7- §. Лексемаларнинг ифода планини белгилашда аввал туб лексемалар, кейин ҳосила лексемалар талқин қилиниши лозим.

Туб лексеманинг ифода плани деганда дастлаб унинг қайси фонемалар билан ифодаланиши назарда тутилади. Туб лексемаларда ифода плани деб уларнинг гавдаси бўлиб хизмат қиласидиган фонемалар тузумига айтилади. (Тузум қайси фонемаларнинг қандай тартибда жойлашиб бир бутунлик ҳосил этишидир.)

Масалан, ёл лексемасининг ифода плани бўлиб *й*, *о*, *л* фонемаларининг юқоридагича тартибда жойлашган тузуми хизмат қиласиди (икки фонемани бир ҳарф билан ёзиш графика хусусиятидан келиб чиқади). Бу лексемани гавдалантиришда ҳар уч фонеманинг қиймати бор: бирор фонемани тушриб қолдирсан экви алмани-

тиреак, ушбу лексема (ёл) йўқолади. Лекин шу асосда ҳар бир фонемадан маъно қидириш ўринли эмас, чунки маълум бир маъно тил бирлигини (лексемани) гавдалантирувчи фонемаларга бир бутун ҳолда биркитилади.

8- §. Туб лексеманинг ифода планига боғлиқ ҳодисалардан бири — уларнинг бўғин тузилиши. Ўзбекча туб лексемалар асосан бир ва икки бўғинли бўлади. Бир бўғинли лексемаларнинг кўпи уч фонемали бўлиб, ундош+унли+ундош тузумига эга: *бош*, *қош*, *тош*, *ёш* (*йош*), *бур*, *тур*, *сур*, *юр* (*йур*) ва бошқалар. Икки фонема билан гавдаланувчи туб лексемаларнинг кўпи унли+ундош тузумига эга: *иш*, *ош*, *от*, *ӯт*, *уч* ва бошқалар. Ундош+унли тузумига эга лексемалар саноқли: *е* (*йе*), *де* каби. Бир унли билан ифодаланадиган лексема йўқ ҳисоб. Бундай ифодаланиш ундов, юкламалар орасида учрайди, лекин улар лексик бирлик (лексема) деб қаралмайди.

9- §. Туб лексемаларнинг ифода планига боғлиқ ҳодисалардан яна бири — буларнинг бошланишида, ичida, охирида фонемаларнинг қандай жойлашуви. Ўзбекча бир бўғинли туб лексемалар бошланишида икки ундош қатор келмайди, охирида икки ундошнинг қатор келиши ҳам жуда оз учрайди (қатор келган ундошдан кейингиси кўпинча қўшилган қисм бўлиб чиқади): *ост*, *уст*, *олд*, *орт* каби.

10- §. Лексеманинг ифода планига боғлиқ ҳодисалардан бири — фонетик чўққи. Нутқининг фонетик бўлининшида энг кичик талаффуз бирлиги — бўғин. Нутқ бирлиги эмас, тил бирлиги бўлишидан қатъи назар, лексема ҳам ўзбек тилида камида бир бўғинга teng бўлади, демак, бундай лексемаларда фонемаларнинг бўғинга бирлашуви ҳақида гапириш лозим. Масалан, *куз*, *ост* лексемаларида уч фонема, *иш*, *е* (*йе*) лексемаларида икки фонема бир бўғинга бирлашади. Бўғин ҳосил этиш унли фонемага хос бўлиб, ундошлар унлига қўшиб талаффуз қилинади, талаффуз чўққиси унли фонемада бўлади:

кӯз, *ост*, *иш*, *е* (*йе*) каби.

Лексема бир неча бўғинли бўлса, бу бўғинлар, ўз навбатида, яна фонетик чўққи ёрдамида бирлашади,

бундай вазифани бўғинлардан бирининг фонетик чўққиси бажаради:

Λ Λ Λ Λ
к и ш и, б у л у т каби.

11- §. Ҳосила лексеманинг ифода плани деганда, аввало, бундай лексема қайси тил бирликлари асосида ҳосил қилингани назардэ тутилади. Ҳосила лексемалар ясама, қўшма, жуфт, такрор лексемалар бўлиши мумкин.

Ясама лексеманинг ифода плани бўлиб лексема билан дериватив (лексема ясовчи морфема) келади: *ов-чи*=*ов+чи*, *овла*=*ов+ла* каби; фонемалар эса ана шу ясаш асоси вазифасида келган лексеманинг ва ясовчи морфеманинг ифода плани бўлиб келади.

Ўзбекча қўшма лексемада унинг биринчи қисми сўзшаклга, иккинчи қисми лексемага тенг бўлади, ифода плани деб дастлаб ана шулар ажратилади, кейин ҳар бирининг ўз таркиби белгиланиб, охири туб қисмларнинг ифода плани сифатида фонемалар таъкидланади:

и ш л а б ч и қ а р м о қ

<и ш л а б> <ч и қ а р => =
<[и ш л а] б> <[ч и қ] а р => =
<[(и ш) л а] б> <[ч и қ] а р => =
и + ш / л + а | б | ч + и + қ / а р

Жуфт лексема, такрор лексема, одатда, икки сўзшаклдан тузилиб, яхлитлигича лексемага тенг бўлади:

[('o t a) = (o n a)] =
[('y p) = ('a u қ i m)] =
[('ж a з) = ('ж у з)] =

ФРАЗЕМА — ТИЛ БИРЛИГИ СИФАТИДА

12- §. Тил бирлиги сифатида фраземанинг ҳам ифода плани ва мазмун плани ҳақида гапириш лозим.

Фразема мустақил туркумларга мансуб икки ва ундан ортиқ лексема асосида таркиб топган луғавий бирлик бўлиб, асосан номинатив маъно англашади, шунга кўра лексема билан бир қаторга қўйилади, лексемадан йирик номинатив бирлик деб юритилади. Масалан,

кўнгли(и)дан ўтказмоқ фраземасининг маъноси фикрламоқ лексемасининг маъносига, *кўнгл*(и) жойига тушибди фраземасининг маъноси тинчланмоқ лексемасининг маъносига, эти суягига ёпишган фраземасининг маъноси озғин, қотма лексемаларининг маъносига яқин маъно.

ФРАЗЕМАНИНГ ИФОДА ПЛАНИ

13- §. Фразема, ўз тузилишига кўра биримга ёки гапга кенг бўлади. Масалан, бир сўзли; турган гап; *кўнгл*(и)ни олмоқ; кўз очирмаслик; бир жон-бир тан бўлиб; бўрк ол деса, бош олмоқ фраземалари ўз тузилишига кўра бириммага тенг; тоқат(и) тоқ, тил(и) узун, бош(и) қотди, кўз(лари) қинидан чиқ[иб кет] аёзди фраземалари эса гапга тенг. Кўринадики, фраземанинг ифода планини изоҳлашдан аввал биримга ва гап ҳақида маълумот бериш лозим.

Лексемаларнинг ўзаро синтактик боғланниши билан боғланма юзага келади. Бундай боғланма — нутқ бирлиги, чунки у маълум тушунча ёки фикрни англатиш талаби билан нутқ жараённида тузилади; булар тил хотирасида яхлитлигича мавжуд бўлмайди, балки талабга кўра нутқда шу тилнинг грамматик қурилишига хос қолиплар асосида янгидан тузилади. Масалан, *Нурматжон шу қаноат билан беш-олти йилни ўтказди* (A. K.) гапи маълум фикрни англатиш мақсадида нутқ жараёнида тузилган. Фикр англатилгач, бу нутқ бирлиги (гап) бир бутун ҳолда сақланиб қолмайди (ёзувдан чиқиб келиб бу нутқ бирлигини бир бутун ҳолда сақланади дейиш ўринсиз, албатта). Бу гап учун қурилиш материали бўлиб хизмат қилган ҳар бир лексема ўз маъно мустақиллигини сақлаб қатнашади (*Нурматжон, шу, қаноат, беш, олти, йил, ўтказмоқ*). Юқоридаги хусусиятлари асосида бундай нутқ бирлиги эркин боғланма деб юритилади.

14- §. Фразема эркин боғланмадан ўз грамматик қурилиши билан фарқланмаса ҳам, грамматик қурилишининг моҳияти билан фарқланади. Фразема ҳар гал нутқ жараёнининг ўзида ташкил топмай, балки унгача бир бутун ҳолга келган бўлади, тил хотирасида яхлитлигича яшайди, нутқка ҳам яхлитлигича киритилади. Масалан, *Нурматжон Адолатхонга кўз тикди* (A. K.) гапи кўринишда тўрт сўзшаклдан тузилган,

аммо унинг таркибида уч луғавий бирлик қатнашган: *Нурматжон, Адолатхон, кўз тикмоқ*. Биринчи ва иккичи бирликлар — лексема, учинчиси эса фразема. Бу фразема таркибида қатнашган лексемалар ҳам аслида икки луғавий бирлик (*кўз, тикмоқ*), аммо фразема шу икки лексема асосида ташкил топган алоҳида луғавий бирлиkdir. Юқоридаги гапда *кўз* ва *тикомоқ* лексемалари эмас, балки *кўз тикмоқ* фраземаси қатнашаётir. Бундай тил бирлиги, нутқ бирлигига зид қўйилиб, *турғун боғланма* деб юритилади.

15- §. Турғун боғланма терминининг маъно мундажаси жуда кенг. Бундай тил ҳодисаларини аввало иккига гуруҳлаш мумкин: 1) тўғри маъноли турғун боғланмалар; 2) кўчма маъноли турғун боғланмалар. Турғун боғланмаларнинг бу икки тури ўз маъно табиатига кўра фарқ қиласди: ҳар иккисида маълум бир воқеелик англатилади, лекин биринчиси, одатда, воқееликни номлаш билангина чегараланса, иккинчисида кўчма маъно, образлилик ҳам қатнашади.

Тўғри маъноли турғун боғланмаларнинг асосий кўринишлари:

- составли терминлар: *маданий-оқартув муассасаси, электрон-ҳисоблаши машинаси* каби;
- такрорий конструкциялар: *кучига куч қўшилди, ғайратига-ғайрат, ҳуснига ҳусн қўшиб турибди; кундан кунга; йилдан йилга* каби.

Фразема деб кўчма маъноли турғун боғланмаларга айтилади: *тер тўқмоқ; хамирдан қил сугургандай; дунёни сув босса, тўниғ(и)га чиқмаслик* каби.

16- §. Фраземаларнинг ифода плани дейилганда, биринчи навбатда, уларнинг грамматик қурилиши тушуниллади. Ҳозирги ўзбек тилида фраземалар грамматик қурилишининг умумий тавсифи қўйидагича:

1. Фраземаларда ҳозирги ўзбек тилидаги синтактик боғланишларнинг барча турлари ўз аксини топган. Фраземаларнинг кўпчилик қисми бирикмага тенг қурилиши. Гапга тенг қурилишлари ҳам анчагина. Бирикмага тенг, шунингдек, гапга тенг қурилиши фраземалар, ўз навбатида, хилма-хил қўринишларга эга.

2. Айни бир фразема ҳам бирикмага, ҳам гапга тенг шаклда бўла олади. Бундай ҳодиса анчагина учрайди ва асосан фразема таркибидаги феъл қисмнинг нисбатини ўзгартириш билан воқе бўлади. Масалан, *кўнгл(и)ни қўтармоқ* — бирикмага тенг қурилиши фразема,

күнгел(и) күттарилди — шу фраземанинг гапга тенг қурилиши күриниши; *капалаг(и) учди* — гапга тенг қурилиши фразема, *капалаг(и)ни учирмоқ* — шу фраземанинг бирикмага тенг қурилиши күриниши ва бошқалар. Бунда тўлдирувчи-тўлдирилмиш муносабати эга-кесим муносабатига ва, аксинча, айланади.

Фраземани қайта тузиш билан ҳам бир фразема бирикмага ва гапга тенг шаклларга киради. Масалан, очик *күнгил* — бирикмага тенг қурилиши фразема, *күнгел(и) очик* — шу фраземанинг гапга тенг қурилиши күриниши; *қўл(и) очик* — гапга тенг қурилиши фразема, *очик қўл* — шу фраземанинг бирикмага тенг қурилиши күриниши ва бошқалар. Бувдай қайта тузишга икки лексемадан ташкил топган баъзи фраземалар йўл қўяди. Юқоридагича ўзгартириш натижасида сифатловчи-сифатланмиш муносабати эга-кесим муносабатига ва, аксинча, айланади.

З. Бирикма деганда, одатда, икки мустақил лексеманинг ўзаро грамматик ҳамда семантик муносабатга киришуви асосида тузиладиган синтактик бирлик тушунилади. Бунда грамматик жиҳатдан биринчи қисм тобе, иккинчи қисм ҳоким бўлиб, тобе қисм сўзшакл билан, ҳоким қисм эса лексема билан ифодаланади (бундай лексема маълум шакл олган бўлиши мумкин, лекин сўзшакл даражасида грамматик шаклланмайди). Масалан, *тиник сув, тез гапирмоқ, ҳовли супурмоқ* бирикмаларининг қисмларини чизмада шундай кўрсатиш мумкин:

[(*тиник*) (*сув=*)] =
[(*тез*) (*гапир=*)] =
[(*ҳовли*) (*супур=*)] =
сўзшакл лексема

Юқоридаги мисоллар эркин бирикмага тенг. Турғун бирикмалар, шу жумладан бирикмага тенг қурилиши фраземалар ҳам, асосан, худди шу қолипни акс эттиради:

[(*тош*) (*юрак=*)] =
[(*ерга*) (*қарат=*)] =
сўзшакл лексема

Бирикмага тенг қурилиши фраземаларнинг кичик бир қисми, эркин бирикмалардан фарқли ҳолда, сўзшакллардан таркиб топган деб қаралади, чунки улар

таркибидаги ҳоким қисм айни шу шаклдагина намоени бўлади, грамматик шакли ўзгармайди:

[(бир) (шингил)] (гап)
[(кatta) (кўча)]
с ў з ш а к л с ў з ш а к л

Бирикмага тенг қурилишли фраземалар иккитадан ортиқ лексемадан таркиб топган бўлиши мумкин. Бу ҳолат йиғиқ бирикма ва ёйиқ бирикма тушунчаларини киритишга олиб келади. Ёйиқ бирикмага тенг қурилишли фраземаларга мисоллар: *гап(и)ни оғз(и)дан олмоқ; тирноқ остидан кир қидирмоқ; сув бўйига олиб бориб, сугормай олиб келмоқ* каби.

4. Таркибида айрим сўзшакл билан ифодаланган эга бўлаги бўлса, шундай фразема қурилишига кўра гапга тенг ҳисобланади: *жон(и) чиқди* каби. Бундай фраземанинг ҳар икки қисми, худди гапга тенг эркин боғланмаларда бўлганидек, сўзшакллар муносабатини акс эттиради:

[жон(и)] [чиқди]
с ў з ш а к л с ў з ш а к л

Гапга тенг қурилишли фраземалар иккитадан ортиқ сўзшаклдан тузилган бўлиши, демак, ёйиқ гапга тенг бўлиши мумкин:

[жон(и)] [ҳиқилдоғ(и)га] [келди]
с ў з ш а к л с ў з ш а к л с ў з ш а к л

Бирикмага тенг қурилишли феъл фраземалар контекстда кесим бўлиб келади ва шу вазифасига мос ҳолда майл, замон ва шахс-сон (кесимлик) шаклларини олади, лекин шу асосда бундай фраземани гапга тенг қурилишли деб қараб бўлмайди. Чунки бундай фразема тил бирлиги сифатида нутққа киритилмасдан аввал кесимлик шаклларига эга бўлмайди. Масалан, *(жон)и-га тегмоқ* фраземаси бирикмага тенг қурилишли бўлиб, контекстдагина кесим каби шаклланади: *Жонимга тегди бу хархашалар, кетаман шаҳарга.* (O.)

5. Ўз ичида эргаш гапли *ернинг тагида илон қимириласа, билмоқ* каби фраземаларни бирикмага тенг қурилишли бирликлар қаторига киритиш тўғри. Чунки қўшма гап кўринишли бундай фраземанинг бир бутун ҳолда олингандаги грамматик моҳияти унинг иккинчи (*билмоқ*) қисмига кўра белгиланади. Юқоридаги каби

фраземаларда эргаш гапдан (*ернинг тагида илон қи-
мирласа*) ташқари қисм (билим) гапга тенг эмас. Чунки бу қисмнинг ўз ичида айрим сўзшакл билан ифодаланган эга бўлаги йўқ. Бундай фраземаларнинг феъл қисми кесимлик формаларини нутқда олади.

Демак, ёйиқ бирикмага тенг фраземанинг ички қурилишида тўлиқ шаклланган содда гап бўлиши мумкин, аммо бундай содда гап фраземанинг ички қурилишига мансуб бўлиб, фраземани бир бутун ҳолда гапга тенг дейиш учун асос бўла олмайди.

Бундай қурилишли фраземалар қўчирма қисмли бўлиши ҳам мумкин. Масалан, қош қўяман деб, кўз чиқармоқ; оғзинг қани деса, қулоғ(*и*)ни кўрсатмоқ фраземалари бирикмага тенг қурилишилдири.

6. Фраземалар орасида қўшма гапга тенг қурилиши бирликлар ҳам учрайди: *бегим дегунча, бел(*и*) синади каби*. Баъзи фраземалар аслида диалогдан ўсиб чиққан: *туя кўрдингми, йўқ каби*. Эргаш гап кўринишли қисмлардан тузилган фраземалар ҳам бор: *ана-мана дегунча, кампир шафтоли егунча каби*. Мана бу фраземанинг биринчи қисми бирикмага, иккинчи қисми эса гапга тенг қурилиши: *қушибеги билан шовла емай-ди, тирноғ(*и*) куяди* ва бошқалар.

7. Фраземалар таркибида ёрдамчилардан асосан кўмакчи қатнишади (*очиқ юз билан каби*). Боғловчи жуда оз учрайди (*на ҳай бор ва на ҳайдар каби*), боғловчи вазифасини билан кўмакчиси (*ер билан осмонча каби*), -у (-ю) юкламаси бажариб келади (*ер-у осмонча каби*), кўпинча боғловчи ишлатилмайди (*уйлар айвонга айланаб кетди, айвонлар уйга каби*).

8. Фразема қисмларида тартиб эркин боғланмалардаги тартибдан фарқ қўйлмайди. Баъзи истиснолар поэтик нутқ ёки сўзлашув нутқи синтаксиси ҳисобига (*сичқон сиғмас инига, ғалвир боғлар думига; синди белим каби*), тоҷик тили синтаксиси ҳисобига (*гули қаҳқаҳ-паридек очилиб кетмоқ; шунга ўхшатиб: уста бузармон*) келиб чиқади.

17- §. Мисоллардан аёнки, фраземанинг ифода плани деб унинг таркибидаги лексемаларгина эмас, балки фраземанинг доимий таркибий қисми сифатида қатнашувчи морфемалар ҳам қаралиши лозим. Чунки бундай морфемалар, лексемалар қатори, фраземанинг ички грамматик қурилишига мансуб бўлади. Нутқда ишлатиш муносабати билан қўшиладиган қисмларгина фра-

земанинг ифода планига мансуб бўлмайди. Масалан, *Шумлигинг ўзингнинг бошингга етсин* (*Мирм.*) ганида қатнашган бошингга етсин фраземасининг ифода плани дейилганда аввало бош, етмоқ лексемалари, шунингдек, -га морфемаси тушунилиши лозим (эгалик шакли ҳам доимий қисм, лекин қайси эгалик аффикси келиши нутқ вазиятига боғлиқ); бу фразема таркибида қатнашётган тусловчи (шахс-сон аффикси) нутқда кесим вазифасида келиши муносабати билан қўшилади, демак, бу фраземанинг ифода планига кирмайди.

ЛУГАВИЙ БИРЛИКНИНГ МАЗМУН ПЛАНИ.

ЛЕКСЕМАНИНГ МАЗМУН ПЛАНИ

18- §. Лексик маъно. Лугавий берликнинг мазмун плани икки ҳодисадан — лугавий маъно ва стилистик (эмодионал-экспрессив) баҳодан таркиб топади. Лугавий маъно лексемага нисбатан *лексик маъно* деб, *фраземага* нисбатан *фразеологик маъно* деб юритилади.

Лексемани гавдалантирган товушлар тузумининг воқеликка нисбат бериладиган лугавий мазмунига (ниманидир номлашига, ифодалашига) *лексик маъно* дейилади. Масалан, куз лексемаси ёз билан қиши орасидаги фаслни номлайди, оқ лексемаси қоранинг зидди бўлган рангни билдиради, тўрг лексемаси уч билан беш орасидаги бутун миқдорнинг номи бўлиб хизмат қиласи: *сўзламоқ, ухламоқ* лексемалари маълум ҳаракат ва ҳолатни англатади.

Товуш ўзича лексик мазмунга эга бўлмайди. Бунинг учун товушларнинг маълум тузуми воқеликдаги бирор нарса, белги ёки уларнинг муносабати ҳақидаги тушунча билан боғланиши, ниманидир номлаши, ифодалashi шарт. Лексик маъно маълум товушлар тузуми билан воқелик орасидаги боғланишдан келиб чиқади. Бундай боғланиш эса, ўз навбатида, шу тилда сўзлашувчилар томонидан эътироф этилган бўлиши шарт.

Товушлар тузуми билан лексик маъно орасида қандайдир табиий боғланиш йўқ. Воқеликдаги айни бир нарса, белги ёки шулар орасидаги муносабат тушунчаси тилда турли товушлар тузуми билан англатилиши

буни яққол кўрсатади. Масалан, эшитмоқ лексемаси маълум ҳаракатни англатади, шу ҳаракат ўзбек тилида яна тингламоқ лексемаси билан ҳам англатилади. Киши организмининг маълум бир қисми юз деб ҳам, бет деб ҳам номланган ва бошқалар.

Иккинчи томондан, бирор товушлар тузуми билан лексик маъно орасидаги боғланишни тасодифий, ўткінчи деб ҳам бўлмайди. Лексик маъно тарихан шаклланувчи ҳодиса бўлиб, ўзида шу тил коллективининг борлиқни англаш-билиши натижасини акс эттиради, маълум товушлар тузумига биркитилган бўлади.

19- §. Лексик маъно ва тушунча. Лексик маъно билан у билдирадиган воқелик бошқа-бошқа ҳодисалардир. Лексик маънода воқеликдаги нарса, белги ёки шулар орасидаги муносабатнинг ўзи эмас, балки шулар ҳақидаги тушунча акс этади. Шунга кўра лексик маъно деб, одатда, тушунча таъкидланади.

Лексик маъно билан тушунча ўзаро узвий боғлиқ. Аммо шу асосда буларни тенглаштириш ярамайди. Лексик маъно — тил қурилишига хос ҳодиса, тушунча — тафаккурга хос ҳодиса. Буларнинг ҳар иккиси умумлаштириш, абстракция асосида туғилади. Лекин тушунча фикрлаш қобилиятининг натижаси сифатида инсонга нисбатан белгиланса, лексик маънога хос умумлашиш ҳар бир тилнинг ўз доирасида воқе бўлади. Шунга кўра лексик маъно ҳар бир тил учун, одатда, хусусий бўлади. Масалан, бир тушунча — «кўриш аъзоси» тушунчаси рус тилида глаз лексемаси билан, ўзбек тилида кўз лексемаси билан англатилади. Шу жиҳатдан тенг келувчи бу икки лексема ўз лексик маънолари системаси билан кескин фарқ қиласи.

Русча лексема учун қўйидаги икки асосий маъно кўрсатилади: 1) «кўриш аъзоси»; 2) «кузатувчи». Ўзбекча лексема учун, бу маънолардан ташқари [1) *Кўзим кўрмайди*; 2) *Ҳар ишда ўз кўзинг бўлгани яхши*], яна қўйидаги лексик маъноларни кўрсатиш мумкин (лексик маъноларни таърифлаш кўп ўрин олади, шу сабабли уларни мисол келтириш йўли билан кўрсатдик): тиззанинг кўзи, тахтанинг кўзи, булоқнинг кўзи, игнанинг кўзи, яранинг кўзи, хуржуннинг кўзи, узукнинг кўзи, деразанинг кўзи, картошканинг кўзи. Бу маънолар рус тилида айрим-айрим лексема билан англатилади: *коленная чашечка*, *сучок в доске*, *место*, *откуда бьет родник*, *ушко иглы*, *отверстие нарява*, *одна полови-*

вина (отделение) переметной сумы, камень в кольце, отдельное стекло окна, глазки картофеля.

Кўринадики, айни бир тушунча икки тилда бошқа-бошқа лексемаларга ёки муқобил лексемаларга бириклирилган бўлади. Айни шу тушунчани англатувчи маънолар ҳар бир тилда ҳар хил лексик системаларга бирлашади ва шунга кўра мавқеи ҳам турлича бўлади.

Кенгроқ ёндашсак, сўз билан тушунча орасидаги муносабат анчагина мураккаб. Бир томондан, ҳар бир сўз маълум маъниони билдиради, аммо ҳар бир сўзнинг тушунча англатишини кутиш тўғри келмайди (тушунча англатиш номловчи сўзларга хос хусусиятдир). Иккинчи томондан, бир сўз (лексема) икки ва ундан ортиқ тушунчанинг ифодаси бўлиб хизмат қила олади: кўп маъноли лексеманинг ҳар бир маъноси айрим-айрим тушунчани англатади. Масалан, *кўзи* лексемасининг «куриш аъзоси» маъноси бир тушунчани, «игнанинг ип ўтказиладиган тешиги» маъноси иккинчи тушунчани, «узукдаги қимматбаҳо тош» маъноси бошқа бир тушунчани англатади. Бу ҳол бир лексема турли соҳаларнинг термини бўлганида айниқса яққол сезилади (мисоли қўйироқда).

20- §. Термин. Лексик маъно билан тушунча орасида тенглик термин лексемаларда бўлади (*лотинча terminus* — «чегара, чек»). Термин лексема хотермин лексемадан ўз маъносининг аниқ таърифлаб, чегаралаб, белгилаб қўйилганлиги билан фарқ қиласи. Шунга кўра термин, одатда, ҳар вақт айни бир тушунчани англатади. Масалан, тилшуносликдаги *урғу* термини «ҳаво оқимиға бериладиган зарб ёрдамида сўзнинг талаффуз жиҳатидан бир бутунлигини ҳосил этиш усули» тушунчасини англатади, адабиётшуносликдаги қоғия термини «шеър мисралари охирининг товуш жиҳатидан бир хиллиги» тушунчасини англатади.

Одатда, ҳар бир термин маълум бир соҳанини бўлади. Аммо шундай ҳоллар ҳам учрайдики, бир лексема айни вақтда бир неча соҳанинг термини бўлиб ҳам хизмат қиласи. Масалан, *текислик* термини географияда ҳам («равнина» маъносига), математикада ҳам («плоскость» маъносига) ишлатилади. Бу ҳолни мақбул деб бўлмайди.

Баъзан бир соҳанинг ўзи доирасида икки ҳар хил тушунча бир лексема билан англатилади. Бунга ҳам

йўл қўйиб бўлмайди. Масалан, ўзбек тилшунослигига дараҷа икки ҳар хил ҳодисани номловчи терминлар сифатида узоқ вақт ишлатилди: *сифат дараҷалари, феъл дараҷалари* (иккинчиси ўрнига ҳозир *нисбат* термини ишлатилади). Шу нуқтаи назардан қаратқич терминининг икки ҳар хил тушунчани англатиш учун ишлатилиши ҳам номақбул топилди: *қаратқич келишиги, қаратқич* (аниқловчилардан бирининг номи). Кейинги тушунча учун ҳозир *қаратувчи* термини олинди.

Кўп маънолилик нотермин лексемада табиий, ҳатто зарурий ҳолат деб қаралса, терминда ғайриқонуний, чалкашликка олиб келадиган, қийинчилик туғдирадиган ҳолат дейилади. Чунки одатдаги (нотермин) лексема ҳар гал биргина лексик маъноси билан ишлатилади. Кўп маъноли (тўғрироғи, ҳар хил маъноли) терминда эса унинг бир маъноси бошқасини истисно қилаславермайди. Шунга кўра айни бир текстда ҳар хил мазмун дуч келиб қолади. Бундай ҳолат асосан термин бир соҳанинг ўзидаёқ кўп маъноли (ҳар хил маъноли) бўлганида туғилади (*қаратқич* терминида бўлгани каби).

21-§. Бирор касб ёки соҳага доир тушунчани англатидиган, луғавий мундарижаси аниқ таърифланган, ишлатилиши маълум доира билан чекланган лексемага *термин* дейилади. Бирор касб ёки соҳа терминларининг йиғиндиси *шу касб ёки соҳанинг терминологияси* дейилади.

Барча терминлар моҳият жиҳатидан бир хил эмас. Асосан, фан-техника соҳаларида ишлатилувчи терминлардагина улар англатидиган тушунча аниқ таърифланади, буларнинг ишлатилиш доираси ҳам аниқ чекланган бўлади. Шу сабабли бундай терминларда лексик маъно тараққиётiga имконият бўлмайди. Масалан, *фонема, морфема* (тилшунослик), чеканка, *культивация* (қишлоқ хўжалиги) терминларида шундай (вақтга, шароитга, муаллифга боғлиқ ҳолда туғиладиган айримликлар тушунчанинг аниқ таърифланишига халал етказмайди).

Баъзан лексема маълум бир касб-хунарга, соҳага хос бўлади-ю, аммо у англатидиган тушунча аниқ таърифланмаган бўлади. Шу сабабли булар лексик маъно тараққиётiga учраши мумкин. Масалан, *китоб, дафтар, қалам, қофоз; министр, кабинет* лексемалари асли маълум бир соҳаники. Шунга қарамай бу лексемалар бир

неча лексик маънода ишлатилади. Жумладан, қалам лексемаси «ингичка графитнинг устини ёғоч билан қоплаб тайёрланган ёзув қуроли» маъносини англатади, кабинет лексемаси «хона, бўлма» маъносини англатади. Бу лексемалар айни вақтда «ёзувчи», «қаламкаш» (қалам аҳли), «олий давлат органи» (министрлар кабинети) маъноларини ҳам англатади.

Терминнинг кенг оммалашиб кетиши ҳам уни одатдаги (нотермин) лексемага айлантиради. Масалан, *план*, *планлаштириш*, *механизация* лексемалари ҳозир кенг ишлатилиб, уларнинг термин эканлиги сезилмас ҳолга етган.

22- §. Икки ҳодисани фарқлаш керак: термин яратиш бор ва термин ўзлаштириш бор. Бу икки ҳодиса алоҳида-алоҳида баҳоланиши лозим. (Ўзлаштириш ҳақида «Лугат бойлигидаги ўз қатлам ва ўзлашган қатлам» баҳсига қаранг.)

Термин, асосан, икки йўл билан яратилади:

1. Тилда мавжуд лексема янги маънода — терминологик маънода ишлатилади. Буни *терминологик маъноли лексема* деб аташ мумкин. Масалан, қўшимча лексемаси, одатда, «дополнение» маъносини англатади: *Таклифлар бўйича қўшимча ва тузатишлар борми?* Бундан ташқари, қўшимча лексемаси яна терминологик маънога ҳам эга: *куплик қўшимчаси, келишик қўшимчаси* каби.

Терминологик маъно билан унга асос бўлган лексик маъно орасидаги боғланиш озми-кўпми сезилиб туради, шу сабабли бундай маънолар бир лексеманинг маънолари сифатида бирлашади. Масалан, *ган* лексемаси ўзбек тилида, аввало, «разговор» маъносини англатади: *Гапни Тавҳидий бошлиди.* (А. К.) Бу лексеманинг яна бир лексик маъноси — «зиёфат»: *Чол ўлди, ўғил еб ётибди: ган-гаштак, базм, улоқ, меҳмон-излом инчунин.* (О.) Булардан ташқари, *ган* лексемаси грамматик термин бўлиб ҳам хизмат қиласи: *ган бўлаклари, қўшима ган* каби.

Мисоллардан кўринадики, терминологик маъно кашф этиш туб лексемага ҳам, ясама лексемага ҳам хос.

2. Термин маҳсус ясалади. Буни, юқоридаги ҳодисадан фарқлаб, термин лексема деб аташ мумкин. Масалан, *босим, кўрсаткич, келишик, турловчи, тусловчи* ҳабилар — ўзбек тилида янгидан ҳосил қилинган тер-

мин лексемалар. Бундай лексема, одатда, фақат термин сифатида хизмат қилади.

Термин лексема ясашда икки ҳолат бор:

а) ўзигача параллел ясалиш йўқ бўлади, янгидан ясалади. Масалан, *унли* — «гласный», *урғу* — «ударение», *юклама* — «частица», *сифатдош* — «причастие», *равишдош* — «деепричастие» каби;

б) ўзигача параллел ясалиш бор бўлади. Масалан, *бирлик* («единство») ва *бирлик* («единственное» число), *кесим* («ломоть», «кусок») ва *кесим* («сказуемое») каби. Бунда бир ясама лексемага параллел ҳолда яна қайта ясаш воқе бўлади: ясалиш ҳар гал янгила лексик маънони англатишга хизмат қилади. Бундай ясалишлар оз учрайди.

Терминологик маъно ўзи учун асос бўлган лексик маънога нисбатан иккиласми, ҳосила маънодир (*қўшимча* — «дополнение» → *қўшимча* — «аффикс» каби).

Термин лексемада (агар у кўп маъноли бўлса) тараққиёт аксинча: терминологик маъно бирламчи бўлади, бошқа лексик маъно терминологик маънога нисбатан иккиласми, ҳосила маъно бўлади (*инженер* — «техниканинг бирор соҳаси бўйича олий маълумотли мутахассис» → *инженер* — «ўтқир уста» каби).

Эслатма. Тузилишига кўра терминлар содда ва составли деб иккига гуруҳланади: бир лексемага тенглари — содда, икки ва ундан ортиқ лексемадан тузилганлари — таркибли (юқорида келтирилган мисолларни кузатинг).

23- §. Лексик маъно ва семантик қисм (сема). Лексик маъно идеал ҳодиса деб талқин қилинади. Ҳозирги тилшуносликда бу идеал ҳодисани моддийлаштириш йўллари топилаётир. Шундай йўллардан бири лексик маънони семантик қисмларга парчалаб ўрганиш бўлиб, қисмлаб таҳлил (семик таҳлил) усули деб юритилади. Шу усул билан фарқланадиган ҳодиса *сема* дейилади (юонча *сема* — «белги»).

Семик таҳлил усулидан дастлаб лексик бирликларни турлича семантик гуруҳлар (тематик, лексик-семантик гуруҳлар)га бирлаштиришда фойдаланилди. Масалан, от туркумига мансуб лексемалар орасидан «кишининг ҳаёти ва фаолияти номлари» тематик гуруҳи ажратилади. Бундай лексемалар ушбу тематик гуруҳга *киши*, *ҳаёт*, *фаолият* семалари асосида бирлашади. Бу тематик гуруҳдан, ўз навбатида, бир қанча кичикроқ

ҳажмли тематик гуруҳлар ажратилади. Шулардан бири — «киши аъзоларининг номлари» тематик гуруҳи. Бу гуруҳни белгилашда асосий сема бўлиб «аъзо» хизмат қиласди. «Киши аъзоларининг номлари» тематик гуруҳи, ўз навбатида, яна кичик гуруҳларга ажратилади. Ана шундай гуруҳлашда асосга лексик маъно олинса, булар лексик-семантик гуруҳ деб юритилади. Тематик гуруҳлар, одатда, от туркуми лексемалари бўйича белгиланса, лексик-семантик гуруҳлар бошқа туркум лексемалари бўйича ҳам белгиланади. Масалан, сифат туркуми доирасида «ранг-тус билдирадиган сифатлар», «таъм-маза билдирадиган сифатлар» каби лексик-семантик гуруҳлар ажратилади.

Қўринадики, маълум бир сема лексемаларни тематик (ёки лексик-семантик) гуруҳга бирлаштиришда асосга олинади ва бундай сема умумий, бирлаштирувчи (интеграл) сема деб юритилади; айни шу сема ҳажми катта гуруҳдан ушбу тематик (лексик-семантик) гуруҳни ажратиб олишда фарқловчи (дифференциал) сема бўлиб хизмат қиласди. Масалан, «киши аъзоларининг номлари» тематик гуруҳида «аъзо» семаси ушбу тематик гуруҳ учун интеграл сема, бу тематик гуруҳни «кишининг ҳаёти ва фаолияти» тематик гуруҳидан ажратишда эса дифференциал сема вазифасини ўтайди.

Тематик (лексик-семантик) гуруҳларни белгилашда фойдаланилган семик таҳлил усули кейинчалик лексик маъно таркибини таҳлил этишга ҳам татбиқ қилинди. Масалан, семик таҳлил усули билан *ака* лексемасининг лексик маъноси таркибида қўйидагича семаларни ажратиш мумкин: 1) «киши», 2) «эркак», 3) «туғишган» (одатда, «бир ота-онанинг фарзанди»), 4) «ёши катта». Лексик маъно таркибига мансуб бўлгани сабабли бундай сема *идеографик сема* деб юритилади (юонча *idea* — «тушунча», *graphike* — «ёзув»). Лексик маъно таърифи идеографик семалар асосида тузилади: *ака* — «бир ота-онанинг ёши бошқаларидан катта эркак фарзанди». Қўринадики, лексик маъно таърифига идеографик семаларни тўлиқ ва айнан киритиш шарт эмас, улардан зарур ва мақбул тарзда фойдаланилади.

Услубий баҳо

24- §. Лексеманинг мазмун планида, лексик маънодан ташқари, услубий баҳо ҳам ҳисобга олинади. Маса-

лан, қүш ва қүшча лексемалари лексик маъно англатиши жиҳатидан бир хил, услубий баҳосига кўра эса фарқли. Булардан қүш лексемаси услубий баҳо нуқтаи назаридан бетараф: англатилаётган нарсага ижобий ёки салбий муносабат ифодаланмайди. Аммо қүшча лексемасида бундай муносабат яқол ифодаланиб турибди. Бу лексеманинг семантикаси қүш лексемасининг семантиласидан бой: лексик маъно услубий баҳо билан қопланган, яъни нарса англатилибгина қолмай, унга муносабат ҳам (бу ўринда: кичрайтириш-эркалаш) ифодаланганди.

Лексеманинг мазмун планида асосий ҳодиса — лексик маъно. Услубий баҳо шу лексик маънога суюнади, лексик маънони қуршаб туради.

Асли услубий баҳо ҳақида лексемани яхлитлигича олиб эмас, балки конкрет бир лексик маънони назарда тутиб гапириш тўғри. Ҳақиқатда, услубий баҳо бир лексеманинг лексик маъноларига кўра ҳар хил бўлиши мумкин. Шу сабабли бир лексеманинг лексик маънолари ҳатто турли нутқ кўринишларига хосланган бўлиб ҳам чиқади («Луғавий бирликларнинг нутқ кўринишларига хосланганлиги» баҳсига қаранг). Масалан, *йўталмоқ* лексемасининг бош маъносида услубий баҳо бетараф, ҳосила маъносида эса салбий услубий баҳо ифодаланади («бирор нарса демоқ»). Шунингдек, *юз* лексемасининг «жилва» маъносида ижобий, «карашма» маъносида эса салбий услубий баҳо сезилади.

Услубий баҳо, асосан, уч хил: 1) маълум морфема ёрдамида; 2) лексеманинг ўзи билан; 3) контекст ёрдамида ифодаланади.

25- §. Услубий баҳонинг морфема ёрдамида ифодаланиши *морфологик ифодаланиши* дейилади. Ҳозирги ўзбек тилида бундай вазифани **-ча** (қүшча лексемасидаги каби), **-гина** (қизгинам сўзшаклидаги каби), **-жон** (отажоним сўзшаклидаги каби), **-чак**, **-чоқ** морфемалари (*келинчак*, *қўзичоқ* лексемаларидаги каби) бажаради. Бу морфемалар ижобий муносабат ифодалаш учун хизмат қиласиди. («Морфология» қисмига қаранг.)

26- §. Услубий баҳо лексеманинг ўзи билан ифодаланса, *лексик ифодаланиши* дейилади. Бунда услубий баҳо кўпинча лексемаларнинг ўзаро семантик муносабатидан келиб чиқади. Масалан, *юз*, *бет*, *афт*, *башара* лексемалари айни бир лексик маънони англатиши жиҳатидан бир хил, услубий баҳо ифодалашига кўра эса

фарқли. Услубий баҳоси энг бетараф лексема — юз. Иккинчи ўринда бет лексемаси туради, аммо услубий баҳо бу лексемада аниқ сезилади. Масалан, *юзингни юв*, *бетингни юв* каби боғланмаларда фикр бир, лекин муносабат бошқа-бошқа: иккинчиси, одатда, каттанинг кичикка ёки умуман месимай муомала қилишда ишлатилади. Бу жиҳатдан *юзингни юв* боғланмаси бетараф. Мисоллардан *афт*, *башара* лексемаларида эса услубий баҳо яна ҳам кучли: ўзи англатган нарсага салбий муносабат яққол ифодаланади. Масалан, *афтиңгни юв*, *башарангни юв* каби.

Умуман, услубий баҳо кучая борган сари бундай лексеманинг бошқа лексемалар билан боғланиши (контекст) хусусийлаша боради, торая боради. Юқоридаги мисоллардан *афт*, *башара* лексемалари асосан аёллар нутқида ишлатилади, шунда ҳам кўпинча қўримоқ, олмоқ, кўтармоқ каби бир неча феъл билангина боғланниб келади: *афтиң қурсин*, *башаранг қурсин*, *афтидан олсин*, *башарасидан олсин*, *афтидан кўтарсан* каби. Худди шундай боғланишларда юз, бет лексемалари деярли ишатилмайди. Аксинча, оддий, бетараф тасвирида асосан юз, бет лексемалари ишлатилиб (*Юзини ювиб кириб кетди* каби), *афт*, *башара* лексемалари бундай ҳолларда деярли ишатилмайди.

27- §. Услубий баҳо асли бетараф баҳоли лексемани ўз ишлатилиш доирасидан бошқа бир доирага кўчириш туфайли ифодаланса, контекстуал ифодаланиши дейилади.

Масалан, бош лексемаси киши аъзосига нисбатан ишлатилади, *калла* лексемаси эса ҳайвон аъзосига нисбатан ишлатилади. Буларнинг ҳар бири ўз ишлатилиш доирасида услубий баҳо жиҳатидан бетараф (*Бошини қуии солди. Калла солиб шўрва қилдим*). Аммо *калла* лексемаси ҳайвондан одамга кўчириб ишлатилса, салбий услубий баҳога эга бўлиб қолади. Одатда, бош лексемаси билан ақллилик англатилса, *калла* лексемаси шунинг акси учун келтирилади: *Калла деб ош қовоқни кўтариб юрган экансан-да, оғайни!* Бу ўринда *калла* лексемасини бош лексемаси билан алмаштириб бўлмайди.

Умуман, бош билан боғлиқ салбий тушунчалар, одатда, *калла* лексемаси ёрдамида англатилади. Бунга мисол сифатида *каллаварам*, *каллахум* (ёки *хумкалла*), *калла урмоқ* (*калла қўймоқ*) кабиларни келтириш мум-

кин. Шу нүқтаи назардан қўйидаги контекстда *калла* лексемасининг ишлатилиши хато: *Бу олтин калланинг баҳоси юксак, Душманлар бунга хун тўлаши керак!* (Я.)

Қўйидаги шеърий парчада эса шоир услугубий баҳодан жуда усталик билан фойдаланган (биринчи мисрадаги бош лексемаси охирги мисрадаги *калла* лексемасини услугубий жиҳатдан жуда бўртириб турибди): *Бу Жаъфарнинг бошини силар муаллими: «Баракалла»,— деб. У Жаъфарга тушар даккилар: «Ҳай, тезроқ юр, қора калла!»— деб Шайхзода.*.

Контекстуал ифодаланишнинг бир тури деб услугубий баҳонинг ситуатив ифодаланишини кўрсатиш мумкин. Бундай ифодаланишда ҳар сафар конкрет нутқ вазияти назарда тутилади. Масалан, *олим* лексемаси шундай хислати бор кишига қарата ишлатилса, унда услугубий баҳо бетараф бўлади. Агар бу лексема тақлидчига, сохта интилувчига қарата мазах тариқасида айтилса, бу лексема салбий услугубий баҳога эга бўлади: *Олимимиз мулоҳазаларини баён қилмоқчилар-ку.*

28- §. Услубий жиҳатдан ёндашиб одатда бетараф баҳо ва бетараф бўлмаган баҳо ҳақида гапирилади. Баҳо бетараф бўлса, *манфий баҳоли лексема* (лексик маъно) деб, баҳо бетараф бўлмаса, *мусбат баҳоли лексема* (лексик маъно) деб аташ мумкин. Юқоридаги мисолларда *қуш* — манфий услугубий баҳоли лексема, *қушча* — мусбат услугубий баҳоли лексема.

Мусбат услугубий баҳо икки хил: ижобий ёки салбий бўлади. Морфологик ифодаланишда услугубий баҳо ижобий бўлади (мисоллари юқорида). Лексик ва контекстуал ифодаланишда эса услугубий баҳо ижобий ҳам, салбий ҳам бўлиши мумкин. Масалан, юқоридаги мисоллардан *бет, афт, башара* лексемалари — салбий услугубий баҳоли. Шуларнинг синоними бўлган *чехра* лексемаси эса ижобий услугубий баҳоли.

29- §. Лексик маънони қоплаб турувчи услугубий (эмоционал-экспрессив) баҳо ҳам лексеманинг мазмун планига мансуб семантик қисм деб қаралади ва *услубий сема* деб юритилади. Масалан, *ака, оға* лексемаларининг лексик маъносида айни бир идеографик семалар мавжуд (*киши, эркак, бир ота-онанинг фарзанди, ёши катта*), аммо бу лексемаларнинг мазмун плани услугубий сема жиҳатидан фарқли: *ака* лексемасига «бетараф» услугубий семаси мансуб бўлса, *оға* лексемасига «ижобий» (кўтаринки) услугубий семаси мансуб.

Лексеманинг мазмун планида, идеографик ва услубий семалардан ташқари, яна бир сема қатнашади. Ҳар бир лексема маълум бир туркумга мансуб бўлади ва бу мансубликни лексемадан англашиладиган лексик маъно белгилаб туради. Лексик маънодан келиб чиқиб белгиланадиган бундай семантик қисм туркумлик семаси дейилади (категориал сема деб ҳам юритилади). Масалан, *ака*, *оға* лексемалари от туркумига мансуб, чунки булар «предмет» маъносини англатади; *яхши*, *баланд* лексемалари сифат туркумига мансуб, чунки булар «предметнинг белгиси» маъносини англатади ва бошқалар. Лексик маъно асосида ажратиладиган «предмет», «предмет белгиси» каби семантик қисмлар туркумлик семаси бўлиб, бундай сема ҳам, идеографик сема каби, лексеманинг семантик мазмунида қатнашади.

Хуллас, лексеманинг мазмун плани таркибида уч хил сема ажратилади: идеографик сема, услубий сема, туркумлик семаси.

Лексик қўллаш

30- §. Лексеманинг мазмун планига боғлиқ ҳолда лексик қўллаш ҳам қайд этилади. Лексик маъно лексик қўллашдан қўйидагича фарқ қиласди:

1. Лексик маъно тил бирлиги (луғавий бирлик) бўлиб, шу тилда гапирувчилар томонидан тан олинган, қабул қилинган бўлади. Лексик қўллаш эса индивидуал нутқ ҳодисасидир, шу тилда гапирувчилар орасида умумлашмаган, қабул қилинмаган бўлади, айрим муаллиф (киши) нутқигагина хос бўлади.

2. Лексик маъно луғавий бойлик таркибига киради, шунга кўра у умумтил луғатида берилади ва айрим изоҳланади. Лексик қўллаш эса луғавий бойлик таркибига кириши мумкин бўлган имкониятdir, шунга кўра у умумтил луғатида берилмайди.

3. Лексик маъно шу тилда гапирувчилар нутқи учун умумий бўлади. Лексик қўллаш эса шу тилда бор лексик маънолардан бирининг айрим муаллиф (киши) нутқида янгича берилиши, янгича баҳоланишидир. Лексик қўллаш шу тилда гапирувчи коллектив томонидан тан олинса, қўпчилик нутқида ишлатилса, шундагина у лексик маънога айланади.

4. Лексик маъно контекстда намоён бўлади: контекст кўп маъноли лексеманинг бир лексик маъносини бўрттириб, бошқа лексик маъноларидан ажратиб беради. Демак, лексик маъно ҳар галги конкрет боғланышлар сабабли юзага келмайди, балки шу контекстга шаклланган бўлади, контекст шуни юзага чиқариб беради, холос. Лексик қўллаш эса контекстнинг ўзида воқе бўлади: уни маълум бир муаллиф тузган контекст юзага келтиради, лексик қўллаш шу контекст доирасидагина мавжуд бўлади.

5. Лексик маъно луғавий бирлик сифатида лексемага бўркитилади ва барқарор бўлади. Лексик қўллаш эса шу лексеманинг ўзиники деб эмас, балки контекстники деб қаралади, шунга кўра барқарор бўлмайди: контекст бўлмаса, шундай контекст сабабли пайдо бўлган лексик қўллаш ҳам йўқолади.

6. Лексик маъно, одатда, бирор воқеликни номлаш учун хизмат қиласди (бунда образлилик ҳам ифодалиниши мумкин). Лексик қўллаш эса асосан образлилик яратиш учун хизмат қиласди. Лексик қўллаш бирор воқеликнинг номи бўлмай (бундай вазифани, одатда, лексик маъно бажаради), балки унгача номланган воқеликнинг ўзгача ифодасидир (лексик қўллаш шу томони билан фигуран лексик маънога ўхшаб кетади, аммо бошқа жиҳатлари билан фарқ қиласди, буни юқоридаги пунктлар баёнидан билиб олиш мумкин).

31- §. Юқорида саналган белгилар асосида А. Қаҳҳорнинг «Синчалак» повестидан олинган қўйидаги парчаларни таҳлил қиласлил:

— *Айб ўзингизда! — деди Сайдага қўлини бигиз қилиб.— Одамлар билан аймоқи бўлиб, катталарни бетга чопар, беандиша, ёшларни шашшак қилиб қўйдингиз!* (107- бет.)

Бу персонаж нутқида аймоқи бўлмоқ феъли янгича контекстда берилган. Ўсимликнинг ўсиш жараёнини англатувчи бу феъл кишилар орасидаги муносабатга кўчирилган. Бу лексик қўллашда аймоқи бўлмоқ лексемасининг лексик маъносига суюниб («ўз-ўзича, эркин ўсмоқ»), «кўпчиликдан ажралиб турмаслик» каби маъно ҳосил қилинган. Бундай маъно шу лексемани индивидуал қўллаш натижасида юзага келган.

— *Қаландаров яхши ташкилотчи деймиз, лекин бу чиройли гулдаста қанақа гуллардан боғланганини билмаймиз* (55- бет).

Бу матнда ишлатилган *гүлдаста* лексемаси асли «бир қанча гулнинг боғлами»ни англатади, бу ўриндаги лексик қўллаш туфайли бу лексема бир кишининг (Қаландаровнинг) хусусияти («ташкилотчилик маҳорати») ни билдираётир.

Лексик қўллашни англаш учун баъзан анча кенг контекст билан танишиш зарур бўлади. Бундай ҳолларда лексик қўллаш ўта индивидуал, шартли бўлади, кенг изоҳни талаб қиласди. Масалан, мана бу лексик қўллашни муаллиф ўзи истаганча тушунтириш учун қанчалик кенг контекст тузгани ўз-ўзидан кўриниб турибди:

— *Биз ҳозир муҳокама қилаётган иллатларни Зулфиқоров ундириб, Зулфиқоров ўстиргани йўқ!*— деди Саида.— *Бу иллатларнинг чуқур илдизлари ўзимизда бўлган; қай сабаб билан бўлмасин, колхозимизда вужудга келиб қолган «об-ҳаво шароити» уни қўкартирган, ўстирган, айрим ҳолларда ғовлатиб юборган. Биз ҳозир бу иллатларнинг ғовлаб кетган жойини кўриб турибмиз. Бу «об-ҳаво шароити», бир томондан, иллатни қўкартирган, ўстирган бўлса, иккинчи томондан, одамларни шу иллатларга қўниктирган, буларни пайқамайдиган қилиб қўйгани.* Ҳаммадан мана шу ёмон!

«Колхозда об-ҳаво шароити» деган гап Қаландаровга тегиб кетди. (А. Қ.)

А. Қаҳдор повестининг «Синчалак» деб номланиши ҳам шундай лексик қўллашга мисол бўла олади: қушноми қизга кўчирилади, аввал салбий тавсифдек берилади, сўнг ижобийга айланади, охири «Гап жуссада эмас, ўз ишининг тўғрилигига ишончда, ирода кучида, кўпчиликка суюниб иш тутишда» деган мазмун келиб чиқади.

Лексик қўллаш ҳамма вақт ўринли бўлавермайди. Лексеманинг семантик мазмунига, шу лексема билан тилдаги бошқа лексемалар орасидаги маъно муносабатига зид келмайдиган лексик қўллашгина ижобий бўлади. Шундай талабга жавоб берган лексик қўллаш шу лексеманинг луғавий маъносидаги мавжуд имкониятни давом эттиради, бора-бора лексик маънога айланиши мумкин.

ФРАЗЕМАНИНГ МАЗМУН ПЛАНИ

32- §. Фраземада икки ва ундан ортиқ лексема, ўз лексик маъно мустақиллигини йўқотган ҳолда, бир умумий маъно марказига бўйсунади, фраземадан яхлитлигича англашиладиган маънёни гавдалантириш учун хизмат қиласди. Фраземадан англашиладиган маъно унинг таркибидаги лексемалардан англашиладиган маъноларнинг оддий (арифметик) йиғиндиси бўлмай, умумлашма, устама маъно, шу билан бирга, кўчма маъно сифатида гавдаланади. Масалан, *жон(и)ни жабборга бермоқ* фраземаси «бор кучини сафарбар қилгани ҳолда фаолият кўрсатмоқ» маъносини англатади; бу маъно *жон, жаббор, бермоқ* лексемалари англатадиган маъноларнинг оддий йиғиндиси эмас, балки маълум образга асосланадиган умумлашма кўчма маъно.

Лексемада бўкганидек, фраземанинг мазмун планида ҳам икки ҳодиса ажратилади: 1) луғавий маъно, аникроғи, фразеологик маъно; 2) услубий баҳо.

33- §. Фразеологик маъно. Фраземанинг воқеликка нисбат берилувчи луғавий мазмунни (ниманидир номлаши, ифодалashi) *фразеологик маъно* дейилади. Масалан, *туяning калласидай* фраземаси нарсанинг сифат белгисини («ҳажми одатдагидан анча катта, йирик»), *юрак-бағр(и)* қон бўлиб кетди фраземаси эса кишининг ҳолатини («дилтанг бўлмоқ, зиқ бўлмоқ») англатади: *Қовунга қаранг. Ҳар бири таянинг калласидай. Жуда сараланган.* (О.) *Юрак-бағрим қон бўлиб кетди...* эртадан бери ёлғиз ўтирибман. (О.)

Фразеологик маъно таркибини семик таҳлил қилиш асосида ҳам идеографик семалар ажратилади. Масалан, *таъб(и) хира* фраземаси сифатларнинг руҳий ҳолат билдирувчи лексик-семантик гуруҳига мансуб. Бу гуруҳ сифатларнинг луғавий маъноси таркибида «кайфият», «эмоциянинг ижобий-салбийлиги», «эмоциянинг кучли-кучсизлиги» семалари ажратилади. Ана шу идеографик семалар асосида юқоридаги фраземанинг маъносини «кайфияти бир оз ёмон ҳолатда» деб таърифлаш мумкин.

34- §. Фраземадан яхлитлигича англашиладиган маъно билан унинг таркибидаги лексемалар англатадиган маънолар орасидаги муносабат асосида фраземаларнинг икки семантик тури фарқ қилинади: 1) фразеологик бутунлик, 2) фразеологик чатишма.

Маъноси таркибидаги лексемаларга хос маънолар асосида изоҳланадиган, шу лексик маъноларнинг умумий маҳражи сифатида гавдаланадиган фразема фразеологик бутунлик дейилади.

Мисоллар: *Ҳали нима бўлади, нима йўқ. Тўйдан илгари ногора ҷалаверади булар*. (Ҳ. Ҳ.) *Кўча тупроғини ерга солишини Охунбобоев районига расм қилиб берган биринчи шу звено дейиш мумкин. Ҳали ҳам кўчалар ёғ тушса ялагундай*. (Ғ. Ғ.) *Меҳмоннинг қизарганини пайқаган кекса бой, ўз хотинининг катта оғиз ва бетамизлигидан аччиқланиб, юзини тескари бурди*. (О.)

Қўйидаги мисолларни қиёсланг: 1) *Турғун ота узоқ бош қашир, кейин бирдан енгин шимарар*. (О) 2) *Шундай қилиб, Тожибойнинг раислик даври тамом бўлди. Ойимхон Советнинг печатини ундан олиб, кўкрак чўнтағига солиб қўйди. Ойимхон енг шимариб иш бошлади*. (П. Т.)

Биринчи мисолдаги *енг шимармоқ* — эркин боғланма: уни ташкил этувчи *енг* ва *шимармоқ* лексемалари ўз лексик маъно мустақиллигини сақлаган ҳолда боғланниб келган. Иккинчи мисолдаги *енг шимармоқ* — турғун боғланма. Чунки бу ўринда *енг* ва *шимармоқ* лексемалари ўз лексик маъно мустақиллигини сақламайди (Бу фразема «астойдил» маъносини англатади). Демак, ушбу фраземанинг таркибидаги лексемаларни ўз мустақил лексик маъносида тушуниб бўлмайди.

Айни бир лексемалардан тузилган боғланмаларнинг тўғри ва кўчма маъно англатишидаги фарқ қўйидаги матнда очиқ кўринади:

— *Афанди! Сира оғзингизни очмадингиз-а?*

— *Оғиз очиши бундан кам бўладими? — деди афанди.— Эснайвериб, оғзимнинг йиртилишига сал қолди-ку!* («Афанди латифалари»дан).

Бу парчада тўғри маъноли боғланма билан кўчма маъноли боғланма асосида сўз ўйини ишлатилган: биринчи гапда *оғиз очмаслик* фраземаси («гапирмаслик» маъносини англатади), иккинчи гапда эса атайлаб тўғри маъноли эркин боғланма келтирилган.

35- §. Маъноси таркибидаги лексемаларга хос маънолар асосида изоҳланмайдиган, бу лексемаларга хос лексик маъноларни ҳисобга олмайдиган фраземага фразеологик чатишма дейилади.

Мисоллар: *Ҳадеб тўнингизни тескари кияверманг!* (Н. С.) *Бордию Сиз ҳам тисарилсангиз, Сиздан ҳам*

қўлимни ювиб, қўлтиғимга ураман-у, бошимни олиб ҳайё-ҳайт деб чиқаман-кетаман. (Ҳ. Ҳ.) Овчи узоқдан ўпкасини қўлтиқлаб чопиб келди (Эртакдан).

Фразеологик чатишмага хос маъно таркибидаги лексемаларнинг маъносидан ажралиб қолган, ҳатто зид бўлади. Масалан, оёғ(и)ни қўл(и)га олиб фраземасидан англашиладиган маъно таркибидаги лексемалардан бевосита англашиладиган маънога зид: оёқни қўлга олгандан кейин, жадаллик у ёқда турсин, умуман, ҳеч қандай ҳаракат бўлиши мумкин эмас.

Қўйидаги контекстда бош(и)ни олиб чиқиб кетмоқ фраземаси билан худди шундай тузилишли эркин боғланма орасидаги қарама-қаршилик яхши очиб берилган:

Бу «чиқ-чиқ»лар, «Бу турбатхонада шу вақтгача ниша кўрган бўлсанг, бундан кейин ҳам шуни кўрасан, бошингни олиб чиқиб кет» дегандек тутилади. Мадрайим ака усиз ҳам «бошини олиб чиқиб кетиши»га тайёр одамлардан бири, лекин буни номардлик ҳисоблар эди.

«Бошини олиб чиқиб кетиши» қандай фожиалар, қандай кўргиликларнинг натижаси бўлганлигини ҳозирги одамлар эсдан чиқарган, ёшларга эса кулгили тутилиши мумкин: чиқиб кетган одам бошини қўйиб кетардими? (А. К.)

Фразема билан унинг таркибидаги лексемаларнинг маънолари орасидаги бундай қарама-қаршиликни, ёзувчи таъкидлаганидек, ёшлар эмас, балки фраземанинг шу томонига эътибор берган кишигина сезиши мумкин. Одатда эса бу хил қарама-қаршилик сезилмайди, чунки фраземани ишлатганда унга хос умумий маъногина назарда тутилади. Умуман, фразеологик чатишма ўзи каби тузилишли эркин боғланма билан омонимик ҳолатда бўлади. («Омонимия» баҳсига қаранг.)

36- §. Фразеологик бутунлик ва фразеологик чатишма учун умумий белги уларда семантик ҳамда грамматик синтезга интилишнинг мавжудлигидир. Бунда қўйидагилар назарда тутилади: 1) Таркибида икки ва ундан ортиқ лексема қатнашади. 2) Яхлит бир маъно гавдаланади. 3) Таркибидаги лексемалар ўз лексик маъно мустақиллигини йўқотади. 4) Эркин боғланма билан фақат омонимик ҳолатда бўлади. 5) Фраземани фақат яхлитлигича алмаштириш мумкин. 6) Нутқда яхлитли-

тича бир синтактик вазифада келади. 7) Бошқа тилга яхлитлигича таржима қилинади.

Фразеологик бутунлик билан фразеологик чатишма орасидаги фарқ — улардаги умумий белгининг (семантич ҳамда грамматик синтезга интилишнинг) меъёрида. Буни қўйидаги қиёслардан билиб олиш мумкин:

1а. Фраземанинг маъноси таркибидаги лексемаларниң маъносига боғлиқ, шу лексик маъноларнинг ўзига хос синтезидан иборат бўлади.

1б. Фраземанинг маъноси таркибидаги лексемаларнинг маъносига боғлиқ эмас, булардан келиб чиқмайди.

2а. Фраземанинг маъносини унинг таркибидаги лексемаларга хос маънолар асосида изоҳлаш мумкин.

2б. Фраземанинг маъноси таркибидаги лексемаларга хос маънолар асосида изоҳланмайди, фраземадан англешиладиган маънони тушунишда қандайdir шартлилик мавжуд бўлади.

3а. Таркибидаги лексемаларга хос маънолар, қисман бўлса-да, ҳисобга олинади.

3б. Таркибидаги лексемаларга хос маънолар ҳисобга олинмайди.

4а. Фраземанинг яхлит маъноси фонида таркибидаги лексемаларга хос маънолар ҳам сезилиб тургани сабабли бундай фраземанинг маъноси кўп қиррали, бой бўлади, анчагина мураккаб ҳолатда гавдаланади; ички образ ҳаёт бўлади.

4б. Фақат фраземанинг яхлит маъносигина мавжуд бўлади, бу маънонинг гавдаланишида таркибидаги лексемаларнинг маъноси қатнашмайди; ички образ сўнган бўлади. Шунга кўра фраземанинг маъноси анча содда ҳолатда гавдаланади.

5а. Маъносини ўз таркибига кўра изоҳлаш имкониятининг борлиги билан бундай фразема ясама лексемаларга ўхшаб кетади.

5б. Маъносини ўз таркибига кўра изоҳлаш имкониятининг йўқлиги билан бундай фразема туб лексеманинг бош маъносига ўхшаб кетади.

37-§. Услубий баҳо ифодалашнинг лексемадаги ва фраземадаги мавқеи фарқли. Бундай баҳо лексемаларнинг кўпида яққол ифодаланиб турмайди, баъзан эса бундай баҳо лексемани турлича маъно муносабатига киритиш, турлича қўллаш билан ҳосил қилинади. Фраземаларнинг кўпида эса услубий баҳо унинг мазмун планида доимий таркибий қисм бўлиб қатнашади, баъ-

зан фразема маъносини бутунлай қамраб олгандек, кўмиб юборгандек бўлиб кўринади.

Фраземалар, одатда, воқеликни номлабгина қолмай, уни баҳолаб ҳам туради. Фраземаларнинг тилда яшини оқлаб турувчи сабаблардан бири, балки биринчиси — шу. Масалан, қўйидаги парчаларда ишлатилган фраземалар маълум бир воқеликни номлайди (*ер-у кўкка ишонмаслик* — «ўта даражада ардоқламоқ», *бош(и)га кўтармоқ II* — «юксак даражада иззат-ҳурмат қилмоқ», *мукка(си)дан кетмоқ* — «ўзини тия олмаслик даражасида берилиб кетмоқ», тил *бириклирмоқ* — «яширин ҳолда келишиб олмоқ»), шу билан бир вақтда бу воқеликка муносабатни ҳам ифодалайди (аввалги икки фраземада ижобий муносабат, кейинги иккисида эса салбий муносабат ифодаланади):

И б р о ҳ и м . Хурсандмисан, хафа қилаётгани йўқми? Гулсара. Йўқ! Ер-у кўкка ишонмайди, бошига кўтаради. (Я.) Отанг—хурофотга муккасидан кетган одам. (Я.) ...уч-тўртта муттаҳамлар билан тил бириклириб, колхознинг кўп нарсаларини сув қилганга ўхшайди. (Я.)

Фраземанинг мазмун планига мансуб услубий баҳо ҳам, худди лексемада бўлганидек, стилистик сема деб юритилади.

Лексеманинг мазмун планидан келиб чиқиб белгилангани каби, фраземанинг мазмун планидан келиб чиқиб ҳам туркумлик семаси белгиланади. Масалан, *туяниңг калласидай* фраземасидан «предметнинг белгиси» экани, *қон(и)ни сўрмоқ* фраземасидан «предметнинг ҳаракати», *кўз очиб юмгунча* фраземасидан «ҳаракатнинг белгиси» экани англашилади, ана шу туркумлик семалари асосида бу фраземалар сифат, феъл, равиш туркумларига киритилади.

38- §. Фразеологик қўллаш. Янгидан-янги луғавий мазмун билан ишлатиш фраземаларда ҳам анчагина учрайди. Масалан, *чакаг(и) очилди* фраземаси, одатда, чақалоқнинг йиғлашига, сергапликка қаратса айтилади. Ойбек «Қуёш қораймас» романида бу фраземани жуда усталик билан янги бир ҳодиса (пулемётнинг ўқ узиши) га кўчирган. Бундай янги контекстда қўллаш (*Пулемётнинг чакаги очилиб кетди*) муваффақиятли чиққан.

Фразеологик қўллаш ҳаммавақт ижобий бўлавермайди. Масалан, қўйидаги фразеологик қўллаш дуруст чиққан, аммо кичик бир нуқсон ҳам бор: *Севгининг*

нақадар пок, нақадар муқаддаслигини етти ухлаб тушида күрмаган ва уни мурувватсиз қўлда сўлган чечак каби хоксор қилган ишқ жаллобларининг нозига қулоқ солган худо тўтиқушнинг болалариdek бир-бирига зор, интизор бўлиб, бир-бирига етишолмай хор зор бўлиб юрган мискинлар оҳига нечук қулоқ солмас экан? (М. Исл.) Бу фразема «ҳеч қачон кўрмаслик» маъносини англатади ва кўриш мумкин бўлган предметларга нисбатан ишлатилади. Ёзувчи бу фраземани янгича контекстда (*севгининг поклиги, муқаддаслиги* лексемалари билан боғлаб) ишлатган. Натижада бу фразема тамоман янги маънони — «*билмаслик*» маъносини англатиш учун хизмат қилдирилган. Бу билан фраземанинг маъноси тўғри тараққий эттирилган. Аммо бу фразема мавҳум белги отларини бевосита бошқариб келиши ўринли чиқмаган. Агар бу фразема тўғридан тўғри *севгини*, сўз формасини қўйидагича бошқариб келса эди, муаллиф бу нуқсондан қутулар эди: *Пок, муқаддас севгини етти ухлаб тушида кўрмаган...*

Фразеологик қўллашни фраземани ноўрин ишлатиш ҳолларидан фарқ қилиш керак. Булардан биринчиси ижодий ёндашиш бўлса, иккинчиси тилни билмаслик, тил қонуниятлари билан ҳисоблашмаслик натижасидир. Масалан, қўйидаги парчада фразема ноўрин ишлатилган: *Кўринмайди кўзимга Тор қафасда турганим, Эсга тушар боғчада Эркин сайраб юрганим.* (А. Раҳмат.) Бу ерда ишлатилган *кўз(и)га кўринмаслик II* фраземаси киши учун энг қадрли, энг ёқимли киши ёки нарсага қарата айтилади, шеърдаги «тор қафас»ни бундай предмет деб бўлмас.

ЛУГАВИЙ ПОЛИСЕМЕМИЯ

39- §. Тил бирликлари бир ёки бирдан ортиқ маънони англатади. Бир маънони англатиш ҳодисаси **моносемемия**, бундай хусусиятли тил бирлиги **моносемантик бирлик** дейилади, (юнонча), *tonos* — «бир», *sema*, *se-teion* — «белги», *semantikos* — «бильдирувчи»). Бирдан ортиқ маънони англатиш ҳодисаси **полисемемия**, бундай хусусиятли тил бирлиги **полисемантик бирлик** дейилади (*polys* — «кўп»). Барча тил бирликлари **моносемантик** (бир маъноли) ва **полисемантик** (кўп маъноли) деб иккига гуруҳланади, булардан полисемантик тил бир-

ликлари алоҳида диққат билан ўрганишни талаб қиласиди.

Полисемемия луғавий бирликларга ҳам, грамматик бирликларга ҳам хос, шунга кўра икки хил:

I. Луғавий полисемемия — луғавий бирликлардаги кўп маънолилик ҳодисаси: бош 1 — «киши организмнинг бўйиндан юқори қисми», бош 2 — «мия» (Унинг боши яхши ишлайди) каби.

II. Грамматик полисемемия — грамматик бирликлардаги кўп маънолилик ҳодисаси: -га 1 — ўзи қўшилган асос ҳаракат йўналтирилган предмет эканини билдиради: Укамга тикилдим; -га 2 — ўзи қўшилган асос ҳаракатни бажаришда мақсад бўлган предмет эканини билдиради: Укамга (укам учун) олдим каби.

Луғавий полисемемия икки турли:

1. Лексик полисемемия — лексемалардаги кўп маънолилик ҳодисаси (мисоли юқорида).

2. Фразеологик полисемемия — фраземалардаги кўп маънолилик ҳодисаси: кўзга кўринмоқ 1 — «танилмоқ», кўзга кўринмоқ 2 — «ўзига диққат-эътиборни жалб қиласиган бўлмоқ» каби. Мисоллар: 1) У комбинатнинг кўзга кўринган ип йигириувчиси эди. (С. Аҳм.) 2) Мана энди биргина тикилгани, кўзларининг оқу қораси — Майнаси бўйга етиб, кўзга кўриниб қолди. (Ш. Тошматов.)

ЛЕКСИК ПОЛИСЕМЕМИЯ

40- §. Ҳозирги ўзбек адабий тилидаги лексемаларнинг деярли ярми полисемантик. Моносемемия янги яратилган лексеманинг ҳамда янги ўзлаштирилган лексеманинг бошланғич ишлатилиш даврига хос деб қаралади (кейинчалик бундай лексема полисемантик бўлиб кетиши мумкин). Терминлар ҳам, одатда, моносемантик бўлади. Моносемантик лексемалар қаторига шартли равишда атоқли отлар ҳам киритилади. Энг тор контекстли лексема ҳам моносемантик бўлади: бундай лексема фақат бир маъно йўналишидаги лексемалар билан (баъзан якка лексема билан) боғланиб келади; шундай боғланишдан ташқарида мустақил ишлатилмаслиги ҳам мумкин. Масалан, танқид, ўтака каби лексемалар жуда тор контекстли ва бир маъноли.

Ҳар бир лексема яратилишига кўра моносемантик бўлади: бирор предмет, белги, муносабатнинг номи сифатида юзага келади. Кейинчалик у бошқа ҳодисаларга

ҳам ном бўлиб хизмат қилади, шу йўл билан ўз маъносини ўзгартиради, тарақкий эттиради. Натижада лексема маъносида турли-туман силжишлар юз беради, моносемантик лексема полисемантик лексемага айланади.

Лексеманинг кўп маънолилигини контекст намоён қиласи: контекст қанчалик ранг-баранг бўлса, бу лексеманинг маънолари ҳам шунчалик кўп бўлади. Бунда шу лексема билан боғланиб келувчи лексемаларнинг оддий миқдори эмас, балки турли-туман семантик йўналишдаги лексемалар бўлиши ҳал этувчи ўрин тутади.

Лексик полисемемия — кўп қиррали ва мураккаб ҳодиса. Деярли ҳар бир лексеманинг маъно тараққиёти алоҳида-алоҳида ёндашишни, изоҳлашни талаб қиласи. Шу сабабли лексик маъноларни аниқлаш ва системалаш жуда қийин. Лексеманинг кўп маънолилиги ҳақида айтиладиган умумий фикрлар, одатда, лексик маъно тараққиёти ҳақида тасаввур ҳосил этиш учунгина хизмат қиласи.

Лексик маънонинг тараққиёт йўллари

41- §. Лексик маъно одатда бир предмет, белги, ҳаракатнинг номини бошқа бир предмет, белги, ҳаракатга кўчириш йўли билан ривожланади. Бундай кўчиришнинг табиатини, мавқеини ҳар бир тилнинг ўзидаги семантик қонуниятлар белгилайди.

Кўчиришлар асосан қўйидагилар: метафора йўли билан кўчириш, функционал кўчириш, метонимия йўли билан кўчириш, синекдоха йўли билан кўчириш. Кўчириш қоришиқ ҳолда (метафорик-функционал, метафораметонимия, метонимия-синекдоха тарзида) ҳам учрайди (мисоллари қўйироқда).

42- §. Бир нарса, белги, ҳаракатнинг номи бошқасига ўзаро ташқи (шакли, ранги каби жиҳатлари билан) ўхшашлиги асосида кўчирилса, метафора йўли билан кўчириш дейилади (юонча *metaphora* — «кўчириш»). Масалан, йўл лексемаси асли «ўтиш жойи» маъносини англатади. Шаклий ўхшашлик асосида бу лексема «сатр» («бир чизиқ бўйлаб жойлаштирилган ёзув») маъносини ҳам англата бошлаган.

Метафора йўли билан кўчиришнинг асосий кўринишлари:

1. Бир нарсанинг номи бошқа бир нарсага шаклий ўхшашлик асосида кўчирилади: *оғиз* (одамнинг оғзи) — *оғиз* (шишанинг оғзи), *қўлтиқ* (одамнинг қўлтифи) — *қўлтиқ* (денизданги қўлтиқ), *тиш* (одамнинг тиши) — *тиш* (арранинг тиши), *этак* (кийимнинг этаги) — *этак* (тоғнинг этаги) каби.

И з о ҳ. Бундай кўчириш натижасида баъзан қарама-қарши маъно ҳам туғилиши мумкин. Масалан, бош лексемасининг биринчи маъносидан метафора йўли билан кўчириш асосида «ибтидо», «муқаддима» маъноси ҳосил бўлган: *мақоланинг боши* каби. Бундан ташқари, «охир», «хотима» маъноси ҳам ўсиб чиққан: *боши берк кўча* каби. Яна қиёсланг: *Коридорнинг у бошидан бу бошигача стуллар қўйилган*. Бунда бош лексемаси умуман «томон» маъносига эга бўлиб қолади. Бир лексеманинг бундай қарама-қарши маъно англатиши ҳодисаси *энантиосемия* дейилади (юнонча еп — «яқин», *anti* — «қарши»).

2. Бир нарсага (баъзан ҳаракатга) хос белгининг номи бошқа бир нарсадаги белгига кўчирилади: *аҷчиқ* (*аҷчиқ қалампир*) — *аҷчиқ* (*аҷчиқ гап*), *тўғри* (*тўғри чизик*) — *тўғри* (*тўғри гап*), *қизил* (*қизил гул*) — *қизил* (*қизил бурчак*), *жонли* (*жонли табиат*) — *жонли* (*жонли сұхбат*); *тез* (*тез юрмоқ*) — *тез* (*тез одам*) каби.

И з о ҳ. Бир предмет номини бошқа бир предметга белги сифатида келтириш ҳам мавжуд: *тош* (*қаттиқ тоғ жисм*) — *тош нок* (*қаттиқ*); *олтин* (*қимматбаҳо маъданнинг номи*) — *олтин япроқлар* (*сап-сариқ*) каби. Бунда нарсанинг номи белгини англатиб келади. Юқоридаги пунктда эса белгининг номи бир нарсадан бошқасига кўчирилади.

3. Бир нарсага хос ҳаракатнинг номи бошқа бир нарса ҳаракатига кўчирилади: *саваламоқ* (*ни ма ни?*) — *саваламоқ* (*ки мни?*), *чўкмоқ* (*чўккаلامоқ*) — *чўкмоқ* (*имаратнинг чўкиши*) — *чўкмоқ* (*одамнинг қаригандаги чўкиши*), *ўлмоқ* (*жонлиларда ҳаётнинг тугаши*) — *ўлмоқ* (*ўсимлик палагининг сўлиши, қуриши*) каби.

43- §. Бирор нарсанинг номи бошқасига улар бажарган вазифадаги ўхшашлик асосида кўчирилиши *функционал* кўчириш дейилади (лотинча *funktio* — «фаолият», «вазифа»).

Функционал кўчириш ҳам ўхшашлик асосида бўлади. Бу жиҳатдан у метафора йўли билан кўчиришга

жуда яқин туради. Фарқ шундаки, метафора йўли билан кўчиришда предметлар орасидаги ташқи кўриниш жиҳатидан, материал жиҳатдан ўхшашлик асосга олинса, функционал кўчиришда вазифа жиҳатидан ўхшашлик назарда тутилади. Масалан, қуши танасидаги учиш учун хизмат қилувчи аъзо қанот дейилади. Шунга ўхшаш вазифани бажарувчи қисм самолётга нисбатан ҳам қанот деб номланган.

Шунингдек, илгарилари кўмир лексемаси «кўмиб ёндириш усули билан ўтиндан тайёрланган ёқилғи» маъносини англатар эди. Ҳозир эса «ер қатламида табий йўл билан ҳосил бўлган қаттиқ ва қора рангли ёқилғи» маъносига кўчди. Энди бу икки маънодан асосан кейингиси кўп учрайди. Юқоридаги ёқилгининг икки турини фарқлаш лозим бўлиб қолса, булар сифатловчи келтириш йўли билан фарқланади: *пистакўмир*, *тошкўмир* деб номланади.

Яна мисоллар: *чироқ* (қора чироқ — шам чироқ — керосин билан ёнадиган, шишли чироқ — электролампочка), *сиёҳ* (ёзув учун ишлатиладиган қора рангли суюқлик) — *сиёҳ* (ёзув учун ишлатиладиган суюқлик, ранги ҳар хил бўлаверади) каби.

Функционал кўчиришда кўпинча шаклий ўхшашлик ҳам қатнашади. Масалан, юқорида келтирилган қанот лексемасида шакл жиҳатидан, *кўмир* лексемасида ранг жиҳатидан, *сиёҳ* лексемасида ҳолат (суюқ) жиҳатидан ўхшашлик ҳам бор. Шу сабабли бу кўчиришларни функционал-метафорик кўчириш деб баҳолаш мумкин.

44- §. Бир нарса, белги, ҳаракатнинг номи бошқа бир нарсага ўхшашлик асосида эмас, балки ўзаро боғлиқлик асосида кўчирилиши *метонимия* йўли билан *кўчириши дейилади* (юонча *metonymia* — «қайта номлаш»). Масалан, *дастурхон* лексемаси «овқатланиш учун ёзиладиган буюм»ни англатади; бу лексема билан овқатнинг ўзи, «дастурхонга қўйиладиган ноз-неъмат» ҳам билдирилади.

Метонимия йўли билан кўчиришнинг асосий кўришиллари:

1) бир предметнинг номи шу предметдаги бошқа бир предметга кўчирилади: *бош* («киши организмининг бўйиндан юқори қисми») — *бош* («мия»: *Бошим оғрияпти*), *иҷ* («ички томон») — *иҷ* («қорин бўшлиғида жойлашган аъзолар»: *Иҷим оғрияпти*), *уй* (иморат) — *уй* (*уйда яшовчилар: Бутун уй югуриб чиқди*) каби;

2) бир нарсанинг номи шу нарсага асосланган ўлчов бирлигининг номи бўлиб хизмат қиласди: *кун* («қуёш») — *кун* («сутканинг ёруғ қисми»), *ой* («планета номи») — *ой* («йилнинг ўн иккidan бир қисми»), *жўра* («уртоқ») — *жўра* («икки қисмдан иборат бир кийимлик мато»; бир *жўра атлас*), *бош* («калла») — *бош* (ўлчов бирлиги: икки бош узум; бунда метафора ҳам қатнашади — шаклий ӯхашашлик бор), *бош* («калла») — *бош* (ўлчов бирлиги: *Ферманинг икки юз эллик бош қорамоли яйловда*; бунда синекдоха ҳам қатнашади: қисм орқали бутун номланади) каби;

3) бир нарсанинг номи шу предметдан ҳосил бўладиган предметга кўчирилади: *тил* («нутқ аъзоси») — *тил* («нутқ»), *чой* (ўсимлик) — *чой* (ичимлик), *дам* («нафас», «ҳаво») — *дам* («тиним», «вақт», «дақиқа») каби;

4) белгининг номи шундай белгиси бор нарсага кўчирилади: *кўк* (ранг номи) — *кўк* («кўкат»), *кўк* («осмон»), *кир* («ифлос») — *кир* («ифлосланган ёки ювилган кийим-кечак»), *юпқа* (қалиннинг акси) — *юпқа* (таом номи), *чуқур* (саёзнинг акси) — *чуқур* («яма») каби.

И з о ҳ. Бу банддаги ҳолат метафора йўли билан кўчиришга ӯхаш, аммо бу асосда уларни аралаштириш тўғри эмас: метафора йўли билан кўчиришда бир предметдаги белгининг номи бошқа предметдаги белгига кўчирилади (*оқ қогоз* — *оқ гвардиячи* каби), метонимия йўли билан кўчиришда эса белгининг номи нарсага кўчирилади (*оқ* — ранг номи, *оқ* — предметнинг номи: *кўзнинг оқи* каби);

5) ҳаракатнинг номи шу ҳаракат натижасида ҳосил бўладиган нарсага кўчирилади: *тўймоқ* — *тўй*, *аталамоқ* — *атала*, *кўчмоқ* — *кўч* каби (баъзан қарама-қарши маъно ҳам туғилади: *кўрмоқ* — *кўр*).

Нутқимизда *Фузулийни ўқиб тугатдим*. «Тошкент оқшоми»ни ўқиб турман каби ишлатишлар ҳам бор. Буларда асли атоқли ва турдош отдан тузилган (*Фузулий асарлари*, «Тошкент оқшоми» газетаси каби) бирикма ўрнига атоқли отнинг ўзи ишлатилади. Натижада атоқли от янги лексик маъно англатмайди, балки ўз маъносини сақлаган ҳолда турдош от маъносини ҳам ўз устига олади. Юқоридаги мисоллардан фарқ қилувчи бу ҳодиса асосида тежамкорлик қонуни ётади. Қиёс қилинг: Яхши одамга ёндош, ёмон одамдан қоч.→Ях-

шига ёндаш, ёмондан қоч; «Муштум» журналига обуна бўлдим.—«Муштум»га обуна бўлдим.

Юқорида айтилганлардан қатъи назар, *Фузулийни ўқидим* билан «Тошкент оқшоми»ни ўқидим ўзаро тенг эмас. Биринчисида муаллиф номини айтиш билан асари кўзда тутилади, иккинчисида эса атоқли отнинг ўзи — асарнинг номи. Демак, метонимияга озми-кўпми биринчиси ўхшайди. Агар *Фузулийни ўқидим* кабиларда метонимия йўли билан кўчириш вое бўлаётир десак, шунда ҳам тил метонимияси ҳақида эмас, балки нутқ метонимияси ҳақида гапириш мумкин. Кейингиси янги лексик маънонинг пайдо бўлишига олиб келмайди. Тил бирлиги сифатида, масалан, *Фузулий* атоқли оти «асар» маъносига эга эмас. Бундай маъно шу атоқли отга нутқдаги вазияти сабабли вақтинча биркитилади, шундай контекстдан ташқарида йўқолади. Демак, атоқли отни бундай ишлатишни контекстуал метонимия деб аташ мумкин.

45-§. Бир предметнинг номи бошқа бир предметга қисм билан бутун муносабати асосида кўчирилиши *синекдоха йўли* билан кўчириш дейилади (юонча *synekdoche* — «назарда тутиш»).

Синекдоха йўли билан кўчириш метонимия *йўли* билан кўчиришининг бир кўриниши деб юритилади. Синекдоха йўли билан кўчиришининг ўзига хос хусусияти миқдор белгисига асосланишидир.

Синекдоха йўли билан кўчириш икки хил:

1) бир нарсанинг номи сифатида унга хос бирор қисмнинг номи ишлатилади (қисм орқали бутун англатилади): туёқ (қисм) — туёқ (бутун: *Баҳона билан туёқка эга бўлиб қолди*), тирноқ (қисм) — тирноқ (бутун: *Дунёда тирноққа зор одамлар оз дейизими?!*), ёстиқ (қисм) — ёстиқ (бутун — «ҳаёт», «умр»: *Ёстиғини қуритаман*), юрак (қисм) — юрак (бутун: *Бу оташин юрак...*) каби;

2) бир предметнинг номи сифатида шу предметни ҳам ўз ичига олган бутуннинг номи ишлатилади (бутун орқали қисм англатилади): бош (бутун) — бош (қисм — «бошнинг устки қисми»: *Дўппи бошимга тор келди*), қўл (бутун) — қўл (қисм — «бармоқ»: *Беш қўл баробар эмас*), панжга (бутун) — панжга (қисм — «бармоқлар»: *Беш панжсанги оғзингга тиқма*), ош (умуман овқат) — ош (палов) каби.

Лексик маъно тараққиётининг натижалари

46- §. Турлича кўчиришлар натижасида лексема маъносига икки хил ҳодиса юз беради: 1) маънонинг ҳажми ўзгаради; 2) маънонинг миқдори ўзгаради.

Лексик маъно ҳажмининг ўзгариши икки хил натижага — лексик маъно ҳажмининг кенгайиши ёки торайишига олиб келади:

1. Лексик маъно ҳажмининг кенгайиши авваллари тор доирадаги воқеликни англатган лексеманинг кейинчалик кенг доирадаги воқеликни англатиш учун хизмат қилишидир. Масалан, *ном* лексемаси авваллари бу предметнинг тандирда пишириладиган туринигина англатган, ҳозир эса шу предметнинг барча хилларини англатади.

Аниқ маънонинг мавҳум маънога ўтиши ҳам лексик маъно ҳажмининг кенгайиши ҳисобланади. Масалан, *отланмоқ* лексемаси асли кўчманчилик даврига хос муроҷа бир ҳаракатни («бошқа жойга кўчиш учун отга мимиш, отга юкланиш»ни) англатган. Ҳозир эса умуман «бирор жойга бориш учун ҳозирланиш, кийиниш» маъносига кўчган. Бунда аввалги аниқ маъно ўрнини мавҳум маъно олган. Бу лексема ҳозир фақат кейинги, кенг маънодагина ишлатилади. Яна солиширинг: *ўйламоқ* — *ўйланмоқ* («ўй-жойли қилмоқ»—«ўй-жойли бўлмоқ») — *ўйламоқ* — *ўйланмоқ* («хотин олиб бермоқ» — «хотин олмоқ»).

Атоқли отнинг турдош отга (ёки бошқа бирор туркум лексемасига) айланиши ҳам лексик маъно ҳажмининг кенгайиши деб кўрсатилади: *Хосиятхон* — аёл кишининг номи, *хосиятхон* — атласнинг тури, *Хотам той* — афсонавий қаҳрамон, *ҳотамтой* — «сахий») каби.

2. Лексик маъно ҳажмининг торайиши авваллари кенг доирадаги воқеликни англатган лексема кейинчалик тор доирадаги воқеликни англатишидир. Масалан, *қишлоқ* лексемаси аслида «қишлиайдиган жой» маъносини англатган (*қиши* — *қишила* — *қишлоқ*). Кейинчалик, кўчманчилик ҳаётига хос лавҳа йўқолиб, ўтроқлашиш натижасида янги, тор ҳажмли лексик маъно ҳосил бўлган. Энди *қишлоқ* лексемаси «қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчи аҳоли яшайдиган жой» маъносини англатади. Шунингдек, *яроғ* лексемаси ҳам (*ярамоқ* феълидан ясалган) асли «керакли, лозим бўладидиган нарса-қурол» маъносини билдирган (*Керак-яроғингни олиб*

ол мисолида шу маънонинг изи сақланган). Қейинчалик эса, лексик маъно торайиб, «ҳужум қилишда ишлатиладиган қурол» маъносига ўтган. Эмчи лексемаси илгари «даволовчи» маъносини англатган бўлса, ҳозир факат «прививка қилувчи»ни англатади.

Турдош отнинг (ёки бошқа бирор туркум лексемасининг) атоқли отга айланиши ҳам, одатда, лексик маънонинг торайиши деб кўрсатилади: *пўлат* (турдош от) — *Пўлат* (атоқли от), *ботир* (сифат) — *Ботир* (атоқли от); *ўлмас* (феъл: *ўл-ма-с*) — *Ўлмас* (атоқли от) каби.

47- §. Юқорида таъкидланган тараққиёт йўллари натижасида лексик маънонинг ҳажми эмас, миқдори ўзгариши мумкин. Бир лексик маъно асосида иккинчи бир лексик маънонинг туғилиши, ўз навбатида, икки хил ҳодисага — полисемемияга ёки омонимияга олиб келади (булардан биринчиси кўп, албатта).

Лексик маънонинг тараққиёт йўлларига назар ташласак (шулар баён қилинган параграфларга қаранг), метафора йўли билан кўчириш, синекдоха йўли билан кўчириш ва функционал кўчириш натижасида полисемемия туғилишини кўрамиз (тараққиёт маъно миқдорининг ўзгаришига олиб келса, албатта). Чунки бунда аввалги ва кейинги лексик маънолар бир лексеманинг маънолари сифатида бирлашади.

Метонимия йўли билан кўчиришга келтирилган беш пунктнинг олдинги уч пункти асосида полисемемия туғилади, тўртинчи, бешинчи пункти асосида эса омонимия воқе бўлади (яна «Лексик омонимия» баҳсига қаранг).

Лексик маъно тараққиёти ва семик таҳлил

48- §. Полисемантик лексемада маъно тараққиётини семик таҳлил усули билан ўрганиш бу жараённи равшанроқ тасаввур қилиш имконини беради. Бундай ёндашувни туз I лексемаси асосида намойиш қиласиз.

Туз I лексемасининг бош лексик маъноси *овқатга туз солмоқ* каби боғланишда намоён бўлади. Туз I I англатадиган нарса —«модда», шаклан —«кристалл», ранги — «оқ ёки сарғиш», таъми — «шўр», ишлатилиш доираси —«ковқат», вазифаси —«намакни ростлаш, маза киритиши». Саналган семалар асосида бу лексик маънони «намагини ростлаш, маза киритиши учун овқатга қў-

шиладиган шүр оқ кристалл модда» деб таърифлаймиз.

Бу лексеманинг иккинчи лексик маъноси (*туз I 2*) *шўрванинг тузи* каби боғланишларда намоён бўлади. Бу ерда «модда» семаси йўқолади, шу билан боғлиқ ҳолда моддага (жисмга) хос белгиларни кўрсатувчи семалар ҳам кетади. «Предмет» тушунчаси сақланади-ю, лекин «аниқ нарса» тушунчаси «мавҳум нарса» тушунчасига алмашади, демак, лексик маъно аниқликдан мавҳумликка томон силжийди, натижада «модда» семаси ўрнини «тузли-тузсизлик даражаси» семаси олади. Иккинчи лексик маъно мундарижасини ташкил этувчи бу сема биринчи лексик маъно таркибидаги «намакни ростлаш, маза киритиш» семасининг биринчи қисми (субсемаси) асосида юзага келган. Бу ердаги маъно тараққиёти кўчириш йўлларидан метонимияга тўғри келади: предмет—шу предмет таъсири натижасида воқе бўладиган предмет.

Туз I 3 маъноси бу лексеманинг *Гапида туз бор* каби боғланишида намоён бўлади. Бу лексик маъно *туз I 2* маъносидан ўсиб чиқсан: биринчи лексик маънодаги «маза киритиш» субсемаси ва иккинчи лексик маънодаги «тузли-тузсизлик даражаси» семаси учинчи маъно учун потенциал семалар бўлиб хизмат қилади, шулар асосида «мазмун, мантиқ» семаси юзага келган ва бу сема учинчи лексик маънонинг мундарижасини ташкил этган. Бу ерда лексик маъно тараққиёти мавҳумдан мавҳумга чизифи бўйлаб борган. Бундай тараққиётни анъанавий кўчириш йўлларидан бирортасига киритиб бўлмайди (зарурият туфилса, метонимия деб кетилади).

Туз I 4 маъноси бу лексеманинг *тузини емоқ* каби боғланишида намоён бўлади. Бу лексик маъно биринчи лексик маъно таркибидаги «модда» ва «овқатга қўшиладиган» семалари асосида шаклланган. Бу лексик маънони «овқат» деб таърифладик. Бу ерда маъно тараққиёти йўлларидан синекдоха воқе бўлган: *туз* — қисм (овқатдаги бир модда) — *туз* — бутун (иссиқ овқат).

Ниҳоят, *туз I* лексемасининг бешинчи маъноси терминологик маъно бўлиб, олдинги тўрт лексик маънодан кескин фарқ қилади. *Инглиз тузи, ўрта тузлар* каби турғун бирикмаларда (составли терминларда) намоён бўладиган бу маъно фанда бундай таърифланади: «кислота таркибидаги водородни бирор металл билан тўлиқ

ёки қисман алмаштириш натижасида ҳосил бўладиган кимёвий модда». Туз I 5 асли семантик калька: рус тилида *соль* лексемасига биркитилган бу илмий тушунчани ўзбек тилида ифодалаш талаби туғилгач, русча *соль* лексемасининг ўзбекча муқобили туз лексемаси олиниб, унга шу мундарижа биркитилган. Семантик калькада янги лексик маъно юзага келади, лекин бу жараён лексик маъно тараққиётининг анъанавий кўчириш йўлларидан кескин фарқ қиласди, шу сабабли алоҳида бир ҳодиса сифатида баҳоланади.

Кўринадики, лексик маъно тараққиёти билан янги лексик маънонинг юзага келишида аввалги лексик маъно таркибидаги сема сақланади, ташланади, янгиси билан алмаштирилади, янги сема киритилади, шу каби ўзгаришлар натижасида янги луғавий мундарижа шаклланади.

Лексик маънонинг турлари

49-§. Лексик маъно тилнинг тараққиёти давомида ҳам сифат, ҳам миқдор жиҳатидан ўзгаради. Шу асосда лексик маъноларни ҳозирги лексик маъно ва аввалги лексик маъно деб иккига гуруҳлаш мумкин. Тилнинг ўтмиш тарихий босқичига хос, ҳозирги луғат бойлиги таркибида қатнашмайдиган лексик маъно *аввалги лексик маъно* дейилади. Аввалги лексик маъно икки хил: 1) эски лексик маъно, 2) этимологик лексик маъно. Эски лексик маъно тарихий лексикологияда ўрганилади (бу соҳа тарихий семасиология деб ҳам юритилади). Ҳозирги лексик маънони ўрганувчи соҳа *тасвирий лексикология* дейилади (бу соҳани *тасвирий семасиология* деб ҳам юритадилар).

Тил тараққиётининг ўрганилаётган босқичига хос лексик маъно *ҳозирги лексик маъно* дейилади. Масалан, *кўз* лексемасининг юқорироқда тасвирланган маънолари ўзбек тилидаги ҳозирги лексик маънолардир.


Ҳозирги лексик маънолар бош маъно ва ҳосила маъно тўғри маъно ва кўчма маъно, номинатив (номловчи) маъно ва фигуран (мажозий) маъно деб бир неча нуқтаи назардан тасниф қилинади. Бу таснифлар бири иккинчисини истисно қилмайди, балки айни бир ҳодисига ҳар хил ёндашишни кўрсатади. Лексик маънонинг юқоридагича турлари полисемантик лексемалар асосида белгиланади.

50-§. Лексик маънолар системасида, аввало, бош маъно ва ҳосила маъно фарқ қилинади. Бошқа бир лексик маънонинг юзага чиқиши учун асос бўлган маъно *бош маъно* дейилади. Бош маънонинг тараққиёти билан юзага келган лексик маъно ҳосила маъно дейилади. Лексеманинг лексик маънолари системасидаги бирламчи лексик маъно *тўнғич бош маъно* дейилади. Ўзидан кейинги лексик маънонинг тараққий этиб чиқиши учун асос бўлган ҳосила маъно *нисбий бош маъно* дейилади. Масалан, очиқ лексемасининг бош маъноси — «беркланмаган» (ёпиқ лексемасининг антоними): очиқ эшик, китобни очиқ қолдирмоқ каби. Қуйидаги маънолар шу бош маънодан тараққий этиб чиққан ҳосила маънолардир: 1) очиқ гапирмоқ («тушунарли қилиб», «аниқ», «яширмай»), 2) очиқ одам («хушмуомала»), 3) очиқ бўғин («унли билан тугаган») каби.

Тоза лексемасининг бош маъноси — «озода», «ифлосланмаган», «кирланмаган»: тоза синф, тоза ҳовли каби. «Соф, ҳеч қандай бегона нарса аралашмаган» маъноси шу бош маънодан ўсиб чиққан: тоза спирт, тоза мурч каби. Юқорида таъкидланган ҳосила маъно бошқа бир лексик маъно учун — «яхши», «юқори нав» маъноси учун асос бўлган: тоза чой, тоза мато, тоза чарм каби. Биринчи ҳосила маъно бош маънодан, иккинчи ҳосила маъно эса биринчи ҳосила маънодан ўсиб чиққан. Шунга кўра биринчи ҳосила маънони нисбий бош маъно деб аташ мумкин. Тоза лексемаси «ҳеч қолдирмай» маъносини ҳам англатади: тоза термоқ каби. Бу лексеманинг яна бир маъноси бор — «ўта даражада», «роса». Лекин бу маъно (кучайтириш маъноси) юқорида таъкидланган лексик маънолардан кескин фарқ қиласди. Бу маъно табиатан грамматик маъно бўлиб, уни шу лексеманинг лексик маъноларига боғлаш ҳам қийин: тоза чарчамоқ, тоза куттирмоқ каби.

Тоза лексемасининг маъноларини шундай жойлаб за боғлаб баҳолаш мумкин:

• Тўнғич бош маъно



ҳосила маъно/ нисбий
бош маъно

ҳосила маънолар

Баъзи ҳолларда лексеманинг тұнғич бош маъноси аслида ҳосила маъно бўлиб чиқади. Бундай лексеманинг аввалги маъноси унутилиб, этимологик маънога ёки эски маънога айланган бўлади. Шунга кура ҳозир тұнғич бош маъно ҳолатида ҳосила маъно келади. Масалан, *тиламоқ* феълининг дастлабки лексик маъноси тил лексемасининг «нұтқ», «нұтқ аъзоси» маъноси билан bogланади («айтмоқ»). Аммо *тиламоқ* феълининг бу маъноси ҳозир унутилган. Энди бу лексеманинг тұнғич бош маъноси деб «сұрамоқ» маъноси күрсатилади. Аввалги маънога нисбатан кейингиси асли ҳосила маъно бўлиб, ҳозир тұнғич бош маънога айланган (*Тила тилагингни каби*).

51-§. Лексик маънолар яна тұғри маъно ва күчма маъно деб ҳам иккига гуруҳланади. Лексеманинг бош лексик маъноси одатда тұғри маъно бўлади (этимологик жиҳатдангина бош маъно ҳосила маъно бўлиб чиқиши, демак, күчма маъно бўлиб чиқиши мумкин). Масалан, тош лексемасининг бош лексик маъноси — «қаттиқ тоғ жисм». Бу — тұғри маъно ҳам. Шунингдек, *ушоқ* лексемасининг бош лексик маъноси — «ноннинг майды парчаси». Бу — тұғри маъно ҳам.

Ҳосила маъно одатда күчма маъно бўлади. Масалан, тош лексемасининг тош *нок* каби боғланишдаги «қаттиқ» маъноси шу лексеманинг «қаттиқ тоғ жисм» маъносига нисбатан ҳосила маъно, шунинг билан бир вақтда күчма маънодир. Солишириңг: *ушоқ* — «ноннинг майды парчаси» (бош тұғри маъно), *ушоқ* — «майда», «жуссаси кичик» (кишига нисбатан; ҳосила күчма маъно).

Маънени күчириш асосида ётган образ сұниши, унутилиши мумкин. Шунга қарамай бундай маъно күчма маъно деб қаралаверади. Масалан, *тоғнинг бели*, *қозоннинг құлоги*, *чойнакнинг бурни*, *столнинг оёғи* каби қўлланишда күчириш асосида ётган образ сұнган; бунда бел, қулоқ, бурун, оёқ киши аъзоларини эслатиб турмайди. Аммо бу ҳол юқоридаги бирикмаларда бу лексемалар англатаётган лексик маъноларнинг күчма маъно эканини ўзgartирмайди.

Эслатма. Күчма лексик маъно ва лексик қўллаш (лексик күчириш) бошқа-бошқа ҳодисалардир («Лексик қўллаш» баҳсига қаранг).

52-§. Лексик маънолар номинатив (номловчи) маъно ва фигуран (мажозий) маъно деб ҳам фарқ қилина-

ди (лотинча *nomination*—«номлаш»; лотинча *figura*—«образ», «күчириш»): *қулғыннинг калити* — номинатив маъно («очқич»), *галабанинг калити* — фигурант маъно («ҳал этилиш, эришув йўли»); *нордон мевалар* — номинатив маъно, *нордон гаплар* — фигурант маъно («ёқимсиз»); *терламоқ* («тер чиқармоқ») — номинатив маъно, *терламоқ* («руҳан азобланмоқ», «ўсал бўлмоқ») — фигурант маъно; *қизармоқ* («қизил ранга кирмоқ») — предметга нисбатан) — номинатив маъно, *қизармоқ* («уялмоқ») — фигурант маъно ва бошқалар.

Номинатив маъно бирор нарса, белги ёки ҳаракатнинг номи бўлиб хизмат қилувчи лексик маънодир. Номинатив маъно воқелик билан бевосита боғланади. Масалан, *гул* лексемасининг номинатив маъноси ўсимлик турларидан бирини англатувчи маъносидир (бу номинатив маъно шу лексеманинг бош тўғри маъноси ҳамдир). Шу лексема *йигигларнинг гули* каби боғланишда «сара», «ноёб» каби маънони англатади. Бу — фигурант маъно. Чунки бундай маъно шу ҳодисанинг номига айланган эмас. Бундай маъно образлилик, мажоз ҳосил этиш учун хизмат қиласди. *Гул* — ўсимлик номи — бевосита воқелик билан боғланса, *гул* — «сара», «ноёб» маъноси фигурант маъно бўлиб, воқелик билан бу лексеманинг номинатив маъноси орқали боғланади.

Фигурант маъно баъзан худди номинатив маънодек гавдаланади: шу маънони англатувчи лексема (номинатив маъно) бўлмайди, топилган изоҳлар ҳам бирор лексеманинг фигурант маъноси бўлиши мумкин. Масалан, туз лексемасининг *гапнинг тузи* боғланмасидаги маъносини *қаймоқ*, *магиз* лексемаларининг фигурант маъноси орқалигина изоҳлаш мумкин (*гапнинг мағзи*, *гапнинг қаймоғи*). Синоним бўла оладиган номинатив маъно топилмаса ҳам, юқоридаги ҳолатлар фигурант маъно деб белгиланади.

Лексеманинг тўнгич бош маъноси номинатив маъно бўлади. Ҳар бир лексемада тўнгич бош маъно битта. Аммо номинатив маъно бир нечта бўлиши мумкин. Чунки номинатив маънони белгилашда воқелик билан бевосита боғланишнинг мавжуд бўлиши, шу маъно воқеликнинг номи бўлиши шарт қилиб қўйилади. Бу талабга, тўнгич бош маънодан ташқари, ҳосила маъно ҳам жавоб бериши мумкин. Масалан, тил лексемасининг бош тўғри маъноси — «оғизда жойлашган ва таъм-маза билишга хизмат қиласиган аъзо». Шунга нисбатан тил

лексемасининг «нұтқ аъзоси» маъноси — ҳосила маъно. Бу маъно воқелик билан бевосита боғланади, воқеликнинг номи бўлиб хизмат қиласди, шу сабабли номинатив маънодир.

Шу лексеманинг яна тил—«нұтқ», тил—«алоқа-аралашув қуроли», тил—«маълумот олиш учун тутиб келтирилган асир», тил—«пушлаб чалинадиган асбобларда ҳаво оқимиға түсиқ вазифасини бажарувчи қисм» каби лексик маънолари бор. Бу маънолар ҳам шу лексеманинг номинатив маъноларидир. Чунки улар ўзи англатган воқеликнинг номи бўлиб хизмат қиласди, воқелик билан бевосита боғланади.

Тил лексемасининг «нозик томон», «сир» (*дөхқончиликнинг тилини билмоқ, машинанинг тилини билмоқ*), «ифодаланаётган түйғу, кечинма» (*куйнинг тили*) каби маънолари фигуран лексик маъноларидир.

Ҳар бир мустақил лексема номинатив маъно англаторди. Шу билан бирга, номинатив маъно унутилади ҳам. Масалан, *том маънода, том маъноси билан* каби боғланишлардаги *том* лексемасининг номинатив маъноси жуда нурсизланиб қолган.

Номинатив маъноси унутилган, йўқолган лексема жуда тор лексик контекстли бўлиб, доим маълум бир лексема қуршовида келади. Натижада бу лексеманинг лексик маъноси шу контекст доирасидагина изоҳланадиган бўлиб қолади. Масалан, юқоридаги *том* лексемаси фақат *маъно* лексемаси билангина боғланиб келади ва «тўла», «тўлиқ» каби маънони англатади (асли арабча бўлиб, тилимиздаги *тамом* лексемасининг ўзагига бориб боғланади, аммо ўзбек тилида бу боғланиш сезилмайди, натижада бу лексеманинг номинатив маъноси англашилмай қолади).

Номинатив маъноси сўнган лексемалар асосан эскирган лексемаларга, шунингдек, бошқа лексемалар билан маъно муносабатини, ясалиш жиҳатидан боғланишини йўқотган лексемаларга тўғри келади: *басир* (арабча, маъноси — «қўрувчи»: «*Басир бўлгур* — аёлларнинг «тескари» қарғицларидан), *бахш* (тожикча, маъноси — «аташ»: *бахш этмоқ*), *баҳр* ёки *баҳра* (арабча, маъноси — «ҳисса», «насиба», «фойда»: *баҳра олмоқ*), *адо* (тожикча, маъноси — «ўташ», «бажариш»: *адо этмоқ*), *ийтмоқ* (йўқолиб-ийтиб *кетмоқ*), *сўнмоқ* (*бўйсунмоқ* ← *бўйин сунмоқ*) каби.

53- §. Тил тарихига, жамиятнинг моддий бойлик тарихига асосланиб туриб, шунингдек лексеманинг асл морфем тузилишидан келиб чиқиб тикланадиган лексик маъно этиологик лексик маъно дейилади (юонча *etymon* — «ҳақиқий», «асл»). Буни тикланувчи маъно деб ҳам номлаш мумкин. Масалан, *сотмоқ* феъли ҳозир «пулламоқ» маъносини англатади. Аслида бу феъл «бермоқ» маъносини билдирган. Бундай этиологик маънони *сотмоқ* феълининг *олди-сотди*, *сотиб олмоқ* каби боғланмаларда ишлатилишидан билиб оламиз. Ҳар икки мисолда ҳам антонимия муносабати асос бўлган (икки томонлама ҳаракат: бериш орқали олиш; пул бўлмаган даврлардаги мол айирбошлаш).

Изоҳ. Сотиб олмоқ — «харид қилмоқ» ва *сотиб олмоқ* — «тез ва осонлик билан пулламоқ» бошқа-бошқа ҳодисалардир. Биринчисида икки мустақил феъл қатнашган (бу ердаги *сотмоқ* асли «бермоқ» маъносида). Иккинчи мисолда эса бир мустақил ва бир ёрдамчи феъл қатнашган (бу ердаги *сотмоқ* «пулламоқ» маъносида).

Умуман, ҳозирги тилда мавжуд ҳар бир лексеманинг этиологик маъносини ахтариш ижобий натижа беравермайди. Ҳозир туб деб қаралувчи лексемаларнинг кўпчилик қисмида уларнинг этиологик лексик маъносини белгилаб, изоҳлаб бўлмайди. Масалан, *иш, бош, қўл, тил, кел(моқ), кут(моқ), оқ, тез, оз* кабиларга қаратади этиологик маъно ҳақида гапириш қийин. Ҳатто бундай лексемалар англатган бош лексик маъно ҳам изоҳлашга йўл қўймайди, шартли маъно тарзида қабул қилинади.

Этиологик лексик маъно ҳақида гапириш учун лексема маълум лексик маъно тараққиётига учраб, аввали лексик маъносини йўқотган бўлиши ва бу йўқолган лексик маънони тил тарихи асосида, жамият тарихи асосида тиклашга имконият мавжуд бўлиши керак. Бундай лексема қисман туб, кўпинча ясама бўлади (ёки тарихан ясама бўлиб чиқади).

Масалан, *чекмоқ* феъли ҳозир «тамаки ёки нашадан тайёрланган наркотикларни истеъмол қилмоқ» маъносини англатади: *наша чекмоқ, чилим чекмоқ; кейинчалик — нос чекмоқ*; ҳозир асосан *папирос чекмоқ*. Бундай маъно асли *чилим, наша* лексемалари билан боғланышда намоён бўлади (тутунни тортиш ҳаракатини

билдиради). Худди шу «тортмоқ» маъноси асосида азоб чекмоқ, риёзат чекмоқ каби боғланишлар воқе бўлган. Кейинчалик бу феълнинг лексик маъноси асосан «наркотикларни истеъмол қилмоқ» тушунчаси йўналишида тараққий этади (бунга шу феъл билан боғланиб келувчи лексемаларнинг семантикаси сабаб бўлади): умуман тортиш—кайф қилувчи тутунни тортиш—кайф қилувчи нарсадан фойдаланиш (ичимликдан ташқари; вульгар маънода ичимликка қарата ҳам айтилади). Тилда нос чекмоқ каби боғланиш чекмоқ феълининг «тортмоқ» маъносидан «наркотикларни истеъмол қилмоқ» маъносига ўтгани туфайлигина мумкин бўлган.

Изоҳ. Имзо чекмоқ каби боғланишдаги чекмоқ — бошқа феъл («урмоқ», «босмоқ» маъносидаги алоҳида феъл бўлган, чакиҷ шу феъл лексемадан ясалган).

Этимологик лексик маънони тиклаш туб лексемаларга нисбатан ясама лексемаларда анча енгил бўлади. Чунки ясама лексема таркибидаги лексема билан морфема этимологик маънени озми-кўпми кўрсатиб туради. Масалан, кескин лексемаси ҳозир «қатъий», «шиддатли» каби маъноларни англатади. Аслида бу сифат «қирқмоқ» маъносидаги кесмоқ лексемасига -кин сифат ясовчиси ни қўшиб ҳосил қилинган. Шунга кўра бу лексеманинг этимологик лексик маъноси деб «кесувчан», «қирқувчан» каби маънони кўрсатиш мумкин.

Шунингдек, унашмоқ феъли ҳозир «қиз билан йигитнинг турмуш қуриши ҳақида келишмоқ» маъносини англатади. Аслида бу феъл унамоқ лексемаси ва -и морфемасидан тузилган; унамоқ лексемаси эса «кўнмоқ» маъносини англатади. Унашмоқ асли «икки томонлама кўниш»ни билдирган (шундай маъно англашилган даврда -и морфемаси биргалик нисбатининг аффикси деб тушунилган). Лексик маъно тараққиёти туфайли унашмоқ ҳозир унамоқ феълининг биргалик нисбати шакли деб қаралмайди. Ҳозирги ўзбек тили нуқтаи назаридан унашмоқ мустақил феълга айланган (*унаши-унадилар* кабилардаги *и* аффикси кўпликни ифодалайди).

Яна мисоллар: атоқли (*от+a=ata+қ=атоқ+ли=атоқли*: асли «исмли», ҳозир «машҳур», «донгдор» каби маъно); яра (*«чиқиқ»: ёр—«ажратмоқ», «бўлмоқ* каби маъно + *a* — от ясовчи = *яра* — «терини ёриб чиқадиган, тешиб чиқадиган касаллик») каби.

Лексик маънонинг луғавий контексти ва грамматик табиати

54- §. Лексик контекст. Полисемантик лексеманинг ҳар бир лексик маъноси маълум семантик доирага мансуб лексемалар билан боғланиш жараёнида намоён бўлади. Лексик маънонинг намоён бўлишида зарур шароит бўлиб хизмат қилувчи бундай лексемалар лексик контекст дейилади. Масалан, туз I лексемасининг бош лексик маъноси—«намагини ростлаш, маза киритиш учун овқатга қўшиладиган шўр оқ кристалл модда». Бу лексик маъносига туз I лексемаси одатда *солмоқ, ташламоқ, қўйшмоқ, аралаштироқ, тотмоқ, яламоқ, тушироқ, кирмоқ* каби феълларга боғланниб келади, туз I лексемасига эса *қоратикан, иирик, майдада, бир сиқим, ош* каби лексемалар боғланниб келади.

Туз I лексемасининг иккинчи маъноси—«намак, шўр-пастлиги даражаси». Бу лексик маъносига туз I лексемасига озиқ-овқатни билдирувчи лексема, шунингдек *паст, баланд, расо* лексемалари боғланниб келади: *шўрванинг тузи, қийманинг тузи, ҳамирнинг тузи; тузи паст, тузи расо; тузини баланд қилмоқ, тузини паст қилмоқ, тузини кўрмоқ* каби.

Туз I лексемасининг учинчи маъноси эса («мазмун», «туб моҳият», «мантиқ») тамоман бошқача лексик контекстда намоён бўлади: нутқни билдирувчи *сўз, гап* каби лексемалар билан боғланади (*гапнинг тузи, гапида туз бор* каби).

Туз I лексемаси тўртинчи маъносига («иссиқ овқат») емоқ, ичмоқ, бермоқ, оқламоқ, андиша қилмоқ, кўр қилмоқ каби феъллар билан боғланниб келади.

Бешинчи — терминологик — маъносига («кислота таркибидаги водородни бирор металл билан қисман ёки тўлиқ алмаштириш натижасига ҳосил бўладиган кимёвий модда») туз I лексемаси қуйидагича аниқловчилар олиб келади: *инглиз тузи, калий тузи, олтингугурт кислотасининг тузлари, ўрта тузлар*; бу составли терминларни олмоқ, ҳосил қилмоқ каби феъллар бошқариб келади: *калий тузини олмоқ, олтингугурт кислотасининг тузларини ҳосил қилмоқ* каби.

Кўринадики, ҳар бир лексик маънонинг ўз лексик контексти бор. Бундай лексик контекст баъзи лексик маънода кўпроқ лексемадан, баъзи лексик маънода эса

озроқ лексемадан ташкил топади. Шу асосда кенг лексик контекст ва тор лексик контекст ҳақида гапирилади.

Лексик контекст ҳар бир лексик маънода аниқ чегараланиб турмаслиги мумкин. Шунда ҳам, барибир, лексик маънолар ўз лексик контекстида фарқ қиласди. Масалан, *тузламоқ* лексемаси «маълум муддат тузга булаб қўймоқ» маъносида *гўшил* лексемаси билан, «намакобда узоқ сақлаш йўли билан тайёрламоқ» маъносида *бодринг, карам, помидор, бақлажон* каби ўсимликни англатидиган лексема билан боғланади. Қўринадики, бу *сўзнинг* биринчи маъноси тор лексик контекстли, иккинчи лексик маъноси эса нисбатан кенг лексик контекстли ва бу маъноларда лексик контекстлар аниқ чегараланиб турибди.

Тузламоқ лексемасида яна икки лексик маъно бор: 3) «гап билан енгмоқ», 4) «боплаб алдамоқ, лақиллатмоқ». Бу икки маъносида *тузламоқ* лексемаси кишини англатувчи лексема билан боғланниб келади, лексик контекстини аниқ лексемалар билан чеклаб бўлмайди. Демак, бу икки лексик маънонинг лексик контексти аввалиги икки лексик маънонинг лексик контекстидан кўра ноаниқроқ. Учинчи, тўртинчи лексик маъноларнинг лексик контекстидаги фарқ бу лексемаларга бевосита боғланадиган лексемада эмас, балки бошқа лексемаларда қўринади. Шу асосда яқин лексик контекст ва йироқ лексик контекст ҳақида гапирилади. Масалан, *Сотувчини тузладим* боғланмасини юқоридаги ҳар икки лексик маънода тушуниш мумкин. *Тузламоқ* лексемаси қайси лексик маъносида ишлатилганини текстдаги бошқа лексемалар (йироқ лексик контекст) билдириб туради. Қуйидаги гапда ишлатилган *даллол, пул, мол, топмоқ, сотмоқ* лексемалари *тузламоқ* феъли «боплаб алдамоқ, лақиллатмоқ» маъноси билан қатнашганини билдириб туради: *Даллол бўлиб пул топишни кўзлабман, Кўлин силтаб, мол сотганни тузлабман.* (О. Қўчқорбеков.)

55- §. Грамматик табиат. Полисемантик лексеманинг лексик маънолари, лексик контексти билан бир қаторда, бошқа белги-хусусиятларида ҳам фарқ қилиши мумкин. Юқоридаги *туз I* лексемасининг лексик маъноларини, масалан, нисбатлаш (эгалик) категориясининг формаларини олиши нуқтаи назаридан кузатайлик. Бу лексема иккинчи лексик маъносида доим учинчи шахс нисбатловчисини (эгалик аффиксини) олиб келади, қолган лексик маъноларда эса нисбатловчи олиб ҳам, олмай

ҳам ишлатила олади. Нисбатловчи олиб ишлатилиши лозим бўлса, учинчи маъносида фақат учинчи шахс нисбатловчиси билан келади, биринчи, тўртинчи, бешинчи маъносида эса уч шахс нисбатловчисининг бирлик ва кўплик кўрсаткичлари билан ишлатила олади. Бу лексема бешинчи лексик маъносида кўпликда ишлатила олади, бошқа маъноларида бундай хусусият йўқ. Демак, туз I лексемаси ўз лексик маънолари бўйича морфологик шаклларга кириши жиҳатидан ҳам фарқланиб туради. Шу асосда ҳар бир лексик маънонинг морфологик табиати ҳақида гапирилади.

Бир лексеманинг лексик маънолари синтактик вазифада келиши жиҳатидан ҳам фарқ қилиши мумкин. Туз I лексемасининг лексик маъноларида бундай фарқ оз: иккинчи, учинчи лексик маъноларида қаратувчи вазифасида келмайди (тўлдирувчининг турига кўра ҳам қисман фарқ қиласди).

Хуллас, қандай ва қайси лексема билан боғланишини, морфологик шаклларга киришини, синтактик вазифасини ҳисобга олсан, ҳар бир лексик маънонинг лексик контексти, грамматик табиати намоён бўлади. Айтилганларни туз I лексемасининг лексик маънолари учун қуйидагича конструкциялар тузиб тўлиқроқ на мойиш қилиш мумкин:

Туз I 1: а) туз+бирлик+тушум келишиги *X солмоқ, сепмоқ, ташламоқ, қўшимоқ, аралаштирмоқ, яламоқ...*: қайлагча туз сепмоқ.

б) туз+бирлик+бош келишик *X кирмоқ, тушимоқ: Қозонга туз тушиди.*

в) [ўрин маъносини англатувчи от лексема+бирлик ёки кўплик+ўрин келишиги] *X туз+бирлик+бош келишик X бор, йўқ...: Магазинда туз бор.*

г) туз+бирлик+қаратқич *X майда, йирик...+III шахс нисбатловчиси...: тузнинг йириги.*

д) *майда, йирик... X туз+бирлик+бирор келишик: йирик туз.*

Туз I 2: а) [озиқ-овқатни англатадиган от лексема+ +бирлик ёки кўплик+қаратқич] *X туз+бирлик+III шахс нисбатловчиси+тушум келишиги X қўрмоқ, тотмоқ, баланд қилмоқ, паст қилмоқ, расо қилмоқ...: қайланинг тузини баланд қилмоқ.*

б) [озиқ-овқатни англатадиган от лексема+бирлик ёки кўплик+қаратқич] *X туз+бирлик+III шахе нис-*

батловчиси+бош келишик X *паст*, *баланд*, *расо*...: *Шўрванинг тузи паст*.

в) туз+бирлик+III шахс нисбатловчиси+бош келишик X *паст*, *баланд* X овқатни англатадиган от лексема...: *тузи паст шўрва*.

Туз I 3: а) *gap*, *сўз...*+бирлик, баъзан кўплик+қаратқич X туз+бирлик+III шахс нисбатловчиси+тушум келишиги X *билмоқ*, *англамоқ*, *чайнамоқ*...: *гапнинг тузини англамоқ*.

б) *gap*, *сўз...*+бирлик, баъзан кўплик+нисбатловчи++қаратқич X туз+бирлик+III шахс нисбатловчиси++бош келишик X *бор*, *йўқ*...: *Гапининг тузи бор*.

в) *gap*, *сўз...*+бирлик, баъзан кўплик+нисбатловчи+ўрин келишиги X туз+бирлик+бош келишик X *бор*, *йўқ*...: *Гапида туз бор*.

Туз I 4: а) [кишини англатадиган от асоси+бирлик ёки кўплик+қаратқич] X туз+бирлик+нисбатловчи++тушум келишиги X *ичмоқ*, *емоқ*, *оқламоқ*, *андиша қилмоқ*...: [кимнингдир] *тузини оқламоқ*.

б) [берган] туз+бирлик+нисбатловчи+жўналиш келишиги X *рози бўлмоқ*...: [берган] *тузига рози бўлмоқ*.

в) туз+бирлик+тушум келишиги (белгисиз) X *бермоқ*...: *туз бермоқ* (фразема).

г) туз+бирлик+нисбатловчи+бош келишик X *кўр қилмоқ*...: *Берган тузим кўр қилади*.

Туз I 5: а) *калий*, *магний*... X туз+бирлик ёки кўплик+III шахс нисбатловчиси+бирор келишик: *калий тузи*, *магний туз(лар)и*.

б) *ўрта*... X туз+кўплик+бирор келишик: *ўрта тузлар*, *нордон тузлар*.

Лексик контекст ва грамматик табиат юқорида полисемантик лексемага қарата белгиланди. Аслида лексик контекст ва унинг тор ёки кенг бўлиши, морфологик ва синтактик табиат моносемантик лексеманинг лексик маъносида ҳам хос хусусият. Масалан, тин («ҳаво») лексемаси — ҳозирги ўзбек тилида жуда тор лексик контекстли моносемантик лексема: биргина тин олмоқ («дам олмоқ») фраземаси таркибида учрайди ва ўзининг бош номинатив маъноси билан қатнашади. Бу лексема доим бирлик ва белгисиз тушум келишиги шаклида келади.

Шунингдек, *каллак* лексемаси тол лексемасига (даражат тури) нисбатловчи олиб боғланиб келади (*толнинг*

каллаги каби), урмоқ феълига (каллак урмоқ каби) бирлик ва бош келишик шаклида боғланади.

56- §. Семантик боғланиш. Ҳар қандай синтактик боғланиш асосида семантик боғланиш ҳам ётади. Синтактик боғланиш ҳам, семантик боғланиш ҳам айни вақтда полисемантик лексеманинг айрим-айрим лексик маънолари бўйича амалга ошади. Ўзаро синтактик алоқага киришувчи лексик маъноларнинг семалар таркибида бир-бирига зид мазмунли семалар бўлмаслиги лозим, акс ҳолда, бундай лексик маъноларни семантик боғлаб бўлмайди. Масалан, *нон* лексемаси *иҷмоқ* лексемаси билан боғлана олмайди, чунки бу лексемалар англатадиган лексик маънолар таркибида ўзаро зид семалар мавжуд. *Нон* лексемасининг лексик маъноси таркибида, бошқа идеографик семалар қатори, «қаттиқ ҳолатдаги» семаси бор, *иҷмоқ* лексемасининг лексик маъноси таркибида эса «суюқ ҳолатдаги» семаси бор; ана шу зид семалар бу лексемаларни ўзаро боғлаб ишлатишга йўл қўймайди.

Семантик боғланувчи лексик маънолар таркибида умумий (бир хил) сема бўлиши ҳам муҳим. Бундай умумий (бир хил) сема бу лексик маъноларнинг семантик боғланишини ва бир-бири учун яқин лексик контекст бўлиб келишини таъминлади.

Масалан, *нон* ва *емоқ* лексемаларининг лексик маънолари таркибида «қаттиқ ҳолатдаги», «озуқа», «истеъмол қилмоқ» идеографик семаларининг мавжудлиги бу лексик маъноларнинг семантик боғланишини таъминлади. Бундай умумий сема *синтагмена* деб юритилади (юнонча *Syntagma* — «бирлаштирилган»).

57- §. Семема. Лексема — тил бирлигининг, лексик бирликнинг номи. Лексеманинг мазмун плани *семема* деб юритилади.

Лексеманинг мазмун планида асосий ҳодиса — лексик маъно; айни вақтда услубий баҳо семаси, туркумлик семаси ҳам ҳисобга олинади. Демак, семема билан лексик маъно тушунчалари тенг эмас.

Бундан ташқари, кўп маъноли лексемада ҳар бир лексик маъно ўзича лексик контекста эга бўлади, ҳар бир лексик маъно грамматик табиатига кўра ҳам фарқли бўлиши мумкин.

Ҳар бир лексик маънонинг ўзига хос хусусиятлари сифатида услубий семаси билан фарқ қила олиши, синонимик муносабатга, антонимик муносабатга кириша

олишини, янги лексема ҳар бир лексик маънодан ясалишини ҳам таъкидлаш лозим (шу ҳодисалар баён қилинган баҳсларга қаранг).

Агар лексема бир маъноли бўлса, юқоридаги белги-хусусиятлар лексемага мансуб бўлади ва бундай лексема бир тил бирлигига (лексик бирликка) teng деб қаралади. Агар лексема кўп маъноли бўлса, бу белги-хусусиятлар ҳар бир лексик маъно бўйича айрим-айрим мавжуд бўлади, бунда ҳар бир лексик маъно ўзича тил бирлиги (лексик бирлик) деб қаралади. Асли ана шундай тил бирлиги семема дейилади.

Масалан, *тин* от лексемаси — бир маъноли, шунга кўра бу ерда лексема тушунчаси билан семема тушунчаси teng келади. *Туз I* от лексемаси эса беш маъноли, демак, бу лексемага беш семема бирлашади. Бундай бирлаштиришда бу семемалар англатган маъноларнинг тарихан бири иккинчисидан ўсиб чиққанлиги асос бўла олади. Аммо бундай бирлаштириш кўп маъноли лексема доирасида ҳар бир семемани мустақил тил бирлиги (лексик бирлик) деб қарашга монелик қилмайди.

ФРАЗЕОЛОГИК ПОЛИСЕМЕМИЯ

58- §. Луғавий маънонинг тараққий этиши фраземаларга ҳам хос. Ҳозирги ўзбек тилидаги фраземаларда луғавий маъно асосан метафора йўли билан кўчириш натижасида тараққий этган. Масалан, *кўнгл(и)га тегмоқ* фраземаси асли бирор овқат тез-тез истеъмол қилиниши туфайли «ёқмай қолмоқ» маъносини англатади. Бу фразема кейинчалик овқатдан бошқа нарсаларга, шунингдек, кишиларга қаратса ҳам ишлатилган, бундай кўчириш натижасида бу фраземада табиатига тўғри келмай қолиб, «ёқтирмаслик ҳисси уйғонди» маъноси ҳосил бўлган. *Мисоллар:* 1) *Мастава кўнгилларингизга тегиб юргандир.* (Ҳ. Н.) 2) Аммо ҳар куни бир хил нарсани такрорлайвериш унинг кўнглига тегди. (И. Р.)

Бир фраземага хос маънонинг тараққиёти натижасида фразеологик маънонинг миқдори ўзгаради. Бир фразеологик маъно асосида иккинчи фразеологик маънонинг туғилиши икки хил ҳодисага — полисемемияга ёки омонимияга олиб келади (булардан биринчиси кўп, албатта).

Фразеологик маънонинг тараққиёти билан туғилган омонимия жуда оз. Бунга мисол қилиб *жони чиқди I ва жон(и) чиқди II* фраземаларини келтириш мумкин. *Бўридан бир қўзини ажратиб олган эди. Жони чиқмаган экан.* (С. А.) «Домлага: «Одам тупроқдан яратилган»,— десанг, маъқул, агар «Маймундан яралган»,— десанг, жони чиқади»,— дерди. (П. Т.) Кишига хос бир ҳолатнинг номи ранг-тус жиҳатидан бўладиган ўхшашлик асосида иккинчи бир ҳолатга кўчирилган: киши ўлганида бадан оқаришиб кетади, худди шундай ўзгариш қаттиқ ғазабланганда ҳам воқе бўлади. Шу асосда кўчириш янги бир фраземанинг (аввалги фразеологик маънога боғланмайдиган янги бир луғавий маънонинг) туғилишига олиб келган: *жони чиқди I*—«сўнгги марта нафас чиқармоқ» ва *жон(и) чиқди II*—«ниҳоятда қаттиқ ғазабланмоқ». Иккинчи фразема дастлаб *жон(и) чиқди* тарзида қўлланган, шунинг ўзидаёқ биринчи фраземадан фарқланиб қолган: аввалги фразема III шахс нисбатловчиси билан ишлатилса, кейинги фразема нисбатловчиларнинг ҳар уч шахс-сон шакллари билан ишлатилади. Кейинчалик иккинчи фраземада *жон(и)ни чиқармоқ* варианти пайдо бўлган ва иккита фраземага ажралиш яна ҳам аниқ тус олган («Фразеологик омонимия» баҳсига қаранг).

Бир фразема зид мазмунли луғавий маъноларни ҳам англатади. Масалан, *юраг(и) қинидан чиқ [a ёз]ди* фраземаси қаттиқ ҳаяжонланишини англатади, аммо бундай ҳолат ташвишга ҳам, севинчга ҳам боғланади: 1) *Қўрқмайман деб бўлмайди, ўғлим. Шунақа вақтда одамнинг юраги қинидан чиқиб кетади.* (А. Қ.) 2) *Қизнинг паранжисини кўриши биланоқ йигитнинг юраги қинидан чиқаётди.* (О.) Буни энантиосемия ҳодисасига ўхшатиш мумкин.

59- §. Фраземаларнинг кўпи моносемантик. Масалан, *баҳр(и)дан ўтмоқ* фраземаси «фойдали деб билган нарсасидан воз кечмоқ»ни, «берди»сини айтгунча уриб ўлдирмоқ фраземаси «гапириб бўлгунча кутмай (чидамай) бирор нарса демоқ»ни, *дарёдан бир томчи* фраземаси «қолган қисмига нисбатан жуда оз» маъносини англатади.


Полисемантик фраземалар ҳам анчагина бўлиб, буларнинг кўпи икки ва уч маънолидир. Масалан, *бош(и) айланди* фраземаси икки маънони англатади: 1) «беҳуд бўлмоқ», 2) «эсанкирамоқ»; *бош суқмоқ* фраземаси уч

маънони англатади: 1) «гавдаси ташқаридаги қолиб, бошини тиққан ҳолда қарамоқ», 2) «кирмоқ», 3) «аралашмоқ». Бош кўттармоқ I фраземаси эса қўйидаги тўрт маънони англатади: 1) «қарамоқ», 2) «қилиб турган ишини тўхтатмоқ», 3) «қўзғалмоқ», «ҳаракатга келмоқ», 4) «курашга чоғланмоқ». Охирги фраземанинг ишлатилишига мисоллар: 1) «Почтаев,— деб бош кўттарди Элчибек,— Сизнинг касбингиз нима?». (А. Мух.) 2) Сафарали столдан бош кўттарди, ҳалиги рус қизига бир нима деб кулди. (Ойдин.) 3. Қишлоқда эл эрта ётади, чунки қуёшдан олдин бош кўттарди. (И. Р.) 4. Бош кўттарган халқни мардликка етаклаган косиб Санжар Маликнинг нафаси пок шабадага қанот бўлмоқда. (Ш. Тошматов.)


Фразеологик полисемемия деганда фраземанинг ўзи икки ва ундан ортиқ луғавий маъно англатиши тушунилади. Ўзаро шаклан ўхшашиб экин боғланмадан ва фраземадан англашиладиган маънолар бир нуқтага бирлаштириб, полисемемия деб қаралмайди. Чунки булар ҳар хил ҳодисалардир: экин боғланма — нутқ бирлиги, фразема — тил бирлиги. Масалан, *аравани қуруқ олиб қочмоқ* экин биримаси нутқда тушиб ишлатилади, шу билан бирга, тилда *аравани қуруқ олиб қочмоқ* фраземаси ҳам бор. Биринчисидан тўғри маъно, иккинчисидан кўчма маъно (*«уддасидан чиқа олмайдиган иш ёки нарса ҳақида ортиқ даражада мақтанмоқ»*) англашилади. Бу маъноларни бир тил бирлиги эмас, балки икки ҳар хил тил ҳодисалари англафтгани сабабли полисемемия воқе бўлмайди. Юқоридагича муносабат (экин боғланма билан фраземанинг шаклан тенг келиш ҳодисаси) омонимилик деб юритилади (*«Фразеологик омонимия» баҳсига қаранг*).

60- §. Фраземанинг луғавий маъноси бирдан ортиқ бўлса, худди лексемаларда қилинганидек, бош маъно ва ҳосила маъно белгиланади. Масалан, *жар солмоқ* фраземаси «жарчи воситасида эшилтиromoқ» (бу — эски маънога айланган), «керагидан ортиқ даражада бўртириб хабар тарқатмоқ» маъноларини англатади. Биринчиси — бош маъно, иккинчиси — шундан ўсиб чиқкан ҳосила маъно.

Бино қўймоқ фраземаси уч маъноли: 1) «ортиқча баҳо бермоқ», 2) «қиёфасига алоҳида эътибор бермоқ», 3) «эътиқод билан қарамоқ». Бу фраземанинг иккинчи, учинчи маънолари биринчи маъносидан ўсиб чиқкан:



Тил(и) чиқди фраземасида эса фразеологик маъноларнинг боғланиши ўзгача: 1) «нутққа эга бўлмоқ»; 2) «инدامай юрган киши гапирадиган бўлиб қолмоқ»; 3) «айтишадиган бўлмоқ». Бу маъноларнинг боғланиши:



Демак, биринчиси — бош маъно, учинчиси — ҳосила маъно; иккинчиси эса аввалги маънога нисбатан ҳосила маъно, кейингисига нисбатан бош маъно (нисбий бош маъно).

Лексемада бош лексик маъно, одатда, тўғри маъно бўлади. Фраземада эса бош фразеологик маъно кўчма маъно бўлади. Чунки фраземанинг бош маъноси ҳам, ҳосила маъноси каби, устама кўчма маъно тарзида гавдаланади, маълум образга асосланади. Демак, фраземанинг табиати тўғри маънони истисно қилиб қўяди.

61-§. Полисемантик фраземада лугавий маънони ва унинг тараққиётини семик таҳлил методикаси билан ўрганиш бу ҳодисаларни равшанроқ тасаввур қилиш имконини беради.

Масалан, *кўнгл(и) айниди* — икки маъноли фразема. Бу фраземанинг биринчи маъноси учун семаларни қўйидагича белгилаш мумкин: феъл бўлгани сабабли, аввало, «таъсир кўрсатмоқ» семасини белгилаймиз. Таъсир кўрсатиш «ижобий ёки салбий» бўлади. Бу таъсир киши «организм»ида намоён бўлади. Таъсир этувчи — «жисм», аниқроғи, «овқат», шу сабабли «организм»ни аниқроқ қилиб «овқатланиш аъзолари» деб белгилаймиз. Овқатланиш аъзоларига овқатнинг таъсири «жисмоний» бўлади. Юқорида ажратилган семалар йигими шундай тартибланади: «овқатланиш аъзолари»+«жисмоний»+«салбий»+«таъсир кўрсатмоқ». Ана шу семалар асосида бу фразеологик маънони «организми қабул қилмагани туфайли беҳузур бўлмоқ» деб таърифлаймиз.

Кўнгл(и) айниди фраземасининг иккинчи маъноси биринчи маъносидан ўсиб чиқсан. Янги маъно бу фра-

земани овқатдан бошқа нарсага күчириб ишлатиш на-
тижасида юзага келган. Бундай күчириш туфайли би-
ринчи маъно таркибидаги «салбий», «таъсир кўрсатмоқ»
семалари сақланади, овқатдан бошқа нарсага қарат
ишлатилиши сабабли «овқатланиш аъзолари» («орга-
низм» семаси) «ҳиссиёт» семасига алмашади, шу билан
бирга, «жисмоний» семаси ҳам «руҳий» семасига алма-
шади. Натижада шундай семалар йифими воқе бўлади:
«ҳиссиёт» + «руҳий» + «салбий» + «таъсир кўрсатмоқ».
Ана шу семалар йифими асосида бу фразеологик маъно-
ни «табиатига ёқмагани туфайли ижирғанмоқ» деб таъ-
рифлаймиз.

Кўринадики; бу фраземада маъно тараққиёти конкретдан мавҳумга томон йўналишда воқе бўлган; маъно тараққиётининг анъанавий йўлларидан метонимияга тўғри келади.

62- §. Фразеологик маънолар ҳам, худди лексик маъноларда бўлганидек, ўзига хос контекстда намоён бўлади. Полисемантик фраземанинг маънолари ўзаро, луғавий маъносидан ташқари, лексик контекстида, грамматик табиатида фарқланиб туриши мумкин. Масалан, бой бермоқ фраземаси уч луғавий маънони англатади: 1) «ютқизмоқ», 2) «йўқотмоқ», «беҳуда, бефойда ўтказмоқ», 3) «ошкор қилмоқ». Ҳар уч маъно турлича лексик контекстда намоён бўлади: биринчисида қиморни, гаровни англатувчи лексема билан, иккинчисида вақтни англатувчи лексема билан, учинчисида эса сирни англатувчи лексема билан ишлатилади. Мисоллар: 1. Ука-
нинг ҳеч ҳақи йўқ, ҳовлидан бўладиган тегишини ҳам сотиб, қиморга бой берган! (С. Абд.) 2. Шундай қилиб, баҳорда бой берган ўн беш кунни ҳам қайта-
риб олдик. (И. Р.) 3. Кулгига тўлиб турганлар энди сир бой бериб қўйган иигитчанинг устидан хахолаши-
ди. (П. Қод.) Кўринадики, бу фраземанинг луғавий маъноларида лексик контекст фарқли, аммо грамматик табиат бир хил.

Мана бу фраземанинг луғавий маъноларида лексик контекст ҳам, грамматик табиат ҳам фарқли:

кет $\frac{(u)}{u}$ га тушмоқ:

1) «зимдан юриб бутун хатти-ҳаракатини таъқиб этмоқ», 2) «манфаатдор бўлгани ҳолда берилиб ҳаракат қилмоқ».

Ҳар икки маъносида ҳаракатни киши бажаради, лекин ҳаракат қаратилган предмет бошқа-бошқа бўлади: биринчисида кишига (*кимнинг*), иккинчисида эса нарсага (*ниманинг*) қаратилади. Шу сабабли бу маъноларнинг лексик контексти ҳам, грамматик табиати ҳам фарқ қиласиди. Қаратқич келишигида кишини билдирувчи лексеманинг келиши биринчи маънода ҳар уч шахс-сон нисбатловчисини ишлатишга йўл очади; шундай вазифада нарсани англатувчи лексеманинг келиши эса фақат III шахс нисбатловчисининг қатнашувига сабаб бўлади. Натижада бу икки фразеологик маънонинг грамматик табиати фарқланиб қолади. Биринчи маъносида кетидан тушдим, кетидан тушдинг, кетидан тушди, кетингдан тушдим, кетингдан тушди, кетимдан тушдинг, кетимдан тушди каби шаклларда ишлатилса, иккинчи маъносида шуларга муқобил шакллардан утасидагина келади: кетидан тушдим, кетидан тушдинг, кетидан тушди.

Мана бу фраземанинг лугавий маъноларида грамматик табиат бошқачароқ:

$$\text{ҳадд } \frac{(u)}{u} \text{ дан ош } \frac{\text{моқ}}{du}$$

1) [ким (ўзининг)] «ўзига ортиқча эрк бериб юбормоқ», 2) нима [(ўзининг)] «ортиқ даражада кучайиб, зўрайиб кетмоқ».

Бу фраземанинг биринчи маъносида кишига хос ҳаракатни, иккинчи маъносида эса нарсага хос ҳаракатни билдиради, шунга кўра ҳар хил лексик контекстда ойдинлашади. Айни вақтда грамматик табиат ҳам ҳар хил бўлади: биринчи маъносида бу фразема ҳар уч шахс-сонда тусланади ҳам, нисбатланади ҳам. Иккинчи маъносида эса фақат III шахс тусловчиси ва нисбатловчиси билан ишлатилади (ҳар икки маъносида тусловчи билан нисбатловчи мослашиб юради: айни бир шахс-соннинг кўрсаткичлари қўшилади): ҳаддимдан ошдим, ҳаддингдан ошиңг каби.

Полисемантик фраземада грамматик табиатнинг бошқа бир тури — маъноларига кўра синтактик хослашиш ҳам учрайди. Масалан, катта *ган* фраземаси биринчи маъносида («диққатга сазовор») гап бўлаги (кесим) бўлиб келади, иккинчи маъносида эса («қаноатланишга етарли») гап (шарт эргаш гапга бош гап) бўлиб келади: «Ҳазиллашии керак,— деди у Бектемирга,— қон

юришади. Фронтда ҳазил катта гап». (О.) Үқишини яхии эпласам ҳам, катта гап. (П. К.)

63-§. Лексема (семема)ларнинг семантик боғланишида таъкидланган шарт-шароитлар фраземаларнинг семантик боғланишида ҳам амал қиласиди. Масалан, *кўнгл(и) бор* фраземасининг биринчи маъносида «моиил»лик англашилади. Шу сабабли бу фраземани шу маъносида носалбий (ижобий ёки бетараф) иш ёки нарсани англатувчи лексемалар билан боғлаб ишлатиш мумкин: *Университетда ўқишига кўнгли бор* каби. Лекин *Жанжалга... кўнгли бор* каби боғлаб ишлатилмайди: жанжал лексемаси англатган воқелик салбий ҳодиса деб баҳоланади.

64-§. Фразосемема. Семема термини билан фақат лексеманинг мазмун плани номланмай, фраземанинг (шунингдек, морфеманинг) мазмун плани ҳам номланнаётир. Бу уч тил бирлигига хос семемаларни лексосемема, фразосемема ва морфосемема деб фарқлаш мумкин.

Худди лексемаларда бўлганидек, фразема бир маъноли бўлса, у бир тил бирлигига (бир фразеологик бирликка) тенг бўлади. Агар фразема полисемантик бўлса, унинг ҳар бир фразосемемаси ўзича алоҳида тил бирлигига (алоҳида фразеологик бирликка) тенг бўлади. Чунки, худди лексемаларда бўлганидек, ҳар бир фразосемема ўзига хос луғавий мундарижага (идеографик семалар йифимига) эга, ўрни билан ўзига хос услубий (эмоционал-экспрессив) семага эга бўлади. Булардан ташқари, ҳар бир фразосемеманинг ўзига хос лексик контексти, грамматик табиати бўлиши мумкин. Ниҳоят, ҳар бир фразосемема мустақил равишда бошқа луғавий бирлик (фразеологик бирлик, лексик бирлик) билан синонимик, антонимик муносабат ҳосил этиши мумкин.

ЛУҒАВИЙ СИНОНИМИЯ

65-§. Луғавий бирликларни яхлитлигича бир бутун системага бирлаштириш қийин. Шунга қарамай, луғавий бирликлар турли мезонлар асосида ҳар хил гуруҳланади, системаланади.

Луғавий бирликларнинг энг йирик семантик гуруҳланиши деганда тематик гуруҳларга бирлаштириш тушунилади (Бу ҳақда олдинги параграфларнинг бирида тўхталган эдик). Том маънодаги *лингвистик гуруҳлаш*

деб тематик гуруҳ таркибида ажратилувчи лексик-семантик гуруҳларга айтилади. Тематик гуруҳлардан фарқли ҳолда, лексик-семантик гуруҳлаш луғавий бирлик англатадиган маънога суннади (интралингвистик фактор асосида амалга оширилади), иккинчидан, лексик-семантик гуруҳлаш фақат от туркуми билан чекланмай, бошқа туркум лексемалари бўйича ҳам амалга оширилади. Масалан, сифат лексемалар ранг-тус билдирувчи сифатлар, таъм-маза билдирувчи сифатлар каби лексик-семантик гуруҳларга бирлаштирилади.

Тил бирликларини синонимлар, антонимлар деб бирлаштириш — семантик системалаш. Булар лексик-семантик гуруҳлашда охирги тўдаланиш ҳисобланади ва *семантик микросистема* деб юритилади.

66-§. Тил бирликларининг айни бир маънони англатиши асосида гуруҳланиши *синонимия* дейилади (юнонча *synopitop* — «биргаликда исмлилик»).

Синонимия икки ва ундан ортиқ тил бирлигининг ўзаро маъно муносабати асосида туғилади. Бундай муносабатда қатнашувчи бирликларнинг миқдорини чеклаб бўлмайди. Иккинчидан, бу тил бирликлари ўз ичидаги мунтазам бир системани ташкил этади. Шу хусусиятларини ҳисобга олиб, синонимия муносабати ҳосил этувчи тил бирликлари бири иккинчисига нисбатан синоним дейилади, синонимлар жамланган ҳолда *синонимия қатори* деб юритилади.

Синонимия луғавий бирликларда ҳам, грамматик бирликларда ҳам мавжуд. Шунга кўра синонимия икки хил:

I. Луғавий синонимия — луғавий бирликларнинг ўзаро синоним бўлиши: *қуёш, кун; кўк, осмон; чопмоқ, югурмоқ* каби.

II. Грамматик синонимия — грамматик бирликларнинг ўзаро синоним бўлиши: *-яп, -ётир* (*ўқияпман, ўқиётирман*) каби.

Луғавий синонимия уч хил:

1. Лексик синонимия — лексик бирликларнинг ўзаро синоним бўлиши: *мугамбер, айёр, қув, маккор* каби.

2. Фразеологик синонимия — фразеологик бирликларнинг ўзаро синоним бўлиши: *илоннинг ёғини ялаган, бурганинг кўзини кўрган* каби.

3. Лексик-фразеологик синонимия — лексик бирлик билан фразеологик бирликнинг ўзаро синоним бўлиши: *осонгина, хамирдан қил суғургандай* каби.

Лексик синонимия

67- §. Лексемаларнинг (лексосемемаларнинг) айни бир маънони англатиши асосида гуруҳланиши лексик синонимия дейилади. Масалан, ялқов, дангаса лексемалари ҳозирги ўзбек тилида айни бир лугавий маънони англатади («ишёқмас»), шунга кўра улар ўзаро синоним.

Лексик бирликларнинг айни бир маънони англатишини маънода тенг келиш деб тушуниш ярамайди. Ҳар бир синоним, ушбу синонимия қатори учун умумий маъно ўзанидан ташқари, ўзига хос маъно қиррасига эга бўлиши мумкин. Синонимлар бир-биридан англатган маъно қиррасига, услугубий баҳосига кўра, нутқий хосланиш белгисига кўра (бир ёки бир неча жиҳатдан) фарқ қиласди.

Агар лексик бирликлар ҳар жиҳатдан тенг келса, улар ўзаро фарқ қилмаса, лексик дублетлар ҳосил бўлади. Бу ҳодиса абсолют синонимия деб ҳам юритилади. Масалан, *агитация, ташибиқот; пропаганда, тарғибот; тема, мавзу* лексемалари терминологик маънода лексик дублет деб қаралиши мумкин.

Лексик дублетлар жуда оз (шунда ҳам, асосан, терминларда). Бири иккинчисининг айнан нусхаси бўлгани сабабли, бундай лексик дублетлардан бири ортиқча ҳисобланади, шунинг натижасида булардан бири тилда узоқ яшамайди. Демак, лексик дублетлар — ўткинчи ҳодиса.

Лексик синонимияга, асосан, уч нуқтаи назардан ёндашилади: маъно қирраси жиҳатидан, услугубий баҳо жиҳатидан, нутқий хосланиш белгиси жиҳатидан. Бундай ёндашув бири иккинчисини истисно қилмайди, балки айни бир ҳодиса турли жиҳатдан баҳоланади. Чунки бир синонимия қаторини ташкил этувчи бирликлар айни вақтда ҳар уч жиҳатдан ёки икки жиҳатдан, ҳатто бир жиҳатдан фарқ қилиши мумкин.

Демак, юқоридагича баҳолашларни синонимларни учга таснифлаш деб бўлмайди.

68- §. Синонимлар ўзаро маъно қирраси жиҳатидан фарқланиб турса, маъно синонимлари (идеографик синонимлар) дейилади (юонча *idea* — «тушунча», «тасаввур»). Масалан, янглиш, нотўғри, хато лексемалари айни бир маънони англатади, маъно ўзани тенг, шунга кўра булар синоним; аммо бу лексемалар ўзаро лексик

маъно қиррасида фарқли: *янглиши фикр, нотўғри фикр, хато фикр* боғланишларининг ҳар бирида фикрнинг чин эмаслиги англатилади, аммо хато фикрга нисбатан *янглиши фикр* дейиш билан «айб» юмшатилади, янглиш фикрга нисбатан *хато фикр* дейиш билан «айб» кучайтирилади.

Шунингдек, *йиғмоқ* ҳам, *тўпламоқ* ҳам айни бир маънони — «бир жойга жамламоқ»ни англатади, лекин *тўпламоқ* оддий жамлашни эмас, балки уйиб туриб жамлашни англатади, *йиғмоқ* феълининг маъносига эса бундай қирра йўқ.

Умуман, синонимлардаги бундай фарқланиш бир маъно ўзани доирасида бўлиши керак. Акс ҳолда, маъно ўзани ўзгарса, синонимия йўқолади. Демак, синонимия учун лексик маънолар орасидаги умуман яқинлик етарли эмас. Лексик бирликлар, ўз маъно қиррасида фарқлана туриб, маъно ўзани тенг бўлсагина, синонимия ҳосил бўлади. Масалан, *қарама-қаршилик*, *зиддият* лексемалари маънода фарқланади: *зиддият* лексемасига душманлик, рақобатга асосланиш каби маъно қирраси бор, *қарама-қаршилик* лексемасининг маъносига эса бу йўқ; аммо ҳар икки лексемада маъно ўзани тенг: «келишмовчилик».

Юзаки қараганда, юқоридагича ҳолат *чаққон*, *эпчил* лексемаларида ҳам мавжуддек кўринади. Лекин бу лексемалар бошқа-бошқа маънони англатади: «чаққон»лик «эпчил»лик эмас, *эпчил* киши чаққон бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин. Умуман, булар — ҳар хил маънни англатувчи лексемалар: *чаққон* лексемаси *оёқ-қўйли енгил* фраземаси англатгани каби маънони билдиради, *эпчил* лексемаси эса *ишининг кўзини биладиган* фраземаси англатгани каби маънони билдиради.

Шунингдек, *ора* ва *ўрта* лексемалари ҳам бош лексик маъноларида ўзаро синоним эмас: *ора I* — «икки нуқтани ажратиб турувчи оралиқ (масофа, вақт)», *ўрта I* — «икки нуқтани ажратиб турувчи оралиқнинг қоқ ярмидаги янги бир нуқта (масофа, вақт)». Шунга кўра *орага қил ҳам сифмайди* дейилади-ю, аммо *ўртага қил ҳам сифмайди* дейиш хато. Юқоридаги фарқ бир маъно ўзани доирасидаги фарқ бўлмай, айрим-айрим маънолар мавжуд эканини кўрсатади. Шу сабабли, *Икки ўртадаги узун масофа Менинг кўзларимнинг нури-ла тўлган* (Ҳ. О.) деб ишлатиш тўғри эмас: *ўрта* лексемаси олдидан икки миқдор сифатловчисини келтириб бўлмайди, «ўрта»

узун ёки қисқа ҳам бўлмайди; бу ўринда *ора* лексемаси ишлатилиши лозим эди.

Қўйидагича муносабат ҳосил этувчи лексик бирликлар ўзаро синоним деб қаралмайди:

1. Жинс тушунчасини англатувчи лексема (семема) билан тур тушунчасини англатувчи лексема (семема). Масалан, *уй* лексемаси *хона*, *ўтов*, *чайла*, *капа* каби лексемаларга синоним бўлмайди, чунки *уй* лексемаси жинс тушунчасини, қолганлари эса тур тушунчасини англатади. Шунингдек, *вақт* лексемаси *он*, *лаҳза* зум лексемалари билан синонимия ҳосил этмайди, чунки *вақт* лексемаси жинс тушунчасини, қолганларни эса тур тушунчасини англатади.

2. Тур тушунчасини англатувчи лексемалар (семемалар) ҳар хил маънони англатса. Масалан, *тўрва*, *халта*, *қопчиқ*, *қон*, *қанор* лексемаларининг барчаси маълум бир «идиш»ни англатса ҳам, *тўрва* бошқа-ю, *халта* бошқа, *қон* бошқа-ю, *қанор* бошқа.

Шунингдек, *куймоқ* ва ёнмоқ «ўт олиш» билан боғлиқ, лекин бири «ўт олиш» жараёнини англатса (ёнмоқ), иккинчиси «оловланиш»нинг натижасини англатади (*куймоқ*). Яна бир мисол: *карч* ҳам, *тилим* ҳам бутуннинг бўлагини англатишига кўра ўхшаш, аммо улардан ҳар бири бошқа-бошқа маънони англатади: *бир тилим қовун*, *бир карч қовун*.

Демак, ҳар икки бандда таъкидланган луғавий бирликлар синонимия учун асосий шартга — айни бир маънони англатиш шартига — жавоб бермайди.

69- §. Синонимлар ўзаро услубий баҳо жиҳатидан фарқланса, услубий синоним дейилади. Ҳар бир синонимия қатори, одатда: а) услубий баҳо семаси бетараф лексик бирликни ва б) услубий баҳо семаси бетараф бўлмаган лексик бирликни ўз ичига олади. Масалан, *юз*, *бет*, *афт*, *башара*, *чехра* синонимия қаторида *юз* лексемаси, *кулмоқ*, *иљаймоқ*, *иржаймоқ*, *тиржаймоқ*, *жилмаймоқ*, *ишишаймоқ*, *ҳирингламоқ*, *табассум қилмоқ*, *хахоламоқ*, *хандон ташламоқ* синонимия қаторида эса *кулмоқ* лексемаси бетараф, қолганларида эса услубий баҳо бўртиб туради.

Синонимларда услубий баҳо икки хил бўлади: 1) ижобий: *жилмаймоқ*, *табассум қилмоқ* лексемаларидаги каби; 2) салбий: *афт*, *башара*, *иржаймоқ*, *тиржаймоқ*, *ишишаймоқ* лексемаларидаги каби.

Лексемаларни танлаб ишлатишда синонимларнинг

фақат маъно хусусиятларигагина эмас, балки услубий баҳо семасига ҳам эътибор берилади. Чунки услубий баҳо шу лексема (семема) англатаётган воқеага сўзловчининг муносабатини билдириб туради («Услубий баҳо» баҳсига қаранг).

70-§. Синонимлар ўзаро нутқий хосланиш белгиси жиҳатидан фарқланса, нутқий синонимлар дейилади. Масалан, *юз*, *бет*, *афт*, *башара*, *чехра* синонимларидан *юз* лексемасининг ишлатилиши нутқ кўринишлари бўйича чегараланмаган, *бет*, *афт*, *башара* лексемалари асосан сўзлашув нутқида, *чехра* лексемаси эса асосан бадий нутқда ишлатилади.

Нутқий синонимлар қўйидагича муносабатларда воқе бўлади:

1) умумнутқ лексемаси (нутқнинг барча кўринишида ишлатилаверадиган лексема) билан бадий нутқ лексемаси орасида: *нур* — умумнутқ лексемаси, *ёғду* — бадий нутқ лексемаси; *пешана* — умумнутқ лексемаси, *манглай* — бадий нутқ лексемаси; *хат* — умумнутқ лексемаси, *мактуб* — бадий нутқ лексемаси каби;

2) умумнутқ лексемаси билан сўзлашув нутқи лексемаси орасида: *яна* — *тагин*, *бошқа* — *бўлак*, *алмашмоқ* — *алишмоқ* каби;

3) умумнутқ лексемаси билан расмий нутқ лексемаси орасида: *тугамоқ* — *тамом бўлмоқ*, *қатнашмоқ* — *иширик этмоқ* каби;

4) сўзлашув нутқи лексемаси билан бадий нутқ лексемаси орасида: *афт* — *чехра*, *бўлак* — *ўзга* каби («Луғавий бирликларнинг нутқ кўринишларига хосланганлиги» баҳсига қаранг).

71-§. Юқорида синонимия қаторига уч жиҳатдан ёндашилди: 1) маъно қирраси жиҳатидан, 2) услубий баҳо жиҳатидан, 3) нутқий хосланиш жиҳатидан. Шу тавсифлар асосида синонимия қаторининг бош вакили белгиланади. Синонимия қаторидаги бош вакилга доминанта дейилади (лотинча *dominantis* — «ҳукмрон»).

Доминанта деб, одатда, синонимия қаторидаги лексик мундарижаси барча синонимлари учун умумий, услубий баҳоси бетараф, умумнутқа хосланган бирлик танланади. Масалан, *юз*, *бет*, *афт*, *башара*, *чехра* синонимия қаторида *юз* лексемаси доминанта; *кулмоқ*, *ижаймоқ*, *иржаймоқ*, *тиржаймоқ*, *жилмаймоқ*, *ишишаймоқ*, *ҳирингламоқ*, *табассум қилмоқ*, *хаҳоламоқ*, *хандон ташламоқ* синонимия қаторида *кулмоқ* лексемаси доминан-

та; *ширин*, *мазали*, *лаззатли*, *лализ* синонимия қатори-да *ширин* лексемаси доминанта.

Доминантани белгилаб олиш синонимия луғатини тузиш ишида катта аҳамиятга эга. Чунки: а) синонимия қатори шу доминанта асосида луғатдан жой олади; б) синонимия қатори англатган маъно шу доминанта асосида таърифланади, сўнгра шу синонимия қаторидаги ҳар бир синонимнинг ўзига хос маъно қирраси, услубий баҳо семаси, нутқий хосланиш белгиси каби хусусиятлари баён қилинади.

Фразеологик синонимия

72- §. Фраземаларнинг айни бир маънони англатиши асосида гурухланиши *фразеологик синонимия* дейилади. Масалан, *оғз(и)га талқон солмоқ*, *мум тишламоқ* фраземалари айни бир луғавий маънони — «мутлақо гапирмаслик»ни, «суҳбатда мутлақо қатнашмаслик»ни англатади. Мисоллар: *Мажлис бошлангунча бир оз кулишиб ўтирайлик*. *Оғизларин гга талқон солиб олдинглар*. (П. Т.) Бир гапириб, ўн куларди, ҳаммани *оғзига қаратарди...* Бугун *мум тишлаб қолди*. (Ойдин.)

Фразеологик синонимия ҳам уч жиҳатдан баҳоланади: а) маъно қирраси жиҳатидан; б) услубий баҳо жиҳатидан; в) нутқий хосланиш жиҳатидан.

Фразеологик бирликларда абсолют синонимия (фразеологик дублет) бўлмайди.

Фразеологик синонимлар кўпинча маъно синонимлари (идеографик синонимлар) бўлади (маъноси тенг келувчи фразеологик синонимлар жуда оз). Масалан, *бурн(и)ни кўтармоқ* — *бурн(и) кўтарилди ва димоғ(и) шишиди* фраземалари учун умумий мундарижа «кибрланмоқ», «гердаймоқ» бўлса-да, бу умумий маънонинг гавдаланиши турлича. Бундан қатъи назар, *бурн(и)ни кўтармоқ* — *бурн(и) кўтарилди* фраземасига нисбатан *димоғ(и) шишиди* фраземасида маъно кучлироқ.

Фразеологик синонимларда услубий баҳо ҳам, одатда, бўртиб туради. Асли фразеологик бирликлар худди шу мақсад билан — воқеликни номлашда уни ўткир баҳолаб бериш учун, ижобий ёки салбий муносабатни яққол ифодалаш учун — яратилади. Масалан, *икки оёғ(и)ни бир этикка тиқмоқ*, *оёғ(и)ни тирааб олмоқ* синонимларининг ҳар иккисида услубий баҳо жуда кучли; *бош(и) шишиди*, *мия(си) ғовлаб кетди* синонимла-

рида эса услубий баҳо иккинчисида кучлироқ: *Отам уйлантираман деб икки оёғини бир этикка сүқиб олган*. Ҳол-жонимга қўймайди. (С. Аҳм.) Савдогарнинг ўжарчасига оёқ тира б туриши йигитнинг ғазабини ошира бошлади. (О.) Шу кунда ҳамманинг боши шишган (О.) Минг хил хаёл билан миям ғовлаб кетди. (Ойдин.)

Фразеологик синонимлар нутқий хосланиш жиҳатидан у қадар ранг-баранг эмас: асосан, сўзлашув нутқига ва қисман бошқа нутқ кўринишларига хосланган бўлади. Масалан, *кўз(и)ни юммоқ, дунёдан ўтмоқ* фраземалари адабий (кўтаринки) нутққа, жон бермоқ фраземаси эса сўзлашув нутқига хосланган: *Лекин чол ҳали бақувват, илиги соғ.* Бир кун *кузини юмар ахир.* (О.) *Хон Гўрўғли отам дунёдан ўтди.* (Фозил Йўлдош.) ... бир киши қолгунча *курашиб, ўз марамизда жон беришга тайёрмиз.* (Я.)

Синоним фраземаларни бир фраземанинг вариантлари билан қориширмаслик керак. Масалан, «янги, қўл тегмаган» маъносини англатувчи *оҳори тўкилмаган, қирови тўкилмаган* фраземалари ўзаро синоним. Чунки булардан ҳар бири асосида бошқа-бошқа образ ётади (биринчиси тўқувчиликдан, иккинчиси эса пичоқчиликдан олинган), бошқа-бошқа лексемалар асосида таркиб топган.

Аммо аҳмоққа *Тўйтепа нима йўл, аҳмоққа Қува бир тош* кабилар ўзаро бир фраземанинг вариантлари дидир. Чунки ҳар иккиси бир образга суюнади, таркибидаги сўзларини алмаштириш ҳар гал маҳаллий (диалектал) колорит қўшади.

Шунингдек, *бош(и)да ёнғоқ чақмоқ, бош(и)да данак чақмоқ, бош(и)да тош чақмоқ* мисоллари ҳам бир фраземанинг вариантлари бўлиб, бир лексик компонентнинг алмашинуви билан фраземанинг маъноси кучая боради (*ёнғоқ — данак — тош*). Мисоллар: *Ахир у ҳар кун янги бир дардисар шини ўйлаб чиқаради. Яна ҳар кимнинг бошида ёнғоқ чақмоқчи бўлади.* (О.) *Мадамин бу қишилоқ ҳалқи бошида қирқ йил данак чаққан золим Салимбой оқсоқолнинг ўғли эди.* (П. Т.) *Уч кун ўтмай бошимда тош чақишга бошлади.* (О.)

73- §. Фразема (фразосемема) билан лексема (лексосемема) орасидаги синонимия лексик-фразеологик синонимия дейилади. Лексик-фразеологик синонимияда

лексема доминанта бўлади. Ҳар бир лексемага фразеологик синоним ахтариш фойдасиз. Аммо кўпчилик фраземаларнинг лексик синоними бор (шуни ҳисобга олиб синонимиянинг бу турини *фразеологик-лексик синонимия* деб номлаш тўғрироқ). Масалан, *юлдузни бенарвон урадиган* фраземаси *абжир* лексемаси билан; *дунёни сув босса, тўниғ(и)га чиқмайди* фраземаси *бегам* лексемаси билан синонимия муносабати ҳосил этади.

Лексик-фразеологик синонимияда фразема ўз маъно қиррасига кўра, шунингдек, услубий баҳосига кўра ўз синоними бўлган лексемадан кескин фарқланади. Ниманидир фразема билан англатиш, одатда, лексема билан англатишга қараганда таъсирчан бўлади.

Синонимияга баъзи тавсифлар

74- §. Синонимия муносабати:

1) Бир тилнинг ўз лексемалари орасида бўлади. Бу ҳар бир тилнинг ўз тараққиёти билан боғлиқ асосий ҳолатdir. Масалан, *гапирмоқ*, *сўзламоқ*; *янчмоқ*, *туймоқ* кабилар ўзбек тилининг ўз материалидан таркиб топган синонимия қаторлариdir.

2) Ўз лексема билан ўзлашма лексема орасида бўлади. Масалан, *оз, кам; барча, ҳамма; тоза, пок; ёлғон; сохта* (ўзбекча-тожикча); *айирма, фарқ, тафовут; бўлак, қисм; киши, инсон, одам; уюшма, иттифоқ* (ўзбекча-арабча) каби.

3) Ўзлашма лексемалар орасида ҳам воқе бўлади. Масалан, *анализ, таҳлил* (байналмилал-арабча); *мактуб, нома* (арабча-тожикча); *расм, одат* (арабча-арабча) каби.

4) Фразеологик синонимлар, одатда, шу тилнинг ўзиники бўлади: бир ёстиққа бош қўймоқ, турмуш қурмоқ; бир оғиз, бир шингил, бир чимдим каби. Чунки фраземаларда миллий колорит кучли бўлиб, фраземаларни ўзлаштириш (айниқса синонимияга олиб келувчи ўзлаштириш) жуда оз учрайди. Синонимияга олиб келувчи ўзлаштириш деб қўлни қўлга бермоқ фраземасини кўрсатиш мумкин (русча *рука об руку* фраземасининг ижодий калькаси). Бу фразема ўзбекча бир ёқадан бош чиқармоқ фраземаси билан синоним.

Демак, синонимия: а) шу тилдаги ўз луғавий бирликларнинг маълум маъно муносабатига киришуви билан; б) луғавий бирликларни ўзлаштириш ва буларнинг ўз луғавий бирликлар билан ёки ўзаро маълум маъно муносабати ҳосил этиши натижасида пайдо бўлади.

75- §. Синонимия қаторидаги лексема түзилишига күра турлича бўлади. Синонимия муносабати:

1) туб лексемалар орасида бўлади: *боп*, *мос*; *ёқ*, *томон*; *ялқов*, *дангаса*; *ўрин*, *жой*, *ер* (айрим маъноларида) каби;

2) туб лексема билан ясама лексема орасида бўлади: *погона*, *босқич*; *ортмоқ*, *юкламоқ*; *тугамоқ*, *тамом бўлмоқ* каби;

3) ясама лёксемалар орасида бўлади. Бунда ясаш асоси бўлган лексемалар ўзаро:

а) синоним бўлади: *саноқли*, *ҳисобли* (*саноқ*, *ҳисоб*); *ғазабланмоқ*, *қаҳрланмоқ* (*ғазаб*, *қаҳр*) каби;

б) яқин маъноли лексемалар бўлади: *куйламоқ*, *хонии қилмоқ* (*куй*, *хонии*); *ёши-яланг*, *йигит-яланг* (*ёши* *йигит*) каби.

Изоҳ: 1. Айни бир лексемадан ҳар хил аффикс билан ясалишлар ҳам синонимия ҳосил этади. Бунда асли аффикслар синонимияси ҳақида гапириш ўринли. Масалан, *илмоқ*, *илгак* синонимларида асли -моқ, -гак аффикслари ўзаро синоним.

2. Баъзан бир ўзакнинг ҳар хил кўринишидан ясалишлар ҳам синонимия ҳосил этади. Бундай ҳолат, асосан, арабча ўзлаштиришларда учрайди. Масалан, *ҳақсиз*, *ҳуқуқсиз* лексемалари арабча ўзакнинг бирлик (*ҳақ*) ва кўплик (*ҳуқуқ*) шаклларидан ясалган; *таққосламоқ*, *қиёс қилмоқ* синонимларидағи *қиёс*, *таққос* қисмлари ҳам асли бир арабча ўзакнинг икки кўринишидир.

Демак, синонимияга олиб келувчи ҳодисалардан бири — лексема ясалиши.

76- §. Синонимия қаторидаги лексема ва фраземалар тилда тутган мавқеи жиҳатидан ҳам турлича бўлади. Синонимия муносабати:

1) умумтил бирликлари орасида бўлади: *чумоли*, *қумурсқа*; *кун*, *қуёш*; *чопмоқ*, *югурмоқ*; *қўл(и)ни ювиб*, *қўлтиғ(и)га урмоқ* ва *ҳафсала(си)* пир бўлди каби;

2) умумтил бирлиги билан диалектал бирлик орасида бўлади: *асал*, *бол*; *яна*, *тағин*; *озғин*, *ориқ*; *боғдан келса* (...), *тоғдан келмоқ*, *Аштдан келса* (...), *даштдан келмоқ* каби;

3) диалектал бирликлар орасида бўлади: *ғўра*, *довучча*; *санча*, *хамак*, *болача*, *тугунак*; *Аштдан келса* (...), *даштдан келмоқ* ва *Мен на дейман*, *қўбизим на дейди* каби.

Демак, синонимияга умумтил нуқтаи назаридан ён-

дашув билан адабий нутқнинг ўзи нуқтаи назаридан ёндашув ўзаро фарқ қиласди. Диалектал луғавий бирликлар адабий нутқ синонимиясининг бойиш манбаларидан биридир.

77- §. Шу ўринда эвфемизм туфайли воқе бўладиган синонимик муносабатни ҳам таъкидлаб ўтиш керак. Кўпол, ёмон таассурот қолдирадиган лексема ва фраземани бундай хусусияти йўқ луғавий бирлик билан алмаштириш ҳодисаси эвфемизм дейилади (юонча eupheme — «яхши, силлиқ гапираман». Ҳодисадан ташқари, ана шундай хусусияти бор луғавий бирликнинг ўзи ҳам эвфемизм деб юритилади). Масалан, ўлмоқ — дунёдан ўтмоқ; иккиқат — ҳомиладор, оғир оёқ; семиз — гўштдор, тўла; ўғри — қўл(и) эгри; кар — қулоғ(и) оғир, кўр — (кўз)и ожиз, кўз(и) ногирон; туғмоқ — кўз(и) ёриди каби.

78- §. Синонимия ва полисемемия ўзаро узвий боғланган. Чунки синонимия лексемаларда лексик маънога, фраземаларда фразеологик маънога асосланади. Тўғридан-тўғри лексема билан лексема, фразема билан фразема, лексема билан фразема синонимияси ҳақида гапириш учун синонимия муносабати ҳосил этувчи луғавий бирликлар бир маъноли (моносемантик) бўлиши лозим.

Полисемантик лексемаларда ҳар бир семема бошқа бир лексема билан (агар у моносемантик бўлса) ёки семема билан (агар у полисемантик бўлса) синонимия муносабатига киришади. Масалан, бош лексемаси бир семемасида тўнғич лексемаси билан, иккинчи семемасида асосий лексемаси билан, учинчи семемасида охир лексемаси билан ва ҳоказо синонимия муносабати ҳосил этади.

Худди шундай ҳолат фраземаларда ҳам мавжуд. Масалан, кўнгл(и) озди фраземасининг бир семемасига ҳуш(и)дан кетмоқ фраземаси, иккинчи семемасига эса кўнгл(и) айниди фраземасининг бир семемаси синоним бўлади.

Лексик маъно турлари жиҳатидан қараганда, синонимия муносабати:

1) бош (тўғри) маънолар орасида бўлади. Бу — асосий ҳолат: бутунлай, тамомила каби;

2) бош (тўғри) маъно билан ҳосила (кўчма) маъно орасида. Бу ҳам анчагина учрайди: тўнғич, бош; пухта, пишиқ каби;

3) ҳосила (күчма) маънолар орасида бўлади. Бу у қадар кўп эмас. Масалан, *гапнинг мағзи*, *гапнинг тузи* бирикмаларидағи *мағиз*, туз лексемалари ўзаро ҳосила маъноларида синоним бўлади.

79- §. Лексик қўллаш асосида, шунингдек, фразеологик қўллаш асосида синонимия ҳосил бўлмайди, чунки булар тил бирлиги деб эмас, нутқ бирлиги деб қаралади. Синонимия эса асли тил бирликлари орасидаги муносабатда туфилади, шунга кўра *узуал синонимия* деб юритилади (лотинча *usus* — «одат», «қоида»).

Лексик маъно билан лексик қўллаш, фразеологик маъно билан фразеологик қўллаш орасидаги синонимик муносабат контекстуал синонимия деб номланиши мумкин.

Контекстуал синонимия ранг-баранг кўринишларга эга. Бундай синонимик муносабат ҳар гал нутқнинг ўзида воқе бўлади, шу аниқ нутқдан ташқарида йўққа чиқади. Бундай синонимия, масалан, олмош билан бошқа туркум лексемаси орасида, олмош билан бирикма, гап, ҳатто абзац орасида, шахс, предмет, мавҳум тушунча номи билан шунинг тасвирий муқобили орасида (*Пушкин, «Евгений Онегин»нинг муаллифи* каби) пайдо бўлади ва бошқалар.

Масалан, Абдулла Қаҳҳорнинг «Синчалак» повести ҳақида фикр билдирганда ҳар гал *Абдулла Қаҳҳор* деб қайтаравериш услубни бузади. Шу сабабли контекстуал синонимиядан кенг фойдаланилади: бир ўринда *адиб* дейилса, иккинчи ўринда *ёзувчи* деб, учинчи ўринда *повесть муаллифи* ёки *муаллиф* деб ишлатилади. Луғавий бирликлар сифатида *адиб*, *ёзувчи*, *муаллиф* лексемалари ўзаро синоним эмас, лекин маълум контекст доирасида бу лексемалар ўзаро ва *Абдулла Қаҳҳор* атоқли отига контекстуал синоним бўлиб келади.

80- §. Синонимия муносабатини белгилашда тил тараққиётининг муайян бир босқичи назарда тутилади ва луғавий бирликларнинг худди шу даврдаги ўзаро маъно муносабатидан келиб чиқиб муҳокама юритилади. Шунга кўра ҳар хил ижтимоий тузумга тааллуқли тушунчаларни англатадиган лексемалар ўзаро синоним деб қаралмайди. Масалан, *судья* ва *қози*, *милиционер* ва *полициячи*, *уй хизматчиси* ва *хизматкор (малай)* каби. Булардан ҳар бири алоҳида-алоҳида маънони англатувчи лексемалардир.

81- §. Синонимия — тилнинг бой эканини, тараққиёт даражасини кўрсатиб турувчи ҳодисалардан бири.

Синонимия сабабли нозик маъно қирралари англатилади, ранг-баранг услугубий баҳолар ифодаланади. Синонимлардан бирини танлаб ишлатиш орқали воқеликнинг бир қирраси бўртади.

Аслида синонимия воқе бўлиши учун луғавий бирликлар ўзаро маълум тенгликка, бир хилликагина эмас, балки айрмаларга ҳам эга бўлиши лозим. Лексема ёки фраземани танлаб ишлатишда ҳар гал ана шу айрмалар билан ҳисоблашишга тўғри келади. Ўз фикрини англатишда, ўз муносабатини ифодалашда ягона ўринли лексема ёки фраземани синонимия қаторидан танлаб ола билиш керак.

Синонимлардан яна нутқни ихчам, равон тузишда, шунингдек, талаффузни қулайлаштиришда ҳам унумли фойдаланилади. Булардан ташқари, синонимлар асосида жуфт лексемалар ҳам тузилади: *ор-номус, баҳт-саодат* каби.

82- §. Синонимия ва семантик компонент (сема). Полисемантик бирликлар семемаларини ўзаро ажратишида семантик компонентларга (семаларга) асосланиш қандай ижобий натижага олиб келса, синонимларни белгилашда ҳам шундай ижобий натижага олиб келади. Асли синонимлар «маъноси бир хил», «айни бир маъноли», «маъно ўзани тенг, маъно қирраси фарқли» каби ноаниқ ифодалар ёрдамида таърифлаб келинади. Синонимияни белгилашда семик таҳлил методикасига суюниш бу ҳодисани аниқроқ таърифлаш имконини беради.

Икки ва ундан ортиқ луғавий бирликни ўзаро синоним дейиш учун дастлабки шарт — луғавий маъно асосининг тенг эканлиги, иккинчи шарт — бундай тил бирликлари ўзаро маълум жиҳатдан фарқли бўлиши. Семик таҳлил жиҳатидан ёндашиб, синоним бўлиш учун бу тил бирликларининг луғавий маъноси айни бир идеографик семалар йигимидан иборат бўлишини таъкидлаймиз. Бу идеографик семаларнинг шу йигимида бирор семанинг тутган мавқеи, бўртиши ёки нурсизланиши, маълум бир қирраси билан фарқланиши туфайли синонимларнинг луғавий маъносига маълум тафовут юз беради. Ана шу тафовутларни ҳисобга олиб, идеографик синонимлар ҳақида гапирилади.

Агар идеографик сема эмас, балки услугубий сема фарқланса, услугубий синонимлар ҳақида сўз юритилади.

Фарқ ҳам идеографик, ҳам услугубий семада кўринса,

идеографик-услубий синонимлар ҳақида гапирилади ва бошқалар.

Айтилганларни ҳисобга олиб, синонимларга шундай таъриф берса бўлади: Идеографик семалар йиғими тенг, айни вақтда бир ёки бир неча жиҳати (жумладан, бирор идеографик семасининг мавқеи, маъно қирраси; услугубий семаси, нутқий хосланиш белгиси) фарқли тил бирликлари *синоним* дейилади.

ЛУҒАВИЙ АНТОНИМИЯ

83- §. Тил бирликларининг ўзаро зид муносабатдаги маъноларни англатиши асосида гурухланишига *антонимия* дейилади (юонча *anti*.— «зид», «қарши», опума — «исм»).

Антонимия икки тил бирлиги орасидаги муносабатга асосланади. Булардан бири иккинчисига нисбатан антоним бўлиб, иккиси бирликда антонимик жуфтни ҳосил этади.

Синонимия қаторида икки ва ундан ортиқ тил бирлиги қатнашади, чунки улар айни бир воқеликни номлайди, ифодалайди. Антонимия муносабатида эса икки тил бирлиги қатнашади, чунки бундай муносабат бири иккинчисининг акси бўлган воқеликни номлайдиган, ифодалайдиган тил бирликлари орасида воқе бўлади. Антонимлардан ҳар бири ўзича синонимга эга бўлиши мумкин, аммо бу антонимик жуфтлик ҳолатини бузмайди (шунда ҳам антонимия икки тил бирлиги орасида бўлади).

Аввало, икки хил антономияни кўрсатиш лозим:

I. Луғавий антонимия — луғавий бирликларининг ўзаро антоним бўлиши: *новча* — *пакана*, *сахий* — *бахил*, *бўшанг* — *олғир* каби.

II. Грамматик антонимия — грамматик бирликларининг ўзаро антоним бўлиши. Бу жуда кам учрайди: **-дан** — **-га** (*уйга* — *уйдан*) каби. Морфемалар антонимияси асосан лексема ясовчиларга тўғри келади: **-ли**, **ба-** (**бо-**) — **-сиз**, **бе-**, **но-** каби. Шунга кўра бундай морфемалар билан ясаш натижасида ҳам, одатда, луғавий антонимия ҳосил бўлади: *ўринли* — *ўринсиз*, *ноўрин*; *ҳисобли* — *ҳисобсиз*, *беҳисоб*; *бамаъни* — *бемаъни* каби.

Луғавий антонимия уч хил:

1. Лексик антонимия — лексемаларининг ўзаро антоним бўлиши: *эрталаб* — *кечқурун*, *келмоқ* — *кетмоқ* каби.

2. Фразеологик антонимия — фраземаларнинг ўзаро антоним бўлиши: оқ кўнгил — кўнгл(*и*) оқ ва ич(*и*) қора; очиқ қўл — қўл(*и*) очиқ ва тутунини булут кўрмас, ювундисини ит каби.

3. Лексик-фразеологик антонимия — лексема билан фраземанинг ўзаро антоним бўлиши: сахий — тутунини булут кўрмас, ювундисини ит; хафа ва бош(*и*) осмонда каби.

84- §. Лексема(семема)ларнинг ўзаро зид муносабатдаги маъноларни англатиши асосида гуруҳланиши лексик антонимия дейилади. Масалан, оз — кўп, тез — секин, жонли — жонсиз каби.

Антонимия муносабати одатда бир туркум лексемалари орасида бўлади (юқоридаги мисоллар). Баъзангина сифат лексемага феъл лексеманинг сифатдош формаси антоним бўлади. Бунда сифатдош феълнинг бўлишли асосидан ҳам, бўлишсиз асосидан ҳам ясалади: хом — пишган, ўткир — ўтмас каби. Сифат лексема билан маълум маъно муносабатига киришуви сабабли бундай сифатдош шаклидаги феълнинг маъносига янгича мундарижа юзага келади, мустақил лексемага айланади (*пишган* — *пишмаган*, *пишган* — *хом*; *ўтмас* — *ўтар*, *ўткир* — *ўтмас* муносабатларини қиёсланг).

Антонимия муносабати асосан белги англатувчи лексемаларда мавжуд. Шунга кўра антонимия сифатларда, равишларда айниқса кўп: яхши — ёмон, оч — тўқ; яқин — узоқ каби. Феъл туркумида антонимия ҳосил этувчи лексемалар у қадар кўп эмас: олмоқ — бермоқ, кирмоқ — чиқмоқ каби. От туркумида эса антонимия муносабати асосан белги-ҳолат отларида ва қисман бошқа хил отларда — бирор белгисига кўра зидлаш мумкин бўлган отларда мавжуд: тинчлик — уруш, меҳр — нафрат; aka — ука, она — сингил, амма — хола каби. Антонимия муносабати баъзи туркумларда (масалан, сон, олмош, модал сўзларда) умуман йўқ.

Ҳар қандай лексема антонимия муносабатига киришавермайди, албатта. Агар лексик маъно ўз зиддига эга бўла олсагина, антонимия воқе бўлади. Масалан, китоб, соат, кўз, қўл лексемаларининг лексик маъноларида бундай зидланувчи маъно муносабати ҳосил этиш имконияти йўқ; тоза, арzon, аввал лексемаларининг лексик маъноларида эса бундай зидланувчи маъно муносабати ҳосил этиш имконияти бор (тоза — ифлос, арzon — қиммат, аввал — кейин, сўнг каби).

85- §. Ифода плани жиҳатидан антонимлар ҳар хил бўлиши лозим (ифода планига нисбатан зид бўлиш талаби қўйилмайди, албатта): *соғ* — *касал* каби.

Антонимлар асос жиҳатидан бир хил, аммо ясовчи аффикслари ҳар хил бўлиши мумкин. Бунда антоним аффикслар ёрдамида бир асосдан икки лексема (антоним лексема) ясалган бўлади: *онгли* — *онгсиз* каби.

Баъзан айни бир лексеманинг лексик маънолари ўзаро зидланиш ҳосил этади: *бош* («муқаддима») — *боши* («хотима»); *кўчанинг боши* бирининг кўчанинг бошланиши ҳам, охири ҳам кўзда тутилган бўлиши мумкин. Бундай ҳолатни антонимия деб эмас, полисемия доирасида воқе бўладиган *энантиосемия* деб талқин қилиш тўғрироқ. (Умуман, бундай ҳолат луғавий бирликларда жуда оз учрайди.)

Демак, антонимлар ифода плани жиҳатидан ҳар хил бўлиши — бошқа-бошқа лексема бўлиши керак. (Синонимияда ҳам худди шундай.)

Маъно жиҳатидан антонимлар ўзаро боғланишли бўлади: бирини айтиш билан шунинг зидди кўз олдига келади, бирининг маъноси унинг антонимига кўра аниқ гавдаланади; гўё антонимлар бири иккинчисини туртиб тургандек бўлади: *қалин* — *юпқа* каби. Хуллас, антонимия маъно жиҳатидан қарама-қаршилик ва бирликка асосланади.

Оддий инкорнинг ўзи ҳали антонимия эмас. Масалан, *айт-айтма*, *айтар* — *айтмас* кабилар бири иккинчисининг инкори. Аммо уларни ўзаро антонимлар деб бўлмайди. Асли булар икки лексема эмас, балки айни бир лексеманинг икки (бўлишли ва бўлишсиз) шаклидир. Антонимия эса икки лексема орасидаги маъно муносабатидир. Икки лексема орасидаги бундай муносабатда инкор этиш янгини номлаш орқали бўлади. Масалан, *ширин* — *аччиқ* лексемалари бири иккинчисини ўзи англатган маъноси билан, янгини номлаш билан инкор этиб турибди.

Демак, антонимия муносабати ҳосил этувчи луғавий бирликлар: 1) бири иккинчисини инкор этиши, янгини номлаш орқали инкор этиши лозим, 2) маънолар бири иккинчисини истисно қилиб туриши, қарама-қаршисини номлаши керак. Масалан, *доно* ва *аҳмоқ*, *бир* ва *минг*, *йиқилмоқ* ва *турмоқ* ўзаро антонимлар эмас, чунки булар юқоридаги шартларга жавоб бермайди. *Доно* лексемасига *нодон* лексемаси, *аҳмоқ* лексемасига *ақлли*

лексемаси антоним. *Турмоқ* лексемасининг бош (тўғри) маъносига ётмоқ лексемасининг бош (тўғри) маъноси антоним, аммо *йиқилмоқ* лексемасига антоним йўқ.

Шунингдек, *ана* — *мана*, *шу* — *ўша*, *у* — *бу* олмошлиари ўзаро зид маъноларни билдирамайди. Бу олмошларнинг маъносидаги фарқ — қарама-қарши йўналишда эмас, балки бир йўналишда ётувчи масофа (вақт) оралифида. Қиёсланиг:

йўғон *ингичка* *мана (шу, бу)*. —————→
·————→ . *ана (у, ўша)*. —————→

86- §. Синонимияда бўлганидек, антонимиҳам лексемаларда лексик маънога, фраземаларда фразеологик маънога асосланади. Моносемантик лексема ва фраземадагина тўғридан-тўғри лексема билан лексема, лексема билан фразема, фразема билан фразема антонимиҳаси ҳақида гапириш мумкин. Масалан, адабий нутқдаги *пакана* — *новча* моносемантик лексемаларида бўлгани каби.

Полисемантик лексемаларда эса ҳар бир семема ўз антонимиға эга бўлиши мумкин. Масалан, *тирик* лексемасининг бир семемасига ўлик лексемасининг бир семемаси (*тирик табиат* — *ўлик табиат*), *тирик* лексемасининг бошқа бир семемасига *ланж* лексемасининг бир семемаси (*тирик ош* — *ланж ош*) антоним.

Полисемантик лексемадаги ҳар бир семеманинг антоними бўлиши шарт эмас. Масалан, *бахил* лексемасининг бир семемасига антоним бор (*бахил одам* — *саҳий одам*), аммо *бахил* лексемасининг бошқа бир семемасига антоним йўқ (*бахил* лексемасининг назарда тутилаётган семемасига *иҷ(и)* қора фраземаси синоним ва *кўнгл(и)* оқ фраземаси антоним).

Демак, антонимиҳам асли лексемалар, фраземалар муносабати эмас, балки семемалар муносабати назарда тутилади.

Антоними турли хил лексик маъно англатадиган семемалар орасида воқе бўлади:

1) бош тўғри маъноли семемалар орасида: *инсон* — *ҳайвон* лексемаларининг бош семемалари орасида бўлгани каби;

2) бош (тўғри) маъноли семема билан ҳосила (кўч-

ма) маъноли семема орасида: *қайнаган* (*сув*) — *хом* (*сув*), *кичкина* — *девдай* лексемаларида каби;

3) ҳосила (кўчма) маъноли семемалар орасида: *узоқ* (*қариндош*) — *яқин* (*қариндош*) — (*тузи*) *баланд* — (*тузи*) *паст* лексемаларида каби. *Бошдан оёқ* каби ишлатишда ҳам ҳар икки лексема ҳосила (кўчма) маънода қатнашади.

Фразеологик антонимияни белгилашда ҳам полисемия билан ҳисоблашиш зарур. Моносемантик фраземалардагина антонимия фразема билан фразема орасида воқе бўлади. Бундай антонимия нисбатан кўп. Масалан, *ерга урмоқ* — *кўкка кўтармоқ* фраземаларида шундай. *Камишкапанинг* икки обрўйи бирини бири *ерга ура бошлига ч*, *мажлис ёпилди ва масала* *райкомга қўйиладиган* бўлди. (П. Т.) Тансик гўё бўғилгандай уҳ тортди. Бундай қариндошларини *кўкка кўтарган* дадасидан хафа бўлди у. (О.)

Полисемантик фраземаларда эса ҳар бир фразесемеманинг ўз антоними бўлиши мумкин. Масалан, *кўз(i)га иссиқ кўринмоқ* фраземаси икки маънони англатади: 1) «танишдек туйилмоқ», 2) «ўзига тортмоқ», «ёқимли бўлмоқ». Шу маънолардан биринчисига фразеологик антоним йўқ, иккинчи маънога эса *кўз(i)га совук кўринмоқ* фраземаси антоним бўлади: *Келганига сал ўтмай ҳамманинг* *кўзига иссиқ кўриниб қолди*. (С. Назар.) — *Қори болаларнинг* *кўзига совук кўриниб қолган* эди. (П. Т.)

87-§. 1. Антонимия билан синонимия ўзаро узвий боғланган ҳодисалардир. Одатда, бирор лексемага хос лексик маънони таърифлашда бу лексик маънонинг синоними билан антоними ҳам ҳисобга олинади. Масалан, *қуюқ чой* биримасидаги *қуюқ* лексемасининг маъносини таърифлашда шунинг синонимини (*аҷчиқ чой*) ва антонимини (*суюқ чой*) кўрсатиш фойдали (*қуюқ: аҷчиқ* лексемасига синоним, *суюқ* лексемасига антоним).

Баъзи лексик маъноларга ҳам синоним, ҳам антоним келтириш имконияти бўлмайди. Масалан, *суюқ чой* биримасидаги *суюқ* лексемасининг лексик маъносига антоним бор (*қуюқ чой*), аммо синоним йўқ (*бемаза чой* бунга синоним бўла олмайди, чунки *қуюқ чой* ҳам бемаза бўлиши мумкин).

Фразеологик маънони таърифлашда ҳам унинг синоними ва антонимини келтириш фойдали. Масалан,

күнгли қора: ичи қора фраземасига синоним, оқ *күнгил* фраземасига антоним.

Умуман, луғавий маънони таърифлашда шу маънинг синоним ва антонимларини ҳам ҳисобга олиш керак. Акс ҳолда, луғавий маънога берилган изоҳ тўлиқ бўлмайди.

2. Лексик қўллаш асосида антонимия ҳосил бўлмайди (синонимияда ҳам худди шундай). Лексик маъно билан лексик қўллаш орасидаги антонимик муносабат контекстуал антонимия деб номланиши мумкин. Бундай антонимия ҳар гал нутқнинг ўзида воқе бўлади, нутқдан ташқарида йўққа чиқади, кўпинча индивидуал нутққа хос бўлади. Масалан, *ўт* («олов») билан *сув* лексемалари (шунингдек, *у* билан *бу* олмошлари) ўзаро антоним эмас. Маълум контекстда қўллаш сабабли булар антонимия муносабати ҳосил этади, холос: *Ўтга ҳам, сувга ҳам ўзини уришига тайёр.* (*О.*) Дам *у* учига боради, дам *бу* учига келади.

Антонимия тил бирликлари орасидаги муносабат асосида туғилади. Тил бирлиги билан нутқ бирлиги орасидаги муносабат контекстуал антонимия ҳосил этади. Масалан, *иљмий* лексемасига *иљмах* биримаси антоним эмас, чунки булар ҳар хил баҳоланувчи ҳодисалардир: биринчиси — лексик бирлик, тил бирлиги, иккинчиси — эркин биримаси, нутқ бирлиги. Асли *иљмий* лексемасига *ғайрииљмий* лексемаси антоним. *Иљмий* — *иљмах* муносабати эса контекстуал антонимияга тенг.

3. Антонимлар, аввало, лексемаларнинг лексик маъноларини изоҳлашда маълум аҳамиятга эга. Иккинчидан, антонимлардан антитеза ҳосил қилишда фойдаланилади (французча *antithese* — «зид қўйиш»). Бундай антитеза мақолларда айниқса кўп: *Яхшидан от қолар, ёмондан — дод* (*от* — *дод* муносабати — контекстуал антонимия); *Каттага ҳурматда бўл, кичикка иззатда бўл каби.* Учинчидан, антонимлардан жуфт лексема тузишда фойдаланилади. Бунда ё маъно умумлашади, ёки янги бир лексик маъно англашилади (кейингиси — асосий ҳолат): эрта-кеч, қишин-ёзин, ортиқ-кам, ўғилқиз, чол-кампир, келди-кетди каби.

88- §. Антонимия ва семантик компонент (сема). Антонимларни таърифлашда қарама-қарши маъноли, «зид маъноли», «зид тушунча» каби изоҳлар асосга

олинади. Баъзан маънодаги зидлик тўлиқ бўлиши ҳам таъкидланади.

Антонимларда семемаларнинг табиатини семик таҳ-
лил методикаси билан ўргансак, қуидагича ҳолат на-
моён бўлади: антоним деб белгиланган лексемаларнинг
(семемаларнинг) идеографик семалар йифимида, одат-
да, бир сема зид мазмунли бўлиб, бошқа сема(лар)
эса айнан бўлади.

Масалаң, эрталаб—кечқурун лексемалари ўзаро ан-
тоним. Бу лексемаларнинг луғавий маъноси учун «вақт»
архисемаси, шуни конкретлаштирулар, «сутка» сема-
си, шунингдек (сутканинг) «ёруғ қисми» семаси —
муштарак семалар; «бошланиш қисми» ва «тугаш қис-
ми» семалари эса зид семалар. Ана шу муштарак ва
зид семалар асосида эрталаб лексемасининг маъноси-
ни «сутканинг қуёш чиқишига яқин пайти» деб, «кеча-
си тугаб, кундузи бошланадиган пайт» деб; *кечқурун*
лексемасининг маъносини «сутканинг қуёш ботишига
яқин пайти», «кундузи тугаб, кечаси бошланадиган
пайт» деб таърифлаймиз.

Кўринадики, антонимларни зид маъноли тил бирик-
лари деб таърифлаш ҳақиқатга тўғри келмайди. Шуни
ҳисобга олиб, антонимларни қуидагича таърифлаш
аниқроқ бўлади: Идеографик семалар йифимида, одат-
да, бир семаси зид, қолган семаси айнан бўлган икки
тил бирлиги ўзаро *антоним* дейилади.

ЛУҒАВИЙ ОМОНИМИЯ

89- §. Тил бирликларининг ифода планида тенг ке-
лиш ҳодисаси омонимия дейилади (юононча *homos* —
«бирдек», «бир хил», опута — «исм»). Омонимияда то-
вуш ифодаси (талаффуз) жиҳатидан бўладиган бир
хиллик ҳам, график (ҳарфий) ифода жиҳатидан бўла-
диган бир хиллик ҳам ҳисобга олинади.

Ифода планида тенг келиш луғавий бирликларда
ҳам, грамматик бирликларда ҳам мавжуд. Шунга кў-
ра, аввало, икки хил омонимияни ўзаро фарқлаш ке-
рак:

I. Луғавий омонимия — луғавий бирликларнинг
ўзаро ифода планида тенг келиши: *боғ I* — «сад»,
боғ II — «связка» каби.

II. Грамматик омонимия — грамматик бирликлар-
нинг ўзаро ифода планида тенг келиши: *-сиз I* — иккин-

чи шахс күплигининг тусловчиси, -сиз II — сифат ясовчи каби.

Луғавий омонимиянинг ўзи икки хил:

А. Лексик омонимия — лексемаларнинг ўзаро ифода планида тенг келиши: *асар I* — «мәҳнат ва ижод маҳсули», *асар II* — «из» каби.

Б. Фразеологик омонимия — фраземаларнинг ўзаро ифода планида тенг келиши: *дам бермоқ I* — «ҳаво оқимини күч билан ҳайдаб киритмоқ», *дам бермоқ II* — «истироҳат қилишга имкон бермоқ». Мисоллар: *Кейин пистакүмир солиб, маҳси кийдириб дам берди.* (С. А.) *Үй юмушларидан чарчаган кезларимда чақалоқни бирпасгина овутиб, менга дам берармиカン?* (Р. Ф.).

Юқоридаги икки асосий турдан ташқари, яна қўйидагича ҳолатлар ҳам бор:

В. Лексик бирлик билан грамматик бирлик ўзаро ифода планида тенг келади: *сиз I* — иккинчи шахс кишилик олмёши, -*сиз II* — иккинчи шахс тусловчиси ёки -*сиз III* — сифат ясовчи каби.

Олмош билан морфема орасидаги бундай омонимияда тенглик қисмангина — фонемалар тузуми жиҳатидан — мавжуд бўлиб, айтилиши ва ёзилиши жиҳатидан улар аниқ фарқланади: олмош лексема ўз мустақил урғуси билан айтилади, морфема эса ўзи қўшилган асос билан биргаликда урғу олади; олмош лексема ёзувда айримлик сақлайди, морфема эса асосга қўшиб ёзилади. Шуларга кўра бундай омонимия кўзга ташланмайди.

Умуман, бундай омонимия тил бирликлари орасидаги омонимиядир: лексема ҳам, морфема ҳам тил бирлиги.

Г. Фразема билан эркин боғланма ўзаро ифода планида тенг келади: *бел(и)ни кўтариб олмоқ* — «моддий жиҳатдан мустаҳкамланиб олмоқ» ва *бел(и)ни кўтариб олмоқ* — «жисмоний оғриқ, лат ейишдан кейин қаддини ростлаб олмоқ» каби. Мисоллар: *Ишимиз сира белини кўтаролмай қолди, ука.* (О.) *Кими бошини ушлайди, кими белини кўтаролмайди.* (О.)

Буларда талаффуз жиҳатидан ҳам, ёзилиш жиҳатидан ҳам тенг келиш мавжуд, аммо аввалги ҳодисалардан кескин фарқ ҳам бор: ифода планида тенг келиш тил бирлиги билан нутқ бирлиги орасида воқе бўлади,

шунга күра булар алоҳида баҳолашни талаб қиласиди («Фразеологик омонимия» баҳсиға қаранг).

Лексик омонимия

90- §. Ифода плани тенг лексемалар **омолексемалар** дейилади. Лексеманинг (туб лексеманинг) ифода плани деганда унинг фонемалар тузуми назарда тутилишини айтган эдик. Омолексемани белгилашда ана шу бир хил фонемалар тузумининг талаффузи (товуш ифодаси) ҳам, ёзилиши (ҳарфий ифодаси) ҳам ҳисобга олинади. Айтилганлардан келиб чиқиб, омолексемаларга шундай таъриф бериш түғрироқ: Фонемалар тузуми бир хил талаффуз қилинадиган ва бир хил ёзиладиган лексемалар **омолексемалар** дейилади. Масалан, *түй I* («майдалаб, кукун ҳолатига келтирмоқ») — *түй II* («ҳис этмоқ»), *ён I* («предметнинг чап ёки ўнг томони») — *ён II* («ўт олмоқ») каби.

Омолексемаларни таснифлашда уларга тил бирликлари сифатида хос бўлган шакл ясалиши асосга олинади. Шу асосда омоним омолексемалар ва омоформа омолексемалар ажратилади.

1. Омоним омолексемалар барча муқобил грамматик шаклларида тенг келадиган омолексемалардир. Масалан, *қовоқ I* (кўзнинг қовоғи) — *қовоқ II* (ўсимлик номи), *чақ I* («зарб билан ёрмоқ, парчаламоқ») — *чақ II* («найза санчиб, озор бермоқ») каби.

Биринчи жуфт ҳам (*қовоқ I* — *қовоқ II*), кейинги жуфт ҳам (*чақ I* — *чақ II*) ўзаро фақат келтирилган шаклларидагина эмас, балки бошқа барча муқобил шаклларида ҳам тенг келади: *қовоқни I* — *қовоқни II*, *қовоғини I* — *қовоғини II*, *қовоқларимни I* — *қовоқларимни II* ...; *чақди I* — *чақди II*, *чақади I* — *чақади II*, *чақсанг-чи I* — *чақсанг-чи II*...

Кўринишича, омоним омолексемалар асосан бир туркум лексемалари бўлади. Бундай омонимия кўпинча от, феъл туркумларида учрайди: *оӣ I* (планета номи — от) — *оӣ II* («йилнинг ўн иккidan бир қисми» — от), *чоп I* («юргурмоқ» — феъл) — *чоп II* («ер сатҳини қирқиб ағдармоқ» — феъл) каби. Сифатларда ҳам учрайди: *оч I* («голодный») — *оч II* («светлый») — ранга нисбатан: *оч кўк*) каби.

Ҳар хил туркум бирликлари ўзаро омоним бўлиши учун булар грамматик шаклланишга умуман эга бўл-

маслиги керак. Масалан, албатта I (Албатта бораман — равиш) — албатта II (Албатта, бораман — модал сўз), балки I (зидловчи боғловчи — балки II (модал сўз: Балки келмас) каби. Бундай омонимия жуда оз учрайди.

2. Омоформа омолексемалар деб ўзаро баъзи грамматик шаклларида гина тенг келадиган омолексемаларга айтилади: бурун I (киши организмидаги бир аъзонинг номи) — бурун II (пайт равиши — «илгари»), соз I (музика асбобининг номи) — соз II («яхши») каби.

Биринчи жуфтда от лексема билан равиш лексема ўзаро бир неча шаклида тенг келади (бурун I — бурун II, бурунлари I — бурунлари II, бурундан I — бурундан II каби), аммо бошқа шаклларида эса фарқланиб туради (от лексемада бурним, бурнинг, бурнимни, бурнингни каби шаклланишлар бор; равиш лексемада бурунроқ каби шаклланиш бор, от лексемада бундай шаклланиш йўқ ва б.).

Иккинчи жуфтда эса от лексема билан сифат лексема ўзаро бир шаклида тенг келади (соз I — соз II), бошқа шаклларида эса улар фарқланиб туради (от лексемада: созлар, созни, созим, созимни, созларингни каби шаклланишлар бор; сифат лексемада бундай шаклланишлар йўқ, аксинча, созроқ, жуда соз каби шаклланиш мавжуд).

Юқоридаги омолексемаларнинг луғатга киритилиш шакллари бир хил, шунга кўра улар луғатларда ҳисобга олинади. Омоформа омолексемалар деб фақат шундай ҳодисаларнигина назарда тутиш етарли эмас: луғатга киритиш шакли ҳар хил омоформа омолексемалар четда қолиб кетади. Ваҳоланки, буларнинг мөҳияти аввалгилари билан бир хил. Масалан, соз I — соз II луғатда кўрсатилади-ю, тут I (даражат тури ва меваси) — тут II («ушла») ҳолати умуман ҳисобга олинмайди. Чунки феъл лексема луғатга -моқ аффиксини (тутмоқ каби) қўшган ҳолда киритилади.

Омоформа омолексемалар от лексема билан феъл лексема орасида (булар умумтил луғатида акс этмайди), от лексема билан феълдан бошқа бирор туркум лексема орасида воқе бўлади (кейингилари умумтил луғатида акс этади).

Омоним омолексемалар асли лексемалар омонимияси

бўлиб, уларга айни бир грамматик кўрсаткичлар қўшилади:

қовоқ I	\emptyset I	им инг и имиз ингиз лари	\emptyset II нинг (+ нисбатловчи) ни дан га да
қовоқ II	лар		

Омоформа омолексемаларда эса омолексемаларга омоморфемалар қўшилади:

тум I	\emptyset I	им инг и имиз ингиз лари	\emptyset II нинг (+ нисбатловчи)= ни дан га да
	лар		
тум II		ай(ин) (гин); инг син айлик ингиз; ларинг синлар	

91- §. Юқорида келтирилган мисоллар бир омоифодага икки омолексема бирлашадиган ҳолатларни акс эттиради. Тилимизда бир омоифода остига иккитадан олтитагача омолексеманинг бирлашуви кузатилади; буларнинг ҳиссаси қўйидагича: икки омолексемали ҳолат — 74,5 фоиз, уч омолексемали ҳолат — 19 фоиз, тўрт омолексемали ҳолат — 4 фоиз, беш омолексемали ҳолат — 1 фоиз, олти омолексемали ҳолат — 1,5 фоиз.

Мисоллар: 1) от I («исм») — от II (иш ҳайвони) — от III (феъл); бунда: от I — от II муносабати — омоним омолексемалар, от I — от III ва от II — от III муносабати — омоформа омолексемалар;

2) ўт I («майса») — ўт II («олов») — ўт III (киши аъзоси) — ўт IV (феъл); бунда: ўт — I — ўт II, ўт I — ўт III, ўт II — ўт III муносабати — омоним омолексемалар; ўт I — ўт IV, ўт II — ўт IV, ўт III — ўт IV муносабатлари — омоформа омолексемалар;

3) суз I (сутни сузмоқ) — суз II («овқатни идиш-

га солмоқ) — сүз III (күзни сузмоқ — сүз IV (сувда сузмоқ) — сүз V (шохи билан сузмоқ); бунда воқе бўладиган ўн муносабатнинг ҳар бири (сүз I — сүз II, сүз I — сүз III ва ҳоказолар) — омоним омолексемалар;

4) сур I («қоракўлнинг нави») — сур II («оч кул ранг, кўқимтири») — сур III («қуритилган») — сур IV («бети қаттиқ») — сур V («сиљжитмоқ») — сур VI («ишиқамоқ»); бунда: сур II — сур III, сур II — сур IV, сур III — сур IV муносабатлари, шунингдек, сур V — сур VI муносабати — омоним омолексемалар; сур I билан сур II, сур III, сур IV, сур V, сур VI муносабатларининг ҳар бири — омоформа омолексемалар.

92- §. Сўзформалар омонимияси. Омоним омолексемалар, шунингдек, омоформа омолексемалар нутқда турли грамматик кўрсаткичлар олиши билан сўзформа ҳосил бўлади, натижада сўзформалар омонимияси юзага чиқиши мумкин. Буларни омосўзформалар деб юритамиз. Масалан, қовоғим I билан қовоғим II, тутинг I билан тутинг II ўзаро омосўзформалар бўлиб, биринчиси омоним омолексемалар асосида, иккинчиси омоформа омолексемалар асосида юзага чиққан.

Омосўзформалар нутқ бирликлари орасида ҳосил бўлади, шунга кўра улар омолексемалар доираси билан чекланмайди. Нутқда омосўзформаларнинг рангбаранг кўринишлари юзага келади: терим I (тер лексемаси + им нисбатловчиси = сўзформа) — терим II (тер лексемаси + им лексема ясовчи аффикси = сўзформа) — терим III (тери лексемаси + м нисбатловчиси = сўзформа); ер I (от сўзформа) — ер II (е лексемаси + р сифатдош ясовчиси: замон ясовчиси = сўзформа); ёқамиз I (ёқ лексемаси + а замон ясовчиси + миз тусловчиси = сўзформа) — ёқамиз II (ёқа лексемаси + миз нисбатловчиси = сўзформа) ва бошқалар.

93- §. Омолексемаларнинг воқе бўлишига олиб келадиган сабаблар асосан қўйидагича:

I. Лексемаларнинг ифода планида тасодифан тенг келиб қолиши натижасида воқе бўлади. Асли ҳар хил ифода планига эга лексемалар даврнинг ўтиши билан тил тараққиётининг маълум босқичида ўзаро ифода планида тенг келиб қолади. Демак, бундай омонимида лексемалар товуш жиҳатидан ўзгаришларга учраган деб қаралади. Бундай ўзгаришга кўпинча унли товуш учраган бўлади. Масалан, бир бўғинли лексемалардаги кўпгина омонимиия асли унли товушга хос чўзиқликнинг, юмшоқликнинг йўқолиши сабабли ҳосил бўлган

(бундай фарқланиш баъзи ўзбек шеваларида ҳозир ҳам мавжуд. «Фонетика» баҳсига қаранг).

Ифода планининг тасодифан тенг келиши натижасида воқе бўлган омонимия:

1. Ўзбекча лексемалар орасида бўлади. Кўпчиликни шундай омонимия ташкил этади: ёқ I («томон») — ёқ II («ёндирмоқ») — ёқ III («хуш келмоқ»); бел I (киши аъзоси) — бел II (иш қуролининг номи); ёз I (фасл номи) — ёз II («писать») — ёз III (дастурхон ёзмоқ); эллик I (сон) — эллик II (ал — «қўл» + лик: икки эллик хат) каби.

2. Ўзбекча лексема билан ўзлашма лексема орасида:

1) ўзбекча билан тоҷикча орасида: ёр I («иккига ажратмоқ») — ёр II («ҳамдам», «маҳбуба»); боғ I («связка») — боғ II («мевазор») каби;

2) ўзбекча билан арабча орасида: айни I («ўнгмоқ») — айни II («худди шу»); сир I («эмаль», «глазурь»; кўзгунинг сири кетиб қолибди) — сир II («тайна») каби;

3) ўзбекча билан русча орасида: қулоқ I (киши аъзоси) — қулоқ II русча кулак сўзидан) каби.

3. Ўзлашма лексемалар орасида:

1) тоҷикча лексемалар орасида: соз I (музика асбобининг номи) — соз II («яхши»); бод I («шамол») — бод II («шиш») каби;

2) арабча лексемалар орасида: сафар I («саёхат») — сафар II («гал, «марта»); расм I («сурат») — расм II («урф-одат») каби ва б.

II. Омонимия бир лексеманинг лексик маъно тараққиёти натижасида воқе бўлади. Бунда тасодифийлик йўқ, маълум қонуний ажралиш бор. Шу нуқтада бу икки хил омонимия ўзаро кескин фарқ қиласи. Биринчи тур омонимияни (ифода планида тасодифан тенг келишини) белгилаб олиш осон. Иккинчи тур омонимияни тўғри белгилаб олиш анча қийин. Чунки бу ерда полисемемия билан омонимияни фарқлай билиш керак. Бу эса анча қийин иш.

Лексик маъно тараққиёти натижасида воқе бўладиган омонимияга мисоллар юқорида, лексик маъно тараққиётининг баёнида берилган эди, яна бир неча мисол қелтириш билан кифояланамиз: ёш I («возраст») — ёш II («молодой»); ўй I («тажхамоқ») — ўй II («яшаш жойи»); боқ I («қарамоқ») — боқ II («тарбияламоқ»),

«ўстирмоқ»); *дам I* («ҳаво», «нафас») — *дам II* («лаҳза»); *банд I* («эгалланган», «боғланган») — *банд II* («тутқич», «дум»: *банд берган қовун*) каби.

Қўринишича, бундай омонимия, асосан, ўзбек тилининг ўз луғавий бирликларига тўғри келади. Баъзан ўзлашма луғавий бирликларда ҳам учрайди (охирги икки жуфт мисол — тожикча; булар ҳам бир тилнинг — тожик тилининг — ички тараққиётини акс эттиради).

Маъно тараққиёти натижасида туғилган омонимлар бир туркум лексемалари (омоним омолексемалар), ҳар хил туркум лексемалари (омоформа омолексемалар) бўлиши мумкин. Булардан омоформа омолексемаларни тан олиш осон (шулар кўпчиликни ташкил этади), аммо омоним омолексемаларни полисемемия билан қоришириш хавфи бор.

94- §. Омолексемалар лексема ясалиши натижасида ҳам юзага келади. Бунинг асосий қўринишлари:

1. Туб лексема — ясама лексема: *яра I* (ёр—«иккига бўлмоқ» + *a* — от ясовчи) — *яра II* (ярамоқ); *ошиқ II* (*ош* — феъл + *иқ* — сифат ясовчи=«ортиқ») — *ошиқ III* («шошилмоқ») каби. Бу — ифода планининг тасодидан тенг келиши натижасида воқе бўладиган омонимиянинг бир қўриниши.

2. Ясама лексема — ясама лексема. Бунда омонимия лексемалар ясалиши туфайли воқе бўлади. Бу омонимиянинг асосий қўринишлари:

1) Бир лексемадан ясалишлар натижасида воқе бўлади. Бунда:

а) бир аффикснинг ўзи ёрдамида ясалади: *бошлиқ I* (*бош* — «бошланғич» + *лиқ*) — *бошлиқ II* (*бош* — «асосий» + *лиқ*); *бетла I* (*бет* — «юз» + *ла*) — *бетла II* (*бет* — «саҳифа» + *ла*). Бу лексемаларнинг ҳар бири айни лексеманинг бошқа-бошқа лексик маъносидан (бошқа-бошқа семемасидан) ясалган.

Юқоридаги мисолларда ҳар бир лексема ўзича мустақил ясалган, натижада омонимия ҳосил бўлган. Ясама лексемалар орасидаги омонимия бошқача тараққиёт натижасида ҳам юзага келади. Масалан, *айри I* (<*айир*+*и* сифат ясовчиси) — *айри II* (от); *кеча I* (*кеч* *I* + *a* от ясовчиси) — *кеча II* (равиш); *тепки I* (*теп* + *ки*) — *тепки II* (от) кабиларда иккинчи лексема биринчи (асли ясама) лексеманинг маъно тараққиёти натижасида пайдо бўлган;

б) ҳар хил аффикс ёрдамида ясалади: *тиқин I* (*тиқ*

+ ин нарса-қурол оти ясовчиси) — тиқин II (тиқ + ин сифат ясовчиси); солик I (сол II + иқ от ясовчиси) — солик II (сол II) + иқ сифат ясовчиси) каби.

2) Ҳар хил лексемадан ясалишлар натижасида воқе бўлади. Бунда: а) бир аффикснинг ўзи ёрдамида ясалади: сочиқ I (соҷ I — «волосы» + иқ нарса оти ясовчиси) — сочиқ II (соҷ II — «ҳар томонга отиб ташламоқ» + иқ нарса оти ясовчиси), чоғла I (чоғ II — «чама» + ла) — чоғла II (чоғ — «яхши ҳолатда» + ла) каби;

б) ҳар хил аффикс ёрдамида ясалади: кечик I (кеч III 2 — «бирин-кетин ўтмоқ» + иқ от ясовчиси) — кечик II (кеч II — равиш + ик феъл ясовчиси); очик I (оч III + иқ сифат ясовчиси) — очик II (оч I + иқ феъл ясовчиси) каби.

3. Алоҳида ҳодиса сифатида идеал I — идеал II каби омолексемаларни кўрсатиш лозим. Булар русча сифатни ўзбек тилига ўзига хос усул билан олиш натижасида воқе бўлди: русча идеальный каби сифатнинг сифат ясовчиси тугалланмаси билан бирга ташланди ва айни вақтда булар олдидаги юмшатиш белгисини ёзишдан ҳам воз кечилди (*идеальный* → *идеаль* → *идеал*). Натижада бундай йўл билан ҳосил қилинган сифат унга параллел равишда ўзлашган от (*идеал*) билан омонимия ҳосил этди: генерал (от) — генерал (сифат; < генеральный), капитал (от) — капитал (сифат; < капитальный, коллектив (от) — коллектив (сифат; < коллективный) каби.

95- §. Омонимия билан полисемемия орасида маълум ўхшашлик бор: 1) кўринишда ифода плани битта бўлади; 2) шу план англатадиган бирдан ортиқ лексик маъно бўлади. Аммо бундай ўхшашликдан қатъи назар, омонимия билан полисемемия ўзаро кескин фарқ қиласиди:

1) Полисемемияда ифода плани асли битта бўлади. Омонимияда эса, одатда, ифода плани асли биттадан ортиқ бўлиб, ҳозир ўзаро тенг келиб қолган бўлади.

2) Полисемемияда семемалар ўзаро бири иккинчи сига боғлиқ бўлади, шунга кўра бу семемалар бир лексемага бирлашади. Омонимияда эса семемалар ўзаро боғлиқ бўлмайди ёки боғлиқликни йўқотган бўлади, шунга кўра бу семемалар бир лексемага бирлашмайди.

3) Полисемемияда бирдан ортиқ семемага эга бир лексема ҳақида, омонимияда эса ифода плани тенг ке-

лувчи икки ва ундан ортиқ лексема ҳақида сўз юритилади (полисемантик лексема — омолексемалар) ва бошқалар.

Бу фарқловчи белгилар ҳар икки йўл билан ҳосил бўлган омонимияга хос (ифода планининг тасодифан тенг келишига ҳам, маъно тараққиёти натижасида ажралишга ҳам). Бу икки тур омонимиянинг ҳар бирига хос айримликлар ҳодисанинг ҳозирги ҳолатига кўра эмас, балки тарихига кўра келиб чиқади. Ифода планининг тасодифан тенг келишида ҳозир параллел ҳолатдаги чизиқлар тарихан бир-биридан қочувчи чизиқларга ўтса, маъно тараққиёти натижасида воқе бўлган омонимияда бу параллел чизиқлар бир нуқтага интилувчи чизиқларга ўтади. Полисемемия ва омонимиянинг бу икки турини шартли белгилар билан қўйидагича кўрсатиш мумкин:

Тараққиёт босқичлари	Ходисалар		
	Полисемемия	Омонимия	
	Тасодифан тенг келиш	Маъно тараққиётни натижасида ажралиш	
Тарихий			
Ҳозирги			

96- §. Омонимия баъзан салбий ҳодиса деб баҳоланади. Айтишларича, омонимия фикрни тўғри ва тез англашга халақит беради. Шу жиҳатдан омонимия тил учун ортиқча юк деб қаралади. Бу фикрга қўшилиш қийин. Чунки омонимиянинг ёлғиз ўзи билан гап тузиб, фикр англатиш камдан-кам учрайди. Контекст эса, одатда, омонимия туфайли юзага келадиган қийинчиликни бартараф қиласи.

Нутқда икки хил тушунилиши мумкин бўлган ҳолатларга баъзан онгли равишда йўл қўйилади, шу

асосда сўз ўйини ҳосил қилинади. Бу қисман бўлса-да, омонимиядан фойдаланишнинг бир кўринишидир. Иккинчидан, омонимиядан маҳсус поэтик жанр — туюқ тузишда кенг фойдаланилади. Маълумки, туюқ халқ оғзаки ижодиётида ҳам, классик адабиётимиз тарихида ҳам алоҳида ўрин эгаллаган.

Аскияда ҳам омонимиядан жуда усталик билан фойдаланилади.

Умуман, омонимиянинг воқе бўлиши тилнинг ўз хусусияти билан изоҳланади: ҳар бир тилда товушлар сони саноқли, шу тилда ишлатиладиган товуш комбинациялари ҳам чексиз эмас. Иккинчидан, лексемаларнинг товуш жиҳатидан ҳам, маъно жиҳатидан ҳам ўзгариб туриши тил тараққиёти учун табиий бир ҳолдир.

Лексик омонимияга ёндош ҳодисалар

97- §. Омолексемаларга энг яқин турувчи ҳодиса — омофонлар (юнонча phone — «товуш»). Омолексемаларда ифода плани талаффуз жиҳатидан ҳам, ёзилиш жиҳатидан ҳам, тенг келса, омофонлар талаффуз жиҳатидан тенг келади-ю, ёзилиш жиҳатидан фарқ қилади. Демак, тил бирликлари ифода планининг бир томони — талаффузи тенг келиб қолса, омофонлар воқе бўлади.

Тил асли товуш тили бўлгани сабабли, ҳарфий ифода эмас, балки талаффуз ҳал этувчи омил деб қаралади ва шу асосда омофонлар кўпинча омолексемалар қаторига қўшилади.

Адабий нутқда омофонлар қўйидаги ҳолларда воқе бўлади:

1) кўпинча жарангли ундошнинг жарангсизланиши натижасида: *боп* (<боб)—*боп*, *туп* (<туб)—*тун*, *ёт* (<ёд)—*ёт*, *зонт* (<зонд)—*зонт*, *сұтхұр* (<судхұр)—*сұтхұр*; *нуфус* (<нуфуз) —*нуфус* каби;

2) ургусиз унлиниш бошқа унлидек талаффуз қилиниши натижасида: *кампания* — *кампания* (<компания) каби;

3) қатиқ ва юмшоқ ундошни бир хил талаффуз этиш натижасида: *магистрал* — *магистрал* (<магистраль), *параллел* — *параллел* (<параллель) каби.

Сўзлашув нутқида омофонларнинг турли кўринишлари воқе бўлади: *қалай* (маъдан номи) — *қалай* (<қандай), *тұр* (балиқ тутиш қуроли) — *тұр* («<тұрт) каби ва бошқалар.

98- §. Тил бирликлари талаффузда фарқланиб, ёзилиши жиҳатидан тенг келиб қолса, омографлар юзага келади. Ўзбек адабий нутқининг ёзма кўринишида омографлар асосан айрим товушлар учун алфавитда мустақил ҳарф олмай, бу товушларни кўрсатиш вазифасини алфавитдаги бошқа ҳарфларга юклаш натижасида, демак, сунъий равишда пайдо қилинди:

1) о ҳарфи билан икки фонемани (шарқ лексемаларидағи унлини ва рус тилидан олинган лексемалардаги унлини) ёзиш натижасида: *кон I* (тожикча) — *кон II* (русча), *ром I*, *ром II*, *ром III* — *ром IV* (ичимлик номи), *том I*, *том II*, *том III* — *том IV* («жилд») каби;

2) ж ҳарфи билан қоришиқ (портловчи-сиргалувчи) товушни ва сиргалувчи товушни ёзиш натижасида: *жин I*, *жин II* — *жин III* (русча <инглизча gin) каби;

3) Мана бу мисолда биринчи, иккинчи банддаги ҳолат биргаликда воқе бўлади: *жом I* (тожикча) — *жом II* (русча);

4) и ҳарфини русча лексемалардаги ы ҳарфи ўрнига ёзиш натижасида: *сир I* («эмаль») — *сир II* («тайна») — *сир III* (<сыр) каби.

99- §. Фонемалар тузуми тенг, лекин урғу ўрнига кўра фарқли лексемалар ҳам бор. Бундай лексемаларда урғу ўрнининг ҳар хиллиги талаффузда фарқ келтириб чиқаради, шу асосда бундай ҳодисалар омографлар қаторига қўшилади. Агар урғу белгисини қўйиш заруритини ҳисобга олсан, бундай лексемаларни омографлар қаторига қўшмай, алоҳида ҳодиса сифатида ажратган маъқул. Мисоллар: *атлাস* («төвланувчи силлиқ ипак матонинг маҳсус усул билан тўқилган тури») — *атлас* («маълум мақсад асосида тузилган карталар тўплами»), *орган* («аъзо», «ташкилот») — *оргАН* (чолғу асбоби), *янгӣ* (сифат) — *янги* (равиш), *математик* («математика мутахассиси») — *математик* («математикага оид») каби.

Фразеологик омонимия

100- §. Фраземаларда ифода планининг тенг келиш ҳодисаси икки хил:

1. Фразема билан эркин боғланма орасида; буни *фразеологик омонимилик деб номлаймиз*.

2. Фразема билан фразема орасида; буни *фразеологик омонимия деб номлаймиз*.

Фразема билан эркин боғланма орасидаги омонимиклик фраземаларнинг бир қисмига хос эмас. Таркибидаги лексик қисмларини *тұғри*, *конкret маъносида тушуниб бұлмайдыган* фраземада эркин боғланма билан омонимиклик юзага келмайды. Бундай вазият күпинча қуидидаги ҳолларда юз беради:

1) Фразема күчма маъноли лексик компонентта эга бўлганда: *Бироқ, биламанки, севган ёринг йўзинг каби жуда оқ кўнгил.* (У.) Бу мисолдаги оқкўнгил фраземаси таркибида қатнашган оқ лексемаси «пок», «соф» каби күчма маънони англатиб қатнашаётир. Тилда бундай эркин боғланма йўқ.

2) Фразема асосида муболаға ётади: *Саодат бу сафар, нима десам экан-а, юрак ютиб юборган бўлса керак, хати киноялар билан тўлиб ётар эди.* (F. F.)

Бошқа ҳолларда эса фразема ўзи каби тузилишли эркин боғланма билан омонимиклик ҳосил ётади: *Уялинг! Илгарилар «Буқоғинг бор», — деб кўз очиргани қўймас эдингиз-ку! Неча марта ииғлатгансиз?!* (А. К.) — фразема. Олтинчи декабрь. Кўз очирмай Совуқ шиддат билан қоқар қанотин. (У.) — эркин боғланма. Икки танга даромад билан ... Раҳимдод каби аёлманд бир одамнинг куни ўтмас эди. (С. А.) — фразема. Ишикнинг иши битар, ишсизнинг куни ўтар (Мақол.) — эркин боғланма.

Умуман, фразема билан эркин боғланма орасидаги омонимиклик тил бирлиги билан нутқ бирлигининг ифода планида тенг келиш ҳодисасидир.

Ҳақиқий фразеологик омонимия фраземалар орасида содир бўлади, бундай фраземаларни *омофраземалар* деб юритамиз. Бундай омофраземалар у қадар кўп эмас: *бош(и)га кўтармоқ I* («қаттиқ шовқин қилмоқ») — *бош(а)га кўтармоқ II* («юксак даражада иззатхурмат қилмоқ») каби. *Бақираман! Дод дейман! Дунёни бошимга кўтараман!* (У.) *Биламан, Комила уларни ўз бошига кўтариади, керагидан ортиқ шароит ҳозирлайди.* (О.)

Омофраземаларга нисбатан ҳам омонимлар ва омоформалар ҳақида гапирилади. Омофразема, одатда бирор томони билан фарқланиб туради. Шунга кўра омонимлар жуда оз. Масалан, *қўл кўтармоқ I* («урмоқчи бўлмоқ») ва *қўл кўтармоқ II* («тарафдор ёки қарши эканини билдиримоқ») фраземалари барча муқобил

шакларида ўзаро тенг келади, шунга кўра уларни омоним омофраземалар деймиз.

Омоформа омофраземалар асосан қўйидаги сабабларга воқе бўлади:

1. Фраземалардан бири бўлишли-бўлишсизликнинг фақат бир аспектидаги келади: *сўз бермоқ I* («музокара қилишга расмий рухсат бермоқ») — ҳар икки аспектда ишлатилади) — *сўз бермаслик I* («бошқаларга имкон бермай, нуқул ўзи гапирмоқ») — фақат бўлишсиз аспектда ишлатилади) каби: *Менга сўз беринг, ўртоқ Тошпўлатов. (Р. Ф.)* «Мен айта қолай, опа», — деган эди, ўқитувчи *сўз бермади. (Х. Н.)* — Холмирза ҳаммани оғзиға қаратиб олибди. Ҳеч кимга *сўз бермай гап маъқуламоқда. (И. Р.)*

2. Фраземалардан бири нисбатловчи билан келмайди: *кўз юммоқ I* («кўра-била туриб эътиборсиз қолдирмоқ») — нисбатловчисиз ишлатилади) — *кўз [(и)ни] юммоқ* («қазо қилмоқ») — нисбатловчили ҳам ишлатилади) каби. *Менрайком секретари ўртоқ Рӯзиевнинг бизга кўрсатган ёрдамидан кўз юммоқчи эмасман. (С. Аҳм.)* — Лекин чол ҳали бақувват, илиги соғ. Бир кун кўзини юмар ахир. (О.) Кун яримдан оққандага ўнг қўлини менга қараб чўзди-ю, кўз юмди. (Р. Ф.)

3. Фраземалардан бири икки нисбат шаклида, иккинчиси эса фақат бир нисбат шаклида кела олади: *чехра(su)ни очмоқ I* («хафачилиги тарқаганини кўрсатмоқ») ва *чехра(su) очилди* («хафачилиги тарқади») — *чехра(su)ни очмоқ II* («гўзаллаштирмоқ»); *ичаг(i)узилди I* («кулги»дан) ва *ичаг(i)ни узмоқ* («кулги» билан) — *ичаг(i) узилди II* («жуда-жуда очиқмоқ») каби: *Саодат эгри-буғри сўқмоқларда ҳар бир довон ошган сари, ҳар бир юз метрлик янги-янги станцияларни босиб ўтган сари ўзини енгил ҳис қилмоқда. Мусаффо ҳаво тобора унинг чеҳрасини очмоқда. (С. З.)* Адолат Тўхтахоннинг ёнидан анча чеҳраси очилиб қайтди. (С. З.) — Розия ўзига ярашадиган, чеҳрасини очиб юборадиган оқ шоҳи кўйлагини кийиб олган эди. (О. Ё.)

101- §. Омофраземаларнинг воқе бўлишида ҳам икки асосий йўлни кўрсатиш керак:

1. Фраземаларнинг ифода планида тасодифан тенг келиши натижасида воқе бўлади. Бунда ҳар бир фразема асосида бошқа-бошқа образ ётади. Масалан, мисси чиқди I фраземаси мискарлик билан боғланса (*Идии-*

оёқ илгари асосан мисдан қилинар ва усти сирланар эди; сири кетса, миси чиқиб қолар ва яроқсиз ҳолга келар эди), миси чиқди II фраземаси эса миснинг рангига боғлаб асосланади (Печка қаттиқ ёқилса, қизиб, мис рангига киради).

2. Бир фраземадан иккинчи фразема ўсиб чиқиб воқе бўлади. Омофраземаларнинг бундай йўл билан пайдо бўлиши уч хил:

1) Иккинчи фразема биринчи фраземанинг маъно тараққиёти натижасида пайдо бўлади. Шу жиҳатдан бундай фраземалар полисемантик фраземага ўхшаб кетади. Фарқ шундаки, ҳозирги ҳолатида бу икки омофразема англатган маъноларни бир фраземанинг маънолари сифатида талқин этиб бўлмайди, бу луғавий маънолар бир маъно занжирига бирлашмайди. Масалан, *жон(i)* бор I фраземаси жонлиларга нисбатан, биринчи навбатда, одамга нисбатан ишлатилади (ҳали тирик» маъносини англатади). Бу фраземани жонлилардан *ган*, *сўз* каби мавҳум тушунча номлариға кўчириш билан тамоман янгича маъно («асосга эга», «замира» ҳақиқат бор», «бежиз эмас») туғилган. Бу икки фразеологик маънони бир фраземанинг икки маъноси деб бўлмайди, чунки бу луғавий маънолар орасида боғланиш йўқ. Шу сабабли кейинги маънони алоҳида фразема (*жони бор II*) деб қараш лозим (Кейинги фразема кўпинча *жон бор* шаклида ишлатилади).

2) Иккинчи фразема биринчи фраземанинг бирор грамматик шакли асосида пайдо бўлади. Бунда фраземанинг грамматик шаклларидан бири маънода айримлик қозонади, шу асосда мустақил фразема даражасига ўсиб боради. Худди шундай шаклланиш аввалги фраземада ҳам сақлангани сабабли омонимия пайдо бўлади.

Лексемаларнинг айрим грамматик шаклларида қотиб равишлашуви фаол жараёнлардан бири бўлиб, бундай ҳолат ҳозирги ўзбек тилида ҳам равиш туркумининг бойиш манбаларидан биридир. Бундай усул билан равишлашув лексемалардагина эмас, фраземаларда ҳам анчагина учрайди. Масалан (*бош(i)ни еб I* шакли *бош(i)ни емоқ* фраземасининг жуда кўп грамматик шаклларидан бири бўлиб, бу шаклида ҳам *бош(i)ни емоқ* фраземаси бошқа шаклларидаги луғавий маъносини айнан англатиб келади («йўқ қилиб», «ҳалок қилиб»). Шу фраземадан ўсиб чиқсан *бошини еб II* фразе-

маси эса худди шу шаклда пайдо бўлган. Аввалги фраземанинг луғавий маъноси билан боғланмайдиган янги луғавий маънонинг («жуда кўп ҳосил қилиб») юзага келиши янги бир фраземанинг туғилишига, бу эса, ўз навбатида, омонимиянинг пайдо бўлишига олиб келган.

3) Фразема янгича синтактик вазифага хосланиб, шу вазифаси туфайли янги бир луғавий маънони англата бошлайди, натижада туркум жиҳатдан ҳам икки фразема ҳақида гапириш мумкин бўлади. Масалан, *турган gap I* ва *турган gap II* фраземаларидан биринчиси кесим вазифасига хосланган бўлиб, «аниқ, шакшубҳасиз» каби маънони англатади. Шу фразема кейинчалик кириш бўлак вазифасида ишлатилиб, алоҳида бир луғавий маъно («албатта», «шубҳасиз» каби модал маъно) кашф этган. Бундай маънонинг юзага келиши алоҳида бир модал фразема пайдо бўлганини кўрсатади. Бу тур омофраземалар жуда оз учрайди.

ЛУҒАВИЙ ПАРОНИМИЯ

102- §. Лексик паронимия. Икки лексемани ўзаро пароним дейиш учун (юононча рага — «ёнидаги», опута — «исм») улар: 1) ясама лексемалар бўлиши, 2) айни бир лексемадан ясалган бўлиши, 3) айни бир туркумга мансуб бўлиши, 4) ясовчи морфемаларининг мазмун планида умумийлик бўлиши, 5) ясовчи морфемалири ифода плани жиҳатидан ўхшаш бўлиши керак. Рус тилидан ўзлашган қўйидаги байналмилал лексемалар юқорида саналган талабларга мос келади, демак, паронимлар деб қарапади:

1) *абонент* («абонемент эгаси») — *абонемент* («бирор нарсадан маълум муддат фойдаланиш ҳуқуқини берадиган ҳужжат»); бунда: а) ясаш асоси — *абон-*; б) ясовчилар — *-ент*, *-емент*;

2) *адресат* («почта юборилган киши ёки ташкилот») — *адресант* («почтани юборувчи киши ёки ташкилот»); бунда: а) ясаш асоси — *адрес-*, б) ясовчилар — *-ат-*, *-ант*;

3) *дипломат* («бир ҳукуматнинг бошқа бир ҳукумат билан мулоқотга ваколатли амалдор кишиси») — *дипломант* («диплом иши ёзаётган киши»); бунда: а) ясаш асоси — *диплом-*, б) ясовчилар — *-ат*, *-ант*;

4) *экономика* («иқтисодиёт») — *экономия* («иқтисод қилиш», «тежамкорлик»); бунда: а) ясаш асоси — *эконом-*; б) ясовчилар — *-ик*, *-ий*- каби.

Ҳам маъно жиҳатидан, ҳам талаффуз жиҳатидан ўхшашлик туфайли бундай паронимларни фарқлаш ва ўз ўрнида ишлатиш маълум қийинчилик туғдиради.

Лексик паронимлар анча содда талаблар асосида ҳам белгиланади: фонемалар тузумида фақат бир фонемаси билан фарқланиб турадиган икки лексема ўзаро пароним деб қаралади. Шундай талаб етарли дейилса, алпоз («аҳвол», «йўсин») — алфоз (лафз лексемаси-нинг кўплиги), абзал (асли афзор: «асбоб», «эгар-жабдуқ») — афзал («яхши», «ортиқ»), халос («козод») — холос («фақат»), тизмоқ («ипга шодаламоқ») — чизмоқ («чизиқ туширмоқ»), хуш («яхши», «ёқимли») — ҳуш («кишининг сезиш, идрок этиш, англаш қобилияти»), руҳ I (шахмат доналаридан бирининг номи — «тўра») — руҳ («кишининг ҳис-туйғуларини акс эттирувчи кайфияти») каби жуфтларни пароним дейиш мумкин.

Талаффуздаги ўта ўхшашлик туфайли бундай лексемаларни ишлатишда ҳам қийинчиликлар, ноўрин ишлатишлар воқе бўлади.

103- §. Фразеологик паронимия. Баъзи фраземалар ўзаро таркибидаги бирор лексик компоненти билангина фарқ қиласди, шундай компонентлар ҳам бир-бирига ўхшаш бўлади. Бундай фраземаларни паронимлар (парафраземалар) деб номлаш мумкин. Парафраземаларнинг кўринишлари:

1. Икки фразема таркибидаги ҳол қисм бошқа-бошқа, лекин ўхшаш лексема билан ифодаланган бўлади: юраг(i) тарс ёрилиб кетаёзди («сабр-чидами тугаб, хуноб бўлиб кетмоқ») — юраг(i) қоқ ёрила ёзди («севиниб, қаттиқ ҳаяжонланмоқ») каби.

2. Икки фразема таркибидаги тўлдирувчи қисм бошқа-бошқа, лекин ўхшаш лексема билан ифодаланган бўлади: ўз(i)ни қаерга қўйиш(i)ни билмаслик 2 («бекорчиликдан зерикиб тоқатсизланмоқ») — ўз(i)ни қаёққа уриш(i)ни билмаслик («кучли ҳаяжонланган ҳолда тоқатсизланмоқ») каби.

3. Икки фразема таркибидаги бошқарувчи феъл қисм бошқа-бошқа, лекин ўхшаш лексема билан ифодаланган бўлади: етти ухлаб, туш(i)га [ҳам] кирмаслик («мутлақо ўйламаслик, кутмаслик») — етти ухлаб, туш(i)да ҳам кўрмаслик («ҳеч қачон кўрмаслик») каби ва бошқалар.

Фраземаларда, парснимлардан ташқари, параформаларни ҳам кўрсатиш лозим. Параформа фраземалар

бири иккинчисидан таркибидаги лексик компонентлари га кўра фарқ қилмайди, лекин улардан бирида иккинчисида йўқ грамматик шаклланиш мавжуд бўлади. Бунинг кўринишлари:

1. Фраземалардан бирининг таркибида нисбатловчи қатнашади, иккинчисининг таркибида эса қатнашмайди: *жон(и) кирди* («яйрамоқ, роҳатланмоқ») — *жон кирди I* («тетиклашмоқ, жонлилашмоқ») каби.

2. Фраземалардан бири фақат бўлишили аспектда, иккинчиси фақат бўлишсиз аспектда ишлатилади: *бел(и) оғрийди* («оғримоқ») — *бел(и) оғримайди* («машақкат чекмаслик») каби.

3. Баъзи фраземаларда юқоридаги икки ҳодиса биргаликда воқе бўлади: *жон бермаслик* («таслим бўлмаслик») — *жон(и)ни бермоқ* («ҳар қандай оғир шартни, талабни бажаришга тайёр бўлмоқ») каби.

4. Фраземалардан ҳар бири бошқа-бошқа нисбат шаклида ишлатилади, уларнинг нисбатини ўзаро ўхшаш ҳолда ўзгартириб бўлмайди: *оғз(и)га қарамоқ I* («тингламоқ») — *оғз(и)га қаратмоқ* («нутқи билан маҳлиё қилиб олмоқ») каби ва бошқалар.

ЛУҒАВИЙ БИРЛИҚЛАРНИНГ ИШЛАТИЛИШ ДОИРАСИ

104- §. Луғавий бирликлар ишлатилиш доираси жиҳатидан аввало иккига гуруҳланади: ишлатилиш доираси чегараланмаган қатлам ва ишлатилиш доираси чегараланган қатлам.

Ишлатилиш доираси чегараланмаган қатламни барча ўзбеклар учун умумий бўлган луғавий бирликлар ташкил қиласди. Бу қатламдаги луғавий бирликлар (яшаш жойи, касби, маданий савияси, жинси, ёши ва бошқа белгиларидан қатъи назар) ўзбекча гапирадиган ҳар бир кишининг нутқида ишлатилади, ўзбек тилида гапиравчиларнинг барчаси учун тушунарли бўлади. Ўзўзидан, бундай луғавий бирликлар кундалик турмушда зарур нарса, белги кабиларни номлайди, туйфуларни ифодалайди.

Сўз туркумлари нуқтаи назаридан ёндашилса, ишлатилиш доираси чегараланмаган қатламга бутунича (баъзи жузъий истиснолар билан, албатта) ёрдамчилар киритилиши лозим. Чунки, биринчидан, бундай бирликлар ўзи кўп эмас; нутқда ҳар гал шу оз миқдордаги бирликларга мурожаат қиласверамиз. Иккинчидан,

ёрдамчилар асли грамматик воситалар жумласига киради: буларда лексик томондан күра грамматик томон устун туради. Грамматикалашиш бу бирликларнинг нутқда умумий ва зарурий бўлишини таъминлайди.

Ундовлар ҳам ишлатилиш доираси жиҳатидан ёрдамчилар қатори баҳоланади.

Мустақил туркумлардан сон лексемалар ва олмошларнинг деярли барчаси ишлатилиш доирасига күра чегараланмаган бўлади.

Қолган туркумларда (от, сифат, феъл, равиш, шунингдек, модал сўзларда) ҳар бир лексема устида конкрет фикр юритишига тўғри келади. Диалектларга күра воқе бўладиган баъзи фонетик айрмаларни ҳисобга олмагандан (чунки бу лексемалар адабий нутқда ягона талаффуз меъёрига бўйсунади), ишлатилиш доираси чегараланмаган қатламга кўз, қўл, оёқ, билак, тирсак, яхши, ёмон, қора, сариқ, кўк, кел, кет, ўтири, тур, юр, тез, эрта, кеч каби кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Ҳозирги ўзбек тили лексик бойлигининг асосини худди шундай лексемалар ташкил этади.

Ишлатилиш доираси чегараланмаганлик фраземаларга ҳам хос. Бундай фраземалар барча ўзбеклар нутқида ишлатилади: кўз(и) етади, кўз(и) қиймайди, кўнгл(и) қора, қўл(и) очиқ, оғиз очмаслик каби. Ҳозирги ўзбек тили фразеологик бойлигининг асосий қисмини худди шундай фраземалар ташкил этади.

Луғавий бирликларнинг ишлатилиш доираси жиҳатидан чегараланиши турлича бўлади. Шунга кўра чегараланган қатлам, ўз навбатида, иккига гуруҳланади: ишлатилиши территорияга кўра чегараланган луғавий бирликлар ва ишлатилиши касб-корга кўра чегараланган луғавий бирликлар.

105- §. Ишлатилиши территорияга кўра чегараланган тил ҳодисалари диалектизм дейилади (юончча dialekto — «тилнинг маҳаллий кўриниши»).

Диалектизм умумтилга эмас, балки шу умумтилнинг маҳаллий кўринишлари бўлган диалектларгагина хос ҳодисалардир; шунга кўра булар, одатда, бирор диалектнинг вакиллари нутқида ишлатилиб, кўпинча бошқа диалектнинг вакилларига, шунингдек, адабий тилга ҳам хос бўлмайди.

Диалектизм, асосан, уч турли бўлади:

1. Луғавий диалектизм — луғавий бирликлардаги тури (мисоли қуйироқда).

2. Грамматик диалектизм — грамматик ҳодисалардаги түри (масалан, баъзи диалектларда ўрин маъноси учун **-та**, аксинча, жўналиш маъноси учун **-да** ишлатилиши каби).

3. Фонетик диалектизм — товуш талаффузи ва товуш ўзгаришига боғлиқ түри (масалан, унлиларнинг баъзи диалектларда чўзиқроқ ва юмшоқроқ талаффуз қилиниши, айрим диалектларда бир товуш ўрнига бошқа товушнинг келиши ва б.).

Луғавий диалектизмнинг ўзи икки хил:

- 1) лексик диалектизм — лексемалардаги кўриниши;
- 2) фразеологик диалектизм — фраземалардаги кўриниши.

Аслида адабий нутқ луғатининг бир қисми аввал диалектларники бўлиб, адабий нутққа хос деб қаравалиши бундай луғавий бирликларнинг умумлашиб кетишига сабаб бўлган.

Адабий нутқнинг луғатига, биринчи галда, барча ўзбеклар учун умумий бўлган луғавий бирликлар танлаб олинади. Бу умумий қатлам айрим диалектларнинг луғавий бирликлари ҳисобига бойитиб борилади.

Диалектизмлар умумтил луғат бойлигининг нисбатан оз миқдорини ташкил этади. Шу оз миқдордаги луғавий бирликлардан ҳам адабий нутққа сайлаб киритилади. Диалектизмларнинг умумтил бойлигига айланиши маълум шарт-шароитга боғлиқ. Масалан, шу диалектизм англаған маъно учун адабий нутқда бошқа ном бўлмаслиги керак, агар адабий нутқда шундай маънони англаувчи лексема бўлса, янги қабул қилинаётган лексема лексик маъно қиррасида, услубий баҳосида, нутқий хосланишида ва бошқа жиҳатларида айримликларга эга бўлиши лозим.

Бирор диалектизмнинг адабий нутққа кўчишини бошқа бир ҳодисадан — диалектизмнинг бадий асарда ишлатилишидан фарқлаш керак. Бадий асарда ишлатилган ҳар бир лексема ёки фразема адабий нутққа қабул қилинган деб қаралмайди. Бадий асар воқеликни тўлалигича акс эттиргани сабабли унда нутқ ҳам ўз табиий ҳолатида намоён бўлади. Агар диалектизм бирор муаллиф асарида гина учраб қолмай, барча ишлатадиган луғавий бирликка айланниб, умумлашиб кетса, бунда у адабий нутққа кириб боради. Акс ҳолда, бадий асарда ишлатилганидан қатъи назар, диалектизмлигича қолаверади.

Масалан, А. Қаҳдор ўз повестиини («Синчалак») диалектизм билан атади, бу лексемани повесть матнида ҳам ишлатди. Аммо шу билан *синчалак* лексемаси адабий нутқи лугатига ўтди деб бўлмайди, албатта (адабий нутқда шу маъно *читтак* лексемаси билан англатилади). Демак, ёзувчи диалектизмни бадиий асарга киритади, бундай лексеманинг адабий нутқи лугавий бирлигига айланиши эса тил амалиётига боғлиқ.

Тилнинг бирор маҳаллий кўринишида ишлатиладиган барча лексемалар шу диалектники деб қарадиди. Аммо буларнинг барчаси шу диалектдаги лексемалар бўлса ҳам, диалектизм деб шулардан бир қисмигина олинади. Бунда адабий нутқ билан диалект учун муштарак лексемалар ҳисобдан чиқарилади.

Диалектдаги лексема адабий нутқдаги лексемадан кўпинча фонетик жиҳатдан фарқланиб туради: айни бир лексема адабий нутқда ва турли диалектларда ҳар хил талаффуз қилинади. Масалан, *кангул* — *кўнгул* — *кўнгил*, *ока* — *ака*, *жур* — *юр*, *гал* — *кел*, *бала* — *бола*, *турпоқ* — *тупроқ* каби. Булар тилнинг маҳаллий кўринишларига хос бир неча лексема эмас, балки умумтилда бор бир лексеманинг турлича талаффузидир. Шунга кўра бундай фарқланишлар лексик диалектизм қаторига киритилмайди.

106- §. Диалектизм деб белгиланувчи лугавий бирлик адабий нутқда (шунигдек, бошқа диалектларда ҳам) умуман йўқ бўлиши ёки ўз лугавий маъносида, лугавий маъносининг тармоқланишида, услубий баҳосида ва бошқа жиҳатларида фарқланиб туриши керак.

Лексик диалектизм икки турли бўлади: а) диалектизм-лексема, б) диалектизм-семема.

Фақат шу диалектдагина ишлатилса-ю, адабий нутқда йўқ бўлса, *диалектизм-лексема* дейилади. Бундай лексема лугавий бирлик сифатида адабий нутқ учун бус-бутун янги, номаълум бўлади. Масалан, *хамак* — *санча* — *болача* — *тугунак* (*туйнак*) лексемаларидан ҳар бири бошқа-бошқа диалектники, булардан биронтаси ҳам адабий нутқи қабул қилинмаган. Ҳозиргacha ҳар бир территорияда шу предмет ўз лексемаси билан англатиб келинмоқда.

Худди шунингдек ҳолатни *нарвон* — *шоти* — *занги* мисолида ҳам кўрамиз. Аммо бу мисолдаги биринчи лексема, ҳар ҳолда, адабий нутқи олинган деб қаралади (марказ жойлашган диалектнинг лексемаси экан-

лиги билан изоҳланса керак). Демак, диалектлардан бириники бўлган лексема диалектизмликдан чиқиб, адабий нутққа хос лексемага айланади, қолганлари диалектизмлигича қола туради.

Диалектга хос лексема адабий нутққа баъзан якка ўзи эмас, балки турғун бирикма таркибида кириб келиши мумкин. Масалан, *шийпон* лексемаси адабий нутққа *дала шийпони* турғун бирикмаси таркибида ўтди.

Баъзи ҳолларда бирор диалектдаги лексема бошқа диалектдаги лексема билан ёки адабий нутқдаги лексема билан ифода плани жиҳатидан бир хил бўлади-ю, аммо мазмун планига кўра фарқланиб туради. Буни *диалектизм-семема* дейилади. Масалан, *пашиша* — *чишин*, *чишин* — *пашиша*; *лаган* — *товоқ*, *товоқ* — *лаган* каби ҳолларда бир лексик маъно ҳар хил диалектда бошқа-бошқа лексеманинг луғавий мазмунини ташкил этади: русча *муха* бир диалектда *пашиша* дейилса, бошқа бир диалектда *чишин* дейилади; аксинча, русча *комар* аввалги диалектда *чишин* дейилади-ю, кейинги диалектда *пашиша* дейилади ва ҳоказо. Бундай лексемалар гўё ўрин алманиб қолгандек бўлади.

Диалектларга кўра баъзан лексемаларнинг маъно ҳажмида ҳам фарқ мавжуд бўлади. Буни диалектизм-семеманинг бир кўриниши деб баҳолаш керак. Масалан, баъзи диалектларда мева турларидан бирининг ҳўли ҳам, қуруғи ҳам ўрик деб номланаверади; бошқа бир диалектда эса ўрик деб фақат ҳўл мевага айтилади, қуруғи эса *туршак* деб номланади. Демак, ўрик лексемасининг маъно ҳажми бир диалектда кенг, иккинчисида эса тор бўлиб чиқади.

107- §. Лексемалар билан бир қаторда, диалектал фраземалар ҳам мавжуд. Масалан, *боғдан келса (...), тоғдан келмоқ*; *Мен на дейман, қўбизим на дейди* синоним фраземалари турли диалектларники. Шунингдек, *мошхўрдага қатиқ бўлмоқ*, *косадан чора чиқармоқ* фраземалари ҳам диалектал фраземадир.

Турли диалектларга хос алоҳида-алоҳида фраземалардан ташқари, бир фраземанинг ҳар хил диалектларга кўра турли варианtlари ҳам мавжуд. Масалан, бир диалектда *Аҳмоққа Қува* бир тош деб ишлатилса, иккинчи диалектда *Аҳмоққа Қосон* бир тош деб, учинчи диалектда эса *Аҳмоққа Қовунчи* бир тош деб ишлатилади. Бир диалектда *чиллаки* *чиллакини кўриб*

чумак уради варианти, бошқасида эса Чилги чилгини күриб чумак уради варианти ишлатилади.

Баъзан фарқ шу даражага бориб етадики, энди бир фраземанинг вариантлари ҳақида эмас, балки иккита алоҳида-алоҳида фразема ҳақида гапириш ўринли бўлади. Масалан, *кўнгл(и)га зигир ёғидай урмоқ билан кўнгл(и)га думба ёғидай урмоқ* ўзаро вариантлар деб эмас, балки ҳар хил образларга асосланган алоҳида-алоҳида фраземалар деб қаралгани маъқул. Чиллаки чиллакини кўриб чумак уради билан *Олма олмани кўриб ранг олади* кабиларда, сўзсиз, иккита алоҳида-алоҳида фразема тўғрисидагина гапириш мумкин. Чунки бу ерда, луғавий маънода умумийлик мавжудлигидан қатъи назар, ҳар хил образга асосланиш ва бу образларни гавдалантиришда ҳар хил предмет ва ҳодисалардан фойдаланиш бор.

108- §. Ишлатилиш доираси касб-корга кўра чегараланган луғавий бирлик *профессионализм* (лотинча *profession* —«касб-кор», «мутахассислик») дейилади.

Диалектизм маълум жойда яшовчилар учунгида тушунарли бўлса, профессионализм маълум касб-кор эгалари доирасида ишлатилиб, шуларга тушунарли бўлади.

Ўз диалектининг таъсири билан изоҳланадиган баъзи айримликларни ҳисобга олмагандан, шу касб эгаси қайси территорияда яшашидан қатъи назар, профессионализм улар учун, одатда, умумий бўлади.

Профессионализмларнинг асосий қисмини ҳар бир касб-корда шу соҳанинг терминлари ташкил қиласи. Масалан, *ипакчилик* терминологияси каби. Профессионализмлар турли фан-техника, мактаб-маориф соҳаларида, маъмурий-хўжалик ишларида ва бошқа соҳаларда ҳам мавжуд.

Диалектизмда бўлганидек, профессионализмлик ҳам нисбий тушунчадир. Бундай бирлик ўз соҳасидан чиқиб, ишлатилиш доирасидаги чегараланишини йўқотиб, умумтил мулкига айланиб кетса, профессионализмлик муҳрини йўқотади. Кўпгина маъмурий-хўжалик, фан-техника, мактаб-маориф, қишлоқ хўжалиги терминлари кенг оммалашиб, умумтил бирлигига айланиб кетган: *шартнома, қонун, чеканка, культивация* каби.

Якка лексемалардан ташқари, *квадрат-уялаб* экиш, *алмашлаб* экиш, *маданий-оқартув* *муассасалари*, *мехнат* *дафтарчаси* каби кўпгина турғун бирикмалар ҳам

бор. Буларнинг катта бир қисми бирор соҳанинг ўзи-дагина ишлатилувчи терминларга — профессионализмларга тўғри келади (булар айниқса математика, физика, химия каби фан соҳаларида кўп учрайди).

Фраземаларга нисбатан профессионализм ҳақида гапириш ўзини оқламайди. Чунки фраземанинг шаклланиши ёкунинг тор касб-кор доирасидан чиқишини, умумлашувини тақозо қиласди. Бундай умумлашиш ё маълум диалект миқёсида (бунда диалектизм-фразема пайдо бўлади), ёки умумтил миқёсида воқе бўлади.

Фраземаларни шаклланиш доираси жиҳатидан ўрганиш алоҳида аҳамиятга эга. Турли касб-корга боғлиқлиги жиҳатидан фраземаларни қўйидагича гурухлаш мумкин:

1) дехқончилик (боғдорчилик, полизчилик ва шу кабилар) доирасида шаклланган фраземалар: *олма пиши*, *оғзимга туши*; *шап-шап демай*, *шафтоли демоқ*; *ҳаш-паши дегунча*, *кампир шафтолини* (данагидан ажратиб) *егунча*; *олмани олиб ўрикка уламоқ*; *шохида юрса*, *баргида юрмоқ*; *етти қовун пишиғи*; *арна(си)ни хом ўрмоқ* каби;

2) косиблик, тикувчилик, тўқувчилик, дурадгорлик кабилар доирасида шаклланган фраземалар: *астар-авра(си)ни ағдармоқ*; *ипидан игнасигача*; *игнадайни тудай қилмоқ*; *калаванинг учини йўқотмоқ*; *бўзчининг мокисидай*; *тажи бузилмаган* (гап); *ип эша олмаслик*; *мум тишламоқ*; *оғзига сув олмоқ*; *теша тегмаган* (гап); *қирори тўқилмаган* (йигит); *болтани таг(и)дан ўрмоқ*; *илдизига болта ўрмоқ* кабилар;

3) пазандалик доирасида шаклланган фраземалар: *қирқ қозоннинг қулогини тишламоқ*; *кулни ўз қўмачига тортмоқ* кабилар;

4) табобат доирасида шаклланган фраземалар: *соғ тиши(и)ни сугуриб олмоқ*; *дорига топилмайди*; *кимга дори* кабилар;

5) мактаб-маориф доирасида шаклланган фраземалар: *алифни калтак деёлмаслик*; *бошида алиф йўқ*; *лом-мим демай*; *«а» деса, «б» демоқ* кабилар.

109- §. Ишлатилиш доираси чегараланган қатламлар сифатида яна жаргонизм, арготизм, вульгаризм каби ҳодисалар ҳам тилга олинади.

Бирор касб-кор эгалари нутқида ёки ижтимоий табақа нутқида ишлатилиб, умумтилдагидан ўзгача лек-

сик маъно англатувчи луғавий бирлик **жаргонизм** дейилади (французча *jargon* — «лаҳжа»). Жаргон асли бир қанча лексемаларнинг йиғиндисидан иборат бўлиб, булар шу тилдаги лексемаларнинг ўзи бўлади ёки бошқа тилдан олинган бўлади. Жаргонда бундай лексема умумтилдаги лексик маъносига эмас, балки ўзгача лексик маънода ишлатилади. Масалан, *ишлар беш, гапни қияди, гап билан роса олди кабилардаги беш, қиймоқ, олмоқ* лексемалари шу ишлатилишида жаргонизмдир.

Жаргонлик хислати бор фраземалар сифатида *оғиз мойламоқ, ошиғ(и) олчи, бир чўқишида қочирмоқ, бозори чаққон, бозор баҳоси мумомала қилмоқ* кабиларни кўрсатиш мумкин. Жаргон лексемадан фарқи шундаки, бундай фразема тилда фақат жаргонизм сифатида пайдо бўлади ва яшайди, бошқа бирор маънени англатмайди. Жаргон лексемада умумтилдаги маъно билан ўзгача маъно доим қарама-қарши қўйиб қаралса, жаргон фраземада бундай ҳолат йўқ. Шунга кўра бундай фразема жаргон лексемага нисбатан умумтил луғат бойлигига тез сингиб кетади, умумтилдаги фраземалардан фарқланмай қолади.

Арготизм ҳам асли жаргонизмнинг бир кўриниши бўлиб, тарбияси бузуқ, қўли эгри шахслар орасига шу гуруҳнинг ўзигагина тушунарли маънода ишлатилувчи лексема ва фраземалар йиғиндисидан иборат (французча *argot* — «лаҳжа»). Масалан, *лой* («пул» маъносига), *бедана* («наган» маъносига), *хит* («хавф» маъносига); *Ҳавога булут чиқаяти* («Ўғирлашга арзигулик манба бор» маъносига) каби.

Вульгаризм деб қўпол, уятли, ҳақорат лексема ва фраземаларга айтилади (лотинча *vulgaris* — «қўпол», «содда»). Вульгаризмнинг юқоридаги ҳодисалардан фарқи шундаки, бу лексемалар тилдаги ўз маъносига ишлатилади. Бу лексемаларни ишлатиш одоб доирасидан чиқиш деб баҳолангани сабабли, уларни ишлатишдан қочилади; бундай лексема англатган маъно одатда бошқа лексемалар воситасига ёки тасвирий йўл билан англатилади.

Вульгар фраземаларга *дум(и)ни тугиб қўймоқ; анжир қилиб юбормоқ; думини хода қилиб қочмоқ* кабиларни мисол сифатида келтириш мумкин (охирги мисолда вульгар лексема қатнашган ва вульгар лексема бошқа лексемага алмаштирилган ҳам).

Юқоридагилардан ташқари, яна синфий ёндашувни акс эттирадиган лексема ва фраземалар ҳам учрайди. Булар ўтмиш тарихий даврнинг тилдаги излари бўлиб, ўзида синфий антагонизм, миллатчилик кайфиятларини акс эттиради. Бундай лексема ва фраземалар турли ижтимоий гурухларнинг, синфий табақаларнинг дунёқарашини ўрганишда, тасвирлашда манба бўлиб хизмат қила олади. Масалан, *сорт*, қозоқ лексемалари, *таг(и) паст*, *баланд охурдан ем еб ўрганмоқ*, *оёғ(и)-нинг учи билан кўрсатмоқ*, қозоқнинг тўққиз пулидай қилиб (тушунтиromoқ) фраземалари тарихан синфий тусга эга бўлган. Антагонистик синфлар бўлмаган жамиятда бундай фраземалар ё бутунлай йўқ бўлиб кетади, ёки синфийлик тусини йўқотиб, одатдаги фраземага айланади.

Синфийлик туси бор лексема ва фраземалар, шунингдек, жargonизм, арготизмлар тилда ортиқча ҳодисалар деб баҳоланади. Шунга кўра бундай лексема ва фраземаларни ишлатишга қарши кураш олиб бориш керак. Бу кураш нутқ маданияти учун курашнинг бир қиррасидир. Бундай лексема ва фраземаларни бадиий адабиётда ҳам жуда чеклаб ишлатиш лозим. Чунки буларни ишлатиш бадиий асарнинг тарбиявий аҳамиятига путур етказади.

ЛУҒАВИЙ БИРЛИҚЛАРНИНГ ЗАМОНИЙЛИГИ

110- §. Тил, айниқса, унинг луғати доим ўсиш-ўзгаришда. Бундай ўсиш-ўзгариш тез ва узил-кесил содир бўлмайди. Шу сабабли замонийлиги жиҳатидан ҳар хил бўлган луғавий бирликлар ёнма-ён яшаб туради. Луғат бойлигига замонийлиги жиҳатидан икки асосий қатлам мавжуд: замонавий қатлам ва замондош қатлам.

Замонавий қатламга бугунги тил амалиёти нуқтаи назаридан одатдаги, расмана деб қаралувчи луғавий бирликлар киритилади. Бу қатламдаги лексема ва фраземалар на янгилик бўёғига ва на эскилик бўёғига эга бўлмайди. Луғавий бирликларнинг кўпчилиги худди шундай лексема ва фраземалардир.

Замонавий қатламга мансуб деб белгилашда лексема ва фраземанинг якка шахслар нутқидаги мавқеи эмас, балки умумтилдаги мавқеи асосга олинади.

Лексема ва фраземани замонавий қатламга киритишда уларнинг нутқда қанчалик ишлатилиши ҳам асосга олинмайди. Нутқда кўп ишлатилувчи лексема ва фразема, одатда, замонавий қатламга мансуб бўлади. Замонавий қатламга, булардан ташқари, нутқда оз ишлатиладиган лексема ва фраземалар ҳам киритилади.

Замонавий қатламга киритилувчи луғавий бирлик шу тил эгаларининг барча аъзоларига таниш бўлиши ҳам, барчанинг нутқида ишлатилиши ҳам шарт эмас. Ҳар бир соҳанинг терминологияси билан, одатда, шу соҳанинг вакилигина таниш бўлади, бошқаларга бу терминларни билиш зарурияти ҳам бўлмайди; умумнутқда бундай терминлар ишлатилмайди ҳам. Шунга қарамай терминлар замонавий қатламга киритилаверади.

Замонавий қатламга киритилувчи луғавий бирлик бир асосий талабга жавоб бериши керак: на янгилик ва на эскилик бўёғи бўлмаслиги лозим.

Қўринадики, луғавий бирликларнинг замонийлигини актив-пассив қатламлар деб номлаш ва тавсифлаш тўғри бўлмайди. Актив-пассивлик луғат бойлигига бошқа жиҳатдан — миқдорий жиҳатдан ёндашиш бўлиб, луғат бойлигини бундай ўрганиш ҳам, албатта, муҳим амалий ва назарий холосаларга олиб келади.

Янгилик ёки эскилик бўёғи бор луғавий бирликлар луғат бойлигининг замондош қатламини ташкил этади. Бундай қатлам тилнинг ҳар бир тараққиёт босқицида мавжуд бўлади. Чунки луғат бойлиги доим ўсиб-ўзгариб туради. Шу сабабли луғат бойлигига, замонавий қатлам билан бир қаторда, замондош қатлам ҳам яшайди.

Замондош қатламда ўзаро бири иккинчисининг акси бўлган ҳодисалар мавжуд: янгилик бўёғи бор луғавий бирликлар ва эскилик бўёғи бор луғавий бирликлар.

Неологизм

111- §. Янгилик бўёғи бор тил бирлиги неологизм (юононча *neos* — «янги») дейилади.

Неологизм тилга умуман мансуб бўлиши, шунингдек, якка шахс нутқига хос бўлиши мумкин. Биринчи *умумтил неологизми* деб, иккинчиси *индивидуал нутқ* неологизми деб юритилади. Лексикологияда, асо-

сан, умумтил неологизми ўрганилади. Индивидуал нутқ неологизми эса *услуга хос ҳодиса* деб қаралади.

Ҳар қандай неологизм дастлаб индивидуал нутқда юзага келади. Бундай неологизм кўпчилик томонидан тан олинса, тилнинг тараққиёт қонунларига мос ҳолда тузилган бўлса ва тилда маълум маънени англатиш учун зарур деб қаралса, шундагина индивидуал нутқ неологизми умумтил неологизмига айланади, якка нутқ доирасидан чиқади. Агар бундай талабларга жавоб бермаса, индивидуал нутқ доирасида қолиб кетади. Умумтил неологизми тилда маълум вақт ишлатилгач, янгилик бўёғини йўқотади ва кўпинча одатдаги, замонавий луғавий бирликка айланаб кетади.

Неологизм луғавий бирликлар доирасида ҳам, грамматик ҳодисалар доирасида ҳам мавжуд. Шунга кўра неологизмнинг, аввало, икки тури фарқ қилинади:

1. Луғавий неологизм — луғавий бирликлардаги тури.

2. Грамматик неологизм — грамматик ҳодисалардаги тури.

112- §. Грамматик неологизм — тилда жуда оз учрайдиган ҳодиса. Грамматик неологизм асли грамматик маъно ифодаловчи аффикслар (формативлар) доираси билан чекланади. Чунки булар бус-бутун грамматик қурилишга хос ҳодисалардир. Лексема ясовчилар (деривативлар) ҳам (морфема сифатида) грамматик ҳодисалар жумласига киритилади. Аммо булар асли (янги луғавий бирлик яратишда қатнашуви жиҳатидан) луғатнинг бойиш жараёни билан боғланади, демак, луғавий (лексик) ҳодисалик хусусиятига ҳам эга.

Грамматик маъно ифодаловчи аффикслардан неологизмлик ҳолатини замон ясовчи **-яп** аффикси бошдан кечирди. Бу аффикс яқин вақтгача сўзлашув нутқига хос (диалектал) шакл деб баҳоланаар эди. Кейинроқ у адабий нутқнинг оғзаки шаклига хос деб тан олинди. Ҳозир эса ўз ишлатилиш доирасини кенгайтириб, адабий нутқнинг ҳар икки — ҳам оғзаки, ҳам ёзма шакли учун асосий шаклга айланди (шунга боғлиқ ҳолда аввал кенг ишлатилган **-ётир** аффиксининг иш доираси торайди: ҳозир бу аффикс фақат адабий нутқнинг расмий нутқ кўринишидагина учрайди).

Грамматик неологизм бир аффикснинг турли фонетик вариантлари асосида ҳам юзага келади. Масалан, **-ар**, **-ур** формалари ўзбек тилида қадимдан мавжуд. Аммо ҳозирги ўзбек адабий тилида булардан ҳар би-

рига алоҳида-алоҳида маъно биркитилмоқда: **ар** — гумон, истак маънолари учун, **-ур** — қатъийлик маъноси учун хосланмоқда. Натижада авваллари бири иккинчисининг фонетик варианти деб қаралган ҳолатлар янги мазмун қозониб, икки мустақил ҳодиса даражасига кўтарилаётир: *Унумли бу қишининг қаниши оғиб, Галаба йилининг келур баҳори.* (F. F.) Ҳудди шундай жараён қисман **-лик**, **-лиқ** формаларида ҳам воқе бўлаётир: авваллари булар бир аффикснинг товуш қулайлигига кўра ишлатиладиган вариантлари бўлса, ҳозир айрим ҳолларда маъно фарқловчи икки мустақил аффикс сифатида кела бошлади: **бўшлиқ қилмоқ** — «бўш бўлмоқ», **бўшлиқ** — «пустота» каби.

113- §. Луғавий неологизм икки турли:

1) лексик неологизм — лексемалардаги тури;

2) фразеологик неологизм — фраземалардаги тури.

Лексик неологизм, ўз моҳиятига кўра, икки гуруҳни ташкил қиласиди:

а) лексема яхлитлигича неологизм бўлади. Буни неологизм-лексема деб номлаш мумкин: (*пахта*) **якка-зироатчилиги, қайтақуриш, маъмуриятчилик** каби;

б) лексема эмас, балки унинг семемаларидан бири неологизм бўлади. Буни неологизм-семема деб номлаш мумкин: **қалин** (*қалин дўстлик*), **ўткирлаштирмоқ** (обострять лексемасининг калькаси) каби.

Неологизм-лексема билан ғаёлогизм-семема аслий бир ҳодисадир. Чунки ҳар иккиси ҳам лексик маънога асосланади: биринчиси янги моносемантик лексема бўлади, иккинчиси эса полисемантик лексеманинг кейинги, янги маъноси бўлади. Шунга кўра неологизмнинг бу турларини «лексик неологизм», «семантический неологизм» деб номлаш тўғри бўлмайди.

Лексик маъно тараққиётидан кўра тилда лексема ясаш ва лексема ўзлаштириш миқдор жиҳатидан устун туради, шу сабабли неологизм-семемадан кўра неологизм-лексема кўп бўлади.

Фразеологик неологизм жуда оз. Ҳозирги ўзбек тилида бундай неологизмга *руҳ(и)га кирмоқ; «а» деса, «б» демоқ* каби фраземаларни кўрсатиш мумкин.

Фразеологик неологизмда унинг индивидуал нутқиҳи хослиги сезилиб туради. Чунки янги фразема янги лексемага қараганда секинлик билан оммалашади.

Фразеологик неологизм кўпинча бошқа тилдан калькалаш йўли билан пайдо бўлади; ўзича ясаш эса нис-

батан оз учрайди. Масалан, юқоридаги биринчи мисол рус тили фраземаси (*входить в чьё-нибудь положение*) асосида ҳосил этилган калькадир. Ўзича ясаш асосида яратилган неологизмга олти ой отпуска олиб (*муштлашмоқ*) фраземаси мисол бўла олади. (A. Қаҳҳор, «Бек».)

Неологик фраземани бошқа бир ҳодисадан — мавжуд фраземани янги шаклга киритишдан (неологик шаклдан) фарқлаш лозим. Масалан, ўзбек тилида қадимдан тиз чўкмоқ фраземаси ишлатилади. F. Гуломда шу фраземанинг «янгиланган» шаклини учратамиз (тиз букмоқ — «Инсоният байрами»). Бундай неологик шакл индивидуал нутқ ҳодисаси деб қаралади.

Баъзан эса тилда ўзлашиб кетган фраземани ишлатмасдан, ўзича янгидан калькалаш ҳоллари ҳам учрайди. Буни ҳам индивидуал нутқ неологизми деб баҳолаш лозим. Масалан, русча *претворить в жизнь* фраземасининг калькаси бўлган *турмушига татбиқ* этмоқ фраземаси ўзбек тилига сингиб кетган. F. Гуломда шу русча фразема янгидан калькаланган: Ҳаётга кўчмоқ. («Алишер»).

144- §. Луғавий бирликларнинг янги бўлиши бошқа-ю, янгилик бўёғига эга бўлиши бошқа. Ҳар қандай янги лексема неологизм бўлавермайди. Масалан, *экскаватор*, *телевизор*, *мотороллёр* кабилар ўзбек тилига яқин вақтларда ўзлашган янги лексемалар. Аммо буларни неологизм деб аташ тӯғри бўлмайди. Чунки бу лексемалар ҳозирги ўзбек тилида ўзининг янгилик бўёғини йўқотган, одатдаги лексемага айланган.

Демак, неологизм — ўта нисбий тушунча. Аввало, тил тараққиётининг ҳар бир босқичи ўз неологизмiga эга бўлади, бир босқичда неологизм деб қаралган ҳодиса иккинчи босқичда ҳам неологизм бўлиши шарт эмас. Масалан, 30-йиллар нуқтаи назаридан *шпал* (F. Гулом, «Турксиб йўлларида»), *селялка* (F. Гулом, «Сельмашнинг бир дегрез шоири») кабилар неологизм деб баҳоланса, ҳозирги ўзбек тилида булар одатдаги, замонавий лексемага айланган; 20-йиллар нуқтаи назаридан неологизм деб қаралган *аэроплан* (F. Гулом, «Бўлсин»), *йўқсил* («пролетарий»— F. Гулом, «Яловбардорликка»), *шўро* («совет»— F. Гулом, «Тўқиниш») каби лексемалар эса архаизмга айланган (архаизм қуайироқда баён қилинади).

Иккинчидан, неологизмни белгилашда шу ҳодисанинг

тилда (индивидуал неологизмнинг эса нутқда) қанча вақт мавжудлиги ҳам аҳамиятсиз. Лексема жуда қисқа вақт ичиде неологизмликдан чиқиб кетиши ҳам, узоқ вақт неологизмлигича қолиб кетиши ҳам мумкин. Умумтил неологизми одатдаги, замонавий лексемага жуда тез айланади; индивидуал нутқ неологизми эса, қанча вақт ўтмасин, ўз янгилик бўёғини йўқотмаслиги, умуман неологизмлигича қолиб кетиши мумкин. Масалан, тузум лексемаси Октябрь инқилобидан кейинги йиллар учун неологизм эди, ҳозир одатдаги лексемага айланган; F. Гуломнинг илк поэзиясида учрайдиган мозолланмоқ (мозолланган қўллар — «Олқиши», «Тагдўзи»), фашистланмоқ (фашистланароқ — «Тўқиниш»), қўнғирламоқ (Қўзичоқнинг баррасидай... майдада қўнғирлаб — «Нон») кабилар ўзи ишлатилган асар доирасида индивидуал нутқ неологизмлигича қолиб кетган.

Русча *плясать под дудку чью-нибудь* фраземасининг калькаси сифатида яратилган *нофора(си)га ўйнамоқ*, *чилдирма(си)га оёқ ташламоқ* фраземалари ва русча *лить воду в чью-нибудь мельницу* фраземасининг калькаси сифатида яратилган *тегирмон(и)га сув қуймоқ* фраземаси неологизмлик бўёғини йўқотди; русча *сесть в калошу* фраземасининг калькаси сифатида яратилган *калоша ўтироқ* фраземаси эса индивидуал нутқ неологизмлигича қолиб кетди. (М. Файзий, «Эргаш».)

115-§. Неологизм икки хил талаб (эҳтиёж)га кўра пайдо бўлади:

1. Янги воқеликнинг янги номи сифатида. Бунда неологизм ўзи англатаётган воқеликнинг ягона номи бўлади, соғ номинатив вазифани ўтайди: *конфликтсизлик* (адабиётшунослик термини), *космодром* каби (ҳар икки лексема янгилик бўёғини тезда йўқотди), *маҳкамачилик* каби.

2. Номланган воқеликнинг янги номи бўлади. Ҳақиқий неологизм асли шу. Бунда ўзигача номланган воқеликни янгидан номлайди, натижада синонимия туғилади; номинатив вазифани ўташидан қатъи назар, бундай неологизм услубий баҳоли бўлади ва нутқ кўринишларига хосланган бўлади. Масалан, *фотокарточка* лексемаси аввал неологизм сифатида *суврат* лексемаси билан синонимик муносабат ҳосил этди. Натижада *суврат* ва *расм* лексемаларининг лексик маъноларида чегараланиш, хосланиш воқе бўлаётир. Бу ҳар

икки лексема «картина» маъносини ҳам, «фотокарточка» маъносини ҳам англатаверар эди. Ҳозир эса *суврат* лексемаси асосан «картина» маъносини, *расм* лексемаси эса, асосан, «фотокарточка» маъносини англатиш учун ишлатилмоқда.

Неологизм қўйидаги йўллар билан пайдо бўлади:

1) Лексема ясаш орқали. Бунда икки ҳодисани фарқлаш керак:

а) янгидан ясаш ўли билан ҳосил қилинади: *алмашлаб* (экиш), *ақидапарастлик* умумтил неологизмидаги, *шўхшанланмоқ* (*F. Fулом*, «Бахт тонготари»), *кузайтирмоқ* («*кузга айлантирмоқ*»— *F. Fулом*, «Биз тинчлик истаймиз») индивидуал нутқ неологизмидаги каби;

б) мавжуд лексемага параллел равишда ясаш ўли билан ҳосил қилинади. Бу ўл билан асосан индивидуал нутқ неологизми ҳосил бўлади: *сезим* (сезги лексемасига нисбатан; *F. Fулом*, «Қалбларнинг можароси»), *шаклча* (шаклан лексемасига нисбатан), *мазмунча* (мазмунан лексемасига нисбатан: ...шаклча *кўп сода*, *мазмунча салмоқдор қарорлар...*— *F. Fулом*, «Ҳеч қандай бир қўрғон бормикан...») ҳолларидаги каби.

2) Лексеманинг лексик маъно тараққиёти ўли билан. Масалан, бекат лексемасининг «транспорт воситаларининг тўхташ жойи» маъноси каби. (Бу лексема илгари «узоқ манзил» каби маъноларни англатар эди).

3) Узлаштириш ўли билан: *деталь* лексемасининг «тафсилот», «майда-чўйда маъқоси каби (Қиласиган шинингиз асосан шулардан иборат, баъзи деталлари ҳақида мана бу киши маълумот беради). Деталь лексемасининг «қисм» маъноси (машинанинг детали) ҳозир неологизмликдан чиқсан ва бошқалар.

Архаизм

116- §. Эскилил бўёғи бор тил бирлиги архаизм дейилади (юонча *archaios*—«қадимги»). Архаизм луғавий бирликлар доирасида ҳам, грамматик ҳодисалар доирасида ҳам мавжуд. Шунга кўра архаизмнинг, аввало, икки тури фарқ қилинади:

1. Луғавий архаизм — луғавий бирликлардаги тури.
2. Грамматик архаизм — грамматик ҳодисалардаги тури.

Грамматик архаизм унчалик кўп эмас. Бундай архаизм деб сифатдош формасини ясовчи **-миш** аффиксини, ҳали ҳам баъзан учраб қоладиган эрур шаклини

кўрсатиш мумкин. Чиқиши келишиги аффиксининг **-дин** шаклини, буйруқ майли II шахс бирлиги аффиксининг **-гил** шаклини грамматик архаизм деб эмас, фонетик-грамматик архаизм деб баҳолаш тўғрироқ.

117- §. Луғавий архаизм икки тури:

- 1) лексик архаизм — лексемалардаги тури;
- 2) фразеологик архаизм — фраземалардаги тури.

Лексик архаизм ўз моҳиятига кўра икки гурӯҳни ташкил этади:

а) лексема яхлитлигича архаизм бўлади. Буни архаизм-лексема деб номлаш мумкин: *сас* (*F. Fулом*, «Аввал ўқи»), *йитмоқ* (*F. Fулом*, «Биз тинчлик истаймиз»), *замламоқ* (*F. Fулом*, «Озарбайжонлик пахтакор қардошларга») каби;

б) лексема эмас, балки унинг семемаларидан бири архаизм бўлади. Буни архаизм-семема деб номлаш мумкин: *тиқмоқ* («экмоқ» маъносида — *F. Fулом*, «Теримчи қизларга») каби.

Лексик архаизмнинг ҳар икки тури лексик маънога асосланади. Шунга кўра архаизмнинг бу турларини «лексик архаизм», «семантик архаизм» деб номлаш тўғри бўлмайди. Архаизм-лексема моносемантик лексеманинг эскириши натижасида, архаизм-семема эса полисемантик лексемага хос семемалардан бирининг эскириши натижасида юзага келади.

Ҳар икки турдаги архаизмнинг воқе бўлиши шу тилнинг ўз тараққиёт йўли билан боғлиқ (архаизмга айланувчи лексик маънони ўз лексема ёки ўзлашган лексема англатишидан қатъи назар).

Архаизм-семемага кўра тилда архаизм-лексема кўп бўлади.

Изоҳ. Ҳозирги матн ичida баъзан лексеманинг эскирган талафуз варианти (шунга мос ҳолда ёзилиши) ҳам учрайди; булар салбий ҳодиса деб қаралиши керак. Масалан, *совун ўрнига собун* (*F. Fулом*, «Шеър ҳам собун»), қават ўрнига қабат (*F. Fулом*, «Икки васиқа»), чироқ ўрнига чароғ (*F. Fулом*, «Олтин медаль»), интилиш ўрнига умтилиш (*F. Fулом*, «Инсоният байрами») каби айтилиши ва ёзилиши. Бундай ҳолларни соғ фонетик архаизм деб ҳам, соғ лексик архаизм деб ҳам бўлмайди. Булар асли талафуз архаизми бўлиб, фонетик-лексик архаизм деб юритилади.

Фразеологик архаизм кўп эмас. Ҳозирги ўзбек ти-

лида бундай архаизмга дасты алиф-лом қилиб, гарданини ҳам қилиб (Эргаш шоир, «Равшан»); ёқасини чок этмоқ (Ҳ. Олимжон, «Зайнаб ва Омон»); Оппокхўжам урсин (Ойбек, «Қутлуғ қон»); эти сеники, суюги ўзиники (Ойбек, «Қутлуғ қон») каби фраземаларни кўрсатиш мумкин.

Изоҳ. Архаизм-фраземани таркибида архаизм-лексема қатнашган фраземадан фарқлаш керак. Архаизм-лексеманинг қатнашуви ҳали фраземанинг архаизм эканидан дарак бермайди. Масалан, лом-мим демаслик (Ўйғун, «Ҳаёт қўшиғи») фраземаси таркибида архаизм-лексема қатнашган, шунга қарамай бу фраземанинг ўзи архаизм эмас.

Лексик архаизм билан фразеологик архаизмнинг ўзаро фарқи сифатида қўйидаги ҳолатни кўрсатиш мумкин: архаизм-лексема билан ёнма-ён одатдаги лексема ҳамма вақт мавжуд бўлади; архаизм-фразема билан ёнма-ён одатдаги фразема ҳамма вақт мавжуд бўлавермайди, кўпинча архаизм-фраземага унинг синоними бўладиган одатдаги лексема тўғри келади. Бунда ҳам «Архаизм — синонимия билан боғлиқ ҳодиса» деган тезис бузилмайди. Чунки лексема ҳам, фразема ҳам — луғавий бирлик; фразема асли лексема билан англатиладиган, ифодаланадиган воқеликнинг ўзгача номи холос.

118- §. Луғавий бирликларнинг эски бўлиши бошқа-ю, эскилик бўёғига эга бўлиши бошқа. Архаизм ҳозирги тилнинг луғатига хос бирлик хисобланади; бошқа луғавий бирликлардан эскилик бўёғи борлиги билан ажralиб туради.

Ҳозир ишлатишдан умуман чиқиб кетган, тил тараққиётининг тарихий босқичларига мансуб бўлган луғавий бирликларни бугунги кун нуқтаи назаридан архаизм деб баҳолаш мумкин эмас. Булар ўтмишнинг луғавий бирликлариdir. Буларнинг архаизм ёки архаизм эмаслиги тил тарихининг ҳар бир босқичида ўша даврнинг ўзига кўра белгиланади. Масалан, улус («халқ»), оқча («пул»), қусур («камчилик», «нуқсон») каби лексемалар, нуқта лексемасининг «ўрин», «томон» маъноси, эт лексемасининг «гўшг» маъноси (бу маъно баъзи диалектларда, шунингдек мақол ва маталлар таркибида сақланган) ўтмиш луғатига мансуб бирликларди. Бундай луғавий бирликлар классик адабиётда ва ўтмиш ёритилган асарларда ишлатилади. Булар ўша

давр колоритини ҳосил қилиш учун ҳозир яратилган асарларга ҳам киритилади.

Ҳозирги ўзбек тилида ёзилган ҳамда давримизни тасвирлайдиган асарларда ўтмиш луғавий бирликларини ишлатмаган маъқул. Бундай луғавий бирликларнинг стилистик мақсадда ҳатто поэзияда ишлатилишини ҳам оқлаб бўлмайди. Чунки бу мақсадга эски лексема эмас, балки эскирган лексема (архаизм) хизмат қиласди.

Изоҳ. Эски лексемани бошқа тил лексемасидан фарқлаш керак. Баъзан на ҳозирги ўзбек тилида ва на эски ўзбек тилида йўқ лексемани ишлатиш ҳам учрайди. Бундай лексема ўқувчи учун мутлақо нотаниш бўлади. Булар ўзбек тили луғатидан эмас, балки бошқа тил луғатидан олиб ишлатилиди. Масалан, зуфоғ лексемаси (асли арабча зифофун — «никоҳ тўйи» маъносидаги лексема — *F. Fулом*, «Қор»; бу асарнинг кейинги нашрида зуфоғ оқшом ўрнига тўй оқшоми деб берилган) араб луғатидан олиб, тулуп сўзи («пўстин»: *Оёқда валенка, эгнида тулуп...* — *F. Fулом*, «Қиши») рус луғатидан олиб ишлатилган.

119-§. Архаизмнинг туғилиш сабабини изоҳлаш кўп ҳолларда қийин бўлади. Луғавий бирлик бирор жиҳатдан эскириб, ўз ўрнини бошқа бир луғавий бирликка бўшата бориши натижасида архаизм пайдо бўлади. Бу жараён турли-туман сабаблар билан воқе бўлади. Архаизм умуман синонимияга асосланади. Шунга кўра архаизмнинг пайдо бўлишини изоҳлашда синонимия муносабатидаги луғавий бирликларнинг ҳолатига, тараққиётига суюниш лозим. Бунда асосан қуидагича сабаблар кўрсатилади:

1) Синонимлар нутқда бир хил ишлатилмаслиги туфайли улардан баъзилари архаизмга айланади: авваллари кўп ёки бошқалари билан тенг ишлатилган луғавий бирлик ўз синонимларига қараганда нутқда оз ишлатилиди, архаик тус олади. Масалан, ёрдам, кўмак синонимларидан кўмак лексемаси; ишидан игна-сигача, миридан сиригача, қилидан қуйруғигача синонимлардан қилидан қуйруғигача фраземаси архаизмга айланган.

2) Лексема ўзлаштириш туфайли воқе бўлган синонимлар тилда ўзаро бир хил мавқега эга бўлиб қолавермайди. Баъзан шулардан бири иккинчисининг ўрнини боса боради, ўз ўрнини бўшата борган луғавий бир-

лик архаизмга айланади. Масалан, *агитация, пропаганда* лексемалари қабул қилингач, шу терминологик маънони англатиш учун ишлатилаётган *ташиқот, тарғибот* лексемалари архаик тус олди.

3) Полисемантик лексеманинг ўз синоними бор семемаси, бир томондан, шундай синонимиянинг мавжудлиги таъсирида, иккинчи томондан, шу полисемантик лексеманинг бошқа семемаси таъсирида ўз ўрнини бўшата боради. Бу билан семеманинг ҳам, синонимнинг ҳам тилдаги мавқеи кучаяди. Масалан, *боқмоқ* лексемасида «тарбияламоқ», «парвариш қилмоқ» семемаси устун бўла бориши билан бу лексеманинг «кўз ташламоқ» семемаси архаизмга айланмоқда («кўз ташламоқ» маъноси ҳозир асосан қарамоқ лексемаси билан англатилади).

Юқорида саналган ҳолатлар архаизмнинг пайдо бўлиш сабабларини чуқур изоҳлаб бермайди. Архаизмнинг пайдо бўлишидаги асл сабабларни аниқлаш мураккаб лингвистик текширишлар ўтказишини талаб қиласди. Чунки архаизмнинг туғилиши тилда доим содир бўлиб турадиган ҳодиса билан — семантик тараққиёт, силжиш, ўзгаришлар билан боғлиқ. Бундай жараённи, бир томондан, тил тараққиётининг фақат ҳозирги босқичи билан чегараланган ҳолда ўрганиб бўлмайди; иккинчи томондан, архаизмга олиб келувчи ҳар бир жараён ҳар гал индивидуал ёндашишни талаб қиласди.

120-§. Архаизм тилда аввало услубий фигура сифатида яшайди ва шунга кўра архаизмдан қўйидаги мақсадларда фойдаланилади:

1. Нутқقا кўтаринки, назокатли руҳ бериш учун. Бундай вазифа билан архаизм асосан шеърий асарларда ишлатилади. Шу хусусият айниқса F. Фулом шеъриятига хос:

*Сиз кўкнинг қопқасин қоққан соатда
Күёш кўз уқалаб уйғонар эди.*

(«Кўк бўсағасида»).

*Ҳар битта шафтолу мисоли кулгу,
Шафақдай ним пушти, сарин, беғубор.*

(«Софииш».)

Изоҳ. F. Фуломнинг бу шеърида *шафтолу, кулгу* каби талаффуз архаизмлари онгли равишда ишлатилган.

2. Нутққа ҳазил-мутойиба, киноя, масхара руҳини бериш учун. Архаизмдан бундай фойдаланиш аввалгисига нисбатан кам учрайди. Масалан, қуйидаги парчада архаизм аччиқ кинояни ифодалаш мақсадида ишлатилган: *Булар кетгандан кейин Саид Жалолхон гайратига чидолмай шамшир суғурди ва ҳавода ўйнатиб, аскарга фармон берди.* (А. Қаҳҳор, «Башорат».)

Архаизмнинг киноя, масхаралаш руҳини ҳосил этиш учун ишлатилгани контекстдан аниқ сезилмаса, уни фонетик (оҳанг) ҳамда график (қўштироқ) воситалар билан махсус ифодалаш зарурияти туғилади. Масалан, қуйидаги парчада бундай лексема қўштироққа олингандан: *Яғрин ташлаб, жилмайиб ўтар экан, Биз аминнинг «эҳсон»ига миннатдор* (F. Fулом, «Икки васиқа».)

Историзм

121- §. Ўтмиш воқелигини номлаш зарурияти билан ҳозир ишлатилган эски луғавий бирлик *историзм* дейилади (юонча *historia* — «текшириш», «тадқиқот»). Масалан, *бўнак, қарол, қулоқ* лексемаларининг F. Fулом асарларида ишлатилиши каби («Кўкан»).

Историзм луғавий бирликлар доирасидагина учрайди. Шунда ҳам кўпчиликни лексик историзм ташкил қиласди. Фразеологик историзмлар жуда оз. Бундай историзм деб *пешана(си)* шўр, *пешана(си)дан* кўрмоқ, таг(*и*) паст, тақдирга тан бермоқ каби фраземаларни шартли равища кўрсатиш мумкин.

Изоҳ. Қуйидаги фразема таркибида историзм-лексема қатнашади-ю, аммо фраземанинг ўзи ҳозирги луғавий бирлик ҳисобланади: *қўшига қўшибдими?!*, (*шунга ҳам*) ота *гўри-қозихонами?!*

Лексик историзм кўпинча историзм-лексема бўлади, историзм-семема камдан-кам учрайди. Масалан, қози, *тўра* (А. Қаҳҳор, «Анор»), элликбоши, мингбоши, амин, пристав, тилмоқ, ҳоким (А. Қаҳҳор, «Ўғри») кабилар историзм-лексемалардир; *карточка* («нон карточкаси»—F. Fулом, «Янги йил шеъри»), *сарой* («хон қасри»—F. Fулом, «Алишер») кабилар историзм-семемалардир.

Историзмдан анахронизмни фарқлаш керак. Анахронизм (юонча ана — «орқага», *chronos* — «вақт») бир

даврга хос воқеликни номлайдиган луғавий бирлик билан бошқа давр воқелигини номлаб юбориш ҳодисасидир. Бундай хато кўпинча ўтмиш ҳақида ёзилган асарларда учрайди. Масалан, XV аср тасвирланаётган асардаги персонаж нутқида ўзбек лексемасининг ишлатилиши анахронизмдир: *Шу даврда ўзбек ва форс тилларидаги ашъорлари...*— Ойбек, «Навоий» (Шу персонаж нутқининг давомида Ойбек «Форс ашъорида «Фоний», туркий ашъорда «Навоий» тахаллус қўлланган...» деб тўғри ишлатади).

122- §. Архаизм ва историзм ўзаро кескин фарқ қиувчи ҳодисалардир. Шунга кўра буларни биргалиқда эмас, балки алоҳида-алоҳида баҳолаш маъқул. Булар орасидаги асосий фарқлар қўйидагича:

1. Архаизм — мавжуд воқеликнинг номи. Историзм эса ўтмиш воқелигининг номидир.

2. Архаизм мавжуд воқеликнинг бошқа бир, ўзгача номидир. Историзм эса ўтмиш воқелигининг номи бўлиб, ҳозирги тилда унинг ўрнини боса оловчи бошқа луғавий бирлик йўқ.

3. Архаизм ўзи номлаётган воқеликни англатувчи луғавий бирлик билан ёнма-ён яшайди. Историзм эса, одатда, ўзи англатган ўтмиш воқелигининг ягона номи бўлади.

4. Архаизм тилнинг тасвирланаётган даври луғатига хос бўлади. Историзм эса тилнинг тасвирланаётган даври луғатига хос бўлмайди, балки ўтмиш луғатига хос бирликдан вақтинча фойдаланиш воқе бўлади.

5. Архаизм луғавий бирликларнинг ўзаро маъно муносабати билан боғлиқ ҳолда баҳоланади. Историзмда эса бу йўқ.

6. Архаизм бугунги кунда одатдаги деб қаралувчи луғавий бирликнинг услубий синоними бўлади. Историзмда бундай ҳолат йўқ.

7. Архаизм синонимия билан боғлиқ бўлгани сабабли бир синонимик қаторга мансуб ҳодисаларнинг қиёсига асосланади, нутқда шу синонимлардан энг ўринлиси танлаб ишлатилади. Историзм эса якка бўлади, керагида шу луғавий бирликнинг ўзига мурожаат қилинади.

8. Архаизм, номинатив вазифадан, даврни гавдлантириш вазифасидан ташқари, стилистик фигура бўлиб хизмат қиласиди. Бундай вазифа архаизмнинг

лугат бойлигидан сақланиб туришига асосий сабаблардан биридир. Историзм эса, одатда, стилистик фигура бўлиб келмайди.

9. Архаизмнинг пайдо бўлиши луғавий бирликларнинг янгича услубий муносабатга киришуви билан боғлиқ; бундай муносабат натижасида лугат ҳеч нарса йўқотмайди: айни бир воқеликни номловчи луғавий бирликлардан баъзисида эскилик бўёғи ҳосил бўлади, холос. Историзм эса луғатдан маълум бирликнинг тушиб қолиши ҳодисасидир: воқеликнинг йўқолиши шу воқеликнинг номи бўлган луғавий бирликни кераксиз қилиб қўяди.

10. Архаизм ҳар бир тил учун хусусий бўлади. Историзмда эса тиллараро маълум умумийлик борлиги кўзга ташланади.

11. Архаизм асосан тилнинг ўз тараққиёт қонунарни билан изоҳланувчи ҳодисадир; бундай изоҳ тил системасининг ўзига (лингвистик омилга) асосланиши керак. Историзм эса биринчи галда жамиятнинг ижтимоий, сиёсий, маданий тараққиёти тарихига (экстрава-лингвистик омилга) кўра изоҳланади; шу сабабли историзмнинг пайдо бўлишини изоҳлаш нисбатан осон.

12. Архаизм ва историзмнинг лугат бойлигига одатдаги луғавий бирлик сифатида қайтиши жуда оз учрайди. Шунда ҳам архаизмнинг қайтиши билан историзмнинг қайтиши моҳият жиҳатидан кескин фарқ қиласиди: архаизм фақат эскилик бўёғини йўқотади-ю, одатдаги луғавий бирликка айланиб кетади, лексик маънода катта ўзгариш содир бўлмайди; историзмнинг қайтишида эса унинг лексик маъноси тубдан ўзгаради, луғавий бирлик маъно жиҳатидан янгиланади, гўё янги луғавий бирлик даражасига кўтарилади.

Хуллас, даврни гавдалантириш вазифасини ҳисобдан чиқариб ташласак, архаизм билан историзм орасида умумийлик қолмайди. Ҳақиқатда, булардан бири эскилик бўёғи билан ҳозирги тилда яшаётган луғавий бирликдир (архаизм), иккинчиси эса тилнинг ўтмиш тарихига оид эски луғавий бирлик бўлиб, ҳозир ўтмиш воқелигини номлаш зарурияти туфайли ишлатилади (историзм).

Демак, неологизм билан бир қаторга архаизмгина қўйилиши керак, историзм эса алоҳида ҳодиса сифатида айрим баҳоланиши лозим.

ЛУҒАВИЙ БИРЛИҚЛАРНИНГ НУТҚ ҚУРИНИШЛАРИГА ҲОСЛАНГАНЛИГИ

123- §. Тил ва нутқ ўзаро узвий боғланган, аммо фарқли ҳодисалардир. Булар бири иккинчисига суянади, бири иккинчиси учун шарт-шароит ҳозирлайди. Тил деганда кўз олдига, аввало, алоқа воситаси бўлиб хизмат қилувчи ижтимоий ҳодиса, шундай ҳодиса деб номланувчи бойлик келади. Нутқ деганда эса шу ижтимоий бойликдан фойдаланиш жараёни, шу бойликнинг намоён бўлиши назарда тутилади.

Нутқ деганда тилнинг алоҳида шахсларга кўра ҳолатини тушуниш ҳам мавжуд. Буни асли индивидуал нутқ деб юритган маъқул. Индивидуал нутқ ҳеч қачон умумнутқни инкор этмайди, умумийликка асосланувчи хусусий силжишлар, ўзгачаликлардан иборат бўлади. Акс ҳолда, индивидуал нутқ ўз ижтимоий қийматини йўқотади: бошқалар учун тушунарли бўлмай қолади.

Тилга мансуб ҳодисалар нутқнинг конкрет кўринишлари бўйича гуруҳланади, ҳосланади. Бундай ҳосланниш, биркитилиш тилнинг лугат бойлигига ҳам, грамматик қурилишида ҳам мавжуд (ҳатто тилнинг фонетик томонига ҳам тааллуқли бўлади).

Нутқнинг аввало қўйидаги икки асосий кўриниши таъкидланади:

1. Адабий нутқ — маълум меъёрга киритилган, маълум қонун-қоидага бўйсундирилган кўриниши.

2. Сўзлашув нутқи — табиий, ишлов берилмаган, маълум меъёрга киритилмаган кўриниши.

Нормалар асли адабий нутқ учун ишлаб чиқилсада, улар айни вақтда сўзлашув нутқига ҳам хизмат қиласди. Тил ҳодисаларининг бирор нутқ кўринишига ҳосланганлиги шу меъёрга суюниб ҳал этилади. Масалан, луғавий бирликларнинг қайси нутқ кўринишига ҳосланганлиги луғавий меъёр (лексик-фразеологик норма) асосида белгиланади (бу меъёр адабиётларда лексик норма деб юритилади).

124- §. Нутқ кўринишлари жиҳатидан ёндашиб луғавий бирликларни аввало икки катта қатламга ажратиш керак: умумнутқ қатлами ва нутқнинг маълум кўринишига ҳосланган қатлам. Луғавий бирликларни бундай қатламларга ажратиш бундан аввал берилган тасниф ва тавсифларга асосланади, суюнади. Масалан, луғавий бирликларга замонийлиги жиҳатидан, ишла-

тилиш доираси жиҳатидан берилган тавсифлар, синонимия қатори ва ундағи доминантани белгилаш ҳақидаги, термин ва терминология маңони белгилаш ҳақидаги, услубий баҳо ҳақидаги фикрлар луғавий бирликларга нутқ күринишлари жиҳатидан ёндашиш учун маълум даражада замин ҳозирлайди.

Умумнұтқ қатламига хос луғавий бирликлар барча нутқ күринишларида ишлатилаверади, буларда нутқнинг бирор күринишига биркитилиш бўлмайди. Луғат бойлигининг асосий қисмини шундай бирликлар ташкил қиласди.

Луғавий бирликларни замонийлиги жиҳатидан замонавий ва замондош деб ажратишдаги биринчи қисм, ишлатилиш доираси жиҳатидан чегараланмаган ва чегараланган деб ажратишдаги биринчи қисм асосан умумнұтқ луғавий бирликларини қамраб олади. Синонимия қаторида умумнұтқ луғавий бирлиги, аввало, доминантадир. Шу доминантанинг синонимлари эса, одатда, нутқ күринишлари жиҳатидан хосланган бўлади («Синонимия» баҳсига қаранг).

Луғат бойлигидан умумнұтқ бирликларини эмас, балки нутқ күринишлари бўйича хосланган бирликларни чегаралаб олиш, фарқлаб олиш одат тусига кирган. Кўпинча умумнұтқ луғавий бирликларининг хусусиятлари эмас, балки нутқ күринишларига хосланган қатлам бирликларининг хусусиятлари тасвирланади. Натижада умумнұтқ луғавий бирликлари нутқ күринишларига хосланган қатлам фонида нисбий тавсиф олади (худди шундай ҳолат аввалги баҳсларда ҳам ўз аксини топган).

Нутқнинг муайян күринишига хосланган луғавий бирликлар нутқнинг бирор күринишига биркитилган бўлади. Шу жиҳатдан луғавий бирликлар иккига туругланади: 1) адабий нутққа хосланган луғавий бирликлар ва 2) сўзлашув нутқига хосланган луғавий бирликлар.

Сўзлашув нутқига хосланган луғавий бирликлар луғат бойлигининг оз қисмини ташкил этади. Сўзлашув нутқига хосланган қатламга аввало оддий луғавий бирликлар деб юритилувчи лексема ва фраземалар киритилади. Бундай луғавий бирликлар адабий нутққа хос деб ҳам қаралмайди, бирор диалектники ҳам бўлмайди. Шундай луғавий бирликларга тузук, бинойидаӣ, нозандай, жиндай, зигирча, найнов каби лексема-

ларни, түпкани тувида; чалпакка ўраб ташласа, ит емайди каби фраземаларни мисол қилиб күрсатиш мумкин.

Вульгаризм, жаргонизм, арготизм ҳам сўзлашув нутқига доир бўлади. Булардан ташқари, сўзлашув нутқига яна диалектизмлар ҳам хосланган бўлади (шу ҳақда баён қилинган бетларга қаранг). Диалектизмлар, асосан, нутқнинг худди шу кўринишида сақланиб, ишлатиб келинади.

125- §. Адабий нутққа хосланган деб ишлатилиши адабий нутқнинг ўзи билангина чекланган луғавий бирликларга айтилади; бундай луғавий бирликлар сўзлашув нутқига хосланган бўлмайди. Агар луғавий бирлик адабий нутқда ҳам, сўзлашув нутқида ҳам ишлатилаверса, бунда у умумнутқ қатламига мансуб деб қаралади (бундай луғавий бирлик адабий нутққа хос эканлигидан қатъи назар).

Демак, адабий нутққа хослик бошқа-ю, адабий нутқнинг ўзигагина хосланганлик бошқа. Луғавий бирлини адабий нутққа хос деб белгилашда уни сўзлашув нутқига зид қўйиш йўқ, фақат сўзлашув нутқидан олишгина бор (бунда луғавий бирлик сўзлашув нутқига ҳам хослигини йўқотмайди).

Адабий нутққа хосланган дейишда эса сўзлашув нутқига зид қўйиш бор. Бундай луғавий бирлик айни вақтда ҳам адабий нутққа, ҳам сўзлашув нутқига хосланган бўла олмайди (акс ҳолда, умумнутқ қатламига хос бўлиб қолади).

Адабий нутқнинг шаклланиши, юзага келиши аслида ёзув билан, матбаа билан боғлиқ. Шунга кўра адабий нутқ баъзан ёзма нутқ деб ҳам юритилади.

Қўзланган мақсад ва қўйилган вазифа жиҳатидан адабий нутқнинг дастлаб қўйидаги икки тури фарқ қилинади: а) расмий нутқ тури; б) бадиий нутқ тури.

Адабий нутқнинг бу икки тури ҳар хил вазифани бажаради, ҳар хил мақсадларга хизмат қиласи. Ҳар иккисида ҳам фикр англатилади. Расмий нутқ фикрни исботлаш йўли билан англатса, бадиий нутқ тасвирлаш йўли билан англатади. Образли қилиб айтганда, расмий нутқ бунга фикрлар занжири воситасида эришса, бадиий нутқ образлар занжири воситасида эришади. Бадиий нутқда эстетик мақсад ҳам кўзланади. Расмий нутққа эса бундай мақсад хос эмас.

Юқоридаги фарқланишлар асосида бу нутқ турла-рида луғавий бирликларнинг ишлатилиши ҳам, луғавий бирликлардан фойдаланиш ҳам ҳар хил бўлади. Масалан, расмий нутқ учун луғавий бирликларнинг тўғри маънода ишлатилиши асосий ҳолатдир; шунга кўра бу нутқ турида фраземалар деярли қатнашмайди. Терминлар асли худди шу расмий нутқ турига хосланган.

Бадиий нутқда эса, аксинча, луғавий бирликларнинг кўчма маънода қатнашуви ўринли, ҳатто зарурий деб қаралади; шунга кўра фраземалардан ҳам кенг фойдаланилади. Терминлар эса бу нутқ тури учун ёт бўла-ди ва бошқалар.

Нутқ кўринишлари жиҳатидан бадиий асар тили алоҳида баҳоланиши керак. Воқеликнинг инъикоси бўлган бадиий асарда киши фаолиятининг барча томонлари тасвирланади. Шу сабабли бадиий асардан нутқ кўринишларининг барчаси ўрин олиши мумкин: адабий нутқ ҳам, сўзлашув нутқи ҳам. Муаллиф нутқи адабий нутқ бўлса, персонаж нутқи одатда сўзлашув нутқини ҳам акс эттиради. Луғавий бирликлардан фойдаланиш шунга мос ҳолда бўлади.

Бадиий асарда бадиий нутқ устун вазият эгаллайди, бошқа нутққа хос ҳодисалар тобе ҳолатда қатнашади. Ҳар хил нутққа хос ҳодисаларнинг қатнашуви бадиий нутққа хос яхлитликни бузмайди, балки бадиий нутқ тўқимасида ўзига муносиб ўрин ва вазифа олади.

Ўзбек классик адабиётида ҳоким вазиятни шеърият эгаллагани сабабли луғавий бирликлар доирасида поэтик сўзлар қатлами гуруҳланиб қолган. Булар орасида архаизмлар ҳам, одатдаги луғавий бирликлар ҳам бор. Масалан, *илдам* (*F. Fулом*, «Бизнинг пойтахти-миз»), *кўкс* (*F. Fулом*, «Олтин медаль»), *шуур* (*F. Fулом*, «Совет армиясига»), *тасанно* (*F. Fулом*, «Қасам») кабилар одатдаги луғавий бирликлар деб қаралувчи поэтик сўзлардир; *олқиши*, *осуда*, *дақиқа*, *айём* (барчаси *F. Fуломнинг* «Ўлуғ пойтахт» шеъридан), *мадҳия* (*F. Fулом*, «Биз енгамиз»), *бўсаға* (*F. Fулом*, «Кўк бўсағасида») кабилар архаизм деб қаралувчи поэтик сўзлардир.

Бундай луғавий бирликлар кўпинча китобий сўзлар деб белгилаб юборилади. Аслида китобий сўзлар деб расмий идора нутқига хосланган луғавий бирликларни номлаш маъқул. Булар орасида одатдаги луғавий бир-

ликлар ҳам, архаизмлар ҳам бор. Масалан, *иборат*, *қайд қилмоқ*, *музокара*, *принцип*, *зимма*, *амалга оширо-моқ*, *иштирок этмоқ*, *номзод* кабилар одатдаги китобий сўзлардир; *назаран* («нисбатан»), *нуфуз* («таъсир»), *нафар* (инсонга қарата ишлатиладиган нумератив сўз) кабилар архаизм китобий сўзлардир.

126- §. Юқоридаги параграфларда луғавий бирликларга нутқ кўринишлари жиҳатидан тавсиф лексемага бир бутун ҳолда ёндашиб берилди. Аслида бундай йўл тутиш ўзини моносемантик лексемага нисбатангина оқладиди. Полисемантик лексемада эса нутқ кўринишларига хосланганлик ҳар бир семемага қарата алоҳида-алоҳида баҳоланиши керак. Бир лексеманинг семемалари ҳар хил нутқ кўринишига биркитилган, хосланган бўлиши мумкин. Бундай биркитилишда семемага хос услубий баҳо ҳам катта роль ўйнайди, албатта.

Демак, нутқ кўринишлари жиҳатидан системалиниш аслида лексемага эмас, балки семемага хос хусусият (моносемантик лексемада ҳам асли худди шундай: семема битта бўлгани сабабли гўё лексеманинг ўзи хослангандек бўлиб кўринади).

Масалан, *йўталмоқ* лексемаси тўғри маъносида («кашлять») умумнутққа хосланган бирлик бўлса, кўчма маъносида («гап билан мадад бермоқ», «ҳисса қўшмоқ») сўзлашув нутқига хосланган бирликдир; *йўғонлашмоқ* лексемаси «семирмоқ», «тўлишмоқ» маъносида умумнутққа хосланган бирлик бўлса, «юқори мансабга ўтиromoқ» маъносида сўзлашув нутқига хосланган бирликдир; *нусха* лексемаси «намуна», «экземпляр», «копия» маъниоларида умумнутққа хосланган бирлик бўлса, «турқ» маъносида сўзлашув нутқига хосланган бирликдир; *йигит* лексемаси «ёш эркак» маъносида умумнутққа хосланган бирлик бўлса, «жазман (кавелер)» маъносида сўзлашув нутқига хосланган бирликдир; *ноз* лексемаси «ишва», «жилва» маъносида поэтик бирлик бўлса, «карашма» маъносида эса сўзлашув нутқига хосланган бирликдир.

Луғавий бирликларнинг нутқ кўринишлари бўйича хосланишини айни бир луғавий бирликнинг ҳар хил талаффуз қилиниши ва шунга кўра ҳар хил нутқ кўринишларига хосланишидан фарқлаш керак. Кейингиси бир неча луғавий бирлик орасидаги муносабатни эмас, балки бир луғавий бирликнинг талаффуз вари-

антлари орасидаги муносабатни акс эттиради. Масалан, адабий нутққа хосланган *набира*, *норасида*, *насиба*, *нобуд*, *игна*, *лаънат* лексемаларининг *невара*, *нароста*, *насва*, *новут*, *нина*, *наълат* каби талаффуз вариантилари сўзлашув нутқига хослангандир.

127- §. Луғавий бирликларга нутқ кўринишлари жиҳатидан бериладиган (нутқий) тавсиф ва услубий тавсиф ўзаро зич боғланган, аммо айрим-айрим баҳолашлардир.

Услубий тавсиф услубий баҳога асосланади («Услубий баҳо» баҳсига қаранг). Архаизмлик (эскилик бўёғига эгалик) ҳам услубий тавсифдир.

Бетараф услубий баҳоли луғавий бирликлар одатда умумнутққа мансуб бўлади. Бетараф бўлмаган услубий баҳоли луғавий бирликлар эса, одатда, нутқнинг конкрет кўринишлари бўйича хосланган бўлади. Салбий услубий баҳога эга луғавий бирликлар кўпинча сўзлашув нутқига хосланган бўлса, ижобий услубий баҳоли луғавий бирликлар адабий нутққа хосланган бўлади («Нутқий синонимлар» параграфига қаранг).

Нутқий тавсиф доим услубий баҳодан чиқиб келади деб ўйлаш тўғри эмас, албатта. Масалан, термин бетараф услубий баҳога эга бўлади. Шунга қарамай терминлар умумнутқ қатламига киритилмайди, балки нутқнинг конкрет кўринишига (адабий нутқнинг илмий нутқ турига) хосланган бўлади.

Луғавий бирликларни профессионализм, диалектизм деб гурухлашлар аслида нутқий тавсиф бўлиб, бундай тавсифлашда ҳам услубий баҳо асосга олинмайди.

128- §. Луғавий бирликларнинг бирор нутқ кўринишига хосланганлиги бошқа-ю, барча нутқ кўринишларида ишлатилавериши бошқа. Луғавий бирликни ўзи хосланган нутқ кўриниши доирасидан бошқасига кўчириш, бошқа нутқ кўринишида ишлатиш, одатда, услубий мақсадни кўзлаб амалга оширилади. Масалан, архаизмни оддий луғавий бирликлар қуршовида ишлатиш кўпинча киноя, мазах руҳини ҳосил этиш учун хизмат қилгани каби («Архаизм» баҳсига қаранг).

Луғавий бирликларни бир нутқ кўринишидан иккинчисига кўчириш ҳамма вақт ҳам ўринли бўлавермайди. Бунда контекст ҳал қилувчи ўрин тутади. Агар кўчирилаётган луғавий бирлик умумнутқ қатлами бирликлари қуршовида, шунинг билан бирга, бетараф услубий баҳоли бирликлардан тузилган контекстда ишла-

тилса, бундай күчириш яхши кутиб олинади. Акс ҳолда, күчириш салбий қабул қилиниши, күзга қадалиб туриши мумкин. Масалан, қуйидаги байтда архаизм (*пучмоқ* — «бурчак») умумнұқ қатлами бирликлари құршовида берилған, аммо бу контекстде салбий услубий баҳо ифодалайдыган *ахлат* лексемасининг қатнашуви күтаринки (ижобий) баҳоли архаизмнинг ишлатилишини рад этади; шунга қарамай архаизм ишлатылған экан, бунй нутқий хато (шунинг билан бир вақтда услугбий хато ҳам) деб таъкидлаш керак: *Юрак пучмоғинда қолған ахлатни Қалам билан тозалов шоирнинг иши.* (F. Гулом, «Шеър ҳам собун».)

Нутқий хатолик шеъриятда күпинча архаизм сабабли эмас, балки оддий луғавий бирликларни ишлатыш сабабли воқе бұлади. Бундай ҳолат анчагина учраб турғани сабабли прозаизм деб алоҳида ном ҳам олған (лотинча *prosa* —«оддий»).

Оддий луғавий бирликнинг күтаринки руҳдаги контекстде келиши прозаизм дейилади. Прозаизм күпинча шеъриятни халқчыл қилиш, халқ тилига яқынлаштыриш мақсади туфайли юз беради. Шунға қарамай прозаизмни баъзи ҳолларда оқлаб бўлмайди. Бу масала чуқур ўрганишни талаб қиласи. Қуйида бир неча мисолни конкрет таҳлил қилиш билан чекланамиз.

Шеъриятда барча лугат қатламидан бирдек фойдалана бериш мумкин эмас. Масалан, боғловчиларни, айниқса биринтирувчи teng боғловчиларни ишлатышдан тийилиш керак. Чунки булар «сиқиқ фикр майдони»да ўринни ортиқча эгаллайды холос. Шеъриятда бундай боғловчига эмас, балки интонацияга зўр берилади. Қуйидаги парчада боғловчи фақат сатрларни хижо жиҳатидан тенглаш учунгина хизмат қиласи: *Тезроқ эрта бўлсин,— дейман мен Ва санайман кунлар ўтишин* (*Гулчеҳра*, «Гул очажак инсон орзуси»). Асли биринчи мисра охиридаги кишилик олмоши (мен) ҳам ҳеч қандай янги информация бермайди.

Ҳар хил нутққа хосланған луғавий бирликларни ёнма-ён жойлаштириш, айниқса қофиялаш ҳам ижобий бўлавермайди. Буни қуйидаги байт мисолида яққол қўриш мумкин. *Нечун шунча ёқимли ҳаёт, Нечун қалбим севинчларга бой?* (Мушарраф, «Бахтлисан дейди»). Биринчи мисрада поэтик бирлик (*нечун*) билан оддий луғавий бирликни (*шунча*) ёнма-ён келтириш услубни бузиб турибди.

Қуйидаги индивидуал құллашда ҳам луғавий бирликнинг нутқий хосланиши (шунингдек, услугбий баҳоси) етарли ҳисобга олинмаган: *Бири дүстлик ҳурмати үчүн Тутса гулдан бежирим букет, Бирин ёниб ёноғи гулгун Юзларидан ўпар кетма-кет* (Р. Абдурашидов, «Она гулдастаси»). Бу парчада бошқа тил лексемаси (*букет*) оддий луғавий бирлик билан боғлаб ишлатылған: нутқ оқимини *букет* лексемаси юқорига күттарса, *бежирим* лексемаси пастга тортади.

129- §. Тил бойлигидан фойдаланишда, тилнинг ифода воситаларини ишлатышда тутилган йўлга стиль (услуб) дейилади (юонча *stylos* — қадимги юонларда ёзув қуроли хизматини бажарган ўткир учли қаламча).

Ҳар бир муаллифда (ҳатто бир муаллифнинг турли асарларида) тилнинг ифода воситаларидан фойдаланиш жиҳатидан ўзига хослик бўлади. Бундай ўзига хослик индивидуал нутқ хусусияти бўлгани сабабли, уни *хусусий услуг* деб юритилади. Масалан, тилдан фойдаланишидаги умумий ва хусусий томонларини ҳисобга олган ҳолда шоир Faфур Fулом услуби Уйғун услубидан фарқ қиласи. Булардан ҳар бирига хос услуб луғавий бирликларни танлаш ва ишлатышда ҳам, сўзформаларни ўзаро боғлаш ва жойлаштиришда ҳам, гап тузишда ва гапнинг тузилиш жиҳатидан турларига мурожаат қилишда ҳам, ҳатто фонетик имкониятлардан фойдаланишда ҳам кўринади.

Fафур Fулом услубига хос хусусиятлардан энг кўзга ташланиб турадигани унинг луғавий бирликлардан эркинлик билан фойдаланишидир. Масалан, архаизм, эски луғавий бирликлар, шунингдек, ўзга тил луғавий бирликларига F. Fулом ўз шеъриятида кўп мурожаат қиласи.

Услуб жанр хусусиятлари билан белгиланади деб ўйлаш хато. Масалан, F. Fулом поэзияда қанчалик ажралиб турса, прозада ҳам шунчалик ўз айримликларига эга. Прозаик сифатида F. Fулом билан A. Қаҳҳорни ўзаро услуб жиҳатидан тенглаштириб бўлмаслиги шубҳасиз.

Услуб ёзувчини қизиқтирадиган мавзулар доираси билан ҳам белгиланмайди. Айни бир воқеликнинг ўзи ҳар хил ёзувчига турлича тасвирланиши, бунда тил воситаларидан турлича фойдаланиш юз бериши мумкин.

Хуллас, услубни белгилашда ҳар бир муаллифнинг асарларини (ҳатто ҳар бир асарини) бошқа муаллифларнинг асарларига қиёслаб ўрганиш, аввало тил ҳодисаларининг нутқ кўринишлари бўйича хосланишини ҳисобга олиб текшириш керак. Шундагина аниқ бир фикр айтиш мумкин. Бунда ўзаро фарқли ҳолатларгина эмас, балки умумийликлар ҳам чуқур таҳлил этилиши лозим.

ЛУҒАТ БОЙЛИГИДАГИ ЎЗ ҚАТЛАМ ВА ЎЗЛАШГАН ҚАТЛАМ

130- §. Ҳар бир тил, асосан, ўз луғат бойлиги ва грамматик қурилиши асосида ўз тараққиёт қонунлари бўйича ўсиб, такомиллашиб боради. Бундан ташқари, тил коллективларининг ўзаро алоқаси натижасида бир тил иккинчисини бойитади. Халқлар орасидаги иқтисодий, сиёсий, маданий алоқалар натижасида бир тил қурилишига хос бирликлар (асосан, луғавий бирликлар, қисмангина фонетик ва грамматик бирликлар) иккинчи тилга кириб боради, шу тилга сингиб, унинг ўз бирлигига айланиб кетади. Шу нуқтаи назардан ёндашиб ҳозирги ўзбек тили луғат бойлигига икки катта қатlam ажратилади: 1) ўз қатlam, 2) ўзлашган қатlam.

Ўз қатlam деганда аслан шу тилники бўлган лексемалар ва шулар асосидаги ясалишлар, шунингдек ўз аффикс билан бошқа тил лексемаларидан ясалишлар тушунилади.

Ўзбек тили луғат бойлигидаги энг қадимги қисм умумтуркий лексемалардан иборат. Бундай лексемалар кўпчилик туркий тилларда ҳозир ҳам ишлатилади. Умумтуркий лексемаларнинг асосини *бош*, *кўз*, *қош*, *қўл*, *юз*, *тил*, *уч*, *кел*, *кет*, *ёт*, *бўл* каби бир бўғинли туб лексемалар ташкил қиласиди. Бундан ташқари, ўзбек тили луғат бойлигидаги умумтуркий қатlamда *аччиқ*, *киши*, *оғиз*, *оғир* каби икки бўғинли туб ва ясама лексемалар ҳам бор.

Ҳозирги ўзбек тили луғат бойлигига, кўпчилик туркий тиллар учун умумий бўлган қисмдан ташқари, ўзбек тилининг ўз мустақил тараққиёти натижасида пайдо бўлган қисм ҳам мавжуд, албатта. Буни, бир томондан, ўзбек тилининг ўзи доирасидаги янги-янги ясалишларда кўрсак, иккинчи томондан, лексемаларнинг лексик маъно тараққиёти натижаларида кўра-

миз. Масалан, бошланғиң, белгили, ёзувчи, ёлланма (меҳнат), топшириқ, юқумли (касал), ютуқли (омонат), ёнилғи, ёқилғи каби лексемалар ўзбек тили манбаида воқе бўлган ясалишлардир. Булар — ўзбек тилининг ўз имкониятлари билан ясалган янги лексемалар.

Булардан ташқари, бошқа тилдан олинган лексемага ўзбекча аффиксни қўшиб лексема ясаш ҳам авж олган. Масалан, жанғчи, заказчи, тракторчи, экскаваторчи, пароходчилик, жонли, планлаштироқ кабиларда лексема ясаш асоси бошқа тилники, ясовчилар эса ўзбек тилини.

Бунинг акси, яъни ўзбекча лексемага бошқа тилга хос ясовчини қўшиб лексема ҳосил этиш ҳам учрайди. Масалан, бебош (бевош), беши (ишиз), билимдон, түргуқхона кабилар шу йўл билан ясалган.

Лексемаларнинг мазмун плани ҳам бу лексемаларнинг ўз қатламга ёки ўзлашган қатламга хослигидан далолат бериб туради. Маъно тармоқланиши кўпинча ўз қатламга хос лексемаларга мансуб; ўзлашган лексема, одатда, моносемантик бўлади, кўп маънолилик воқе бўлиши учун бундай лексема тилда узоқ яшаши, тилга жуда сингиб кетиши лозим.

Бундан ташқари, ҳозирги ўзбек тили луғат бойлигидаги ўз қатламда аниқ маъноли лексемалар, ўзлашган қатламда, аксинча, мавҳум маъноли лексемалар кўпчиликни ташкил этади.

Ўз қатламга хос лексемалардан ўзлашган қатламга хос лексемаларни ажратиб олиш ҳамма вақт енгил бўлавермайди. Буларни ўзаро фарқлашда асосан лексемаларнинг фонетик тузилишига суюниб (баъзан график хусусиятини ҳам ҳисобга олган ҳолда) иш кўрилади.

Фонетик тузилиши жиҳатидан ўз қатламга хос лексемаларнинг асосий белгилари деб қўйидагиларни кўрсатиш мумкин: 1) ўзбекча туб лексемалар асосан бир бўғинли ва икки бўғинли, қисмангина уч бўғинли бўлади; 2) бир бўғинлиларда «ундош+унли+ундош» типи асосий ўрин эгаллади. Иккинчи ўринда «унли+ундош» типи туради. «Ундош+унли» типи эса жуда оз; 3) икки бўғинли лексемалар кўпинча очиқ бўғинлардан тузилган бўлади; 4) ўзбек сўзлари р, л, в, ҳ, ц, товушлари билан бошланмайди; 5) ўзбек сўзларида ж сирғалувчи товуши, ҳ бўғиз товуши (ундов ва мимемалардан ташқари), ц қоришиқ товуши деярли қатнаш-

майди; 6) лексеманинг охири э (е), ў унлиси билан тугамайди (ундов ва мимемаларда учрайди); 7) биринчи бўғиндан кейинги бўғинлар ҳеч вақт унли билан бошланмайди; 8) бўғин бошланишида, кўпинча бўғин охира ҳам икки ва ундан ортиқ ундош қаторасига келмайди (*ост, уст, олд, орт* каби бир неча лексема бундан мустасно); 9) урғу, одатда, охирги бўғинда бўлади.

График жиҳатдан ўзбекча лексемаларда айриш ва юмшатиш белгилари ишлатилмайди.

Юқорида саналган ҳолатларнинг акси ўзлашган лексемаларнинг асосий белгилари деб қаралиши мумкин.

Лексема ўзлаштириш

131- §. Ўзбек тилига лексема ўзлаштиришнинг манбалари турли даврларда турлича бўлган. Тадрижий жиҳатдан лексема ўзлаштиришдаги энг қадимги манбалар деб форс, тоҷик, араб тиллари кўрсатилади. Рус тилидан лексема ўзлаштириш буларга нисбатан анча кейинги вақтларда содир бўла бошлаган.

Форс, тоҷик, араб тилларидан лексема ўзлаштириш тарихан актив бўлган, ҳозир эса пассивлашган.

Ўзлашган лексемалар ҳозирги ўзбек тили луғат бойлигига анчагина ўрин тутади. Тил тараққиётининг бориши ўзлашган қатламнинг айниқса байналмилад лексемалар ҳисобига бойиб боришини кўрсатади.

Умуман, кейинги вақтларда луғат бойлигининг бойиши жараёнида ўз ясашдан кўра ўзлаштириш устун бўлиб бормоқда. Чунки ўзлаштириш ўз ясашга нисбатан енгил йўл. Жамият тараққиётининг ҳозиргидек тез суръатлар билан бориши тил амалиётида ҳам ҳар он ҳозиржавобликни талаб қилмоқда. Тиллараро ўзлаштиришларнинг фаоллаша боришига асосий сабаб — шу.

Лексема ўзлаштириш бир тилдан иккинчи бир тилга бевосита лексема олиш йўли билан воқе бўлади. Аммо бунда икки ҳодисани фарқлаш керак: бир тилга иккинчи бир тилнинг ўз лексемаси ўзлашади ёки ўзлаштирилаётган лексема, ўз навбатида, ўша тилнинг ўзи учун ҳам ўзлашган бўлади. Масалан, ҳозир ўзбек тилига рус тилидан лексема ўзлаштирилаётир. Бунда рус тилининг ўз лексемалари жуда оз олинаётир, кўпинча рус тилига бошқа тиллардан (фарб тилларидан) ўзлашган лексемалар олинаётир. Рус тилидан ўзбек тили-

га ўзлашган, аслида русча бўлган лексемаларга стол, пол, слёт кабиларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Рус тилидан ўзбек тилига ўзлашган, аммо аслида русча бўлмаган лексемалар, асосан, байналмилад лексемаларга тўғри келади. Булар орасида гипс, диафрагма, диалект, кафедра, комедия, физика, грамматика, планета, театр каби юончча лексемалар, цензура, депутат, ректор, декан, конституция, экскурсия каби лотинча лексемалар, полковник, рота, метрика каби полякча лексемалар, вахта, солдат, офицер, гастроль, штаб, штурман, катер каби немисча лексемалар, драп, трико, кашне, кабинет, капитан, артиллерия, атака, генерал, десант, флот, репертуар каби французча лексемалар, вокзал, рельс, трамвай, митинг, бюджет, футбол, баскетбол, волейбол, бокс, кросс, торт каби инглизча лексемалар, балерина, опера, бензин, банк, бронза, карнавал каби итальянча лексемалар мавжуд.

Бундай лексемалар ўзбек тилига асосан рус тилидаги ёзилиши ва айтилиши билан олинган. Бунда факат баъзан кичик ўзгартишларгагина йўл қўйилган: отпук — отпуска, рельсы — рельс, гражданин (мурожаатда), лекин кўпликда гражданлар каби.

Ўзбек тилидаги арабча лексемаларнинг оз қисмиги на бевосита араб тилидан олинган. Бундай ўзлаштириш асосан Ўрта Осиёга ислом динининг кириб келиши, мактаб-мадрасаларда дин тили деб араб тилининг тарғиб қилиниши, шарқда умуман фан тили деб араб тилининг қабул қилингандиги каби омиллар билан боғлиқ. Демак, араб тилидан бевосита ўзлашмалар, асосан, фанга ва динга доир лексемаларга тўғри келади.

Кўпчилик арабча лексемаларнинг ўзбек тилига ўзлашувида форс, тоҷик тилининг ўрни катта. Асли бундай сўзлар ўзбек тилига форс, тоҷик тилидан олинган, форс, тоҷик тили эса, ўз навбатида, араб тилидан ўзлаштирган. Бундай йўл билан ўзлашган лексемалар асосан кундалик турмушда учрайдиган нарса ва ҳодисаларнинг номларига тўғри келади.

132- §. Лексема, асосан, икки йўл билан ўзлаштирилади: 1) жонли сўзлашув орқали; 2) босма манбалар орқали.

1) Жонли сўзлашув орқали ўзлаштириш ҳар хил тил вакилларининг ўзаро бевосита алоқалари натижасида воқе бўлади, бир тилга хос лексема иккинчисига

сўзлашув нутқига хос шаклида ўзлашади, кейинчалик-кина бу лексема адабий нутққа ҳам ўтиши мумкин. Адабий нутққа олинишида баъзан бу лексеманинг сўзлашув нутқига хос шакли сақланади, кўпинча эса сўзлашув нутқи шаклидан воз кечилиб, адабий нутқ шаклида олинади.

Масалан, арабча *танур*, тоҷикча *кабутар* лексемалари ўзбек тилига жонли сўзлашув орқали *тандир*, *каптар* шаклида ўзлашган ва адабий нутқда шу шакли расмийлаштирилган; *поднос*, *кровать* лексемалари рус тилидан жонли сўзлашув орқали *патнис*, *каравот* шаклида ўзлаштирилб, адабий нутқда ҳам шу шакли расмийлаштирилган.

Бундай ҳолатлар ўзлаштирилаётган лексема талаф-фуз жиҳатидан ноқулай бўлганида ёки ўзлаштирилаётган тилга фонетик жиҳатдан бўйсундириш лозим бўлганида юз беради. Жонли сўзлашув орқали ўзлашмаларда товуш ўзгариши албатта мавжуд бўлади деб ўйлаш тўғри эмас. Ўзлашаётган лексема таллаффуз жиҳатидан қийинчилик туғдирмаса, бундай лексема ўз фонетик шаклини сақлаган ҳолда сўзлашув нутқига кириб келаверади. Тоҷик тилидан ўзлашмаларнинг кўпчилиги худди шундай ҳолатда олинган лексемалардир.

2) Босма манбалар орқали ўзлаштиришда икки ҳодисани фарқ қилиш керак:

а) иккинчи бир тилда ёзилган адабиётни ўзбек тилига таржима қилиш йўли билан ўзлаштириш. Бунда кундалик матбуот ва публицистиканинг ҳам ҳиссаси катта бўлади. Газета саҳифалари бундай ўзлаштирамаларни ўрганиш учун айниқса бой материал беради;

б) ўзбек бадиий адабиётининг ўзи орқали ўзлаштириш. Булар ёзувчининг бошқа миллат тили ва адабиётини яқиндан ўрганиши асосида воқе бўлади. Аммо бундай ҳолларда ёзувчидан жуда эҳтиёткорлик ва дид талаб қилинади. Ёзувчилар ўз она тилини бойитишда, ўстиришда фаол қатнашади. Уларнинг муқаддас бурчи, аввало, ўз она тили бойлигидан тўлиқ ва моҳирлик билан фойдаланишdir. Шунинг билан бирга, ўз она тилини ўзга тилдан ўзлаштириш йўли билан бойитишнинг ҳам аҳамияти катта. Аммо бу иш ёзувчидан, ўз она тилидан ташқари, ўзи мурожаат қилаётган тилни, айниқса, унинг луғат бойлигини чуқур ўрганган бўли-

шини талаб қиласы. Акс ҳолда, лексема танлашда хаттоға йўл қўйиш мумкин.

133- §. Лексема ўзлаштиришнинг усуллари икки турли: ўзича олиш ва калькалаб олиш.

1. Ўзича олишда бир тилдаги лексема иккинчи тилга айнан ёки баъзи бир фонетик ўзгартишлар билан қабул қилинади. Юқорида келтирилган мисоллар худди шундай ўзлаштирмалардир.

2. Калькалаб олиш. Иккинчи тил материалыдан қисмма-қисм нусха олиш йўли билан ясалган (тузилган) лексема *калька* дейилади (французча *calque* — «нусха кўчиришда ишлатиладиган юпқа ялтироқ қофоз», «нусха»).

Калькалашда ўзлаштирилаётган лексеманинг маъноси ва морфем тузилиши сақланади, аммо бу морфем тузуми ўзлаштирувчи тилнинг материалы билан тўлдирилади. Масалан, *чаласавод* лексемаси русча *полуграмотный* лексемасидан нусха олиш йўли билан ҳосил этилган калькадир.

Ҳақиқий калька деб, биринчи галда, *умумхалқ* (*общенародный*) каби лексемаларни кўрсатиш лозим. Ўзга тил лексемаси таркибидаги қисмларга ўз тилидан қисм келтириш ва бу қисмларни механик равишда бирлаштириб лексема ҳосил этиш худди шу тип мисолларда ўз аксини тўла топган.

Қўпчилик калькаларда улар таркибидаги қисмлар механик равишда эмас, балки ўзлаштирувчи тилнинг қонун-қоидалари асосида бирлаштирилади. Демак, бундай калькаларда ўзлаштирувчи тилнинг лексема ясаш усули қатнашади. Бундай ясалишни ўзича ясаш (яъни бошқа тилнинг таъсиридан холи ҳолда ясаш) деб бўлмайди, аммо ўз ясаш деб баҳолаш ҳақиқатга тўғри келади.

Калькалаш, асосан, икки хил бўлади:

1) Тўлиқ калька. Бундай йўл билан ҳосил этилган кальканинг барча қисмлари ўз тили материалыдан тузилади (юқоридаги мисоллар).

2) Ярим калька. Бундай калька таркибида, ўз материал билан бир қаторда, ўзлаштириш манбай бўлган тилнинг материалы ҳам қатнашади. Масалан, *тракторчи* (*тракторист*), *табельчи* (*табельщик*) кабиларда лексеманинг бир қисмигина ўз материал билан берилган.

Калька асли лексема ўзлаштиришдаги грамматик усул ҳисобланади, чунки калькалаш лексема таркиби-

даги маъноли қисмлардан нусха олишга асосланади. Баъзи ҳолларда эса иккинчи бир тилдаги лексеманинг таъсирида, ўша лексема англатган тушунчани ўзлаштириш сабабли, қабул қилувчи тилдаги бирор лексемага ана шу лексик маъно биркитилади. Бундай лексик маъно иккинчи бир тилдаги лексема таъсирида воқе бўлгани туфайли, у ҳам калька деб юритилади. Бундай калька грамматик калькадан фарқлаш мақсадида *семантик калька* деб номланади.

Семантик калькада ҳам нусха кўчириш сақланади: бир тилдаги лексемага бошқа тилдаги муқобили қидириб топилади ва шу топилган лексемага ўзлаштирилаётган лексик маъно юкланди. Масалан, русча *кружок* лексемасининг кўчма маъноларидан бирини («кишиларнинг бирор машғулотни биргаликда ўтказиш учун тузган бирлашмаси») ўзлаштириш талаби туғилгач, аввало, ўзбек тилидан шу русча лексеманинг тўғри маъносига («доирача») муқобил топилди (*тұгарак*) ва шунга ўзлаштирилаётган кўчма маъно юкланди.

Йўлдош (Ер йўлдоши) [*<спутник* (*спутник Земли*)]; *йўлдош-кема* [*<спутник-корабль*], кескинлаштиromoқ [*<обострять*] кабилар ҳам нисбатан янги семантик калькалар қаторига киради.

Умуман, калькалаш ясама лексемада ҳам, қўшма лексемада ҳам, шунингдек, турғун боғланмада ҳам воқе бўлади. Масалан, *музёrap* лексемаси русча *ледокол* қўшма лексемасининг, иши ҳақи, *темир йўл, омонат кассаси* кабилар русча *заработка плата, железная дорога, сберегательная касса* турғун боғланмаларининг калькасидир.

134- §. Лексема ўзлаштиришни бошқа тил лексемасини ишлатиш ҳодисасидан фарқ қилиш керак. Лексема ўзлаштириш — табиий, қонуний ҳолат; бошқа тил лексемасини ишлатиш эса ғайриқонуний ҳолатdir. Чунки бундай лексемани ишлатишга амалда ҳеч қандай эҳтиёж бўлмайди, у фақат айрим шахс нутқининг хусусиятинигина акс эттиради. Тилнинг (нутқнинг) соғлиги учун курашда умуман ўзлаштиришларга қарши эмас, балки ўзга тил лексикасини нокерак ҳолда ишлатишга, ўзга тил материалидан фарқсиз фойдаланиш ҳолларига қарши кураш олиб бориш лозим. Масалан, қуйидаги парчада ўзга тил лексемасини нокерак ҳолда ишлатиш намунаси жуда яхши акс эттирилган: «*Мушайт қил-*

ма!»—деди Мөхри олдинга тушиб олган Раънога.
(Ҳ. Н.)

Бу ўринда гап русча лексеманинг бузиб талаффуз қилиниши ва ёзилиши ҳақида бораётгани йўқ. Масалан, қўйидаги парчада ҳам худди шундай бузиб талаффуз қилиш ва ёзиш ўз аксини топган, аммо бу лексемани ўзга тил лексемаси деб бўлмайди, у ўзбек тилига ўзлашган: *Кеча Мөхри опам тузатиб кетганла. Кампирис қилиб...* (Ҳ. Н.) Яна бир мисол: *Одамнинг настроениеси* (улар бу сўзни шу тарзда русча айтишарди) светофорга ўхшаса керак-да! (П. К.) Бу парчадаги светофор лексемаси ўзбек тилига ўзлашган, *настроение* лексемаси эса ўзлашмаган (бу маъно ўзбек тилида кўпинча *кайфият* лексемаси билан англастилади).

Фразема ўзлаштириш

135- §. Лексемаларда бўлганидек, фраземаларни ҳам ўз қатлам ва ўзлашган қатлам деб иккига гуруҳлаш мумкин. Ўз фраземалар асосида ўзбек турмушидаги воқелик ва шунга суюнувчи образ ётади: *тарвуз(и)* қўлтиғ(и)дан тушиби; *дўппи(си)* яримта; *у қулоғ(и)дан* кириб, бу қулоғ(и)дан чиқиб кетмоқ каби.

Ўзлашган фразема бошқа тилдан ўзбек тилига олинган фразеологик бирликдир: *сувдан қуруқ чиқмоқ* (русча *выйти из воды сухим* фраземасининг калькаси), *дил(и)ни сиёҳ қилмоқ* (тожикча *дили касеро сиёҳ кардан* фраземасининг калькаси) каби.

Тилда шундай маънони англатувчи фразема йўқ бўлсагина, ўзлаштириш ижобий бўлади. Шунда ҳам қўйидаги икки ҳолатни назарда тутиш керак: қабул қилинаётган фразема асосида ётган воқелик қабул қиладиган миллатнинг турмушига ёт бўлиши ёки бу миллатнинг турмушида ҳам бор бўлиши мумкин. Иккинчи ҳолатдагина ўзлаштириш енгил ва самарали бўлади.

Фраземаларнинг маъно турларидан асосан фразеологик бутунлик ўзлаштирилади. Бу ҳол фразеологик бутунликлар маъносининг ўз таркибидаги лексик компонентлари маъноси асосида изоҳланиши сабаблидир.

Фразеологик чатишмани ўзлаштириш йўқ ҳисоб. Бундай фраземани ўзлаштиришга уринишнинг мисоли сифатида *калошга ўтироқ* фраземасини (русча *сесть в калошу* фраземасининг калькасини) кўрсатиш мум-

кин. Бу калька ўзи ишлатилган асар доирасида қолиб кетган, демак, ўзлашмаган.

Умуман, лексема ўзлаштиришга нисбатан фразема ўзлаштириш жуда оз. Узлаштириш манбалари ҳам чегарали. Фраземалар ўзбек тилига асосан тожик тилидан ўзлашган. Бу тилдан фразема ўзлаштириш анча қадимги даврлардан бошланган. Шунга кўра бундай ўзлаштирилалар ўзбек тилига жуда сингиб кетган, ҳозирги ишлатилишида уларни ўз фраземалардан **фарқлаш** қийин. Масалан, *бажо келтирмоқ* фраземасининг тожик тилидан ўзлаштирилганини озми-кўпми сезиш мумкин (*ба жо овардан*); аммо *обрў(и)ни тўқмоқ — обрў(и)* тўқилди фраземасининг ўзлашма эканлиги (*обрўи худро резондан — обрўи ўрехт*) сезилмас бўлиб қолган. Бу фразема ўзбек тилида ишлатила-ишлатила, *обрў(си)ни туширмоқ — обрў(си) тушди, обрў(си)ни кўтармоқ — обрў(си) кўтарилди, обрў(си)ни уч [бир] пул қилмоқ — обрў(си) уч [бир] пул бўлди* каби янги-янги варианлар, фраземалар щаклланган.

Ўзбек тилига ўзлашган фраземаларнинг маълум қисми рус тилидан қабул қилинган. Масалан, *руҳ(и)га кирмоқ* (русча *войти в положение* фраземасининг калькаси), *архивга топширмоқ* (русча *сдать в архив* фраземасининг калькаси) каби.

136- §. Фразема ўзлаштириш ҳам асосан икки йўл билан бўлади:

1) жонли сўзлашув орқали: *калава(си)нинг учини йўқотмоқ* (тожикча *сари калобаи худро гум кардан* фраземасининг калькаси), *қўлни қўлга бериб* (русча *рука об руку* фраземасининг калькаси) каби;

2) босма манбалар орқали: *кўз(и)га тупроқ сочмоқ* (русча *пускать пыль в глаза* фраземасининг калькаси), *тегирмон(и)га сув қуимоқ* (русча *лить воду на чью-нибудь мельницу* фраземасининг калькаси) каби.

Фраземаларни ўзлаштириш усуллари ҳам, асосан, икки хил: а) ўзича олиш, б) калькалаб олиш.

Биринчи усул билан ўзбек тилига тожикча фраземаларгина ўзлашган: *дарди бедаво; як мири ҳаён, се мири зиён* каби фраземалар тожик тилида қандай бўлса, шундайлигича олинган. Бундай усул билан ўзлашган фраземалар ўзбек тили манбаида маълум тараққиёт босқичини ўтиб, турлича ўзгаришларга юз тутиши мумкин. Масалан, *ба жону дил* фраземаси ўзбек тилига ўзлашгач, *ба жону дилим* билан, *жону дилим* билан,

жоним билан каби шакланишларга учраган. Ҳозирги ўзбек тилида булардан ҳар бири шу фраземанинг кўринишлари сифатида ишлатилади.

Фразема ўзлаштиришда асосий усул калькалашдир. Фраземани ўзлаштиришда тўлиқ калькалаш ҳам, ярим калькалаш ҳам бор: *мерить на свой аршин — ўз газ(и)* билан ўлчамоқ (тўлиқ калька), *играть роль — роль ўйнамоқ*, этот номер не пройдет — *бу номер(и) ўтмайди, ба жо овардан — бажо келтирмоқ* (ярим калькалар) каби.

Булардан ташқари, фраземаларни ўзлаштиришда оддий калькани ижодий калькадан фарқлаш лозим. Оддий калькага асосланган бўлса, ўзлашма фразема деб, ижодий калькага асосланган бўлса, ўзлаштирма фразема деб аташ мумкин. Масалан, *роль ўйнамоқ, бажо келтирмоқ* кабилар оддий калькалар, *ногора(си)га ўйнамоқ, чилдирма(си)га оёқ ташламоқ* кабилар русча *плясать под чью-нибудь дудку* фраземасининг ижодий калькасидир.

Умуман, ўзлашма фразема билан ўзлаштирма фразема ўзаро қўйидагича фарқ қиласди:

1) Ўзлашма фразема қисмма-қисм нусха олишдангина иборат бўлади. Бунда иккинчи бир тилдан ҳам маъно, ҳам шакл қабул қилинади (худди шу лексемаларнинг муқобилидан тузилади): *китайская стена — хитой девори* каби. Ўзлаштирма фраземада эса, иккинчи бир тил фраземасига хос маъно сақлангани ҳолда, бу маъно янги шакл (*ўзлаштирувчи тилнинг ўз лексемалари*) орқали англатилади, яъни фразема уни қабул қилувчи халқнинг турмушига татбиқ қилинади, шунга кўра бу жамоа тилидаги лексемалар ёрдамида шакллантирилади: *плясать под чью-нибудь дудку — чилдирма(си)га оёқ ташламоқ* каби.

2) Ўзлашма фраземада ҳам маъно, ҳам шакл сақлангани сабабли, фақат бир вариант юзага келади. Ўзлаштирма фраземада эса лексема танлашдаги эркинлик бир маънони англатувчи бир неча кўринишнинг келиб чиқишига йўл очади. Айни бир фразема турлича калькалашга учраб, ҳатто синоним фраземаларнинг пайдо бўлишига олиб келади: *чилдирма(си)га оёқ ташламоқ — ногора(си)га ўйнамоқ* каби.

3) Фраземани халқ турмуши билан боғлаш унинг маъносини англаб олишни енгиллаштиради. Шунинг

учун ҳам оддий калькадан кўра ижодий калька яшовчан бўлади, халқ тилига тез сингиб кетади.

Ижодий кальканинг бир кўриниши сифатида керакли лексик маъно ўрнига бошқа бир лексик маънони назарда тутиш асосида туғилган калькани ҳам кўрсатиш мумкин. Рус тилидан ўзлаштирилган *боши берк* *кўчага кириб қолмоқ* фраземаси худди шундай калькалашнинг натижасидир. Русча фразема таркибидаги *тупик* лексемаси темирйўлчилар ишлатадиган маънода олинмай (асли шундай тушунилиши лозим эди), балки кўча турларидан бирининг номи маъносида олинган ва ўзбек тилига *боши берк* *кўча* деб таржима қилинган. Шуниси қизиқки, нотўғри таржима асосида янги бир образ яратилган: бу калька рус оригиналидагидан бошқача турмуш шароитига асосланган. Ўз турмушига бундай яқинлаштириш фраземанинг тез сингишига сабаб бўлган. Ҳозир бу фраземанинг асли русча *оказаться в тупике* фраземасининг калькаси эканлиги унутилиб, ўз фраземага айланиб кетган.

ЛЕКСИКОГРАФИЯ

137- §. Лексема ва фраземани луғавий бирликлар сифатида ўрганиш натижалари одатда ўз аксини луғатларда топади.

Луғат турлари ва уларни тузиш принциплари ҳақидаги фан *лексикография* дейилади (юонча *grapho* — «ёзаман»).

Лексикология ва фразеология луғат бойлигини ўрганувчи *назарий баҳслар* деб, лексикография эса шуларнинг *амалий баҳси* деб юритилади. Лексикография бой тажрибага эга бўла борган сари унинг ҳам фан сифатида ўз назарияси шаклланмоқда. Луғат олдига қўйиладиган талабларнинг ранг-баранглиги, луғат турларининг хилма-хиллиги бу соҳанинг келажаги порлоқлигидан дарак беради.

Кўзланган мақсад жиҳатидан луғатлар икки хил бўлади: 1) энциклопедик луғат; 2) лингвистик луғат. Ҳар икки тур луғат орасидаги ўхшашлик қўйидагича:

а) луғат мақолаларининг вокабуласига, асосан, лексема (энциклопедик луғатда турғун боғланма ҳам) чиқарилади;

б) бу лексемалар қатъий алифбо тартибида жойлаштирилади.

Булар фақат ташқи, юзаки ўхшашликдир. Аслида

лугатнинг бу икки тури ўз мақсадига кўра ва мақолаларининг тузилишига, мундарижасига кўра тубдан фарқ қиласди.

Энциклопедик лугатда воказулага чиқарилган лексеманинг маъноси эмас, балки шу лексема билан номланган воқеликнинг ўзи баён қилинади, шу воқеликка тааллуқли бўлган маълумотлар берилади. Масалан, Катта Совет Энциклопедияси, Кичик Совет Энциклопедияси, Адабий Энциклопедия, Медицина Энциклопедияси, Ўзбек Совет Энциклопедиясида шундай.

Лингвистик лугатларда лугат бойлиги акс эттирилади. Бундай лугатдан асосий мақсад лексема ва фраземаларнинг семантик мазмунини тавсифлашдир. Бундан қатъи назар, грамматик ва фонетик маълумотлар ҳам қисман келтирилади: лексема қайси туркумга мансублиги, бирор грамматик шаклида чекланганлиги, шакл ҳосил қилиш мобайнида содир бўладиган фонетик ҳодисалар, ургуланиш кабилар.

Лугат мақоласининг асосий қисмини лексик маъноларнинг талқини эгаллайди. Бунда аввал шу лексеманинг бош тўғри маъноси таърифланади, лозимтопилса, шу маънонинг ишлатилишини акс эттирувчи мисол келтирилади (бош тўғри маъно учун кўпинча мисол берилмайди); сўнгра бу лексеманинг ҳосила, кўчма маънолари тасвиrlenади. Бундай маъноларнинг тасвирида мисоллар келтириш шарт, чунки буларни англаш учун контекст талаб қилинади.

Лексик маънони тасдиқловчи нутқ парчалари одатда бадиий ва бошқа адабиётлардан олинади. Агар лексик маънолар маълум система бўйича тўпланган мисоллар ёрдамида изоҳланса, бундай лугатнинг қиймати юқори бўлади. Чунки бундай иш тутишда лугат бойлигини объектив тасвиrlашга эришилади.

Лугатларда лексема ва фраземалар икки хил жойлаштирилади: 1) ягона алфавит тартибида жойлаштирилади (бундай лугатлар кўп); 2) бирор жиҳатдан тўдалаб жойлаштирилади (бундай лугатлар оз). Масалан, бир ўзакдан ясалган лексемалар бир жойга тўпланади ва ўзаро ясалишига қараб алфавит тартибида жойланади (бундай усул, масалан, араб тили лугат бойлигини тасвиrlашда асосга олинган).

138- §. Лингвистик лугатлар ўз олдига қўйган мақсадлари жиҳатидан икки турли бўлади: 1) изоҳли лугат, 2) таржима лугати.

Биринчисида тилнинг луғат бойлиги шу тилнинг ўзида (баъзангина бошқа бир тилда) изоҳланади. Бунда ўз тилининг луғат бойлигини тасвиrlаш, шу тилдаги лексик маъноларни таърифлаш кўзда тутилади. Шундай вазифа, масалан, икки жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли лугати»да («Рус тили» нашриёти, Москва, 1981) амалга оширилди.

Таржима луғатида эса бир тилнинг луғат бойлигига бошқа бир тилдан муқобил қидирилади, таржима қилиш йўли кўрсатилади. Лексик маънонинг ўзи эса кўпинча таърифланмай қолаверади.

Ўзбек лексикографиясида узоқ вақт асосий ўринни таржима луғатлари эгаллаб келди. Бу соҳада эришилган катта ютуқ деб беш жилдли русча-ўзбекча луғатни (ЎзФАН, Тошкент, 1950—55 йиллар), бир жилдли русча-ўзбекча луғатни (Чет ва миллий луғатлар давлат нашриёти, Москва, 1954), икки жилдли русча-ўзбекча луғатни (Ўзбек Совет Энциклопедияси бош редакцияси, Тошкент, 1983, 1984) кўрсатиш мумкин.

Таржима луғатларининг иккинчи тури ўзбекча-русча луғатларdir. Юқоридаги тур луғат рус тилини ўрганувчи ўзбеклар учун мўлжалланса, кейинги тур луғатлар ўзбек тилини ўрганувчи бошқа миллат вакилларига мўлжалланган. Ўзбекча-русча луғат аввал 1941 йилда (ЎзФАН, Тошкент), кейин 1959 йилда (ЎзФАН, Тошкент) нашр қилинди; 1988 йилда қайта ишланган нашри чиқди (Ўзбек Совет Энциклопедияси бош редакцияси, Тошкент).

Тилнинг луғат бойлигини қамраб олиши жиҳатидан ҳам луғатлар фарқ қиласди: а) умумий луғат (умумтил луғати), б) ҳусусий луғат. Умумий луғатда тил луғат бойлигига бир бутун ҳолда ёндашилади. Ҳажм жиҳатидан эса бундай луғат тўла луғат бўлиши (тил луғат бойлигини мумкин қадар тўла қамраб олиши) мумкин ёки қисқа луғат бўлиши (тил луғат бойлигини қисман қамраб олиши) мумкин.

Ўзбек тилининг тўла умумий луғати тузилмаган. Ҳозир ўзбек тилининг кўп жилдли изоҳли луғатини тузиш бўйича иш бошланди.

Қисқа умумий луғат сифатида ўрта мактаб учун чиқарилган русча-ўзбекча луғатни кўрсатиш мумкин (Ўздавнашр, 1942; Ўқувпеддавнашр, 1957). Бундай қисқа русча-ўзбекча луғатнинг энг янги нашри 1989

йилда чоп этилди (тузувчи — О. Азизов; «Ўқитувчи» нашриёти, Тошкент).

Хусусий луғатлар тил луғат бирор жиҳатдан ўрганишга, тасвирлашга бағишиланади. Бундай луғатнинг кўринишлари анчагина: диалектологик луғат («Ўзбек шевалари лексикаси», «Фан», Тошкент, 1966), чет сўзлар луғати, интернационал сўзлар луғати (О. Усмонов, Ўздавнашр, 1959; О. Усмон, Р. Дониёрөв, «Русча-интернационал сўзлар изоҳли луғати», «Фан», 1965); омонимлар луғати (Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тили омонимларининг изоҳли луғати, «Ўқитувчи», 1984), синонимлар луғати (Хожиев А. Ўзбек тили синонимларининг қисқача луғати, Тошкент, 1963; бу луғатнинг қайта ишланган нашри 1974 йилда чоп этилди), антонимлар луғати (Раҳматуллаев Ш., Маматов Н., Шукуров Р. Ўзбек тили антонимларининг изоҳли луғати, 1980); фразеологик луғат (Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг қисқача фразеологик луғати, «Фан», Тошкент, 1964; бу луғатнинг қайта ишланган нашри 1978 йилда чоп этилди: Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати «Ўқитувчи», Тошкент); бирор муаллиф асарларининг луғати, (масалан: Навоий асарлари луғати, Тошкент, 1972; С. Ризаев, Н. Буронов. Абдулла Қаҳҳор «Синчалак» повести тилининг частотали луғати, «Ўқитувчи», Тошкент, 1986); орфографик луғат (С. Иброҳимов ва М. Раҳмоннинг «Имло луғати», ЎзФАН, 1966), орфоэпик луғат; терминологик луғат каби (сўнгги тур луғатлар кейинги йилларда анчагина нашр қилинди, масалан: Хожиев А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати, «Ўқитувчи», Тошкент, 1985).

Юқоридагилардан ташқари, яна тарихий луғат (Фазылов Э. Староузбекский язык, «Фан», 1966), этимологик луғат турлари бор ва бошқалар.

МОРФЕМИКА

СУЗНИНГ МОРФЕМ ТУЗИЛИШИ

1-§. Нутқнинг кичик бирлиги сўзшакл бўлиб, лексик маънодан ташқари, грамматик маъно ҳам англатади. Сўзшакл ана шу хусусиятига қараб маъноли қисмларга бўлинади.

Сўзшаклларда маъноли қисмларнинг чегараси сўзшаклларни ўзаро чофишириш орқали аниқланади. Масалан, *изланиш*, *изланмоқ* ва *изланди* каби сўзшаклларни ўзаро қиёслаш асосида битта умумий маъноли қисм — *излан* бўлакчаси ҳамда уни *сайланиш*, *сайламоқ*, *сайланди*; *бошланиш*, *бошланмоқ*, *бошланди* каби сўзшакллар билан чофишириш орқали яна *-н*, *-моқ*, *-ди* сингари маъноли қисмлар ажратилади. Айни замонда бу сўзшаклни *сўзла*, *ишила* каби сўзшакллар билан қиёслаш асосида *из-ла* (шунигдек, *сўз-ла*, *иши-ла*) маъноли қисмлари аниқланади. Шундай қилиб, *изланди* сўзшакли *из-ла-н-ди* тарзида тўртта маъноли қисмга ажралади. Бу қисмлар бундан бошқа маъноли қисмларга бўлинмайди. Сўзшакллар таркибида ажратиладиган бундай энг кичик маъноли қисмлар морф дейилади (юонча *morphē* — «шакл»).

Морфлар икки турга бўлинади: 1) ўзак морфлар, 2) аффиксал морфлар. Масалан, *ишичилар*, *пахтазорда*, *кўкарди*, *куйлаган* каби сўзшаклларнинг ҳар бирида учтадан морф бўлиб, биринчиси (*иши*, *пахта*, *кўк*, *куй*) ўзак морфга, кейингилари эса (*-чи*, *-лар*, *-зор*, *-да*, *-ар*, *-ди*, *-ла*, *-ган*) аффиксал морфга киради.

2-§. Ўзак морфлар ҳар бир сўзшаклда муқаррар иштирок этиб, лексик маъносини ифодаловчи қисм ҳисобланади. Сўзшакл бир морфдан иборат *бўлса*, у ўзак морф ҳисобланади. Сўзга турлича аффикслар қўшилиб келганда ҳам, ўзак морфнинг маъноси йўқолмайди. Ундан ясалган янги сўзларнинг — ясалмаларнинг маъноси ҳар вақт ўзак морфнинг маъноси билан боғланган, шу маънога асосланган бўлади. Жумладан, *бил*, *огир*, *бош*, *мехнат*, *асал* ўзак морфлардан ясалган *билим*, *билимдон*, *огирлик*, *бошлиқ*, *бошламоқ*, *мехнаткаш*, *асалчи*, *асалчилик* каби ясама сўзларнинг маъноси юқоридаги ўзак морфларнинг маъносига асосланади.

3- §. Аффиксал морфлар (лотинча *affixus* — «боғланган», «бириқтирилган») ўзак морфнинг мазмунига ҳар хил қўшимча маънолар беради. Аффиксал морф мустақил равишда ишлатилмайди, фақат сўзшакл таркибида гина маълум маъно англатишга хизмат қиласди. Янги ясалманинг маъноси ўзак морф билан аффиксал морф маънолари бирлигидан келиб чиқади. Шунинг учун сўзшаклни ўзак морф ва аффиксал морфга ажратишда ўзак морфнинг мустақил лексик маъно англатиши, ясама сўз маъносининг у билан боғланганлиги, аффиксал морф эса бундан бошқа ўзак морфларга ҳам қўшила олиши кабилар асос қилиб олинади. Жумладан, *иичи*, *иичан*, *ишдан*, *пахтазор*, *ўртоғим* каби сўзшакллар ўзак морф ва аффиксга ажратилади, чунки *иича*, *пахта*, *ўртоқ* қисмлари ҳам, *-чи*, *-чан*, *-дан*, *-зор*, *-им* аффикслари ҳам бошқа сўзшакл таркибида мустақил қисм сифатида қатнаша олади.

Аффиксал морфлар суффиксал ва префиксгал морфларга бўлинади. Сўзшакл таркибида ўзак морфдан кейин қўшилиб келган морфлар суффиксал морф, ўзак морф олдидан қўшилиб келадиган морфлар префиксгал морф бўлади. Жумладан, *беғаразлик*, *ноаниқроқ* сўзшакллари таркибида *-лик*, *-роқ* суффиксал морфлар, *бе-*, *но-* эса префиксгал морфлар қатнашади.

4- §. Турли сўзшакллар таркибида келиб, товуш ва маъно жиҳати бир хил, ўхшаш бўлган морфлар битта морфемани ташкил қиласди. Масалан, *сон*, *сонсиз*, *санамоқ* сўзшаклларида *сон*, *сан-*каби морфлар бир умумий ўзак морфемага бирлашади; *сезги*, *туртки*, *ёқилғи*, *чопқи*, *чолғу* каби сўзшаклларда эса *-ги*, *-ки*, *-ғи*, *-қи*, *-ғу* каби морфлар бир аффиксал морфемани ташкил қиласди. Морфемалар ҳақидаги таълимот *морфемика* дейилади.

Юқоридагилардан кўринадики, морф тилнинг бутунлик таркибидаги энг майда бирлиги бўлса, морфема — тилнинг умумлашган бирлиги.

АФФИКСАЛ МОРФЕМАЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

5- §. Аффиксал морфемалар маъноси ва функциясига кўра икки турга бўлинади: 1) сўз ясовчи аффикслар; 2) шакл ясовчи аффикслар.

6- §. Сўз ясовчи аффикслар. Бу аффикслар турли сўзларга қўшилиб, унинг маъноси билан боғланган янги

сўз ҳосил қиласи. Масалан, *-м(-им, -ум)* аффикси ҳаракат ва ҳолат англатган билмоқ, термоқ, тўпламоқ, кечирмоқ, тузмоқ каби феъллардан нарсалик маъносини, иш-ҳаракат натижасини ифодаловчи от ясашга хизмат қиласи: *билим, терим, тўплам, кечирим, тузум* каби.

Ясовчи аффикслар бир туркум доирасига мансуб янги сўз ясашга (*бала-лик, сир-дош, олма-зор* — отдан от ясалган) ва бир туркумдан бошқа туркум сўзи ясашга хизмат қиласи: *суз-ма, қир-гич, ўс-ма, кул-ги, тўша-к* (феълдан от ясалган), *кўз-ла, варақ-ла, завқ-лан, бой-и* (отдан феъл ясалган), *кес-кин, чоп-қир, оч-иқ* (феълдан сифат ясалган), *кўк-ар, кенг-ай, янги-ла, оқ-ла* (сифатдан феъл ясалган) каби.

Сўзга бирдан ортиқ ясовчи аффикс қўшилиши билан унинг таркиби мураккаб қурилишга эга бўлиб боради: *билимдонлик* сўзи *билимдон* ясаш асосидан *-лик* аффикси орқали ясалган. *Билимдон* сўзи учун эса *билим ясаш асоси* ва *-дон* ясаш воситаси бўлиб хизмат қилган. *Билим* сўзи ҳам, ўз навбатида, *-им* аффикси орқали бил асосидан ясалган.

7-§. Ясовчи аффиксларнинг сўз ясаш даражаси бир хил эмас. Айрим аффикслар жуда кўп миқдорда янги сўзлар ясаш учун хизмат қиласа, баъзилари миқдор жиҳатидан камроқ сўз ясайди ёки сўз ясаш хусусиятини ҳозир умуман йўқотган. Ясовчи аффикслар шу жиҳатдан уч турга бўлинади: 1) унумли аффикслар; 2) камунум аффикслар; 3) унумсиз аффикслар.

1. Жуда кўп янги сўз ясашга хизмат қилувчи аффикслар *унумли аффикс* дейилади: *иши-чи, тарих-чи, трактор-чи, жанг-чи, бўёқ-чи; ақл-ли, бола-ли, гайрат-ли, ейиш-ли; туз-ла, оқ-ла, жой-ла; бўл-ма, мосла-ма, қатла-ма, бола-лик, ёш-лик, тинч-лик, дўст-лик* каби.

2. Камроқ сўз ясаш учун хизмат қилувчи аффикслар *камунум аффикс* дейилади: *таро-қ, тирно-қ; тош-қин, ён-ғин, қир-ғин; меҳнат-каш, чизма-каш; эк-ин, йиғ-ин, туг-ун*.

3. Ҳозирги ўзбек тилида янги сўз ясаш хусусиятини йўқотган аффикслар *унумсиз аффикс* дейилади. Бу аффикслар ўзбек тилида маълум даврларда янги сўзлар ясаш учун хизмат қилган бўлса ҳам, ҳозирги вақтда тилда саноқли сўзлар таркибида гина сақланиб қолган: *қоро-вул, дард-чил, эп-чил, югур-дак, кекир-дак* кабилар.

8-§. Сўз ясовчиларнинг асосий қисмини ўзбек тилинг ўз аффикслари ташкил қиласди. Шу билан бирга, ўзбек тилида бошқа тиллардан ўзлашган ясовчилар ҳам қўлланади: *-дон*, *-дор*, *-кор*, *-зор* кабилар тожик тилидан ўзлашган. Бу ясовчилар дастлабки вақтларда тожик тилидан қабул қилинган сўзлар таркибида қўлланган бўлиб, кейинчалик сўз ясаш воситаси сифатида ўзбек тилидаги сўзларга ҳам қўшилиб, янги сўз ясаш вазифасини ўтай бошлайди: *туз-дон*, *кул-дон*, *салмоқ-дор*, *олма-зор*, *узум-зор*, *тил-шунос*, *тупроқ-шунос*, *пахта-кор*, *сер-сув*, *но-ўрин* каби.

Рус тилидан қабул қилинган *реалист*, *редакция*, *студент*, *аспирант*, *директор* сингари сўзлар таркибидаги *-ист*, *-изм*, *-ция*, *-ант (-ент)*, *-тор* кабилар ўзбек тилида сўз ясовчи аффикслар қаторига киритилмайди. Бундай сўзлар ўзбек тилида морфемаларга ажратилмайди, балки яхлит бир сўз сифатида қаралади.

9-§. Шакл ясовчи аффикслар сўзнинг лексик маъненини ўзгартирмайди, янги сўз ясамайди, балки шу сўзнинг грамматик шаклини ясайди, унга янги грамматик маъно қўшади, кичрайтириш, эркалаш, такрор, давом каби ҳар хил қўшимча маъно англатувчи ёки сўзнинг гапда бирор вазифани бажаришга мослашган шаклларини ясайди. Масалан, *пахта-нинг*, *пахта-дан*, *пахта-ни*, *пахта-га*; *ватан-им*, *ватан-инг*, *ватан-и*; *келган-ман*, *келган-сан*, *ўқи-ди-м*, *ўқи-ди-нг*; *икки-нчи*, *кел-ар*, *кел-иб*; *уй-ча*, *қуш-ча*, *қўзи-чоқ*, *катта-гина* каби.

Шакл ясовчи аффикслар ўз хусусиятига қараб икки турга бўлинади: 1) категориал шакл ясовчи аффикслар; 2) нокатегориал шакл ясовчи аффикслар.

10-§. Категориал шакл ясовчи аффикслар сўзларнинг ўзгариши билан боғлиқ бир бутун системани ташкил қилган грамматик шаклларини ҳосил қиласди ва улар маълум грамматик категорияларга, парадигмаларга бирлашади. Жумладан, от ва отлашган сўзларга хос грамматик сон, эгалик ва келишик шаклларини ясовчи аффикслар; феълларга хос шахс-сон шакллари, замон шакллари ва у билан боғлиқ майл шаклларини ясовчи аффикслар категориал шакл ясовчи аффиксларга киради.

11-§. Нокатегориал шакл ясовчи аффикслар грамматик маъно ифодаловчи шакл ясайди, лекин бу

аффикслар шакллар системасини — парадигмани ҳосил қылмайды. Булар асосан қуйидагилар:

1. Отларда кичрайтириш, эркалаш, чегара каби ҳар хил маъноларни англатувчи шакл ясовчи аффикслар: *-ча, -лоқ, -чақ, -чоқ, -гина, -гача; уй-ча, бўта-лоқ, қўзи-чоқ, келин-чак, шаҳар-гача* каби.

2. От, сифат ва равишларда мойиллик (*-гина: қиз-гина, яхшигина, тезгина*), сифатларда белгининг кучсиз экани каби маъноларни англатган шакл ясовчилар (*-иши, -(и)мтири: қўкиш, қўкимтири*).

3. Сонларда доналиқ, чама, жамловчи, тартиб сон турларини ясовчи аффикслар: *-та, -ча, -ов, -ала, -(и)нчи: икки-та, уч-ов, беш-та-ча, тўрт-инчи* каби.

4. Феълларда ҳаракатнинг такрор, давом, кучсизла-ниш каби миқдор шакллари ёки бирор вазифани бажа-ришга мослашган сифатдош, равишдош ва ҳаракат но-ми шакллари ясовчи аффикслар: *-(и)мсира, -(и)нқира, -гила, -ган, -(и)б, -гач, -моқ: кулим-сира, югур-гила-моқ, кел-ган, кел-иб, кел-гач, келмоқ* каби.

12- §. Сўз ясовчи ва шакл ясовчи аффиксларнинг сўзга қўшилиши, бирин-кетин келиш тартиби қатъий меъёрга асосланади, бу уларнинг маъно ва функцияси билан боғланган. Одатда, ўзак морфемадан кейин даст-лаб сўз ясовчи аффикс қўшилади, чунки у сўзга янги лексик маъно киритади ва сўзнинг моддий, материал қисмига айланади. Шундан кейин нокатериал шакл ясовчи аффикс қўшилади. Категориал шакл ясовчи аффикс эса нокатериал шакл ясовчилардан кейин қўшилади: *иши-чи-лар-имиз-га, тер-им-чи-лар-дан, қўз-ла-ган-сиз*. Баъзан бу тартиб маълум сабабларга кўра ўз-гариши ҳам мумкин. (Бу «Морфология» бўлимида ҳар бир сўз туркумининг ўзида баён қилинади).

Сўзга турлича аффиксларнинг қўшилиши натижаси-да унинг таркибида жиддий ўзгариш юз бермайди. Фа-қат айрим ҳоллардагина қисман фонетик ўзгаришлар содир бўлади. Бу вақтда: а) асосдаги товуш бошқа то-вуш билан алмашади: *сон — сана — саноқ, онг — англа, тара — тароқ, сайла — сайлов, эшик — эшиги, ўртоқ — ўртоғи* каби; б) асосдаги товуш тушиб қолади: *огиз — оғзи, кўнгил — кўнглим, бурун — бурнинг, сингил — синглим* каби.

АФФИКСЛАРДА ШАҚЛ ВА МАЬНО МУНОСАБАТИ

13- §. Сўзларда бўлганидек, аффиксларда ҳам шакл ва маъно муносабати асосида омонимия, полисемия, синонимия каби ҳодисалар учрайди.

Аффиксал омонимия. Шаклан бир хил бўлиб, маъно жиҳатидан турлича туркумларга хос сўз ясовчи ва шакл ясовчи аффикс омоним аффикс дейилади. Улар шаклан бир хил бўлса ҳам, лекин маъно жиҳатидан бир-бiri билан боғлиқ бўлмаган бошқа-бошқа аффикс ҳисобланади.

14- §. Аффиксал омонимия қўйидаги кўринишларга эга:

1. Сўз ясовчи аффикслар ўзаро омонимлик муносабатида бўлади. Сўз ясовчи аффиксларнинг бир сўз туркуми доирасида омонимлик ҳолатида бўлиши жуда кам учрайди. Бу ҳодиса кўпинча икки, баъзан уч сўз туркуми доирасида бўлади.

Сўз ясовчи аффиксларнинг омонимлик муносабатида бўлиши қўйидагича:

а) -к, -қ (-ик, -иқ, -ук, -уқ, -оқ): *кўра-к*, *теш-ик*, *соғ-иқ*, *ют-уқ*, *туз-оқ* (от); *эг-ик*, *ет-ук*, *син-иқ*, *кўрқ-оқ*, *юм-уқ* (сифат); *кўз-ик*, *кеч-ик*, *чин-иқ* (феъл) каби;

б) -ги (-ки, -қи); *сунур-ги*, *чоп-қи*, *теп-ки* (от); *кузги*, *кеч-ки*, *қиши-ки* (сифат) каби;

в) -ин, -ун: *эк-ин*, *туг-ун*, *йиг-ин* (от); *эрк-ин*, *яшир-ин* (сифат) каби;

г) -лик: *бала-лик*, *пахтачи-лик*, *яхши-лик* (от); *ҳафта-лик*, *кун-лик*, *туш-лик*, *бухоро-лик* (сифат);

д) -қин, -ғин (-қун, -ғун): *тош-қин*, *ён-ғин*, *уч-қун* (от); *ёр-қин*, *оз-ғин*, *тур-ғун* (сифат) каби;

е) -дон: *туз-дон*, *кул-дон*, *қалам-дон* (от); *билим-дон*, *гап-дон*, *қадр-дон* (сифат) каби.

2. Сўз ясовчи аффикс билан шакл ясовчи аффикс омонимлик муносабатида бўлади:

а) -чак, -чоқ, -чиқ: *куюн-чак*, *мақтан-чоқ*, *сирған-чиқ* (сифат); *келин-чак*, *той-чоқ*, *қоп-чиқ* (отнинг кичрайтиш-эркалаш шакли) каби;

б) -ча, -ларча, -лаб: *қисқа-ча*, *яширин-ча*, *дўст-ларча*, *мард-ларча*, *оий-лаб*, *айл-лаб* (равиш); *уй-ча*, *шаҳарча* (отнинг кичрайтиш шакли); *ўн-ларча*, *юз-лаб*, *ўн-лаб* (сон шакллари) каби;

в) -ма; газла-ма, чилдир-ма, ўс-ма (от) ва яса-ма, түг-ма, қайнат-ма (сифат); кел-ма, ўқи-ма, бор-ма (феълнинг бўлишсиз шакли) каби;

г) -(а)р: кўк-ар, оқ-ар (сифатдан феъл ясалган); кел-ар, бор-ар, ёз-ар (сифатдош шакли) каби;

д) -сиз: сув-сиз, куч-сиз, поён-сиз (сифат); кела-сиз ишиляп-сиз, ўқиган-сиз (феълнинг шахс-сон шакли) каби;

е) -и, -(а)й: чанг-и, бой-и, тинч-и, куч-ай, кенг-ай (феъл ясовчи); қишилоқ(ғ)-и, мактаб-и (эгалик шакли); бор-ай, кел-ай, ёз-ай (феълнинг майл шакли).

3. Шакл ясовчи аффикслар ўзаро омонимлик муносабатида бўлади:

а) -(и)ш: оқ-иш, кўк-иш, сарғ-иш (белгининг камлиги шакли); ўқи-ш, бор-иш, ёз-иш (ҳаракат номи шакли); ёз-иш-ди, ишила-ш-ди, кул-иш-ди (феълнинг биргалик даража шакли) каби;

б) -м, -нг: ука-м, ота-м, ука-нг, ота-нг (эгалик шакли); келди-м, ўқиди-м, келди-нг, ўқидинг (шахс-сон шакли) каби.

Бу каби омонимлик хусусиятига эга бўлган аффикс омоморфема ҳам дейилади.

15- §. Аффиксал полисемия. Ясовчи аффикснинг бир туркумга хос бўлган хилма-хил маъноли сўз ясаш ҳодисаси аффиксал полисемия дейилади: торт-ма, бўл-ма, бостир-ма (жой оти); исит-ма, терла-ма, ёзиш-ма (мавхум от); сур-ма, қатла-ма (нарса оти) каби -ма аффикси ёрдамида ясалган бу сўзларнинг ҳаммаси нарсалик маъносини англаради. Ўлар англатган маънодаги фарқ эса аффикс орқали эмас, балки ясаш асоси орқали аниқланади. Шунинг учун бундай хусусиятга эга бўлган аффикс *полисемантик аффикс*, бундай тил ҳодисаси эса *аффиксал полисемия* дейилади.

Қуйидаги аффикслар полисемантик хусусиятга эга:

1) -ги, -ғи (-ки, -қи): супур-ги, чоп-қи (нарса оти), сев-ги, сез-ги, кул-ги (мавхум от) каби;

2) -лик: пахтачи-лик, пиллачи-лик, ўқитувчи-лик, учувчи-лик, адабиётшунос-лик, ўлкашунос-лик, жамиятшунос-лик (касб, хунар, соҳа оти); яхши-лик, манман-лик, бола-лик, ўсмир-лик, ёш-лик (белги, ҳолат номи); тепа-лик, жар-лик, паст-лик, дўнг-лик (жой, макон оти) каби.

Полисемантик аффикс бир туркумга тегишли ҳар хил маъноли сўз ясашига қарамай бир неча аффикс

эмас, балки бир неча маъно англатган биргина аффикс ҳисобланади.

Демак, аффикслардаги омонимия ва полисемия ҳэдисалари аффикснинг қандай ясаш асосларига қўшилиши, ясама сўзнинг лексик ва грамматик маънолари кабиларга қараб аниқланади.

16- §. Аффиксал синонимия. Шаклан бир хил бўлиб, бир-бирига ўхшаш ёки жуда яқин маъно билдирувчи аффикс синоним аффикс дейилади. Аффиксал синонимия, асосан, бир хил сўз туркуми доирасида содир бўлади. Аффикслардаги синонимия ҳодисаси бошқа-бошқа аффиксларнинг бир ясаш асосига қўшилиши натижасида юз беради. Масалан, *ўрин-сиз* ва *но-ўрин*, *ғайрат-ли* ва *сер-ғайрат*, *гул-ли* ва *гул-дор*.

Тилда синоним аффикслар сўз ясовчиларнинг ўзаро ва шакл ясовчиларнинг ўзаро маънодош бўлиб келиши асосида (*ўзгар-т* ва *ўзгар-тир*, *тўл-дир* ва *тўл-ғиз* каби), шунингдек, ўзбек тили аффикслари билан бошқа тиллардан қабул қилинган аффиксларнинг маънодошлик хусусиятига эга бўлиши натижасида (*адабиёт-чи* ва *адабиёт-шунос*, *ғубор-сиз* ва *бе-ғубор* каби) келиб чиқади. Синонимик аффиксларнинг турли асосларга қўшилиб сўз ясаш даражаси ҳам бир хил эмас. Жумладан, маҳсулдор-чи аффикси турли маъно англатган шахс оти ясагани ҳолда, унинг синоними сифатида келган *-шунос* аффикси маълум асосларгагина қўшилиб шундай отлар ясади. Шунингдек, *-шунос* аффикси қўшилган барча асосларга-чи аффикси ҳам бир хилда қўшила олмайди. Қиёслана: *адабиёт-чи* ва *адабиёт-шунос*, *тарих-чи* ва *тарих-шунос*, лекин *бўёқ-чи*, *хизмат-чи* (*-шунос* аффиксини қўшиб бўлмайди), *шарқ-шунос*, *тупроқ-шунос*, *ўлка-шунос* (-чи аффикси қўшилмайди).

17- §. Аффиксал синонимия қўйидаги кўринишларга эга:

1. -чи аффикси тоҷик тилидан қабул қилинган *-шунос*, *-кор*, *-каш* каби аффикслар билан синонимлик муносабатида бўлади: *тил-чи* ва *тил-шунос* *адабиёт-чи* ва *адабиёт-шунос*; *қасос-чи* — *қасос-кор*, *чилдирма-чи* — *чилдирма-каш* каби.

2. -ли аффикси тоҷик тилидан ўзлашган *-кор*, *-дор*, *-ба*, — *сер* каби ясовчилар билан синонимлик ҳолатида бўлади: *итоат-ли* ва *итоат-кор*, *байроқ-ли* ва *байроқ-дор*, *сув-ли* ва *сер сув*, *ташвиш-ли* ва *сер-ташвиш*, *давлат-ли* ва *ба-давлат*, *тартиб-ли* ва *ба-тартиб* каби.

3. -сиз аффикси тожик тилидан кирган бе-, но- аффикслари билан синонимлик муносабатида бўлади: *ғубор-сиз* ва *бе-ғубор*, *хабар-сиз* ва *бе-хабар*, *умид-сиз* ва *но-умид*, *ўрин-сиз* ва *но-ўрин* каби.

СЎЗНИНГ МОРФЕМА ТАРКИБИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

18- §. Тилнинг тадрижий ривожланиши жараёнида сўзнинг лексик маъноси, товуш таркиби сингари, унинг морфема таркиби ҳам ўзгариб туради. Сўзнинг морфема таркибидаги ўзгаришлар кўпинча морфемаларнинг маъносида ёки товуш таркибида юз берадиган ўзгаришлар ҳамда сўзнинг кўчма маънода қўлланиши каби ҳодисалар билан боғланган. Бу ўзгаришлар натижасида сўз (ясаш асоси) ўзининг лексик маъносини қисман ёки бутунлай йўқотади, истеъмолдан тушиб қолади. Аффикс эса ўзининг сўз ясовчилик хусусиятини йўқотади. Натижада илгари бир хил морфологик қурилишда бўлган сўзларнинг қурилиши бошқача бўлиб қолади.

Одатда, сўзни морфемаларга ажратишда, асосан, унинг ҳозирги адабий тилда англатган маънолари ва грамматик хусусиятлари ҳисобга олинади. Жумладан, *юксал* феъли ҳозирги ўзбек тилида туб ҳисобланади. Тарихий жиҳатдан эса бу сўзнинг асоси *юк*, *юқ* (*юқ* йэр — юқори ер, жой, *юксади нанг* — нимадир юксалди. МҚ, III, 306), *-са* аффикси феъл ясаган, *-л* аффикси эса феълнинг даража шаклини ясаган. Асоснинг маъноси, мустақил қўлланиш хусусияти хирадашган, *-са*, *-л* аффикслари ўзак морфема таркибига сингиб кетган. Сўзнинг морфема таркибидаги ўзгаришлар тилдаги айрим сўзлардагина юз беради.

19- §. Сўзнинг морфема таркибидаги ўзгаришлар қўйидаги сабабларга кўра содир бўлади:

1. Дастребаки пайтларда ясама бўлган сўзларнинг лексик маъноси тил тараққиёти натижасида ўзгарамади. Бу эса унинг морфема таркибида ҳам ўзгаришлар бўлишига олиб келади. Масалан, *унда* феъли ҳозирги ўзбек тилида туб деб қаралади. Лекин тарихий жиҳатдан у *-да* аффикси ёрдамида *ун* асосидан ясалган. Қадимги туркий ёдгорликларда ва ҳозирги тилда *ун* сўзи «овоз» «товуш» маъносида (эр уни бутти — «эр кишининг овози тугади». МҚ, II, 294) ишлатилади. Кейинчалик *унда* феъли ўзак англатганидан кўра бошқача маъноларни англата бошлайди. Тил тараққиёти натижада ишлатилади.

жасида аста-секин асос билан суффикс қўшилиб кетиб, туб сўзга айланиб қолади.

2. Ясама сўзниг ясаш асоси истеъмолдан тушиб қолиши натижасида ўзгаради. Масалан, *кишан* сўзи тарихий жиҳатдан ясама сўз бўлиб, унинг *киша* қисми мустақил феъл асос (*ол отығ кишиеди* — у отни оёғидан кишанлаб боғлади» МҚ, III, 63), -(а)н эса ясовчи аффикс ҳисобланган. Тилнинг кўп асрлик тараққиёти жараёнида асос қисм мустақил қўлланмай қолади ҳамда аффикс билан бирга бир туб сўз сифатида ишлатила бошлайди. *Яқин* (йақды — яқинлашди), юқори (йўқ йэр — баланд жой), *безгак* (безди — титради), ёстиқ (йастадъ — суюнди) каби ясама сўзлар ҳам асос қисми (йуқ, йақ, без йас) истеъмолдан тушиб қолиши натижасида туб сўзга айланиб қолган.

3. Сўзниг товуш таркибидағи фонетик ўзгариш асосида унинг морфема таркибида ҳам ўзгариш юз беради. Масалан, ҳозирги ўзбек тилидаги *совчи* сўзи -чи аффикси орқали *сав* сўзидан (*сав* ўғузча «сўз» демакдир) ясалган бўлиб, товуш ўзгариши ва маъно тараққиёти натижасида туб сўз ҳолига келиб қолган.

20- §. Ҳозирги ўзбек тилида сўзниг морфема таркибида юз берадиган ўзгаришларнинг энг муҳимларига соддаланиш ва морфологик қайта бўлиниш киради.

Соддаланиш. Бир неча морфемали ясама сўзниг таркиби ўзгариб, ундаги морфемалар ўзаро қўшилиб, бир туб сўзга айланиш ҳодисаси *соддаланиш* дейилади. Бу морфематик ўзгариш қўйидагича юз беради:

1. Асос англатган лексик маъно хиралашуви, унуглиши натижасида ясама сўз туб сўз ҳолига келади, ясовчи аффикс асосга сингиб кетади. Масалан, *қизил*, *яшил* сўзлари тарихан феълдан ясалган сифатдир. Уларнинг асоси *қиз* (Йузи қызы — «Юзи қизарди». МҚ, I, 225), *йаш* — «кўк», «ёш» маъносида (*Йаш от унди* — «Кўк (ёш) ўт унди, ўсади». МҚ, III, 159) қадимги туркӣ ёдгорликларда мустақил ҳолда кенг қўлланган. Узоқ тарихий тараққиёт жараёнида бу туб сўзлар истеъмолдан тушиб қолади. -(и)л аффикси ёрдамида шу асослардан ҳосил бўлган *қизил*, *яшил* ясама сифатлари туб сўзга айланади.

2. Сўз ясовчи ва шакл ясовчи аффикслар истеъмолдан чиқиб кетади, айрим сўзлар таркибида сақланиб

қолган бу аффикслар сўз таркибига сингиб кетади. Натижада ясама сўз туб сўз ҳолига келиб қолади. Масалан, *ўсмир*, қоронғи каби сўзларда ҳам аффиксни асосдан ажратиб бўлмайди. *Ўғлон* аслида асос ва кичрайтиш аффиксидан иборат бўлган, лекин ҳозирги ўзбек тилида -он аффикси (*ўғил+он* — *ўғлон*) ишлатилмайди, шу сабабли аффикс асосдан ажратилмайди. *Кундуз*, *бурундиқ*, *йўлка* каби сўзларда ҳам аффиксни (-дуз, -диқ, -ка) асос таркибидан ажратиб бўлмайди, бу сўзлар ҳам туб ҳисобланади.

3. Сўзлашув нутқи таъсирида соддаланиш ҳодисаси содир бўлади. Жонли сўзлашувга хос талаффуз сўз таркибида товушларнинг ўзгаришига, қисқаришига сабаб бўлиши мумкин. Бу эса ясама ёки қўшма сўз таркибини бўлинмас ҳолга олиб келади. Масалан, *босволди*, *Шовот*, *Шоббоз* сўзлари аслида *босиб олди*, *Шоҳобод*, *Шайх Аббос* бўлган. Жонли сўзлашув таъсири остида қисқартириб талаффуз этиш билан булар туб сўз шаклига келиб қолган.

21- §. Морфологик қайта бўлинниш. Сўзниң морфемаларга ажралиш чегарасининг ўзгариши **морфологик қайта бўлинниш** дейилади. Бу ҳодисага кўра бир морфема таркибидаги айрим товушлар ундан ажралиб, бошқасига қўшилиб, морфемалар орасидаги чегара ўзгариади. Бу вақтда сўз, ўзининг ясамалик хусусиятини сақлагани ҳолда, унинг таркибидаги морфемалар қайта бўлинади. Масалан, *супуринди*, *чиқинди*, *чайнинди* каби сўзлар таркибига кўра *супур-ин-ди*, *чиқ-ин-ди*, *чай-ин-ди* тарзида морфемаларга бўлинниши лозим эди. Феълнинг даража аффиксидан кейин от ясовчи -ди аффикси қўшилган, ундаги морфемаларнинг ўзаро боғланиши ўзгариб, *супур-инди*, *чиқ-инди*, *чай-инди*, шаклида қайта бўлинган.

Морфологик қайта бўлинниш, морфемалар орасидаги чегаранинг ўзгариши тилда янги морфемаларнинг, қўшма аффиксларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Ҳозирги ўзбек тилида **- (и)нди**: *чиқинди*, *оқинди*, *сирқинди* каби; **-лан**: *завқ-лан*, *тўлқин-лан*, *икки-лан* каби; **-лаш**: *актив-лаш*, *кескин-лаш*, *салом-лаш*, *бирлаш*, каби; **лаштир**: *экран-лаштир*, *индивидуал-лаштир*, *телефон-лаштир*; **-гарчилик**: *безама-гарчилик*, *одам-гарчилик*, *лой-гарчилик*; **-чилик**: *тўқ-чилик*, *ўртоқ-чилик*, *эзма-чилик* сингари қўшма аффикслар асосан морфемаларнинг қайта бўлинниши туфайли юзага келган.

СҮЗ ЯСАЛИШИ

22- §. Тилдаги маълум усул ва воситалар ёрдамида янги сўзлар ҳосил қилиш *сўз ясалиши* дейилади.

Тилшуносликда «сўз ясалиши» термини икки маънода қўлланади: бир томондан, тилда янги сўз ҳосил қилиш жараёнининг ўзини билдиради, иккинчи томондан эса тилшуносликнинг сўз ясалиши системасини ўрганувчи бўлимини билдиради. Сўз ясалиши тилда мавжуд бўлган сўз ясалиши таркибини ва сўз ясаш усулларини ўрганади. Буларни ўрганиш ҳозирги ўзбек адабий тилдаги сўз ясалиши меъёрини белгилаш, унинг қонуниятларини тўғри тушуниш имкониятини беради. Сўз ясалиши системаси морфемика билан узвий боғланган. Чунки сўзнинг маъноли қисмлари — морфемалар (ўзак морфема ва аффиксал морфема) тилда янги сўз ҳосил қилишнинг энг муҳим элементлари ҳисобланади.

СУЗ ЯСАЛИШИ СТРУКТУРАСИ

23- §. Тил луғат таркибининг янги ясалган сўзлар ҳисобига бойиб бориши, сўз маъносининг ўзгариши, уни бошқа маънода ишлатиш йўли билан янги сўз ҳосил қилиш — булар сўз ясалишининг лексикология билан алоқадорлигини кўрсатади. Грамматика эса сўз ясаш жараёнини бошқаради, янги ясалган сўзларнинг қайси сўз туркумига тегишли эканлигини белгилайди. Ҳар бир туркум доирасида сўз ясашнинг шакл ясаш билан алоқада эканлиги, сўз ясалиши ва шакл ясалишида кўпинча бир хил ёки бир-бирига яқин аффиксларнинг ишлатилиши эса сўз ясалиши бўлимининг бевосита морфология билан боғланганлигини кўрсатади. Шунингдек, сўз ясашнинг бошқа усуллари унинг фонетика ва синтаксис билан муносабатда эканлигини кўрсатади.

24- §. Сўз ясалишида қариндош сўзларнинг таркиби жиҳатидан алоқаси, ўзаро боғланганлиги таҳлил қилинади. Шунинг учун сўз ясалиши системасини ўрганишда ҳар бир конкрет морфеманинг (ҳам ўзак морфема, ҳам аффиксал морфема) сўз ясовчилик хусусияти аниқланади. Шунингдек, грамматик таркиби турлича бўлган сўзларнинг (туб ва ясама сўзларнинг) янги сўз ҳосил қилишдаги ролини белгилаш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ҳар бир ясалмада икки нарса — ясаш асоси ва ясов-

чи восита мавжуд бўлади. Масалан, *билим, ҳозирги, яхшилик* сўзларида бил, ҳозир, яхши қисми ясаш асоси бўлиб, -им, -ги, -иш қисмлари ясаш воситасидир. Сўз қўшиш орқали ҳосил бўлган сўзларда эса икки ва ундан ортиқ ясовчи асос қатнашади. Бу хил янги сўзниг маъноси бир ҳолатда ясовчи асос вазифасида келган қисмлари маъносига асосланади, шуларнинг бирлашувидан келиб чиқади: *оққуши, токқайчи, молбоқар, темирйўл, асалари* каби. Иккинчи ҳолатда эса бундай сўзниг маъноси унинг ясовчи асос вазифасидаги қисмлари маъносидан келиб чиқмайди, балки ҳар икки қисмнинг қўшилиши натижасида уларнинг маъносидан фарқ қиладиган янги маъно ифодаланади: *ошқозон, томорқа, қизилиштон, бўрикалла* каби.

Демак, янги ясалмани ҳосил қилишда қатнашадиган морфемалар йифиндиси сўз ясалиши таркибини ташкил қиласди. Масалан, *билим* сўзида бил — ясаш асоси, -им ясовчи восита — аффикс; *пахта* сўзида пахта — ясаш асоси, -чи — ясовчи аффикс.

Сўз ясалиши таркиби сўзниг морфема таркибидан ҳам, сўзниг морфологик таркибидан ҳам фарқ қиласди. Сўзниг морфема таркибида ҳар бир маъноли қисм — морфема ажратилади. Жумладан, *билимдон* сўзи уч морфемага бўлинади (*бил-им-дон*). Сўз ясалиш таркибида эса бу сўз ясаш асоси ва ясовчи аффикс нуқтаи назаридан *билим-дон* тарзида икки қисмга ажратилади. Шунингдек, *билимдонлик* сўзи морфемаларга *бил-им-дон-лик* деб ажратилса, сўз ясалиши таркиби бўйича *билимдон-лик* деб ажратилади. Сўзниг морфологик таркибида асосан форма ясаш асоси ва ўзак ясовчи восита аниқланади. Сўз ясаш таркибида эса сўз ясаш асоси ва сўз ясовчи аффикс ажратилади. Масалан, *адабиётшуносликдан* сўзида *адабиётшунос* — сўз ясаш асоси, -лик — ясовчи аффикс; *адабиётшунослик* — ўзак ясаш асоси, -дан — ясовчи аффикс. Демак, сўз ясалиш таркибида сўзниг лексик маъно англатадиган қисми, сўзниг морфологик таркибида эса грамматик маъно ифодаловчи қисми таҳлил қилинади.

Тилда сўз ясалиши учун ҳам, ўзак ясалиши учун ҳам кўпинча аффикслар хизмат қиласди. Ҳар икки ҳолатда ҳам сўз ясаш асоси ёки ўзак ясаш асоси ва сўз ёки ўзак ясаш воситаси мавжуд бўлади. Аммо сўзниг таркибини сўз ясалиши асоси ҳамда ўзак ясалиши асоси нуқтаи назаридан ўрганиш бир-биридан фарқ қиласди.

СҮЗ ЯСАШ АСОСЛАРИ

25- §. Сўзшакл таркибида лексик маъно англатувчи қисм билан грамматик маъно билдирувчи қисм фарқланади. Сўзшаклнинг лексик маъно билдирувчи қисми *лексема* дейилади. Лексема грамматик маъно ифодаловчи қисм, шунингдек, сўз ясовчи қўшилиши учун асос бўлиб хизмат қиласди.

Ясаш асоси бўлиб келган лексема туб ёки ясама бўлади. Туб лексема морфемаларга бўлинмайди: *иши-ларим, бил-аман, ўқи-дим, сез-гансан* каби сўзларнинг *иши, бил, ўқи, сез* қисми туб бўлиб, ўзакка тенг келади.

Ясама лексема эса туб лексемага ясовчи аффикс қўшилишидан ёки бирдан ортиқ лексеманинг қўшилишидан ҳосил бўлади: *ишичи-ларга, билим-ларни, сезигир, замондош-ларим, чим-қирқар, шўр-қудуқ* каби.

Ясама лексема маъноли қисмларга бўлинади, чунки тилда ясама лексема билан ёнма-ён туб лексема ҳам мавжуд бўлади. Жумладан, *шаҳарлик, ишчан, китобхон, бугунги, кўкар* каби ясама лексемалар маъноли қисмларга — морфемаларга бўлинади. Чунки ҳозирги ўзбек тилида шуларнинг ясалишига асос бўлган *шаҳар, иш, китоб, бугун, кўк* каби лексемалар ҳам ишлатилади.

26- §. Тилда лексема истеъмолдан тушиб қолса ёки унинг ясама лексема билан алоқаси, боғлиқлиги йўқолса, ясама лексеманинг морфемаларга бўлиниш хусусияти ҳам йўқолади, натижада ясама лексема туб лексемага айланади.

Туб лексемалар билан узвий алоқада бўлган ясама лексемалар тилда икки ҳолатда — мустақил ишлатиладиган лексема сифатида ҳам, аффикс ёки бошқа лексема билан биргаликда, боғлиқ ҳолда ҳам мавжуд бўлади. Жумладан, *йўлдош, гўзаллик, тутқич, деворий* кабилар ясама лексемадир. Улар ҳозирги ўзбек тилида мустақил ишлатиладиган *йўл, гўзал, тут, девор* каби туб лексемалардан ясалган. *Юксак, юксал* кабилар ҳам ясама лексема, лекин улар таркибидаги *юк, юкса* қисмлари ҳозирги тилда мустақил ишлатилмайди, балки боғлиқ асос тарзида мавжуд.

Туб лексема билан ясама лексема фақат морфологик жиҳатдангина эмас, балки лексик маъно англатиши томонидан ҳам бир-биридан фарқ қиласди. Туб лексеманинг маъносига бевосита шу лексеманинг ўзига асосланана-

ди. Ясама лексеманинг маъноси эса унинг таркибидаги қисмларнинг — ясовчи асос ва ясаш воситасининг маънолари орқали юзага чиқади. Масалан, *даражат*, *сув*, *пахта*, *туз*, *қўл* каби туб лексемалар борлиқдаги нарсаларни бевосита, тўғридан-тўғри англатади, улар шу нарсаларнинг тилдаги шартли атамаси ҳисобланади. *Дараҳтзор*, *сувчи*, *пахтакор*, *туздон*, *қўлқон* сингари ясама лексемаларнинг маъноси эса таркибидаги қисмлар маъносига асосланади, шулар орқали англашилади: *даражатзор* — «даражат кўп бўлган жой»; *сувчи* — «суфориш, сув бериш билан шуғулланувчи шахс»; *пахтакор* — «пахта етиштириш билан шуғулланувчи шахс»; *туздон* — «туз солиб қўйишга мўлжалланган идиш»; *қўлқон* — «қўлга кийиш учун мўлжалланган нарса» каби.

Ясаш асоси бўлиб туб лексема ҳам, ясама лексема ҳам хизмат қиласди. Масалан, *терим*, *билим*, *йиғим*, *ўрим* отлари учун ясаш асоси бўлиб туб феъл лексемалар хизмат қилган, *теримчи*, *билимдон*, *гулчилик* каби ясама отларда *терим*, *билим*, *гулчи* ясама лексемалари ясаш асоси бўлиб келган, *теримчилик*, *билимдонлик*, *тўқимачилик*, *оғмачилик* каби ясама отларда эса *теримчи*, *билимдон*, *тўқимачи*, *оғмачи* ясама лексемалари ясаш асоси вазифасида келган.

Сўз таркибидаги морфемаларни тўғри ажратиш ясаш асосининг ва ясовчи воситанинг таркибини, чегарасини тўғри ҳисобга олиш катта аҳамиятга эга. Жумладан, *гулчилик*, *пахтачилик*, *балиқчилик* каби ясама лексемаларда *гулчи*, *пахтачи*, *балиқчи* лексемалари ясаш асоси ҳисобланади. *Кўпчилик*, *озчилик*, *дехқончилик* кабиларда эса ясаш асоси *кўп*, *оз*, *дехқон* лексемалари дир, чунки тилда *кўпчи*, *озчи*, *дехқончи* шаклидаги лексемалар йўқ.

Ясама лексема тузилишига кўра содда ва қўшма бўлади.

Содда лексема туб лексемага лексема ясовчи аффикс қўшилиши билан ясалади: *бола-лик*, *ишила*, *дарс-лик*, *терим-чи* каби.

Қўшма лексема икки ва ундан ортиқ лексеманинг қўшилишидан ҳосил бўлади: *Мирзачўл*, *карнайгул*, *анжирашафтоли*, *оташқалб*, *кўксултон*, *туятортар* каби.

СУЗ ҲОСИЛ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ

27- §. Ҳозирги ўзбек адабий тилида сўз ҳосил қилиш усуллари беш турга бўлинади:

- 1) аффиксация усули;
- 2) фонетик усул;
- 3) семантик усул;
- 4) композиция усули;
- 5) аббревиатуризм.

28- §. Аффиксация усули. Ясаш асосига аффикс қўшиш орқали янги сўз ҳосил қилиш аффиксация усули дейилади: *сув-чи*, *тўс-ик*, *суз-ма*, *ҳозир-ги*, *кўк-ар*, *иш-чи*, *кўп-ай*, *туз-ла* каби.

Аффиксация усули билан сўз ясашда аффикслар, одатда, асосдан кейин қўшилади. Шунга кўра бу усул билан ҳосил бўлган ясама сўзлар «асос+суффикс» тарзida бўлади (*синф-дош*, *оқ-ла*, *кул-ги*, *сез-гир*, *иши-ли*, *ёши-лик* каби). Ясама сўзлар «префикс+асос» шаклида ҳам бўлади. Бу ҳодиса асосан тожик тилидан ўзлашган аффикслар орқали сўз ясашда учрайди: *бе-ғубор*, *но-ўрин*, *сер-сув*, *ҳам-дард* каби. Ясама сўз таркибида суффикс ҳам, префикс ҳам келиши мумкин: *бе-парво-лик*, *но-аниқ-лик*, *бад-баҳт-лик*.

Аффиксация ўзбек тилида сўз ясашнинг энг унумли усулларидан ҳисобланади. Бу усул билан содда ясама сўзлар ҳосил қилинади. Аффиксация усули билан сўз ясашда кўпинча ўзбек тилининг сўз ясовчи аффикслари қўлланади. Шу билан бирга, бошқа тиллардан (тожик тилидан) қабул қилинган аффикслар ҳам ишлатилади: *туз-дон*, *ўрмон-зор*, *бе-тўхтов*, *но-тўғри* каби. Бундай ясовчи воситалар дастлаб тожик тилидан кириб келган сўзлар таркибида ишлатилган бўлса, кейинчалик ясовчи аффикс сифатида ўзбек тилидаги сўзларга ҳам қўшилиб, янги сўзлар ясай бошлайди.

29- §. Фонетик усул. Сўз ургусини кўчириш орқали сўз ҳосил қилиш фонетик усул билан сўз ясаш дейилади.

Сўз ургусининг ҳар хиллиги икки сўзни фарқлашга ёрдам беради. Масалан, *янгӣ* (сифат) — *янги* (пайт равиши), *ҳозир* (пайт равиши) — *ҳозир* (тайёр) каби. Ҳозирги ўзбек тилида фонетик усул билан сўз ясаш жуда кам учрайди.

30- §. Семантик усул. Сўз маъносининг ўзгариши асосида сўз ҳосил қилиш семантик ёки лексик-семантик усул

билан сўз ясаш дейилади. Семантик ёки лексик-семантик усул ёрдамида сўз ясаш тарихий тараққиёт жараённида тилдаги айрим лексик маънолар орасидаги боғланишнинг йўқолиб кетиши, сўзниг айрим шаклларида янги лексик маънонинг юзага келиши каби ҳодисалар билан боғлиқ. Бундай ҳодиса тилнинг кўп йиллар давомида ривожланиши натижасида аста-секин юзага келади. Масалан, *юпқа* — қалин эмас (*юпқа қофоз* — сифат) — *юпқа* — овқатнинг номи (от); *қирор* — «ер бетида ҳосил бўладиган юпқа қорсимон заррачалар» (*Кечаси қирор тушибди*) — *қирор* — «янги чархланган пичоқ давомида қолган металл зарралари» (*қирори тўқилмаган пичоқ*) каби сўзларнинг кейингилари лексик маънонинг ўзгариши, силжиши натижасида пайдо бўлган.

Семантик усул билан сўз ясашда сўзниг дастлабки маъноси қисман сақланиши ҳам, йўқолиб кетиши ҳам мумкин. Масалан, *улоқ* (эчкининг боласи) — *улоқ* (спорт мусобақаси, кўпкари), *кўк* — тус, ранг (*кўк чой* — сифат) — *кўк* (осмон) сингари сўзларнинг кейингисида аввалги сўзниг маъноси билан семантик боғланиш қисман сақланган. *Тўгарак* — «айлана, доира шаклида» (*тўгарак стол* — сифат) — *тўгарак* — «биргаликда машғулот ўтказиш учун тузилган группа» (*адабиёт тўгараги, ёш табиатшунослар тўгараги* — от) сўзларидан иккинчиси дастлабки маънодан узоқлашган, ундан бошқача, янги маъно англатади.

Семантик усул билан ясалган сўзлар бир туркум доирасида бўлиши (*киров* — от, *қирор* — от) ҳамда бошқа-бошқа сўз туркумларига тегишли бўлиши мумкин: *юпқа* — сифат, *юпқа* — от каби.

31- §. Композиция усули. Икки ва ундан ортиқ сўзниг қўшилиши орқали янги сўз ясашга *композиция усули* билан сўз ясаш дейилади. Бу усул билан асосан қўшма сўзлар ясалади: *аҷчиқтош*, *Бешариқ*, *қорақурт*, *олтингугурт*, *кўзойнак* каби.

Қўшма сўзлар тарихан сўз бирималаридан ўсиб чиқкан. Тил тараққиёти жараённида сўз биримаси қисмларининг маъно ва грамматик жиҳатдан яхлит бир ҳолга келиши, унинг қисмлари орасидаги синтактик муносабатнинг йўқолиши ҳамда уларнинг бир маъно марказига бирлашиши натижасида қўшма сўзга айланади. Бу вақтда бириманинг ҳар иккала қисми ҳам ўзининг алоҳида сўзлик хусусиятини йўқотади, ҳар иккаласи биргаликда янги тушунчани англатади. Масалан,

ош ва қозон сўзларининг қўшилиб кетиши натижасида шу сўзларнинг якка ҳолатда англатган маъноларидан фарқ қилган янги маъноли сўз — *ошқозон* ҳосил бўлади. Демак, сўз бирикмаси қўшма сўзга айланганда, бирикма таркибидаги сўзларнинг аниқловчилик алоқаси йўқолади, уларнинг бири иккинчисини аниқлаб келмайди, балки ҳар икки қисм биргаликда бир сўз ҳолига келади, битта тушунчани англатади: *томорқа, гулғунча, оттўрва, оққуши, музёрап, Олтинқўл* каби.

Қўшма сўзнинг маъноси бир ҳолатда унинг қисмлари маъноси билан боғланган бўлади, шу маънолардан ривожланиб чиқади: *асалари, оттўрва, токқайчи, анжиршафтоли, оққуши* каби. Иккинчи ҳолатда эса қўшма сўзнинг маъноси унинг қисмлари маъносидан қисман ёки бутунлай узоқлашган бўлади, ундан бошқача маъно англатади: *қоракўл (тери), иккиқат, дунёқарааш, кўкйўтал, бошқоронғи, қўзиқорин* каби.

32- §. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг луғат таркибини янги сўзлар билан бойитишда калькалаш ҳам муҳим ўрин тутади. Аммо калькалаш йўли сўз ясаш усулига кирмайди. Чунки калькалашда сўзнинг қисмлари бошқа тил моделига мос равишда таржима қилинади, улар сунъий тарзда бирикади.

Кальканинг тўлиқ ва ярим калькалаш турлари бор. Тўлиқ калькада бошқа тилга хос сўз ва бирикма қисм-маъниси тўлиқ таржима қилинади. Бунда сўзнинг асл маъноси қисман кенгайиб, бошқа тилга хос сўзнинг маъносига мувофиқлашади: *устқурма — надстройка, йўлдош — спутник, бешийиллик — пятилетка, дунёқарааш — мировоззрение, сувости — подводный* каби. Ярим калькада бошқа тилга хос сўз ва бирикманинг бир қисми ўшатил материали билан, бир қисми эса ўзбек тили материали билан берилади. Бу вақтда асос бошқа тилдан, восита ўзбек тилидан бўлиши ёки бош сўз ўзбек тилидан, эргаш сўз бошқа тилдан ва аксинча бўлиши мумкин: *машина-созлик (машиностроение), автомат-лаштириш (автоматизация), газ-симон (газообразный), йиллик план (годовой план), социалистик мусобақа (социалистическое соревнование)* каби.

Калькалашда манба бўлиб содда сўз, қўшма сўз ва сўз бирикмаси хизмат қиласди: *эслатма, урғу, тинчлик-севар, сайловолди, меҳнат интизоми, техника хавфсизлиги*.

Сўз бирикмаси тарзидаги калькалар таркибини ўз-

гартириб бўлмайди, булар бир бутун турғун бирикма ҳолида маълум лексик маънони англатишга хизмат қиласди: олий ўқув юрти, кун тартиби каби.

Калькалаш йўли билан ҳосил бўлган турғун бирикмаларнинг бир қисми фразеологик бирлик тарзида бўлади: *луқма ташламоқ* — бросать реплику, *яширин овс берииш* — тайное голосование, *овозга қўймоқ* — поставить на голосование, *танқидни бўғмоқ* — зажимать критику каби.

33- §. Аббревиация усули. Қисқартма қўшма сўзлар аббревиация усули билан ҳосил қилинади. Аббревиация усулида турғун бирикма таркибидаги қисмлар қисқартирилади, бунда турғун бирикма таркибидаги қисмларнинг ёпиқ бўғинга тенг қисмлари олинади: *обком*, *педфак*, *филфак*, *райком*. Бир сўзга тенг келиб қолган бундай қисқартмалар бир бош ургуга эга бўладиган сўз деб қаралади: *комсомол*, *колхоз*, *совхоз*, *завхоз* каби.

Ҳозирги ўзбек тилига аббревиация усули рус тилидан қабул қилинган. Қисқартма сўзлар ўзбек тилида асосан Октябрь инқилобидан кейин пайдо бўлиб, қўллана бошлаган янги ҳодисадир.

Қисқартма сўзлардан шартли қисқартмаларни фарқлаш керак. Бундай шартли қисқартмалар сўз деб қаралмайди, булар турли муассаса ва ташкилотларнинг шартли атамаси сифатида ишлатилади: *КПСС*, *ЎзССР*, *ТошМИ*, *РТС* каби.

Кўп шартли қисқартмалар рус тилидан олинганлиги сабабли, ўзбек тилида ҳам рус тилидаги шаклида ишлатилган. Бундай қисқартмалар тўлиқ (сўз ҳолатида) ёзилса, ўзбек тилига хос йўсин берилган. Шартли қисқартмаларнинг баъзилари рус тилига ҳам, ўзбек тилига ҳам мос келади: *БАМ* — *Байкал-Амур магистрали*, *диамат* — *диалектик материализм* каби.

Шартли қисқартмалар бевосита ўзбек тили материаллари асосида ҳам ҳосил қилинади. ТошДУ — Тошкент Давлат университети, БМТ — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, ХХР — Хитой Халқ Республикаси каби.

СУЗ ТУРҚУМЛАРИДА СУЗ ЯСАЛИШИ

34- §. Сўз ясалиши ҳодисаси асосан мустақил туркум сўзлари учун хос. От, сифат, феъл ва равиш туркумларининг таркиби доим янги ясалмалар ва янги ўзлаштирулалар билан бойиб туради.

ОТ ЯСАЛИШИ

35- §. Ҳозирги ўзбек тилининг луғат таркибида от туркуми жуда кўп сўзларни бирлаштиради. Бошқа сўз туркумларига нисбатан от туркумининг янги сўзлар билан бойиб бориши анча фаол ва узлуксиз давом этади. От туркумининг бойиб бориши ўзбек тилининг ўз ички воситалари асосида ҳамда бошқа тиллардан, айниқса рус тилининг таъсири асосида воқе бўлади.

Ҳозирги ўзбек тилида отлар қуидаги усуллар билан ясалади: 1) аффиксация усули, 2) композиция усули, 3) аббревиация усули. Булар сўз ясашнинг актив усуллари ҳисобланади. Булардан ташқари, қисман фонетик усул ва семантик усул билан ясалган отлар бор.

Аффиксация усули билан от ясалиши

36- §. Аффиксация усулида ясовчи асосга маҳсус аффикс қўшиш орқали от ҳосил қилинади. Бу усул ҳозирги ўзбек тилида от ясалишининг энг фаол, энг маҳсулдор усулларидан бири ҳисобланади. Аффиксация усули билан от ясашда от, феъл, сифат, равиш ва бошқа туркум сўзлари асос бўлиб хизмат қиласди. Шунга кўра бу отлар уч турга бўлинади: 1) от асосидан ясалган отлар; 2) феъл асосидан ясалган отлар; 3) бошқа сўз туркумларидан (сифат, равиш, сон, тақлидий сўз кабилардан) ясалган отлар.

37- §. От асосидан ясалган отлар. Бу турдаги ясалишда асос бўлиб от сўзлар хизмат қиласди. Бундай ясалмаларнинг маъноси ҳар вақт ясаш асосининг маъноси билан боғланган, ундан ўсиб чиқсан бўлади. Бу хилдаги ясама отларда ясаш асосининг маъноси билан боғлиқ равишда шахс, нарса ва ўрин-жой, ҳар хил мавҳум тушунчалар ифодаланиши мумкин.

Шахс отлари жуда катта тўдани ташкил қиласди, англатган маъноларининг хилма-хиллиги, ясовчи аффиксларнинг кўплиги, маҳсулдорлиги билан бошқа тўдадаги отлардан ажralиб туради. Бу отлар соғ ўзбекча аффикслар ҳамда бошқа тиллардан (асосан тоҷик тилидан) қабул қилинган ясовчи морфемалар воситаси билан ясалади. Ҳозирги ўзбек тилида шахс отлари қуидагича ясалади:

1. -чи. Бу аффикс энг фаол от ясовчи бўлиб, барча

сўз туркумларидан (бошқа тиллардан ўзлаштирилган сўзлардан ҳам) от ясашга хизмат қиласи: *иш-чи*, *тарих-чи*, *жанғ-чи*, *бўз-чи*, *бўёқ-чи*, *сув-чи*, *қизиқ-чи*, *доклад-чи*, *табел-чи*, *хизмат-чи*, *ёлғон-чи*, *трактор-чи*, *пулемёт-чи*, *ҳайбаракалла-чи* каби.

-чи аффикси полисемантик хусусиятга эга. Бу аффикс орқали ясалган отнинг хилма-хил маънолари бевосита ясаш асосининг маъноси билан боғланган. Бу типдаги ясама отлар: а) шахснинг ясаш асоси англатган нарса билан шуғулланишини (*темир-чи*, *бўёқ-чи*, *сувоқ-чи*, *сув-чи*, *тунука-чи*, *қуш-чи*); б) иш-ҳаракатни ясаш асоси англатган нарса воситасида бажаришини (*най-чи*, *чилдирма-чи*, *дугтор-чи*, *кетмон-чи*, *машина-чи*, *ўроқ-чи*, *карнай-чи*, *трактор-чи*, *шахматчи* каби); в) ясаш асосидан англашилган нарсани яратиш, ясаш билан шуғулланишини (*тақа-чи*, *эгар-чи*, *кашта-чи*, *бўз-чи*, *пичоқ-чи*, *сандиқ-чи* каби); г) шахснинг касб-ҳунар, турлича мутахассислик, шунингдек, фан-техниканинг хилма-хил соҳалари бўйича машғул бўлишини (*колхоз-чи*, *тарих-чи*, *лугат-чи*, *денгиз-чи*, *разведка-чи*, *йилқи-чи*, *футбол-чи* каби); д) шахснинг бирор белги, ҳолат, хусусияти билан ажралиб туришини (*жанжал-чи*, *кеқ-чи*, *лоф-чи*, *ҳасад-чи*, *туҳмат-чи*, *фитна-чи*, *гина-чи*, *ғалва-чи*, *ваҳима-чи* каби); е) шахснинг бирор колективга, ижтимоий ташкилотга муносабатини (*исён-чи*, *динамо-чи*, *пахтакор-чи*, *миллат-чи*, *республика-чи* каби) ва бошқа жуда кўп маъноларни англаштирилган отлар ясади.

2. **-дош**. Ясаш асосидан англашилган нарса, соҳа бўйича биргалик, яқинлик, баробар алоқадорлик маъносидаги шахс оти ясади: *ватан-дош*, *қурол-дош*, *тенг-дош*, *фикр-дош*, *мактаб-дош*, *сұхбат-дош*, *йўл-дош* каби. Бу аффикс орқали ясалган отлар ўрин, макон жиҳатидан (*синф-дош*, *мактаб-дош*), пайт жиҳатидан (*замон-дош*, *тенг-дош*, *аср-дош*) ва белги, ҳолат, хусусият жиҳатидан (*сұхбат-дош*, *сир-дош*, *оҳанғ-дош*, *фикр-дош*) шахсларнинг биргалиги, тенг алоқадорлиги маъноларни англаштиради.

-дош аффикси маъно жиҳатидан тоҷик тилидан қабул қилинган ҳам- аффикси билан синонимик муносабатда бўлади: *фикр-дош* — ҳам-фикр, *сұхбат-дош* — ҳам-сұхбат каби. Аммо бу аффиксларни ҳамма вақт параллел ҳолда бири ўринига иккинчисини ишлатавериш мумкин эмас. Жумладан, *мусобақа-дош*, *йўл-дош* дейилади, аммо ҳам-мусобақа, ҳам-йўл дейилмайди. Ёки

ҳам-шаҳар, ҳам-дард дейилади, лекин *шаҳар-дош, дард-дош* дейилмайди.

Бу аффикс орқали айрим илмий атамалар ҳам ясалади: *сифат-дош, равиш-дош, ун-дош* каби.

3. **-гар.** Бу аффикс ясаш асосида ифодаланган нарса бўйича шахснинг касб-ҳунарини билдирадиган от ясади: *зар-гар, савдо-гар, мис-кар, совун-гар, кимё-гар* каби.

4. **-кор.** Ясаш асоси англатган нарсани етиштирувчи ни, шу нарса билан шуғулланувчини ифодалайдиган от ясади: *ғалла-кор, пахта-кор, санъат-кор, сабзавот-кор, шоли-кор* каби. Мавхум тушунчаларни билдирган отларга қўшилганда, шахснинг белги, ҳолат, хусусият кабиларга муносабатини ифодаловчи от ясади: *хизмат-кор* каби.

5. **-бон.** Ясаш асосидан англашилган нарсага эга ёки шу нарсанинг сақловчиси, қўриқловчиси бўлган шахсни билдирувчи от ясади: *бог-бон, дарвоза-бон, сарой-бон, тарози-бон* каби.

6. **-дор** (тожикча *доштан* —«ушламоқ», «эга бўлмоқ» феълидан). Бу аффикс шахснинг ясаш асосидан англашилган нарсага эга ёки алоқадорлигини билдирувчи от ясади: *бог-дор, муҳр-дор, чорва-дор, мулк-дор, ҳукм-дор, айб-дор* каби.

7. **-шунос** (тожикча *шунохтан* —«танимоқ», «бильмоқ» феълидан). Бу аффиксоид шахснинг ясаш асосидан англашилган нарса ёки соҳанинг мутахассиси, касб эгаси эканини билдирган от ясади: *табиат-шунос, адабиёт-шунос, зар-шунос* каби.

8. **-фурӯш** (тожикча *фурӯхтан* —«сотмоқ» феълидан). Бу аффиксоид ясаш асосида ифодаланган нарсани сотиш билан шуғулланувчи шахс оти ясади: *мева-фурӯш, дўпти-фурӯш, нос-фурӯш* каби.

9. **-боз** (тожикча *бозидан, бохтан* —«ўйнамоқ» феълидан). Бу аффиксоид шахснинг ясаш асоси англатган нарса билан кўп шуғулланишини, шунга ўта берилган лигини билдирувчи от ясади: *каптар-боз, бедана-боз, қимор-боз, дор-боз* каби. Худди шу тартибда ясалган *найранг-боз, масхара-боз* кабилар шахснинг белги, хусусиятини билдиради.

10. **-хўр** (тожикча *хўрдан* —«емоқ» феълидан). Ясаш асосидан англашилган нарсаларни, айниқса егулик ва ичимлик нарсаларни кўп ва тез-тез истеъмол қилувчи

шахс оти ясайди: *чой-хўр, гўшит-хўр, палов-хўр, нон-хўр, қимиз-хўр* каби.

11. **-паз** (тожикча *пухтан* — «пиширмоқ» феълидан). Таом намларини билдирувчи сўзларга қўшилиб, шахснинг шу овқатни пишириш, тайёрлаш билан шуғулланнишини англатган оти ясайди: *оиш-паз, калла-паз, кабоб-паз, сомса-паз, манти-паз* каби.

12. **-соз** (тожикча *сохтан* — «ясамоқ» феълидан). Ясаш асоси ифодалаган нарсани ясаш, созлаш, тузатиш билан шуғулланувчи шахс оти ясайди: *соат-соз, кемасоз, арава-соз, асбоб-соз* каби.

13. **-дўз** (тожикча *дўхтан* — «тикмоқ» феълидан). Ясаш асоси англатган нарсани тикиш, яратиш билан шуғулланувчи шахс оти ясайди: *маҳси-дўз, дўппи-дўз, этик-дўз, кашта-дўз* каби.

14. **-каш** (тожикча *кашидан* — «тортмоқ» феълидан). Шахснинг ясаш асоси ифодалаган нарса билан шуғулланишини, иш-ҳаракатни шу орқали бажаришини англатадиган оти ясайди: *арава-каш, чизма-каш, туя-каш, меҳнат-каш, сурат-каш, ҳазил-каш, жанжал-каш* каби.

15. **-хон** (тожикча *хондан* — «ўқимоқ» феълидан). Ясаш асосидан англашилган нарсани доимий ўқиш билан шуғулланувчи шахс оти ясайди: *китоб-хон, ғазал-хон, шеър-хон, муштум-хон* каби.

16. **-гўй** (тожикча *гуфтан* — «демоқ», «айтмоқ» феълидан). Шахснинг ясаш асоси ифодалаган нарса, воқеа-ҳодисалар билан банд бўлувчи, уни доимо айтиб туриш билан шуғулланувчи шахс оти ясайди: *насиҳат-гўй, маслаҳат-гўй, дуо-гўй, хушомад-гўй* каби.

17. **-ҳам** Шахснинг ясаш асоси орқали ифодаланган нарса, воқеа-ҳодисаларга тенг алоқадорлиги, биргалиги маъноларини англатган оти ясайди: *ҳам-суҳбат, ҳам-шашар, ҳам-қишлоқ* каби.

18. **-ий.** Киши ва жой номларига қўшилиб, шахснинг тахаллусини билдирган оти ясайди: *Наво-ий, Ҳабиб-ий, Абдулла Авлон-ий, Исломил Бухор-ий, Мирзо Самарқанд-ий, Юнус Ражаб-ий* каби.

19. **-вачча** (тожикча *бача* — «ёш бола» сўзидан). Ясаш асоси англатган шахсларга қариндошлик муносабатида бўлганлик маъносидаги оти ясайди: *хола-вачча, амма-вачча, амаки-вачча, тога-вачча* каби. Жониворларга нисбатан унинг боласи маъносида ишлатилади: *ит-вачча, мушук-вачча, кучук-вачча*.

Ҳозирги ўзбек тилида шахс оти ясовчи аффиксларнинг сўз ясаш даражаси бир хил эмас. Уларнинг айримлари, айниқса -чи аффикси, энг актив сўз ясовчи восита сифатида хизмат қилса, баъзилари, жумладан, -дош, -дор каби аффикслар оз миқдорда сўз ясайди. **-бон**, **-хўр**, **-дўз**, **-паз** каби аффиксларнинг сўз ясаш даражаси эса жуда чегараланган. Юқорида кўрсатилган **-шунос**, **-парвар**, **-хўр**, **-паз**, **-дўз**, **-боз**, **-бон**, **-дор**, **-соз**, **-хон**, **-гўй** каби ясовчи аффикслар тожик тилида мустақил сўз асосидан иборат бўлиб, ўзбек тилида ясовчи аффикс (аффиксоид) сифатида хизмат қиласди.

38- §. Предмет ва ўрин-жой отлари. Бундай отларни ясовчи аффикслар у қадар кўп эмас:

1. **-лоқ.** Ясаш асосидан англашилган нарса кўп бўлган ўрин, жой маъносидаги от ясайди: **ўт-лоқ**, **қум-лоқ**, **тош-лоқ** каби.

2. **-дон.** Ясаш асосидан англашилган нарсаларни сақлашга хосланган, шу нарса солинадиган нарсани англатадиган от ясайди: **туз-дон**, **кул-дон**, **сиёҳ-дон**, **қалам-дон**, **гул-дон**, **сурма-дон** каби.

3. **-зор.** Бу аффикс ясаш асоси англатган нарса кўп бўладиган жой маъносидаги от ясайди: **пахта-зор**, **олма-зор**, **даражат-зор**, **узум-зор**, **ўрмон-зор**, **лола-зор**, **анжисир-зор** каби.

4. **-истон.** Халқ (миллат) номини билдирувчи ёки бошқа бирор сўзга қўшилиб, шу халқ (миллат) яшайдиган мамлакат ёки ясовчи асос англатган нарса кўп бўлган жой маъносидаги от ясайди: **Ўзбек-истон**, **Тоҷик-истон**, **Арман-истон**, **Баҳор-истон**, **Гул-истон** каби.

5. **-поя.** Ясаш асосидан англашилган нарса билан боғлиқ бўлган нарса ва ўрин номини билдирувчи от ясайди: **ғўза-поя**, **беда-поя**, **зина-поя**, **шоли-поя**, **арпа-поя**, **буғдой-поя** каби.

6. **-гоҳ.** Ясаш асосида ифодаланган воқеа-ҳодисалар воқе бўладиган жой маъносидаги от ясайди: **жанг-гоҳ**, **сайр-гоҳ**, **ором-гоҳ**, **сайил-гоҳ** каби.

7. **-нома.** Бу аффиксоид ясаш асоси ифодалаган нарса билан боғлиқ ҳат, ҳужжат маъносидаги от ясайди: **гувоҳ-нома**, **шарт-нома**, **таклиф-нома**, **бахт-нома**, **айб-нома** каби.

8. **-хона.** Ясаш асосидан англашилган нарса учун хосланган, бирор иш учун мўлжалланган жой маъносини англатувчи от ясайди: **иши-хона**, **босма-хона**, **дори-хона**, **оши-хона**, **чой-хона**, **қабул-хона**, **тўй-хона** каби.

9. **-обод.** Турли сўзларга қўшилиб, ясаш асоси маъноси билан боғланган жой номларини ясайди: *Пахтабод, Мечнат-обод, Деҳқон-обод* каби.

Юқорида кўрсатилган **-поя, -нома, -хона, -обод** каби аффиксоидлар билан бир қаторда, ўзбек тилида худди шундай мустақил сўзлар ҳам мавжуд.

39-§. Мавҳум тушунчаларни англатувчи отлар ҳам катта тўдани ташкил қиласди. Бу тўдага кирган отларнинг маъноси ва қўлланиш доираси хилма-хилдир. Мавҳум отлар кўпинча китобий ва илмий услубларда кенгроқ ишлатилади. Мавҳум отлар асосан ўзбек тилининг ўз ясовчи аффикслари орқали ҳосил қилинади. Бошқа тиллардан қабул қилинган аффикслар воситасида мавҳум отлар деярли ясалмайди.

Хозирги ўзбек тилида қўйидаги аффикслар мавҳум от ясашга хизмат қиласди:

1. **-лик.** Бу аффикс турлича маъно англатадиган отлардан мавҳум отлар ясайди. Бундай ясалмаларда ясаш асоси вазифасида ҳар хил туркум сўзлари келади:

а) шахс билдирувчи отларга қўшилиб, ясаш асоси маъноси билан боғлиқ равишда ҳолат, хусусият, белги маъноларини англатган от ясайди: *бала-лик, йигит-лик, студент-лик, ўспирин-лик* каби. *Күёвлик, ака-лик, она-лик, келин-лик* каби ясалмалар ҳам шу хилдаги ҳолат, хусусият билдирувчи отларга киради;

б) ясаш асосида ифодаланган соҳа бўйича касб-ҳунар, мутахассислик маъноларини билдирувчи от ясайди: *косиб-лик, тилишунос-лик, чорвачи-лик, темирчи-лик, бригадир-лик, заргар-лик* каби;

в) бирор ижтимоий-сиёсий, илмий ҳаракат ва ўналишларга муносабат англатувчи ҳолат оти ясайди: *тинч-лик, ташкилотчи-лик, бюрократ-лик, ўнг оғмачи-лик, сўл-лик* каби;

г) баъзан бирор вазифа, мақсад ва фаолият учун мўлжалланган, шунга хосланган нарса оти ясайди: *дарс-лик* каби.

2. **-чилик (-чи+лик).** Бу мураккаб аффикс ясаш асоси англатган нарса бўйича касб-ҳунар соҳаси, ҳолат, хусусият маъноларини билдирувчи от ясайди: *деҳқончилик, мева-чилик, ўртоқ-чилик, қуда-чилик, қассоб-чилик* каби. Бу аффикс ҳам полисемантик хусусиятга эга бўлиб, хилма-хил маъноли мавҳум отлар ясайди.

Шуни эслатиш керакки, -чи аффикси бор ясама асосга **-лик** аффиксини қўшиш билан ҳосил бўлган **темирчи-лик**, **хизматчи-лик**, **лугатчи-лик** каби ясалмаларни мураккаб **-чилик** аффикси орқали ясалган **эчкичилик**, **боғдор-чилик**, **йигит-чилик**, **оила-чилик** сингари отлардан фарқ қилиш даркор.

3. **-гарчилик (-гар+чи+лик)**. Бу мураккаб аффикс турли отларга қўшилиб, ясаш асоси англатган нарса билан боғлиқ ҳолат, белги, хусусият билдирувчи отлар ясади: **одам-гарчилик**, **ёғин-гарчилик**, **лой-гарчилик**, **ошина-огайни-гарчилик** каби. Бу ўринда ҳам **-гар** аффикси бор ясама асосдан **-чилик** аффикси орқали ясалган сўзларни мураккаб **-гарчилик** аффикси воситасида ҳосил қилинган ясалмалардан фарқлаш лозим. Чоғиширинг: **савдоғар-чилик** ва **нам-гарчилик** каби. Бу сўзлар ясаш асосининг (**савдоғар** ва **нам**), шунингдек ясаш воситасининг (**-чилик** ва **-гарчилик**) бошқа-бошқа бўлиши билан ўзаро фарқ қиласди.

4. **-лаштириш (-ла+ш+тир+иш)**. Бу мураккаб аффикс **автомат-изация**, **газ-ификация** каби байнамилал сўзлар таркибидаги «-изация», «-ификация» каби қисмларни калькалаш асосида келиб чиқсан: **автомат-лаштириш**, **коллектив-лаштириш**, **радио-лаштириш**, **электрлаштириш** каби.

40- §. Феъл асосидан ясалган отлар. Аффиксация усули билан от ясалишида ясаш асоси феъл билан ифодаланган ясалмалар ҳам катта тўдани ташкил қиласди. Бундай отлар ясаш асоси ифодалаган иш-ҳаракат ва ҳолат тушунчалари билан боғлиқ равишда ҳаракат қуроли, натижаси, ҳаракат белгисининг ташувчиси, ҳолат, хусусият каби хилма-хил маъноларни англатади.

Феъл асосидан от ясалишида қуйидаги аффикслар қўлланади:

1. **-гич (-ғич, -қич, -қич)**. Ясаш асосидан англашилган иш-ҳаракатнинг қуролини, шу ҳаракатни бажаришга мўлжалланган асбобни билдирувчи от ясади. Одатда, унли ва жарангли ундош билан тугаган асосларга **-гич**, **-ғич** аффикси, жарангсиз ундош билан тугаган феъл асосларига **-қич**, **-қич** шакли қўшилади: **ўтказ-гич**, **куйтар-гич**, **ўлча-гич**, **қашла-ғич**, **елпи-ғич**, **чиз-ғич**, **кўрсат-қич**, **қис-қич**, **бос-қич**, **оч-қич**, **эрит-қич** каби.

2. **-ма**. Бу аффикс жуда маҳсулдор бўлиб, ясаш асоси англатган ҳаракат ва ҳолат билан боғлиқ нарсани

билдирувчи от ясайди: *бўл-ма, уюш-ма, ўс-ма, эслат-ма, тўқи-ма, кўрсат-ма, суз-ма, қовур-ма, пистир-ма* каби.

Бу аффикс полисемантик бўлиб, энг муҳим маънолари қўйидагилар:

а) конкрет нарса оти ясайди: *туг-ма, қўллёт-ма, қўллан-ма, ўс-ма, қотиш-ма, газла-ма, қурил-ма, сур-ма* каби;

б) урин-жой оти ясайди: *бостир-ма, торт-ма, бўл-ма, пистир-ма;*

в) ҳаракат ва ҳолат атамасини билдирувчи от ясайди: *ёзиш-ма, уюш-ма, эслат-ма, айр-ма, бирик-ма.*

г) овқат номларини ясайди: *қовур-ма, қатла-ма, димла-ма, чўз-ма, қий-ма, суз-ма* каби;

д) мавҳум тушунчаларни билдирувчи от ясайди: *терла-ма, бўғ-ма, оқ-ма, қичи-ма, устқур-ма, иситма, юкла-ма* каби.

3. **-м (-им, -ум).** Бу аффикс ясаш асоси англатган ҳаракат натижасида пайдо бўладиган нарса отини ясайди: *тўпла-м, кий-им, боғла-м, бўл-им* каби. Бу аффикс орқали муайян нарсани билдирувчи от ҳам (*кий-им, тўпла-м, тўғра-м*), мавҳум тушунчаларни билдирувчи от ҳам ясалади: *бил-им, оқ-им, тер-им, кес-им, ун-ум, тузум, чида-м, кечир-им* каби.

4. **-ги (-ғи, -ки, -қи, -ғу).** Бу аффикс ясаш асоси англатган ҳаракат қуроли, ҳолат ва нарса оти ясайди. Одатда, жарангли ва сонор ундош билан тугаган асосларга **-ги, -ғи** аффикси, жарангсиз ундош билан тугаган асосларга **-ки, -қи** аффикси қўшилади: *узан-ги, супур-ғи, чал-ғи, ёқил-ғи, чол-ғу, теп-ки, турт-ки, тутат-қи, чоп-қи* каби. Бу аффикс ҳам конкрет (*супур-ғи, чоп-қи, ёқил-ғи*) ва мавҳум маъноли от ясайди: *сев-ғи, сез-ғи, туй-ғу, ур-ғу, уй-қи* каби.

5. **-ч, -инч.** Бу аффикс асли феълнинг ўзлик даражашаклига қўшилиб, ҳаракат ва ҳолат маъносидаги мавҳум от ясайди: қувон-ч, *севин-ч, ишон-ч, суюн-ч, юпан-ч* каби. Баъзан ясаш асосига **-инч** формасида қўшилади: *қўрқ-инч* каби.

6. **-к, -қ (-ик, -иқ, -уқ, -оқ).** Бу аффикс полисемантик хусусиятга эга бўлган маҳсулдор аффикс бўлиб, асос англатган ҳаракат ва ҳолат билан боғлиқ турлича маъно билдирувчи от ясайди: *кўр-ик, теш-ик, беза-к, тилак, чиз-иқ, сол-иқ, ют-уқ, уч-уқ, ўр-оқ* каби.

Бу аффикс:

а) аниқ нарса ва ҳаракат қуроли оти ясайди: *кура-к,*

эла-к, түшә-к, пич-ок, туз-ок, тар-ок, соч-ик, ўр-ок каби;

б) ўрин-жой маъносини билдирувчи от ясайди: ўйла-к, ёт-ок, қишило-к, қўр-ик каби;

в) ҳолат, хусусият, белги маъносидаги мавҳум от ясайди: тила-к, беза-к, ют-уқ, сол-ик, қил-ик, буйр-уқ, чарчо-к, торт-ик, ўто-к каби.

7. -инди (-ин+ди). Бу аффикс ясаш асосидан англшилган ҳаракат ва ҳолатнинг бажарилиши натижасида ҳосил бўладиган нарсани билдирувчи от ясайди: йиг-инди, қир-инди, юв-инди, оқ-инди, супур-инди, чиқ-инди каби. Бу аффикс орқали ҳосил бўлган ясалма баъзан сифат бўлади: асра-нди (сақла-нди) бола каби.

8. -ин, -ун. Бу аффикс ясаш асоси англатган ҳаракат ва ҳолатнинг бажарилиши натижасида юзага келадиган нарсани билдирувчи от ясайди: эк-ин, йиғ-ин, ёғ-ин, туг-ун, бўғ-ин, қуий-ун (қуюн) каби.

9. -мак, -моқ. Қамунум аффикс бўлиб, ясаш асоси англатган ҳаракат жараёни билан боғлиқ бўлган нарсани билдирувчи от ясайди: е-мак, черт-мак, топиш-моқ, қуий-моқ, чақ-моқ, ил-моқ каби.

10. -дак, -доқ. Ясаш асоси англатган ҳаракат ва ҳолат билан боғлиқ нарса, белги, хусусият билдирувчи от ясайди: кекир-дак, югур-дак, қовур-доқ, қўн-доқ каби. Бу аффикс баъзан тақлидий сўзлардан от ясайди ва -илдоқ шаклида яхлит ҳолда келади: шақ-илдоқ, чир-илдоқ, шилп-илдоқ, ҳиқ-илдоқ каби. Бу унумсиз аффикс баъзан сифат ҳам ясайди: лик-илдоқ, сўлқ-илдоқ каби.

11. -ғин, -қин. Ясаш асосидан англашилган ҳаракат ва ҳолат жараёни номини билдирувчи от ясайди: ён-ғин, қув-ғин, қир-ғин, бос-қин, тош-қин, тўл-қин каби. Бу аффикс -ғун, -қун шаклида ҳам ишлатилади: юл-ғун, уч-қун, тут-қун каби.

12. -в, ув. Ясаш асосидан англашилган ҳаракат ва ҳолат маъноларини билдирувчи от ясайди: мақта+v=мақтов, сайла+v=сайлов, қурша+v=қуршов, учраш-ув, тортиш-ув, ёз-ув, тўқнаш-ув, ўқи+v=ўқув каби.

13. -чи, -вчи, -увчи. Ясаш асоси ифодалаган иш-ҳаракатни бажариш билан шуғулланувчи шахс оти, нарса оти ва мавҳум от ясайди: том-чи, суюн-чи, сайло-вчи, тингло-вчи, уч-увчи, ўқу-вчи, боғло-вчи, турло-вчи, терго-вчи, чайқо-вчи, ўқит-увчи каби.

14. -ш. Ясаш асосидан англашилган ҳаракат жа-

раёни оти ясайди: *үйлан-иши*, *қурил-иши*, *ўтирил-иши*, *ўти-р-иши*, *йигил-иши* каби.

-в-, -вчи, -ш аффикслари орқали от ясалиши феълнинг ҳаракат номи шакли асосида юзага келган.

Булардан ташқари, феъл асосидан от ясовчиларга қуийдагилар ҳам киради: -ит, -ат: *чиқ-ит*, *қур-ит*, *кўч-ат*; -килик: *иич-килик*; а: *тўқ-а*, *яр-а* (ёрмоқ феълидан); -чиқ; *ёпин-чиқ*, *суян-чиқ*; -дик: *ҳор-дик*, *қол-дик*, *топил-дик* каби.

41- §. Бошқа сўз туркумларидан ясалган отлар. От ва феълдан ташқари, сифат, сон, олмош, равиш ва тақлидий сўзлар ҳам от ясалишида асос бўлиб хизмат қиласди. Булар орасида сифатдан от ясалиши нисбатан активроқ бўлиб, қолган сўз туркумларидан ясалиш анча чегараланган. Шуни ҳам эслатиш керакки, бу сўз туркумларидан ясалишда қўлланувчи аффикслар миқдор жиҳатидан у қадар кўп эмас:

1. **-лик.** Сифат, сон, равиш, баъзан олмошлардан ясаш асоси маъноси билан боғлиқ белги, хусусият ва ҳолат оти ясайди: *яхши-лик*, *гўзал-лик*, *янги-лик*, *катта-лик*, *онгсиз-лик*, *эски-лик*, *бир-лик*, *бешта-лик*, *тез-лик*, *кўп-лик*, *секин-лик*, *ўз-лик* каби.

2. **-чилик (-чи+лик).** Бу мураккаб аффикс сифатлардан ҳолат, хусусият, белги маъносидаги мавҳум оғясайди: *хурсанд-чилик*, *пишиқ-чилик*, *арzon-чилик*, *номағқул-чилик*, *беадаб-чилик*, *йўқ-чилик*, *кам-чилик*, *қиммат-чилик*.

3. **-гарчилик (-гар+чи+лик).** Бу аффикс ҳам сифатлардан ясаш асоси англатган белги, хусусият ва ҳолат маъносидаги мавҳум от ясайди: *овора-гарчилик*, *сероб-гарчилик*, *шарманда-гарчилик*, *хафа-гарчилик*, *бемаза-гарчилик* каби.

4. **-чи.** Сифатлардан ясаш асоси англатган белги, хусусият билан характерланиш маъносидаги от ясайди: *қизиқ-чи*, *эски-чи*, *аҳло-чи*.

5. **-а.** Сифат ва тақлидий сўзларга қўшилиб, нарса, ҳаракат ва ҳолат маъносидаги от ясайди: *бўз-а*, *қуйқ-а*, *жизз-а*, *қаҳқаҳ-а*, *шаршар-а*, *дўмбир-а*, *дағдаг-а* каби.

6. **-ак.** Тақлидий сўзлардан нарса, белги, хусусият маъноларини билдирувчи от ясайди: *ғурр-ак*, *қарс-ак*, *варр-ак*, *бизбиз-ак*, *дардар-ак* каби.

Композиция усули билан от ясалиши

42- §. Икки ва ундан ортиқ асоснинг қўшилиши орқали от ҳосил қилиш *композиция усули билан от ясаш дейилади*. Композиция усули билан асосан қўшма отлар ясалади. Қўшма отларнинг тузилиши аслида сўз биримасига ўхшайди: қўшилувчи қисмларнинг ҳар бири мустақил сўзга тенг бўлади. Тилнинг тадрижий тараққиёти натижасида бирикма қисмлари орасидаги синтактик алоқа йўқолади, яхлит бир маъно англатган янги лексик бирлик — қўшма сўз ҳосил бўлади. Бу ҳодиса аста-секинлик билан тилда қўшма сўз ясаш қолипига айланиб қолади. Қўшма сўз ясалиши учун асос бўлган бу қисмлар ўзининг дастлабки маъносини қисман ёки бутунлай йўқотади, иккаласи биргаликда бошқа янги лексик маъно англата бошлайди. Масалан, қўзи билан қорин сўзларининг ҳар қайсиси алоҳида лексик бирлик, ўз маъносига эга. Уларнинг қўшилишидан ҳосил бўлган қўзиқорин сўзи эса аввалги сўзларнинг маъносидан бошқа маънони, бошқа нарсанинг номини билдиради. *Қўл-қон*, *Олти-арик*, *Оқ-тош*, *Қора-қишилоқ*, *олма-бош*, *Шўр-қудук* каби ясалмалар ҳам шу асосда ҳосил бўлган.

Аниқловчи билан аниқланмишга тенг қисмларнинг қўшилиб кетиши натижасида ҳосил бўлган бундай қўшма отлар асли тузилиш жиҳатидан қаратқичли бирикма (*қўқонарава*, *асалари*, *қўлқон*, *ошқозон*, *бўрижар*, *қўл-ёзма* каби) ҳамда сифатловчили бирикма тарзида бўлади: *Оққўргон*, *бешбармоқ*, *Еттисув*, *бақатерак*, *кўричак*, *ўқилон*, *Қоратепа* каби.

Таркибидаги қисмлари қандай туркум сўzlари билан ифодаланишига қараб қўшма отлар қўйидаги кўринишларга эга бўлади:

1. Икки отдан иборат бўлади. Бу қўшма отлар:
а) асли қаратувчилик муносабатида бўлган икки отнинг қўшилиб кетишидан ҳосил бўлади: *кўз-ойнак*, *билиг-узук*, *бел-боғ*, *ош-пичоқ*, *от-тўрва*, *том-орқа*, каби;
б) асли сифатловчилик муносабатида бўлган икки отнинг қўшилиб кетишидан ҳосил бўлади: *олтин-гугурт*, *тош-кўмир*, *тилла-қўнғиз*, *сада-райхон* каби.

2. Сифат ва отдан иборат бўлади: *Қора-қўл*, *Катта-қўргон*, *Оқ-сарой*, *аччиқ-тош*, *кўк-йўтал*, *оқ-қуш*, *Кўк-тош*, *Қизил-тепа*, *Янги-қўргон* каби.

3. Соң ва отдан таркиб топган бўлади: *Тўрт-қўл*, уч-

бүрчак, Уч-қўргон, Беш-ёғоч, Уч-қудуқ, беш-бармоқ, саккиз-оёқ каби.

4. От ҳамда феълнинг сифатдош ёки ҳаракат номи шаклларидан иборат бўлади: *от-боқар, бешик-терватар, туя-тортар, ўрин-босар, муз-ёрап, кунга-боқар, бўри-босар, дунё-қарааш* каби. Баъзан от билан аниқ ўтган замон шаклидаги феълнинг биркувидан иборат бўлади: *Қор-ёғди, Сой-келди, гурс-кетди, гўшт-куйди* каби.

5. Икки феълдан иборат бўлади. Бундай қўшма отларда биринчи феъл равишдош шаклида, иккинчи феъл эса сифатдош ва ҳаракат номи шаклида бўлади: *ишлиб чиқариш, исқабтопар, олиб сотар, излаб топар* каби.

6. Сон (баъзан олмош) билан феълнинг сифатдош шаклидан иборат бўлади: *беш-отар, беш-кўтарар, ўзи-бўларчилик*.

Қўшма отлардан ташқари, турғун бирикма тарздидаги отлар ҳам бўлади. Бундай отлар икки ва ундан ортиқ сўздан ташкил топади, бу сўзлар орасида аниқловчилик муносабати сақланган бўлади. Бундай бирикма таркибидаги сўзларнинг ҳаммаси биргаликда яхлит бир тушунчани англатади. Турғун бирикма тарздидаги қўши ма отларнинг кейинги қисми кўпинча учинчи шахс эгалик аффиксини олган бўлади: *меҳнат дафтарчаси, халқ маорифи бўлими, Олий Кенгаши* каби.

Турғун бирикма типидаги қўшма отлар таркибидаги сўзларнинг ўрнини ўзгартириб бўлмайди: *Бирлашган Миллатлар Ташкилоти* каби.

Булардан ташқари, русча-байнамилал сўзларни калька қилиш асосида ҳосил бўлган қўшма отлар ҳам анчагина. Ўзбек тилида, рус тилидан айнан қабул қилинган *бронепоезд, генерал-майор, социал-демократ, автостанция, магнитометр* каби ўзлаштирмалар билан бир қаторда, *фотомухбир, яримавтомат, киноюлдуз, телетомошибин, аэроиқлим* каби ярим калька типидаги қўшма отлар ҳам кенг қўлланади. Бу турдаги отлар таркибида қўйидаги байнамилал қисмлар қатнашади:

авиа (лат. avis — «құш»). Қўшма отнинг биринчи қисми вазифасида «авиацияга алоқадорлик», «шунга хослик» маъноларини англатади: *авиабўлинма, авиа-алоқа, авиамактаб, авиапуркагиҷ* каби;

авто (юнонча avtos — «ўзи»). Қўшма отнинг биринчи қисми вазифасида «ўзига хос», «ўзига алоқадор» маъноларини, шунингдек, «ўзи юрар» маъносини бил-

диради: автосурат, автойўл, автодўкон, автохўжалик, автопойга, автосуғоргич;

агро (юононча *agros* — «дала»). Қўшма отнинг биринчи қисми бўлиб, «агрономияга алоқадор» маъносини билдиради: *агроиқлим*, *агротарғибот*, *агроўрмон*, *агроқоида*, *агроминтақа* каби;

гидро (юононча *hydor* — «сув, намлик»). Қўшма отнинг биринчи қисми бўлиб, «сувга алоқадор» маъносини билдиради: *гидроиншиоот*, *гидрокимё*, *гидропарма* каби;

радио (лотинча *radio* — «нур тарқатаман»). Биринчи қисм вазифасида келиб, «радиога хос», «радиога алоқадор» маъноларини билдиради: *радиотўлқин*, *радиоўлчов*, *радиочизиқ*, *радиоалоқа*, *радиоасбоб*, *радиомарказ* каби;

фото (юононча *photos* — «ёруғлик»). Қўшма отнинг биринчи қисми вазифасида келиб, «фотографияга оид» маъносини англатади: *фотоқоғоз*, *фотомуҳбир*, *фотокимё*, *фотонусха*, *фотоҳужжат*, *фотосурат* каби;

кино (юононча *kineo* — «ҳаракат қиласман»). Қўшма отнинг биринчи қисми вазифасида келиб, «кинога алоқадор» маъносини англатади: *кинотомошабин*, *киноюлдуз*, *киносанъат*, *киномайдон*, *киноҳужжат*, *киноқисса* каби;

био (юононча *bios* — «ҳаёт»): *биоиқлим*, *биокимё* каби;

теле (юононча *tele* — «узоқ»): *телетомошабин*, *телеянгилик*, *телеҳикоя*, *телефошқарув* каби.

Аббревиация усули билан от ясалиши

43- §. Турғун бирикма қисмларини қисқартириш орқали от ясаш *аббревиация усули билан от ясаш* дейилади. Аббревиация усули билан, асосан, қисқартма отлар ҳосил қилинади. Қисқартма отлар турли муассаса ва ташкилотларнинг номини ихчамлаштириб ифодалашга хизмат қиласади: *СамДУ* — Самарқанд Давлат университети, *ЎзСЭ* — Ўзбекистон Совет Энциклопедияси, *ЎзТАГ* — Ўзбекистон телеграф агентлиги каби.

Аббревиация усули орқали от ясашда турғун бирикма қисмлари қўйидагича қисқартирилади:

1. Бирикмадаги ҳар бир сўзнинг биринчи ҳарфи олинади: *АТС*, *ГЭС* каби.

2. Бирикмадаги ҳар бир сўзнинг бош қисми олинади: *филфак*, *профком*, *диамат* каби.

3. Бирикма таркибидаги биринчи сўзниң бош қисми ва кейинги сўзларниң биринчи ҳарфи олинади: *Тошиби, ЎзТАГ, СамДПИ, СамМИ* каби.

4. Бирикма таркибидаги биринчи сўзниң бош қисми ва кейинги сўз тўлиқ олинади: *пединститут, медтехникум, драмтеатр, райсовет, агитмашина* каби.

Қисқартма отлар икки хил хусусиятга эга:

1. Қўп қисқартма отлар сўзга айланмайди, шартли қисқартмалигича қолади, ихчамлик учунгина ишлатилиди: *АТС, ГЭС, ХХР* каби.

2. Баъзи қисқартмалар эса сўзга айланади: *колхоз, совхоз, завхоз* каби. *Райком, профком, завком* сингари қисқартмалар ҳам шундай хусусиятга эга бўлиб бормоқда. Сўзга айланган қисқартмани одатдаги қўшма отларга тенглаштириб бўлмайди. Булар асли ясама сўз эмас, балки шартли қисқартмадир.

СИФАТ ЯСАЛИШИ

44- §. Бошқа сўз туркумлари сингари, сифат ҳам тўхтовсиз равишда янги сўзлар билан бойиб боради. Сифат туркуми асосан янги сўз ҳосил қилиш билан бойиб боради. Шунингдек, бошқа тиллардан, жумладан, рус тилидан янги сўзлар қабул қилиш орқали ҳам содир бўлган: *документал, актуал, диалектал, прогресив, эффектив, федератив, революцион, традицион, редакцион, реакцион* каби сифатлар рус тили орқали шу шаклида қабул қилинган. Бу сифатлардаги -ал, -ив, -он каби элементлар фақат шу сўзлар таркибидагина келади, шу таркибдан ажратилмайди. Булар ўзбекча сўзлардан янги сифат ясаш хусусиятига эга эмас. Тожик тилидан ўзлаштирилган сўзлар таркибидаги сифат ясовчи аффикслар эса асрлар давомида тилимизга сингиб кетиши натижасида ўзбекча сўзлардан ҳам сифат ясай олади. Бу аффикслар эндиликда ўзбек тилининг фаол сўз ясовчилари қаторига ўтган: *донгдор, салмоқдор, билимдон, серсув, серунум, ноўрин, беомон* каби.

Отлар сингари сифатлар ҳам аффиксация ва композиция усуллари билан ясалади. Бу икки усул орқали сифат ясашда аффиксация усули айниқса маҳсулдор ҳисобланади.

Аффиксация усули билан сифат ясалиши

45- §. Аффиксация усули билан сифат ясалишида кўпинча от ва феъл, баъзан равиш ясаш асоси вазифа-

сида келади. Бу усул билан сифат ясашда қўйидаги аффикслар қўлланади:

1. **-ли.** Бу аффикс серунум ясовчи бўлиб, турлича маъно англатган сифат ясайди: *ҳурматли, мазали, тушунарли, гайратли, маъноли, маълумотли* каби.

Бу аффикс орқали ясалган сифатлар қўйидаги маъноларни англатади: а) ясаш асоси отдан англашилган нарсага эгаликни, ўша нарсанинг борлиги, мавжудлигини билдиради: *уй-ли, милтиқ-ли, дўппи-ли, пахта-ли, бола-ли, мева-ли, муқова-ли, қопқоқ-ли, даста-ли* каби; б) ясаш асосидан англашилган нарсанинг одатдагидан кўра кўплиги, мўллиги, ортиқлиги маъноларини билдиради: *гавда-ли, ақл-ли, куч-ли, сув-ли* каби; мавҳум отларга қўшилганда ҳам шундай маъно англатган сифатлар ясалади: *ҳурматли, муруватли, мушоҳадали, интизомли, ишончли, шиддатли, унумли, билимли* каби; в) ясаш асоси феълнинг сифатдош шаклидан бўлиб, нарсанинг ундан англашилган ҳаракат-белги, ҳолат-хусусиятга эга эканлигини билдиради: *қизиқарли, қониқарли, тушунарли, етарли, ачинарли, кўринарли* каби. Бу типдаги ясалмаларда **-ли** аффикси сифатдош ясовчи **-(а)р** аффикси билан бирикиб, бир мураккаб аффиксга айланиб бормоқда: *ажабланарли, сезиларли, мақтарли, айтарли, билинарли, зерикарли* каби; г) ясаш асоси феълнинг ҳаракат номи шаклидан бўлиб, буюм-нарсанинг бирор иш учун яроқли эканлигини, ўша ҳаракат учун мосланганлигини билдиради: *чопишли, минишли, ейишли, ичишли* каби.

-ли аффикси эгалик, мавжудлик, ортиқлик маъноларини англатган айрим ясалмаларда **сер-, -дор, ба-** каби аффикслар билан синонимия муносабатида бўлади: *гайратли — серғайрат, сувли — серсув, унумли — серунум — унумдор* каби.

2. **-сиз.** Бу аффикс ҳам жуда унумли бўлиб, ясаш асоси билан боғлиқ равишда белги, хусусият, ҳолат каби хилма-хил маъноларни билдирувчи сифат ясайди. Булар қўйидагича: а) ясаш асосидан англашилган нарсага эга эмасликни, унинг йўқлиги, мавжуд эмаслигини билдиради: *сувсиз, ишилиз, хатосиз, пулсиз* каби; б) ясаш асоси англатган нарса, ҳолат кабиларнинг камлиги, етарли эмаслигини билдиради: *тузсиз, кучсиз, ҳаракатсиз, ёғсиз, тажрибасиз, ақлсиз* каби; в) ясаш асосидан англашилган буюм-нарса белгиси, ҳолат, хусусият кабиларнинг кўплиги, ортиқлиги, шу хусусият унинг дои-

мий белгисига айланганлиги маъноларини билдиради: *чексиз* (*дөнгиз*), *поёnsиз*; г) шахс, нарсанинг салбий хусусиятини, салбий ҳолатини билдиради: *онгиз*, *андишасиз*, *ахлоқиз*, *шафқатсиз*, *ҳаёсиз* каби. Бу ясовчи баъзан **бе-**, **но-** аффикслари билан синонимлик муносабатида бўлади: *поёnsиз* — *бепоён*, *тартибсиз* — *бетартиб*, *ўринсиз* — *ноўрин*, *умидсиз* — *ноумид*.

3. **-ги** (-ки, -қи). Бу аффикс ясаш асосидан англшилган ўрин ва пайтга муносабатни, унга хосланганликни билдиради: *ёзги*, *кузги*, *буғунги*, *кейинги*, *қадимги*, *тунги*, *ички*, *ташқи*, *кечки* каби. Баъзан бу аффикс орқали ясалган сифатнинг ясаш асоси вазифасида феъл шакллари келади, шундай хусусиятга эгалик маъносини билдирувчи сифат ясалади: *вайсақи*, *йиглоқи*, *сайроқи* каби.

4. **-гин** (-ғин, -кин, -ғун, -қин, -қун). Бу аффикс феъл шаклларига қўшилиб, ҳаракат ва ҳолат билан боғлиқ белги-хусусият маъноларини билдиради: *ғамгин*, *озгин*, *сўлғин*, *турғун*, *тутқун*, *кескин*, *жўшиқин*, *сотқин*, *ёрқин* каби.

5. **-гир** (-ғир, -кир, -қир, -қур). Бу аффикс ясаш асоси англатган ҳаракат ва ҳолат билан боғлиқ белги-хусусиятнинг ортиқлигини, шу хусусиятнинг кўплиги, кучли эканлигини билдирувчи сифат ясади: *сезгир*, *олғир*, *ўткир*, *топқир*, *кескир*, *чопқир*, *учқур* каби.

6. **-чоқ** (-чиқ, -чак). Бу аффикс феъл асосига дарожа шаклидан кейин қўшилиб, белги-хусусият, ҳолат маъноларини билдирувчи сифат ясади: *эринчоқ*, *мақтанчоқ*, *ялинчоқ*, *тортиңчоқ*, *чўзинчоқ*, *қизғанчиқ*, *куюнчак* каби.

7. **-к** (-ик, -ук, -ак), **-қ** (-иқ, -уқ, -оқ). Маҳсулдор аффикс бўлиб, ясаш асоси вазифасида кўпинча феъл шакллари келади. Ҳаракат ва ҳолат натижасида воқе бўладиган белги, хусусиятни билдирувчи сифат ясади: *кесик*, *чирик*, *югурик*, *етук*, *синиқ*, *юмуқ*, *тиниқ*, *юмалоқ*, *қолоқ*, *қувноқ* каби. Бу аффикснинг вариантлари ясаш асосининг унли ва ундош товушлар билан тугашига қараб танланади.

8. **-ий** (-вий). Мавҳум отларга қўшилиб, шундай нарсага алоқадорлик, унга хосланганлик маъноларини билдирувчи сифат ясади: *замонавий*, *илмий*, *ахлоқий*, *иқтисодий*, *тарихий*, *оиласвий*, *партиявий*, *мафкуравий*, *эммавий*, *марказий* каби. Бу аффикс кўпроқ араб тилидан қабул қилинган сўзлар таркибида қўлланади. Шунга кўра баъзи арабча сифатлар таркибида аффикс

сифатида ажратилмайди: *оддий, жиiddий, сунъий, ҳақ-қоний, ашаддий, жиноий* каби.

9. -и. Ясаш асоси англатган шахс, нарса, ўрин, ҳолат кабиларга хосланганлик, алоқадорлик, тегишли эканликни билдирувчи сифат ясади: *қишлоқи, чапани, зардўзи, кашири, хитойи, ироқи* каби.

10. -ма. Бу унумли аффикс феъл асосига қўшилиб, шахс ва нарсанинг ҳаракат-ҳолат билан боғлиқ турли белгисини англатувчи сифат ясади: *сайратма, кўчма, ағдарма, шилдирма, қайнатма, ясама, улама; қўшима, сочма, бурама, ҳовлиқма, сайланма; дангиллама, ғирчиллама, шалдирма* каби.

11. -қоқ, -ғоқ. Бу аффикс феъллардан сифат ясади, нарсанинг ҳаракат-ҳолат билан боғлиқ хусусиятини, белгисини билдиради: *уришқоқ, ёпишқоқ, буришқоқ, ўюшқоқ, тиришқоқ, тойғоқ, қочқоқ* каби.

12. -чан. Турли сўзларга қўшилиб, ясаш асосидан англашилган нарса, ҳаракат ва ҳолатга боғлиқ белги, хусусият билдирувчи ёки «шу нарсанинг якка ўзи билангина» маъносидаги сифат ясади: *ҳаракатчан, ишчан, кўнгилчан, бўйчан, ўйчан, уятчан, хаёлчан, сезувчан, синувчан, билувчан, кўйлакчан* каби.

13. -симон. Турли сўзларга қўшилиб, ясаш асосидан англашилган нарсага ўхшашлик маъносидаги сифат ясади: *олтинсимон, одамсимон, тухумсимон, қалқонсимон* каби.

14. -агон. Феъл асосига қўшилиб, ясаш асоси англатган ҳаракат ва ҳолат билан боғлиқ белги, хусусиятга эгаликни билдирувчи сифат ясади: *билағон, чопағон, қопағон, ўзагон, ётағон, тетағон* каби.

Феълнинг сифатдош шаклига **-мон** аффиксини қўшиш орқали ясалган сифатлар маъно жиҳатидан **-агон** аффикси воситасида ясалган сифатларга яқин туради: *ишибилармон, ўлармон, еярмон* каби. Аммо бу аффикс анча камунум хисобланади.

15. **-онғич, -овуч.** Булар ҳам камунум аффикс бўлиб, ҳаракат ва ҳолат билан боғлиқ белгининг ортиқлигини билдирувчи сифат ясади: *тепонғич, кулонғич, ҳурковуч, исковуч* каби.

16. **-чил.** Камунум аффикс бўлиб, ясаш асоси англатган белги, ҳолат, хусусиятга эгалик маъносидаги сифат ясади: *эпчил, дардчил, изчил, халқчил* каби. Сифат ва равишларга қўшилганда белгининг озлиги, кучсизлиги маъноларини билдиради: *оқчил, камчил* каби.

17. **-аки.** Бу ҳам камунум аффикс бўлиб, от, сифат, баъзан тақлидий сўзлардан сифат ясайди: қалбаки, оғзаки, зўраки, хомаки, жиззаки, жиртаки каби.

18. **-ин.** Бу аффикс от ва феъл асосларидан белги, хусусият билдирувчи сифат ясайди: эрк-ин, оташ-ин, яшир-ин, тўк-ин-соҷ-ин, тўл-ин, оч-ин-тўк-ин каби.

19. **-парвар.** Бу аффиксоид ясаш асоси англатган нарса, ҳаракат билан боғлиқ белги, ҳолат, хусусият билдирувчи сифат ясайди: ватан-парвар, сулҳ-парвар, маърифат-парвар, тараққий-парвар, инсон-парвар, соя-парвар каби.

20. **-кор, -гар.** Ясаш асосидан англашилган нарса, ҳолат, хусусиятга эгаликни, ўша билан банд бўлиш маъноларини билдирувчи сифат ясайди: фидо-кор, ха-лос-кор, исён-кор, даъво-гар, жавоб-гар, иғво-гар, исроф-гар каби.

21. **-манд.** Ясаш асоси ифодалаган нарса ва ҳолатга эгаликни билдиради: аёл-манд, орзу-манд, дард-манд, ихлос-манд.

22. **илдоқ (ил+доқ).** Бу камунум аффикс тақлидий сўзлардан сифат ясайди: лиқ-илдоқ, қақ-илдоқ, шақ-илдоқ, биж-илдоқ.

23. **-вор.** Камунум аффикс бўлиб, турли сўзлардан қиёслаш маъносидаги сифат ясайди: девона-вор, афсона-вор каби.

24. **-параст** (тожикча *парастидан* — «итоат қилмоқ», «таъзим қилмоқ» феълидан). Ясаш асоси англатган нарсага, ҳолатга ўта беридганлик, унга эътиқод қилиш маъносидаги сифат ясайди: мансаб-параст, шұхрат-па-раст, гул-параст, майшат-параст, мол-параст, амал-па-раст каби.

25. **ба-**. Ясаш асоси орқали ифодаланган нарсага ортиқ даражада эгаликни билдиради: ба-давлат, ба-ғай-рат, ба-қувват, ба-тафсил, ба-тартиб, ба-ҳайбат, ба-маъни каби. Бу аффикс **-ли**, **-дор**, **сер-** ясовчилари билан синонимия муносабатида бўлиши мумкин: бадавлат — давлатли, баҳайбат — ҳайбатли, басавлат — савлатли — серсавлат — савлатдор каби.

26. **бе-**. Отларга қўшилиб, ясаш асосидан англашилган нарсага эга эмасликни ёки унинг бир оз камлигини, етишмаслигини билдирувчи сифат ясайди: беғубор, бе-қиёс, бепул, беватан, бемаза, бегалва, бефарзанд, беха-бар, бефаросат каби. Бу аффикс орқали ясалган сифатлар кишиларга хос белги-хусусиятни (бе-меҳр, бе-ҳаё,

бе-парво, бе-ғам, бе-обрў, бе-номус) ҳамда умуман нарсаларга хос белги-хусусиятни билдиради: бе-хато, бे-руҳсат, бе-поён, бе-ҳисоб, бе-сабаб, бе-даво, бе-такрор, бе-таъсир каби. Бу аффикс баъзан -сиз ва қисман но-ясовчилари билан синонимлик муносабатида бўлади: бепул — пулсиз, бепоён-поёңсиз, бетакаллувф — тақаллувфсиз, бетоб — нотоб, бетайин — нотайин каби. Аммо бе- аффикси ҳамма вақт ҳам -сиз, но- ясовчилари билан алмашавермайди: бежирим, аммо жириմсиз, нојирим дейилмайди; бемалол, бемаҳал, бетараф, бесўнақай, беҳуд кабилар ҳам малолсиз, номалол, маҳалсиз, номаҳал, тарафсиз, нотараф, сўнақайсиз, ноҳуд, худсиз каби тарзда ишлатилмайди.

27. **но-**. Турли сўзларга қўшилиб, ясаш асоси англатган нарса, белгига эга эмасликни, унга зид эканликни билдиради: ноқулай, ноўрин, норози, номаълум, но-тўғри, ноумид, ноинсоф каби. Бу аффикс ҳам -сиз ясовчиши билан синонимлик муносабатида бўлади: ноҳақ — ҳақсиз, ноўрин — ўринсиз, ноинсоф — инсофсиз, ноумид — умидсиз. Тожик тилидан қабул қилинган айрим сўзлар таркибида бу аффикс ажралмайди: ноёб, нодон, нотоб, ноҷор, ношуд каби.

28. **сер-**. Бу аффикс ясаш асоси англатган нарса, ҳолат ва хусусиятнинг кўплигини, ортиқлигини билдиради: серчиқим, серзавқ, серсув, сершоҳ, серташвииш, серғалва, серҳосил, сергап каби.

29. **-дон**. Ясаш асосидан англашилган нарсани ортиқ даражада «билувчи», «суювчи» маъносидаги сифат ясайди: гапдон, билимдон, қадрдон, ҳисобдон каби.

30. **бад-**. Бу аффиксоид шахс ва нарсаларнинг ясаш асоси англатган маъно билан боғлиқ салбий белгисини билдирувчи сифат ясайди: бад-жаҳл, бад-башара, бад-қовоқ, бад-ном, бад-бўй, бад-ҳазм, бад-феъл, бад-нафс, бад-маст, бад-ахлоқ каби.

31. **-дор**. Бу аффикс ҳам отларга қўшилиб, ясаш асосидан англашилган нарсанинг меъёрдан ортиқлигини билдирувчи сифат ясайди: пул-дор, гўшт-дор, бўй-дор, салмоқ-дор, елка-дор, димоғ-дор каби. Бу аффикс ўрни билан ясаш асоси англатган нарса, белги-хусусият кабиларнинг мавжуд эканлиги, борлиги маъносини ҳам билдиради: ордендор, қарздор, дўкондор, байроқдор, кунгурадор. Бу ясовчи шунга ўхшаш маъно билдирувчи **-ли** аффикси билан синонимия муносабатида бўлади: жа-

рангдор — жарангли, унумдор — унумли, ширадор — ширали, жозибадор — жозибали каби.

Умуман, ўзбек тилида -ли, -дор, сер-, ба- аффикслари орқали ясалган сифатлар маъно жиҳатидан бир-бира га анча яқин туради: *гўшти — гўштдор — сергўшт, савлатли — савлатдор — серсавлат — басавлат, маъноли — маънодор — сермаъно, унумли — унумдор — серунум* каби. Аммо бу аффикслардан ҳар бирининг ўзига хос маъно ва услубий хусусиятлари ҳам бор.

32. **хуш-**. Ясаш асосида ифодаланган нарса ва ҳолат билан боғлиқ бўлган белгини билдирувчи сифат ясайди: *хушхабар, хшибичим, хушвақт, хушсухбат, хушмўйлов, хушхат, хшибўй* каби. *Хушёқмас, хушчақчақ* кабилар ҳам асос англатган маъно билан боғлиқ белги билдиради.

О, ёА М 10

33. **-намо** Ясаш асоси ифодалаган нарса, хусусият ва ҳолат кабилар билан қиёслаш, ўшанинг хусусиятига эга эканлик маъноларини билдирувчи сифат ясайди: *гарангнамо, касалнамо, мулланамо, олимнамо* каби.

34. **-ча**. Бу аффикс аслида равиш ясовчи бўлиб, сифат ясашга ҳам хизмат қиласди. Ясаш асоси англатган маъно (этник ва географик ном) билан боғлиқ хусусият билдирувчи сифат ясайди: *бухороча (бухорча) ўйин, фарғонача (кураш), ўзбекча (талаффуз), туркманча (телпак)* каби.

Булардан ташқари, қўйидаги аффикслар орқали чекланган тарзда сифат ясалиши мумкин: **бар-**: *барвақт, барҳаёт, бартараф; -бол*: *пальтобол, қўйлакбол, норинбол; -мон*: *билармон, устабузармон; -каш*: *дилкаш, пасткаш, дардкаш, ҳазилкаш, жафокаш, жанжалкаш; -шумул*: *оламишумул, жаҳоншумул; -лоқ*: *япалоқ, бақалоқ* каби.

Композиция усули билан сифат ясалиши

46- §. Хозирги ўзбек тилида композиция усули билан сифат ясалиши ҳам маҳсулдор усуллардан ҳисобланади. Композиция усулида икки ва ундан ортиқ асоснинг қўшилиши натижасида белги билдирувчи янги сўз — қўшма сифат ҳосил бўлади. Қўшма сифат қисмлари орасидаги сифатловчилик муносабатининг йўқолиши натижасида улар қўшилиб кетиб, яхлит бир лексик бирлик сифатида белги маъносини англата бошлайди ва қўшма сифатга айланади: *олачипор, қимматбаҳо, тошибақа* каби.

Қўшма сифатни сифат бирикмалардан фарқлаш

лозим. Сифат бирикма таркибидаги қисмларнинг сифатловчилик муносабати сақланган бўлади, улар бирикма ҳолида бошқа бир отга боғланади ва нарсанинг белгисини билдиради: икки хонали (ўй), беш қиррали (юлдуз), юз катакли (шашка), кўп миллатли (жамоа) каби. Шу каби хусусият предикатив синтагмага ҳам хос: лафзи ҳалол (йигит), зуваласи пишиқ (бола), кўз илғамас (дала), жаҳли тез (киши) каби.

Қўшма сифат қисмлари қайси сўз туркумларидан лигига қараб қўйидагича бўлади:

1. Икки сифатдан: олачипор, хомсемиз, қорасовуқ каби.

2. Сифат ва отдан: қоракўз, карқулоқ, шириңсўз, қимматбаҳо, текинтомоқ каби.

3. Икки отдан: ҳаво ранг, бодомқовоқ, оташқалб каби.

4. Равиш ва отдан: камунум, камқон, камсув, камган, камчиқит, камқувват, камёғин, ҳозиржавоб каби.

5. Равиш, баъзан от ва феълнинг сифатдош шаклидан: тезпишар, тезотар, кечпишар, эртапишар, тезоқар, тинчликсевар каби.

6. Сон ва отдан: бешкокил, иккиқат каби. Бундай сифат баъзан **-лама** аффикси билан ясалади: иккиюзлама, иккиёқлама каби.

7. Ясаш асоси от ва *аро* сўзидан: ҳалқаро, шаҳарлараро, мактаблараро, республикалараро, бригадалараро, районлараро.

Рус тилидан калькалаш асосида қўшма сифат ясашнинг янги турлари юзага келди:

умум- сўзини отларга қўшиб ҳосил қилинади: умумхалқ, умумдавлат, умумжаҳон, умумшаҳар, умумиттифоқ каби.

ФЕЪЛ ЯСАЛИШИ

47-§. Ҳозирги ўзбек тилида феъллар аффиксация усули билан (*тиш+ла*, *тоза+ла*, *хайр+лаш*, *кўп+ай*, *гумон+сира*, *икки+лан*, *йўл+иқ*, *йилт+ира* каби) ва композиция усули билан (*ҳикоя қил*, *ғайрат қил*, *ижод эт*, *олиб кел*, *ташлиб кет*, *очиб ташла*, *сотиб ол*, *санаб ол* каби) ясалади.

Аффиксация усули билан феъл ясалиши

48-§. Аффиксация усули билан феъл ясашда кўпинча от, сифат, сон, равиш, тақлидий сўзлар, шунингдек,

олмош ва ундовлар ясаш асоси вазифасида келади. Бу сўзларга қўшилган феъл ясовчи аффиксларнинг сўз ясаш даражаси ҳам бир хил эмас; уларнинг айримлари маҳсулдор аффикс бўлиб, жуда кўп миқдорда феъл ясашга хизмат қиласа, баъзилари чегараланган миқдорда феъл ясади.

Ҳозирги ўзбек тилида феъл ясашда қўйидаги аффикслар қўлланади:

1. **-ла.** Бу аффикс энг фаол феъл ясовчи морфемалардан бўлиб, барча сўз туркумларидан феъл ясай олади: *иш+ла*, *мушт+ла*, *ош+ла* (отдан), *оқ+ла*, *янги+ла*, *яхши+ла*, *қора+ла* (сифатдан), *ҳозир+ла*, *тез+ла*, *секин+ла* (равишдан), *туғ+ла*, *дод+ла* (ундовдан), *қиқир+ла*, *шитир+ла*, *тақир+ла* (тақлидий сўздан) каби.

-ла аффиксининг маъноси ясаш асосидан англашилган маъно билан боғлиқ равища турлича бўлади. Бу аффикс билан ясалган феъллар қўйидаги маъноларни билдиради:

1. От туркумига кирган сўзлар ясаш асоси вазифасида келади. Бундай феъллар:

а) иш-ҳаракатни асосда ифодаланган нарса орқали бажариш, шу нарса билан шуғулланиш каби маъноларни билдиради: *тиш-ла*, *ош-ла*, *туз-ла*, *қўл-ла*, *пармала*, *гул-ла*, *қоп-ла*, *варақ-ла*, *эс-ла* каби;

б) ясаш асоси ифодалаган нарсани ҳосил қилиш, юзага келтириш маъноларини билдиради: *бола-ла*, *сувла*, *могор-ла*, *даста-ла*;

в) ясаш асоси англатган нарса ҳолатига ўтиш, ўша нарсага ўхшатиш маъноларини билдиради: *буғ-ла*, *музла*, *бўғиз-ла*;

г) иш-ҳаракатнинг ясаш асоси англатган ўрин ва пайтга муносабатини билдиради: *ора-ла*, *жой-ла*, *ўринла*, *қиши-ла*, *ўрма-ла*, *уя-ла*.

2. Белги билдирувчи сўзлар (сифат, равиши) ясаш асоси вазифасида келади, шундай асос ифодалаган белги ҳолатига ўтказиши, шу ҳолатга эга қилиш маъноларини билдиради: *янгила*, *тўғрила*, *текисла*, *пастла*, *секинла*, *оқла*, *сарала*, *ҳўлла*, *тозала*, *эркала*, *тўпла*, *яхшила* каби.

3. Ундов ва тақлидий сўзлар ясаш асоси вазифасида келади, шундай асос ифодалаган ҳис-ҳаяжон ва товшни юзага келтиришни билдиради: *ҳўпла*, *тарақла*, *додла*, *войвойла*, *гумбурла*, *дукурла*.

Ўзбек тилида **-ла** аффикси орқали ҳосил бўлган бир қатор ясалмаларда сўз таркибининг, морфемалар орасидаги чегаранинг ўзгариши натижасида **-н**, **-ш** сингари айрим шакл ясовчиларнинг **-ла** аффикси таркибига сингиб кетиши ҳодисаси ҳам учрайди. Бунинг натижасида **-лан**, **-лаш** каби мураккаб аффикслар (**-ла + -н**, **-ла + -ш**) юзага келади: *таажжуб + лан*, *ажаб + лан*, *ғазаб + лан*, *ўртоқ + лаш*, *салом + лаш*, *бир + лаш* каби. Бу ясалмаларда алоҳида **-ла**, ҳамда мустақил **-н**, **-ш** аффикслари ажратилмайди, чунки тилда бу феъллар **-н**, **-ш** аффиксисиз *таажжубламоқ*, *ажабламоқ*, *ўртоқламоқ*, *бирламоқ* тарзида ишлатилмайди. Шунга кўра **-лан**, **-лаш** кабилар феъл ясовчи алоҳида мураккаб аффикслар қаторига киради.

-н, **-ш** аффикслари аслида ўзлик ва биргалик даражага шаклларини ясашга хизмат қилгани учун **-лан**, **-лаш** аффиксли ясама феълларда ҳам ўзлик ва биргалик даражага хос хусусият — бажарувчи шахснинг ўзидаги ҳолат, хусусият-белгининг ўзгариши, юз бериши ёки унда шахсларнинг биргалиги маънолари ифодаланади: *шодланмоқ*, *иккиланмоқ*, *хавотирланмоқ*, *дўстлашмоқ*, *хайрлашмоқ*, *кескинлашмоқ* каби.

Байнамилал асосдан ясалган *газлаштиरмоқ*, *планлаштирмоқ*, *экранлаштирмоқ*, *автоматлаштирмоқ* типидаги феъллар таркибидаги **-лаштир** ҳам мураккаб аффикс бўлиб, мустақил қисмларга ажралмайди.

2. **-(а)р.** Бу аффикс сифатлардан феъл ясашга хизмат қилади, шу белгига эга бўлиш, шу белги ҳолатига ўтиш маъноларини билдиради: *кўкармоқ*, *оқармоқ*, *бўзармоқ*, *ўзгармоқ*, *ёшармоқ*, *қисқармоқ*, *эскирмоқ* каби.

3. **-(а)й.** Бу аффикс сифат ва равишлардан, баъзан отлардан феъл ясайди, ясаш асоси англатган белги ҳолатига ўтиш, шу белгига эга бўлиш маъноларини билдиради: *кенгаймоқ*, *тораймоқ*, *сар(и)ғаймоқ*, *озаймоқ*, *кўпаймоқ*, *қораймоқ*, *ул(у)ғаймоқ*, *кучаймоқ*, *кеқсаймоқ*, *тиkkаймоқ*, *камаймоқ* каби. Дикк+аймоқ+диккаймоқ, *ҳурпаймоқ*, *шалпаймоқ* каби феъллар ҳам асли шу аффикс орқали тақлидий сўзлардан ясалган.

4. **-а.** Бу камунум аффикс от ва сифатлардан феъл ясайди, асосдан англашилган нарса, белги ҳолатига ўтиш, ҳаракатни шу нарсага ўtkазиш, ҳаракатнинг белгига муносабати каби маъноларни англатади: *сан-амоқ*, *ўй(и)н-амоқ*, *ош-амоқ*, *яш-амоқ*, *тун-амоқ*, *қон-амоқ*, *ат-амоқ*, *қий(и)н-амоқ*, *бўш-амоқ* каби. Мисоллардан кўри-

надики, бу аффикс ёрдамида феъл ясашда асос маълум фонетик ўзгариш учрайди. *Йилтир-а, шилдир-а, жилдир-а* кабилар ҳам шу аффикс билан ясалган.

5. **-сира.** Бу аффикс от ва олмошлардан феъл ясайди, асосдан англашилган нарсани исташ маъносини билдиради: *сув-сирамоқ, уйқу-сирамоқ, хавф-сирамоқ, қонсирамоқ, гумон-сирамоқ, ҳадик-сирамоқ, сен-сирамоқ, сиз-сирамоқ, ёт-сирамоқ* каби.

6. **-к(-ик), -қ(-иқ).** Турли сўзларга қўшилиб, ясаш асосидан англашилган нарса таъсирига ўтиш, белги-хусусият, ҳолатига ўтиш маъноларини билдиради: *кўз-икмоқ, кеч-икмоқ, бир-икмоқ, чин-икмоқ, зўр-икмоқ, йўл-икмоқ, зор-икмоқ* каби.

7. **-ира.** Камунум аффикс бўлиб, асосан, тақлидий сўзлардан феъл ясайди, тақлидий сўз ифодалаган ҳолатга ўтиш маъносини билдиради: *йилт-ирамоқ, милт-ирамоқ, ялт-ирамоқ, қалт-ирамоқ, шарқ-ирамоқ* каби.

8. **-и.** Камунум аффикс бўлиб, от ва сифатлардан феъл ясайди: *чангимоқ, бойимоқ, тинчимоқ* каби.

Юқоридагилардан ташқари, ҳозирги ўзбек тилида *ҳайқирмоқ, камситмоқ, қизиқ-синмоқ* каби ясалган феъллар ҳам мавжуд.

Композиция усули билан феъл ясалиши

49-. §. Композиция усули билан қўшма феъллар ясалади. Одатда, қўшма феъллар икки ва ундан ортиқ асоснинг бирикувидан ҳосил бўлади, улардан яхлит бир маъно англашилади. Икки ва ундан ортиқ сўз (асос) бирикиб, қўшма феъл ҳосил қилганда, улар орасида синтактик алоқа бўлмайди: ...осмон энди ўз фарзандига қараган онадай бирдан мулойимлашиди-ю, борлик бўлакча бир майнлик касб этди. (О. Е.)

Қўшма феълнинг шахс-сон ва замон билан тусланишини кўрсатувчи шакл ясовчи аффикслар ҳар вақт кўмакчи феълга қўшилади: Ҳали бола экан, менга узоқдан *Кўкар, юксал, дея айладинг хитоб.* (Ҳ. О.) Чол лабини тишлаб ўйланаб қолди. (О.) *Машраб ...қишлоққа бир кўз ташлади-да ўрнидан турди.* (О. Е.)

50-. §. Қисмларининг қайси сўз туркумидан бўлишига қараб қўшма феъллар икки турга бўлинади:

1. «От, феъл» тузилишли (феъл бўлмаган сўз билан феълдан таркиб топган) қўшма феъллар: *таъзим қилмоқ, ғайрат қилмоқ, фикр қилмоқ* каби;

2. «Феъл+феъл» тузилишли (икки феълдан таркиб

топган) құшма феъллар: олиб бормоқ; сотиб олмоқ, олиб қочмоқ, циқиб кетмоқ каби.

51- §. «От+феъл» тузилишли құшма феъллар. Бундай құшма феъл таркибидаги қисмлар аслида объект билан ҳаракат муносабатини күрсатса ҳам, құшма феъл таркибида улар орасидаги синтактик алоқа күчсизланыб, әр иккі қисм яхлит ҳолда бир умумий лексик маънони англаты бошлайды, яъни семантик ва грамматик жиҳатдан үзаро узвий боғланиб кетиб, бир бутун лексик бирликни ташкил қылади. Бу тип құшма феълларнинг биринчи қисми вазифасида от, сифат, сон каби туркум сўзлари келади, иккинчи қисм вазифасида қилмоқ феъли қўлланади. Бу хилдаги құшма феълларда қилмоқ феъли биринчи қисмиде ифодаланган нарса, белги, хусусиятга, даража ва миқдорга эга қилиш, ӯшанга хос қилиш, шу ҳолатга келтириш каби маъноларни англатади: вафо қилмоқ, эълон қилмоқ, катта қилмоқ, (режани) юз қилмоқ каби. Биз, ўқитувчилар тўққиз йил давомида сени кўзимизнинг нури, қалбимизнинг ҳарорати билан парвариши қилдик. (А. Қ.)

Килмоқ кўмакчи феълининг синоними сифатида этмоқ, айламоқ феъллари қўлланади: қабул қилмоқ — қабул этмоқ — қабул айламоқ, обод қилмоқ — обод этмоқ — обод айламоқ каби. Ҳозирги ӯзбек тилида айламоқ феъли нисбатан камроқ ишлатилади: Зиёфат, келди-кетди аллапаллагача давом этди. (О.) Үзингни бос, ҳовлиқма, сабр эт (У.) Пахтазорлар қўйнида мардана жавлон айлайн. (У.)

Баъзан кўрсатмоқ феъли қилмоқ, этмоқ феълларига вазифадош бўлиб келиши мумкин: Айниқса Хадича холанинг вазияти мажлисга кўп таъсир кўрсатди. (О.)

«От+феъл» тузилишли құшма феълларда иккинчи қисм бўлмоқ феъли билан ҳам ифодаланади: тамом бўлмоқ, тажсанг бўлмоқ, хафа бўлмоқ, сарсон бўлмоқ, овора бўлмоқ каби.

Бўлмоқ феълининг құшма феъл таркибида иккинчи қисм сифатида келишини бу феълининг от кесим таркибида боғлама вазифасида келишидан (студент бўлди, инженер бўлади каби) фарқлаш керак. Бўлмоқ феъли боғлама вазифасида келганда құшма феъл ясалмайды, балки содда сўз боғлама билан ишлатилган бўлади, холос. Бу вақтда бўлмоқ феълини бошқа боғлама билан алмаштиrsa бўлади: Самимий айтилган сўз содда бўлади. Чунки дилнинг ҳукмронлиги тилдан

устун бўлади. (F. F.) Яхши одамнинг боқишилари ҳам доим гўзал бўлади. (M. Ибр.) Мисоллардаги бўлмоқ феълини -дир боғламасига (соддадир, устундир, гўзлайдир шаклида) алмаштириш мумкин.

Бўлмоқ феъли қўшма феълнинг қисми вазифасида келса, уни боғлама билан алмаштириб бўлмайди: *Юртни обод қиласман деган киши ўзи обод бўлади.* (A. К.) *Ҳар баҳорда шу бўлар тақрор, Ҳар баҳор ҳам шундай ўтади.* (Ҳ. О.) Мисоллардаги бўлмоқ қисмини -дир боғламаси билан алмаштириб бўлмайди.

От ва отлашган сўзлар билан қўймоқ, чиқармоқ, олмоқ, боғламоқ, кўрмоқ, тутмоқ, кечирмоқ, ташламоқ каби феълларнинг бирикишидан асли фразеологик бирликлар ҳосил бўлади; бундай бирликларни от + феъл тузилишли қўшма феъллар қаторига киритиш тўғри бўлмайди: *кўнгил қўймоқ, ном чиқармоқ, дам олмоқ, умид боғламоқ, йўл тутмоқ, қўлга олмоқ, кун кечирмоқ, қадам ташламоқ, фикрга келмоқ, кўздан кечирмоқ.* Бу хил бирликларнинг маъноси унинг таркибидаги қисмларнинг тўғри маъносидан келиб чиқмайди, балки ҳар икки қисм яхлитлигига кўчма маъно англаради. Масалан, *Ая, ортиқча ташвиш тортманг.* (О.) *Узун коридордан ўнинчи палатага йўл олдик.* (А. К.)

52- §. «Феъл + феъл» тузилишли қўшма феъллар. Қўшма феълнинг бу тури икки феълнинг бирикувидан ҳосил бўлади. Биринчи қисм одатда феълнинг -а, -й ҳамда **-б(-иб)** равишдоши шаклида бўлади. Қўшма феъл таркибидаги қисмлар ўзаро биришиб, уларнинг маъносидан фарқ қилган янги маъно англаради: олиб бормоқ, олиб келмоқ, сотиб олмоқ, ташлаб кетмоқ. *Омборчилар билан мени таниширинг, колхоздан от-арава олиб беринг, ўзим ташиб қўяман.* (О.) *Аваз сурувдан қолиб кетган иккита қўзичоқни олиб келди.* (П. К.) Бундай қўшма феъл яхлитлигига янги лексик маъно англаши билан нутқда мустақил ва ёрдамчи феълдан тузилиб, иккинчи қисм тугалланганлик, тақрор, давом, бошланиш каби турлича маъноларни ифодаловчи анализик шакллардан фарқ қиласди: *олиб келмоқ — феъл, айтиб юбормоқ — анализик шакл каби.* Ҳозирги ўзбек тилида икки феълдан ташкил топган қўшма феъллар у қадар кўп эмас: *чақириб келмоқ, тортиб олмоқ, қайтариб олмоқ* каби. Аммо анализик шакллар нутқда жуда кўп ишлатилади: *айта бошламоқ, айтиб қўймоқ, айта қолмоқ, айтиб юбормоқ* каби.

Равиш ясалиши

53- §. Равишилар ҳам аффиксация ва композиция усуллари билан ясалади. Равиш ясалиши системасида аффиксация усули билан равиш ясалишида от, сифат, олмош каби туркум сўзлари ясаш асоси вазифасида келади.

54- §. Аффиксация усули билан равиш ясалиши. Аффиксация усули билан равишилар қўйидаги аффикслар билан ясалади:

1. -ча. Бу аффикс от, сифат, олмош, равиш ва феълларга қўшилиб, иш-ҳаракатнинг қай тарзда бажарилишини, ясаш асосида ифодаланган нарса, белги, ҳолат ва хусусиятга ўхшатилганликни, қиёслашни англатган равишилар ясади: *шошганча, болача, йигитча, яширинча, эскича, сизча, атрофлича, илгаригича, бултургича, қисқача, ўзимча, истаганча* каби.

Тоғадан, янгалардан яширинча у билан бир-икки марта кинога тушибди. (О.)

Бу аффикс бевосита негизга қўшилганидек, эгалик, баъзан келишик аффиксларидан кейин ҳам қўшилиб келади: *сиз-ча — сизнинг-ча, ўзим-ча, сен-ча — сенинг-ча* каби. Анчадан кейин Қаландаров худди ўзича гапиргандай деди... (А. К.)

2. -часига. Бу аффикс турли сўзларга қўшилиб равиш ясади, иш-ҳаракатнинг ясаш асоси англатган нарса, белги-хусусиятга қиёс қилинганлиги, ҳаракатнинг бажарилиш усули маъноларини билдиради: *ҳарбийчасига, аскарчасига, очиқчасига, қаҳрамончасига* каби. Бу аффикс аслида -ча ясовчиси ҳамда эгалик аффикси билан жўналиш келишиги аффиксининг қўшилиб кетишидан ҳосил бўлган (*ча+си+га*). Бу аффикс таркибига сингиб кетган эгалик ва келишик аффикслари ўзининг маъноси ва шакл ясовчилик хусусиятини йўқотади: *Ўқтам маҳоркани фронтчасига ўраб, тутунини ҳузур қилиб сўрди*. (О.) Холбек унинг оёғидан ушлаб юқори кўтариб юборди, Турди чалқанчасига йиқилиб тушибди. (П. К.)

3. -ларча. Бу аффикс от, сифат каби сўзлардан равиш ясади, ясаш асоси англатган нарса, белгига ўхшатиш, ҳаракатнинг бажарилиш усули маъносини билдиради: *йигит-ларча, полвон-ларча, қадрдон-ларча, ўртоқ-ларча, ота-ларча, катта-ларча, дўст-ларча, болаларча* каби. Бу аффикс ҳам тузилиш жиҳатидан мурак-

каб бўлиб, кўплик белгиси -лар ва -ча аффиксининг бирикишидан ҳосил бўлган: *Йигитнинг кўнгли тинчиди ва айборларча табассум билан қаради.* (О.) *Шу пайт... фурожкасини чапаниларча қўндириб олган бир капитан пайдо бўлди.* (О. Ё.) *Турди гуноҳкорларча бошини қўйи солиб, Ортиқдан мадад кутди.* (П. К.)

4. **-лаб.** Бу аффикс ёрдамида от, сифат, равиш туркуми сўзларидан равиш ясалади, ҳаракатнинг бажарилиш ҳолатини, пайтини ва миқдорини билдиради: *йил-лаб, ҳафта-лаб, яхши-лаб, боп-лаб, қулочкаш-лаб, кеча-лаб, ой-лаб, саҳар-лаб, кўп-лаб, кило-лаб, тонна-лаб* каби.

5. **-дек, -дай.** Бу аффикс орқали ясалган равишлиар ҳаракат ва ҳолатнинг ясаш асосида ифодаланган нарса ёки белги-хусусият билан ўхшашлигини, қиёслашни билдиради: *тоғ-дек, от-дек, лочин-дай, қадимги-дай, илгариги-дек, аввалги-дек, бугунги-дай, гул-дай* каби. Қаландаров эртасига кундагидай саҳарда идорага чиқди. (А. К.) У гўё туғилиб ўсган қишлоғини кўрмоқчидай бошини кўтариб ҳаяжон ва соғинч билан узоқларга тикилди. (О.)

6. **-она.** Бу аффикс турли сўзларга қўшилиб, иш-ҳаракатнинг белгисини ясаш асосидан англашилган нарса, воқеа-ҳодисага таққослаш, ўхшатиш маъноларини билдиради: *мард-она, қаҳрамон-она, олим-она, камтар-она, шоир-она, холис-она, муғамбир-она, оқил-она, ғолиб-она* каби. Бу аффикс, одатда, тожик тилидан қабул қилинган сўзлар таркибида қўлланади: У ўйлабнетиб ўтирмаи тўппа-тўғри Чўтири холанинг ғарибона кулбаси томон юриб кетди. (Мирм.) Давлатбеков ўзини осойишта тутар, Эшмурод акага муғамбирона кўз ташлар эди. (П. К.)

7. **-ига (-сига).** Бу аффикс ёрдамида ясалган равишлиар иш-ҳаракатнинг бажарилишини бирор жараён, ҳолатга ўхшатиш йўли билан, унинг қай тарзда бажарилишини англатади: *кўндаланг-ига, баравар-ига, бирдан-ига, қатора-сига, ёппа-сига, сидирға-сига* каби. Бу аффикс ҳам келиб чиқиши жиҳатидан эгалик ва жўналиш келишиги аффикслари билан боғланган: Қатора-сига қурилган ҳужраларнинг бир томони — инженерлар ётоказаси... (А. Мух.) Ҳамма участкаларда ёппасига қизғин терим давом этар эди. (О.)

8. **-ан.** Бу аффикс араб тилидан қабул қилинган сўзлар таркибидагина ажратилади: *руҳ-ан, мажбур-ан,*

қатъий-ан (қатъиян), виждон-ан, тасодиф-ан каби. (Бу аффикс араб тилида тушум келишиги белгиси ҳисобланади): Трамвайдан тушиб кетаётганда тасодифан Ко-милани учратиб қолди. (О.) Менинг бундан ҳам катта мажбуриятим — ҳалол бўлиш, элу юрга вижданан хизмат қилиш. (П. К.)

Юқорида кўрсатилган аффикслардан ташқари, -лай (-лайн), -ин каби аффикслар ҳам турли сўзларга қўшилиб, иш-ҳаракатнинг белги, хусусиятини билдирувчи равиш ясашга хизмат қиласди: бутун-лай, тирик-лай, хом-лайн, яшир-ин, олд-ин каби.

Ўзбек тилида пайт, белги, миқдор, ўрин маънолари ни билдирувчи айрим сўзлар жўналиш, чиқиш ва ўрин-пайт келишиги аффиксларини олган ҳолда равишга айланни мумкин: зимдан, тубдан, қўққисдан, бирдан, зўрга, жўрттага каби. Бу каби ясалмаларда келишик аффикси шакл ясаш хусусиятини йўқотади ва сўзнинг лексик маъно англатувчи қисмига сингиб кетади. Сўзнинг шу келишик шаклида қотиб қолиши натижасида равишлишиш ҳодисаси юз беради. Албатта, воситали келишик шаклида келган ҳар қандай сўз ҳам равишга айланавермайди. Қуйидаги ҳолларда равишлишиш ҳодисаси юз бериши мумкин:

а) сифат, сон ва равишилар чиқиш келишиги шаклида равишга айланади: янгидан, чиндан, ёлғондан, бирдан, қўққисдан, тўсатдан каби. Масалан: Сауда ёлғондан хайрон бўлиб колди (А. К.)

б) айрим феъл шакллари чиқиш келишиги шаклида равишга айланади: шошмасдан, қайтадан, ўйламасдан, индамасдан, чарчамасдан каби. Масалан: Мендан сўра: доно қушларнинг Чарчамасдан, сира тинмасдан... Ипак тикишини энди биламан. (Х. О.) Чакмонининг икки енгини хуржунга ўхшатиб елкасига ташлади-да, шошмасдан орқага қайтди. (П. К.)

55- §. Композиция усули билан равиш ясалиши. Композиция усули билан қўшма равишилар ясалади. Таркибидағи қисмларининг қандай сўзлардан бўлишига қараб қўшма равиш қуйидагича ҳосил қилинади:

1. Ҳар белгилаш олмоши билан ўрин ёки пайт маъносини билдирувчи сўзларнинг бирикувидан ҳосил бўлади: ҳар вақт, ҳар лаҳза, ҳар гал, ҳар маҳал, ҳар он, ҳар замонда каби. Мисоллардан кўринадики, бу сўзлар келишик шаклида ҳам келади: *Қизлар ўнинчини ту-*

*затгач, ҳар вақт шундай бўладими? — ўйларди она.
(Мирм.) Аваз ҳар гал тоғдан мамнун бўлиб қайтар
эди. (П. К.)*

2. Равиш билан от, равишининг бирикувидан ҳосил бўлади: ҳали замон, наридан бери каби.

3. Бир сўзи билан ўрин, пайт ва миқдор билдирувчи сўзларнинг бирикувидан ҳосил бўлади; бу сўзлар келишик формасида ҳам келиши мумкин: *бир вақт, бир маҳал, бир йўла, бир зумда* каби.

4. Айни бир отни, сонни орага *-ма, ба-* элементини қўшиб такрорлаш билан, шунингдек айни бир сифатни чиқиш ва бош келишикда такрорлаш билан, айни бир от ва сифатни чиқиш ва жўналиш келишикларида такрорлаш билан, ўз олмоши такрорини эгалик ва чиқиш келишиги аффикслари билан ҳам ишлатишда равиш ясалади: *юзма-юз, сўзма-сўз, учма-уч, дам-бадам, қўлма-қўл, бирма-бир, қуруқдан-қуруқ, тўғридан-тўғри, бекордан-бекорга, кундан-кунга, ўз-ўзидан* каби.

МОРФОЛОГИЯ

ГРАММАТИКА ВА УНИНГ ВАЗИФАСИ

56- §. Грамматика (юонча *grammatike* — «ёзиш санъати») сўз ва гап қурилиши, гапда сўзларнинг боғланиши ҳақидаги фандир. «Грамматика» термини тилшуносликда икки маънода қўлланади. У, аввало, тил қурилишининг таркибий қисми бўлган грамматик қурилишни англатади. Айни замонда шу грамматик қурилишга хос қонуниятларни илмий асосда ўрганадиган фаннинг номини ҳам билдиради. Шунга ўхшаш «грамматик қоида», «грамматик қонун» каби бирикмалар ҳам, биринчидан, грамматик қурилишга тегишли, унда мавжуд бўлган нарсани, иккинчидан, грамматика фани томонидан белгиланган формулаларни, тилга хос бўлган қонуниятлар таърифини англатади.

Тилнинг грамматик қурилиши унинг муҳим структура белгиларидан биридир. Грамматик қурилиш киши абстракт фикрлаш фаолиятининг жуда катта тажрибалари, натижаларининг умумлашмасидан иборат. Грамматик қурилишнинг муҳим белгиларидан бири унинг аста-секинлик билан ўзгариши, ўз қоидаларини такомиллаштира бориши бўлиб, бу ҳодисани тарихий грамматика ўрганади.

Ҳар бир тил ўз грамматик қурилишига эга, у бир неча асрлар давомида ташкил топган бўлиб, тилнинг барча диалектларидан тортиб унинг қайта ишланган юқори шакли — адабий тил учун ҳам умумийдир. Шу сабабли грамматик қурилишни ўрганувчи фан сифатида грамматика ҳам ягона, умумхалқ тили меъёрини яратиш ва уни тартибга солишга ёрдам беради. Грамматик қонуниятлар махсус ифода воситаларига эга, улар грамматик морфемалар, ёрдамчи сўзлар, интонация, сўз тартиби каби воситалар орқали ифодаланади. Грамматик воситалар мавҳум умумий муносабатларни ифодалашга хизмат қиласди. Грамматик воситалар йиғиндиси, уларнинг ўзаро муносабати эса тилнинг грамматик қурилишини ташкил қиласди.

57- §. Грамматик қонуниятлар умумлаштирувчилик хусусиятига эга. Чунки грамматик қоидалар алоҳида, якка олинган сўз ёки гаплар асосида юзага келмайди, балки сўз ва гапларда мавжуд бўлган умумий ҳодисаларни ўрганиш орқали ҳосил бўлади. Масалан, *келди*, *ёзди*, *югурди*, *кулди*, *ишлади*, *қариди*, *ухлади* каби сўзларнинг ҳар қайсиси ўзининг алоҳида лексик маъносига эга. Бу маънолар лексикологияда текширилади. Грамматика эса шу сўзларнинг ҳаммаси учун умумий бўлган ҳаракат ва ҳолат билдириш ҳодисасини ўрганади ва уларни бир категорияга бирлаштиради. Феълнинг шахс-сон аффикси билан ўзгариши унинг муҳим хусусиятларидан биридир. Тилда мавжуд бўлган ҳаракат-ҳолат билдирувчи барча сўзларнинг шу хусусиятини умумлаштириш асосида феълнинг шахс-сон категорияси ҳақидаги қоидалар юзага келади: *мен келдим*, *сен келдинг*, *у келди*, *Карим келди*, *баҳор келди*, *хат келди*, *биз келдик*, *сиз келдингиз* каби. Бу эса грамматик умумлаштириш, грамматик абстракция қилишdir. Отнинг келишик билан турланиши бошқача хусусиятга эга бўлган иккинчи хил грамматик абстракциядир: *шаҳар*, *уй*, *бала*, *мактаб*, *китоб*, *дала*, *ёшлик*, *гул* каби сўзлар бошқа-бошқа маъно англатишидан қатъи назар, тилдаги бошқа отлар сингари келишиклар билан турланади: *шаҳарнинг*, *шаҳарни*, *шаҳарга*; *уйдан*, *уйда*; *болани*, *болага*, *мактабда*, *мактабнинг* каби. Демак, маълум грамматик конструкцияларнинг маъно ва характеристери аниқланганда, фақат бу маънонинг умумийлик, абстрактлик хусусиятига эътибор берилади. Чунки тилда ҳамма вақт абстракция, умумийлик мавжуддир.

МОРФОЛОГИЯ ВА СИНТАКСИС, УЛАРНИНГ ҮЗАРО МУНОСАБАТИ

58- §. Грамматика икки қисмга — морфология ва синтаксисга бўлинади. Морфология ҳам, синтаксис ҳам ўз текшириш объектига эга бўлиб, улар бир-бири, билан узвий равишда боғланган.

Морфология (грекча *μορφή* — «шакл», *logos* — «таълимот») сўзларнинг грамматик хусусиятлари ҳақидаги таълимотdir. Морфологияда сўзниң ӯзгариши ва шу ӯзгариш билан боғлиқ бўлган маънолар, сўзниң тузилиши ва таркиби ўрганилади. Сўзларнинг ӯзгариши умумий структура белгиларига эга бўлган сўз группалари билан боғланган, шунинг учун морфология маълум белгилари асосида бир-биридан фарқ қилган сўз группаларини — сўз туркумларини ҳам текширади.

Синтаксис (грекча *syntaxis* — «тузиш») гапнинг грамматик хусусиятларини, гап қурилиши ва турларини текширади. Гап қурилиши учун оҳанг, сўзларнинг бирикиши, предикативлик ва сўз тартиби каби синтактик воситалар мухимdir.

Морфология билан синтаксиснинг бир-биридан фарқи шундаки, морфологиянинг текшириш объекти — сўз. Ўнда сўзниң уёки бу формалари, хусусиятлари таҳлил қилинади. Синтаксиснинг текшириш объекти гап бўлиб, гап тузилиши, сўз бирикмалари ва сўзларнинг боғланиш йўллари таҳлил этилади.

59- §. Морфология сўзни тил системасида олиб қарайди, алоҳида сўз шакллари ва уларнинг қандай боғланлигини аниқлайди. Масалан, бош келишикдаги *шаҳар*, *пахта* сўzlари қаратқич келишигига *шаҳарнинг*, *пахтанинг*, чиқиши келишигига *шаҳардан*, *пахтадан*, тушум келишигига *шаҳарни*, *пахтани* каби шакллар билан боғланган. Шунингдек, *кўрдим*, *кўрганман*, *кўраман*, *кўрарман*; *тердинг*, *терасан*, *тергансан*, *терарсан* каби шакллар ҳам ўзаро боғланган. Демак, морфология турланиш ва тусланишнинг хусусиятларини текширади, сўзниң морфологик таркиби, унинг шакллари ва грамматик маънолари, сўз туркумлари ва уларга хос сўз ясаш йўлларини ўргатади.

Синтаксисда фикрни ифодалаш учун сўзларнинг боғланиши, гап тузилиши ва турлича синтактик муносабатлар текширилар экан, демак, морфологиядаги тур-

лича сўз шакларининг (*шаҳар*, *шаҳарнинг*, *шаҳардан*, *шаҳарни* каби) гапда бошқа сўзлар билан синтактик алоқаси, гап қурилишида шу шакларнинг қандай вазифада келганлиги кабилар аниқланади.

60- §. Маълумки, морфология билан бир қаторда, лексикология ҳам сўзларни текширади, сўз морфологияда ҳам, лексикологияда ҳам асосий текшириш объекти ҳисобланади. Ҳар бир сўз мураккаб лексик-грамматик бутунликни ташкил этади. Сўзниң лексик маънолари йиғиндиси унинг лексик бирлик эканлигини билдиrsa, грамматик формалар мажмуаси ва улар англатган грамматик маънолар сўзниң грамматик бирлик эканлигини кўрсатади. Шу сабабли сўзлар, бир томондан, лексикологияда ва, иккинчи томондан, морфологияда тамоман бошқа-бошқа нуқтаи назардан, бошқа мақсадда ўрганилади. Лексикологияда сўзлар тилниң лексик таркибини, унинг лексик системасини белгилаш, сўзниң лексик маъноси, услугубий хусусиятлари, қўлланиши ва бойиб бориш ўйларини аниқлаш нуқтаи назаридан ўрганилса, морфологияда эса сўз ўзгаришига хос грамматик қоида ва қонуниятларни белгилаш, грамматик маъноларни ифодалаш воситаларини аниқлаш мақсадида ўрганилади. Масалан, *дараҳт*, *бино*, *қуш*, *болалик*, *баҳор*, *қишлоқ* каби сўзлар бошқа-бошқа лексик маънога эга бўлиб, лексикология шу маъноларни, уларниң услугубий ва қўлланиш хусусиятларини текширади. Морфологияда эса бу сўзлар бир хил умумий хусусиятга эга бўлган тил ҳодисаси бўлиб, уларниң предметликни англатиши, келишик, эгалик, грамматик сон сингари категорияларни кўрсата олиши ва бошқалар аниқланади.

Морфологияниң вазифаси фақат сўз формалари ва улар англатган умумий грамматик маъноларни ўрганиш билан чекланмайди. Луғавий бирликларниң семантические формал хусусиятларини аниқлаш асосида белгиланган сўзларниң лексик-грамматик категорияларини, яъни сўз туркumlари ҳақидаги таълимот ҳам морфологияга киради.

Демак, морфология сўз ҳақидаги, унинг морфологик структураси, шакли ва улар англатган грамматик маънолар ҳамда сўз туркumlари ва уларга хос грамматик категориялар ҳақидаги грамматик таълимот дидир.

61- §. Сўз киши онгидаги, борлиқдаги нарса, ҳаракат, белги ва ҳодисалар ҳақидаги тушунчани билдиради. Тушунча эса борлиқнинг киши онгига акс этиши натижасида ҳосил бўлади. Сўзниңг тушунча англатиши сўз лексик мањносининг асосини ташкил этади, лексик мањно ҳар бир сўзда индивидуал бўлади. Аммо мустақил сўзлар фақат биргина лексик мањно англатиб қолмай, балки ўзаро боғланган бир қанча қўшимча мањноларни ҳам англатади. Масалан, *пахталар*, *китоблар*, *ўқувчилар*, *колхозчилар*, *ишладилар*, *келдилар*, *ўқиётирлар* каби сўзлар, лексик мањнодан ташқари, бошқача мањнони ҳам билдиради. Бундай мањно фақат бир сўз учунгина хос бўлмай, балки сўзлар группаси учун умумий бўлади. Масалан, *пахталар* сўзи техника экинини англатади, *китоблар* сўзи ўқув қуролини, *колхозчилар* сўзи бир жамоа хўжалигида ишловчи кишиларни билдиради; *келдилар*, *ишладилар* сўзлари эса бирор томонга қараб ҳаракат қилиш, бирон иш билан шуғулланишини англатади. Булар — шу сўзларнинг лексик мъноси. Бу сўзларда қўшимча мањно — кўплик мањнози ҳам ифодаланади. Сўзлар гуруҳи учун хос бўлган бундай умумий мањнолар грамматик мањно дейилади. Демак, ҳар бир мустақил сўзда икки хил мањно — лексик ва грамматик мањно ўзаро боғланган ҳолда биргаликда ифодаланади. Жумладан, *қўшиқчи*, *ўйинчи*, *дугорчи* каби сўзларнинг ҳар бирида моддий лексик мањно — қўшиқ айтиш, ўйнаш ва дугор чертиш билан шуғулланувчи шахс мањнози ҳамда грамматик мањно — бирлик сон, бош келишик мањнолари биргаликда ифодаланади.

Сўзниңг лексик мањнози аниқ ҳам, мавҳум ҳам бўлиши мумкин. Масалан, *қалам*, *китоб*, *йигит*, *гул*, *бино* сўзлари конкрет предмет мањносини англатса, *бахт*, *садоқат*, *мундариж*, *ақл*, *ватанпарварлик* каби сўзлар мавҳум мањнога эга. Грамматик мањно, одатда, мавҳум тушунчадан иборат бўлиб, шу хилдаги бошқа тушунчалар билан бирга сўзниңг лексик мањнозига қўшимча тарзда ифодаланади, гап қурилиши системасида сўзниңг вазифаси ва ўрнини белгилайди. Масалан, келишик шакллари отнинг бошқа сўзлар билан синтактик алоқасини кўрсатади, унинг гапда эга, тўлдирувчи, аниқловчи, ҳол вазифаларида келишини таъминлайди.

Грамматик маънолар ўз хусусиятига қараб иккига бўлинади: 1) категориал грамматик маъно; 2) хусусий грамматик маъно.

1. Сўзниң категориал грамматик маъноси маълум сўз туркумлари учун хос умумий грамматик маънолардан иборат. Масалан, отнинг «предметлик» маъносини билдириши, сифатнинг «белги» маъносини, феълнинг «ҳаракат» маъносини англатиши шу сўзларга хос категориал грамматик маъноларга киради.

2. Сўзниң хусусий грамматик маъноси конкрет сўз туркуми учун мос бўлиб, махсус воситалар орқали ифодаланади. Масалан, отларга хос эгалик, грамматик сон, келишик маънолари, феълларга хос шахс-сон, замон, майл, нисбат-даражага маъноларининг ҳар қайсиси хусусий грамматик маъноларга киради.

62- §. Ўзбек тилида грамматик маъно қўйидаги усуллар билан ифодаланади:

1. Асосга грамматик маъно билдирувчи аффикс қўшиш билан; *китобни*, *китобга*, *китобдан*, *китобнинг*, *ёздинг*, *ёзгансан*, *ёзасан*, *ёзаётурсан*, *ёзарсан* каби.

2. Ёрдамчи сўзлар келтириш билан: *Биз келажакка ишонч билан қараймиз*. (А. К.) *Дўстлик биз учун ҳамиша илҳом ва куч-қувват манбаи бўлиб келган*. (Ў. У.)

3. Интонация орқали. Гапни турлича интонация билан айтиш орқали ҳам турлича грамматик маъно ифодаланади: *Жўра кўчадан қичқириб кирган эди*: *Ўкташ ака!*.. (О.) *Машина келди*.— *Машина келди?*— *Машина келди!* *Бу китоб* (қайси?).— *Бу — китоб* (ни ма?) каби.

4. Сўзларни такрорлаш ҳам грамматик маънони ифодалашга хизмат қиласиди: *Саидা битта-битта босиб ҳужрасига томон йўналди*. (А. К.)

ГРАММАТИК ШАКЛ

63- §. Грамматик маънолар, одатда, тилнинг турли воситалари орқали ифодаланади. Бу воситалар — грамматик шакл дейилади. Грамматик шакл грамматик маънони ифодалашнинг энг зарурий элементидир, тилда улар бири иккинчисидан ажралган ҳолда мавжуд бўлмайди. Масалан, эгалик маъносининг -(и)m аффикси билан ифодаланиши каби. Эгалик аффикслари уч шахсни, айни вақтда бирлик ва кўпликдаги шахсларни

бидиради. Натижада эгалик маъносининг уч шахсга, бирлик ҳамда кўплик сонга кўра ифода шаклларининг бир бутун системаси юзага келади; *китобим*, *китобинг*, *китоби*, *китобимиз*, *китобингиз*, *китоблари* каби.

64- §. Грамматик шакл сўзнинг у ёки бу грамматик восита олиб ўзгаришидир. Сўзнинг турли грамматик шакллар олиши сўз ўзгариши дейилади. Сўз ўзгариши лексик маъно билан категориал грамматик маънолар бирлигига асосланади.

Сўзнинг грамматик шакллари системаси *парадигма* (юонча *paradeigma* — «намуна») дейилади. Сўзнинг грамматик шакллари системаси эса морфологиянинг парадигматика қисмida ўрганилади.

Парадигма ўз хусусиятига қараб иккига бўлинади: а) хусусий парадигма; б) тўлиқ парадигма.

65- §. Бир туркумга тегишли сўзларнинг муайян шакллари системаси хусусий парадигмани ҳосил қиласди. Шу туркумга хос хусусий парадигмалар йифиндиси эса тўлиқ парадигмани ташкил қиласди. Масалан, отнинг сон, келишик ва эгалик аффикслари билан ўзгариш системалари биргаликда тўлиқ парадигмани ташкил қиласа, грамматик сон формалари, келишик формалари ҳамда эгалик шаклларининг ҳар қайсиси хусусий парадигмага teng бўлади. Феълнинг тўлиқ парадигмаси унинг ўзгариши билан боғлиқ барча формалари йифиндисидан иборат бўлса, шахс-сон ёки замон шаклларида ўзгариш системалари алоҳида-алоҳида хусусий парадигмаларни ҳосил қиласди. Одатда, «парадигма» термини орқали кўпинча тўлиқ парадигма ифодаланади.

Хусусий парадигмалар ҳар бир туркумнинг ўзига хос бўлади ёки туркумлараро умумий бўлади. Масалан, даража (нисбат) шакллари ясалиши фақат феъл туркумининг ўзига хос хусусий парадигма: келишик, эгалик ва грамматик сон шакллари отлар учун ва от олмошлар (*мен, сен, у, биз, ким, нима, ҳеч ким* каби) учун умумий.

66- §. Грамматик категорияга муносабати, яъни парадигма ҳосил қилиш ёки қилмаслиги жиҳатидан сўз шакллари икки турга бўлинади: 1) категориал шакллар, 2) нокатегориал шакллар.

Категориал шакллар маълум бир сўз туркумига хос грамматик шакллар системасига бирлашувчи, демак, грамматик категория ҳосил қилувчи шакллардир: отлар-

даги грамматик сон, эгалик ва келишик шакллари, феъллардаги замон, шахс-сон шакллари каби.

67- §. Нокатегориал шакллар ҳам маълум грамматик маънони англатади, аммо улар ўзаро бир системага бирлашмайди, маълум даражада мустақилликка эга бўлади. Отлардаги кичрайтиш ва эркалаш, сифатлардаги белгининг ортиқ-камлиги шакллари кабилар нокатегориал шаклларга киради.

68- §. Сўзнинг грамматик шакллари тузилиш жиҳатидан икки хил бўлади: синтетик шакл, аналитик шакл.

Синтетик шакл сўзга аффикс қўшиш билан ҳосил бўлади. Масалан, *Университетда Каримни кўрдим. Меннатдан ер, сувдан ўсимлик, қуёшдан борлиқ яшнайди* (*М. Исм.*) гапларида грамматик шакллар аффикслар билан ҳосил қилинган, демак, синтетик шакл.

Аналитик шаклда эса грамматик маъно ёрдамчи сўз орқали ифодаланади. Масалан, *Укам учун китоб олдим. Ўқтам катта сурʼат ва куч билан отилаётган сувни томоша қилди* (*О.*) гапларида маълум маънолар ёрдамчи сўз билан (*учун, билан*) ифодаланган, демак, *укам учун, сурʼат ва куч билан* кабилар аналитик шакл.

Маълум парадигмага хос шакллар системасида сўзнинг маҳсус сўз ўзгартувчи аффикс олмаган шакли ҳам унинг алоҳида грамматик шакли саналади. Чунки бундай аффикссиз шакл ҳам маълум грамматик маъно ифодалайди, шу сўзнинг бошқа сўзлар билан грамматик муносабатини кўрсатишга хизмат ҳам қиласди: *бала — болалар, шаҳар — шаҳарда — шаҳарнинг — шаҳардан* каби. Парадигма таркибидағи аффикссиз шаклга ноль кўрсаткичли шакл дейилади. Илмий ишларда бундай шакл \emptyset белгиси билан кўрсатилади.

69- §. Жуфт шакллар. Синтетик ва аналитик шакллардан ташқари, маълум грамматик маънони ифодалаш учун сўзнинг жуфт ва такрорий шакллари ҳам қўлланади. Сўзнинг жуфт шакллари бир хил шаклдаги икки сўз (асос)нинг tenglaniш йўли билан боғланиши орқали ҳосил бўлади. Одатда, икки сўзнинг жуфтланиши натижасида янги лексик маъноли сўз ясалмайди, балки жуфтлик ҳосил этган сўзлар ўз маъносини сақлагани ҳолда кўплик, жамлаш, умумлаштириш, миқдор, такрор, кучайтириш каби қўшимча маъноларни англатади: *ота-она, олма-ўрик, қалам-дафтар* каби. Шунинг учун жуфт шакллар сўз ясалиши системасига кир-

майди. Улар тилда маъно ва услубий жиҳатдан турлича оттенкаларни, шунингдек айрим грамматик маъноларни ифодалашга хизмат қиласди. (Янги лексик маъно англатган жуфт шакл қисмлари ўзининг дастлабки лексик маъносидан узоқлашган бўлади: *иссиқсовуқ, кўз-қулоқ* каби.)

Сўзниг жуфт шакллари ўз қисмларининг бир туркумдаги сўздан бўлиши (от-от, феъл-феъл каби), ҳар бир қисмнинг ўз ургуси борлиги ва уларнинг грамматик жиҳатдан тенглиги билан характерланади. Улар шу хусусияти билан бир тушунчани англатиб, бир бош ургуга эга бўлган, қатъий тартиб асосида тобелаш йўли билан боғланган ва қисмлари турли сўз туркуми бўлган қўшма сўзлардан фарқ қиласди. Қиёсланг: *тоғтош, қовун-тарвуз, катта-кичик ҳамда бешотар, кўзойнак, Каттақўроғон* каби.

Жуфт шакл ҳосил қилувчи сўзлар семантик жиҳатдан қўйидаги маъно муносабатида бўлади:

а) маъно жиҳатидан бир-бирига яқин сўзлар жуфт шакл ясайди: *арпа-буғдоӣ, қўл-оёқ, олма-ўрик, гўшт-ёғ, хотин-қиз, писта-бодом* каби;

б) синонимик муносабатда бўлган сўзлар жуфт шакл ясайди: *орзу-истак, ўй-хаёл, куч-қувват* каби;

в) антонимик муносабатда бўлган сўзлар жуфт шакл ясайди: *кун-тун, катта-кичик, паст-баланд, узоқ-яқин, оқ-қора, ёш-қари* каби;

г) бутун ва бўлак маъносини билдирган сўзлар жуфт шакл ясайди: *гап-сўз, ой-кун, тоғ-тош, вақт-соат* каби.

Жуфт шакл қисмлари маъно жиҳатидан қўйидагилар билан характерланади:

1. Ҳар икки қисм мустақил маънога эга бўлади: *она-сингил, ер-сув, ўйин-кулги, аста-секин, борди-келди, яхши-ёмон* каби.

2. Бир қисми мустақил маънога эга бўлади. Бу хил жуфт шакллар қўйидаги кўринишларга эга: а) ҳар икки компонент ҳам мустақил маъноли сўз бўлиб, тарихий ривожланиш натижасида унинг бир қисми ўз лексик маъносини йўқотади ва жуфт шаклнинг таркибий қисмига айланиб қолади: *қари-қартанг, кўча-кўй, темир-терсак, бўй-баст* каби; б) фақат биринчи компоненти мустақил маънога эга бўлиб, унинг фонетик ўз-

гариши натижасида иккинчи компоненти юзага келади: *чала-чулпа, майда-чуйда, калта-култа, дөг-дүр* каби.

3. Ҳар икки қисми мустақил маънога эга бўлмайди: *алғов-далғов, ади-бади, ғиди-биди, тақа-пука, икир-чикир, апоқ-чапоқ* каби.

Жуфт шакл таркибида қўйидагича фонетик ўзгаришлар бўлади:

а) биринчи товуш ўзгаради: *нон-пон, қофоз-поғоз, мева-чева, қулоқ-сулоқ, китоб-митоб* каби; б) сўз унли билан бошланганда, бир ундош товуш орттирилади (орттирилувчи, шунингдек, алмаштирилувчи товуш сифатида *n, m, с, ч* ундошлари келади): *иши-пиши, ишим-сирим, апил-тапил, үй-пуй, ош-пош* каби; в) асосдаги унли товуш ўзгаради: *дон-дун, дөг-дүр, таг-туг, хат-хут* каби; г) бир ундош товуш орттирилади ва асосдаги унли ўзгаради: *ора-сира, ажи-бужи* каби; д) бир ундош алмаштирилади ва асосдаги унли ўзгаради: *бақир-буқур, латта-путта, майда-чуйда, ғадир-будур, ҳаккам-дуккам* каби.

70- §. Такрорий шакллар бир хил шаклдаги сўз (асос)ларнинг такрорланишидан ҳосил бўлади. Жуфт шакл сингари такрорий шакл ҳам сўз ясалиши ҳодисасига кирмайди. Чунки уларнинг асосий кўпчилиги янги лексик маъно билдирамайди, фақат кўплик, маънони кучайтириш, такрор, давом каби қўшимча оттенкаларни англатади.

Такрорий шакл, асосан, давомлилик, кўплик, маънони кучайтириш, экспрессивлик, такрор кабиларни англатади: *Ўқтам... колхоз гидростанциясини кўрмоққа қизиқди, ... юра-юра кенг, сўлим майдонга чиқиб қолди.* (О.) Хотини, ранги ўчган, ўрнидан туриб болани беланчакка солди ва қаттиқ-қаттиқ тебратса бошлади. (А. К.) — Эҳе, қанча-қанча воқеалар бошимиздан ўтди! Сенлар ёлғиз бир учнингина биласанлар. (О.)

Баъзи такрорий шаклларда қисман янги лексик маъно англатиш ҳодисасини кўриш мумкин. Бу вақтда такрорий шакл қисмлари ўзининг асл лексик маъносидан узоқлашсан бўлади: *от-от* (ўйин номи), *эс-эс* (эс-эс билмоқ), *кўз-кўз* (кўз-кўз қилмоқ) каби.

Айрим тақлидий сўзларнинг такрори маълум нарса, белги кабиларнинг ўзини англатиши мумкин: *чакчак* (овқат номи), *чақчақ* (қувноқ), *пақпақ* (ўйин номи) каби. Бир сўз ҳолига келиб қолган бундай бирликлар такрорий шакллик хусусиятини йўқотган бўлади.

Такрорий формалар тўла такрор ва қисқа такрор асосида ҳосил бўлади: япaloқ-япaloқ, яп-япaloқ; қо-ра-қора, қон-қора; кўк-кўк, кўм-кўк каби.

ба-, -ма элементлари ёрдамида ҳосил бўлган сўзлар ҳам такрорий шаклга киради; бетма-бет, кетма-кет, хилма-хил, дамба-дам, навбатма-навбат каби. Бундай такрорий шакллар кўпинча асос англатган маънодан бошқачароқ маъноларни ҳам билдиради: басма-бас, учма-уч, бошма-бош, юзма-юз, номма-ном каби.

ГРАММАТИК КАТЕГОРИЯ

71- §. Ўзаро бир-бирига зид қўйилган ва қиёсан олинган грамматик маънолар системаси ва уларга хос ифода воситалари — грамматик шакллар системаси грамматик категория дейилади. Масалан, отларга хос келишик маънолари ва уларнинг ифода шакллари бўлган келишик шакллари системаси келишик категориясини ҳосил қиласди. Шунингдек, отларда эгалик категорияси, сон категорияси, феълларда шахс-сон категорияси, нисбат (даражада) категорияси кабиларнинг ҳар қайсиси ўзига хос грамматик маъно才算 мажмуасига ва шу маъноларнинг ифода шакллари системасига эга.

Грамматик категориялар умумий ҳодиса сифатида хусусий ҳодисаларда мавжуд бўлади, хусусий ҳодисалар умумлашмаси асосида юзага келади. Демак, сон категорияси бирлик ва кўплик маъноларини ифодаловчи шакллар системасидан, эгалик категорияси биринчи шахс — сўзловчи, иккинчи шахс — тингловчи, учинчи шахс — ўзга ва шуларнинг миқдори маъноларини ифодаловчи шакллар системасидан иборат. Грамматик категорияларда тилнинг ўзига хос хусусияти очиқ намоён бўлади. Масалан, рус тили (айрим бошқа тиллар) учун хос грамматик жинс категорияси туркий тилларда, жумладан, ўзбек тилида йўқ; рус тилида сифатларга келишик категорияси хос, ўзбек тилида эса сифат, одатда, турланмайди ва бошқалар.

СУЗНИНГ МОРФОЛОГИК СТРУКТУРАСИ

72- §. Маълумки, сўз тилнинг энг муҳим бирликларидан бири бўлиб, шакл ясалишига эга бўлиши ёки эга. бўлмаслиги мумкин. Масалан, китоб сўзи от туркумига

мансуб, шунга кўра китобим, китобинг, китоби (эгаликнинг кўплиги ҳам назарда тутилади); китоб ва китоблар: китобга, китобни, китобнинг, китобдан, китобда, китобимнинг, китобингни, китобларимизга, китобларингиздан каби шаклий ўзгаришлар системасига эга. Сўзнинг грамматик маънолари жиҳатидан фарқланадиган ҳар бир шакли сўзшакл дейилади. Сўзшаклларнинг ясалишида қатнашиб, ҳар хил грамматик маъно англатадиган қисм сўзнинг морфологик тузилишини ташкил қиласди. Масалан, китобларимдан сўзи ўз морфологик тузилиши жиҳатидан **китоб-лар-им-дан** тарзида бўлинади. Бу сўзда **китоб** — ўзак морфемаси, шакл ясаш асоси, **-лар** — кўплик шакли ясовчи морфема, **-им** — эгалик шакли ясовчи морфема ва **-дан** — чиқиш келишиги шакли ясовчи морфема. **Ўқиётормиз, ёздингиз, шаҳарларимизда, мактабларингизнинг** сингари сўзлар ҳам морфологик структура жиҳатидан **ўқи-ётир-миз, ёз-ди-нгиз, шаҳар-лар-имиз-да, мактаб-лар-ингиз-нинг** тарзида бўлинади. Буларда **ўқи, ёз, шаҳар, мактаб** морфемалари шакл ясаш асоси, ундан кейинги морфемалар эса шакл ясовчи воситалар — аффикслар ҳисобланади.

Кўринадики, сўзнинг морфологик тузилишида шакл ясаш асоси ва шакл ясовчи восита мавжуд бўлади. Сўзшакл таркибида бирдан ортиқ шакл ясовчи аффикснинг иштирок этишига қараб унинг морфологик структураси ҳам мураккаблашиб боради: **мактаблар, мактаблари, мактабларидан** каби. Бу вақтда сўзшакл таркибида ҳар бир шаклнинг ясаш асоси ва ясовчи воситаси алоҳида-алоҳида ажратилади; ажратиш охирги шаклдан бошланади. Масалан, **шогирдларимизга** сўзида жўналиш келишиги шаклини ясаш асоси **шогирдларимиз, -га** аффикси эса шу келишик шаклини ясовчи восита. **Шогирдларимиз** сўзида эгалик **шаклини** ясаш асоси — **шогирдлар, эгалик** шакли ясовчи восита — **-имиз**; кўплик шаклини ясаш асоси — **шогирд, -лар** сон шакли ясовчи восита ҳисобланади. **Ёздирдик, келтирдингиз** каби сўзшаклларнинг таркиби ҳам шу тарзда ажратилади: **ёздирдик: ёздирди-к** (шахс-сон шакли) **ёздир-ди** (замон шакли), **ёз-дир** (нисбат шакли) каби; **келтирди-нгиз** (шахс-сон), **келтир-ди** (замон), **кел-тир** (нисбат) каби.

73- §. Сўзлар ўз мавҳум грамматик маънолари, морфологик белгилари ва грамматик категорияларига қараб, сўз ясаш, шакл ясаш ва сўз ўзгартиш хусусияти ҳамда гапда бажарган вазифаларига қараб бир-биридан фарқ қиласи. Сўзларнинг мавҳум грамматик маъноси, морфологик ва синтактик белгиларига қараб гуруҳларга бўлиниши сўз туркуми дейилади.

Ҳар бир туркум ўзига хос мавҳум грамматик маънони англатади ва шу туркумга хос грамматик маъно ифодаловчи воситаларга эга бўлади. Жумладан, от туркуми «предметлик» маъносини (*кўча, бино, шаҳар, садоқат, дўстлик, киши каби*), феъл туркуми «ҳаракат»ни (*ўқи, ёз, ишла, кўкар, тинчи, бошли каби*), сифат туркуми эса «белги» маъносини (*яхши, катта, гўзал, баланд, ширин, қадимги, билимли каби*) англатади. От, сифат, феъл ва бошқа сўз туркumlари англатган бу мавҳум маънолар грамматик маънога киради. Бундай мавҳум грамматик маъно сўзларни туркумларга ажратишида асосий белги ҳисобланади. У, айниқса, лексик маъноси билан грамматик маъноси бир-бирига мос бўлган сўзларда катта ўрин тутади, сўзларни туркумлашда грамматик белгилар ҳам албатта ҳисобга олинади. Сўз туркумларини характерловчи грамматик белгилар хилма-хилдир.

74- §. Сўзнинг морфологик белгилари, асосан, унинг маҳсус шакл ясаш ва сўз ўзгартиш шаклларига эга ёки эга эмаслигига кўринади. Масалан, от келишик ва эгалик аффиксини олиб турланса, феъл шахс-сон ва замон аффиксини олиб тусланади.

75- §. Сўзнинг гапда қандай гап бўлаги вазифасида келиши ва бошқа сўзлар билан синтактик муносабатга кириша олиши сўз туркумларининг синтактик белгисига киради. Масалан, предметликни билдирган от гапда эга ва тўлдирувчи вазифасида келади. Бу отнинг муҳим белгисидир. Бошқа сўз туркумлари эга ва тўлдирувчи вазифасида келиш учун отлашади (*Ёмонни танқид қил, яхшига тақлид қил*). Отлар гапда феъл, сифат,сон каби қатор сўз туркумлари билан синтактик алоқага кириша олади.

76- §. Ҳозирги ўзбек тилида сўзлар мавҳум грамматик маънолари, морфологик ва синтактик белгиларига қараб беш группага бўлинади: 1) мустақил сўзлар,

2) ёрдамчи сўзлар, 3) модал сўзлар, 4) ундовлар,
5) тақлидий сўзлар.

77-§. Мустақил лексик ва грамматик маънога эга бўлиб, гапнинг бирор бўлаги вазифасида келадиган, шунга мувофиқ шакл ясаш хусусиятига эга бўлган сўзлар мустақил сўз дейилади.

Мустақил сўзлар воқеа-ҳодисалар ҳақидаги тушунчаларни (предмет, белги, ҳаракат, миқдор каби) ифодалайди. Шунга кўра уларга хос асосий белги — лексик маъно англатиш саналади (Бу жиҳатдан олмош бошқа мустақил сўз туркумларидан ажралиб туради).

Мустақил сўзлар учун иккинчи умумий белги гап бўлаги вазифасида келиши ҳисобланади.

Учинчи, жузъий, лекин муҳим белги — сўз ясаш ва шакл ясаш ва форма ўзгартиш хусусиятига эга бўлиш саналади. Кейинги саналган ҳодисалар барча мустақил сўз туркумларига бирдек хос эмас. Масалан, от ва феълда ҳар уч ҳодиса — сўз ясаш, шакл ясаш ва сўз ўзгартиш мавжуд; сифатга сўз ясаш ва шакл ясаш хос (сўз ўзгартувчини фақат отлашганда олади), равишда, асосан, сўз ясаш ва қисман шакл ясаш (даражада ясаллиши) бор ва бошқалар.

От, сифат, сон, олмош, феъл ва равиш мустақил туркумларга киради. От нарсанни билдиради; сон, келишик, эгалик, категорияларига эга; гапда эга, тўлдирувчи, аниқловчи ҳамда ҳол вазифаларида келади. Сифат нарсанинг белгисини билдиради; аслий ва нисбий бўлади; чоғиштирма ва орттирма даражалари билан характерланади; гапда аниқловчи ва кесим, отлашганда эса эга, тўлдирувчи вазифасини бажаради. Сон нарсанинг миқдорини, сирасини билдиради, гапда асосан, аниқловчи, айрим ҳолларда кесим, эга вазифаларида келади. Олмошлар от, сифат, сон каби сўз туркумлари ўрнида қўлланади, лекин нарса, белги, миқдор кабиларни ифодаламайди, балки уларни кўрсатишига хизмат қиласи. Қайси сўз туркуми ўрнида қўлланса, ўша туркум сўзи бажарган синтактик вазифаларда келади. Феъл нарсанинг ҳаракати ва ҳолатини англатади; майл, замон, шахс-сон, нисбат категорияларига эга; гапда кесим, унинг функционал шакллари эса аниқловчи, ҳол ва тўлдирувчи вазифасини бажаради. Равиш эса асосан ҳаракатнинг белгисини англатади, гапда, асосан, ҳол вазифасида қўлланади.

78- §. Ёрдамчи сўзларнинг мустақил сўзлардан фарқи шундаки, улар лексик маъно англатмайди, морфологик жиҳатдан ўзгармайди, гап бўлаги вазифасида келмайди, ясалиш хусусияти ҳам иўк.

Лексик маънога эга бўлмай, фақат хилма-хил муносабатларни кўрсатиш, сўз ва гапларни ўзаро боғлаш ёки уларга нозик қўшимча маъно қўшишга хизмат қиласидиган сўзлар ёрдамчи сўзлар дейилади. Ёрдамчи сўзларга кўмакчи, боғловчи, юклама киради.

Сўзловчининг гапда ифодаланган фикрга ёки фикрнинг борлиққа муносабатини кўрсатадиган сўзлар модал сўзлар дейилади. Улар тасдиқ, ишонч, гумон каби хилма-хил модал маъноларни ифодалайди, гапда кириш сўз ва бутун бир гап сифатида қўлланади.

Ундовлар алоҳида группани ташкил қиласиди. Улар турли-туман ҳис-туйғуларни, хитоб, чақириқ, ундаш кабиларни англатади.

Тақлидий сўзлар борлиқдаги жонли ва жонсиз предметларнинг ихтиёрий ҳамда ихтиёrsиз равишда чиқарган товушларини тақлидан ифодалайди.

79- §. Сўзларнинг маълум туркумларга ажратилиши қотиб қолган — ўзгармайдиган ҳодиса бўлмай, балки ўзбек тили грамматик қурилишининг ривожланиши, янги грамматик хусусиятларнинг аста-секин тўплана бориши натижасида бир туркумдаги айрим сўз бошқа туркумга ўтиши мумкин. Сўзларнинг бундай ўзаро ўтиш ҳодисаси сўзнинг семантиқ, морфологик ва синтактик хусусиятларининг ўзгариши билан боғланган.

Масалан, ўзбекча *кунда* сўзи асли *кун* (русча *день*) сўзининг ўрин келишик шаклига тенг бўлиб, шу шаклида лексик ва грамматик жиҳатдан ўзгариб, равишга (*ҳар кун*) кўчган. Бу равишни энди ўрин келишигидаги от деб қараб бўлмайди.

Бир туркум сўзининг бошқа туркумга ўтиши ҳодисасини бир туркум сўзининг нутқда бошқа туркум сўзи ўрнида ишлатилиши ҳодисасидан фарқлаш қерак. Кейинги ҳолатда янги сўз ҳосил бўлмайди.

80- §. Ўзбек тилида бир туркум сўзининг бошқа туркум сўзи ўрнида қўлланиши қўйидагича:

а) сифатларнинг отлашиши: Яхшига ёндош, ёмондан қоч;

б) отларнинг сифат ўрнида қўлланиши: Кенг, текис асфальт йўлдан машиналар ғизиллаб ўтмоқда;

- в) сонларнинг отлашиши: *Болаларимизнинг каттаси ўн олтига қадам қўйди;*
 г) равишларнинг отлашиши: *Кўпдан кўп ақл чиқар;*
 д) сифатдошларнинг отлашиши: *Баҳор қўшиғини куилаганларнинг Гулшани хазонсиз, иқболи мангу (У.);*
 е) сифатнинг равиш ўрнида, равишнинг сифат ўрнида қўлланиши: *Уста ака сўзларни чертиб-чертуб, салмоқ билан самимий ва чиройли гапирди (О.)* Оз сўз — соз сўз.

Бир туркум сўзи бошқа туркум сўзи ўрнида қўлланганда у бутунлай кейинги сўз туркумига ўтиб кетмайди, аксинча, аввалги сўз туркуми доирасида қолади. Жумладан, тош йўл, атлас кўйлак, яхшининг шарофати; *Кўкка боқма, кўпга боқ* каби мисолларда тош, атлас отлари сифат ўрнида, яхши сифати ва *кўп* равиши от ўрнида келган. Бироқ улар сўз сифатида отлигича, сифатлигича, равишлигича қолади.

МУСТАҚИЛ СЎЗ ТУРКУМЛАРИ

от

ОТНИНГ МАЊНОСИ ВА ГРАММАТИҚ БЕЛГИЛАРИ

81- §. Предметлик мањносини англатадиган сўз туркуми от дейилади. От бу мањнони сон, эгалик ва келишик грамматик категориялари ифодалайдиган мањно билан биргаликда англатади.

От туркумига кирган сўзлар семантик жиҳатдан турли-тумандир. Отларга реал борлиқдаги нарса-предметларни англатган (*уй, дала, эшик, дараҳт, узум, болта, шаҳар* каби), шахс билдирган (*бона, йигит, киши, ота, аёл, қиз* каби), жисм ва модда номини билдирган (*сув, ун, буғдой, қанд, сут, асал, қор* каби), жонли нарсалар ва организмларни билдирган (*қуши, балиқ, каклик, товуқ, эчки, бактерия, микроб* каби) сўзлар билан бирга, белги-хусусият, ҳаракат ва ҳолат номлари каби турлича мавхум тушунчаларнинг номларини билдирган (*шодлик, қўрқинч, тезлик, қизиллик, шовқин, сайлов, иғилиш, ишлаб чиқариш, кураш* каби) сўзлар киради. Чунки бу сўзларнинг ҳаммаси бир умумий мањнони — предметлик мањносини англатади.

82- §. Отнинг асосий морфологик белгиларига грамматик сон, эгалик ва келишик категориялари киради. Отларда шу грамматик категорияларга мос равища грамматик шакллар системаси мавжуд бўлиб, улар орқали хилма-хил грамматик маънолар ифодаланади. Жумладан, келишик ва эгалик шакллари отнинг гапда бошқа сўзлар билан боғланишини, келишик шакллари турлича синтактик вазифаларда келишини кўрсатади: *Ўнсин бутун дикқатини туйғун кўзларига тўплаб Гулнорга тикилди.* (О.) Ҳозирги замонда дадил қадам ташлай олмаган киши туртилиб, четга чиқиб қолади. (А. К.) *Дилингда жўши ураг шодликнинг сели.* (У.)

Отнинг синтактик белгиларига, биринчи навбатда, унинг гапда эга ва тўлдирувчи вазифасида қўлланиши киради: *Комила чамадончани қўлига олиб, ўртоғини уй томон бошлади.* (О.) *Сатторнинг қадди-қоматида, юзкўзида баркамол йигитларга хос алоҳида бир жозиба бор эди.* (П. К.) *Юзига тушиб турган офтобдан кўзлари қамашиб кетди.* (О. Ё.) Шунингдек, отлар қаратувчи, изоҳловчи ва ҳол вазифасида ҳам келади. *Мирҳайдар ота кунда ясли қурилишига келар, уста Азим ва уста Содиқ билан биррас ҳангомалашарди.* (О.)

ОТЛАРНИНГ МАЪНО ТУРЛARI

83- §. Отлар ҳар хил маъно англаатади. Шунга кўра уларнинг грамматик хусусиятлари ҳам турлича. Отлар қўйидагича лексик-грамматик турларга бўлинади;

- 1) атоқли отлар ва турдош отлар;
- 2) конкрет отлар ва мавҳум отлар;
- 3) якка отлар ва жамловчи отлар.

84- §. Атоқли ва турдош отлар. Отлар ўз маъноларига қараб дастлаб икки группага бўлинади: 1) атоқли отлар; 2) турдош отлар.

Атоқли отлар якка шахсларнинг номи, борлиқдаги якка нарса, воқеа-ҳодисаларнинг номи бўлиб хизмат қиласи: *Аҳмад, Комилов, Осиё, Тошкент, Ўзбекистон, Зарафшон* каби.

Турдош отлар от туркумiga кирган сўзларнинг асосий қисмини ташкил қиласи. Турдош отлар бир жинсдаги шахс, нарса, ҳайвонлар, воқеа-ҳодисаларнинг номлари бўлиб, шулар ҳақидаги умумий предметлик тушунчасини англаатади (*одам, мамлакат, ватан, дарё,*

денгиз, ииши, талаба, шаҳар, қишлоқ, ғалаба, зафар, мұхаббат, тезлик, секинлик, севги, жасурлық каби).

Атоқли ва турдош отлар бир-биридан фақат семантик томондангина фарқ қилиб қолмай, маълум дара жада грамматик жиҳатдан, яъни грамматик сон шаклларида ишлатилиши жиҳатидан ҳам фарқланади. Атоқли отлар, одатда бирлик шаклида келиб, кўпликда қўлланмайди. Атоқли отлар грамматик кўплик белгисини олиб келганда, умумий белги-хусусиятга эга бўлган шахс ва предметлар гуруҳини, бир хил аталадиган ёки ўзаро қариндошлик муносабатидаги шахсларни англатади: *Ака-ука Шожалиловлар, Раҳим ва Рустам Раҳмоновлар*. Биз Навоий орзусини амалга ошириб, қанчадан-қанча фарҳодлар яратиб қўйдик. (Ойдин.) Дарёning йўлига гуллар сочгали, ширинлар, қадлари шамишодлар келди. (Ҳ. О.)

Атоқли отларга қўйидагилар киради:

а) кишиларнинг номлари, фамилиялари, тахаллус ва лақаблари: *Карима, Салим, Мўминов, Набиев, Алишер Навоий, Ойбек, Уйғун, Шуҳрат* каби;

б) географик, маъмурий-территориал номлар, тарихий ҳодисалар, адабий ва илмий асарлар, муассаса ва корхоналарнинг номлари: *Ўрта Осиё, Самарқанд, «Ташсельмаш»* каби;

в) астрономик номлар: *Марс, Венера, Қуёш, Ер, Зуҳра, Ҳулкар* каби;

г) ҳайвонларга қўйилган маҳсус атамалар: *Бойчибар, Йўлбарс, Полвон, Арслон, Тўрткўз* каби.

Шахс номини билдирувчи кўпгина атоқли отлар нарса, белги, ҳолат билдирувчи турдош отлар ва айрим бошқа сўз туркумлари асосида келиб чиққан. Бундай сўз якка нарсанинг номига айланса, атоқли отга ўтади: *мұхаббат — Мұхаббат, зафар — Зафар, ўткир — Ўткир; Болта, Қўчқор, Баҳодир, Баҳтиёр, Шуҳрат, Эркин, Озод, Ўлмас, Турсун* каби.

Тарихий ҳодисалар, илмий-бадиий асарлар, газета-журнал номларида турдош отларга хос лексик маъно сақланади: *8 Март — Халқаро хотин-қизлар байрами, «Ўтган кунлар», «Юлдузли тунлар», «Бой ила хизматчи» асарлари, «Шарқ юлдози» журнали, «Қишлоқ ҳақиқати» газетаси* каби.

Атоқли отлар бир жинсдаги шахс ва нарсаларнинг умумий номига айланса, турдош отлар гуруҳига ўтади:

хосиятхон (атлас), муслимка (бүгдойнинг бир тури), ампер, макентош, август, рентген, геркулес каби.

Атоқли от турдош отга ва турдош от атоқли отга ўтиб, айни замонда аввалги маъноларида ҳам ишлатилса, гўё омонимлар келиб чиқади: *йўлдош* — *Йўлдош*, *тўлқин* — *Тўлқин* каби.

Конкрет ва мавҳум отлар

85- §. Конкрет отлар аниқ шахс, нарсаларни англатади. Конкрет отлар бевосита кўриш ва санаш мумкин бўлган нарсаларни англатгани учун саноқ сон билан ифодаланган сифатловчи олади, шунингдек, бирлик ва кўплик шаклларида қўлланади: *дафтар* — иккита *дафтар* — *дафтарлар*, *бала* — *ўнта бала* — *болалар*, *мактаб* — *учта мактаб* — *мактаблар*, *қишлоқ* — *бешта қишлоқ* — *қишлоқлар* каби.

Мавҳум отлар мавҳум тушунчаларни, белги, хусусият, ҳарақат ва ҳолатни нарса сифатида билдиради. Бу отлар кўплик сон шаклида келмайди: *моҳият*, *мундариж*, *севги*, *кулги*, *гўзаллик*, *қаҳрамонлик*, *ватанпарварлик*, *ақл*, *шараф*, *овчилик* каби.

Мавҳум отлар айрим ҳоллардагина кўпликда ишлатилади. Бу вақтда уларнинг мавҳум маъноси маълум даражада конкретлаштирилади: *зўр муваффақиятлар*, *кatta қийинчиликлар*, *шаҳримиз янгиликлари*, *байрам шодликлари*, *болалик ўзхликлари* каби.

Мавҳум отларнинг бир қисмини туб сўзлар ташкил қиласиди: *ақл*, *ғалаба*, *шовқин*, *тажриба*, *шараф*, *ҳарақат*, *иши*, *такдир*, *ғам*, *кулфат* каби.

Кўпгина мавҳум отлар эса ясама. Мавҳум отлар сифат ва феълдан, шунингдек, отларнинг ўзидан ясалади. Улар кўпликда деярли қўлланмайди. Чунончи, *-лик*, *-ги* (*-ғи*, *-ки*, *-қи*), *-ғин* (*-кин*, *-қин*), *-ч*, *-лаштириш*, *-(и)ш* каби аффикслар орқали ясалган мавҳум отлар: *болалик*, *дўстлик*, *саводсизлик*, *яхшилик*, *эскилик*, *тўсқин*, *тошқин*, *севинч*, *соғинч*, *автоматлаштириш*, *миллийлаштириш* ва бошқалар.

Жамловчи ва якка отлар

86- §. Жамловчи отлар бир жинсдаги нарсаларнинг ўйиндинисини бир бутун ҳолатда англатадиган турдош отлардир. Бу отлар бирлик шаклда якка-якка предмет-

ларни эмас, балки бир бутунга жамланган кўп предметларни англатади: *халқ, армия, мева* каби.

Якка отлар эса маъно жиҳатидан жамловчи отларга қарама-қарши бўлиб, тўда составига кирган алоҳида предметларни билдиради. Бу отларнинг бирлик шаклида ҳам, кўплик шаклида ҳам нарсалар якка-якка ҳолатда тасаввур қилинади: *киши — кишилар, одам — одамлар, солдат — солдатлар, деҳқон — деҳқонлар* каби.

ОТНИНГ ГРАММАТИК КАТЕГОРИЯЛАРИ

87- §. От туркуми учун хос асосий ва доимий грамматик категориилар сон категорииси ва келишик категориясидир. Чунки аффикс олмаган ҳолатда ҳам отлар сон ва келишик маъносини ифодалайди: *китоб, бола, пахта* (бирлик сон ва бош келишик). Эгалик категорииси ҳақида шу грамматик категориянинг аффикси бор ҳоллардагина гапириш мумкин; демак, эгалик категориясига хос грамматик маъно ҳар бир от учун доимий эмас. *Масалан, шаҳар, шаҳарлар, шаҳарларда* — бир сўзнинг уч грамматик шакли; таркибидан қатъи назар, буларнинг ҳар бирида грамматик сон ва келишик маъноси ифодаланган (бирлик ва бош келишик, кўплик ва бош келишик, кўплик ва ўрин-пайт келишиги). Эгалик маъноси шундай маънони билдирувчи аффикс қўшилсагина ифодаланади: *шаҳарим, шаҳарларим, шаҳарларимизда* каби. Демак от туркуми учта грамматик категорияга эга: 1) сон категорияси; 2) эгалик категорияси; 3) келишик категорияси.

СОН КАТЕГОРИЯСИ

88- §. Отларга хос бўлган морфологик белгилардан бири грамматик сон категорияси ҳисобланади. Ўзбек тилида сон категориясини бир-бирига қарама-қарши қўйилган бирлик ва кўплик шакллари ташкил этади. Бирлик шаклидаги отлар бир жинсдаги предметлардан биттасини англатади: *дафтар, китоб, уй, бола, студент* каби. Кўплик шаклида эса бир жинсдаги предметларнинг икки ва ундан ортиқ, лекин конкрет бўлмаган миқдори ифодаланади: *дафтарлар, мактаблар, уйлар, болалар, студентлар* каби. Кўплик шакли -лар аффикси билан ясалади. Бирликнинг эса маҳсус аффикси йўқ; бирлик -лар аффиксининг йўқлигига кўра белгиланади.

Демак, бир нарсанни ва уларнинг аниқ бўлмаган кўплигини ифодалаш сон категориясининг мазмунини ташкил қиласиди.

Отниинг бирлик шакли якка, бир предметнигина англатиб қолмай, умуман шу турдаги предметларни [...] Ҳали етилмаган, энди қизарган жийидани барг аралаш юла бошлади (О.); Қувнайди ҳавасдан кўз билан кўнгил (З. Обидов.) Йигитнинг қаноти от] ҳам ифодалайди. Бу маънолар эса контекст ичида аниқланади.

Ўзбек тилида ҳам бирлик, ҳам кўплик шаклига эга бўлган отлардан ташқари, фақат бирлик шаклида қўлланадиган отлар ҳам мавжуд. Бундай отлардаги сон шакли бирлик ва кўпликка эга бўлган отлар англатган маънони бера олмайди. Масалан, предметларнинг жамланганлигини, бутунлигини, йиғиндисини, умумийлигини англатган отлар (*ўртоқлик, болалик, сут, буғдои, сув, ун, ёғ* каби) бирлик шаклида бир жинсдаги бир предметни англатмайди, балки бир бутун сифатида қараладиган кўп предметни билдиради. Бундай отлар кўплик шаклида келганда, шу предметларнинг миқдорини эмас, балки унинг турини, навини ва жинсини англатади. Шунинг учун фақат бирлик сон шаклига эга бўлган отлар умуман грамматик сон билдириш хусусиятига эга эмас. Бу отлар саналиши мумкин бўлмаган предметларни билдиради (*темир, асал, керосин* каби).

Сон шаклларида келиши жиҳатидан отлар икки турга бўлинади:

- 1) бирлик ва кўплик шаклига эга бўлган отлар;
- 2) фақат бирлик шаклига эга бўлган отлар.

Бирлик ва кўплик шаклидаги отлар

89- §. Санаш мумкин бўлган аниқ нарсаларни англатган отларнинг ҳаммаси бирлик ва кўплик шаклида ишлатилади. Бундай отлар ўзларига саноқ сонларни бириктириб кела олади: *колхоз — икки колхоз — колхозлар* каби. Сон категорияси тўлиқ маънода худди шундай отларга, яъни ҳам бирлик, ҳам кўплик шаклига эга бўлган отларга хос. Кўплик шаклда асосан конкрет предметларни англатувчи турдош отлар ишлатилади. Бунда шахс ва предметларнинг сон жиҳатидан кўплиги билдирилади: *тоғлар, қушлар, болалар, меҳмонлар, шахарлар, заводлар* каби.

Ўзбек тилида кўплик маъноси икки хил усул билан ифодаланади:

- морфологик усул;
- лексик-синтактик усул;

Морфологик усулда кўплик маъноси асосга **-лар** аффиксини қўшиш билан ифодаланади: *китоблар, мактаблар, йигитлар, уйлар* каби.

Ўзбек тилида **-лар** аффикси қўйидаги маъноларни билдиради:

1. Шахс ва предметларнинг кўплигини, аниқ бўлмаган кўп миқдорини билдиради: *Мармар ҳовузнинг четлари*даги ўсимликларнинг гуллари карнайчага ўхшарди. (Сергей Бородин.) *Азиз ватандошлар* чўнг меҳнатига Мен ҳам меҳнатимни қўшиб қўйганман. (F. F.) Онда-сонда очилган чаноқлар бу кўк денгизда садафдек ялтиради. (A. Мух.)

2. Эгалик аффиксидан (баъзан эгалик аффикси бўлмайди) кейин қўшилиб келади ва хурмат маъносини ифодалайди: *Аданглар ишда, телефон қилганингни айтиб қўяман, курсанд бўладилар.* (Мирм.) *Исмат ҳожи амакимларни қозига чақирираман* деяётган эмиш. (Ойдин.)

3. Пайт билдирувчи равишларга, пайт, ўрин ёки нарса сонини билдирувчи бирималарга қўшилиб, чама, тахмин маъноларини ифодалашга хизмат қиласди: *Соат ўн бирларда улар тоғ этагидаги водийга кириб келдилар.* (A. Мух.) *Кечқурунлари бўши бўламан, келинг, сұхбатлашамиз.*

4. **-лар** аффикси уюшиқ бўлакларнинг ҳар бирига қўшилганда, кўплик, таъкид, ҳурмат маънолари ифодаланади, уюшиқ бўлакларнинг фақат охиргисига қўшилиб келса, умумлаштириш, жамлик маънолари англашилади: а) *Баҳор. Колхоз боғидаги олмалар, ўриклар, шафтолилар, гилослар чаман каби очилган;* б) *Ҳайдар, Қўчкор, Комиллар бир кўрпада тепкилашиб катта бўлишган.* (У.)

90- §. Кўплик маъноси лексик-синтактик усул билан қўйидагича ифодаланади:

1) Саноқ сонлар, гумон олмошлари ва миқдор ра-виши отни аниқлаб келади: *учта китоб, бир нечта бола, кўп бола, жуда кўп дафтар, ҳар хил китоб.* У билан ўз ҳаётини боғлаган одам кўп нарсага эришиши мумкин. (Ў. У.) *Мингта қалъянгдан ўзимнинг далам яхши. охун.* (О.)

Бу бирнамалардан баъзилари -лар аффиксини қабул қила олади; *кўп одамлар*, *бир қанча болалар* каби. Бунда кўплик икки марта; ҳам лексик-синтактик усул билан, ҳам морфологик усул билан ифодаланади;

2) Отга сифатловчи бўлиб келган от, сифат, сон такрорланади: *даста-даста гул*, *тўда-тўда одам*, *ба-ланд-баланд тоғлар*. Ҳар растада минг-минг дўкон. (*Фурқат.*)

Мисоллардан кўринадики, сифат такрорланганда, аниқланмиш от -лар аффикси билан ишлатилади. Демак, бундай ифодаланишда лексик-синтактик усул ҳам, морфологик усул ҳам қатнашади.

3) Жуфт сўзлар орқали ҳам кўплик — умумлаштириш маънолари ифодаланади: *қозон-товоқ*, *қовун-тарвуз*, *ака-ука*, *арпа-буғдоӣ*, *мева-чева* каби.

Фақат бирлик шаклидаги отлар

91- §. Отларнинг фақат бирлик шаклида қўлланиши асосан доналаб санаш мумкин бўлмаган нарсаларни атайдиган отларга ва умуман кўплик билдирилмайдиган отларга хос хусусиятдир. Булар асосан қўйидагилар:

1. Мавхум отлар кўплик аффиксини олмайди: *му-ҳаббат*, *болалик*, *декончилик*, *рассомлик*, *яқинлик*, *мардлик*, *ватанпарварлик*, *коллективлаштириш*, *электрлаштириш* каби.

2. Саналмайдиган, фақат ўлчанадиган жисм ва нарсаларни англатадиган отлар, одатда, бирликда ишлатилади: *тиз ёғ. керосин. асал. темир. нефть. изим. чой, буғдоӣ, ун* каби.

Жисм билдирувчи отларга -лар аффикси қўшилса, аниқ жисмнинг кўплигини билдирилди, балки тур, сорт, мўллик маънолари англашилади: *минерал сувлар, чойлар, тузлар, узумлар* каби.

3. Организмдаги жуфт аъзоларни, шунингдек, жуфт нарсаларни билдирувчи отлар асосан бирликда ишлатилади: *қўл*, *кўз*, *қош*, *лаб*, *бармоқ*, *этик*, *калиш* каби. Бу отлар -лар аффикси билан қўлланганда, бўлинадиган жуфтликни билдиради: *қўллар* (ўнг ва сўл), *лаблар* (юқори ва пастки), *кўзлар* (ўнг ва чап): *Бу кўзларда туйғунлик, олижаноблик, кўнгилнинг баҳорий тозалиги, илиқлиги жилваланар эди.* (*О.*)

4. Асли ўзи биттадан ортиқ бўлмайдиган нарсаларнинг номи ҳар вақт бирликда ишлатилади. Бундай отларга -лар аффикси қўшилганда кучайтириш, муболага, таъкид маънолари ифодаланади: *Тилларимда титроқ соз эмас, севинч тўладир.* (У.) Яна дилларимда *нашъалар ўйнар.* (У.) Менинг бошларимга тегиб ўтдилар. У ипак қўллари япроқларингнинг. (Х. О.)

5. Атоқли отлар, асосан, бирликда ишлатилади. Улар умумлаштириш, биргалик каби маъноларни билдируса, -лар аффиксини олади: *Ҳамзаободларда, саҳналарда яшинар, Сенинг орзуларинг, сенинг ўйларинг.* (А. Мух.) *Турсунали акалар ўйидаги очиқлик, самимийлик, бир-бирига бўлган содда муносабат уни ўзига тортиб олган эди.* (Ў. У.)

ЭГАЛИК ҚАТЕГОРИЯСИ

92- §. Эгалик категорияси қарашлилик, мансублик маъносини, яъни бир нарсанинг маълум шахс ёки нарсага мансуб эканлигини билдиради. Қарашлилик, эгалик маъноси уч шахсга ва бирлик ҳамда кўпликка кўра ифодаланади. Ҳар бир эгалик аффикси айни вақтда ҳам шахс маъносини, ҳам сон маъносини ифодалайди (III шахс эгалик аффиксигина бирлик ва кўпликда фарқланмайди).

Шахс-сон	Бирлик	Кўплик
I шахс	- <i>(и)м:</i> <i>укам, ватаним</i>	- <i>(и)миз:</i> <i>укамиз, ватанимиз</i>
II шахс	- <i>(и)ңг:</i> <i>уканг, ватанинг</i>	- <i>(и)ңгиз:</i> <i>укангиз, ватанингиз</i>
III шахс	- <i>и, -си:</i> <i>укаси, ватани</i>	- <i>и, -си:</i> <i>укаси, ватани</i>

Эгалик аффикси қўшилганда, сўз таркибида баъзан қўйидагича товуш ўзгариши ҳосил бўлади:

1. Иккинчи ёпиқ бўғинида қисқа ва тор *и*, *у* унлилари бўлган сўз(асос)ларда бу унли тушиб қолади: *қорин — қорнинг, бурун — бурнинг, оғиз — оғзи, кўнгил — кўнгли* каби.

2. Охири *қ*, *к* ундоши билан тугаган сўз(асос)ларда бу ундош *ғ*, *г* ундошига айланади: *ўртоқ — ўртоғим,*

қишлоқ — қишлоғим, истак — истагинг, эшик — эшиги каби.

3. *Обрў (асли обрўй), авзо, парво* каби сўзларда эгалик аффиксидан олдин бир й товуши орттирилади: *обрўйим, обрўйинг, обрўйи, авзойим, авзойингиз, парвойимиз, парвойи* каби.

93- §. Эгаллик аффикслари I ва II шахсларда нарсаннинг қайси шахсга мансуб эканлигини аниқ кўрсатиб туради. Шу сабабли қаратувчи вазифасидаги кишилик олмошини келтириш талаб қилинмайди: *отам, университетим, отамиз, университетимиз, отангиз, университетингиз* каби.

III шахсда эса қаратувчи киши бўлиши ҳам, нарса бўлиши ҳам мумкин: *Каримнинг китоби, кутубхонанинг китоби* каби. Агар киши кўзда тутилса, қаратувчини келтириш шарт эмас; аммо бирор нарса бўлса, уни келтириш шарт (бусиз эгалик, мансублик аниқ бўлмай қолади). Масалан, *унинг қишлоғи, унинг укаси* деб ҳам, *қишлоғи, укаси* деб ҳам ишлатиш мумкин; аммо *колхоз фермаси, баҳор шамоли* каби бирималарда қаратувчини тушириб бўлмайди.

Кўринадики, эгалик категорияси қаратқич келишиги билан боғлиқ ҳодисадир. Эгалик аффиксини олган сўз (қаралмиш) ёлғиз ўзи ҳам, қаратқич келишиги аффиксини олган сўз билан (қаратувчи билан) биргаликда ҳам ишлатилади.

КЕЛИШИК КАТЕГОРИЯСИ

94- §. Келишик категорияси от ва отлашган сўзларнинг бошқа сўзлар билан грамматик алоқасини кўрсатишга хизмат қиласди, шу сўзларнинг гапдаги вазифасини белгилайди. Отнинг келишик аффиксини олиб ўзгариши *турланиш*, бу аффикслар эса *турловчи аффиқс* дейилади.

Отнинг келишик билан турланиши маъно талаби билан бўлади. Чунки от келишик формасида келиб, гапда бошқа сўзлар билан грамматик алоқага киришади, маълум синтактик вазифани бажаради: *Музика дунёни ҳам, кўнгилларни ҳам сеҳрга, тотли туйғуларга тўлдиради. (О.) Муҳайё касалхонадан чиқиб, тўғри ўз уйига борди. (А. К.) Унинг фаолиятида янги, фақат унга алоқадор ишлар бошланмоқда эди. (Ў. У.)*

95- §. Келишик категорияси маълум формалар системаси орқали ифодаланади ва алоҳида бир парадиг-

мани (келишик парадигмасини) ҳосил қиласи. Келишик категорияси олти шаклнинг системаси билан шаклланади, уларнинг ҳар бир маълум маънолар комплексини ифодалайди. Бу шакллар: бош келишик, қаратқич келишиги, тушум келишиги, жўналиш келишиги, чиқиш келишиги, ўрин-пайт келишиги.

96- §. Келишик маънолари келишик шаклидаги сўзнинг бошқа сўзлар билан боғланиши асосида шаклланади. Масалан, чиқиш келишиги шаклидаги от феъл билан боғланиб, предмет, ҳаракатнинг чиқиш ўрни белгисини англатади (*Али Қушичи бир лаҳза иккиланиб тургач, юраги зирқираганича дарвозадан чиқди.* (О. Ё.) Бу унинг асосий маъно ва вазифаси. Бундан ташқари, сабаб (*Минг бир мўъжизанинг бари пахтадан.* (У.), пайт (*У ёшликтан газеталарни кўп ўқирди* (О.) қаби маъноларни ҳам ифодалайди. Демак, ҳар бир келишик бир неча маънони ифодалайди, шунга кўра маълум бир келишикдаги сўз гапда турли гап бўллаги вазифасида келади. Аммо келишик маъноларидан бири асосий маъно ҳисобланади, келишик шу асосий маъносига кўра номланади.

Отнинг бошқа сўзлар билан грамматик алоқаси, келишикдан ташқари, кўмакчи билан (аналитик шаклтарзида) ҳам ифодаланиши мумкин: *Вокзалдан Қорасувга машинада (машина билан) эмас, пиёда боради.* (О. Ё.) *У киши мени Тошкентга ўқишига (ўқиши учун) юборган эдилар.* (А. Қ.)

Аммо келишик шакли ва кўмакчи ифодалаган маънолар маълум даражада бир-биридан фарқ қиласи. Кўмакчи билан ифодаланишида маъно хийла аниқ бўлади: *Бир дараҳт билан (дараҳтдан) боғ бўлмас.* (М.) *Жамшидни кутуб олиш учун (кутиб олишга) Санобарнинг отаси — Шомурод aka чиққанди.* (О. Ё.)

Ҳар бир келишик махсус аффикс билан ифодаланади. Лекин отнинг келишик аффиксини олмаган шакли ҳам бошқа келишикларга нисбатан алоҳида шакл саналади. Келишик шакллари воситасида бир сўзнинг бошқа сўз билан тобе алоқаси ифодаланади. Жумладан, бош келишикдаги от бошқа сўзни ўзига тобелаш орқали муносабатга киришади. Шунинг учун у *асосий келишик* (основной падеж) дейилади. Қолган келишик шакллари эса бир сўзни бошқа сўзга тобелаш орқали боғлайди ҳамда *воситали келишик* (косвенный падеж) дейилади.

Бош келишик

97- §. Бош келишикдаги от умуман шахс, предмет, воқеа-ҳодисаларнинг номини атайди, ким?, нима?, қаे р? сўроқларидан бирига жавоб бўлади. Отнинг бош келишик формаси махсус аффиксга эга эмас. Бу келишик шакли аффиксли келишик шаклларига қарама-қарши қўйилади ва шуларга нисбатан белгиланади. Шунга кўра бош келишик аффикссиз келишик ёки ноль кўрсаткичли келишик формаси деб юритилади.

98- §. Бош келишикдаги сўз қўйидаги вазифаларда келади:

1. Эга вазифасида келади: *Деразамнинг олдида бир туп йўрик оппоқ бўлиб гуллади.* (Ҳ. О.) *Мардлик, ғайрат, сабот эрур инсоннинг ҳусни.* (Ғ. Ғ.) *Бектемир эшикдан жўрттага кулимсираб кирди.* (О.) *Юклар ташлансин, фақат қуроллар олинниб, катта шаҳарга қараб пиёда йўл олинсин.* (Б. Полевой.)

2. Бош келишикдаги от номинатив (атов) гап ёки шундай гапнинг бош сўзи вазифаларида келади: *Қиши. Аччиқ совуқ ҳар ёндан чимчилайди.* (О.) *Ойсиз тун. Баланд тизма тоғ...* минглаб юлдузларни беркитиб ётибди. (П. Қод.) *Бегубор ойдин кеча. Ҳали тонг отишига анча бор.* (А. Мух.)

3. Бош келишикдаги от гапда кесим вазифасида келса, келишигидан кейин тусловчи (шахс сон) ҳам қатнашади. *Отам камтар, тўғри сўз, очиқ кўнгил одам эди.* (М. Исм.) *Самарқанд — шоирлар, олимлар шаҳри.* (З. О.) *Оталар сўзи — ақлнинг кўзи.* (Мақол.)

4. Сифатловчи вазифасида келади: *Гулчеҳра атлас кўйлагини оловдай ёндириб, дараҳтлар орасида енгил, нозиқ йўргалар эди.* (О.)

5. Изоҳловчи вазифасида келади: *Содик темирчи Раззоқнинг ҳорғин кўзларига боқиб сўради.* (Ҳ. Ғ.) *Асқар ота тўсатдан отнинг бошини тортди.* (А. Қ.)

Шундай бирикмалар ҳам борки, биринчи компоненти бош келишикдаги от билан, иккинчи компоненти эгалик аффиксини олган от билан ифодаланади: *Фарғона водийси, Зарафшон воҳаси, Галаба байрами, институт ректори, бригада бошлиғи, шанба оқшоми* каби. Бу каби бирикувлар қаратувчили бирикмага кирмайди, унинг биринчи компоненти белгисиз қаратқич келишиги шаклида эмас, балки бош келишик шаклида бўлади, иккинчи компонент билан изоҳловчилик муносабатига ки-

ради: *Меҳрининг кўзларида қувонч, миннатдорлик түйгуси порлади.* (А. К.) *Ер юзига донғи кетган Ўзбекистон ўзингсан.* (Ф. Ф.)

6. Бош келишикдаги от гап бўлаклари билан грамматик жиҳатдан боғланмаган сўз — ундалма вазифасида келади: *Умрим, эй сен билан қилиб ифтихор, Бўйлайин ўлгунча мен ҳам миннатдор.* (Ф. Ф.) *Сизга йўлдош бўлсам, азиз дўстларим, Сизга хизмат қилса, шебрим, сўзларим.* (Ҳ. Ф.)

Қаратқич келишиги

99- §. Қаратқич келишигидаги от, одатда, бошқа бир сўзни ўзига қаратиб келади ва қаратувчи деб аталади. Қаратилган сўз қаралмиш бўлиб, эгалик аффиксини олган бўлади. Бунда икки от ёки отлашган сўзниң ўзаро муносабати ифодаланиб, қаралмиш турли келишик шаклида келиб, ҳар хил гап бўлаги вазифасини бажаради: *Муқаддас бу оиласининг энг катта фарзанди экан.* (О. Ё.) *Чолғувчиларнинг садолари, қўшиқчиларнинг куйлари, отларнинг кишинаши, оломоннинг қий-чувлари ҳавода янграб турарди.* (О.)

Қаралмишга эгалик аффикси қаратқич келишигидаги сўз қайси шахсни кўрсатишига мувофиқ қўшилади: *Ўнинг тажрибали кўзи Йўлчининг ишида ҳеч қандай камчилик кўра олмади.* (О.); сенинг тажрибали кўзинги каби.

Қаратқич келишигининг аффикси -нинг; бу келишикдаги сўз кимнинг?, ниманинг? сўроқларига жавоб бўлади: *Ҳақназар отанинг кўп яхшиликларини кўрганман.* (Мирм.) *Зарафшоннинг сувларидандир Чечакларнинг лабидаги нам.* (Ҳ. Ф.) *Ёшликтининг охири — қариликнинг боши.* (Мақол.)

Баъзан (шеърий асарларда) қаратқич келишиги учун учинчи шахс эгалик аффиксидан кейин -н шакли қўшилади: *Қиз титрарди ишқ баҳорин елидан.* (З.)

Ҳар оила ўчогин ўз қутлуғ тарихи бор,
Ҳар бошпана кишилар меҳнатин обидаси. (Ф. Ф.)

Мен, сен олмошлари қаратқич келишиги билан турланганда, бу келишикнинг аффикси -нинг шаклида бўлади: *Сендан бўлак менинг юрагимга яқин киши йўқ.* (Мирм.)

*Ҳар азиз кексанинг мушфиқ пандида
Сенинг бурро тилинг сўзга келажак. (F. F.)*

Қаратқич келишигидаги сўз мустақил сўзга боғланмай, кўмакчи олиб ҳам ишлатилади:

*Сенинг билан яшинасин баҳор,
Сенинг билан хуши бўлсин дамлар.
Сенинг билан бирга иқболим,
Ишончимнинг сен вафо тоғи. (Ҳ. О.)*

100- §. Қаратқич келишиги икки шаклда: белгили ёки белгисиз шаклда қўлланади.

Қаратқич келишиги белгили бўлганида -нинг аффикси қатнашади, белгисиз бўлганида эса -нинг аффикси қатнашмайди: *Бу гўзанинг чаноқларида астойдил меҳнатнинг салмоғи, кучи, самараси кўриниб турибди. (И. Р.) Дарё сувини баҳор тоширас, Одам қадрини меҳнат оширас. (Мақол.)*

Белгили қаратқич кўплиқдаги биринчи ва иккинчи шахс кишилик олмошларидан бўлса, баъзан қаралмишдаги эгалик аффикси тушиб қолади:

*Шуларнинг ҳаммаси бизнинг қўл билан,
Бизнинг билак билан юзага келган. (Ҳ. О.)
Акам бизнинг колхозда
Ҳайдар эди трактор. (З. Д.)*

Белгили қаратқичдаги отлар гапда бирдан ортиқ бўлиб уюшиб келганида, -нинг аффикси фақат энг кейинги оттагина қўшилиб, барча уюшувчилар учун умумий бўлади: *У ерда отлар, аравалар, түяларнинг шовқини ... доимий ғовур-ғувур ясайди. (О.)*

Қаратқич келишигининг (шунингдек, аффиксли бошқа келишикларнинг ҳам) белгисиз қўлланишини бош келишик билан тенглаштириб бўлмайди. Келишикнинг аффиксга умуман эга эмаслиги бошқа ю, аффикс бўла туриб белгисиз ишлатилиши бошқа ҳодисадир. Қаратқич келишигининг белгисиз қўлланишини белгили қўллаш мумкин: *комитет мажлиси — комитетнинг мажлиси* каби. Бош келишикда, умуман, аффикс йўқ, бу келишикни, масалан, қаратқич келишигининг белгисиз ишлатилиши билан тенглаштириб бўлмайди.

Агар ташқи ўхшашлик асосида ҳукм чиқарсак, юқоридаги мисолда отлар, аравалар бош келишикда, туяларнинг сўзигина қаратқич келишигига деган нотуғри хулоса чиқарилади. Ваҳоланки, уюшиб келган сўзлар грамматик жиҳатдан бир хил шаклланади. Юқоридаги сўзларнинг грамматик мавқеи ўзаро бир хил, фақат грамматик шаклда умумлашиш мавжуд, холос. Яна чоғиши тириңг: *Акаси ва дугоналарининг «Энди нима қиласиз» деганига Онахон ўйлаб турив жавоб қилди.* (Мирм.)

Ўзбек, тоҷик, туркманнинг, қирғизу қозоқларнинг Шуҳратини кўтарган ғолиб паҳлавонлари. (F. F.)

Белгили қаратқич англатган маъно белгисиз қаратқич англатган маънодан фарқ қиласи. Белгили қаратқичда хусусий хослик, аниқ қарашлилик бўлса, белгисиз қаратқичда умумий хослик бўлади. Белгисиз қаратқичда келган сўз атоқли отлардан бўлганда, хусусий хослик ифодаланиши ҳам мумкин: *Иигит ҳусни меҳнатда; Эр давлати элида.* (Мақол.) *Салқин саҳарларда, бодом гулида, Бинафша лабида, ерларда баҳор.* (З.)

101- §. Белгили қаратқичда асосан қўйидаги маъно муносабатлари ифодаланади:

1) Қаралмишда ифодаланган предметнинг маълум шахсга, нарсага тегишли экани аниқлиги таъкидланади: *У билан машинасозлик заводининг катта цехида учрашим.* (Ё.) *Қизнинг қўнғироқдай ёқимли овози ҳамманинг диққатини ўзига тортиди.* (И. Р.,)

Яна қутлуғ шу минбардан азиз дўстларнинг Жон қадрдан чеҳраларин кўриб турибман. (F. F.)

2) Қаралмишда ифодаланган отнинг бирор колектив ёки илмий, сиёсий ташкилотга тегишли, қарашли эканини билдиради: *Масалан, Анварни институт комсомол комитетининг секретари Раҳимжон чақирилди.* (А. К.)

3) Қаратувчи бўлиб келган от қаралмишда ифодаланган белги ё хусусиятнинг ташувчиси, эгаси эканлигини билдиради. Масалан: *Оила ҳаётининг ҳарорати, роҳати ва тозалиги уни қувонтиради.* (В. Ажаев.) *Олтин-кумушининг эскиси бўлмас, Ота-онанинг баҳоси бўлмас.* (Мақол.)

4) Қаратувчи бўлиб келган от қаралмишда ифодаланган ҳаракат-ҳолатнинг бажарувчи эканини билдиради: *Бу кишининг кетмон уриши қорни тўқ кишининг хашак титишига ўхшайди.* (А. К.) Паст-баланд, ёш ва қари дараҳтларнинг турли шаклда кўриниб туриши Шералини ажаблантирди. Биринчи кўрган одамнинг ҳам бир неча кунда шунча яқин бўлиб қолиши мумкин экан. (А. Мух.)

Белгили қаратқич юқоридагилардан ташқари, бутун билан бўлак алоқаси, нарса билан ўрин, пайт муносабати сингари қатор маъно муносабатларини ҳам кўрсатиши мумкин: *Баҳорнинг илк шаббодаси дараҳт япроқларини эркалаб ўйнарди.* (О. Ё.) Ўзбекистоннинг табиатини, пахтасини, меваларини шавқ билан таъриф этар эди. (О.) Аммо булар юқоридаги пунктларни аниқлаштириш бўлади. Бундай ички группалашларни чексиз давом эттириш мумкин. Лекин улар борган сари грамматик маънодан узоқлашиб, лексик маънога яқинлашиши мумкин.

102- §. Қаратқич келишиги қўйидаги ҳолатларда белгили ишлатилади:

1) Олмошлар қаратқич келишигида келганда: *Унинг юзига қон югурди.* (А. М.) Унинг лаблари худди баҳор қуёшини эмган лолани эслатарди. (О. Ё.) Бизнинг хотинларга ҳаё фазилат. (Ф. Ф.)

2) Отлашган сўзлар (сифат, сифатдош кабилар) қаратқич келишигида келганда: *Ишлаб топганнинг ноҳни лаззатли бўлур.* (Мақол.) Элга қўшилганнинг кўнгли тўқ, элдан ажралганнинг бети йўқ. (Мақол.)

3) Қаралмиш отлашган сўзлардан бўлганда: *Ҳар бир нарсанинг янгиси, дўстнинг эскиси яхши.* Ўқишнинг эрта-кечи бўлмас. Болаларимизнинг каттаси ўн олтига қадам қўйди. (А. К.)

4) Қаратқич келишиgidаги сўз келишиккача эгалик аффиксини олган бўлса: *Шеъримнинг мазмунлари, фикрим, ижодимдасиз.* (Ф. Ф.)

5) Қаратувчи билан қаралмиш орасида бошқа бирор сўз келса: *Қизнинг қоп-қора кўзлари шодлик билан чақнаб кетди.* (М. И.) Қуёшининг илк нурлари ҳовлидаги икки туп мирзатеракнинг учida жилваланаар эди. (О. Ё.)

6) Қаратувчи маҳсус аниқловчига эга бўлса: *Паркни тўлдира бошлаган одамларнинг ғовур-ғувуридан ўзимга келдим.* (О. Ё.)

Қаратқич келишигіда келган отлар гапда асосан қаратувчи вазифасида келади: *Мен сизнинг күзингиздә диेरимни күраман.* (Х. F.)

Қаратқич келишигидаги сұз (күпинча кишилик олмошлари) күмакчи билан ишлатилиб, аналитик шакл ҳосил қиласы, гапда воситали тұлдирувчи вазифасида келади: *Күкан ўзи менинг билан хүп оғайни.* (F. F.) *Сенинг учун бугун бир түй тузатдым.* (Х. О.)

Тушум келишиги

103- §. Тушум келишигіда келган сұз феъл англат-ған иш-харакаттің таъсирини ўз устига олған, ҳар-катни бевосита ўзига қабул қылған нарсаны ифода-лайди, гапда воситасыз тұлдирувчи вазифасида келади. Тушум келишигінің аффикси -ни. Бу келишикдаги сұз кимни?, нимани? (баъзан қаерни?) сүроқларига жавоб бўлади, ҳар вақт ўтимли феълларга боғланади: *Онангни кафтиңгда тутсанг, синглингни бошингда тут.* (А. К.) *Булбул чаманни севар, одам ватанни.* (Мақол.)

Ўзбек тилида тушум келишигінің аффикси баъзан (ассосан шеърий асарларда әгалік аффиксидан кейин) -н шаклида ҳам келади: *Дала юзини қоплар чечак-гул, Кулиб чиқар ёриб ер тагин. Тинмай эсар ҳар томонга ел, Қўймай сочар ўрикнинг гулин.* (Х. О.) *Олмазорлар гулин тўқади, Мева боғлаб, шохин буқади. Чиройлидир гўё ёш келин, Икки дарё ювар кокилин.* (Х. О.)

Мен, сен кишилик олмошларига тушум келишиги -и шаклида қўшилади: *мени, сени. Сени кўрса, очилсин гуллар. Сени кўрса ёнсин булбуллар.* (Х. О.)

Тушум келишигидаги от, одатда, ўтимли феълга боғланиб, воситасыз тұлдирувчи вазифасида келади. Бундай тұлдирувчими бошқарған ўтимли феъл тусла-нишли феъл шаклида, ҳаракат номи шаклида келиши мумкин: *Болаларни муттасил тергаб, уларни ўз из-мимда тутишга ўрганиб қолибман.* (А. М.) *Акрам... кўчани тўлдирган одамлар оқимиға қўшилди.* (О. Ё.) каби.

104- §. Тушум келишиги иккі шаклда — белгили ёки белгисиз ишлатилади. Тушум келишиги белгили бўл-ганида -ни аффикси қатнашади; белгисиз бўлганида эса -ни аффикси қўлланмайди. Бундай вақтда сўзнинг тушум келишигіда эканлиги мазмунидан, ўша сўзнинг феълга боғланишидан билиниб туради: *Бу ашуслани*

мен чиқарғаным йүқ, бу ашулашарни бир мен айтган әмасман. (А. Қ.) Бунда бұлбұл китоб ўқийди, Бунда құртлар ипак түқийди. (Х. О.)

Қаратқыч келишигіда бұлганидек, тушум келишигіннің белгіли ёки белгисиз құлланап шам маъно талабига ва грамматик ҳолатта күра воқе бұлади. Масалан, тушум келишигидаги сөз сүзловчи ва тингловчи учун аввалдан маълум нарсаны англатса, бунда келишик белгіли шаклда құлланади, акс ҳолда эса белгисиз шаклда құлланади: *Китобни ўқиб бұлдингми?* (Мағлум бир китоб күзда тутилади). *Китоб ўқиб бұлдингми?* (Умуман китоб күзда тутилади). Ёки: *Гузардагилар бононабираны ҳовлигача күзатиб құйышади.* (А. Мух.) *Ұзинг кирадиган эшикни қаттиқ ёпма.* Ботирлари канал қазади. Шоирлари ғазал ёзади. (Х. О.)

105- §. Қүйидеги ҳолатларда тушум келишиги белгіли шаклда құлланади:

1. Тушум келишигидаги сөз атоқли от бўлганда: *Мен Деҳқонбойни билмаган эканман* (А. Қ.) Носиров Саидани узоқдан күриши билан ўрнидан турди. (А. Қ.) *Шокир отанинг бу гапи Йўлчини беҳад қувонтирди.* (О.)

2. Кишилик, ўзлик ва кўрсатиш олмошлари тушум келишигіда келганда: *Ҳарбий комиссариат мени узоқ чегара районига юборди.* (Ф. Ф.) Кекса домла буни жавобимнинг бошиданоқ сезиб қолди. (О. Е.)

3. Тушум келишигидаги сөз пайт билдирувчи сўз бўлиб, шу сөз ажратилиб кўрсатилганда: *Эркин ёзни қандай ўтказганини ўртоқларига сўзлаб берди.*

4. Тушум келишигидаги сөз ҳаракат номи бўлганда: *Сен қўйларни боқавер, ўғлим, ҳали ёшсан, канал қазишни билмайсан.* (Ойдин.) Комбинат директори унга кўпроқ ёшлар билан шуғулланишини топширган (А. Мух.) Мен бу ҳужжатни күришини, виждоним олдида ўзимни оқлашни истардим. (О. Е.)

5. Тушум келишигіда сифат, сон каби отлашган сўзлар келганда: *Қийинни енга олмоқ қудратига эгамиз.* (Ф. Ф.) Сендан кўра муносибрөқни топаман деса, Комиланинг ақлига мен ҳайрон қолмаганым бўлсин... (О.) Билаги зўр бирни йиқар, билими зўр мингни йиқар. (Мақол.)

6. Тушум келишигидаги сөз ўз аниқловчисига эга бўлганда: *Дўстларининг товушини эшиштгач, самимий илтифот билан эшикни очиб юборди.* (О.) Бу гапни ҳамма бир оғиздан мағқуллади. (О.)

7. Тушум келишигидаги сўз билан уни бошқарган сўз орасида бошқа сўзлар келса: Эрини ҳеч қачон бундай кайфиятда кўрмагани учун хотинининг кўнглига тулғула тушди. (А. Қ.) Қўлларимни бошимнинг орқасига қўйиб чалқанча ётардим. (О. Ё.)

8. Тушум келишиги эгалик аффиксидан кейин қўшилса: Зал жим. Парда очилишини кутар эди. (А. Қ.) Булбул чаманини севар, Одам — ватани. (Мақол.) Ўкташ хайрлашиб, отнинг бошини қишилогига томон бурди. (О.)

106- §. Тушум келишигидаги сўз ҳаракатнинг объектини кўрсатади. Бу келишикдаги отни бошқариб келган феълнинг лексик-семантик хусусиятига қараб объектлик муносабати ҳам турли оттенкаларга эга бўлади:

а) аниқ ҳаракатни билдирган феълларга боғланса, тушум келишигидаги от ҳаракатнинг таъсири ўтган объектни англатади: Шоир ғазални китоб орасига солди. (О.) Хатони тузатиш учун ҳаётни қайтадан бошлиш керак эди (О. Ё.);

б) феъл англатган ҳаракатнинг бажарилиши натижасида юзага келган объектни, унда қандайдир ўзгариш бўлганлигини билдиради: Янги терим машиналарини яратган олимларимизга раҳматлар айтамиз. («С. Ўзб.») Бугун буйруқ бўлди: деворни бузиб, Тез ўрнатиш керак янгисин (А. Мух.);

в) тушум келишигидаги от жой маъносини билдира, бундай тўлдирувчи ўрин оттенкасига эга бўлади: Улар энг олдин боғни айландилар, узумзор, олмазор, ўриқзорни, олчазорни бирма-бир айланиб кўрдилар. Меҳмонлар тарихий ёдгорликларни, шаҳарнинг диққатга лойиқ жойларини бориб кўрдилар («С. Ўзб.»);

г) тушум келишигидаги сўз аниқ ҳаракатни билдирамай, тасаввур этиш, ҳис этиш, кузатиш, ўрганиш каби ҳолат англатган феълларга боғланганда, шу ҳолатнинг объектини билдиради: Анвар ўз истиқболини ёлғиз муҳаббат, меҳнат орқали кўрар эди. (А. Қ.) Сиз у кишининг муҳаббатларини қозонгансиз. (А. Мух.)

Жўналиш келишиги

107- §. Жўналиш келишигидаги сўзлар феълга боғланиб, ҳаракат йўналган предметни кўрсатади. Жўналиш келишиги аффикси -га, -ка, -қа шаклларида ке-

лади: шаҳарга, далага, эшикка, паркка, ётоққа, боққа каби.

Жўналиш келишигидаги сўз асос билдирган маънога қараб турлича сўроққа жавоб бўлади, гапдаги вазифаси ҳам шу асосда белгиланади: Мен... масалага (и имага?) бошқача қарайдиган бўлдим. (F. F.) Кечқурун Тансиқ уйга (қаेरга?) қайтди. Хуллас, ер арzonга (қанчага?) кетди каби.

Бу келишик аффиксинг асосий формаси -га бўлиб, у к, қ, товушлари билан тугаган асослардан ташқари, барча ҳолларда ишлатилади: Ғуломжон отасининг сўзи билан ҳушига келди. (M. Исл.)

Агар асос к жарангиз товуши билан тугаса, аффикс бошидаги г товуши жарангизлашади ва -ка шаклида қўшилади: Улар кўчада чанг кўтармасликка ҳаракат қилишиб, отни секироқ ҳайдашди. (A. K.) Бу ёшликка онг — билимдан қанот боғланган, У юксакка учмоқ учун дадил чоғланган. (F. F.)

Агар асос қ жарангиз товуши билан тугаса, аффикс бошидаги г товуши жарангизлашади ва айни вақтда тил орқа товушига айланади. Натижада ққ шаклига эга бўлади ва шундай ёзилади: Қишлоққа шаҳар туташи, икков бирга ҳамнафас. (F. F.) Тушдим ёшлигим ўтган дарёлардан йироққа. (Х. О.)

108- §. Жўналиш келишигига келган сўз қўйидаги маъноларни билдиради:

1. Ҳаракат ва ҳолат йўналган шахс ёки предметни. Комила хурсанд бўлиб қалам-қофозни ўртоғига тутқазди. (О.) Саҳна орқали кишиларнинг қалбига йўл топсан. (A. K.)

2. Бир предметнинг иккинчи предметга аталганлигини: Бизнинг замонда ҳамма олий мактабларнинг ҳамма санъат ва ҳунарларнинг дарвозалари бизга очилиб турибди. (О.)

3. Шахс, предметларнинг бирор ҳолатга ўтиши, эски ҳолатдан ўзгариши каби маъноларни англатади: Ҳозир бизнинг қуртларимиз иккинчи уйқуга кирди. (Газ.)

4. Ҳаракатнинг қандай мақсад билан бажарилганини билдиради: Она ўз ўғли учун миннатдорчилек билдиришига келибди. (A. Мух.) Мана шу қизларнинг кийимидан эртага синглимга сотиб оламан. (О). Мен Фарғонадан атайлаб сиз билан кўришишга, рози бўлсангиз, отпуска ичиди тўй қилишиб келган эдим. (Ойд.)

5. Ҳаракатнинг бажарилиш сабабини билдиради:

Мен күсакларнинг кўпи беш хонали бўлганига қувонаман. (О.) Ўқимаганимга жуда армон қиласман. (М. Исм.)

6. Жўналиш келишигида келган сўз пайт, ўрин билдирувчи сўз бўлганда ҳаракат қаратилган вақт, ўрин маъноларини билдиради: *Бу орада электростанция битиб, унинг очилиши маросими иккинчи февралга белгиланди. (А. К.) Колхоз правлениеси аъзоларининг кеч соат 8 га белгиланган мажлиси ўз вақтида бошлианди. (Р. Ф.)*

109- §. Жўналиш келишигидаги сўз ҳаракат йўналган шахсни, предметни англатса ёки бир предметнинг иккинчи бир предметга аталғанлигини билдиrsa, бундай сўз воситали тўлдирувчи вазифасида келади, кимга?, нимага? сўроқларидан бирига жавоб бўлади: *Иброҳимов ҳамманинг сўзига диққат билан қулоқ солди. (А. К.) Кўпчиликка ишонган мақсадига етади. (Макол.)*

Бошқа маънолар ифодаланганида эса ҳол вазифасида келади. Бу вақтда қаерга?, нима учун?, нима мақсадда?, нима сабабли?, нимага?, қачон?, қанча? каби сўроқларга жавоб бўлади:

а) ўрин ҳоли вазифасида келади: *Мен Ленинградга кетишими ҳали онамга айтмаган эдим (F. F.).*

б) сабаб ва мақсад ҳоли вазифасида келади: *Мен ҳам шу ерга келганимга хурсандман. (Ў. Ў.) Ўртоғинг келганига суюндингми?*

в) пайт ва миқдор-даража ҳоли вазифасида келади: *Уч-тўрт кунга Жанубга бораман. (В. Ажаев.) Кунига юз элликка етказаётган экансиз, табриклайман! (Мирм.)*

Чиқиш келишиги

110- §. Чиқиш келишигидаги сўз шахс ва предметнинг чиқиш ўрни, ҳаракат ва ҳолатнинг бошланиш нуқтаси каби маъноларни ифодалайди. Ҳозирги адабий тилимизда бу келишикнинг аффикси -дан бўлиб, кимдан?, нимадан?, қаердан?, қачондан?, қанчадан? сингари сўроқлардан бирига жавоб бўлади: *У дўстидан худди шу далдани кутиб турган эди. (М. Исм.)*

111- §. Чиқиш келишигига келган сўз жуда кўп маъноларни, ҳатто чиқиш оттенкасига тўғри келмаган маъ-

шоларни ҳам билдиради. Буларнинг асосийлари қуийдагилар:

1. Ҳаракатнинг бошланиш ўрнини, нима бўйлаб содир бўлишини кўрсатади: *Ғуломжон шаҳардан жуда кеч қайтди.* (М. Исм.) Улар асфальт кўчанинг бу бетидан у бетига чиқишди. (О. Е.)

2. Шахс ва нарсанинг чиқиш ўрнини, манбани билдиради: *Бу қадимий улуғвор чинор, эҳтимол, қачонлардир битта уруғдан униб чиққандир.* (А. Мух.) Қиз деган кўнгилнинг қонидан бўлур. (F. F.)

3. Нарсанинг ишланиш материалини билдиради: *Арча япроғида муздан пардалар, Қирда лолалардан баҳмал тўшалди.* (F. F.)

*Менга бугун яқиндир осмон,
Булутлардан тепамда пода.* (Х. О.)

4. Бир нарсани бошқа бир нарса билан чоғишириш, қиёслаш маъносини билдиради. Чоғиширилган нарса чиқиш келишигига келади ва белги англатувчи сўзга боғланади: *Ҳали сиз мендан бақувват.* (С. А.) *Виждон етакласа, буйруқдан ҳам, заруратдан ҳам кучли бўлар экан.* (А. Мух.) *Тўғри сўз қиличдан ўткир.* Бол ширин, болдан бола ширин. (Мақол.) *Хаёл тездир ҳар бир қанотдан, Орзу эса учқур ҳар қандай отдан.* (Х. О.)

5. Ҳаракатнинг бажарилишида сабаб, восита бўлган шахс ва нарсани билдиради: *Усмонов шундай одамнинг қўлида ишлаётганидан хурсанд эди.* (Ў. Ў.) Ердаги барака қадамингиздан. (F. F.)

6. Ҳаракат қаратилган нарсани кўрсатади: *Сўзни сиздан эшиштамиз... янги ердан гапиринг.* (Р. Ф.)

7. Чиқиш келишигидаги сўз пайт билдирувчи сўзлардан бўлса, ҳаракатнинг бажарилишидаги дастлабки вақтни, муддатни билдиради: *У ёшлиқдан газеталарни кўп ўқирди.* (О.) *Жўра темирчининг оғир босқони Тонгдан ўт пуркайди, нафаси «виши-виши».* (О.)

8. Чиқиш келишигидаги сўз ҳаракат қисман ўтган нарса ёки нарсанинг бир қисми маъносини билдиради: *Баҳри сўйлар қилган ишидан, Ниятидан, истиқболидан, Сўзлаб берар тўқ турмушидан...* (Х. О.) Завод ишчилиридан Жумабой ва Эргаш чархчи олдида ўтирас эдилар. (О.)

9. Феълдан англашилган иш-ҳаракатнинг белгисини, бажарилиш ҳолатини билдиради: *Дўстлари уни чин*

кўнгилдан табриклишди. (О.) Умаралининг юракдан ёзган илиқ сўзлари унинг кўнглини шодликка тўлдириб юборди. (О.)

Чиқиш келишигидаги сўзлар яна кўп маъноларни билдиради. Бу маънолар ўзаро боғланган сўзларнинг синтактик муносабатлари орқали аниқланади.

Чиқиш келишигидаги сўз баъзан тушум, қаратқич келишиклари билан маъно муносабати ҳосил этади: *Раҳно гуллардан* (*гулларни*) бир-бир узиб, ўртоқларига узатди. (О.)

Қариндошлардан (*қариндошларнинг*) кетадигани кетди, қоладигани қолди. (А. К.) Тол шохидаги болалардан (*болаларнинг*) бири шошилиб тура бошлиди (М. И.) каби.

Чиқиш келишигидаги сўз кўмакчи билан биргаликда аналитик шакл ҳосил қиласи ва кўмакчининг маъносига қараб ҳаракатнинг бажарилиш пайти, давом, такрор, сабаб, ўхшатиш каби маъноларни билдиради: *Бу тўқнашувдан кейин улар расмийроқ гаплашадиган бўлиб қолишиди.* (Мирм.) Студентлигимдан бери ўз қўлим билан, ўз меҳнатим билан янги ер очишни, боғ қилишни орзу қиласадим. (Ў. Ў.) Энди пахталар унга аввалгидан кўра оқроқ, яна ҳам юмшоқроқ кўринар эди. (О.)

112- §. Чиқиш келишигидаги сўз предмет маъносига эга бўлиб, кимдан?, нимадан? сўроқларига жавоб бўлса, воситали тўлдирувчи вазифасида келади: *Сиз мұхабbat завқидан ҳам, меҳнат қувончидан ҳам, дўстлик шавқидан ҳам баҳрамандсиз.* (А. Мух.)

Чиқиш келишигидаги сўз ўрин, пайт, ҳолат, сабаб маъноларига эга бўлиб, қаердан?, қачон?, қачондан?, нима, сабабли? каби сўроқларга жавоб бўлса, ҳол вазифасида келади:

а) ўрин ҳоли: *Ғуломжон ўша куни уста Баҳромнинг уйидан тонг ёришмай хайрлашиб чиқди.* (М. Исм.) Заргаров аэропортдан соат ўн бирларда етиб келди (А. Мух.);

б) пайт ҳоли: *У болаликдан отларни севар, яхши отларни томоша қилишдан ҳар вақт завқланар эди.* (О.)

в) сабаб ҳоли: *Севинчидан юраги гурс-гурс уриб кетди.* (О.) Зумраднинг чеҳраси қувончдан ёришиб кетган эди (О.);

г) равиш ҳоли: *У Султоновнинг гапини чин юракдан севиниб қаршилади* (*Ў. Ў.*) каби.

Бу келишикдаги сўз кесим вазифасида ҳам келади: *Мен Самарқанднинг бир қишлоғиданман.* (*О.*) *Бола — ёшдан, одоб — бошдан.* (*Мақол.*)

Ўрин-пайт келишиги

113- §. Ўрин-пайт келишигининг шакли *-да* аффикси бўлиб, бу келишикдаги сўз ким да?, нимада?, қада? (қаёқда?), қачон? каби сўроқларга жавоб бўлади.

114- §. Ўрин-пайт келишиgidаги сўзлар қўйидаги маъноларни англатади:

1. Шахс ва нарсанинг ўрнини билдиради: *Ҳали туннинг барқут этаги ерда.* (*У.*) *Меҳнат ҳар манглайдада қуёши нақшидир.* (*F. F.*)

2. Ҳаракат ва ҳолатнинг бажарилиш ўрнини билдиради: *Томирларда кезган қайноқ қон.* (*Рамз Бобоҷон.*) *Меҳнатда яралган саодат кўркин Юракда жаранглар куий, оҳанги.* (*Ҳ. О.*)

3. Ҳаракат ва ҳолатнинг бажарилиш пайтини билдиради. Бу вақтда ўрин-пайт келишиgidаги сўз пайт маъносига эга бўлиши лозим: *Ҳар якшанбада колхозга — тажриба участкасига борадилар.* (*Ў. Усм.*) «*Тонгда чиқиб, кечаси қайтасан, на овқатингда маза бор, на уйқунгда ҳаловат*», — деди онаси. (*О.*) *Баъзан -да аффикси қатнашмаслиги ҳам мумкин: Меҳнат завқи тутар ўлкани, Саҳар кетар чўпон тоғига.* (*Ҳ. О.*)

4. Ҳаракатнинг бажарилиш ҳолатини ёки ҳаракат ва ҳолатнинг обьекти бўлган предметни билдиради: *Улар мусиқани чуқур сукутда тинглар эди.* (*О.*) *Она оқ кўйлакда, оқ дока рўмолда чексиз азиз, шафқатли, беҳад гўзал туюлди Ўқтамга.* (*О.*)

5. Ҳаракатнинг бажарилишида сабаб, восита бўлган нарсани билдиради: *Биз паҳтакормиз, суюгимиз меҳнатда қотган.* (*О.*) *Улар ҳалиги чол билан хайр-хўшилашиб, машиналарда кетишиди.* (*А. Мух.*)

6. Шахс, предметларнинг бир иш билан шуғулланишини, ҳаракат ва ҳолатнинг нима тўғрисида, нима жиҳатдан бўлиши каби маъноларни англатади: ... *Иигитлар ҳунар ўрганишида, пўлат қуёшида Мариядек уста кишиларга яқинлашмоқда.* (*А. Мух.*) *Ҳали туннинг*

барқут этаги ерда, Ҳали бутун қишилоқ вазмин үйқуда. (У.)

115- §. Үрин-пайт келишигидаги сўз ким да?, ни ма да? сўроқларига жавоб бўлиб, предмет маъносига эга бўлса, гапда тўлдирувчи вазифасида келади: *Куз келди, бизларга кумуши косада Шарбат ола келди, бол ола келди. (У.)* Бўй ўсган ҳар ўсмирнинг қаддида, қоматида *Туққан ота-онасин қатра умри яширин. (F. F.)*

Бу келишикдаги сўз ҳолат, пайт, сабаб, восита маъноларини англатиб, қандай?, қаерда?, қачон? каби сўроқларга жавоб бўлса, гапда ўрин, пайт, равиш, сабаб ҳоли вазифасида келади: *Биз уларни ўзимиз яратган шаҳарда кутиб оламиз. (А. Мух.)* Ёзда қилингани меҳнат, кузда кўрсатар ҳиммат. (*Рамз Бобоҷон.*) Майнинг тўққизида голос пишиди. (F. F.)

Ўрин-пайт келишигига келган сўз содда гапнинг кесими вазифасида ҳам келади: *Бирлашма уч қаватли янги бинода эди. (А. Мух.)*

Ўрин-пайт келишигидаги сўзлар гапда уюшиб келса, келишик аффикси ҳар бир бўлакка алоҳида ёки энг кейинги бўлаккагина қўшилиб келади. Кейинги ҳолатда -да аффикси ҳамма бўлаклар учун умумий бўлади: *Шаҳарларда, боғлар, тоғларда Элни қучган мангу бир баҳор. (Х. О.)*

ОТЛАРДА ШАҚЛ ЯСАЛИШИ

116- §. От туркумига кирган сўзлар, категориал шакл билан бир қаторда, кўргина нокатегориал шаклларга ҳам эга. Бу шакллар турлича грамматик маъноларни ифодалашга хизмат қилади.

Отнинг нокатегориал шакллари тузилиш жиҳатидан уч турга бўлинади: 1) синтетик шакл; 2) аналитик шакл; 3) жуфт ва такрорий шакл.

Синтетик шакл

117- §. Отнинг синтетик шакллари ўз маъно хусусиятига кўра қўйидаги турларга бўлинади: 1) кичрайтиш шакли; 2) эркалаш шакли; 3) қарашлилик шакли; 4) ўрин белгиси шакли; 5) чегара шакли.

Кичрайтиш шакли

118- §. Кичрайтиш шакли қўйидаги аффикслар орқали ясалади:

1) -ча аффикси билан. Бу аффикс шахс ва предметларнинг кичик эканлигини билдиради: *йигитча, дафтарча, қушча, китобча, уйча* каби. Шоир *дафтарчасини тиззасига қўйиб тез-тез ёзар* эди. (А. К.) Ярим соат ўтар-ўтмас улар Студентлар шаҳарчасига кириб боришиди. (Ў. Ў.)

Бу аффикс шахс билдирган отларга қўшилганда, кичрайтиш маъносидан ташқари, эркалаш ёки камситиш маъносини ҳам ифодалайди: «*Қани бўймаса, тингла, ўғилча*»,— дейди чол ва йўталиб тарихини бошлияди. (О.) Луқмончанинг атрофида сұхбат, баҳс давом этарди. (А. Мух.) «*Бо, мунча ноз қилмасане, отинча?!*» (Х. Ф.) Ичкарига киринг, анави етимча қизимизни ўлдириб қўяй деяпти. (Мирм.)

-ча аффикси олган сўзлар баъзан кичрайтиш маъносини йўқотиб, семантик ўзгариш натижасида янги лексик маъно билдириши ҳам мумкин: *қаламча* (пайванд ва экиш учун ўсимликдан кесиб олинган новда), *найча* (пахта эгатига сув қўйиш учун ишлатиладиган асбоб ёки тўқимачилик асбоби), *қизилча, кўкча* каби. Бундай ҳолларда сўз ўзининг дастлабки маъносини йўқотади, аффикс сўзининг асосидан ажралмас ҳолатга келади: *Нафиса опа илгари болалар боғчасида мураббия бўлиб ишларди*. (Мирм.) Абдулла муздек беқасам кўрпача устига чўзилди. (Ў. Ў.)

2) -чоқ, -чақ, -чиқ аффикслари билан. Бу аффикс ҳар турли сўзларга қўшилиб кичрайтириш, шунингдек, эркалаш маъноларини ифодалайди: *тойчоқ, қўзичноқ, қулунчоқ, келинчак, тугунчак, қопчиқ, тўйчиқ* каби. Масалан: *Қулоқларнинг оқи ва оёқчаларининг оласи ўзларига жуда ярашган қўзичноқлар чакмон устида жимгина ётишар* эди. (П. Қод.) Келинчак висолин кутган йигитдай, Шарафли айёмга халқим мунтазир. (Ғ. Ғ.)

Эркалаш шакли

119- §. Эркалаш маъносини ифодаловчи шакллар қўйидагича ясалади:

1) -жон, -хон аффиксоидлари билан. Булар мустақил сўзлар сифатида қўлланишдан ташқари, шахс билди-

рувчи атоқли ва турдош отларга қўшилиб, эркалаш, суйиш каби маъноларни ифодалаш учун ҳам хизмат қиласди: *акажон, укажон, холажон, Ҳакимжон, Олимжон, Зоҳиджон, Асалхон, Зулфияхон, Лолаҳон, Анерхон* каби. Аҳмаджон бутун умрида биринчи мартаба шундай саросималикка тушган эди. (А. К.) Раҳбархон бу хонадондан ўз баҳтини топганига энди уч ойча бўлди. (Ҳ. Н.)

-жон -хон аффиксоидлари баъзан сўзниг асосига мансуб бўлади. Бу вақтда эркалаш маъноси ифодаланмайди, балки асос ва аффиксоид биргаликда битта атоқли отга teng бўлади: *Қулжон, Шержон, Ойхон, Ўғилхон* каби.

2) -ой, -нисо аффиксоидлари билан. Бу аффиксоидлар атоқли отга қўшилиб, эркалаш, суйиш маъносини билдиради: *Турсуной, Нигораой, Ёқутой; Зебинисо, Мөхринисо, Хайринисо* каби.

3) -гина (-кина, -қина) аффикси билан. Бу аффикс қўпинча шахс билдирган отларга қўшилиб, эркалаш, суйиш каби маъноларни билдиради: *қизгинам, болагинанг, отагинаси* каби. Жаннат она қизни қучоқлаб бағрига босди:— Қизгинам... Эндиги қолган умримни фақат сени излаш учун сарфлайман деб аҳд қилиб қўйган эдим, болагинам (А. Мух.) «Ёдгор қани, ойи?»— «Вой, дарвоқе, ҳозир олиб чиқаман болагинангни». (Ф. Ф.)

4) -(а)лоқ аффикси ҳам айрим отларга қўшилиб, эркалаш, ҳурмат маъноларини билдиради: *бўталоқ, қизалоқ, тойлоқ* каби. «Баракалла, қизалоқларим!»— Қари пахтакор бир онда яшнаб кетди. (О.) «Баракалла, бўталогум»,— мақтайди мени бобом. (О.)

Баъзан бир от асосига кичрайтириш ва эркалаш шаклини ясовчи бирдан ортиқ аффикс қўшилиб келиши мумкин. Бу вақтда кичрайтириш, суйиш оттенкалари яна кучайтирилади, таъкидланади: *бўталоқча, қизалоқча, қўзичоққинам* каби.

Қарашлилик шакли

120- §. От ва отлашган сўзларда қарашлилик шакли -ники аффикси орқали ясалади. Бу вақтда бир нарсанинг -ники аффиксини олган сўз англатган шахс ёки нарсага қарашли эканлиги ифодаланади: *Бу бино мак-*

табники. Бу китоб кутубхонанини, китоб Аҳмадники каби.

Қишилик олмошлари қарашлилик шаклида келса, нарсанинг бирор шахсга тегишли эканлиги аниқ ифодаланади: — Ҳаракат қилаверсаларингиз, юқори ҳосил сизларники. (О.) Бу водийнинг қуёши ҳам бизники. (Т. Фаттоҳ.)

Ўлка ишқи билан тўлгандир юрак,
Уникуидир шараф, унику ҳаёт. (Ҳ. О.)

Тарихий жиҳатдан -ники мураккаб аффикс бўлиб, қаратқич келишиги белгиси -нинг ҳамда -ки аффиксларининг қўшилишидан ҳосил бўлган ва соддаланиш асосида бир аффикс ҳолига келиб қолган.

Қарашлилик маъносининг эгалик аффикси ва қарашлилик шакли орқали ифодаланиши бир-биридан кескин фарқ қиласди. Эгалик аффикси категориал шакл ясади, шахс ва сон бўйича шакллар системасини — парадигмани ҳосил қиласди. Эгалик шакли ҳам қаратилган нарсани, ҳам унинг қайси шахс эканлигини ифодайди, қаратувчили бирикмани ташкил қилишда қатнашади: китобим — менинг китобим, китобимиз — бизнинг китобимиз каби.

-ники аффикси эса нокатегориал шакл ясади, сўзларнинг бошқача синтактик муносабатида қатнашади: Эришилган бу ютуқларнинг ҳаммаси ўзимизники, колхозчиларники. (О.) Демак, кесим вазифасида келган -ники аффиксли шакл қаратувчи шахс ёки нарсани билдиради, бошқа от эса (китоб, ютуқлар) қаратилган нарсани билдириб, эга вазифасида келади.

121- §. Қарашлилик шаклидаги сўз кўплик, эгалик ва келишик аффиксларини олиб, гапнинг бошқа бўлаклари вазифасида ҳам келади: Бизницилар баъзи ерда культивация, баъзи участкаларда қирма чопиқча киришишиди. (О.) Турсунойни қўшинисиникида қолдириб, Башоратни эргаштирганча кўчага чиқди. (А. Мух.) Бундай қўлланишда қарашлилик шаклидаги сўзни қаратувчили бирикма билан алмаштириш мумкин: Онамни хотинникида (хотиннинг уйида) қолдириб, шу атрофдан бирон иш топишга ҳаракат қилдим. (А. Қ.) Йўқ, бизницилар (бизнинг колхозчилар) сизницилардан (сизнинг колхозчилардан) ҳали кўп нарса ўрганиши керак, Комилахон (О.) каби.

Үрин белгиси шакли

122- §. Үрин белгиси шакли -даги аффикси билан ясалади, предмет, воқеа-ҳодисаларнинг үрин ва пайтга кўра белгиси ифодаланади: *даладаги колхозчилар, осмондаги юлдузлар, уйидаги китоб* каби.

-даги мураккаб аффикс бўлиб, үрин-пайт келишиги белгиси -да ва сифат ясовчи -ги аффиксларининг қўшилишидан ҳосил бўлган. Одатда, үрин-пайт келишиги даги сўз шахс ёки нарсанинг турган үрнини, ҳаракатнинг бажарилиш үрнини, пайтини билдиради. -ги аффикси ҳам үрин ва пайтга муносабатни, унга хослик маъносини англатган сифат ясади. Аммо бу иккала аффикс қўшилиб, уларнинг якка ҳолатда англатган маъноларидан фарқ қиласан бошқа маъно юзага келган: бу мураккаб аффикс шахс, нарса, воқеа-ҳодисаларнинг үрин ва пайтга кўра белгисини ифодалайди, сифатловчи вазифасида келади: *Онахён меҳмонларни хирмон ёнидаги палосга таклиф қилди.* (Мирм.) *Кўкламдаги тойчоқни от десам арзигулик, Баҳордаги умиднинг мевасини келиб кўр.* (F. F.)

*Тоғлардаги қип-қизил лола,
Бўлиб гўё ёқут пиёла,
Булоқлардан узатади сув.* (Ҳ. О.)

Бу шаклдаги сўз отлашса, эга, тўлдирувчи, қаратувчи вазифаларида келади: *Булар гузардагилардан сўрашга улгурмай, гузардагилар булардан карнай сабини сўраб қолдилар.* (М. Исм.)

Чегара шакли

123- §. Чегара маъносини ифодаловчи шакл -гача (-кача, -қача) аффикси билан ясалади. Бу аслида қўшма аффикс бўлиб, жўналиш келишиги белгиси (-га) ва чегара маъносини англатувчи (-ча) аффиксидан иборат: *уйгача, кўчагача, ёзгача, тушгача* каби. Зуҳра опаси билан *Самижонни автобус станциясигача кузатиб чиқди.* (А. К.) *Қиз мармардай билакларигача шимарид қўйилган кўйлак енглари орасидан кичик рўмолчасини олиб, терларини арта бошлиди.* (F. F.) *Бек ұнбеш ёшида Красноводсккача борди.* (А. Мух.)

Бу шакл күпинча ўрин, пайт маъноларини билдириган отларга қўшилиб, чегара маъносини ифодалайди: *Луқмончани бир ҳафтагача вибраторга қўйишмади.* (А. Мух.)

Бу форма баъзан аниқ шахс, нарсаларни чегаралаш маъносини ҳам англатади: ... алифбедан тортиб *Навоий, Фузулий ғазаллари, Бедилнинг форсий байтларигача эшитилиб туради.* (О.)

Чегара шаклини ясовчи -гача аффикси, отлардан ташқари, сифат, равиш, сон, олмош ва феъл шаклларига ҳам қўшилиб келади: *Ана, қип-қизил лабларида мени ҳалигача мафтун қилган биринчи ярим табассумнинг ёввойи излари.* (Ф. Ф.) Кечгача биз колхознинг уёқ-бу ёғини кўриб танишиб чиқамиз. (А. К.)

АНАЛИТИК ШАКЛ

124- §. Отнинг аналитик шакли кўмакчи ёрдамида ясалади. Бу шакллар турлича грамматик маъноларни англашиб, гапда маълум вазифада келишига қарамай, улар отнинг алоҳида грамматик категориясини ҳосил қилмайди. Кўмакчи билан ясалган аналитик шакллар турлича маъноларни ифодалайди, гапда тўлдирувчи ва ҳол вазифасида келади: *Деҳқон билан деҳқон бўлиб гаплашмоқ...* керак. (С. Аҳм.) Умарали мамнуният билан уйига жўнади. (О.) Бир нарсани қадрлаш учун уни аввал яхши билиш керак. (А. К.)

Бундай аналитик шакллар маъно жиҳатидан келишик шаклларининг маъносига анча яқин туради, лекин у келишик шаклига кирмайди. Бу шакллар сўзлар орасидаги грамматик муносабатни ифодалашнинг алоҳида усули ҳисобланади, феълга, баъзан бошқа сўзларга бошқарув йўли билан боғланади: *Саиданинг келганидан (келгани учун) жуда хурсанд бўлди.* (А. К.) *Бир дарахт билан (бир дарахтдан) боғ бўлмас (Мақол.)* Мен отам бўлгани учун (отам бўлганидан) эмас, яхши одам бўлганидан (яхши одам бўлгани учун) куюнаман. (П. Қод.) (Бу ҳақда яна «Кўмакчилар» бобига қаранг).

ЖУФТ ШАКЛ

125- §. Отнинг жуфт формалари икки отнинг жуфтлашувидан ҳосил бўлади ва умумлаштириш, жамлаш, кучайтириш маъноларини билдиради: қозон-товоқ, дафтар-китоб, ота-бола, сигир-бузоқ каби. Сатторнинг қад-

ди-қомати, юз-кўзида баркамол йигитларга хос ало-ҳида бир жозиба бор эди. (П. Қод.)

Жуфт шакл компонентлари бир хил шаклдаги отлардан бўлади, улар бир-бири билан тенглашиш йўли орқали боғланади. Ҳар бир компонент ўз урғусига эга бўлади: *Дадам, Тошмуҳаммад, баланд бўйли, сариқдан келган, соқол-мўйлови қора, уст-боши қўполгина киши.* (О.)

СИФАТ

СИФАТНИНГ МАЊНОСИ ВА ГРАММАТИК БЕЛГИЛАРИ

126- §. Предметнинг белгисини билдирувчи мустақил сўзлар сифат дейилади: *яхши (китоб), камтарин (йигит), чиройли (шаҳар), кенг (йўл), катта (бино), ширин (олма), қадимги (тарих), деворий (газета) каби.*

Сифатлар нарсанинг белги-хусусиятини турли нуқтати назардан англатиши мумкин. Бу белгилар бевосита инсонга ёки борлиқдаги жонли ва жонсиз нарсаларга тегишли бўлиши мумкин.

Сифатлар шу хусусиятига кўра қўйидаги турларга бўлинади:

а) нарсанинг рангини, тусини билдирувчи сифатлар: *қизил, кўк, оқ, яшил, сариқ, пушти, қора, сансар* каби. У гузардаги катта оқ тош супада тикка турибди. (А. Мух.);

96 б) нарсанинг хусусиятини билдирувчи сифатлар: *камтар, шўх, тетик, чаққон, абжир, яхши, хасис, қўрс, инжиқ, дадил, меҳрибон, моҳир* каби. Феъли кенг, саҳоватли, меҳмондўст халқимизнинг донги оламга кетган. (Мирм.) Муҳайё бу содда, чаққон, бегубор болага ҳавасланиб қаради. (А. Қ.);

в) нарсанинг шакл кўринишини, ҳажм-ўлчовини билдирувчи сифатлар: *новча, калта, ориқ, эгри, қийшиқ, ясси, катта, кичик, кенг, тор, оғир, узун* каби. Улар Фарғонанинг катта кўчаларидан бирида уч хонали квартирада туришади. (Мирм.) Улкан шаҳарнинг энг гўзал, энг сердараҳт жойларидан бири шу (П. Қод.);

г) нарсанинг ҳолатини билдирувчи сифатлар: *шод, хурсанд, гўзал, хафа, маъюс, иссиқ, тинч, қуруқ, ёш, эски* каби; *Иккови нарироқдаги ёруғ чироқ шуъласида узоқ гаплашди.* (А. Қ.) Абдуллани янги ҳаёт, янги орзулар қувончи қамраб олган эди (Ў. Ү.);

д) нарсанинг таъмини, мазасини билдирувчи сифатлар: *ширин, нордон, аччиқ, шўр, bemaza, лаззатли* каби. *Хушхўр паловдан сўнг катта ширина тарвуз сўйилди.* (О.) Зира билан арчанинг ҳидига тўйинган *хушбўй, лаззатли* кабоб қорни тўқ кишининг ҳам иштаҳасидан *карнай ясар эди* (П. Қод.);

е) нарсанинг вақт ва ўрин белгисини билдирувчи сифатлар: *қадимги, бугунги, кечки, тонғги, ёзги, кузги, деворий, ҳозирги, аввалги, қиши* каби: *Эндиши шила-римизнинг режасини каттароқ, пухтароқ тузишимиз зарур.* (О.) *Бугунги ишни эртага қўйма* (Мақол.);

ж) нарсанинг ҳидини билдирувчи сифатлар: *хушбўй, сассиқ, қўланса* каби.

Сифатлар асосан отга боғланиб, нарсага хос белгини билдиради. Улар баъзангина феълга боғланиб, ҳаракатнинг белгисини билдиради: *Бир нарсанни кадрлаш учун уни аввал яхши билиш керак.* (А. Қ.)

127- §. Сифатлар белгини ўзича, айрим олинган ҳолда билдирамайди, балки борлиқдаги у ёки бу нарса ва ҳодисаларга тегишли ҳолда англатади. Шунинг учун сифат, одатда, нарса ва ҳодисаларнинг номи бўлмиш отларни аниқлаб келади: *кузги шамол, ақлли бола, қизил қалам, малла соч, тор кўча, қизиқарли томоша* каби.

Ўзбек тилида сифат бошқа сўз туркумларидан ўзига хос маъноси, маҳсус сифат ясовчи аффиксларга ва шакл ясовчи аффиксларга эга эканлиги билан фарқланиб туради. Грамматик жиҳатдан нарса белгисини бошқа нарса белгиси билан қиёслаб, даражалаб кўрсатиш ёки предмет белгисини кучайтириб ва камайтириб кўрсатиш хусусиятига эга: *катта — каттароқ, энг катта, кўк — кўкроқ, энг кўк, кўм-кўк, кўкимтир, янги — янгироқ, энг янги — яп-янги, қора — қорароқ, энг қора, қоп-қора — қорамтирик* каби.

Сифат одатда отга боғланиб келади, унинг бирор белгисини аниқлашга хизмат қилади. Баъзан от сўз ҳам ҳеч қандай морфологик белгисиз сифатловчи бўлиб келади. Лекин белги маъносини англатиб келган бундай от тамоман сифат туркумига ўтиб кетмайди, балки от туркуми доирасида қолади: *тош йўл, тахта кўприк, олтин соат, атлас кўйлак, кумуш қошиқ* каби.

128- §. Сифатлар гапда кўпинча сифатловчи вазифасида келади: *Очил бува ўткир, қора кўзли, серқоши, чиройли йигит бўлган.* (А. Мух.)

Бундан ташқари, кесим ва ҳол вазифасида ҳам келади: *Хўжалик маданиятнинг, маданият хўжаликнинг яна чиройлироқ, кучлироқ гуллашига сабабчи бўлади.* (О.) Самарқанд тонглари шавқли, фараҳли. (З. Обидов).

*Оппоқ қордир тоғларкинг боши,
Дарё тиник, осмон беғубор. (Ҳ. О.)*

Сифатлар отлашиб келганда, гапда эга, тўлдирувчи ва қаратувчи вазифаларида келади:

*Катталарнинг ғурури, ёшларнинг шод қийғоси,
Ташаккур айтмоқдадир қалбидан бу наҳора. (Ғ. Ғ.)*

129- §. Сифатлар англатган маъноларга кўра бир хил эмас. Баъзи сифатлар бевосита, тўғридан-тўғри нарса белгисини кўрсатса, баъзилари эса белги маъносини бир нарсанинг бошқа предметга бўлган муносабатига кўра англатади.

Белгини бевосита англатадиган сифатларга аслий сифат дейилади: оқ, қизил, сариқ, пушти, яхши, кенг, ёмон, катта, баланд, паст, семиз, қотма, шўх, ёш, новча, ширин, чучук, аччиқ, шўр, оғир, енгил, нордон каби.

Белгини бир нарсанинг бошқа нарсага бўлган муносабатига кўра англатадиган сифатларга нисбий сифат дейилади. Нисбий сифат махсус сўз ясовчи аффикс воситасида бошқа сўз туркумларидан ясалади: *билимли киши, йиллик план, тонгги шабада, эрталабки машфулот, сувсиз ер* каби.

Нисбий сифатда ясаш асосидан англашилган нарсага хосланганлик, чоғиштириш, ўхнатиш, ўрин ёки пайтга нисбатлаш каби маънолар ифодаланади, сифат ясовчи аффикс гўё икки нарса орасидаги муносабатларнинг кўрсаткичи бўлиб хизмат қиласида: *кейинги дарс, мевали дараҳт, ойлик план, оиласиий муносабат, қадимги тарих, ҳарбий унвон* каби.

Нисбий сифатлар маъно жиҳатдан белгини:

1) нарсага нисбат бериш билан ифодалайди: *ғайратли киши, болали аёл, ақлли йигит, илмий иш, шахсий масала, деворий газета* каби;

2) вақтга нисбат бериш билан ифодалайди: *кузги шамол, ҳозирги замон* каби;

3) ўринга нисбат бериш билан ифодалайди: *тошкентлик йигит, шаҳарлик талаба* каби.

Аслий ва нисбий сифатлар белги англатиш хусусияти жиҳатидангина эмас, балки бир қанча морфологик белгилари билан ҳам бир-биридан фарқ қиласади. Аслий сифатларга белгининг ортиқ ёки камлигини ифодаловчи шакл ясалиши, даража категорияси мансуб, нисбий сифатларнинг кўпчилиги эса бундай хусусиятга эга эмас.

ДАРАЖА КАТЕГОРИЯСИ

130- §. Сифатларга хос муҳим хусусиятлардан бири унинг даража категориясига эга эканлигидир. Сифат даражалари белгининг ортиқ ёки камлигини фарқлашга хизмат қиласади. Сифатларда даража шакллари икки турга бўлинади: 1) озайтирма даража; 2) орттирма даража.

Сифатнинг озайтирма ва орттирма даража ясовчиларини олмаган формаси *оддий даража* деб юритилади. Оддий даражада нарса белгиси ортиқ-камлиги жиҳатидан қиёс қилинмай, балки тӯғридан-тӯғри, бевосита англашилади. Озайтирма ва орттирма даражаларида эса белги маъноси оддий даражада ифодаланган белгига чофиштириш асосида ифодаланади.

131- §. Озайтирма даража. Озайтирма даражада нарса белгисининг оддий даражада ҳолатидан камлигини, кучсизлигини билдиради. Озайтирма даражанинг морфологик кўрсаткичи -роқ аффиксидир: *Мени пахтаси қалинроқ жойга қўй, шим унсин, яна колхозчилар олдида қизармай...* (О.) Дилимда орзу баландроқ эди, лекин кўклам ноқулай келди. *Баъзи жойларга қайта-қайта экдик, ўғит ҳам танқисроқ.* (О.)

-роқ баъзан предмет белгисининг нисбий ортиқлигини кўрсатади. Бунда чофиштирилувчи нарсанинг номи чиқиши ё жўналиш келишигига бўлиб, *кўра, қараганда, нисбатан сўзлари* билан бирга келади: *Пўлат темирдан қаттиқроқ. Карим курсимизда ҳамма студентларга қараганда каттароқ* каби. Бундай конструкцияларда белгининг ортиқлиги чофиштирилган икки предметдаги белгининг ўзаро муносабати асосида ифодаланади. Аммо -роқ аффикси шунда ҳам белгининг умуман оддий даражага етмаганлигини, ундан бир оз камлигини бил-

диради: *Күнлар ўтади секин, йигит кетади узоқ, ...Лекин ёрга туюлар аввалгидан яқинроқ.* (Х. О.)

Предмет белгисининг ортиклигини кўрсатиш, кучайтириш учун баъзан -роқ аффикси билан келган сифат олдидан яна, тагин сўзлари келтирилади: *Дадамат уни пешинда бедана паловига таклиф этди ва «Фарфона ялласи»ни яна шўхроқ оҳангда айтиб, қушларга берилди.* (О.)

-роқ аффикси баъзан сифат бўлмаган сўзларга (равищ, сифатдош, равишдошларга) қўшилиб, улар англатган белгини қиёслаб кўрсатиши ҳам мумкин. Бу вақтда ҳам белгипинг кучсизлиги англашилади: *эртароқ, кечроқ, тезроқ, озроқ, кўпроқ, қариганроқ, кулиброқ, қизариброқ; Бир неча вақтдан буён менга бошқачароқ қарайдиган бўлиб қолдинг.* (К. Ф.) Улар бу совғаларни ҳар кунги конфетлардан ҳам севиброқ, шодланиброқ қарши олдилар. (М. Исм.) У нимадандир чўчиган, ҳовлиққанроқ кўринарди. (А. Мух.)

Қиёслаш маъноси кўра, нисбатан, қараганда (ҳам) ёрдамчилари олган отнинг оддий даражадаги сифатга бирикиши билан ифодаланади: *Кўллар темирга қараганда мустаҳкам бўлиши керак.* (Сергей Бородин.) Бугун кечагига нисбатан кўп ва яхши, эртага бугунгига қараганда яна ҳам кўпроқ ва яхшироқ ишлаш керак. *Пахтамиз олтиндан ҳам қиммат.* (О.)

Ранг-тус билдирувчи сифатларда предметнинг белгиси камлиги, кучсизлигини кўрсатувчи форма ҳам ишлатилади. Бундай шакллар қўйидагича ясалади:

а) оддий даражадаги сифатга -ши аффиксини қўшиш билан: *оқиши, кўкиши, қизғиши, сарғиши.* Раис қорнини силкиб кулди, оқиши тишлари кўриниб кетди (О.);

б) сифат асосига -(и)мтири аффиксини қўшиш билан: *қорамтири, кўкимтири.* Кўкимтири қора осмондаги беҳисоб юлдузлар чақнаб туради (А. К.) каби.

132- §. Орттирма даражаси. Бу даражаси предмет белгисининг оддий даражаси ҳолатидан ортиқ эканлигини, кучлилигини кўрсатади. Орттирма даражаси қўйидагича ифодаланади:

1. Лексик йўл билан, яъни сифат олдидан энг, жуда, ғоят, ниҳоятда, беҳад каби сўзларни келтириш билан ҳосил қилинади: энг яхши, энг йирик каби: У қорли кун Йўлчи учун умрининг энг мазмунли, энг рангли, энг гўзал куни эди. (О.) Амаким билан жуда қадрдан бўлиб қолди. (О.)

Бир сифатнинг такоридан ҳосил бўлган аналитик шаклларда ҳам белгининг ортиқлиги ифодаланади. Бу хил аналитик шаклларнинг биринчи компоненти чиқиш келишиги шаклида келади: *кўпдан-кўп*, *узундан-узоқ* каби.

2. Фонетик йўл билан. Сифатнинг бош қисмини олиб, шу сифатнинг олдидан қўшиб такрорлаш йўли билан ясалади. Бунда:

а) сифатнинг ёпиқ бўғинга тенг бош қисми олиниб, шу сифат сўзнинг олдидан қўшиб такрорланади: *юм-юмaloқ*, *пак-пакана*, *бут-бутун* каби;

б) сифатнинг унли билан тугаган бош қисми олиниб, охирига *n*, *m*, товушларидан бири орттирилади ва ҳосил бўлган ёпиқ бўғин шу сифатнинг олдидан қўшиб такрорланади: *қип-қизил*, *кўм-кўк*, *қоп-қора*, *ям-яшил*, *яп-янги* каби.

в) сифатнинг очиқ, унли билан тугаган бош қисми олиниб, унга *pna* товушлари қўшилади ва ҳосил бўлган қисм шу сифат олдидан қўшиб такрорланади: *сопна-soғ*, *қуппа-қуруқ*, *типна-тик*, *тўппа-тўғри* каби.

Оқ сўзи бир бўғинли ва унли билан бошлангани учун *pna* товушлари эмас, балки *pp* товушлари орттирилади ва ҳосил қилинган қисм шу сифат олдидан қўшиб ёзилади: *Oppoқ қордир тоғларнинг тоши*. (Х. О.)

3. Баъзан белгининг ортиқлик даражаси сифат олдидан махсус сўзлар келтириш билан ҳам ифодаланади: *тим қора*, *ғурт ёлғон*, *жиққа ҳўл*, *жиққа мой* каби.

4. Икки предмет белгиси ўзаро чоғиширилганда ҳам белгининг ортиқлиги маъноси англашилади. Бу вақтда сифат олдидан *ҳамма*, *бари*, *барча* каби олмошлар чиқиш келишиги шаклида келади: *ҳаммасидан яхши*, *барчасидан катта*, *баридан чиройли* каби.

ЭРКАЛАШ ШАКЛИ

133- §. Эркалаш шакли, асосан, сифат асосига *-гина* (-кина, -қина) аффиксини қўшиш билан ясалади: *яхшигина*, *ширингина*, *юмшоққина*, *нозиккина*, *каттагина*, *оддийгина*, *енгилгина* каби. Эркалаш шаклида келган сифатлар сўзловчининг белги орқали нарсага ижобий муносабатда бўлишини, эркалаш, суйиш маъноларини англатади: *Истараси иссиққина бу одамнинг ўзбекчалаб саломлашганини кўргач*, *Онахон ҳайрон қол*.

ди. (А. Мух.). *Мирҳайдар* энкайиб қизчасини күттарди, унинг оппоққина, юмшоққина, лўппигина юзидан ўпди. (О.)

Шахс, предметга ижобий муносабат сифатларга той аффиксини қўшиш билан ҳам ифодаланади: ёқимтой, эркатой, ширинтой каби. Шундан кейин Қаландаров... биринчи навбатда *Кодировнинг* эркатой арзандаси бўлиб қолди. (А. К.) Ўқтам хайрлашар экан,... ҳовлидан булбулницидай янгрок, ёқимтой, тоза овоз юксалди. (О.)

ЖУФТ ВА ТАКРОРИЙ ШАҚЛ

134- §. Бу шакллар икки сифатнинг жуфт ҳолда ёки бир сифатнинг такрорий ҳолда қўлланишидан ҳосил бўлиб, лексик-грамматик жиҳатдан бир бутунликни ташкил қиласди: яхши-ёмон, паст-баланд, оқ-қора, ўйдим-чукур, катта-катта, яхши-яхши каби.

Сифатнинг жуфт шакли кўплік, умумлаштириш, жамлаш маъноларини билдиради. Сифатлардаги жуфт шакл компонентлари маъно жиҳатидан: а) антонимлик муносабатида бўлади: ёши-қари, иссиқ-совуқ, ачсиқ-чуҷук, катта-кичик каби. Гавжум кўча, катта-кичик ҳар хил ёшдаги болалар жуда кўп (О.);

б) бир-бирига яқин, синонимлик муносабатида бўлади: якка-ягона, оч-яланғоч, қинғир-қийшиқ, эслихушли каби. Зумрадхон сўмкачаси билан эрининг елжасини аста туртиб, «Эсон-омон бориб келинг»,—деди. (О.) Туялар кўп, қинғир-қийшиқ кўчада тиқилиб қолишган. (О.);

в) биринчи компонентнинг фонетик ўзгариши асосида ҳосил бўлади: эгри-бугри, ола-була, чала-чулла, ола-кула каби: Айвон устунига суюниб турган ола-була ямоқ чопонли бир бола келиб унинг олдига тушиби. (П. Т.)

Сифатнинг такрорий шакли бир сўз(асос)нинг такроридан ҳосил бўлади ва кўплік, умумлаштириш маъноларини ифодалайди. Бу вақтда сифатланмиш кўплік аффиксини олади: Кичик-кичик дўйкончалар олдидан ўтиб бораётуб, ... бир тўда усталарни кўраман. (О.) Юксак-юксакларга тикка учшини Ҳар кун боласига ўргатар бургут. (Ҳ. Раҳмат.)

СИФАТНИНГ ОТГА КҮЧИШИ ВА ОТЛАШУВИ

135- §. Сифатнинг отга күчиши ва отлашуви бошқа бошқа ҳодисалардир. Бир туркумдаги сўзнинг бошқа туркумга күчиши деганда тил тараққиёти натижасида бир туркумдан иккинчи туркумга ўтган сўз назарда тутилади. Бунда мазкур сўзнинг грамматик моҳияти, қисман маъноси ўзгаради. Сифатларнинг отга күчиши ҳам шундай ҳодисадир. Масалан, *қиз*, *ўғил*, *эркак*, *аёл*, *касал*, чол каби сўзлар асли сифат бўлиб, кейинчалик отга айланган. Бундай сўзларнинг отга кўчганини ёки кўчаётганини кўрсатувчи белги уларнинг сифат билан ифодаланган аниқловчи олишида кўринади: *Ёш йигит, қари чол, чиройли аёл* каби.

Сифатнинг (ёки бошқа бирор туркум сўзининг) отлашуви эса унинг гапда от бажарадиган синтактик вазифада келишидир. Сифатланмиш тушириб қолдирилса, сифат ўша отнинг шаклий белгиларини қабул қиласи ҳамда унинг синтактик вазифасини бажаради. *Яхши, қизил, ёмон, иссиқ, эски, янги* каби сифатлардан белги маъноси англашилади, *яхшига, каттада, ёмондан, қизилини* дейилганда эса шу белгига эга бўлган шахс ёки нарса маъноси англашилади: *У гўё мағрур келгиндиларга кўрик ясаётгандек эди* (С. Б.) Эскиларини ямагунча, янгиларини тезроқ ясаймиз. (С. Б.)

Сифатлар баъзан қиёсий даража шаклида ҳам отлашиб келади: *Аскарлар эса уларнинг орасидан чаққонроқларини кўз остига олиб қўйгандай бўлар эди*. (С. Б.) Сендан кўра муносиброқни топаман деса, Комилланинг ақлига мен ҳайрон қолмаганим бўлсин. (О.)

Отлашган сифатлар гапда эга ва тўлдирувчи, қаратувчи вазифаларини бажаради: *Каттага ҳурматда бўл, кичикка иззатда*. (Мақол.) *Қўча бўм-бўш, болалар тугул, катталар ҳам йўқ* эди. (М. Исл.) Ёмонни танқид қиласи, *яхшига тақлид қиласи*. Дили тўғрининг тили тўғри (Мақол.) *Ғолиблар мажлис тўридан жой олишиди*. (А. Қ.)

СОН

СОННИНГ МАЪНОСИ ВА ГРАММАТИК БЕЛГИЛАРИ

136-§. Сонлар мустақил маъноли тобе сўзлардан иборат бўлиб, предметнинг миқдорини ва тартибини кўрсатади, қанча?, неча?, нечаничи? каби сўроқ-

ларга жавоб бўлади. Сон отга боғланиб, унинг саноғини миқдорини (*икки талаба, беш бола, ўнта дафтар каби*), миқдорга боғлиқ тартибини, даражасини (*иккинчи курс, бешинчи уй каби*) ва отга боғланмаган ҳолда мавҳум миқдор тушунчасининг номини (*уч билан тўрт етти бўлади, беш карра беш йигирма беш каби*) билдиради.

Сонлар ҳарф билан ёзилади (*беш, ўн, ўн тўққиз, иккинчи, еттинчи*) ёки араб рақами билан (5, 10, 14, 19, 2-, 7-), рим рақами билан (V, X, XIV, XIX) кўрсатилади.

137- §. Миқдор тушунчаси жуда мавҳум бўлгани саббли, уни ифодаловчи сўз ҳам мавҳум хусусиятга эга. Сон шу хусусияти билан бошқа сўз туркумларидан фарқ қиласди. Масалан, *беш, ўн икки, йигирма уч, бир юз ўн тўққиз* каби сонлар алоҳида олинганда, фақат мавҳум миқдор тушунчасинигина ифодалайди. Соннинг маъноси у бирор нарса номини билдирган сўз билан боғлангандагина аниқланади: *бешта дафтар, ўн икки киши, йигирма уч ўқувчи* каби.

Бир сонидан катта барча сонлар отнинг кўплик шаклига хос бирдан ортиқлик, кўплик тушунчасини аниқлаб ифодалашга хизмат қиласди. Бундай сонлар билан бириккан от ўзбек тилида кўплик ясовчи -лар аффиксини олмайди. Чоғиши тиринг: *Талабалар келди — тўрт талаба келди, китоблар олдим — ўн иккита китоб олдим* каби. Сон ҳар вақт саналиши мумкин бўлган предметларни англатган отлар билан қўлланади, уларни миқдор жиҳатидан аниқлаб келади.

138- §. Ўзбек тилида сонлар қўйидаги хусусиятларга эга:

1. Сон бошқа сўз туркумидан ясалмайди, унинг сон ясовчи аффикслари ҳам йўқ. Бинобарин, сон туркуми сўз ясалиши ситетасига эга эмас.

2. Соннинг маъно турлари ва модал шакллари унинг ўзига маҳсус аффикслар қўшиш билан ясалади: *битта, ўнтача, учов, олтита, иккитадан, еттинчи*.

3. Сон ўзича турловчи аффиксларни қабул қилмайди, сифатловчи олмайди, аксинча, ўзи отнинг сифатловчиси бўлиб келади: *Учинчи талаба икки йил бурун Шаҳрисабздан таҳсил учун келган ўн саккиз яшар Султонмурод эди. (О.)*

4. Сон миқдор тушунчасининг номини англатганда ва отлашганда келишик, эгалик аффиксларини қабул

қилади, от бажарган вазифаларда келади: *Ўн беш учга касрсиз бўлинади*.

5. Сон нарса миқдорини турли томондан аниқлаш учун саноқ билдирувчи сўзлар — нумеративлар билан ҳам қўлланади: *Полвон битта тухум, икки дона хурмо, ярим мисқол седана, беш дона бўтакўз, бир қошиқ асални бир пиёла сув билан мис идишида қайнатишга буюорди*. (A. K.)

Ўзбек тилида сонлар бирлик, ўнлик, юзлик, минглик системасида қўлланади, яъни аввал бирдан ўнгача сонлар (бирликлар) айрим сўзлар билан ифода қилинади. Кейин ҳар қайси ўнликнинг ўзига хос номи бор. Юз, минг шу сўзлар билан ифодаланади. Ўнликлар орасидаги миқдор ўнлик номига бирлик сонни қўшиб тузилади. Ўндан кейин минггача юз ичидағи сонлар қайтарилади. Соннинг шу тариқа ифодаланиши *бирлик, ўнлик, юзлик, минглик* системасини ташкил қилади. Бу системанинг қисмлари қатъий тартибга бўйсунади. Бу системада жами сон билдирувчи 20 та сўз (*миллион, миллиард* сўзларидан ташқари) бўлиб, улар жуда катта миқдорларни кўрсатишга хизмат қилади.

139-§. Сонлар тузилиш жиҳатидан икки хил бўлади: содда сон ва қўшма сон.

1. Содда сон бир ўзакдан иборат бўлади. Ўзбек тилида содда сонлар қўйидагилар: *бир, икки, уч, тўрт, беш, олти, етти, саккиз, тўққиз, ўн, йигирма, ўттиз, қирқ, эллик, олтмиши, етмиши, саксон, тўқсон, юз, минг, миллион, миллиард*. Эски ўзбек тилида сон, миқдор билдирувчи туман (*ўн минг*), лак (*юз минг*) сўзлари ҳам ишлатилган.

Булардан *саксон, тўқсон, олтмиши, етмиши* сонлари тарихан ясама (*саккиз+ўн, тўққиз+ўн, олти+миши, етти+миши*)¹ бўлса ҳам, ҳозир улар бирикиб, ажралмас содда ҳолга келган. Содда сонлар бошқа хил сонларни ҳосил қилиш учун асос бўлади.

2. Қўшма сон бир миқдор тушунчасини англатувчи икки ва ундан ортиқ сонлардан иборат бўлади: *ўн икки, ўн тўрт, ўттиз олти, бир юз йигирма бешинчи* каби. Қўшма сонларда аввал катта соннинг миқдори ва унинг ўзи, ундан сўнг кичикроқ сон ўз миқдори билан, ундан кейин яна кичикроқ сон ўз миқдори билан кела-

¹ Проф. Н. К. Дмитриевнинг фикрича, миш эски бошқирд ва уйғур тилида «ўн»ни билдирган.

ди: уч минг икки юз тўқсон беш (3295), бир минг тўқ-қиз юз етмиш беш (1975) каби.

Сонлар жуфт ҳолда ҳам келади. Бу вақтда икки сон ўзаро тенглашиш йўли билан боғланади ва тахминий миқдор маъносини англатади: тўрт-беш, беш-олти, ўн-ўн беш, қирқ-эллик, икки юз-уч юз каби.

Икки соннинг ўзаро тенг боғланishiда кичикдан каттага томон биттадан (бир-икки, икки-уч, етти-саккиз каби), бештадан (беш-ўн, ўн-ўн беш, йигирма-йигирма беш каби), ўнтадан (йигирма-ўттиз, қирқ-эллик, саксон-тўқсон каби), юзтадан (уч юз-тўрт юз, беш юз-олти юз каби), мингтадан (минг-икки минг, уч-тўрт минг, беш-олти минг каби) ошириб борилади: Суюнбой ака меҳмонлар билан кўришиб чиққац, хуржунидан тўртта тандир нон, беш-олтита сомса олиб қўйди. (П. Код.) Ўн-ўн беш минг эмас, йигирма-йигирма беш минг гектарни чўлдан узиб оладиган бўлдик. (О.)

Сон гапда асосан сифатловчи вазифасида келади: Тўй икки ёшининг, икки хонадоннингина эмас, икки маҳалла, бутун ёр-дўстларнинг тўйи бўлди. (А. К.) Хулкар ўроғлик дастурхонни бир қўлига, каструлкадаги қўйнинг қатиғини иккинчи қўлига олди-ю, чодирдан чиқди. (П. Код.).

Сонлар отлашганда ва абстракт сон тушунчасини ифодалаганда, гапда эга, тўлдирувчи, кесим ва қаратувчи вазифаларини бажаради: Олимларнинг иккиси ҳам тупроқшунос эдилар. (О.) Чўлононай ўн биринчини битирган, ўзи қобилиятли, билими ҳам анча яхши. (П. Код.) Бирининг қўлида чўлларга ҳаёт, Бирининг қўлида дарё товланар. (Ҳ. О.)

СОННИНГ МАЪНО ЖИҲАТИДАН ТУРЛАРИ

140-§. Сонлар маъно хусусияти ва грамматик белгилари жиҳатидан дастлаб иккига бўлинади: 1. Миқдор сон. 2. Тартиб сон. Миқдор сон нарсанинг миқдорини, саноғини ва умуман миқдор тушунчасини билдириса, тартиб сон нарсанинг тартибини, даражасини англатади.

МИҚДОР СОНЛАР

141-§. Миқдор сонлар нарса миқдорини санаш йўли билан аниқлайди. Миқдор сонлар саналиши мумкин бўлган ҳар қандай нарсанинг миқдорини кўрсатади:

Биз келгуси эллик, юз йилларга мұлжаллаб ишонч билан иш олиб боришимиш керак. (А. Мух.) Сиддиқжоннинг номига бирдан учта табрик телеграммаси келди. Эшик олдидә бешта от қатор турар әди (А. К.)

Миқдор сонлар ўзи күплик маъносини англатгани учун күплик аффиксини қабул қылмайди. Бу вақтда миқдори аниқланган нарсани билдирувчи от ҳам -лар аффиксини олмайди: *Девор соат жимликини бузиб эринмай ўн икки марта жом урди. (С. Аҳм.)* Беш юз йил яшади тоғдай Ватанды Буюк Алишернинг асрий нидоси (F. F.)

Миқдор сонлар маъно жиҳатидан қўйидаги турларга бўлинади: 1) саноқ сон; 2) жамловчи сон; 3) чама сон.

САНОҚ СОН

142- §. Саноқ сонлар нарсанинг миқдорини санаб, доналаб ёки тақсимлаб кўрсатишга хизмат қиласди: *Колхоз икки йилда оёққа босди, райондаги илғор колхозлар қаторига ўтди. (А. К.)* ...бешта бола ва молхонинг бутун оғирлиги Суюмнинг бўйнига тушар әди. (П. Қод.) Сурат тагига «*Аваз Қамбаров ҳар юз совлиқдан бир юз ўттизтадан қўзи олган...*» деб ёзиб қўйилган. (П. Қод.)

Саноқ сонлар предметнинг миқдор белгисини билдиргани учун отга сифатловчи бўлади ва шаклий жиҳатдан ўзгармайди (отга битишув йўли билан боғланади): *Офтоб Farbga ёнбошлигандан, икки йўловчи пастдан чиқиб, тепаликка йўл олди. (А. К.)* Отанинг бешта ўғиллари бор әди, шу теракларни уларнинг хотираларига эккан әдилар. (Ў. У.)

143- §. Бир саноқ сони айрим хусусиятлари билан бошқа сонлардан ажралиб туради. Икки, беш, ўн, саккиз каби сонлар от билан боғланаб, унинг миқдорини аниқлайди. Бир сўзида эса конкрет миқдор билдириш хусусияти анча кучсизлашган. Чунки предметнинг бирлиги, танҳолиги, якка эканлиги отнинг бирлик шакли орқали ҳам ифодаланади: *Қассоб думбаси селкиллаган қўйни... томорқага етаклаб ўтганидан сўнг Насимжоннинг кўнгли тинчиди. (О.)* Бунда бир сўзи қўлланмаса ҳам, қассоб, думба, қўй, томорқа кабиларнинг битта эканлиги англашилиб туради. Бир сўзида миқдор маъносининг кучсизлашганлиги унинг асосий маъносидан

ташқари, жуда күп бошқа маъноларни ифодалашида ҳам кўринади. Бу маънолар эса фақат контекстда аниқланади: *Магазиннинг бир деразаси чойхона томонга, бир деразаси мактаб қурилиши томонга очиларди.* (A. Mux.)

Бир сўзи қўйидаги маъноларда ишлатилади:

1. Предметни аниқлаб, унинг сонини кўрсатади. Бу вақтда у миқдор билдирувчи ҳисоб сўзлари (нумеративлар) билан ҳам ишлатилади: *бир сўм, бир гектар, бир қадам, бир жуфт, бир тун (гул), бир дона (китоб), бир қоп (ун), бир коса (овқат) каби.*

2. Предметни аниқлаб, «ноаниқ»лик маъносини билдиради: *Қиз Тошкентдан вакил бўлиб келган бир рус киши билан гаплашмоқда эди.* (O). *Водийларни яёв кезганда, Бир ажисб ҳис бор эди менда* (Ҳ. O.)

3. *Ҳар, вақт, кун, фасл, қадар, йил, маҳал* каби сўзлар билан бирга келиб, таъкидлаш, ажратиб кўрсатиш, гумон каби маъноларни билдиради: *У бир куни тушики дам олиш вақтида... дарёдан сув келтиргани борди.* (A. K.)

4. Чегаралов маъносини билдиради: *Ҳаммамиз имтиҳонлардан яхши ўтдик, бир Аҳмаднинг мазаси бўлмади.*

5. Феълга боғланиб, унинг маъносини кучайтиради: *бирам соғиндим, бир тепди. Омадимиз келган эканми ё қурт тутишини соғиниб қолган эканмизми — бир бўлиб берди, қани энди териб тамом қилолсак?* (A. K.)

6. Такрорий шаклда феълга боғланиб, ҳаракатнинг белгисини, унинг қай тарзда бажарилганлигини билдиради: *Ўқтам кабинетда ўтирганларга бир-бир қараб чиқди.* (O.) *Умид мамнун ҳолда зинапоялардан биттабитта босиб пастга тушди.* (Мирм.)

7. Такрорланиб, айирув боғловчиси вазифасини бажаради, ҳаракат, воқеа-ҳодисаларнинг галма-гал бўлганлигини билдиради: *Чой маҳалида бир кулиб, бир йиғламсираб, ўзи, болалари, невараси Ўрмонжон тўғрисида гапирди.* (A. K.) — Вой тавба, бир ундоқ дейсиз, бир мундоқ дейсиз! (O. E.)

144- §. Саноқ сонлар нарсанинг миқдорини доналаб санаш йўли билан ҳам кўрсатади. Бу вақтда саноқ сонларга -та аффикси қўшилиб келади: *учта бола, олтита дафтар, бешта уй* каби. *Мирзаев шошиб қолиб бир куннинг ўзидага Латофатхонга иккита хат ёзди.* (A. K.)

Эгалик аффиксими (күпинча учинчи шахс) олиб келган саноқ сонлар отлашади. Бу вақтда улар келишик аффиксими ҳам қабул қилиши мүмкин, лекин күплик аффиксими олмайды: *Сурувдан етмиш саккиз қўй ошиқ чиқди. Булардан ўн саккизтаси Ортиқники, ўн учтаси Турди билан Эшмурод аканинг ўзиники, иккитаси қайси бир район хизматчисиники эди.* (П. Қод.) *Сангинов кечагина областда яна биттасидан шу гапни эшилди.* (А. Қ.) «У куни келган синтетик ўтовлардан биттасини Авазларга берсангиз, алмат иш бўлар эдида»,— деди Замонали. (П. Қод.)

Нарсанинг миқдорини доналаб санашда саноқ сон маъно жиҳатдан бўлак, дона, нафар, бош, туп каби предметларнинг миқдорини билдирувчи ҳисоб сўзлар — нумеративлар билан ёнма-ён ҳолда қўлланиши мүмкин: *Шарофатбиби узуб келтирган гуллар ичидан бир парча оловдай ёнган иккита (икки дона) кўркам қизил гулни танлаб, Комиланинг чеккасига қистириб қўйди.* (О.) *Иккинчи синфда ўттиз бешта (ўттиз беш нафар) ўқувчи таълим олади.*

Саноқ сонларга -гина аффикси кўшилса, предмет миқдорини чегаралаб, айириб кўрсатиш маъносини англашилади: ...доимий токни узоққа олиб бориш арzon тушади — унга иккитагина сим, оддий устунлар керак. (А. Мух.) Сизнинг болаларингиздай иккитагина қора кўз ўғлим бор (П. Т.)

Саноқ сонлар нарсаларнинг тақсимини, уларнинг миқдор жиҳатидан тенг бўлганлигини ҳам билдиради. Бу вақтда саноқ сонлар -дан аффиксими олиб, чиқиши келишиги тақсим маъносини ифодалайди: иккитадан, саккизтадан, йигирма бештадан каби; ...яна ҳар гектаридан саккизтадан (саккиз центнердан) пахта бершига сўз бердик. (О.) Звено аъзолари уч кунда тўрттадан, бештадан меҳнат куни ишлади. («С. Ўзб.»)

Баъзан чиқиши келишиги аффикси тўғридан-тўғри саноқ соннинг ўзига кўшилиб келиши ҳам мүмкин: *Биз сидқидилдан ишлаб, ҳар юз совлиқнинг юз йигирмадан қўзисини шунчалик семиртириб берганимиз ҳам осон иш эмас.* (П. Қод.) Саноқ сон нумератив билан келганда, чиқиши келишиги аффикси нумеративга кўшилади: *Пахта ақласидан ҳам фондга ажратилгач, меҳнат кунига уч сўм йигирма тийиндан тўғри келади.* (А. Қод.) *Бригада пландаги йигирма саккиз центнер*

ўрнига ҳар гектаридан ўттиз олти центнердан пахта топшириди. («С. Ўзб.»)

Бундан ташқари, тақсим маъноси, нарсаларнинг тенг бўлинган миқдори соннинг бошқа турларини такрорлаш йўли билан ҳам ифодаланади. Жумладан, жамловчи, дона сонлар тақрорланганда, тақсим маъноси англашилади: *Ҳаммалари икков-икков замбил кўтариб, ғашит ташишга киришидилар.* (А. К.) Ясанган-тусанганд тўда-тўда қизлар, йигитлар иккита-иккита, учта-учта бўлиб, паркнинг яшил қучоғига ёйилмоқда. (О. Ё.)

Ҳисоб сўзлари

145- §. Нарсаларнинг сонини кўрсатиш, уларнинг миқдор белгисини аниқлашда саноқ сонлар билан бирга ҳисоб сўзлари (нумеративлар) ҳам ишлатилади. Предметларнинг сонини, ҳажмини, ўлчовини билдирувчи дона, нафар, бош, гектар, тонна каби сўзлар ҳисоб сўзлари деб аталади. Ҳисоб сўзлари билан саноқ сонлар биргаликда бошқа отга боғланиб, ҳар иккала сўз бир гап бўлаги вазифасини бажаради: *Ўтган йили саккиз тоннадан ортиқроқ пахта тердим.* (А. К.) Бир туп гул юз ғунча очади. (О.) Оламда инсон учун ўз устозидан бир оғиз мақтов, севганидан эса бир оғиз ширин калом эшишидан ҳам каттароқ баҳт бормикан?! (М. Кориев.)

146- §. Нарсанинг миқдорини аниқлаш жиҳатидан нумеративлар қўйидаги турларга бўлинади:

1. Нарсанинг миқдорини доналаб ҳисоблаш ўлчовини билдирувчи ҳисоб сўзлар: бўлак, парча, дона, туп, нафар, нусха, бурда, бош, боғ, тўда, даста; *Қоғозга Самарқанд кошиларидан икки донаси ўралган эди.* (П. Қод.) Деразамнинг олдида бир туп ўрик оппоқ бўлиб гуллади. (Х. О.)

2. Нарсанинг узунлигини, масофани билдирувчи ҳисоб сўзлар: метр, километр, сантиметр, миллиметр, тош, чақирим, газ, қадам, қарич; *Соатига саксон километр тезликда келаётган Қаландаровнинг машинаси ўтиб кетди.* (А. К.) Бошқарма бу ерга олтмиш чақирим келади. (П. Қод.) Қурилаётган шифохона гузардан атиги юз эллик қадам нарида эди. (О. Ё.)

3. Нарсанинг оғирлигини билдирувчи ҳисоб сўзлар: қадоқ, пуд; ботмон, килограмм, центнер, тонна: *Ойни-*

са жон-жаҳди билан уриниб, чорак соатда сал кам ўн олти килограмм пахта терибди (А. Қ.) Султонов «Максим Горький»чилар мажбуриятидагидан ташқари яна минг тонна пахта беришга аҳд қилишганини айтди. (Ў. Ў.)

4. Нарсанинг сатхини билдирувчи ҳисоб сўзлари: таноб, гектар, квадрат метр, квадрат километр, сотих; Йигим-теримдан кейин баҳоргача икки юз йигирма гектар янги ер очишишимиз керак. (А. Қ.) Бое ҳали ёш, саҳни ўттиз беш гектар, унда-мундагина нишона мевалар кўзга чалинади. (О.)

5. Суюқлик ўлчовини билдирувчи ҳисоб сўзлар: литр, ҳовуч, челак, стакан, қошиқ, пиёла, коса; Овқатдан кейин Ўрмонжсон устма-уст икки пиёла чой ичдию, тушиб кетди. (А. Қ.) Ошхонадан икки коса овқат кўтариб чиққан Гулжакон севинганидан овқатни қаёқ-қа қўйишини билмай қолди. (О. Ё.)

6. Қаттиқ жисм ҳажм ўлчовини билдирувчи ҳисоб сўзлар: куб метр, куб сантиметр, лаган, қоп, сиким, тўрва, арава, машина, замбил; Ўқтам ишонч билан бошини қимирлатиб қўйди. Шу вақтда Дадамат бир лаган палов келтириди. (О.) Мираҳмад уйдан бир қоп олмани олиб чиқди. (О.)

7. Қийматни билдирувчи ҳисоб сўзлар: сўм, тийин, танга, червон; Сиз менга эллик минг сўм пул ажратиб, икки-уч йил вақт беринг, мана шу боғларни ўн марта яхши қилиб бераман. (П. Қод.)

8. Вақтни билдирувчи ҳисоб сўзлар: минут, соат, кун, ой, йил, аср, дақиқа; Бу ўн кун муҳлат Сайданинг ўзига керак, бу ўн кунда колхозчиларнинг умумий мажлисини жуда яхши тайёрлашни кўзламоқда эди (А. Қ.) Эртаги минг йилнинг одамлари ҳам Табаррук умримни қилурлар ҳавас. (Ғ. Ғ.)

Саноқ сонлар гапда асосан аниқловчи, отлашганда ва абстракт миқдор тушунчасини билдирганда эса тўлдирувчи, қаратувчи ва кесим вазифаларида келади: Собиржоннинг девордаги саккиз йил бурун олдирган суратига эрталабки қуёш нури тушган эди (А. Мух.) «Энди менинг ҳам «беш» олишишни тилаб туринг»,— деди у ҳаяжонли овоз билан. (О. Ё). Таңтанали мажлис соат еттида очилади. (А. Қ.)

Жамловчи сон

147- §. Жамловчи сон миқдорни жамлаб, түдалаб күрсатади, күпинча эгалик аффикси билан келади. Жамловчи сонларда миқдор орқали шахс ва нарсаларни умумлаштириб күрсатиш хусусияти кучли. Бу ҳодиса жамловчи сонларнинг шахс билдирувчи отлардан кейин келиб, уларни жамлаб күрсатишида ҳам, шунингдек, кўплик, эгалик ва келишик аффиксларини олиб келишида ҳам очиқ кўринади: *Анорхон, чойни дўндириш қилиб дамлайсиз, иковимиз шу ерда ичамиз, дурустми?* (О.) Мен яна бир нарсанни ўйлаб қолдим: беш киши эканмиз, бешовимиз бир қути уруғ олсак, наинки эплаб боқолмасак. (А. К.)

Жамловчи сонлар қўйидаги аффикслар орқали саноқ сонлардан ясалади:

1. Саноқ сонга -ов аффиксини қўшиш билан ясалади: *икков, учов, тўртоб, бешов, олтов, еттоб* каби. Бу хил жамловчи сонлар иккidan еттигача саноқ сонлардан (баъзан ўн сонидан ҳам) ясалади: *Деҳқонбой акам билан Ҳафиза опам икковлари кетадиган бўлишиди.* (А. К.) Дилафрўз билан *Дилсўз икков олдин, Рашид кейин машинадан тушибди.* (М. Қориев.)

2. Саноқ сонга -ала аффиксини қўшиш билан ясалади: *иккала, учала, тўргала, бешала* каби. Жамловчи сонларнинг бу тури иккidan бешгача саноқ сонлардан ясалади. Бу форма кўпинча эгалик аффикси билан қўлланади: *Иккаланг ҳам қойил қилдинг. Иккаланг ҳам қаҳрамон. Колхоз бўйлаб иккингизнинг звенонгиз энг илғор.* (У.) У юзини ўгириб қаради, кейин иккаласи беихтиёр хандон ташлаб кулиб юборишиди. (М. Қориев.)

Сифатловчи вазифасида келган жамловчи сон эгалик аффикси олмайди: *Саида иккала қўли билан бошини ушлаб ўтирган эди.* (А. К.) Иккала профессор идорадан олиб чиқилган стулларга ўтиришиди. (О.)

Жамловчи сон гапда эга, тўлдирувчи вазифаларида ҳам келади: *Икковимиз дўстлашиб қолдик.* (С. А.) *Пакетларнинг иккаласини ҳам трестдан юборган эдилар.* (А. Мух.)

Чама сон

148- §. Чама сон нарсанинг миқдорини аниқ эмас, тахминлаб, чамалаб күрсатади.

Чама сон саноқ сонлардан қўйидаги йўллар билан ясалади:

1. -та аффикси билан ясалған саноқ сонга -ча аффиксини құшиш билан ясалади. Бу аффикс «битта»дан бोшқа барча саноқ сонларга құшилады: бештата, ўнтача, ўн иккитата, йигирма олтигата каби: *Бу — пахса деворлик құрғончалар билан сой бүйлаб тизилишган ўттизтата қінғир-қийшик үйли бир қишлоқ* әди. (П. Т.) *Фирқалилар билан қишлоқ камбағалларининг бирлашған мажлисига қирқ бештата киши шитирок қиласади.* (А. Қод.)

-ча аффикси саноқ сон билан құлланған ҳисоб сұзларға ҳам құшилиб келади. Бу вақтда ҳам ўлчов, оғирлик, узуңлик, пайт, масофа кабилар жиҳатидан таҳминий миқдор маъноси англашилади: *Бу станцияни соганимизга ўн бир ишлә бұлды.* (А. Қ.) *Раҳбархон бу хонағондан ўз баҳтини топғанига энди уч ойча бұлды.* (Х. Н.) *Улар икки километрча юриб, канал бүйігә циқишиди.* (Ү. Ү.)

2. Саноқ сонга -лаб аффиксини құшиш билан ясалади: ўнлаб, ўттизлаб, юзлаб, минглаб каби. Азаматлар ўнлаб араваларга ва икки машинага... ҳар нав юкларни илдамлик билан ортмоқда әди. (О.) «*Сирдошим қайда?*»— деб дарё сұрабди минглаб наслардан, күп асрлардан. (Ү.)

Чама сон ясовчи -лаб аффикси ҳам баъзан саноқ сон билан келган нумеративларға құшилиши мүмкин: *Ўн беш иллаб* әркалған тилагим... *Билан келиб тушдим сизнинг қишлоққа.* (З.) *Ҳозир бу ерда баъзи кунлар юз минг сұмлаб маблаг ұзлаштирилаётганини гапириб, бутун улугвор манзарани ҳамманинг күз олдида намоён қилди-қыйди.* (А. Мух.)

3. Саноқ сонлар күплик аффикси -лар билан келганды, чама маъноси ифодаланади: *Мажлис кеч соат олтиларда* канал бүйігә солинган қизил чойхонанинг қишилик биносига очилди. (А. Қ.)

Күплик аффикси баъзан ҳисоб сұзларға құшилиб келиши ҳам мүмкин: *Салимхон оёқ учида* юриб дераза ёнига борди-да, ундан ўн қадамлар наридаги ёзги супага циқди. (А. Қ.) *У қирқ беш ёшларға* борған, урушга солдат бўлиб бориб, капитан бўлиб қайтган... барваста киши эди. (П. Қод.)

4. Күплик аффикси билан келган саноқ сонларға -ча аффикси құшилади ва бу формада (**-ларча**) нарсаларнинг таҳминий миқдори тўдалаб кўрсатилади: *Минут сайн юзларча* қабутарлар ҳавода енгил уча боши-

лади. Рақсдан сўнг юзларча колхозчи аёллар ёр-ёр айтишиди. (О.)

5. Икки саноқ сонни жуфтлаб келтириш орқали ҳам чама сон маъноси ифодаланади: *Йигит дала томондан ёлғизоёқ йўл билан эшак миниб келаётган ўн уч-ўн тўрт ёшли болани кўриб тўхтади.* (О.) Етиб келиб булут чолнинг тепасига, ўч-тўрт совук томчи ташлади. (У.)

149- §. Булардан ташқари, нарсанинг тахминий миқдорини ифодалашда тахмин билдирувчи сўзлар ҳам ишлатилади.

Яқин. Бу сўз жўналиш келишигидаги саноқ билан боғланиб келади: *Йигирмага яқин йигитлар ва қизлар ғайрат билан ишилаб, тўқайни тозаламоқда эди.* (О.) **Чоғли.** Саноқ сонлар билан бирикиб келади: *Аваз серкани шамолга қараб солганда, Ҳулкар унинг кетидан ўн чоғли қўй-қўзини «чу-чу»лаб ҳайдаб чиқди.* (П. Қод.) **Қарийб.** Саноқ сонлар олдидан бирикиб келади: *Турди билан Эшмурод ака қарийб олтмишта қўйни яшириб олгунча роса қийналишиди.* (П. Қод.) **Чамаси.** Саноқ сонлар ёки у билан қўлланган нумеративлар билан бирикиб келади: *Чамаси икки соат юриб, тақир қирга кўтарилгач, олисдан қўзларига ялпи кўм-кўк дала очилди.* (О.)

Тартиб сон

150- §. Тартиб сон бир турдаги нарсаларнинг дара-жа-миқдор жиҳатидан тартибини кўрсатиш учун хизмат қиласиди.

Тартиб сон нарсанинг кетма-кетлик жиҳатидан тартибини англатади. Жумладан, *бешинчи уй* деганда, «тўрт уйдан кейин турган уй» маъноси англашилади; ёки *қирқинчи йил* мисолида шу сонгача «ўттиз тўққиз йил» бор эканлиги маъчоси англашилади.

Тартиб сон саноқ сонларга **-нчи (-инчи)** аффикси-ни қўшиш билан ясалади. Сонлар ҳарф билан ёзилган-дагина бу аффикс қўшиб ёзилади: *иккинчи, тўртинчи, ўн бешинчи, йигирма учинчи* каби. Бошқа ҳолатларда эса бу аффикс тартиб сонлар билан қўлланмайди.

Тартиб сон бир нечта сондан тузилганда, аффикс энг кейинги сўзга қўшилади, лекин қўшма сонга яхлитлигича тааллуқли бўлади: *икки юз саксон бешинчи ўқчи дивизия, «Бир минг тўққиз юз қирқинчи йил олмалари»* каби.

Тартиб сон араб рақамлари билан ёзилганда, -(и)нчи аффикси ўрнига чизиқча (-) қўйилади (йил, ой, саналар бундан мустасно): 25-мактаб, 7-синф, 14-уй, 252-саҳифа каби; рим рақамларидан, шунингдек йил, ой, кунларни ифодаловчи араб рақамларидан кейин дефис қўйилмайди: VII синф, XX аср, III боб, 8 Март, 1 Май, 1941 йил каби.

151- §. Тартиб сонлар ўзлари боғланган сўзнинг хусусиятига қараб икки хил маъно англатади:

а) асосан нарсаларнинг миқдорий тартибини билдиради: Умидा президиумнинг иккинчи қаторига, ҳар кунги жойига бориб ўтириди. (А. Мух.) Тўртинчи курсга ўтганда, унга бешинчи қаватдан алоҳида хона ажратиб берилди (Ў. У.).

б) баъзан мазмунан сифатга яқин турган белги маъносини билдиради. Бунда нарсанинг тартиби эмас, аксинча, унинг хусусияти, белгиси эътиборга олинади: биринчи нав пахта, иккинчи нав чой. Бу йил Сирдарё области топширган пахтанинг ҳаммаси биринчи навга қабул қилинди. («С. Ўзб.»)

Тартиб сон гапда асосан сифатловчи вазифасида келади: Турғуной биринчи товушни эшишганда сесканди, иккинчи, учинчи, тўртинчи товушлар эса уни ваҳимага солди. (А. К.) Катта акам институтга кирганда бешинчими, олтинчими синфда ўқир эдим. (Ў. Х.)

Тартиб сон баъзан отлашганда, от шаклларини қабул қилиб, гапда эга, тўлдирувчи, кесим ва қаратувчи вазифасида келади: Үнсиз бир дўппини акасининг бошига кийгизиб, иккинчисини Ўрозга тутди. (О.) Шу паллада кечакундуз тинмасдан ғаллани ташиб керак, ахир биз районда ғалла планини бажаришда биринчиз-а! (О.)

Чиқиши келишигидаги тартиб сонлар эса гапда кириш сўз вазифасида келади: Бунда, биринчидан, ҳосил яхши, иккинчидан, қимматли сув жарга оқиб кетмайди, учинчидан, киши кучи ҳам ортиқча сарф бўлмайди. (А. Код.)

152- §. Сонлар, одатда, отга боғланиб, сифатловчи вазифасида келади. Сонлар боғланиб келган от тушиб қолганда, отлашади (субстантивлашади). Бундан ташқари, сон мавҳум миқдор тушунчасининг номини ҳам англатади. Соннинг отлашиши билан миқдор тушунчасини ифодалаши бир-биридан фарқ қиласи. Сон отлашганда, миқдор орқали гапда тушиб қолган от англатган

шахс ва предметни кўрсатади, шу отнинг грамматик шаклларида — кўплик, эгалик ва келишик формаларида келади, гапда улар бажарган синтактик вазифаларни бажаради: Ўн тўққиздан ошмай тур, гўзал, Йигит сендан шунни сўрайди. (Х. О.) Бирининг тилида элнинг каломи, Бирининг оғзида юртнинг саломи. (У.)

Сон мавҳум миқдор тушунчасининг номи бўлиб келса, от каби эгалик, келишик аффиксларини олади, от бажарадиган вазифаларда келади: *Бешни бешга кўпайтирасак, йигирма беш бўлади. Йигирма бешга қолдиқсиз бўлинади. Саккизга олтини қўйсса, ўн тўргт бўлади* каби.

Соннинг миқдор тушунчасини англашиб келиши айниқса қўшиш, айриш, кўпайтириш сингари математик тушунчаларни ифодалашда кўп учрайди: *Ноль бутун юздан бешнинг ўнга кўпайтмаси ноль бутун ўндан бешга тенг бўлади* ($0,05 \cdot 10 = 0,5$) каби.

Бутун сон ва каср сон

153- §. Бутунни ёки унинг қисмини ифодалаши жиҳатидан сонлар иккига ажратилади: а) бутун сон, б) каср сон.

Миқдорни бутунлигича ифодаловчи сонлар бутун сон дейилади: *бир, икки, беш, етти* каби.

Миқдорни бутуннинг қисмига кўра ифодаловчи сонлар каср сон дейилади. Каср сонлар бир бутунга етмаган миқдорни билдиради: учдан икки тўртдан бир. юздан саккиз каби. Каср сонлар тузилиш жиҳатидан қуидагича: бутуннинг бўлинишини билдирувчи сон чиқиши келишигида, бўлак, улушни ифодаловчи сон эса шаклан бош келишик формасида бўлади, синтактик вазифасига қараб бундай сонга эгалик ва келишик аффикси қўшилади. Бу вақтда миқдорий белгиси аниқланган от ҳам, асосан, қаратқич келишиги шаклида келади: *Меҳри ўша иили бригадирнинг кўзини шамгагат қилиб, ...ўзи терган пахтанинг қарийб учдан бирини Зулфиқоров звеноси ҳисобига ўтказди.* (А.Қ.)

Булардан ташқари, каср сонлар ярим, чорак, нимчорак каби сўзлар билан ҳам ифодаланади. Бу сўзларни ўзи бутуннинг бир қисмини — ярмини, тўртдан бир қисмини ва саккиздан бир қисмини билдиради: *Орадан ярим соат ўтгандан кейин Шафрин оёғининг*

учида юриб чиқиб кетди. (А. К.) *Лойиҳа мендан, улуттимни қўшаман, сувим ҳам муддатидан аввал йўлнинг чорагига келади.* (А. Мух.)

Бутун сон билан каср сон аралаш ҳолда ҳам ишлатилади. Бу вақтда каср сондан олдин бутун сўзи келтирилади: тўрт бутун ўндан беш, ети бутун ўндан бир каби. Булар касрли сон дейилади: Ўйлаш ҳозир қимматга тушади, Мардонқул ака, ўйлашингизнинг ҳар бир куни ноль бутун юздан олти тоғнага тушади». — «Ниманинг юздан олти тоғнасига?» — «Олтиннинг». (А. Мух.) Касрли сон бутун сондан кейин ярим сўзини келтириш билан ҳам тузилади: *Бу одам устидан тушиган аризани Қаландаров бир ярим йилдан бери муҳокама қилгани қўймас экан.* (А. К.)

ОЛМОШ

ОЛМОШНИНГ МАЊНОСИ ВА ГРАММАТИҚ БЕЛГИЛАРИ

154- §. От, сифат, сон, равиш каби сўз туркумлари ўрнида қўлланиб, уларни кўрсатишга хизмат қилувчи ва уларни вазифасини бажарувчи сўз туркуми **олмош** дейилади. Олмошлар нарсани, унинг белгиси ва миқдорини англатмайди, балки фақат уларни кўрсатиш, уларга ишора қилиш учун хизмат қилади. Олмошнинг мањноси, унинг қайси сўз туркуми ўрнида келганлиги контекстда ёки нутқ вазияти орқали аниқланади. Чунки олмошларнинг кўпчилиги алоҳида олинганда жуда умумий, мавҳум мањнога эга бўлади. Масалан, *Меҳру муҳаббатингни гўдакларга бағишила!* Улар дунёга энди келяпти. (Мирм.) *Мажлисда Зокир ота доклад қилди.* Унинг докладидан тошқин манзараси ...ҳамманинг кўз олдига гавдаланди-қолди (А. К.) гапларида улар, у олмошлари шахсни кўрсатади. Шу олмошнинг қайси сўз ўрнида келганлиги олдинги гапдаги гўдаклар, Зокир ота сўзлари асосида аниқланади. Ёки: ... Кўнгли тортиб гапиришадиган битта одам Эҳсонов бўлса, у ҳам бу одамлар ичида шуларнинг бирига айланади. (А. К.) *Мен Обидов билан Баратовнинг ўз вазифасидан четлаширилишини ... сўрайман.* Бундай ўқитувчилар болаларимизни партиямиз... талаб қилганича тарбия қилолмайдилар. (С. З.) Бу мисоллардаги у, шу, бундай олмошларининг Эҳсонов одам, Обидов, Баратов сўзлари ўрнида келганлиги матндан билинади.

Олмошларнинг мавҳум маъно англатиши уларнинг қўлланиш меъёрида ҳам кўринади. Жумладан, нарсанни билдирувчи олмош кўпинча отлардан кейин қўлланаб, шу отнинг эквиваленти, морфологик синоними, унинг ўринбосари бўлиб келади: *Улугъ Ватанимиз осмон бўлса, Биз унинг безаги, юлдузларимиз.* (F. F.) Бунда *Ватан* билан у олмоши эквивалентdir.

155- §. Олмошлар маъноси ва хусусияти жиҳатидан, қайси сўз туркуми ўрнида келишига қараб умумлашган предмет (олмош-от), умумлашган белги (олмошсифат), умумлашган миқдор (олмош-сон) билдирувчи олмошларга ажратилади.

Нарсани билдирувчи олмошлар предметни кўрсатади, шу сабабли от каби келишик билан турланади, гапда от бажарган вазифада келади: *мен, сен, у, биз, сиз, улар, ким, нима, ҳеч ким, ҳеч нима, аллаким, кимдир, нимадир* каби. Ўн-йигирма йилдан кейин қандай бўлишини билализ, бу ўзимизга, бизнинг дидимизга, орзумизга боғлиқ. (A. K.)

Умумлашган белги билдирувчи олмошлар эса сифат ва равишлар ўрнида ишлатилади, форма жиҳатдан ўзгармайди, гапда асосан аниқловчи ва ҳол вазифасини бажаради. *Бу, шу, ўша, ҳар, баъзи, бутун, қандай, қанақа, қайси, қачон, ҳеч қандай, ҳеч қачон, ҳеч қайси, аллақандай, аллақайси, аллақачон* кабилар шундай олмошларга киради: *Бу кишининг кетмон үриши қорни тўқ қўзининг хашак титишига ўхшайди.* (A. K.) Мехмонларнинг уч кун давомида қачон, қайси соатда қаерда бўлиши, нима билан шуғулланиши аниқ кўрсатилган эди. (A. K.)

Умумлашган миқдор билдирувчи олмошлар сон каби предметнинг миқдорини кўрсатади. Буларга қанча, неча, шунча, ўшанча кабилар киради: *Қатнашувчилардан бири бўғилиб: «Шунча гап-сўз, шунча ҳаракатдан кейин колхоз бузиладиган бўлса, қишлоқдан кўчич кетаман»,— деб ҳаммани кулдирди.* (A. K.)

156- §. Олмошлар бошқа сўз туркуми ўрнида келиши, шу сўзларнинг грамматик хусусиятларига эга бўлиши билан бирга, уларнинг ўзига хос алоҳида грамматик белгилари ҳам бор. Бу белгилар эса олмошларни алоҳида сўз туркумiga ажратиш имконини беради. Жумладан, умумлашган нарса билдирувчи олмошлар маълум грамматик белгилари билан отлардан фарқ қиласади. Бу олмошлар грамматик сон категориясини

бошқачароқ ифодалайди — бирлик ва кўплик шаклла-
ри бўлган мен ва биз олмошлари ўртасидаги боғланиш
отлардаги бирлик ва кўплик шаклларига ўхшамайди:
мен олмоши якка сўзловчи шахсни кўрсатади, биз ол-
моши эса бир қанча сўзловчини эмас, балки бир сўз-
ловчининг бошқа шахслар билан биргаликдалигини кўр-
сатади. Олмошлар келишиклар билан турланиши
жиҳатидан ҳам отлардан фарқ қиласди. Айтиб ўтилгани-
дек, отларда келишик аффикси тушиб қолиши мумкин:
Китобни олдим — китоб олдим, *колхознинг далалари чиройли* — колхоз далалари чиройли каби. Олмошлар-
да эса келишик аффикслари тушиб қолмайди: *Мухайё юрганича бориб уни қарши олди ганида у қарши ол-
ди деб бўлмайди. Унинг нигоҳи олдидан дадасининг хаста чеҳраси кетмас, қулоқлари остида унинг ғамгин овози қайта-қайта такрорланар эди* (O.) гапида ҳам у
нигоҳи, у овози деб ишлатилмайди.

Олмошлар фақат морфологик жиҳатдангина эмас, синтактик хусусиятлари билан ҳам отлардан фарқ қиласди. Умумлашган нарса билдирувчи олмошлар сифатлар ва қаратқич келишигидаги от томонидан аниқланмайди. Олмошда ясалиш хусусияти йўқ, шакл ясалиши системаси эса у қадар кучли эмас: *Сендан бўлак менинг юрагимга яқин киши йўқ*. (A. Мух.) *Ўзинг қайта кирадиган эшикни қаттиқ ёпма*. (Мақол.)

Умумлашган белги ва умумлашган миқдор билди-
рувчи олмошлар шаклан сифат ва сондан фарқ қил-
майди. Аммо олмошга хос мавҳум умумий маъно анг-
латиш хусусияти уларни бу сўз туркумларидан фарқ-
ловчи асосий белги саналади: *Бу ерда, бу шароитда боғлар оддий бир эҳтиёж, бу ерда боғсиз, дараҳтсиз яшаб бўлмайди*. (A. Мух.) *Шу сербола, серхона, серғовға уйнинг нимасидир кўнгилга ором берарди*. (A. Мух.) *Ҳар илк баҳор, ҳар кеч куз қадрдан ҳунар билан ўз удумин қўймайди саксон ёшли соҳибкор*. (F. F.)

ОЛМОШНИНГ ТУРЛАРИ

157- §. Олмошлар англатган маънолари ва грамматик белгиларига қараб қўйидаги турларга бўлинади:
1) кишилик олмошлари; 2) ўзлик олмоши; 3) кўрсатиш олмошлари; 4) белгилаш олмошлари; 5) сўроқ олмошлари; 6) бўлишсизлик олмошлари; 7) гумон олмошлари.

158- §. Кишилик олмошлари шахс ўрнида қўллана-ди: *мен, сен, у, биз, сиз, улар*. Кишилик олмошининг биринчи ва иккинчи шахси (*мен, сен, биз, сиз*) нарса-ларни кўрсатиш хусусиятига эга эмас, фақат шахс ўрнида келади. Учинчи шахс (*у, улар*) эса шахсни ҳам, нарсаларни ҳам кўрсата олади.

Мен олмоши сўзловчи шахсни кўрсатади, сен олмоши эса сўзловчи мурожаат қилган, унинг нутқи қара-тилган суҳбатдошни — тингловчини кўрсатади: *Бу ашулани мен чиқарганим йўқ, бу ашулашарни бир мен айтган эмасман.* (A. Қ.) Отам ана шундай оғир турмушининг аламларини сендан олар экан. (M. Горький.)

Мен, сен олмошлари кўплик шаклига эга эмас. Чунки, биз, сиз кишилик олмошлари мен, сен олмошларининг кўплик шакли эмас, улар бир қанча сўзловчини ва тингловчини кўрсатмайди, балки бошқа шахслар билан бирга бўлган сўзловчини ёки тингловчини кўрсатади.

Кишилик олмошининг иккинчи шахс кўплиги сиз кўпинча бир шахсга нисбатан ҳурмат маъносидан қўл-ланилади: *Сиз муҳаббат завқидан ҳам, меҳнат қувон-чидан ҳам, дўстлик шавқидан ҳам баҳрамандсиз* (A. Мух.) Сиз биздан ёрдам олгани эмас, бизга раҳбарлик қилгани келгансиз. (A. Қ.) Шунинг учун кўплик маъ-носи иккинчи шахсда баъзан сизлар шаклида ҳам ифодаланади: *Сизларнинг фидокорона меҳнатингиз туфайли оғир иши ўз муддатида бажарилди. Сизлар сингари замондошларим билан ҳамнафас бўлганимдан қувониб кетдим.* (Р. Ф.)

Биз олмоши ҳам баъзан мен ўрнида қўлланилади. Бундай вақтда мағрурланиш ё камтарлик маънолари англашилади. Бу эса контекстда билинади. Масалан: *Кўча ҳам бизнинг ҳужрадек совуқми, уста...* (С. Абд.) Биз савобталаб йигитларданмиз, Очил бува, *Сиз тани-масангиз ҳам, биз сизни таниймиз...* (A. Мух.)

Кишилик олмошининг учинчи шахси нутқ жараёни-да қатнашмаган, лекин нутқ *ситуацияси* орқали аниқ-ланадиган ўзга шахс ёки предметларни кўрсатади: *Азиз Маҳамат акага қараб, унинг хоксорлиги, содда-лигидан завқланди.* (Ў. Ў.) Гул қучоғин очди навбаҳор, Ўни ўқир булбул — талаба. (Ў.)

Кишилик олмошининг учинчи шахс бирлиги *у*, бошқа туркий тиллардаги сингари, ўзбек тилида ҳам кўрсатиш олмоши билан шаклан бир хил. Аммо улар маъноси, вазифаси ва сўроқлари билан бир-биридан фарқ қиласди. *У* кишилик олмоши шахс ва предмет номи ўрнида қўлланади, гапда от бажарган вазифаларда келади, ким?, нима? сўроқларига жавоб бўлади. (Мисоли юқорида.)

У кўрсатиш олмоши эса шахс ва нарсани аниқлашга, кўрсатишга хизмат қиласди, қайси? сўроғига жавоб бўлади ва гапда сифатловчи вазифасини бажаради: *Тувакда бир туп гул ўстирган одам у гулнинг бирон япроғига шикаст етса, қанчалик ачинади!* (А. Қ.) Директор жуда бандлар, *у* киши бугун қабул қилолмайдилар. (*Ў. Ў.*)

Иккинчи шахс кишилик олмоши бадий асарларда нарсага нисбатан ҳам ишлатилади: *Жим туринг, жон еллар!* *Жим туринг бир оз.* Сиз учун атаган қўшиклирим бор. (*У.*)

159- §. Кишилик олмошининг келишиклар билан турланиши отларга ўхшайди. Аммо мен, сен олмошлири қаратқич ва тушум келишиги билан турланганда, шу келишикларнинг -инг, -и аффикси қўшилади, *у* олмоши жўналиш, чиқиш ва ўрин-пайт келишиги билан тугалланганда, бу олмошнинг ун- шаклига қўшилади:

Б.к.	мен	сен	<i>у</i>
Қ.к.	менинг	сенинг	<i>унинг</i>
Т.к.	мени	сени	<i>уни</i>
Ж.к.	менга	сенга	<i>унга</i>
Ч.к.	мендан	сендан	<i>ундан</i>
Ў.П.к.	менда	сенда	<i>унда</i>

Келишик олмошлари бош келишик шаклида бўлса, гапда эга, воситали келишик шаклида бўлса, қаратувчи ва тўлдирувчи вазифаларини бажаради: *Биз, олтига қиз, биринчи бўлиб комсомолга ўтадиган бўлдик.* (A. Мух.)

Кишилик олмошларига -(и)ики аффиксини қўшиш билан отлардаги каби қарашиблик шакли ҳосил бўлади: *Анвар Мирзо бир-икки кундан бери бизникидадир.* (A. Қод.) *Ўлка ишқи билан тўлгандин юрак, Уникидир шарраф уникидир ҳаёт.* (Х. О.)

Қарашиблик шаклининг қаратқич келишигига келган кишилик олмошидан фарқи шундаки, *меники, сеники*

шаклида қарашлилик идеяси шу олмошнинг ўзида ифодалаңади: *Бизницидир бутун мұхаббат, Биз ўзимиз үнинг күйчиси.* (Х. О.) Құшни звеноларда бұлибсан-ку, меникига ўтмабсан. (О.) Қаратқич келишигіда келган кишилик олмошида эса қарашлилик маъноси олмошда әмас, әғалик аффиксini олган қаралмишда бұлади: *менинг китобим, сенинг китобинг* каби.

Үзлик олмоши

160- §. Үзлик олмоши ўз сўзидан иборат бўлиб, кишилик олмоши ёки отнинг маъносини ойдинлаштиради.

Үзлик олмоши күйидаги белгилари билан характерланади:

978 1. Үзлик олмоши эғалик аффиксini олиб ҳар учала шахс кишилик олмошини кўрсата олади: ўзим — мен, ўзинг — сен, ўзи — у, ўзимиз — биз, ўзингиз — сиз, ўзлари — улар. Масалан, *Ориф аканинг шофёри ўзи гапириб, ўзи роҳат қиласарди.* (А. Мух.) Бу ўзингиз учирган лочинларнинг биридир. (F. F.) Ўзим ҳам аскар болаларни кўрмоқ учун узоқ-узоқ жойларга борганман. (О.)

Бундай қўлланишда бош ва қаратқич келишиги шаклидаги кишилик олмошлари ҳам келади ва таъкидлаш, ажратиб кўрсатиш маънолари англашилади: *Мен (менинг) ўзим келдим, сен (сенинг) ўзинг келдинг, у (унинг) ўзи келди. Ҳамма ухлар ва фақат тунни Менинг ўзим қарши олурман.* (Х. О.)

2. Үзлик олмоши от билан боғланганда, отга эғалик аффикси қўшилади ва үзлик олмоши билан от қайси шахсга қарашли эканлигини ифодалайди: *Анорхон — ўз Ватанини чин юракдан севган, ўз шишига кўнгил қўйган, ўз шиши чиндан севган қиз.* (И. Р.)

Үзлик олмоши қаратқич келишиги шаклида келса, таъкид маъноси англашилади: *Инсон ўзининг чин дўстини муносиб даражада қадрлай билади. Пахтачиликда халқимиз ўзининг уқувини, тажрибасини, усталигини бутун дунёга кўрсатган.* (О.)

3. Үзлик олмоши келишиклар билан турланиш учун аввал эғалик аффиксini қабул қиласади: ўзимнинг, ўзингнинг, ўзининг, ўзимга, ўзингга, ўзига, ўзимдан, ўзингдан, ўзидан, ўзимизни, ўзингизни каби.

4. Үзлик олмоши эғалик аффиксларини олиб, бош келишик шаклида феълга боғланса, эга бўлиб келади, ҳаракатнинг бажарувчинини таъкидлаб кўрсатади: *Хо-*

жати йўқ, керак бўлса, ўзим сотиб оламан. (У.) Ишни ўзимиз бошлидикми, энди охирига ҳам ўзимиз етказамиз. (М. Исм.)

6. Ўзлик олмоши гапда аниқловчи, шунингдек кесим, тўлдирувчи вазифасида ҳам келади: Кампир уни қўриб, аввал ўзини йўқотиб қўйди, кейин бўйнидан қучиб, у юзидан, бу юзидан ўпди. (А. К.) Ҳар фаслининг ўз хислати бор, Ҳар фаслининг ўз фазилати. (У.)

Кўрсатиш олмошлари

161- §. Кўрсатиш олмошлари шахс, нарсани ва уларнинг белгисини, бир турдаги нарсалардан биттасини ажратиб кўрсатиш, таъкидлаш учун хизмат қилади, қа́йси? сўроғига жавоб бўлади. Кўрсатиш олмошлари: *бу, шу, у, ўша, мана бу, мана шу, ана шу, ана у: Ефим Данилович гапирган сари Онахон бу кўзларни аниқроқ, яқинроқ кўрмоқда эди.* (А. Мух.) Ўша учрашувдан бошланди бу ҳол. (Х. О.)

Кўрсатиш олмошлари сўзловчи билан кўрсатаётган нарса орасидаги масофа узоқ-яқинлигига, воқеа содир бўлган вақтга қараб ишлатилади, маънолари ҳам шу асосда аниқланади. *Бу олмоши сўзловчига анча аён бўлган, сўзловчига нисбатан яқин масофада турган, яқиндагина эслатилган нарса, воқеани кўрсатишга хизмат қилади: Раҳимжон бу иш билан шахсан ўзи шуғулланмоқчи бўлди.* (А. К.)

Шу олмоши ҳам бу олмоши каби маънога эга, аммо шу олмошида таъкид маъноси кучли; ўзим бу оиласдан аллақачонлар чиқиб кетганман, укамнинг ҳам шу оиласда туришини сира истамайман.

У олмоши эса сўзловчига нисбатан анча узоқда турган ёки анча илгари эслатиб ўтилган нарсаларни кўрсатади: *Мен ўрмоннинг у томонида нима борлигини билмас эдим.* (М. Г.) Сиз у кишидан кўп нарсаларни ўрганиб олгансиз.

Ўша кўрсатиш олмоши сўзловчига илгаридан маълум бўлган, илгари эслатиб ўтилган нарса, вақт ёки ҳодисани ажратиб кўрсатишга хизмат қилади. Масалан: *Ғуломжон ўша куни уста Баҳромникидан тонг ёришимай хайрлашиб чиқди.* (М. Исм.) Ўша жилва ва ўша оташ, *Ўша кўзки, сузгин, хаёлкаш.* Ўша имо, ўша ишора Эта бошлар юракни пора. (Х. О.)

Күрсатиш олмошларига мана, ана сўзларини қўшиб ҳам ишлатилади: мана бу, мана шу, ана шу каби олмошлар яқин масофадаги нарсани ажратиб кўрсатади, унинг вақт ва масофа жиҳатидан сўзловчига яна ҳам яқинлигини таъкидлайди: ана у, ана ўша олмошлари эса анча узоқда турган ёки олдиндан маълум нарсаларни ажратиб кўрсатади: Қуда, мана шу деворни поччангиз урган эди. (А. Қ.) Ўқитувчимиз ана шу кўчада яшайди.

Мана, ана сўзлари кўрсатиш маъносини билдириб, якка ҳолда ҳам ишлатилади. Ана клуб, ҳамма вақт бўмбўши. (О.) Мана кўз олдимда болаликнинг шод Дўстлари, ёрлари, қадрдонлари. (У.)

Баъзан таъкидни кучайтириш учун кўрсатиш олмоши ҳар бир от олдидан ёки ўзи тақрорланиб келади: Йўқлаш одатини қилмагил кандо. Шугина, шугина илтимос сендан. (У.) Дафғатан бу тупроқ, бу манзара, бу тарих, бу афсоналару бу воқеалар — барчаси ўзиники эканини ҳали ақлига сиғдира олганича йўқ. (А. Мух.)

162- §. Аниқланмиш от тушириб қолдирилса, кўрсатиш олмоши отлашиб, ўша предметни кўрсатиш йўли билан билдиради: Зайнаб буни илгари кўрган бўлса ҳам, яна ҳавасланиб қаради. (О.)

Отлашган кўрсатиш олмошлари келишик билан турланади. Бу вақтда жўналиш, чиқиш ва ўрин келишиги аффикси кўрсатиш олмошларининг бун-, шун-, ун- шаклига қўшилади: шунга, ўшандан, бунда каби.

Тақрорий шакл ҳосил қилган шу, ўша кўрсатиш олмошлари маълум пайтни таъкидлаб кўрсатишига хизмат қилади: Ўша-ўша бўлди, Тозагул бу ҳақда Эззозхонга қайтиб оғиз очмади. (Ҳ. F.)

-ча, -дай ясовчиларини олиб келган кўрсатиш олмошлари қиёслаш маъносини ифодалайди: Шундай ўлка доим бор бўлсин, Шундай ўлка элга ёр бўлсин. Шундай бўлсин бу бутун жаҳон. (Ҳ. О.) Неча кун келмасанг, кейин мен ҳам шунча кунга кетаман. (П. Қод.)

Кўрсатиш олмошлари гапда асосан аниқловчи ва кесим вазифасида келади. Отлашиб келганда эса эга ва тўлдирувчи вазифасини бажаради: Бу меҳрибонликни маслакдошлиқ, ҳамфирлик, жанговар дўстлик яратган эди. (М. Ибр.) Ашуласи, чилдирмаси билан тўйларни қизитадиган қиз шу-да. (М. Исм.) ... унинг ёшлик ўти билан йигитга завқланиб боққан шаҳло кўзлари ўша сұхбат маъносини аниқлаб бергандек эди. (М. Ибр.)

Мен шунга қувонаманки, күсакларнинг кўпчилиги беши хонали. (О.) Шунинг ишқи кезиб қонларимда, Дилларимга илҳом солдилар. (У.)

Сўроқ олмошлари

163- §. Сўроқ олмошлари предмет, унинг белгиси ва миқдори, иш-ҳаракатнинг ўрни, пайти ва бошқа хусусиятлари ҳақида сўроқни билдиради. Сўроқ олмошлари ким?, нима?, қандай?, қанақа?, қачон?, қайси?, қанча?, неча?, қаер? каби олмошлардир: *Хоним ўзи соқчининг олдига бориб, невараси қаерда бўлганини, нима деганини, кимлар билан гаплашганлигини суринтириди.* (С. Бородин.)

Сўроқ олмошларидан **ким** шахсларга нисбатан, **нима** умуман нарсаларга (воқеа-ҳодиса, ҳайвон, қушларга) нисбатан ишлатилади.

Улар бирлик ва кўплик шаклларида кела олади. От ва отлашган сўзларнинг келишик шакллари ва уларнинг синтактик вазифалари одатда **ким?**, **нима?** сўроқ олмошлари орқали аниқланади: *Ким у уялмасдан номардларча Соғинчларинг билан ўйнаган?* Кимга ўпка қилдинг? Кимдан хафа бўлдинг? Ким у сени бунча қийнаган? (У.) Севинчдан намланган қўзлари милтиллаб, нима деярини билмай қолди. (О.) Кимнинг иши тўғри бўлса, у доим бехавотир бўлади. (Мақол.)

Ким, нима олмошлари гапда эга, кесим, қаратувчи ва тўлдирувчи вазифаларида келади: *Сўйла қўёш! Нималар бўлган Сен чиққанда биринчи марта?* (Х. О.) Гапираман, Эъзозхон. Мен гапирмасам, ким гапиради?! (Х. F.)

Предмет ва иш-ҳаракатнинг белгисини аниқлаш учун қандай, қанақа? сўроқ олмошлари қўлланади: «*Бу қандай бино, нимага мўлжаллайсиз?*»— сўради у пастга тушиб... (О.) «*Қани, дилингдаги тугунни еч?*»— «*Қанақа тугун?*»— «*Мен фақат баҳтингни тилайман.*»— «*Аҳа, қанақа баҳт экан у?*»— қичқирди ўқтам. (О.)

Кўрсатиш олмошларига нисбатан қайси?, пайт билдирувчи сўзлар учун қачон?, сонларга нисбатан қанча?, неча? ва ўрин билдирувчи сўзларга нисбатан қаер (-га, -дан, -да)? сўроқ олмошлари қўлланади. Масалан: *Ҳозир унинг учун энг қизиги Азимжон эди: Қаердан қандай қилиб пайдо бўлди, қандай одам,*

фикарида, күнглида нима бор? Қандай катта бўлди, тақдири қандай? (А. Мух.) «Ўртоқ Файзуллаев, келин-оимнинг тиши оғриқлари қачон қолади? Қайси бригада, қайси шиййонда?»— деб сўрайман, ҳеч ким билмайди. (О.)

Бадиий асарларда не, на сўроқ олмошлари ҳам ишлатилади:— Не юмуш билан келибди Комилахон?— сўради Ўктам. (О.) Одам ўғли кўз очар экан, Сени кўриб қадим осмонда, На бўлгандир, нелар кечирган? (Ҳ. О.)

Бу олмошлардан қандай, қанақа гапда сифатловчи ёки ҳол; қайси, қанча, неча — сифатловчи ва қачон, қаер (-га, -дан, -да) — ўрин ва пайт ҳоли вазифасида кела-ди: «Алихўжа ака, бу қандай гап, инсофинги борми?— деди Комила кулиб.— Кўприкни қачон тузатасиз?» (О.) Неча ёшига кирдингиз? (Б. П.)— Қани, бир кўрайликчи! Лекция вақтида ёзилган шеър қанақа бўлар экан? (П. Қод.)

Сўроқ гапларда сўроқ олмошига предмет, белги, сон, пайт ва ўрин кабилар ҳақида тингловчининг маълумот бериши кутилади. Масалан:

«Бу воқеа қачон бўлган?»— деб сўради Назар.

«Ўттиз беш ишл ўтди» (С. Бородин.)

Сўроқ олмошлари ундов гапларда ҳодисалар тўғрисида ҳис-ҳаяжон англалишга хизмат қилади: «Нега бунча гўзал кўринар олам, Нега қараб тўймас кўзларим?! (Ў.)

Дарак гапларда ҳам сўроқ олмоши сўроқ маъносини билдириласлиги, жавоб талаб қилмаслиги мумкин: Алексей қанча вақт ҳаракатсиз ва кучсиз ётганини эслай олмади. Харитаси бўлмаса ҳам, у қайси томонга юриши кераклигини яхши билар эди .(Б. П.)

Сўроқ олмошлари эргашган қўшма гап таркибида қўлланганда бош гапда от ёки олмош билан ифодаланган бирор бўлакни аниқлайди:

Кимнинг иши тўғри бўлса, унинг юзи ёруғ бўлади. Қаерда ижодий ташаббус барқ урса, активлик ва жон-куярлик кўрсатилса, ўша ерда янгидан-янги фикрлар туғилади. («С. Ўзб.») Бизнинг полкимизда қанча уста учувчи бўлса, шунча уста карнайчи ҳам бор. (Б. П.)

Сўроқ олмошлари ҳам келишик, эгалик аффикслари билан турлана олади: қайсисига, қайсиларини, қанчага, қанчадан, нечада, қачондан, қанақасига каби.

Белгилаш олмошлари

164- §. Бу олмошлар шахс ва нарсани, белгини бирор хусусияти бўйича ажратиб ёки жамлаб, умумлаштириб кўрсатади. Булар: ҳар, ҳар ким, ҳар нима, ҳар қандай, ҳар қайси, ҳамма, барча, бари, бутун кабилар. Меҳнат ҳар манглайдаги қуёши нақшидир. (F. F.) «Бу масалада ҳар қандай тўжиқни ағдариб ташлаш керак»,— деди Ўсаржон. (О.) У бутун куч-иродасини ишга солиб, даҳшат билан келаётган душман самолёти қаршиисида кўзини юмасликка ҳаракат қиласади. (Б. П.)

Белгилаш олмошларидан ҳар, ҳар ким, ҳар нима, ҳар қайси, ҳар қандай кабилар шахс, предмет ва белгини ажратиб кўрсатишга хизмат қиласади. Эгалик ва баъзан кўплик аффиксини олганда эса, айниш маъносини билдиради. Ҳар кимнинг меҳнати эл баҳти учун. (F. F.)

Ҳамма, бари, барча, бутун белгилаш олмошлари жамлаш, умумлаштириш хусусиятига эгадир: *Бутун ҳалқ чапак ҷалиб юборди.*

Ҳамма, бари, барча, бутун белгилаш олмошлари биргалик маъносини ҳам англатади, яъни маълум ҳаракат, воқеа-ҳодисанинг бажарилишида шахс, предметларнинг биргалиги, умумий иштирок қилиши кабиларни кўрсатади: *Далаларда ишилаётган меҳнаткашлар учун яхши маданий-масий шароит яратиб бериш барча хўжалик органларининг энг биринчи бурчидир.* («С. Ўзб.») Ҳамма қизлар бу таклифга юракдан қўшилишиди. (О.) *Самадийнинг қаҳрамонлиги шу кунларда бутун участкада дув-дув гап.* (А. Мух.)

Ҳамма, барча, бари олмошлари умумлаштириш асосида шахс, предметларнинг ўзини кўрсатиши, улар ўрнида қўлланиши мумкин. Бу вақтда отга хос келишик, эгалик аффиксларини ҳам олиб келади: «*Қизнинг қўнғироқдай овози барчанинг диққатини ўзига тортди.*» (И. Р.) Соғлиқни текширадиган асбобларнинг бари шу ерга келтирилди. (Б. П.) Ҳаммасининг бўйи етиб, кўзлари ўйноқи бўлиб қолган. (О.) *Барчасига кўз югуртирдим, барчаси ҳам кулар, товланар.* (У.)

Белгилаш олмошлари тузилиш жиҳатидан содда (ҳар, ҳамма, барча, бари, бутун) ва қўшма (ҳар ким, ҳар нима, ҳар қандай, ҳар қайси, ҳар қанча) бўлади.

165- §. Белгилаш олмошларидан ҳар, ҳар қандай, бутун кабилар гапда кўпинча сифатловчи вазифасини баъзаради.

Ҳар ким, ҳар нима, ҳар қайси, ҳамма, барча, бари
каби белгилаш олмошлари бош келишик шаклида кел-
са, гапда эга ва кесим вазифасини бажаради. *Ҳамма-*
лари бир лаҳза жим қолишиди. (О.) Менинг бригадамда
ҳамма ишга чиқиб, ҳар ким ўз вазифасини ҳалол-покиза
бажаради. (О.)

Бош келишикдан бошқа келишик шаклларида қара-
тувчи, тўлдирувчи вазифасида келади: *Ҳаммасининг бир*
истаги бор. Ҳаммаси ҳам хурсанд, баҳтиёр. (Ҳ. О.) Ҳозир
ҳаммамизнинг кўзимиз мана бу бемаврид ёғаётган қор-
да. (Мирм.)

Белгилаш олмоши жамлик, умумийлик маъносини
англатгани учун кўпинча уюшиқ бўлакли гапларда
умумлаштирувчи сўз вазифасида ҳам кўлланади: *Яхши,*
ажойиб одамларимизнинг қилган, қилаётган ишлари,
орзулари, ниятлари, келажак тўғрисидаги ўйлари тўғри-
сида — ҳамма нарса тўғрисида ёзаман. (А. К.) Булбул-
лар ҳам, кўклам ҳам, ёз ҳам, Қўшиқлар ҳам, кулги ҳам,
соз ҳам — Барчаси ҳам партизан бўлиб, Кетди парти-
занлар ёнига. (У.)

Белгилаш олмошлари эгалик, келишик аффиксини
олиб турланади (ҳар олмоши бундан мустасно): ҳар
кимга, ҳар нимани, ҳар кимнинг, ҳар қайсимиз, ҳар ни-
мадан, ҳар қанчага ҳаммани, ҳаммага, барчанинг, ба-
рида, барчага каби.

Бўлишсизлик олмошлари

166- §. Бу олмошлар от, сифат, сон каби туркум сўз-
лари англацан маъно ҳақида инкор билдиради. Бўлиш-
сизлик олмошлари сўроқ олмошига ёки бир, нарса сўз-
ларига инкор билдирувчи ҳеч сўзини кўшиш билан ҳосил
бўлади: ҳеч ким, ҳеч нима, ҳеч нарса, ҳеч қанча, ҳеч
қанақа, ҳеч қайси, ҳеч қаер, ҳеч қачон: *У ловуллаб ёна-*
ётган аланга ва қаршисида мақом қилиб турган раис-
дан бошқа ҳеч нарсани, ҳеч кимни кўрмас, қулоғига
ҳеч қандай товуш кирмас эди. (А. К.) У ҳеч кимга сўз
қотмайди, бирор бир нимани сўраса, ерга қараб қисқа
жавоб беради. (А. К.)

Бўлишсизлик олмошларидан ҳеч ким шахсларга нис-
батан, ҳеч нима, ҳеч нарса умуман предмет билдирувчи
сўзларга нисбатан қўлланиб, уларнинг инкорини билди-
ради: *Унинг бу гапидан ҳеч ким хафа бўлмас, балки*
хурсанд бўларди. (Б. П.)

Демак, бу олмошлар ҳар вақт от ўрнида келади, унга хос сон, эгалик ва келишик аффикслари билан турланади, турлича гап бўллаги вазифасида қўлланади.

Ҳеч қандай, ҳеч қанақа, ҳеч қайси, ҳеч бир, ҳеч қанча бўлишсизлик олмошлари белги ва миқдорнинг инкорини билдиради: Энди ҳеч қандай куч мени у билан боғлай олмайди. (Мирм.) Сўрама, Авазжон, мен ҳеч қанақа қўйни кўрганим йўқ. (П. Қод.)

Ҳеч қаер, ҳеч қаёқ олмоши ўрин келишиклари шаклида келиб, ўрин, жойга нисбатан инкорни билдиради: «Сизлар рози бўлмасаларинг, ҳеч қаёққа бормаймиз. (А. Қ.) Кеча сурув ўтган жойларни роса қидиришиди, ҳеч қаердан қўйнинг изи топилмади. (П. Қод.)

Ҳеч қачон, шунингдек, ҳеч вақт, ҳеч маҳал сўзлари пайтга нисбатан инкорни ифодалайди: Бошларга тушмасин ҳеч қачон Шу кўзларнинг ҳижрон жафоси. (Х. О.)

Бўлишсизлик олмоши қатнашган гап бўлишсиз маънога эга бўлади, унинг кесими доим феълнинг бўлишсиз шаклида келади ёки инкор билдирувчи сўз билан ифодаланади: Ҳеч ким буюрмаган бўлса ҳам, Рўзимат эшик олдидаги узун сўйил кўтариб турарди. (А. Қ.) Қўрқитолмас ҳеч қачон душман, Чунки севдим Ватанини, сени. (У.)

Бўлишсизлик олмошларининг келишик ва эгалик аффикслари билан турланиши сўроқ олмошларига ўхшайди: ҳеч кимнинг, ҳеч нимани, ҳеч кимга, ҳеч нимадан, ҳеч кимимиз, ҳеч нимангиз каби.

Гумон олмошлари

167- §. Гумон олмошлари нарсани, унинг белгиси ва миқдорини тахминий равишда кўреатади. Бу олмош қўлланган гапларда шахс, нарса, белги ва сон ҳақидаги тушунчалар номаълум ва ноаниқ бўлади: Замира нимадир демоқчи бўлиб ёзишдан тўхтади. (П. Қод.) Офтоб ойим донхонанинг эшигидан туриб хотинлар орасидан кимнидир ўз ёнига чақирди. (А. Қод.) Фала-ғовур ичидаглакимнинг баланд овози янгради. (М. Исм.)

Гумон олмошлари қўйидагича ясалади:

1. Сўроқ олмошлари олдидан алла- морфемасини қўшиш билан ҳосил қилинади: аллаким, алланима, аллақандай, аллақачон, аллақанақа, аллақайси, аллақанча каби. Бу турдаги гумон олмошларининг ишлатилиши сўроқ олмошларига ўхшайди. Шахс ва нарсаларни тах-

миний тарзда кўрсатиш учун аллаким, алланима олмошлари қўлланади: *Шу вақтда аллаким Арслонқулнинг елкасидан астагина туртиб қўйди.* (О.) Айвар ҳовлиниг ўртасида турган бир машинанинг тагида алланимани бурамоқда эди. (А. К.)

Аллақандай, аллақанақа, аллақайси, аллақаер (-га, -дан, -да), аллақанча, аллақачон каби олмошлар эса белги, миқдор, ўрин ва пайтни ноаниқ тарзда кўрсатишга хизмат қилади: ... кейинги уч ҳафта ичида аллақанча ўзгаришлар бўлди. (Х. Ф.) Аллақаердан пайдо бўлган Ортиқ шошилиб кела бошлиди. (П. Қод.)

Баъзан нарса, вақт, маҳал сўзлари алла- морфемаси билан келиб, ноаниқ нарса ва пайтни кўрсатади: *Комила алламаҳалда ўйга қайтди.* (О.) Йўлакда тўсатдан алланарса тарақлаб ерга тушди. (А. К.)

2. Сўроқ олмошларига -дир элементи қўшиш билан ясалади: *кимдир, нимадир, қандайдир, қачондир, қайси-дир, қанақадир, қаер(-га, -дан, -да)дир* каби. Бу хил гумон олмошларида ҳам ноаниқ шахс ва нарсани кўрсатиш учун *кимдир, нимадир* ҳамда ўрин, пайт, белги кабилағни тахминий равишда кўрсатиш учун *қандайдир, қаердадир, қаергадир, қаердандир, қачондир, қайси-дир* каби олмошлар қўлланади: *Обид ака севинчидан ниманидир хиргойи қилиб самовар қўя бошлиди.* (Ў. У.) *Кимдир серкани ола чилвир* билан зиркка боғлаб қўйган-дай бўлди. (П. Қод.) *Сауда бу хотинни қаердадир кўрган-дай* бўлди. (А. К.) *Унинг ёниб турган бежо кўзларида ниманингдир ташвиши, ғами чақнар* эди. (А. К.)

Одатда, -дир элементи келишик, эгалик ва сон аффиксидан кейин қўшилади: *кимнингдир, ниманинг-дир, кимнидир, ниманидир, кимгадир, қаердадир* каби.

Булардан ташқари, ноаниқ нарса, белги, миқдор кабилар бир сўзини сўроқ олмошлари билан келтириш орқали ҳам ифодаланади: *бир нима, бир нарса, бир қанча, бир неча:* *Сауда ... дафтарчасига шошиб-пиишиб бир нималар ёзяпти.* (А. К.)

Ноаниқ шахс маъносини ифодалашда бирор сўзи ҳам гумон олмоши каби қўлланади: *Азизим, қизингизнинг баҳтини бирорларнинг остонасидан қидирманг.* *Баҳтини бирорларнинг остонасидан қидиришининг ўзи — баҳтсизликнинг боши.* (А. К.)

Баъзан бирор, бир кун, бир вақт каби сўзлар ҳам гумон олмоши маъносини ифодалаб келади: *Агар кишиниг ҳаёти бирор мақсад, бирор ғоя, бир орзу учун*

кураш билан ўтса, бундай ҳаётга ҳеч бир афсусланмаслик керак (М. Ибр.)

Бош келишик шаклида келган гумон олмошлари гапда эга ва кесим, бошқа келишик шаклларида эса аниқловчи, тўлдирувчи, ҳол вазифаларида келади. Кимдир томга чиқиб, бутун қишлоқ эшигадиган овоз билан бақирди. (П. Қод.) *Бу тасодиффдан таажжублангандай аллақандай шошқинлик билан кўришиди.* (О.) *У сумкасидан бир қофоз чиқарив, унга қалам билан қандайдир белги қўйди.* (А. Қ.)

ФЕЪЛ

ФЕЪЛНИНГ МАЪНОСИ ВА ГРАММАТИК БЕЛГИЛАРИ

168- §. Предметнинг ҳаракатини ва жараён тарзидағи ҳолатини билдирган мустақил сўз туркуми *феъл* дейилади. Феъл нима қилимок? сўроғига жавоб бўлади: ёзмоқ, ўқимоқ, бормоқ, келмоқ, топмоқ, югурмоқ, ухламоқ, тинчланмоқ, шодланмоқ каби. Феъллар шахс ва предметлар ҳаракатини ифодалаш билан бирга, турлича ҳолатни, белгининг ўзгаришини ҳам ҳаракат тарзida англатади: *даражат кўкарди, ўрик гуллади, бола қизарди, укам ухлади* каби.

Ўзбек тилида ҳаракат ва ҳолат маъноси доим феъллар орқали ифодаланавермайди. Отлар ҳам мавҳум ҳаракат ва ҳолатни англатади: *учрашув, сайлов, кураш* каби. От ҳаракатни унинг номи сифатида бажарувчи ва замон билан боғланмаган тарзда ифодалайди. Феъллар эса иш-ҳаракатнинг бирор бажарувчи томонидан маълум вақтда бажарилганлигини билдиради: *Узоқ айрилиқдан кейин дўстлар яна учрашиди. Халқ депутатлигига ҳозирги даврнинг энг муносаб кишиларини сайлаймиз.* Ҳаракат билан бажарувчи орасидаги бу алоқа гапда феълнинг шахс-сон шакллари орқали эгага тобелигини кўрсатади. Феъл бирор ҳолат, белгининг ўзгаришини билдириши жиҳатидан сифатга зид қўйилади. Феъл фаол ўзгариш жараёнидаги ҳаракат ва ҳолатни маълум вақт билан боғлиқ тарзда ифодалайди, бу унинг замон шаклларида кўринади. Сифат эса маълум нарсага хос турғун, доимий белгини билдиради. Бир умумий лексик маъноли феъл ва сифатни чоғиштирганда, буни яна ҳам очиқроқ кўриш мумкин: *Дарахтнинг барги кўкарди ва Дарахтнинг барги кўй.* Бунда феъл ўзгариш жараёнини

(кўкарди — кўк бўлди) англатса, сифат шу предметга хос белгини билдиради.

169- §. Феъл гап тузишда от каби синтактик асос бўлиб хизмат қиласи. Феълларда уюштирувчилик хусусияти кучли бўлиб, кўпинча бошқа сўзларни ўзига эргаштириб, уни бошқариб келади. Отнинг келишиклар билан турланиши феълда ифодаланган маъно талаби билан бўлади: *университетни тугатмоқ, ишдан келмоқ, музейга бормоқ, китобни ўқимоқ* каби.

Гапнинг иккинчи даражали бўлаклари — ҳол ва тўлдирувчи асосан феълга боғланади: *Парданси суреб, токчага суннганича ташқарига қаради* (У. У.) Булар феълда нутқ элементларини бирлаштирувчилик хусусияти кучли эканлигини кўрсатади.

170- §. Маъно хусусиятларига қараб феъллар икки турга бўлинади: 1) мустақил феъллар; 2) ёрдамчи феъллар.

Мустақил феъллар ҳаракат ва ҳолат маъносини мустақил равишда билдиради, феълга хос барча грамматик хусусиятларга эга: *ўқиди, чўчили, боғлади* каби.

Ёрдамчи феъллар мустақил феълларга бирикиб, хилма-хил маъно англатган формалар ҳосил қиласи: *ўқиб чиқди, чўчиб кетди, ўқиб беради, ўқий бошлиди* каби.

Кил, эт, айла, бўл ёрдамчи феъллари асосан қўшма феъл ясашга хизмат қиласи: ёрдам қилмоқ, ҳурмат қилмоқ, эзтибор этмоқ, вафо айламоқ, катта бўлмоқ каби.

Ёрдамчи феълларнинг бир тури деб қаралувчи тўлиқсиз феъллар (*эди, экан, эмиш, баъзан, эрур*) асосан феълнинг аналитик замон шаклларини ясашда (*келган эдим, келаётган экансан, келар эмиш, келиб эдим, келмоқда экан* каби) ҳамда от кесимнинг боғлама қисми вазифасида қўлланади: *Идоранинг орқаси спорт майдончаси эди*. Бу вазифада бўл ёрдамчи феъли ҳам ишлатилади: *Аҳмад институтни тугатди, инженер бўлди. У ўқитувчи бўлди* каби.

ФЕЪЛНИНГ ГРАММАТИК КАТЕГОРИЯЛАРИ

171- §. Феъл нисбат (даражা), майл, замон ва шахсон каби грамматик категорияларига эга бўлиб, уларнинг кўпчилиги феълнинг семантикаси билан боғлиқ ва факт унга хосдир.

Феълнинг майл, замон ва шахс-сон категориялари предикативлик муносабати ифодаланишининг асосий шаклларига киради.

Феълнинг ўтимли-ўтимсизлиги, бўлишли ва бўлишсиз шакллари ҳам унинг ўзига хос характерли белгиларидандир.

ФЕЪЛДА БЎЛИШЛИ ВА БЎЛИШСИЗ ШАКЛЛАР

172- §. Феъллар бўлишли ва бўлишсиз шаклда бўлади. Феълнинг бўлишли шакли ҳаракатнинг бажарилиши ҳақида тасдиқни билдирса, бўлишсиз шакл эса ҳаракатнинг бажарилиши ҳақида инкорни билдиради: ёзаман — ёзмайман, ухладинг — ухламадинг, ўқиганман — ўқимаганман каби.

Феълнинг бўлишли шакли махсус аффиксга эга эмас. Бўлишсиз шакл эса махсус грамматик воситалар орқали ҳосил қилинади:

1. Феъл асосига **-ма** аффиксини қўшиш билан. Бу аффикс феъл шаклларида инкор маъносини ифодаловчи асосий морфологик кўрсаткич ҳисобланади, фақат ҳаракат номларида ва мақсад равишдошида **-ма** аффикси ишлатилмайди.

Мақсад равишдошларида бўлишсиз шакл эмас тўлиқсиз феъли орқали ифодаланади: Сиз биздан ёрдам олгани эмас, бизга раҳбарлик қилгани келгансиз. (А. К.) Мен бу ерга хато топиб, масала қўйгани эмас, сизга, колхозга... ёрдам бергани келганиман. (А. К.)

Ҳаракат номининг бўлишсиз шакли эса **-маслик** аффикси орқали ҳосил қилинади: Бу масалада шошмаслик, чуқур ўйлаб иш тутиш керак. («С. Ўзб.»)

-ма аффикси билан ясалган бўлишсиз шаклда ҳаракатнинг бажарилмаслиги, бажарилмаётганилиги ифодаланади. Масалан: Исмоилжон бирмунча масалаларда раис билан келишолмай қолди. (А. К.) Унинг ҳавас билан кетмон ураётганини кўриб, индамади. Йигит ишнинг маромини унугандай, эркин ва тез ишилай олмади. (О.)

Риторик сўроқ гапларда баъзан шу шакл орқали тасдиқ маъноси англашилади: Бу ҳаётни окопларда, землянкаларда, қорда, бўронда... хастахоналарда бағри хун бўлиб соғинмаганмиди у?! (О.) Йўллар, шаҳарлар, манзиллар..., тўплар, танклар, самолётлар, нағраси... Ҳакимжон нималарни кўрмади, неларни бошидан кечирмади?! (А. К.)

Риторик сўроқ гапларда бўлиши шакли, аксинча, бўлишсизлик маъносини ифодалаши мумкин. (Бундай гап-

ларда **-ми** юкламаси ҳам қатнашади): Ёрдам берсангиз, хато ва камчиликларни кўрсатиб турсангиз, колхозни кўтариши учун куч-қувватимни аярмидим?! (О.) Қон-қора тунда чараклаган юлдузларнинг жамоли таърифга сугадими?! (А. Қ.)

-ма аффикси икки феълдан тузилган аналитик шакларга қўйидагича қўшилади: а) асосий қисмга — мустакил феълга қўшилади: ёзмай қўйди, танимай қолди, ухламай чиқди. Тез орада унча-мунча механикка сўз бермай қўяди у... (О.);

б) ёрдамчи феълга қўшилади: ўқиб чиқмади, ёзиб олмади, келавермади;

в) аналитик шаклнинг ҳар икки қисмига қўшилади: олмай қўймади, бормай қолмади каби. Бунда икки бўлишсиз форма орқали тасдиқ, бўлишли маъни англатилади: Мактабда ўқиш-ўқитиш ишлари мустаҳкам изга тушиб кетди. Бу ҳол қишлоқда сезилмай қолмади. (М. Исм.)

2. Эмас ёрдамчиси билан: эмас ёрдамчиси асосан **-ган** аффиксли сифатдош ва **-моқчи** аффиксли келаси замон феълининг бўлишсиз шаклини ҳосил қиласи: Олга юришга халақит берган одамни аввалги хизматлари ҳеч қачон сақлаб қолган эмас. (Ў. Усл.) Мен халқни, колхозчиларни алдамоқчи эмасман! (П. Қ.)

Эмас ёрдамчиси феълдан ташқари от, сифат, сон каби сўз туркумларида ҳам инкорни билдиришга хизмат қиласи. Билмаган эканман, мен онамнинг эмас, онам менинг суюнган тогим экан. (Ў. Ҳ.) Полвонов креслога эмас, девор тагидаги стуллардан бирига ўтириди. (Ў. Усл.)

3. Йўқ ёрдамчиси билан ҳосил қилинади. Бу ёрдамчи асосан **-тан**, **-ётган** аффиксли сифатдошларга қўшилиб, бўлишсиз шакл ҳосил қиласи. Бу вақтда сифатдош эгалик аффикси олиб келади: берганим йўқ, берганинг йўқ каби. Университетни битирдим, ишладим, олти йил армияда хизмат қилдим, лекин ҳеч кимнинг устидан арз қилганим йўқ. (А. Қ.)

4. на... на инкор юкламаси ёрдамида ифодаланади. Бу юклама бўлишли феъл билан ишлатилса, бўлишсизлик маъноси ифодаланади: На ўқиди, на ёзди. На ўзи фойдаланади, на бирорга беради каби. На..., на юкламаси инкор шаклидаги гаплар таркибида келса, бўлишсизлик маъносини янада кучайтиради: На зулмат, на бўрон, на оғат, на ўт, Тўсолмас ҳақиқат, ҳурлик йўлини. (Ў.)

На..., на юкламасининг тасдиқ шаклидаги гапда инкорни билдириб келиши такрорланиб келган ҳам юкламасининг инкор шаклидаги гапда қўлланишига мос келади: Унинг эсига севги ҳам, истироҳат ҳам келмади. (О.)— Унинг эсига на истироҳат, на севги келди каби.

ЎТИМЛИ ВА ЎТИМСИЗ ФЕЪЛЛАР

173- §. Феъл англатган ҳаракат ва ҳолатнинг объектга муносабати турлича. Бир хил феъллар ҳаракатнинг бирор нарсага ўтганлигини билдиради; предмет — объект эса тушум келишигидаги от билан ифодаланади: *Газетани ўқидим, Китобни олдинг* каби. Баъзи феъллар эса ҳаракатнинг предмет — объектга ўтмаганлигини билдиради, улар тушум келишигидаги сўзни бошқариб келмайди: *Ў келди, Бола ухлади, Аҳмад завқланиб кулди* каби. Феъллар ҳаракат ва ҳолатнинг предмет — объектга муносабатига қараб икки турга бўлинади: 1) ўтили феъллар; 2) ўтимсиз феъллар (*Булар объектли феъллар, объектсиз феъллар деб ҳам юритилади.*)

1. Ўтили феъл тушум келишигидаги сўзни бошқариб келади, бирор предметга ўтган ҳаракатни, предметга қаратилган ва унда бирор ўзгариш юзага келтирадиган ҳаракат ва ҳолатни билдиради: *У кийиниб ҳовлига чиқиши билан тоғ томондан эсаётган тонг шабадаси, юзини соchlарини силаб, киприкларини ялади.* (И. Р.)

Феъл англатган ҳаракат ва ҳолат нарсанинг бир қисмига ўтганлиги тасдиқланса, ўтили феъл чиқиш келишигидаги отни бошқариб келади: *Нонни (нондан) енг, Узумни (узумдан) олинг. Меҳмонлар мева-чевадан тотиниб, қизғин суҳбатга берилиб кетди.* (О.)

2. Ўтимсиз феъллар тушум келишигидаги сўзни бошқариб кела олмайди, одатда, бошқа нарсага ўтмаган, бажарувчининг ўзида қолган ҳаракатни билдиради: *Собир ҳаяжонланиб ўрнидан турди.* (О.) *Унинг гулгун сиймосидан узоқ вақтгача нур аримади.* (В. Ажаев).

174- §. Шундай феъллар ҳам борки, улар контекстда қандай сўзлар билан боғланиб келишига қараб ўтили ҳам, ўтимсиз ҳам бўлиб кела олади. Бу феълларда ўтили-ўтимсизлик гап ичида шу феълнинг ўз ёки кўчма маънода қўлланишига қараб аниқланади:

а) ўтили: *Шоир ёзган шеърни баралла ўқир.* (Р. Бобоҷон.) *Бу китобни қара. Ўқувчи масалани ишилади.*

б) ўтимсиз: Улар бир-бирларига меҳрибонлик билан қарадилар. (М. Исм.) Кўнглингни қистаса оловишитиёқ, Келиб Мирзачўлнинг жамолига боқ. (F. F.) У колхозда ишлади.

Феълдаги ўтимли-ўтимсизлик нисбат категорияси билан узвий боғланган. Чунки нисбат ясовчи аффиксни олган феълнинг ўтимли-ўтимсизлигида қуидагича ўзгаришлар юз беради:

а) ўтимли феъл ўтимсиз феълга айланади, ўтимсизлашади (ўзлик ва мажхул нисбат шаклларнда): ювди — ювинди, ёзди — ёзилди, кийди — кийинди, очди — очилди, ўқиди — ўқилди каби;

б) ўтимли феълдан яна ўтимли феъл ҳосил қилинади: (орттирма нисбат шаклида): ёзди — ёздирди, чақирди — чақиртирди, ичди — ичирди, ўқиди — ўқитди каби;

в) ўтимсиз феъл ўтимли феълга айланади, ўтимлилашади (орттирма нисбат шаклида): келди — келтирди, кулди — кулдирди, юрди — юргизди, семирди — семиртирди, ухлади — ухлатди каби.

Ўтимли-ўтимсизлик анализик шаклларда етакчи қисмга қараб белгиланади: ўқиб чиқди, билиб олди, ёза бошлади, кўриб қўйди — ўтимли; кулиб қўйди, қувониб кетди, семира бошлади, етиб олди — ўтимсиз.

НИСБАТ ҚАТЕГОРИЯСИ

175- §. Нисбат (даражада) категорияси феъл ифодалаган ҳаракат билан унинг субъекти (бажарувчиси) ва объекти (ҳаракат қаратилган нарса) орасидаги ўзаро муносабатни кўрсатади. Ҳаракат билан субъект ва объект орасидаги муносабат ҳар хил. Шунга кўра ўзбек тилида феъл нисбатлари бешта: 1) бош нисбат; 2) ўзлик нисбати; 3) мажхул нисбат; 4) биргалик нисбати; 5) орттирма нисбат.

Бош нисбат

176- §. Бош нисбатда феъл англатган ҳаракатни бажарувчиси шахс субъектга teng келади. Бош нисбатнинг маҳсус аффикси йўқ. Бу нисбат маъноси феъл асоси орқали ифодаланади. Шунинг учун бош нисбатда ўтимли феъллар ҳаракат субъект томонидан бажарилиб, тўғри объектга ўтганлигини англатса, ўтимсиз феъллар бевосита субъект билан боғланган, унинг фазодаги ҳа-

ракатини билдиради: «Фанда инқилобни биз қилдик илк бор. (Э. В.) Арслонқұл қизарыб, боши билан тасдиқлади. (О.)

Үзлик нисбати

177- §. Феълнинг үзлик нисбати субъект томонидан бажарилиб, яна субъектнинг үзига қайтган ҳаракат ва ҳолатни билдиради. Бунда ҳаракатнинг бажарувчи-си ҳам, ҳаракат қаратылған предмет ҳам бир шахснинг үзи бўлади, яъни феълнинг аниқ нисбатида ҳаракат субъектдан бошланиб, бошқа предметга ўтса, үзлик нисбатда эса субъектнинг үзида қолади. Үзлик нисбат ўтимли феълдан ясалади. Ўтимли феъл үзлик нисбат шаклида ўтимсизлашади: *Сиддиқжон каттакон бир дарахт остида милтиллаб турган чироққа томон бурилди.* (А. К.) У оила ҳаётининг ҳарорати, роҳати ва тозалигини кўриб қувонди. (В. Ажаев.)

Үзлик нисбат кўпинча ўтимли феъл асосига -(и)н аффиксини қўшиш билан ясалади: *ювин, таран, кийин* каби. Шунингдек, -(и)л, баъзан -(и)ш аффикси ҳам үзлик нисбат ясади: *чўмил, ишқал, кериш* каби.

Сўз ясовчи -лан аффикси билан ясалган феъллар ҳам үзлик нисбат маъносига эга бўлади: *шодлан, отлан* каби.

Үзлик нисбат ўтимсиз феъл асосидан, шунингдек, кўпгина ўтимли феъллар асосидан ҳам ясалмайди: *кул, семир, кес, тўқи* каби.

Үзлик нисбат қўйидагича маъно оттенкаларига эга:

1. Соф үзлик маъноси ифодаланади. Бунда ҳаракат субъектнинг үзида бўлган физик ўзгаришларни билдиради, субъект ҳаракатни үзига тўла қабул қилувчи обьект ҳам саналади: *кийин, ювин, безан, ясан, таран, эгил, бурил, судрал* каби. Элчибек *юванди, қиринди*, бир нимани унутгандай бир неча марта ўйланди. (А. Мух.) *Бир қўлини ерга тираб, бошини ердан узид, қаддини ростлар экан, кўз олди қоронғилашди.* Яна секингина ииқилди. (Б. П.)

2. Субъектнинг руҳий ҳолатидаги ўзгаришлар ифодаланади. Бундай феъллар доим үзлик шаклда қўлланади, нисбат аффиксини феъл асосидан ажратиб бўлмайди: *шодлан, қувон, фахрлан, сескан, таажжублан* каби: *Анвар жавобни ўқиб завқланди.* (А. К.) *Хо-*

зир унинг қалбидаги она ҳасрати бирдан түлкінланди. (О.)

3. Субъектнинг ўрин, жой алмаштириш билан боғлиқ ўзлик маъноси. Бунда ҳам ҳаракат бевосита субъектнинг ўзига йўналтирилганлиги, унинг макондаги ҳаракати, ўрин алмаштириш каби маънолар англашилади: ташлан, силкин, кўрин, бурил каби: Ўкта мурнидан туриб, ҳовлида кезинди. (О.) Абдулла муздек бекасам кўрпача устига чўзилди. (Ў. У.) Ўзоқдан чанг-тўзонлар орасидан қандайдир отлиқлар кўринди. (Б. П.)

Феълларнинг аналитик шаклларида ўзлик нисбати аффикси етакчи феълга қўшилган бўлади: севиниб қолди, ювина бошлиди, ечиниб олди каби: Умид бу ажойиб тонг сирларидан мамнун бўлгандек, гурур билан хўрсаниб қўйди. (Мирм.)

Мажхул нисбат

178- §. Мажхул нисбат шаклида ҳаракатнинг субъектига эмас, балки ҳаракатнинг ўзига ва унинг обьектига кўпроқ эътибор берилади. Бунда ҳаракат обьекти (актив конструкциядаги воситасиз тўлдирувчи) бош келишик шаклида келиб, гапда эга вазифасини бажаради. Ҳаракат субъекти (актив конструкциядаги эга) эса воситали тўлдирувчи вазифасида келади (бундай тўлдирувчи кўпинча қўлланмайди). Гапда эга вазифасида келган сўз ҳаракатни бажармайди, балки тўлдирувчи вазифасидаги субъектнинг ҳаракатини ўзига қабул қиласиди. *Хат ўқувчи томонидан ёзилди* гапида ҳаракатни хат эмас, балки ўқувчи бажарган, лекин гапда ўқувчи эга эмас, балки тўлдирувчи; *хат эса эга вазифасида келган*. Актив ва пассив конструкция кўпинча китоб ўқидим — китоб ўқилди тарзида тузилади. Чунки кесими мажхул нисбатдаги феъл билан ифодаланган гапда асосий диққат субъектга эмас, балки обьектга қаратилган бўлади: *Бинонинг кенг ва оғир эшиги очилди*. (А. К.) *Саҳнда ҳеч ким йўқ, фақат айвон яқинидаги ўчоққа ўт қаланган*. (М. Исм.)

Мажхул нисбат ўтимли феъл асосига -(и)л, баъзан -(и)н аффиксини қўшиш билан ҳосил қилинади. Бунда ўтимли феъл ўтимсизлашади: *ғамланди* каби. Декабрнинг ўрталарида Москва журнallаридан бирида Новиковнинг «Кўшичинор» деган очерки босилиб чиқди. (А. К.) Баъзан ўтимсиз феъллардан ҳам мажхул нисбат

шакли ясалади: борилди, юрилди, ўтирилсин, турисин каби. Иброҳимовнинг қисқа муқаддимасидан кейин байрамга бағишланган мажлис очилди. (А. Қ.)

179- §. Мажхул нисбат шаклида ҳаракатнинг субъекти номаълум бўлади. Шунинг учун баъзан ҳар учала шахс ҳам субъект ўрнида кела олади: **китоб ўқилди [мен(инг) томонимдан, сен(инг) томонингдан, у(нинг) томонидан, бола томонидан].** Бунда ҳаракатнинг субъекти шахс бўлади.

Мажхул нисбатдаги феъл буйруқ-истак майлиниг учинчи шахс формасида келса, расмий иш услубида, шунингдек, иккинчи шахс ўрнида кенг ишлатилади: **Юклар ташлансан, фақат қуроллар олинниб, катта шаҳарга қараб пиёда йўл олинсан!** (Б. П.) **Ҳамма ёқдан баравар: «Жавоб берилсан!»— деган товушлар эшишилди.** (А. Қ.)

Феълларнинг аналитик шаклида мажхул нисбат аффикси кўпинча ёрдамчига қўшилади: **ўқиб чиқилди, олиб борилди, очиб ташланди** каби.

Ўзлик ва мажхул нисбатдаги феъллар бир хил аффикс **—-(и)л, -(и)н** билан ясалади. Феълниг ўзлик нисбатида ёки мажхул нисбатда экани кўпинча аниқ бўлади. Булардан ташқари, қатор феълларнинг ўзлик ё мажхул нисбатда эканлиги контекстда аниқланади. **Масалан: а) ўзлик: Навоий сеҳрли садоларга беихтиёр берилди.** (О.) **Студентлар кечани кундузга улаб ишллик имтиҳонга тайёрланмоқда.**

б) **м а ж ҳ у л:** Доклад учун Зиёдахонга сўз берилди. (А. Қ.) **Операция учун зарур бўлган прибор ва асбоблар тайёрланди.** (Б. П.)

Биргалик нисбати

180- §. Феълниг биргалик нисбати икки ва ундан ортиқ субъект томонидан биргаликда бажариладиган ҳаракатни билдиради. Биргалик нисбат ўтимли ва ўтимсиз феъл асосига **-(и)ш** аффиксини қўшиш билан ҳосил қилинади: **ёз-иши-ди, бор-иши-ди, ўқиши-ди, ишилаши-ди, кулиши-ди** каби. **Масалан: Одамлар қизни тинглашга ҳозирланиб, ҳурмат билан тикилишиди.** (О.) **Улар бир-бирларига ёхуд ҳалойиққа қарашдан қўрққандай индамасдан келишарди.** (А. Фадеев.) **Одамлар катта-кичик гуруҳларга бўлинниб, ҳар ёққа тарқалиб кетишиди.** (О.) .

Феъл ясовчи **-лаш** аффикси ҳам биргалик маъносини ифодалайдиган феъл ҳосил қиласиди: **ёрдамлашиди, гаплашиди, хайрлашиди** каби.

Биргалик нисбатдаги феъллар қўйидаги маъноларни ифодалайди:

1. Биргалик-кўплик маъносини. Бундай феъллар бир қанча бажарувчи шахсларнинг ҳаракатини англатади. Бунда ҳар бир шахс ҳаракатнинг субъекти бўлади-ю, объекти бўла олмайди: «Қоратой билан Ўроз йигитни авайлаб кўтариб, ушланиб қолмаслик учун жўрттага چуғурлашиб, сув билан бирга пастга қараб боришди. (М. Исм.)

2. Биргалик-ўзлик маъносини ифодалайди. Бундай феълларда бир неча шахснинг ҳаракати англашилиб, ҳар бир шахс ҳаракатнинг субъекти бўлиш билан бирга, бири иккинчисига нисбатан шу ҳаракатнинг объекти ҳам бўлиб келади, яъни ҳаракатнинг ҳам субъекти, ҳам объекти бўлган икки ва ундан ортиқ шахснинг ҳаракатини ифодалайди: Гулнор ва Ўнсан чуқур самимият ва дўстлик ҳисси билан қучоқлашишди, ўшишиди. (О.)

3. Кўмаклашиш маъносини ифодалайди. Ҳаракат асосан бир субъект томонидан бажарилиб, бошқа субъект унга ёрдамчи сифатида қатнашади. Бу вақтда кўпинча асосий субъектни англатувчи сўз тўлдирувчи вазифасида, кўмаклашувчи субъектни англатувчи сўз эса эга вазифасида келади: Уста томнинг тупроғини кўчиришга тушаркан, Ўқтам кетмон билан устага боқишиди. (Х. Н.)

Биргалик нисбат англатган бу маънолар феъл асосининг маъноси билан ҳам боғланган. Биргалик нисбат ўтимли феълдан ясалган бўлса, бир неча субъектнинг бир-бирига ўтган ёки ташқи объектга ўтган биргаликдаги ҳаракати, ўтимсиз феълдан ясалганда эса бир неча субъектнинг бошқа объектга қаратилган ўзаро биргаликда ҳаракати ифодаланади.

181- §. Биргалик нисбатдаги феълларнинг яна қўйидаги хусусиятлари бор:

Маъно тараққиёти натижасида баъзи феъллар айрим нисбат шаклларида мустақил феълга айланиши мумкин. Келишмоқ, киришмоқ каби феъллар икки хил баҳоланади: биргалик нисбатда келганда, ўзаро биргаликдаги ҳаракатни билдиради; мустақил феълга тенг бўлганида эса шартлашмоқ, бир фикрга келмоқ, ҳаракатни баҷара бошламоқ каби янги лексик маъноларни англатади: Уйма-үй юриб қилинган мажлисда кампирлар звеноси тўрт қути тутишга келишиди. (А. К.)

Биргалик нисбат ясовчи -(и)ш аффикси баъзан феъл асосига икки марта қўшилиб келиши мумкин: *кўришишиди*, *ўтишишиди*, *қучоқлашишиди*, *хайрлашишиди*: *Oға-ини ўзбекчасига бир-бирларининг орқаларини силаб индамасдан узоқ қучоқлашишиди.* (О.)

Феълнинг аналитик шаклида биргалик нисбат аффикси кўпинча кўмакчи қисмга, баъзан етакчи қисмга қўшилиб келади: *ўқиб чиқшиди*, *бориб келишиди*, *кўришиб чиқди* каби.

Икки феълдан таркиб топган қўшма феълларда эса кейинги қисмга қўшилади: *олиб келишиди* каби.

Орттирма нисбат

182- §. Орттирма нисбатдаги феъллар восита билан бажарилган ҳаракатни билдиради. Ҳаракатни бажаришда, субъектдан ташқари, яна бошқа шахснинг иштирок этганлиги англатилади: *ўқи* — *ўқит*, *чақир* — *чақиртир*, *кел* — *келтир*, *ёз* — *ёздир*, *оқ* — *оқиз* каби.

Орттирма нисбат ўтимли ёки ўтимсиз феъл асосидан ясалишига қараб икки хил маънони ифодалайди.

Орттирма нисбат ўтимсиз феъл асосидан ясалганда эса у ўтимлига айланади, ҳаракатни ўз устига олган нарса маъноси қўшилади: *кул* — *кулдир*, *ўт* — *ўтказ*, *тўхта* — *тўхтат*, *тур* — *турғиз*, *юр* — *юргиз* каби. *Кампир* ... неварасини суюб, уйга олиб кирди, аста каравотга ётқизди. (Мирм.) Үкаси унинг кўнглидаги бояги шодликни сўндириди. (П. Қод.)

Бунда ҳаракатнинг бажарувчиси воситали келишидаги сўз билан ифодаланади. Ҳаракатни бажаришда восита бўлувчи, таъсир қилувчи шахс эса бош келишидаги сўз орқали ифодаланади ва эга вазифасида келади: *Ўкташ дўстларини кўрпачага ўтказди.* (О.)

Орттирма нисбат ўтимли феъл асосидан ясалганда тушум ва жўналиш келишигидаги икки тўлдирувчини бошқара олади. Тушум келишигидаги тўлдирувчини феъл асосининг ўзи, жўналиш келишигидаги тўлдирувчини орттирма нисбат талаб қиласи. Кейинги тўлдирувчи ҳаракатни бажаришда восита бўлган шахсни англатади: *Саида ўзи дутор чалиб, икки қизни ўйнатди*, бир ийгитга ашула айттириди. (А. Қ.)

Орттирма нисбат ўтимсиз феъл асосидан ясалганда эса тушум келишигидаги тўлдирувчи орттирма нисбат

талағи билан келади. Ҳаракатни бажаришда восита бўлган шахс бош келишикдаги сўз билан ифодаланади: *Камол акасини табуреткага ўтқазди.* (О.) *Бўтабой ака унга яхши ҳужра қилиб берди, иши ва машшати учун айрим шароит туғдирди.* (А. К.)

183-§. Орттирма нисбат қўйидаги аффикслар билан ясалади:

-тир, -дир. Бир бўғинли феъл асослари жарангли ундош билан тугаса, **-дир**, жарангсиз ундош билан тугаса, **-тир** аффикси қўшилади (фақат *келтир* ясалиши бундан истисно): *ёндир, сездир, билдир; топтир, айттир* каби. Кўп бўғинли феъл асосига **-тир** аффикси қўшилади: *бажартир, чақиртир, кўпайтир, соғинтир* каби.

-т. Бу аффикс асосан **а**, и унлиси билан тугаган феъл асосларига қўшилади: *ишлат, қайнат, тўхтат, ўқит, қизит* каби.

-тир, -т. Аффикслари параллел ҳолда ҳам қўлланилади: *ўзгартир — ўзгарт* каби.

-гиз, -ғиз, -киз, -қиз. — Бу аффикс жарангли билан тугаган феъл асосларига **-гиз, -ғиз**, жарангсиз билан тугаган феъл асосларига **-киз, -қиз** шаклида қўшилади: *юргиз, кўргиз, турғиз, теккиз, тутқиз* каби. Фонетик ўзгариш натижасида ўртадаги унли товушнинг **а** га, охирги ундошнинг **р** га айланishiдан бу аффикснинг хилма-хил вариантлари ҳосил бўлади: *кўргиз — кўргаз, кеткиз — кетказ, қутқаз — қутқар* каби.

-ир, -ар. Бу аффикс ундош билан тугаган феъл асосига қўшилади: *тушир, пишир, ичир, қайтар, чиқар* каби.

-из, -аз. Бу аффикс ҳам асли **-ир, -ар** аффиксининг фонетик варианти бўлиб, ундош билан тугаган феъл асосига қўшилади: *оқиз, тегиз, томиз* каби.

Орттирма нисбат ясовчи аффикс феълнинг аналитик шаклларида унинг етакчи қисмига қўшилади: *кулдириб юбор, оқизиб кетди, ёздриб қўйди, ишлатиб олди, битказиб қўйди* каби.

Феъл асосига орттирма нисбат ясовчи аффикслар кетма-кет қўшилиши мумкин: *ёз — ёздир — ёздиртир, ич — ичир — ичиртир* каби.

184-§. Бир феъл негизига турли нисбат аффикслари қўшилиб келиши мумкин: *сев — севин — севинтир, кел — келтир — келиштир, ёз — ёздир — ёздирил(ди)* каби. Бундай ясалишда феълнинг қайси нисбатда эканлиги охирги аффиксга қараб белгиланади.

МАЙЛ КАТЕГОРИЯСИ

185- §. Ҳаракатнинг воқеликка муносабатини кўрсатувчи грамматик категория *майл категорияси* дейилади. Майл категорияси замон ва шахс-сон категорияси билан узвий боғлиқ бўлиб, ҳаммаси биргаликда феълнинг тусланиш системасини ташкил қиласди, предикативлик ифодаланиш формаси ҳисобланади. Шунга кўра майл категорияси ҳаракатнинг воқеликка муносабатинигина эмас, балки бажарувчи билан ҳаракат орасидаги алоқанинг воқеликка муносабатини ҳам ифодалайди. Масалан, *кел, ўқи, ишила ёки келса, ўқиса, ишиласа* каби формаларда ҳали бажарилмаган ҳаракат, унинг бажарилиши ҳақида буйруқ, шарт маънолари ифодаланса, *келди, ўқиган, ишилаёттир, келаман, ўқиган эдинг, ишилаётган* эди каби шаклларда реал равишда бажарилган ёки бажарилаётган ва бажариладиган ҳаракат ҳақида хабар берилади. Демак, майл категориясида буйруқ, истак, маслаҳат, шарт, ижро этилиш ҳақида хабар каби турлича маънолар ифодаланади. Шунга кўра майл категорияси англатган маънолар модал маънолар ҳисобланади.

Ўзбек тилида феълнинг майл шакллари қўйидаги кўринишларга эга бўлиб, булар маъно ва морфологик ифодаланиши жиҳатидан бир-биридан фарқ қиласди: 1) буйруқ-истак майли; 2) шарт майли; 3) хабар (ижро) майли.

Буйруқ-истак майли

186- §. Феълнинг буйруқ-истак майли сўзловчининг ҳаракатни бажаришга буюришини, қисташини, ундашини англатади ва ҳар бир маъно оттенкаси ўзига хос интонация билан характерланади. Масалан: *Қандингизни уринг. Яшанг. Кулинг. Давримизнинг шод насллари.* (У.) Боргил тезроқ, халоскор дўстим. *Кун чиқишдан кун ботишга бор, Қардошларни зулматдан қутқор.* (Х. О.) *Қани, ўтири, нима гап ўзи, тузукроқ тушунтири-чи?* (О. Е.)

Буйруқ-истак майлида феълнинг тусланиши шундай:

Б и р л и к

К ў п л и к

I ш. <i>кел-ай(ин), ишила-й(ин)</i>	<i>кел-айлик, ишила-йлик</i>
II ш. <i>кел(гин), ишила(гин)</i>	<i>кел-инг, ишила-нг(из)</i>
III ш. <i>кел-син, ишила-син</i>	<i>кел-син(лар), ишила-син-(лар)</i>

187- §. Сўзловчининг ҳаракатни бажаришга ундаши бевосита иккинчи шахсга қаратилган бўлади. Шунинг учун буйруқ-истак майлиниңг асосий шакли иккинчи шахс (бирлик ва кўплик) ҳисобланади: *Насибахон, боринг, қозонга қараб туринг*. (A. K.) *Муҳит узра қанотингни ёз, Оқ қушларниңг ўлкасида юр*. (X. O.)

Буйруқ-истак майлиниңг иккинчи шахс бирлиги бир кўринишида шаклан феъл асосига тенг келади. Шу шахснинг бошқа шакллари феъл асосига маҳсус шахсон аффиксини қўшиш билан ҳосил қилинади.

1. Буйруқ-истак майлиниңг иккинчи шахс бирлиги уч шаклга эга:

1) Қатъий буйруқ, қисташ англашиладиган асосий шакл. Бунинг аффикси йўқ: *Ёвларни қув, дўстларни қутқар*. (X. O.) *Ҳашарга айт, болам, зинҳор қолдирма*. (A. Мух.) Бу шаклда баъзан илтимос, сўраш, маслаҳат маънолари ҳам ифодаланади: «*Қани*, юр,— деб шипшиди Давлатбеков Авазга,— нутқингни сал пишишиб ол. (П. Қод.) *Районга тушманг дейди... Сен тушунтири*. (У.)

2) Феъл негизига **-гин (-гил)** аффиксини қўшиш билан ҳосил қилинади. Бу шакл буйруқ маъносини сўраш, илтимос, маслаҳат тарзида ифодалайди. Масалан, *Ўфқларда сайр этгин мудом, Қуёш келиб сувга чўйканда*. (X. O.) *Мени кутгил ва мен қайтарман. Фақат кутгил жуда интизор*. (К. Симонов.)

3) Феъл негизига **-(и)нг** аффиксини қўшиш билан ҳосил қилинади. Бунда бир шахсга нисбатан ҳурмат, баъзан иккинчи шахснинг кўплиги маъноси ифодаланади: *Олдинни кўзлайверинг. Ўқтамжон, электрлаширинг, телефонлаширинг...* (О.) *Йигитлар, меҳмонларни ўлка бўйлаб кездиринг. Боримизни кўрсатинг ишидан иғнасигача...* Халқлар биродарлигин нуқта-нуқта сездинг. (F. F.)

2. Иккинчи шахснинг кўплик шакли асосан икки йўл билан ҳосил қилинади:

1) Феъл негизига **-(и)нглар** аффиксини қўшиш билан: *Қани, ўғилларим, бир оз дам олинглар*. (Р. Ф.) *Анор қичқирди: «Хой қизлар, келинглар, этакларингни тутинглар»*. (О.)

2) Феъл негизига **-(и)нгиз** аффиксини қўшиш билан: *Дўстлар, ишонч билан кутингиз бизни... Ҳеч қачон бизлардан умид узмангиз*. (Ү.)

188- §. Буйруқ-истак майлиниң үчинчи шахс шаклида буюриш, илтимос, ундаш маңнолари восита билан билдирилади, яғни тұғридан-тұғри үчинчи шахсга қаратылмасдан, иккінчи шахс орқали сұхбатта қатнашман шахс ва предметларга қаратыллади, Масалан: *Үйига жарабоб берши керак, үн беш-йигирма күнга бориб келсін*. (А. Мұх.) *Даста-даста гуллар келтирсін, Шұх ва құвноқ дұстларга буюр.* (Х. О.)

Буйруқ-истак майлиниң үчинчи шахс бирлиги феъл негизига -син аффиксини құшиш билан, күплиги эса бирлик шаклига -лар құшиш билан ҳосил қилинади: *келсін* — келсінлар, *ишласин* — ишласынлар, *ёзсин* — ёзынлар каби. Масалан: «*Чақирайлық, кирсін*», — деди Зайнаб. (О.) ... Сиз айтинг, мажлисга солмасынлар, майли, меңнатымдан қырқсынлар. (А. К.)

Бу шаклда орзу-истак каби маңно ҳам англашилади: *Шундай үлка доим бор бўлсін...* Омон бўлсін оғайнилари, Омон бўлсін дұстларнинг бари. (Х. О.) *Сени кўрса, очилсан гуллар, Сени кўрса, ёнсан булбуллар.* (Х. О.)

Учинчи шахс шакли деб ёрдамчиси билан бирикиб, ҳаракатнинг бажарилиш мақсадини билдиради: *Сирдарё сувларининг қатраларидан Ташиналар қонсин деб каналлар очдик.* (F. F.) Ақл бердим, ёв босганда Енешига йўл топсан деб, От ҳам боқдим, маврид келса, Жангга миниб чопсан деб. (Х. О.) Учинчи шахс шакли тантанали чақириқ, қатъий буйруқ каби маңноларни ҳам англатади: *Тўплардан ўқ узуб, салют берилсан!* («С. Ўзб.»)

Учинчи шахс шакли баъзан иккінчи шахс ўрнида қўлланади. Бунда нутқ жараёнида қатнашган шахсга нисбатан хурмат ёки пиchinг, кесатиқ маңнолари ифодаланади: *Пахта йиғим-теримини қандай уюштириш кераклиги ҳақида гапириб берсинлар.* (Р. Ф.) *Салом, келсінлар...* *Мажид акам даладалар.* (А. К.)

189- §. Сўзловчи тұғридан-тұғри ўзига буйруқ бера олмайди. Шунинг учун буйруқ-истак майлиниң биринчи шахсида истак, ҳаракатни бажаришга хоҳиши, ахд маңнолари ёки сўзловчининг ўзи ҳам қатнашган ҳолда ҳаракатни биргаликда бажаришга ундаш кабилар ифодаланади. Буйруқ-истак майлиниң биринчи шахс бирлиги феъл негизига **-й(-ай)** аффиксини құшиш билан ҳосил қилинади: *ўқий, ёзай, ишлай* каби. Таъкидлаш, маңнони кучайтириш учун **-ин** құшилади ва кенгайған

шакли ҳосил бўлади: *ўқи-йин, ишила-йин, бора-йин* каби. Масалан: Чевар қиз деб мақтайин қат-қат. (У.) Мен шифолар берай сафдошларимга. (А. Мух.)

Биринчи шахснинг кўплиги эса шу шахснинг бирлик шаклига **-лик** аффиксини қўшиш билан ҳосил бўлади: *ўқийлик, ишилайлик, ёзайлик, борайлик* каби. Кўплик шаклда сўзловчи ҳам қатнашган бир қанча шахслар томонидан ҳаракатни бажаришга ундаш, шу билан бирга, биринчи шахснинг истаги, хоҳиши кабилар ҳам билдирилади: *Ўртоқжонлар, қани тезлатайлик, шу бугундан қолмасин.* (Р. Ф.) ... Ҳали далада бошланган гапни давом эттирайлик. (О.)

Бу формада ҳам деб ёрдамчиси билан бирикиб келса, ҳаракатнинг бажарилиш мақсадини англатади: ... *биз ҳам пича ўйнаб келайлик деб чиқдик шайланиб.* (А. Мух.) Қилич олдим Ватанимни сақлай деб. (У.)

Шарт майли

190- §. Феълнинг шарт майли бошқа бирор ҳаракат, воқеа-ҳодисанинг бажарилиши учун шарт, восита бўладигац, исталган, фараз, мўлжал қилинган ҳаракатни билдиради. Шарт майли шакли феъл негизига **-са** майл ясовчини қўшиш ва туслаш билан ҳосил қилинади:

Бирлик	Кўплик
I ш. <i>кел-са-м</i>	<i>кел-са-к</i>
II ш. <i>кел-са-нг</i>	<i>кел-са-нгиз</i>
III ш. <i>кел-са</i>	<i>кел-са-лар</i>

Шарт майлидаги феъл шакли қўйидаги маъноларни ифодалайди:

1. Бошқа бир ҳаракат ва ҳолатнинг юзага чиқиши учун восита, шарт бўлган ҳаракатни билдиради. Бу вақтда шарт эргаш гапнинг кесими бўлиб келади; ҳар иккала гап англатган воқеа-ҳодисалар, иш-ҳаракат ҳам бажарилмаган бўлиб, бирининг бажарилиши иккинчи сига боғланган, шартланган бўлади: *Ҳозир ёзниңг қозонини ҳосил билан тўлдирсак, кузда роҳатини кўрамиз.* (О.) Бинокорликдан гапирсангиз, кўзлари чақнаб кетади. (А. К.) Агар одам бўлай десанг, ишда оқла ўзингни. (У.) *Турсунали бўлса эди, у ердаги пахтани ҳам сақлаб қолган бўлардик.* (У.)

Шарт майлидаги феъллар эга, тўлдирувчи, аниқловчи, пайт ва ўрин эргаш гапларнинг кесими вазифасида

ҳам келади: Қаерда кураш бўлмаса, у ерда ўсиш бўлмайди. Ким кўпчиликнинг юзига оёқ босса, шундай жазога лойиқ бўлади. (У.) Пахта деса, кўз олдига келади ўзбек, Ўзбек деса, кенг пахтазор бўлар на-моён (F. F.)

2. Ҳам ёрдамчиси билан келиб, воқеа-ҳодисанинг бажарилишига тўсиқ бўла олмаган ҳаракат-ҳолатни билдиради. Бунда тўсиқсиз эргаш гапнинг кесими бўлиб келади, ҳар икки гап бир-бирига қарама-қарши ҳаракатни англатади. Ҳалқ деразалар орқали ичкарига босиб киришни кўзлаган бўлса ҳам, қурол йўқлигидан иккиланиб қолди. (О.) Тилим келишмаса ҳам, дилим келишади. Сенинг тилинг келишса ҳам, дилинг келишмайди. (А. Қ.)

3. Орзу-истакни билдиради. Бунда содда гапнинг кесими вазифасида келади: Қани энди бу қуртлар тез-тез ўрай қолса... (А. Қ.) Қани энди шу топда отасини қу-чоқлаб, соқолларидан ўпса. (О.) Еринг бўлса хуш бўлса, Юрса, кўчалар тўлса. (У.) Хўш, энди сизларга нима совға берсан экан? (О.)

4. Илтимос, маслаҳат маъноларини билдиради: Она-жон, шу суратни менга берсангиз. (А. Қ.) Шошиманг, виставкани шу ерда ташкил қиласак... Нима дей-сиз? (О.)

5. Наҳотки сўзи билан келганда, тўсатдан ҳукм чиқариш, воқеа-ҳодисадан ҳайратланиш, гумон каби маънолар ифодаланади: Наҳотки Муқаддас ҳам шу ётоқхонада турса? (О. Ё.) Наҳотки бу хушхабарни эшиитмаган бўлсангиз?

6. Керак сўзи билан келганда, фараз, гумон, ноаниқлик маънолари ифодаланади: Одам ҳамма нарсага чидаса ҳам, ёлғизликка чидамаса керак. (А. Мух.) Бу ерда шўр иморатнинг офати бўлса керак. (А. Қ.) Назаримда, эгаси бор бўлса керак бу гулнинг. (У.)

7. Бўлади ёрдамчи феъли билан келганда мумкинлик, имконият, зарурият маънолари ифодаланади: Имтиҳонни топшириб бўлгач, курортга борса бўлади. Энди пахтадан хавфсираласак бўлади. (О.) Бугун университетга бормасам бўлмайди.

Феълнинг шарт майли асосан келаси замон маъносига эга. Эргаш гапнинг кесими вазифасида келганда, баъзан ўтган замон маъносини ҳам ифодалайди: У ўзи ёш бўлса ҳам, сочига оқ оралаган, оддий колхозчи хотинлардан эди. (А. Қ.)

Хабар майли

191- §. Хабар (ижро) майли феъл англатган ҳаракат ва ҳолатнинг маълум замонда бажарилиши, ижро этилиши ҳақида хабар беради. Бу майл шакли иш-ҳаракат уч замоннинг бирида ижро этилганлигини, унинг мавжудлигини ёки ҳаракат шу замонларнинг бирида бажарилмаганлигини, инкор этилганлигини англатади. Албатта, ҳаракатнинг бажарилишини инкор этиш хабар майлиниг маъносини ўзгартирмайди. Чунки бу шаклида ҳам реал ҳодиса — ўтган, ҳозирги ва келаси замонларда ҳаракатнинг бажарилмаганлиги ифодаланади: *Мен ёшлик қилиб, бекордан-бекорга эркимни қўлдан бериб қўйғанман.* (П. Қод.) У Онахоннинг ёнига ҳеч кимни яқин йўлатмади. (А. Мух.) У бугун хурсанд, баҳор унинг нашъасига нашъа, гўзаллигига гўзаллик қўйшган. (А. Қ.)

Хабар термини бу майлниг хусусиятига, маъноси ва функциясига кўпроқ мос келади. Чунки бу майл шаклидаги феъл иш-ҳаракатнинг маълум замонда бирор шахс томонидан ижро этилганлиги ёки ижро этилмаганлиги ҳақида хабар беради.

Хабар майлиниг маъноси замон (шунигдек, шахсон) аффикси билан келган феъл шаклидан англашилади. Хабар майлиниг ўзига хос хусусияти замон категориясига эга эканлигига кўринади. Грамматик замон категориясининг тасвири айни замонда хабар майли шаклларининг ҳам тасвиридир. Хабар майлида модал маънолар ҳам шу замон шакллари ва айрим юклама ва модал сўзлар орқали ифодаланади. Шу туфайли бу ўринда бир-икки мисол келтириш билан чекланиш мумкин: *Мана тез орада буғдои ўримиға жўнаймиз.* (О.) Қараб турдим: *Сиз юрган чоғда, Турфа гуллар эгди бошини.* (У.) Қани кетдик. Эртага Тошкентга кетаётірман.

Хабар (ижро) майлиниг маҳсус аффикси йўқ. У феълниг замон ва шахс-сон аффикслари орқали ифодаланади.

ЗАМОН ҚАТЕГОРИЯСИ

192- §. Замон категорияси феъл ифодалаган ҳаракатнинг нутқ моментига муносабатини ифодалайди. Ҳаракатнинг бажарилиш вақти билан нутқ пайти орасидаги

Муносабатга қараб феълнинг уч замони фарқланади. **Ў**тган замон нутқ пайтидан илгари бажарилган ҳаракатни, ҳозирги замон нутқ пайти билан бир вақтда бажарилаётган ҳаракатни, келаси замон нутқ пайтидан **кейин** бажариладиган ҳаракатни англатади.

Феълнинг ўтган, ҳозирги ва келаси замон шаклларининг ҳар қайсиси, ўз навбатида, яна бир неча турларга бўлинади. Чунки бу замон шакллари, вақтнинг алоҳида катта қисмларини кўрсатиш билан бирга, бу қисмлар ичидаги кичик пайтларни ҳам акс эттиради. Масалан, ҳозирги замон феълнинг бир шакли нутқ пайтига тўғри келган, у билан бир вақтда бўлаётган ҳаракатни англатса, унинг бошқа бир шакли нутқ пайтида бажарилаётib, ундан кейин ҳам давом қиласидиган ҳаракатни билдиради: **бораётирман, бораман, борялман, бормоқдаман** каби.

193- §. Ҳар бир замон шакли маълум грамматик кўрсаткичга эга. Замон шаклини ясовчи вазифасида асосан сифатдош ва равишдош шакллари хизмат қиласиди.

Феълнинг замон шакллари тузилиш жиҳатидан икки турга бўлинади:

а) синтетик шакл. Бунда замон шакл ясовчи аффикс билан ифодаланади: ёз-ди-м, ёз-а-ман, ёз-ган-ман каби;
б) аналитик шакл. Бунда замон феълнинг турлича функционал шакллари билан тўлиқсиз феълнинг биринши орқали ифодаланади: ёзган эдим, ёзган экансан, ёзаб эдинг, ёзар эдинг, ёзаётган эди каби.

Феълнинг ўтган замон шакллари

194- §. Феълнинг ўтган замон шакллари нутқ пайтидан илгари бажарилган ҳаракатни билдиради. Ҳозирги ва келаси замонга қараганда ўтган замон феъллари ўз шаклларининг кўплиги ва жуда хилма-хил маъно оттенкаларини ифодалаши билан ажralиб туради. Ўтган замон шакллари синтетик ва аналитик усуллар билан ясалиши жиҳатидан ҳам, бу шаклларда ўтмишдаги ҳаракатнинг ҳамда нутқ онидан олдинги пайтнинг турли баҳоланиши томонидан ҳам фарқланиб туради.

Ўтган замон феъллари қуйидаги турларга бўлинади:
1) аниқ ўтган замон шакли; 2) узоқ ўтган замон шакли; 3) ўтган замон ҳикоя шакли; 4) ўтган замон давом шакли; 5) ўтган замон эшитилганлик шакли.

195- §. Аниқ ўтган замон шакли. Бу шакл феъл асосига -ди замон ясовчисини ва тегишли шахс-сон аффиксии қўшиш билан ҳосил қилинади:

Бирлик	Кўплик
I ш. кел-ди-м	кел-ди-к
II ш. кел-ди-нг	кел-ди-нгиз
III ш. кел-ди	кел-ди-лар

Бу шакл маъно томонидан ўтмишда аниқ бажарилган ҳаракатни кўрсатиб, сўзловчи уни ўзи кўргандек, ўзи шу ҳаракатнинг гувоҳи сифатида хабар беради: *Езувчилар билан учрашув жуда дўстона ва самимий шароитда ўтди.* (F. F.) Сайрамов ўзга кексалар билан ҳам қадрданларча кўришиди. Уй ичи, бола-чақаларнинг аҳволини сўради, ҳазиллашиди. (O.)

Бу шакл асосан бир вақтда бажарилган, такрорланмаган, давомли бўлмаган ҳаракатни ифодалашга хизмат қиласди. Бу шакл қўлланган контекстда баъзан ҳаракатнинг пайтини кўрсатувчи сўзлар ҳам келади: *Беш ийл урушида ҳалқни, аскарни колхоз ғалласи боқди... уруш палласида ҳар одам — хоҳ эркак, хоҳ аёл — ишга тиштириноғи билан ёпишиди.* (O.)

Ўтмишда бирин-кетин юз бериб, такрорланмаган ҳаракат, воқеа-ҳодисалар бу шакл орқали изчил тарзда ифодаланиши мумкин, воқеалар бир нуқтада турмай, тез-тез бири иккинчиси билан алмашиниб туради: *Аҳмаджон немиснинг ўттиз икки отар тўппончасига «ўзбекнинг бир қоқар болғаси» — мушти билан жавоб қайтарди, офицер ишқилди ва ётган ерида қўлини кўтарди. Бу орада жанг босилди. Аҳмаджон офицерни олиб кетди.* (A. K.)

Бу шакл ўтмишда реаллашмаган, нутқ пайтида сўзловчининг тушунчасида бўлган ҳаракатни, яъни келаси замон маъносини ифодалайди. Бу эса кўпинча воқеа-ҳодисаларни бир-бирига ўхшатиш, фикрни ифодали қилишда учрайди: *Юринг, бу ердан кетдик.* (Мирм.) (Реаллашмаган, фақат исталган ҳаракат). *Қор ёғди — дон ёғди.* (Реаллашмаган ҳодиса). *Сизни кўрдим, гўё отамни кўрдим.— Э-э. ... салом... мени олиб кетгани келдингизми? Раҳмат... Қани кетдик.* (A. K.)

196- §. Ўзок ўтган замон шакли: Бу шаклнинг турлари икки ўйл билан ҳосил қилинади:

1. -ган аффикси орқали ясалган сифатдошларга тегишли шахс-сон аффиксларини қўшиш билан ясалади:

Бирлик

I ш. кел-ган-ман
II ш. кел-ган-сан
III ш. кел-ган

Кўплиқ

кел-ган-миз
кел-ган-сиз
кел-ган-лар

Бу шакл ҳаракатнинг нутқ пайтидан анча илгари аниқ бажарилганилигини билдиради. Аниқ ўтган замон шаклида ҳаракатнинг бажарилиши жараёнига диққат қилинса, узоқ ўтган замон шаклининг бу турида ҳаракатнинг итижасига эътибор берилади. Бу шаклда ҳаракатнинг бажарувчиси ўзининг илгари бажарган ҳаракати билан тасвиранади. Шунинг учун у тасвирий ҳарактердаги нутқда кўпроқ учрайди. Масалан: *Мирҳайдар отанинг фойдасини кўп кўрганмиз.* (О.) *Иигитқизларнинг қўшиғи, машиналарнинг садоси ҳамма ёки тўлдирган.* («С. Ўзб.»)

Сўзловчининг кўз олдида юз бермагаи, ҳар хил фактлар асосида ёки турли маибалар воситасида аниқланган воқеа-ҳодисалар кўпинча шу шакл билан ифодаланади. Бу ҳолда сўзловчи ўзи хабар берастгай ҳодисаларнинг бевосита гувоҳи бўлмайди: *Сиз яхши пазандасиз, таърифингизни эшигтанман.* (О.) *Меҳнат тақдирлаган бобонинг умрин.* (А. Мух.)

Бу шакл баъзан умуман ўтмишда бажарилгаи, ҳозир ҳам узлуксиз давом қилиб турган ҳаракатни билдиради: *Пахтачилкада халқимиз ўз үқувини, тажрибасини, усталигини бутун дунёга кўрсатган.* (О.) *Феъли кенг, саҳоватли, меҳмондуст халқимизнинг донги оламга кетган.* (М. Исм.)

Бу феълинииг учинчи шахси баъзан **-дир** аффиксини олиб келади. Бу вақтда икки хил маъно ифодаланади:

а) ҳаракатнинг нутқ пайтидан анча илгари бажарилганилиги таъкидланади, сўзловчининг қатъий ишончи ифодаланади: *Киндик қони шунда тўкилгандир;* бизнинг суюгимиз қотган шу ерда. (Ҳ. О.)

б) Гумон, ноаниқлик маъноси ифодаланади. Бу вақтда гумон билдирувчи эҳтимол, балки каби сўз ҳам келиши мумкин: *Балки у ерларда кўп дилбар Манзаралар жилва қилгандир.* Овламоқчи бўллиб кўнглини, балки қушлар қанот қоққандир... (У.) *Сизнинг фикрингизни, эҳтимол, ходимларингиз сўзсиз тушунишга ўрганиб қолгандир,* лекин мен тушунмадим. (В. Ажабев.)

Эски ўзбек тилида, баъзан ҳозирги бадиий асарларда бу шакли билан параллел равишда **-миш** аффиксли си-

фатдошдан ясалган феъл шакли ҳам ишлатилади: *Қүёш ва юлдүздан яралған олам Зеңнім, хаёлимни этмишидир мағтун.* (Х. О.)

2. -ған шаклидаги сифатдош ва тұлиқсиз феълдан тузилған аналитик шаклни шахс-сон аффикси билан туслаш орқали ҳосил қилинади. Бунда тусловчи тұлиқсиз феълнинг шаклига қараб құшилади:

Бирлик	Күплик
I ш. кел-ған әди-м	кел-ған ә-ди-к
II ш. кел-ған әди-нг	кел-ған әди-нгиз
III ш. кел-ған әди	кел-ған әди-лар
I ш. кел-ған әкан-ман	кел-ған әкан-миз
II ш. кел-ған әкан-сан	кел-ған әкан-сиз
III ш. кел-ған әкан	кел-ған әкан-лар

Бу форма нутқ пайтига нисбатан анча илгари бажарылған ҳаракатни билдиради. Ҳаракат бажарылған пайт билан нутқ пайти чегарадош бўлмайди, бу иккала пайт ўртасида иккинчи бир ҳаракат бажарылған бўлиши ҳам мумкин (бу ҳол қўшма гапларда учрайди). Тогадан, ўртоқларидан яширин бир-икки марта у билан кинога ҳам борган әдим. Ўша вақтларда яхшигина рўзгор тузиб, қўр-қут ортирган әканмиз, барни халқнинг корига яради (О.).

Узоқ ўтган замон феълининг бу тури, одатда, ҳаракатнинг аниқ ўтган замон феъли англатган пайтдан анча илгари бажарылғанлигини билдиради. Шу феъл шаклларини чоғиштиргандан бу хусусият яна ойдинлашади: *Сизни севған әдим, қалбдаги олов Сўниб битмагандир, ҳали, эҳтимол,* (Х. О.) Эзгу ният билан эккан әкансан, *Муқаддас кунларда кўтарди бошин.* (А. Мух.)

Бу форма тұлиқсиз феълнинг қайси кўриниши билан келишига қараб хилма-хил маъноларни билдиради. Тұлиқсиз феъл сифатида әди қатнашса, ўтмишда ҳаракатнинг аниқ бўлғанлиги қайд қилинади: *Собирнинг Анорга кўнгил қўйғани звено қиэларига маълум бўлган әди.* (Х. О.) Халқ қурилишларида ўн мингларча халқнинг баланд руҳини, фидокорлигини... *Сайрамов кўп марта кўрган әди.* (О.)

Тұлиқсиз феъл сифатида әкан қатнашса, ҳаракатнинг ўтмишда воқе бўлғанлиги сўзловчига кейинчалик маълум бўлгани ифодаланади, сўзловчининг диққати нутқ пайтида мавжуд бўлган ҳаракатнинг натижасига қаратиласади: *Унинг ... оқ оралаган соchlари энді тамом оқар-*

ганини Үктам түй суронида яхши пайқамаган экан. Құллар мильтиқ ва автомат тутишга ... роса ўрганиб қолган экан. (О.) Ҳүринисо опа ўқиган, күп вактлар түппа-түзүк ўқитувчилик ҳам қилған эканлар. (А. К.)

Тұлиқсиз феъл сифатида әмисш келса, әшитилғанлик маңындылықтың үтмишда бўлған-бўлмаганлиги ноаниқ, гумон эканлиги ифодаланади: Уканг аэропландан ўзини ташлайдиган бўлған әмисш (О.) Бурун замон бир тул кампир бўлған әмисш. Қалби буткул ғазаб билан тўлған әмисш. (А. Мух.)

197- §. Ўтган замон ҳикоя шакли. Ўтган замоннинг бу тури **-б(-иб)** аффикси орқали ясалган равишдош ва тўлиқсиз феълдан тузилган аналитик шаклни туслаш билан ҳосил қилинади:

Бирлик

- I ш. кел-иб эди-м
II. ш. кел-иб эди-нг
III ш. кел-иб эди

Кўплик

- кел-иб эди-к
кел-иб эди-нгиз
кел-иб эди-лар

Бу шакллар нутқ пайтидан анча илгари бажарилған ҳаракатни ҳикоя қилиш йўли билан билдиради. Шогирдимни Бешсеркага юбориб эдим. (А. К.) Биласизми, Комила ва Зайнаб опалар келиб эди. (О.) Қўзим изингга, қулогум товушингга зор бўлиб ўтириб эдим, хайрият, келиб қолдинг. (О.)

Ўтган замон ҳикоя феъли билан узоқ ўтган замон феъли параллел ҳолда ишлатилиши мумкин: келиб эдим, келиб эдинг; келган эдинг, келган эдим каби. Бунда тўлиқсиз феълнинг фақат эди шакли қатнашади, тўлиқсиз феълнинг бошқа шакллари билан келмайди.

198- §. Ўтган замон давом шакли. Шу шакл **-р(-ар)** шаклларидағи сифатдош ва тўлиқсиз феълдан тузилган аналитик шаклни туслаш билан ҳосил қилинади. Бунда ҳам тусловчи аффикслар, одатда, тўлиқсиз феъл шаклига қараб қўшилади:

Бирлик

- I ш. кел-ар эди-м
(экан-ман)
II ш. кел-ар эди-нг
(экан-сан)
III ш. кел-ар эди (экан)

- I ш. ўқи-р эди-м (экан-ман)
II ш. ўқи-р эди-нг (экан-сан)
III ш. ўқи-р эди (экан)

Кўплик

- I ш. кел-ар эди-к (экан-миз) ўқи-р эди-к (экан-миз)

II ш. кел-ар эди-нгиз ўқи-р эди-нгиз (экан-сиз)
(экан-сиз)

III ш. кел-ар эди-лар ўқи-р эди-лар (экан-лар)
(экан-лар)

Бу шакл нутқ пайтидан илгари маълум бир давр ичида давом қилиб турган ёки такрорланиб турган ҳаракатни билдиради. Бу шаклда диққат ҳаракатнинг натижасига эмас, балки ҳаракатнинг ўзига, бу ҳаракатнинг давомлилигига, ҳаракат тугалланмаганлигига жалб қилинади: *Клубимиз биносидан кўп колхозлар андаза олишига орзу қилар эди. (О.) Таёгини судраб, кўнгилсиз, Поди ҳайдаб қирга кетарди, Майса гиламларга етари-ди. (У.)*

Ўтган замон давом феъли қўйидаги маъно оттенка-ларини билдиради:

а) ўтмишда маълум бир вақт узлуксиз давом қилиб турган ҳаракатни билдиради: *Ўкташ кўпирган, ўкирган сувда бўйнигача ботиб, ҳансираш ишлар эди. Ҳовуз бўйида, салқинда ... катта ёғоч каравотда бир неча киши дам олиб ўтиришар эди. (О.) Арава ғижирлаб борар, гап мавзудан-мавзуга кўчар эди (А. К.);*

б) ўтмишда галма-гал такрорланиб турган ҳаракатни билдиради. Гапда кесим вазифасини бажарган бу феъллар уюшиб келганда тўлиқсиз феъл етакчи феълнинг ҳар бири билан келганидек, энг охиригисигагина бирикиб келиши ҳам мумкин: *Қаддини бир зум ростлаб, узун, кўркам сочларини орқага ташлар эди, ... чиройли боғчанинг атрофидаги дарахтларда ... сайрашган қушларни бирпас тингларди-да, яна ишга берилар эди. (О.) Дарёлардан куйлаб ўтардим, Эртакларга қулоқ тутардим. Ҳаммасини тинглардим, аммо ўхшашини топмасдим асло. (Х. О.)*

Ўтган замон давом феъли шакли тўлиқсиз феълнинг қайси кўриниши билан тузилишига қараб турлича модал маъноларни ифодалайди. Тўлиқсиз феъл сифатида эди қатнашса, ҳаракатнинг нутқ пайтидан илгари аниқ бажарилганлиги англашилади. *Сайданинг қаршиисида истараси иссиқ, очиқ, хушичақчақ бир йигит ўтирап эди... Үнга қандай ва қайси тил билан миннатдорчилик билдиришини билмас эди. (А. К.)*

Тўлиқсиз феъл сифатида экан қатнашса, ўтган замонда бўлиб ўтган воқеа-ҳодисанинг, ҳаракатнинг сўзловчига кейинчалик маълум бўлганлиги англашилади: *Мен*

у вақтларда юрагимдаги ғазаб үтни қаерга сочишини билмас эканман. (А. Қ.) Тұлиқсиз феълнинг эмиш шакли қатнашса, ҳаракатнинг үтмишда бўлган-бўлмаганиги ноаниқ, гумон экани ифодаланади: *Битта ўзингиз үттиз иккита машинага қарар эмишсиз.* (А. Қ.).

Үтган замон давом феълининг ... р экан, ... р эмиш шакллари келаси замон маъносини англатиш учун ҳам қўлланади. Бунда ҳам гумон, ноаниқлик маънолари ифодаланади: *У Москвага ўқишига борар экан.* Эрта-индин қор ёғармиси, қаттиқ совуқ бўлармиши. (У.)

199-§. Үтган замон эшитилганлик шакли. Бу шакл **-б (-иб)** аффикси билан ясалган равишдошларга тегишли шахс-сон аффиксларини қўшиш билан тузилади:

Б и р л и к	К ў п л и к
I ш. <i>кел-иб-ман, ўқи-б-</i> <i>ман</i>	<i>кел-иб-миз, ўқи-б-миз</i>
II ш. <i>кел-иб-сан, ўқи-б-</i> <i>сан</i>	<i>кел-иб-сиз, ўқи-б-сиз</i>
III ш. <i>кел-иб-ди, ўқи-б-ди</i>	<i>кел-иб-ди-лар, ўқи-б-ди-</i> <i>лар</i>

Үтган замон эшитилганлик феъли сўзловчининг кўз олдида юз берган ҳаракатни эмас, балки үтмишда бажарилиб, бошқалардан эшитилган ёки бошқа манбалар воситасида маълум бўлган ҳаракатни ифодалайди, Масалан: «*Буни омад дейдилар, ҳам иш ундирибсан, ҳам томоша қилибсан*»,— деди *Мирҳайдар.* Бултур кузда тўй-томуша билан ўғлингни уйлантирибсан, келин кўрибсан. (О.)

Бу шакл айрим ҳолларда үтмишда бажарилган аниқ ҳаракатни англашиби жиҳатидан үтган замон аниқ феълига яқин туради. Бу вақтда нутқ пайтида мавжуд бўлган ҳаракат натижасига қараб ҳукм чиқарилади. Сўзловчи ҳаракат жараёнининг эмас, ҳаракат натижасининг гувоҳи сифатида хабар беради. *Шоҳи кўйлак вағижим рўмол юборибди унга пойтакт.* (Х. О.) *Ҳар бир ишимиздан эртанинг шабадаси келиб турибди.* (О.)

Үтган замон эшитилганлик феълининг биринчи шахс бирлик ва кўплиги ҳаракат бажарувчининг ихтиёридан ташқари, унинг иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолда юз берганини билдиради: *Далада пошнасиз, кенг этикка ўрганиб қолибман.* Сизни қариндошим, яқиним деган эдим, хато қолибман. (О.)

-моқда ва тұлиқсиз феъл шаклидан ҳамда -ётган сифатдош шакли ва тұлиқсиз феъл шаклидан тузилған аналитик шакллар ҳам үтган замон маңносини билдиради. Бу шакллар нутқ пайтидан илгари бажарилиб, иккінчи бир ҳаракат юз берган пайтда ҳам давом қилиб турған ҳаракатни ифодалайды. Сүзловчи үтмишдаги ҳаракат ҳақида үзи күргандек хабар беради: *Мұаттар борғанда Айвар узун шланг билан машина юваётган экан.* (А. К.)—... ёш бир қизнинг олдида бу гаплар уни хижолатга құймоқда әди. (А. К.)

Феълнинг ҳозирги замон шакллари

200- §. Феълнинг ҳозирги замон шакли ҳаракатнинг нутқ сүзланиб турған пайтда бажарилаётганини билдиради. Бу феълларда ҳаракатнинг бажарилиши билан нутқ сүзланиши бир вақтда бўлади. Бу — унинг асосий хусусияти. Аммо ҳозирги замон шаклининг маңноси нутқ бошланиши ва тамом бўлиши билан чекланмайди, балки бошқа замон чегарасига ҳам үтади. Жумладан, ҳозирги-келаси замон шакли, ҳозирги замон маңносидан ташқари, ҳаракатнинг нутқ пайтидан анча илгари бошланиб, нутқ сүзланиб бўлгандан кейин ҳам бир оз давом қилишини англатади, яъни уч замон доирасидаги ҳаракатни билдиради. Ҳозирги замон шакли, умуман, бир замон билан чегараланмайдиган, нутқ пайтидан олдин ҳам, кейин ҳам бўлиб турадиган ҳаракатни ифодалайди.

Ўз хусусиятига қараб феълнинг ҳозирги замон шакллари иккига бўлинади: а) аниқ ҳозирги замон шакллари; б) ҳозирги-келаси замон шакллари.

201- §. Аниқ ҳозирги замон шакллари. Булар тўрт йўл билан ясалади:

1. -*a*, -*й* аффикслари билан ясалган равишдошларга -ётир шакли ва тегишли шахс-сон аффиксини қўшиш билан ясалади (-*й* аффикси билан -ётир аффикси бошидаги *й* товушлари сингишиб кетади ва ёзувда бир товуш сифатида акс эттирилади):

Бирлик

- | | |
|--------|---|
| I ш. | <i>кел-а-ётир-ман,</i>
<i>ўқи-й-ётир-ман</i> |
| II ш. | <i>кел-а-ётир-сан,</i>
<i>ўқи-й-ётир-сан</i> |
| III ш. | <i>кел-а-ётир, ўқи-й-</i>
<i>ётир каби.</i> |

Кўплик

- | |
|--|
| <i>кел-а-ётир-миз, ўқи-й-</i>
<i>ётир-миз</i> |
| <i>кел-а-ётир-сиз, ўқи-й-</i>
<i>ётир-сиз</i> |
| <i>кел-а-ётир-лар, ўқи-й-</i>
<i>ётир-лар</i> |

Аниқ ҳозирги замоннинг бу шакли ҳаракатнинг нутқ пайтида бажарилаётганлигини билдириш билан бирга, унинг нутқ сўзланишидан олдинроқ бошланиб, нутқ пайтидан кейин ҳам озми-кўпми давом қилишини англатади. *Кўм-кўк водийларда пўлат излардан Кечётур қора поезд учиб, қарсиллаб* (Х. О.)

Равишдошга -ётиб аффиксини ва шахс-сон аффикси ни қўшиш билан ҳам аниқ ҳозирги замон маъносига ифодаланади:

Бирлик	Кўплик
I ш. ёз-а-ётиб-ман	ёз-а-ётиб-миз
II ш. ёз-а-ётиб-сан	ёз-а-ётиб-сиз
III ш. ёз-а-ётиб-ди	ёз-а-ётиб-ди(лар)

Бу шакл ҳозирги замон давом маъносини ҳам ифодалайди: *Саида дафтарига бир нима ёзаётубди, ёзган нарсаси қизиқ бўлса керак, дамда-дам илжайиб қўяётубди.* (А. Қ.) *Вагонларни тўлдириб жўнаётган одамлар орасида Розия гоҳ кўриниб, гоҳ кўринмай бораётубди.* (П. Қод.)

2. -а, -й аффикси билан ясалган равишдошга -яп аффиксини ҳамда тегишли шахс-сон аффиксини қўшиш билан ясалади (бунда ҳам й+й=й бўлади):

Бирлик	Кўплик
I ш. кел-а-яп-ман — кел-кел-а-яп-миз — келяпмиз япман	
II ш. кел-а-яп-сан — кел-кел-а-яп-сиз — келяпсиз япсан	
III ш. кел-а-яп-ти — кел- кел-а-яп-тилар — келяпти-япти	лар
I ш. ўқи-й-яп-ман — ўқияпман	ўқи-й-яп-миз — ўқияпмиз
II ш. ўқи-й-яп-сан — ўқияпсан	ўқи-й-яп-сиз — ўқияпсиз
III ш. ўқи-й-яп-ти — ўқияпти	ўқи-й-яп-ти — ўқияпти

Бораяпман, келяяпман шаклидаги феълларни адабиётларда равишдош ясовчи аффикссиз ёзиш учраяпти: *боряпти, келяпти, куляпсиз, кетяпмиз* каби.

Бу шакл нутқ пайтидаги ҳаракатни таъкидлаш, шу пайтда бўлаётган ҳаракатни билдиришга хизмат қиласди: «*Саксон* отанинг қўзлари алланечук пириллаб кет-

*япти. (О.) Манзурахон балерина бўлгани ўқияпти.
(А. К.)*

Бу шакл ҳаракатнинг нутқ пайтидан кейин давом қилишини ҳам билдиради: *Инженерлар мукаммал терим машинаси яратиш учун қаттиқ ишлайдапти. «Мана, ёз ҳам ўтятпти», — деди Сайрамов. (О.)*

3. Феъл асосига -моқда ва тегишли шахс-сон аффиксини қўшиш билан ясалади.

Бирлик

- I ш. *кел-моқда-ман*
II ш. *кел-моқда-сан*
III ш. *кел-моқда*

Кўплик

- кел-моқда-миз*
кел-моқда-сиз
кел-моқда(лар)

Бу шакл нутқ пайтида бажарилаётаб, ундан кейин ҳам бирмунча давом қиладиган ҳаракатни билдиради. Бунда ҳам ҳаракатнинг бошланиши нутқ пайтидан олдин бўлади.

4. *Юрмоқ, ўтирмоқ, турмоқ, ётмоқ* ёрдамчи феълларидан бирини -(и)б равишдоши шаклида туслаб ва мустақил феълнинг -(и)б равишдош шакли билан қўшиб ишлатиш ҳам ҳозирги замон маъносини ифодалайди. Бунда ҳам ҳаракатнинг нутқ пайтида, ундан илгари ё кейин давом қилиб турганлиги маъноси ифодаланади: *Ҳар бир ишимиздан эртанинг шабадаси келиб турибди. (О.) Дераза ёнидаги катта тувакда самбит гули кўмкўй бўлиб яшнаб турибди. (С. З.)*

Юқоридаги тўрт феъл -(и)б равишдош шаклида тусланиб, ҳозирги замон маъносини ифодалаши буларнинг мустақил феъл ҳолатидаёқ мавжуд: *юрибман, ўтирибман, турибман, ётибман* каби.

202- §. Ҳозирги-келаси замон шакли. Бу шакл -а, -й аффикслари билан ясалган равишдошларга тегишли шахс-сон аффиксини қўшиш билан ҳосил бўлади:

Бирлик

- I ш. *кел-а-ман, ўқи-й-*
ман
II ш. *кел-а-сан, ўқи-й-*
сан
III ш. *кел-а-ди, ўқи-й-ди*

Кўплик

- кел-а-миз, ўқи-й-миз*
кел-а-сиз, ўқи-й-сиз
кел-а-дилар, ўқи-й-дилар

Ҳозирги-келаси замон шакли бир неча маънода қўлланади:

1. Нутқ пайтида бажарилаётган ва нутқ пайтидан кейин ҳам давом қилинадиган ҳаракатни билдиради.

Дарахтларнинг қубба-қубба меваларига... қизиқиб қарайди, ҳаяжонли хурсанд кишиларга тикилади, танишибилишларни бирма-бир суринтиради. Ўқтамнинг елкасини саратон қиздиради. Томоги қақрайди. Ўқтин-ўқтин пишириб бош силкиб йўрғалаган от кўпикка беланади. (О.)

2. Нутқ пайтидан кейин бажариладиган ҳаракатни — келаси замонни билдиради: У келади албат қошимга, Элга шодлик олиб келади. (Ҳ. О.) — Дам олинглар, эртага кечқурун қирга, бүфдой ўроғига борасизлар. (О.)

3. Замонда умумийлик маъносини билдиради: Бир парча ўт бўлиб бунда кун Пахтасига ишлайди ҳар кун (Ҳ. О.) Самимий айтилган сўз содда бўлади. Чунки дилнинг ҳукмронлиги тилдан устун бўлади.

4. Нутқ пайтидан илгари бажарилган ҳаракатни — ўтган замонни билдиради. Бу вақтда ўтмишдаги воқеалар ҳозир рўй берадигандек ҳикоя қилинади: Пахта терими бошлианди: юракларда меҳнат шавқи қайнайди, пахтазор узра қий-чув, кулги, қўшиқ янграйди. (О.)

Феълнинг келаси замон шакллари

203- §. Феълнинг келаси замон шакллари нутқ пайтидан кейин бажариладиган ҳаракатни билдиради.

Келаси замон шакллари кўпинча ҳозирги замон шакллари билан боғланган бўлади. Чунки ҳозирги замон феъл шакллари орқали ифодаланган ҳаракат асосан нутқ пайтида тугалланиб қолмай, ундан кейин, яъни келаси замонда давом қилиши мумкин бўлган ҳаракатни билдиради.

Келаси замон шакллари тўртга бўлинади: а) аниқ келаси замон шакли; б) келаси замон мақсад шакли; в) келаси замон гумон шакли; г) келаси замон лозим шакли.

204- §. Аниқ келаси замон шакли. Келаси замоннинг бу шакли феъл негизига *-ажак* (-яжак) аффиксини ҳамда тегишли шахс-сон аффиксини қўшиш билан ҳосил қилинади:

Бирлик

Кўплик

I ш. *кел-ажак-ман,*
ўқи-яжак-ман

кел-ажак-миз, ўқи-яжак-
миз

II ш. кел-ажак-сан, үқи-яжак-сан	кел-ажак-сиз, үқи-яжак- сиз
III ш. кел-ажак, үқи-яжак	кел-ажак-лар, үқи-яжак- лар

Бу шакл ҳаракатнинг нутқ пайтидан кейин аниқ бажарилишини билдиради. Ҳаракат ҳозирги замон билан боғлиқ бўлмай, нутқ пайтидан сўнг амалга ошади: *Ботирлар халқнинг хотирасида ҳамиша яшаяжаклар.* (О.) *Барча халқ ҳам ўз она юрт боғида дилшод Хирмон-хирмон кўтаражак умид донасин.* (F. F.)

Аниқ келаси замон феъли ҳаракатнинг бажарилиш пайти нуқтаи назаридан қўйидаги оттенкаларни билдиради: а) замонда давомлиликни, яъни нутқ пайтидан кейин бажариладиган ҳаракатнинг бирмунча давом қилганлигини билдиради: *Кураш давом этмоқда ва давом этажак* (O.); б) қатъийлик маъносини, яъни ҳаракатнинг нутқ пайтидан кейин қатъий бажарилишини таъкидлайди: «*Уруш бўлмаяжак*», — деркан оналар. *Бу овоз кўрсатар ҳаётий кучин.* (З.)

2. Феъл асосига *-гу* (-fy, -ky, -ky) ва тегишли шахсон аффиксларини қўшиш билан ясалади; нутқ пайтидан кейин бажариладиган ҳаракатни таъкидлаш учун *-дир* аффикси ҳам қўшилади.

Б и р л и к	К ў п л и к
I ш. кел-гу-м(дир)	кел-гу-миз
II ш. кел-гу-нг(дир)	кел-гу-нгиз
III ш. кел-гу-си(дир)	кел-гу-си

Бу шакл кўпроқ эски ўзбек тилида ишлатилган. Шунинг учун тарихий келаси замон шакли ҳам дейилади. Ҳозирги адабий тилда эса оз учрайди: *Бўйлари барваста, қошлари қундуз, Нима қилсам сени айлагумдир шод.* (У.)

Феъл асосига *-гай* ва тегишли шахс аффиксларини қўшиш орқали ясалган шакл ҳам нутқ пайтидан кейин аниқ бажариладиган ҳаракатни билдиради. Бунда қатъийлик, ишонч, орзу маънолари таъкидланади. Бу ҳам тарихий шаклга айланаётир: *Бир халқнинг азиз умрин, авлодин, истиқболин Ҳечга чиқаролмагай ҳеч-қандай қонли шамшир.* (F. F.) *Қонга тўлгай, жангга ботир кирса, сўлу-соғлар.* (Х. О.)

205- §. Келаси замон мақсад феъли. Бу шакл феъл негизига -моқчи ва тегишли шахс-сон аффиксини қўшиш билан ясалади:

Бирлик	Кўплик
I ш. кел-моқ-чи-ман	кел-моқчи-миз
II ш. кел-моқчи-сан	кел-моқчи-сиз
III ш. кел-моқчи	кел-моқчи(лар)

Бу шакл ҳаракатни нутқ пайтидан кейин бажариш мақсад қилиб қўйилганини билдиради: *Мен куздан бошлиб ўқишни давом эттироқчиман. Биз отам билан дарё бўйига бормоқчимиз.*

-моқчи шакли билан эди тўлиқсиз феълининг бирикиши орқали ясалган шакли ҳам келаси замон мақсад маъносини билдиради: *У саданинг тагига ўтирди, бир чойнак чой чақириб, Сайдани сўрамоқчи эди. Звено қизлари ишдан кейин Тансиқни кўриб ўтмоқчи эдилар, ўзи келиб қолди.* (O.)

206- §. Келаси замон гумон феъли. Бу шакл -р, -ар аффикси билан ясалган сифатдошга тегишли шахс-сон аффиксини қўшиш билан ҳосил бўлади:

Бўлишили шакл

Бирлик	Кўплик
I ш. ўқи-р-ман, кел-ар-ман	ўқи-р-миз, кел-ар-миз
II ш. ўқи-р-сан, кел-ар-сан	ўқи-р-сиз, кел-ар-сиз
III ш. ўқи-р, кел-ар	ўқи-р-(лар), кел-ар-(лар)

Бўлишисиз шакл

Бирлик	Кўплик
I ш. кел-ма-с-ман	кел-ма-с-миз
II ш. кел-ма-с-сан	кел-ма-с-сиз
III ш. кел-ма-с	кел-ма-с(лар)

Бу шаклнинг асосий хусусияти ҳаракатнинг бажарилиши ҳақида гумон, тахмин билдиришдан иборат: *Минг мاشаққат билан тўплаган қофозларингизни сақлаб қолай, эсдалик бўлиб қолар.* (B. Ажаев.) Мана энди у намунали ферма тузиш тилагига ҳам эришар. (O.)

Баъзан бу шакл замон билан чегараланмаган, доим бўлиб турадиган ҳаракатни англатади: *Қорли тоғлар турар бошида, Гул водийлар яшнар қошида.* (Ҳ. О.) *Дарё сувин баҳор тоширас, Одам қадрин меҳнат оширас.* (Мақол.)

Эски ўзбек тилида, баъзан ҳозирги бадиий адабиётда ҳам -ар аффикси -ур тарзида қўлланади: *Уйимизни ёритур ҳар кимнинг ўз меҳнати.* (F. F.) *Қиз деган кўнгилнинг қонидан бўлур, Бўй етиб, бошқа ўй эгаси — бека.* (F. F.).

207- §. Келаси замон лозим феъли. Келаси замон лозим феъли -а, -й аффикслари билан ясалган равишидошга сифатдош ясовчи -диган аффиксини ва тегишли шахс-сон аффиксларини қўшиш билан ҳосил қилинади, ҳаракатни бажарувчи ҳолатида бўлишни, шундай ҳаракатни бажариши лозимлигини билдиради:

Б и р л и к

I ш. кел-а-диган-ман	кел-а-диган-миз
II ш. кел-а-диган-сан	кел-а-диган-сиз
III ш. кел-а-диган	кел-а-диган
I ш. ишила-й-диган-ман	ишила-й-диган-миз
II ш. ишила-й-диган-сан	ишила-й-диган-сиз
III ш. ишила-й-диган	ишила-й-диган

К ў п ли к

Келаси замон феълининг бу шакли нутқ пайтидан кейин бажариладиган ҳаракатни бажарувчининг белгиси сифатида қўрсатади, шунинг учун замон билан чегараланмаганлик, умумзамон маъноси англашилади: *Марғуба ўйни кўрсатиб қўядиган, Анвар эртага тушдан кейин кўчиб келадиган бўлди.* (А. Қ.) *Кампир пулни кўпроқ кузда топадиган бўлиб қолган.*

Келаси замон лозим феъли, бундан ташқари, келаси замонни, нутқ пайтидан кейин бажариладиган ҳаракатни ҳам билдиради. Бу вақтда бажарувчи шахснинг мақсади, ҳаракатни бажаришдаги нияти каби модал оттенкалар ифодаланади: «*Озгина ойлик тарқатадиганман*», — гапга аралашиб аёл. (Ў. Ў.) Бир ҳафтадан кейин отпускага чиқадиганман.

208- §. Юқорида кўрсатилганлардан ташқари, нутқ пайтидан кейин бажариладиган ҳаракатни, келаси замон маъносини турли бирикмалар орқали, жумладан, ҳаракат номи билан модал сўзлардан ташкил топган бирикмалар орқали ифодалаш ҳам мумкин. Мумкин, керак, лозим, зарур, шарт каби модал сўзлар ҳаракат

номи билан бирикиб, келгусида аниқ бажариладиган ёки бажарилиши шарт, зарур бўлган ҳаракатни билдиради. Ҳаракат номи *зарур*, шарт модал сўзлари билан бирикканда, қатъийлик, зарурият каби маъно оттенкалари ифодаланади: *Асарларимиз ҳаётимиз томонидан адабиётга қўйилаётган талабларга мос ҳолда бориши зарур.* (Я.) Ҳаракат номи *мумкин*, керак, лозим каби модал сўзлар билан бирикканда эса имконият, мумкинлик, маслаҳат, илтимос каби оттенкалар ифодаланади: ... *Бу гапни мавриди билан айтиб, Носировни хабардор қилиб қўйиш лозим.* (А. Қ.) Бутун кучни, гайратни, бутун имкониятни ишга солмоқ керак. (О.) Бу бирикмаларда бўлишсизлик -маслик шакли ва эмас ёрдамчиси орқали берилади: *Халқ маблағларини тежаб-тергайдиган ходимлар бу маблағларни исроф қилишлари мумкин эмас. Биз бу масалада ҳаётдан, замондан йўл қўйиб бўлмас даражада орқада қолмаслигимиз шарт.* (Я.)

ШАХС-СОН ҚАТЕГОРИЯСИ

209- §. Шахс-сон категорияси феъл англатган ҳаракат-ҳолатнинг бажарувчига бўлган муносабатини ифодалайди. Ҳаракатнинг бажарувчиси сўзловчи, тингловчи ва нутқ жараёнида қатнашмаган ўзга шахс бўлиши мумкин. Шахс маънолари маҳсус аффикслар орқали ифодаланади, бунда айни бир аффикс бажарувчининг сонини ҳам англатади. Шунинг учун бундай аффикс *шахс-сон аффикси* дейилади. Феълнинг шахс-сонда ўзгариши тусланиш дейилади. Шунинг учун шахс-сон аффикслари тусловчилар деб ҳам юритилади: I шахс бирлик — *бораман*, II шахс бирлик — *борасан*, III шахс бирлик — *боради*; I шахс кўплик — *борамиз*, II шахс кўплик — *борасиз*, III шахс кўплик — *боради(лар)*.

Бажарувчи шахс билан ҳаракат орасидаги муносабат *предикативлик* муносабатининг ифодаланиши ҳисобланади. Эга ва кесим муносабатини шахс-сон аффикси кўрсатади. Бу эса фақат феъл шаклларинингга эмас, шу билан бирга, бошқа сўз туркумларининг ҳам шахс-сон аффиксини олиб келишини таъминлайди: *Мен элимнинг юрагида яшайман, Эрк деганинг тилагида яшайман.* (Ҳ. О.) *Мен Мирзачўлга бориб, чўлни ўзлаштиришга ўз ҳиссамни қўйиши орзусидаман.* (Р. Ф.)

Биринчи шахс тусловчиси ҳаракатнинг бажарувчиси сўзловчининг ўзи эканлигини, унинг кўплиги эса сўз-

ловчи ҳам қатнашган шахсларни билдиради: *келдим* — *келдик*, ёзаман — ёзамиз, ўқиётирман — ўқитирмиз каби. Иккинчи шахс сўзловчининг нутқи қаратилган шахсни ёки шахсларни — суҳбатдошни билдиради: *келдинг* — *келдингиз*, ёзасан — ёзасиз, ўқиётирсан — ўқиётирсиз каби. Учинчи шахс тусловчиси эса умуман нутқда қатнашмаган, лёкин нутқ ўзи тўғрисида бўлган шахс ёки шахсларни билдиради: *келди* — *келдилар*, ёзади — *ёзадилар*; *Қуёш чиқди*, *Дараҳтлар гуллади*, *Баҳор келди* каби.

Феълнинг биринчи ва иккинчи шахс шакли фақат кишига нисбатан қўлланади (бадиий восита — жонлантириш бунга кирмайди). Шунинг учун феъллар биринчи ва иккинчи шахс шаклида келганда, гапнинг эгаси, одатда, шу шахсларни кўрсатувчи кишилик олмоши билан ифодаланади. Феълдаги шахс-сон аффикси тегишли шахсдаги эгани аниқ кўрсатгани сабабли бу шаклларда гапнинг эгаси яшириниши ҳам мумкин: *Журналист бўлсам*, *қўлимда блокнот, дала-тошини кезаман*, завод-фабрикаларга бораман, тоғларга чиқаман, ер остига тушаман, мактабларга, оиласларга, одамларнинг қалбига кираман. (А. Қ.) Дарёлардан куйлаб ўтардим, Эртакларга қулоқ тутардим. (Ҳ. О.)

Бадиий асаларда иккинчи шахснинг бирлик ва кўплиги жонлантириш йўли билан предметларга нисбатан ишлатилиши мумкин: *Украина еллари*, *юрагимга оламолам илҳом солдингиз*. (Ү.)

Феълнинг учинчи шахс шакли кишилар учун ҳам, умуман предметлар учун ҳам қўллангани туфайли гапда эганинг келиши шарт бўлиб қолади. У ўрнидан туриб Жўрақулов билан илиқ саломлашди. (Мирм.) Кизим бир кун мактабдан жуда қувонч билан келди. (Ғ. Ғ.)

210- §. Тусланишнинг қўйидаги уч системаси бор:

Биринчи тусланиш

Бирлик	Кўплик
I шахс -ман	-миз
II шахс -сан	-сиз
III шахс -ди ёки ноль	-ди(лар) ёки ноль(-лар)

Иккинчи тусланиш

Бирлик	Кўплик
I шахс -м	-к
II шахс -нг	-нгиз
III шахс -ноль	-ноль (-лар)

Учинчи тусланиш

Бирлик	Кўплик
I шахс -(а)й, -(а)йин	-(а)йлик
II шахс гин ёки ноль	-(и)нг, -(и)нг(из)лар
III шахс -син	-син(лар)

Тарихий жиҳатдан биринчи тусланиш энг қадимги бўлиб, иккинчи тусланиш шундан келиб чиққан.

Биринчи тусланиш аффикслари қуидаги феъл шакларини туслашга хизмат қилади:

а) феълнинг ҳозирги замон шаклларини туслашда қўлланади: *келаётир-ман*, *келаётир-сан*, *келаётир-миз*, *келаётир-сиз*, *келяпман*, *келяп-сан*, *келяп-миз*, *келяп-сиз*; *кела-ман*, *кела-сан*, *кела-миз*, *кела-сиз*;

б) сифатдош ва равишдошларга қўшилиб, ўтган замон, келаси замон гумон ҳамда келаси замон мақсад шаклларини туслаб келади: *борган-ман*, *борган-сан*, *борган-миз*, *борган-сиз*; *бориб-ман*, *бориб-сан*, *бориб-миз*, *бориб-ди*; *борар-ман*, *борар-сан*, *борар-миз*, *борар-сиз*; *бормоқчи-ман*, *бормоқчи-сан*, *бормоқчи-миз*, *бормоқчи-сиз*; *боражак-ман*, *боражак-сан*, *боражак-миз*, *боражак-сиз*;

в) экан, эмиш билан тузилган аналитик шаклларни ва кесим вазифасида келган бошқа туркум сўзларини туслаб келади: *борар экан-ман*, *борар экан-сан*, *борар экан-миз*, *борар экан-сиз*; *борган экан-ман*, *борган экан-сан*, *борган экан-миз*, *борган экан-сиз*; *студент-ман*, *студент-сан*, *студент-миз*, *студент-сиз*; *бахтили-ман*, *бахтили-сан*, *бахтили-миз*, *бахтили-сиз*.

Баъзи замон шаклларида учинчи шахс учун -ди аффикси қўлланади, кўп ҳолларда эса бу шахснинг махсус аффикси бўлмайди: *келибди*, *келаётир*, *келар*, *келмоқчи* каби.

Иккинчи тусланиш аффикслари қўйидаги ўринларда ишлатилади:

а) феълнинг аниқ ўтган замон шаклини туслаб келади: *борди-м*, *борди-ңг*, *борди-к*, *борди-ңгиз*, *борди-(лар)*;

б) тўлиқсиз феълли ўтган замон шаклларини туслаб келади: *борган эди-м*, *борган эди-ңг*, *борган эди*, *борган эди-к*, *борган эди-ңгиз*, *борган эди(лар)*; *борар эди-м*, *борар эди-ңг*, *борар эди-к*, *борар эди-ңгиз*, *борар эди*; *бориб эди-м*, *бориб эди-ңг*, *бориб эди-к*, *бориб эди-ңгиз*, *бориб эди(лар)*; *бораётган эди-м*, *бораётган эди-ңг*, *бормоқчи эди-м*, *бормоқда эди-ңг*;

в) шарт майли шаклларини туслаб келади: *борса-м*, *борса-ңг*, *борса*, *борса-к*, *борса-ңгиз*, *борса(лар)*.

Иккинчи тусланиш аффикслари шаклан эгалик аффиксларига ўхшайди: *олдим*, *олдинг*; *болам*, *боланг* каби. Лекин буларнинг бири феълга қўшилиб, бажарувчи шахсга муносабатни билдирса, иккинчиси отга қўшилиб, бирор нарсага қарашли, тегишли эканликни билдиради.

Учинчи тусланиш аффикслари буйруқ-истак майлидаги феълларни туслашга хизмат қилади: *борай*, *брайин*, *боргин*, *бор*, *борсин*, *брайлик*, *боринг*, *борингизлар*, *борсинлар* каби.

211-§. Феълнинг шахс-сон шакллари ўз маънолари-дагина қўлланиб қолмай, балки бири иккинчиси ўрнида, бошқа маъноларда ҳам қўллана олади. Масалан, биринчи шахснинг кўплик шакли, сўзловчининг бошқа шахслар билан биргаликдаги ҳаракатини билдиришдан ташқари, биринчи шахснинг бирлиги учун ҳам қўлланади. Бу вақтда сўзловчининг камтарлиги ёки мағурланиши маъноси ифодаланади: «Олдинги ютуқ билан қутлаймиз», — деди йигитга яқинлашиб қиз.— «Ёзиб, ўқиб бerasizmi?»— «Бир оз ёзамиз, чаласини оғзаки қўшамиз». (A. K.)

Иккинчи шахснинг кўплик шакли, бир неча шахсга мурожаат маъносини билдириш билан бирга, иккинчи шахснинг бирлиги учун қўлланиб, бирор шахсга нисбатан ҳурмат ёки пишиг маъносини ифодалайди. Масалан: *Кечирасиз*, *сизни биринчи кўришим*, *колхозга*

яқинда келдингизми? (О.) Илтимос, шу ишларнинг са-
марадорлигини мисоллар билан айтсангиз. (Ў. Усм.)

Айрим ҳолларда иккинчи шахснинг бирлик шакли
учинчи шахснинг бирлиги учун қўлланиши ҳам мумкин.
Бунда маълум стилистик мақсад кўзда тутилади: «*Бу
мамлакат бағрида қанча-қанча юрганинг билан, унинг
ҳусн-жамолига минг марта тикилганинг билан тўймай-
сан киши.*» («С. Ўзб.»)

Учинчи шахснинг кўплик шакли ҳам ҳурмат ёки ке-
сатиш маъносида шу шахснинг бирлиги учун қўллани-
ши мумкин: *Кунтуғмиш акам ҳар куни келиб турибди-
лар.* (Мирм.) «*У киши бугун йўқлар*». — *Қаерга кетган-
лар?* — *Айтмадилар. Эртага бўладилар.* (Ў. Усм.)

Учинчи шахснинг кўплик шакли иккинчи шахснинг
бирлиги учун қўлланиб, кўпинча ҳурмат, баъзан кеса-
тиш маъносини ифодалайди: *Қани, тўрга ўтсинлар.*
(А. Қод.) *Хўп, орзулари ушалди — ўқидилар, битирди-
лар, ишга ҳам кирдилар, ишлаб қанча ойлик оладилар?*
(А. Қ.)

ФЕЪЛЛАРДА ШАКЛ ЯСАЛИШИ

212- §. Феъл туркуми бир қанча нокатериоал шакл-
ларга эга бўлиб, улар ҳаракат ва ҳолатнинг турлича
белги-хусусиятларини билдиради, феълга хос грамма-
тик шаклларнинг бир группаси маълум вазифани бажа-
ришга мослашган бўлса, уларнинг иккинчи тури хилма-
хил модал маъноларни, ҳаракатнинг миқдорий белгиси,
унинг бажарилиш йўсимини кўреатишга хизмат қила-
ди. Шу хусусиятига кўра феъл шакллари икки турга
бўлинади:

1. Феълнинг функционал шакллари.
2. Феълнинг модал шакллари.

ФЕЪЛНИНГ ФУНКЦИОНАЛ ШАКЛЛАРИ

213- §. Феълнинг гапда маълум бир вазифани ба-
жаришга мослашган шакллари функционал шакллар
ҳисобланади. Феъллар уч хил функционал шаклга эга:
1) ҳаракат номи; 2) сифатдош; 3) равишдош. Булардан
ташқари, адабиётларда «соф феъл» номи билан ата-
лувчи яна битта, тўртинчи функционал шакл ҳам қайд
этилади. «Соф феъл»ни тушунишда бир хиллик йўқ.

Баъзи адабиётларда шахс кўрсатувчи феъл шакллари нинг барчаси шу ном остига бирлаштирилади. Айрим адабиётларда эса тўртинчи функционал шаклга юқоридаги уч шаклнинг ясовчилари қатнашмаган феъл шакллари (буйруқ-истак, шарт майлиниг шакллари, аниқ ўтган замон шакли) киритилади.

«Соф феъл»да тусловчи аффикслар функционал шакл олмаган асосга қўшилади: *Сочи ўсди, чўзилди бўйи, Пайдо бўлди кўзларда фусун.* (У.) Сафлар олдида бўл, мард бўл, ботир бўл. (F. F.) Бошқа функционал шаклларда эса сўз ўзгартувчи аффикслар шу функционал шакл аффиксидан кейин қўшилади: *Майдоннинг ўрнини тозалаш учун чангга ботиб роса ишлаганимиз.* (П. Қод.)

214- §. Ҳаракат номи. Ҳаракат номи феълнинг функционал шаклларидан бири бўлиб, ҳаракат ва ҳолатнинг номини билдиради, гапда отга хос вазифаларда келади. Ҳаракат номи феъл ва отга хос грамматик белгиларга эга, яъни бир томондан феъл каби: а) мазмунан ҳаракат билдиради; б) ўтимли-ўтимсизлик хусусиятини кўрсатишга эга; в) нисбат категориясига эга; г) бошқа феъл шакллари каби келишикларни бошқариб келади ва равишдошлар орқали аниqlанади: *Тинчликда яшамоқ чинакам ҳаёт.* (F. F.) *Машинага ўтириш олдидан дўстлар яна ҳаяжон билан кўришдилар.* (О.) Олимжон ҳовлидан циқиши билан қаттиқ изғиринга дуч келди.

Иккинчи томондан эса от каби: а) келишик ва эгалик аффиксини олиб турланади; б) гапда от бажарган вазифада — эга, тўлдирувчи, қаратувчи ва кесим вазифасида келади: *Ўқтам икки қўли билан илдам ва саралаб теришга тиришар эди.* (О.) Гапни ўйлаб гапир, катталарнинг насиҳатини сабр-тоқат билан тинглашга одатлан. (Мирм.)

Одатда, феъл ҳаракатни бажарувчи шахс билан боғлиқ ҳолда ифодалайди. Ҳаракат номи эса ҳаракатни шахс ва нарсага муносабати орқали эмас, балки жараён ҳолида унинг номини билдиради. Феъл асосидан ясалиб, мазмунан ҳаракат билдирган отлар билан (*йигин, ёнгин, ямоқ, йигим, терим, ўрим* каби) ҳаракат номи бир-биридан кескин фарқ қиласи. Мазмунан ҳаракат билдирган отда предметлик маъноси бўлади, улар ҳаракатни предмет сифатида билдиради: *Пахта терими бошлианди. Бу ерда ўрим-йигим ишлари суст бораётгани уни безовта қиласиди.* (О.) Ҳаракат номи эса асосан ҳаракат маъносига эга, ҳаракатнинг номини жараён ҳо-

лида билдиради, улар қисман замон оттенкасига ҳам эга: *Шу вақтда пахта териш* — олтин териш билан баравар эди (О.) Қирга чиқиши билан олдинда бошқа қир күрінди. (О. Е.)

215- §. Ҳаракат номи қүйидагича ясалади:

1. Феъл асосига -(и)ш аффиксiniң құшиш билан: *келиш, ёзиш, бориш, чиқиш, ишилаш* каби. Ҳозирги ўзбек тилида -(и)ш аффикси билан ясалған ҳаракат номи жуда күп ишлатилади. Қадимги ўзбек тилида эса анча кам құлланған. Масалан: *Кузда тонналаб олинадиган ҳосилни граммлаб-граммлаб ундириши палласи ҳозир.* (О.) *Қутидор меҳмонларни жүннатиб, ётиш учун ечинар экан, Офтобойим сўради...* (А. Қод.)

2. Феъл асосига -(у)в аффиксiniң құшиш билан: *борув, келув, чиқув, ишлов* каби. -(у)в билан ясалған ҳаракат номи ҳозирги ўзбек тилида жуда кам ишлатилади: *Нури ўз режасининг бундай қулай амалга ошувидан ҳадсиз севинди.* (О.) *Сайёра кече болалар билан бўлган учрашувини гапириб берди.* (О. Е.)

3. Феъл асосига -моқ аффиксiniң құшиш билан: *келмоқ, бормоқ, ишламоқ, айтмоқ, кулмоқ* каби. Бу ҳаракат номи бўлишсиз шаклга эга эмас: *Дамлар мазмунини қамраб олмоққа Дунёдай каттакон китоб керакдир.* (F. F.) -моқ аффикси билан ясалған ҳаракат номи эски ўзбек тилида актив құлланған. Ҳозирги ўзбек тилида эса нисбатан камроқ ишлатилади. -моқ аффикси қадимги ёдгорликларда ва эски ўзбек тилида -мак формасида ҳам ишлатилған. Бу шакл баъзан ҳозирги адабий асарларда ҳам учрайди: *Минг йил нари-бери ўтсан ақллар яшамак сирини билдирап, холос.* (F. F.)

216- §. -(и)ш, -(у)в аффикслари билан ясалған ҳаракат номлари отга жуда яқин туради. Шунинг учун булар орқали ясалған сўзларнинг баъзилари ҳам ҳаракат номига, ҳам отга тенг келади: *уйланыш* (уйланмоқ ва женитъба маъносида), *учрашув* (учрашмоқ ва встреча маъносида), *ёзув* (ёзмоқ ва письмо), *сайлов* (сайламоқ ва выборы маъносида) каби. -моқ аффикси билан ясалған ҳаракат номи эса кўпроқ феълга яқин туради. Шунга кўра у шартли равишда *феълнинг ноаниқ шакли, инфинитив деб ҳам юритилади.*

Ҳаракат номининг эгалик билан турланиши отлардан фарқ қиласи. Жумладан, ҳаракат номи эгалик аффиксiniң олганда, кўпинча ҳаракатнинг бажарувчиси билдиради: *Сайд кабинетдан чиқиши билан бу гап-*

ларни унугтди. (А. К.) Хизматдан қайтишида Шукур Каримович таклифи билан Умид унинг машинасига чиқди. (Мирм.)

Ҳаракат номи шаклидаги феъл гапда эга, тўлдирувчи, қаратувчи, кесим вазифасида келади: Эшикниңе кийкىсдан очилиши хотинларни чайчишиб юборди. (А. Қод.) У меҳрибон она билан ҳазиллашиши, унинг жигига тегишини яхши кўради. (О.) Ҳар бир ота-она ўз фарзандини жон-дили билан севади ва унинг жамиятга фойдали киши бўлиб етишувини истайди. («С. Ўзб.».)

217- §. Сифатдош. Сифатдош феълнинг функционал шаклларидан бири бўлиб, нарсанинг ҳаракат ва ҳолат белгисини кўрсатади, одатда, сифатловчи вазифасида келади.

Сифатдошнинг белгилари:

а) ҳаракат тушунчасини англатади: У доимо изланадиган, доимо ҳаракатда бўлган, парвозга чоғланган илғор кишиларимиздан бири. (И. Р.) Ҳаётда тутган нарсасини қўймайдиган нозик, аммо забардаст қўллар ҳам бўлади (С. З.);

б) нисбат, ўтимли-ўтимсизлик, бўлишли-бўлишсиэлик маъноларини ифодалайди: Тирқишидан қараб турган Ҳаёт ўзини четга олди. (М. Исм.) Сиз жуда ҳадиксирайдиган одам экансиз-ку! Кийинган бола (ўзлик), ўқмлган китоб (мажхул), чақирилмаган меҳмон каби;

в) бошқа сўзларни бошқариб келади: Анорхон ўз Ватанини чин юракдан севган, ўз ишига кўнгил қўйган қиз. (И. Р.);

г) шахс ва нарсанинг ҳаракат билан боғлиқ белгисини билдириб, гапда сифатловчи вазифасида келади, шаклан ўзгармайди: Дўстлик бўлмаган жойда ишнинг ривожи ҳам бўлмайди. (С. З.)

д) отлашиб кела олади. Бу вақтда от сўнгари келишик, эгалик аффиксларини қабул қиласида ва шунга мос вазифада келади: Мақтанганинг уйини, керилганнинг тўйини кўр. (Мақол.) Виждоним буюрганин Шу шеърда ёза олсан, Виждондек дуруст бўлур (F. F.);

е) шахс-сон аффикси билан тусланиб, феълнинг аниқлик майлига хос замон шаклларини ҳосил қиласида: Тоғни гоҳ-гоҳ мана шундай узоқдан томоша қиласман, яқиндан сира кўрмаганман. (О.) Нариги ёқдаги гўзал фавворалар қурилиши энди бошланган. (П. Қод.)

218- §. Сифатдош, асосан, қўйидаги аффикслар билан ясалади:

1. **-ган (-кан, -қан).** Бу аффикс энг маҳсулдор аффикседир: *келган*, *ўқиган*, *кулган*, *ёзилган*, *эккан*, *чиқкан* каби.

2. **-диган, -ётган.** Бу аффикслар **-ган** аффикси билан боғланган бўлиб, сифатдошнинг турли замон формаларини ясайди: *келадиган*, *келаётган*, *ўқийдиган*, *ўқиётган*, *ёзиладиган*, *ёзаётган* каби.

3. **-р(-ар):** *оқар* (сув), *кўрар* (кўз), *учар* (қуш), *еяр* (огиз) каби. Бўлишсиз шаклда аффиксдаги **р** товуши с га айланади: *келар-келмас*, *билар-бilmас* каби. Она севмас фарзанд топилмас, Фарзанд ийқодир онани севмас. (Ҳ. О.) Бу шаклдаги сифатдошнинг бўлишли ва бўлишсиз шакллари биргаликда феълга, баъзан отга боғланиб, ҳаракат қилаётган нарсанинг белгисини билдиради ва ҳол, сифатловчи бўлиб келади: *У истар-истамас сўз бошлиди*. Уни *кўрар-кўрмас гапириб* кетди. Арслонбек ака, *бўлар-бўлмас гапларга қулоқ солмай*, маслаҳатлашиб ишласак *бўлмайдими?* (А. К.)

4. **-ажак:** *боражак* (ер), *бўлажак* (ҳосил), *келажак* (замон), *ёзилажак* (шеър) каби.

5. **-гуси, -ғуси; келгуси** (авлод), *бўлғуси* (иш) каби.

-(а)жак, -гуси, -ғуси билан ясалган сифатдошлар ҳозирги ўзбек тилида архаик ҳисобланади.

6. **-(у)вчи:** *келувчи*, *кутувчи*, *бошловчи* каби. Бу сифатдош нарсанинг доимий ҳаракат белгисини билдиради: *Пишқиравчи ваҳший дарёга кўрсатилар тамом янги йўл*. (Ҳ. О.) **-(у)вчи** аффикси билан ясалган сифатдошларнинг бир қисми отга кўчган: *ўқувчи*, *ўқитувчи*, *ёзувчи*, *қурувчи*, *кузатувчи* каби.

219-§. Сифатдошга хос белгилар унинг **предикатив** (кесим), **атрибутив** (сифатловчи) ва **субстантив** позицияларда қўлланиши билан боғланган. Сифатдош предикатив позициясида келганда, шахс-сон аффикси билан тусланиб, турлича замон шаклларини ҳосил қиласи ва ҳаракатнинг нутқ пайтига бўлган муносабатини бевосита кўрсатади. Феълнинг узоқ ўтган замон, келаси замон гумон, аниқ келаси ва келаси замон лозим шакллари асосан предикатив позициясидаги сифатдошнинг тусланиши орқали ясалади: *Фан даргоҳининг поклиги менга эзгу бир ҳайрат, улуғворлик, инсонга меҳр, ишонч, олижаноб ғурур бағишлаб келган*. (А. Мух.)

Сифатдош атрибутив ҳолатда келганда, ҳаракатни предметнинг белгиси қилиб кўрсатади ва гапда сифат-

ловчи вазифасини бажаради: *Тўғонда ишилаётган бригада аъзолари тўпланди.* (А. К.)

Ўтган замон сифатдоши феъл ифодалаган ҳаракатдан илгари бажарилган ҳаракатни белги сифатида ифодалайди ва **-ган** аффикси билан ясалади: *Қуёшда пишган кўқсини, кулимсираган юзларини оқ шоҳи дастрўмол билан артди.* (О.) Ижодий куч билан тўлиб-тошган, янги ғалабаларга ишонган халқ тантанали суръатда ўтади. (О.)

Ҳозирги замон сифатдоши гапнинг феъл кесимидан англашилган ҳаракат билан бир вақтда бажарилган ҳаракатни белги сифатида билдиради. Бу сифатдош **-ётган** аффикси билан ясалади: *ишилаётган, келаётган, ўқиётган* каби: *Қуёш ботиб бораётган пайтда йўрда тоғининг орқасидан бўлут кўтарилди.* (М. Авезов.) Қаҳратон қишингда баланд осмонда учиб бораётган қуши ҳам музлайди. (Ҳ. О.)

Келаси замон сифатдоши феъл кесим ифодалаган ҳаракатдан кейин унинг натижасида содир бўладиган ёки кўпинча замонда умумийликни билдирган ҳаракат билан боғлиқ белгини билдиради. Келаси замон сифатдоши **-диган, -р, -ар, -ажак, -гуси** аффикслари билан ясалади: *Битар ишнинг бошига ботир келар қошига,* (Мақол.) Зиё шоҳици *Қутидор тарафидан ўзига бериладиган шу савонни кутиб турган* эди. (А. Қод.)

Сифатдош субстантив позицияда келишик ва эгалик аффиксини олиб, гўё отлашади, маъно жиҳатдан ҳаракат номига яқинлашади: *Нусрат хола депо олдига келганида, қаерга борарини, кимга учрашини ўйлаб тўхтаб қолди.* (Ойдин.) Чинорнинг гапирганини эшишган одамнинг умри боқий бўлармиши. (А. Мух.) Раҳбархон бу хонадондан ўз баҳтини топганига энди уч ой бўлди. (Ҳ. Н.)

Сифатланмиши тушиб қолганида ҳам сифатдош отлашади. Бу вақтда сифатдош келишик, эгалик ва грамматик сон аффиксини олиб, эга, тўлдирувчи ва қаратувчи вазифасида келади: *Ҳаётни севганлар, баҳтни севганлар Дўстлик қўшиғин куйлаши керак.* (У.) *Кўпчиликнинг юзига оёқ босганинг жазоси шу.* (У.)

220- §. Равишдош. Равишдош, асосан, бошқа бир феъл англатган ҳаракатдан олдин бўлган ёки у билан бир вақтда бажариладиган ҳаракатни кўрсатади, асосий ҳаракатнинг бажарилиш ҳолатини билдиради, эр-

гаш гапнинг кесими вазифасида ва ҳол вазифасида келади.

Равишдошнинг белгилари:

а) ҳаракат тушунчасини англатади: *Fуломжон таниши товушини эшишиб хушига келди* (*М. Исм.*);

б) ўтимли-ўтимсизлик, нисбат, бўлишли-бўлишсизлик ва замон маъноларини ифодалайди: *Мастура лабини буриб, ниманидир пицирлаб тескари қаради.* (*О.*) *Fуломжон отаси ёнида туриб атрофга қаради* (*М. Исм.*);

в) бошқа сўзларни бошқариб келади: *Боғдаги мевалар қуёши меҳрига тўйиб, серэт, серсув ва ширин бўлди.* (*И. Р.*) *Ўқтам маънодор илжайиб, унинг ҳаракат ва қилиқларини кузатиб турди* (*О.*);

г) баъзан қиёсий даража аффикси (-роқ)ни қабул қиласиди: *Унинг баъзи қилиқлари сеникига ўхшаброқ кетади.* (*О.*) *Мулла Обид иккиланиброқ яна бояги жойига борди.* (*А. Қод.*)

д) феълга боғланиб, ҳаракатни иккинчи бир ҳаракат белгиси сифатида англатади ва гапда ҳол бўлиб келади, бу вақтда шахс-сон билан тусланмайди: *Кўмкўк водийларда пўлат излардан Кетаётир қора поезд учиб, қарсиллаб* (*Ҳ. О.*);

е) қўшма феъл, аналитик шакл таркибида биринчи компонент бўлиб келади: *Тилини тишлаб олган одам тишини суғуриб ташламайди.* (*А. Қ.*) *Агар бир-бirimизни ҳурмат қила билсак, қадрдан ҳам бўлиб қоламиз.* (*О.*) *Мулла Обид парвосизгина илжайиб қўйди.* (*А. Қод.*);

ж) қўшма гап таркибидаги гапнинг шахс кўрсатмайдиган кесими бўлиб келади; *Шамол қўзғалиб, дарахтларнинг уни силкина бошлади.*

221- §. Ўз хусусиятига қараб равишдош икки хил бўлади: 1) тусланадиган равишдошлар; 2) тусланмайдиган равишдошлар. Тусланадиган равишдошларга шахс-сон аффикси қўшилади: *бориб — борибман, борибсан, борибди; кула — куламиз, куласиз, куладилар* каби. Тусланган вақтда равишдош гапда кесим вазифасини бажаради: *Эгнида одми чит кўйлак, чийдухоба нимча белини сиқиб турибди. Биз уларни ўзи яратган шаҳарда кутиб оламиз.* (*А. Мух.*) Бу равишдошлар тусланмаган ҳолда гапда ҳол ва эргаш гапнинг кесими вазифасида келади: *У соатига қараб, шошиб ўрнидан турди.* (*О.*) *Юлдузлар бирин-сирин ўчиб, тонг ота бошлади.* (*О.*)

222- §. Тусланадиган равишдошлар қўйидаги аффикслар билан ясалади:

1. Феъл асосига **-б(-иб)** аффиксини қўшиш билан. Бу равишдош шахс-сон аффикси билан тусланиб, феълнинг келаси замон эшитилганлик шаклини ҳосил қиласди: *Икки мартадан одам юборганимда хотини унамабди, ҳали дармонга киргани йўқ, дебди.* (А. К.)

Бу шакл тусланмаганида бошқа бир ҳаракатдан олдин ёки у билан бир вақтда бажариладиган ҳаракатни англатади. Бунда у ҳол вазифасида келади: *Саида Қаландаровнинг кабинетидан вақти чоғ бўлиб чиқди, шошилмай мажлисни ўтказиш режасини тузди.* (А. К.) *Зайнаб ювошгина кулиб, қизариб чамадончасини кўча ўртасига қўйди.* (О.) Бу равишдош тусланмаганида эргаш гапнинг кесими бўлиб ҳам келади: *Тонг отди: баҳорнинг шамоли келиб, бинафша байрами бошланиб кетди.* (Ф. Ф.)

Бу равишдош такрорланган ҳолда ишлатилиб, ҳаракатнинг давомли эканлиги, такрорланиб турганлигини билдиради: *Илк қор ўйнаб-ўйнаб ёғар эди.* (А. Мух.) *Қизғиш тутун буралиб-буралиб осмонга кўтарила бошлиди.* (А. К.)

Аналитик феъл шаклларининг етакчи қисми кўпинча **-б** равишдоши шаклида келади: *Ғуломжон отасининг овозини эшитиб бир сесканиб тушди.* (М. Исм.)

Бу равишдошнинг бўлишсиз шакли тусланган ҳолдагина учрайди: *Гапирмабман* каби. Тусланмаган ҳолатида бу равишдошнинг бўлишсиз формаси **-й** равишдошининг бўлишсиз шаклига мос келади: *Хайрлашиб-хайрлашмай* каби. *Раис Олимжоннинг саволига жавоб топа олмай жим қолди.* *Комила кўзларини маънодор қисиб, секин, товуши чиқармай юришини сўради.* (О.)

2. Феъл негизига **-а, -й** аффиксини қўшиш билан.

Бу равишдош шахс-сон аффикси билан тусланиб, феълнинг ҳозирги-келаси замон шаклини ҳосил қиласди: *Бир-бирилизни жуда дўст тутамиз, чунки бирга ўсганмиз.* (А. К.) *Гарчи конкурс катта бўлса ҳам, мен яхши тайёрланганман, ўзимга ишонаман.* (Мирм.)

Шунингдек, турли замон ясовчиларидан олдин асосга қўшилиб келади: *кел-а-ётирман, кел-а-ётирсан, ёз-а-ётибман, ёз-а-ётибсан, кел-а-диган, ишила-й-диган* каби.

Бу шакл тусланмаган ҳолатда ҳозирги ўзбек тилида якка ҳолда қўлланмайди, такрорланиб келиб, асосий ҳаракатнинг қайтарилиб, давом қилиб туришини билди-

ради: *Бугун журналдаги расмнинг тикила-тикила беихтиёр хўрсиниб қўйди.* (О.) Натижа, сабаб маъноларини ҳам билдириб келади: *Гулнорнинг эгнида калтагина лапис камзул ювила-ювила юпқаланган.* (О.)

Бу равишдош тусланганида якка ҳолатда келади: *хайрлашаман, бошлайсан* каби.

Бу равишдошнинг бўлишсиз шакли **-ма** аффикси билан ясалади (*келмай, олмай, ўқимай*) ва **-б(-иб)** равишдошининг бўлишсиз шаклига мос келади: *Бизга меҳмон бўлмай жўнаб қолсангиз, қаттиқ хафа бўлман.* (О.)

«Феъл — феъл» тузилишига эга баъзи аналитик шаклларда биринчи компонент шу равишдош шаклида келади: *айта қол, ўқий бошлади* каби.

223- §. Тусланмайдиган равишдошлар шахс-сон ва замон аффиксларини олмайди. Бу равишдошлар асосан тусланган феълларга боғланиб келади, у ифодалаган ҳаракатнинг ҳолатини, пайт, сабаб, мақсад кабиларни билдиради. Гапда ҳол эргаш гапнинг кесими вазифасида келади: *Улар бу ерда комбинат, шаҳар, ҳаёт яратгани келишган.* (А. Мух.) Паркдан чиққач, қаёққа боришимни ўйлаб, бир зум туриб қолдим. (О. Ё.)

Тусланмайдиган равишдошлар қўйидаги аффикслар билан ясалади:

1. Феъл негизига **-гани (-кани, -қани)** аффиксини қўшиш билан. Бу равишдошлар ҳаракатнинг бажарилиш мақсадини билдиради: *Улуғ мукофот олганингизни эшишиб, сизни табриклагани келдик.* (О.) Мен бугун юрагимни очиб гапиргани келдим. (У.)

Бадиий асарда бу аффикс **-гали** шаклида ҳам учрайди: *Яна икки кўз ҳам бердим Ёв келганда кўргали.* (Ҳ. О.) Мен сизни ичкарига таклиф қилгали чиқмадим, нима ош қилишни сўрагали чиқдим. (А. Қод.)

2. Феъл негизига **-гач (-кач, -қач)** аффиксини қўшиш билан. Бу равишдош асосий ҳаракатнинг равишдош ифодалаган ҳаракат тугаши билан бошланишини билдиради: *Раъно кўчагага чиққач, қадамини тезлатди.* (О.Ё.) Сауда ҳужрасига киргач, ўзини каравотга ташлаганича, икки соатча ухлади. (А. Қ.)

3. Феъл негизига **-гунча (-кунча, -қунча)** аффиксини қўшиш билан. Бу равишдош ҳаракатнинг қай вақтгача давом этишини билдиради: *Орадаги сўзсизлик бир пиёлладан чой ичгунча бузилмади.* (А. Қ.) Комила келгунча, токчадаги китоблардан бирини олиб ўқишига киришиди.

Тусланмайдиган равишдош, одатда, феъл англатган асосий ҳаракатдан олдин ёки у билан бир вақтда бажарилган ҳаракатни белги сифатида күрсатади: Эндиғи күргазмага томоша қылгани эмас, ҳунаримни күрсатгани бораман. (А. К.) Йўл айрилиққа етгунча, у Ўкта билан суҳбатлашиб кетди. (О.) Ҳафиза автобусдан тушигач, юраги пўкиллаб, институт биносига кирди. (Мирм.)

ФЕЪЛНИНГ МОДАЛ ШАКЛЛАРИ

224- §. Феълнинг бу шакллари ҳаракатнинг миқдорий белгиси, унинг бажарилиш тусини, ҳаракатнинг бажарувчи томонидан турлича баҳоланиши сингари модал маъноларни англатади. Феълнинг модал шакллари тузилиш жиҳатидан **синтетик шакл** ва **аналитик шаклга** бўлинади.

Синтетик шакллар

225- §. Синтетик шакллар ҳаракатнинг миқдорий тавсифини билдиради, унинг давомлилиги, такрорийлиги ва кучсизлиги каби модал маъноларни ифодалайди. Бу шакллар қўйидаги аффикслар билан ясалади:

1) **-ла.** Бу аффикс феъл асосига қўшилиб, такрор маъносини билдиради: *ишқа* — *ишқа-ла*; *қув* — *қув-ла*; *сава* — *сава-ла*; *чўқи* — *чўқи-ла* каби. Яна ёнма-ён кета бошлидик. Кисқариб қолган кўланкаларимизни *қувлаймиз*. (С. Ан.)

2) **-ғила** (**-кила**, **-қила**) аффикси ҳам ҳаракатнинг давомлилиги, такрор маъноларини билдиради: *эз* — *эз-ғила*; *турт* — *турт-ғила*; *теп* — *теп-қила*, *торт* — *торт-қила* каби. Сочларимдан *тортқилар шамол*. (Қўшиқдан.)

3) **-(и)мсира**, **-(и)нқира** аффикслари ҳаракатнинг кучсизлигини, унинг одатдаги ҳолатга етмаганлигини билдиради: *йиғла* — *йиғла-мсира*; *кул* — *кул-имсира*, *оқар* — *оқар-инқира* каби: *Мулла Обид илжайинқираб бош иргитади*. (А. Қод.) *Давлатбеков ўзини камтар тутиб бир четда кулимсираб турар эди*. (П. Қод.)

4) **-(и)ш** аффикси ҳам одатда ҳаракатнинг кучсиз даражада эканини билдиради: *оқар* — *оқар-ишиш*; *тўл* — *тўл-ишиш* каби: *Дарёларнинг ул юзида уйларингиз*, *оқаришиб кўринади бўйларингиз*. (Қўшиқдан.) *Машраб қандайдир ўзгарган*, *тўлишган*, *вазминлашган*, *чекрасида маъюс бир ўйчанлик пайдо бўлганди*. (О. Е.)

Аналитик шакллар

226- §. Аналитик шаклар ҳам ҳаракатнинг бажарилиш, йўсинини, такрорийлик, давомлилик, бошланиши каби турлича маъноларни ифодалашга хизмат қиласди. Бу хил модал маънолар асосий (етакчи) феълга биринкиб келган ёрдамчи феъл билан ифодаланади. Бундай аналитик шакллар икки турга бўлинади: 1) кўмакчи феълли аналитик шакл; 2) тўлиқсиз феълли аналитик шакл.

227- §. Кўмакчи феълли аналитик шакллар. Кўмакчи феълли аналитик шакллар икки феълнинг биркувидан ҳосил бўлади. Бундай феълларнинг биринчиси мустақил феъл билан, иккинчиси эса кўмакчи феъл билан ифодаланади. Аналитик шаклнинг асосий қисми — мустақил феъл, одатда, -(и)б, -а(й) аффикслари билан ясалган равишдош бўлади. Аналитик шаклнинг кўмакчи қисми эса ўз мустақил маъносини йўқотиб, етакчи феъл билан бирикади, асосий қисм маъносига ҳар хил қўшимча (тугаллик, бошланиш, тўсатданлик, тезлик, такрорийлик, давомлилик каби) маънолар ифодалайди: *Қуруқ тараша чарс-чурс қилиб ёна бошлади.* (М. Исл.)

Аналитик шаклларнинг иккинчи қисми бўлиб келадиган кўмакчи феълларнинг равишдош билан биринкиб аналитик шакл ясаш даражаси бир хил эмас. Улардан баъзилари (*тур, ёт, юр, бошла, чиқ, ол, юбор* кабилар) жуда кўп миқдорда аналитик шакл ясашга хизмат қилса, айримларининг (*сол, ўт, бўл, ёт, кўр* каби) аналитик шакл ясали чекланган бўлади. Шунингдек, кўмакчи феълларнинг кўпи (*бер, қол, ол, бор, кел, кет, тур, кўр* каби) равишдошларнинг ҳар иккала формаси (**-а(-й)** ва **-(и)б** формаси) билан биринкиб келса, баъзилари (*ташла, бошла, бўл, чиқ, қўй, ўтири, юр* каби) равишдошнинг фақат бир шакли билан (**ё -а(-й)** шакли билан, ёки **-(и)б** шакли билан) биринка олади. Ҳар бир кўмакчи феълнинг маъноси қайси равишдош шаклидаги етакчи феъл билан биринкишига қараб ифодаланади.

228- §. Аналитик шаклнинг кўмакчи қисми бўлиб келадиган феъллар ва улар англатган маънолар қўйидагича:

1. *Юр, ўтири, тур, ёт* кўмакчи феъллари равишдош билан биринкиб, етакчи қисмдан англашилган ҳаракатхолатнинг изчиллик билан узоқ давом этишини, такрор-

ланишини билдиради. Кўпинча **-(и)б** аффиксли равишдошлар билан келади: *Мажнун толларнинг кокиллари осилиб, йўлни тўсив турарди. Тұрғуной пешанасини икки билаги устига қўйиб, ииғлаб ўтиради.* (А. Қ.) Малоҳат эрининг бу юриши-туришидан уялиб юради.

2. Қол, қўй, кет, юбор кўмакчи феъллари равишдош билан бирикиб, етакчи феълдан англашилган ҳаракат ва ҳолатнинг кутилмагандан, тўсатдан бўлишини, тўсатдан тез бошланишини, тугаллик, давом, илтимос, таъкид каби маъноларни ифодалайди. Равишдошнинг ҳар иккала шакли билан ҳам кела олади: *Шу билан бешинчи марта кечираман, билиб қўй, полковник.* (Я.) Ўқтам беихтиёр кулиб юборди... *Ҳазил-кулги билан бинокорлик бошланиб кетди.* (О.) *Машраб негадир қизарип, дудукланиб қолди.* (О. Ё.)

3. *Туш, ўт, чиқ* кўмакчи феъллари асосий қисм билан бирикиб, ҳаракатнинг тугалланганлигини таъкидлаш, давомлилик каби маъноларни билдиради: *Қишида Москвада студентларнинг илмий конференцияси бўлиб ўтди.* (О.) *Анорхон пишқирган отларга қараб аста тебраниб борар экан, ногоҳ чўйиб тушди.* (О.) *Мен ёзаман, эрталаб сен тузатиб чиқасан.* (О.)

4. *Бер, бор* кўмакчи феъллари **-а(-и)** равишдош шаклидаги етакчи феъл билан бирикиб, ҳаракатнинг такрорийлиги, давомли бўлишини англатса, **-(и)б** равишдош шаклидаги етакчи феъллар билан бирикиб, кимнингдир манфаатини кўзлаб иш қилишни, асосий ҳаракат билдиради; *Бу йўлдан зинҳор тойма, йилдан-йилга пахтани кўпайтиравер.* *Шундай қилсанг, донғинг ошаверади.* (О.) *Суҳбат давомида Мастоннинг салмоғи тобора ортиб борди.* (А. Қ.)

5. *Ташла* кўмакчи феъли ҳаракатнинг тез бажарилганлиги, тугалланганлиги, қайд этиш каби маъноларни бидиради: *Уй дим эди.* *Комила ҳар иккала деразани очиб ташлади.* *Яллиғланган юзидан бир бармоғи тўмтоқ қўли билан терини сидириб ташлади.* (О.)

6. *Кўр, қара, боқ* кўмакчи феъллари ҳаракатни бажаришга уриниш, синаб кўриш, қисташ, буйруқ каби маъноларни ифодалайди. Кўпинча **-(и)б** равишдош шакли билан келади: «*Раҳмат, мен татиб кўрдим, жуда хуштаъм бўлибди*», — деди Комила. (О.)

7. *Бошли* кўмакчи феъли етакчи феъл билан бирикиб, ҳаракатни бажаришга киришилганликни, унинг

бошланишини билдиради: *Комилжон қабулхонага кириши билан ҳар тарафдан уни табриклай бошладилар.* (И. Р.) Чойхонада дутор, чанг, шахмат, девор соати пайдо бўлди, комсомолларнинг ташаббуси билан деворий газета чиқа бошлади. (А. К.)

8. Ол, бил кўмакчи феъллари асосий қисм билан бирикиб, ҳаракатни бажариш мумкинлиги, уни ижро этиш имконияти борлиги, тугалланганлик, маънони кучайтириш кабиларни ифодалайди: *Усталар унча қийналмай залга ҳам ўрин чиқара билдилар.* (О.) Пахта майдонини шу йилнинг ўзидаёқ камайтириши тўғрисида келишиб олдик.

9. Ёз кўмакчи феъли етакчи феъл билан бирикиб, ҳаракатнинг рўй беришига яқин қолганлиги маъносини билдиради: ... асов от нимагадир ҳурқиб, бир кўтариб ташлади, жарга йиқилаёздим. (О.) Сиддиқжон Ўрмонжонни товушидан таниди, бир лаҳза гангиг қолди, қўлидаги чойнакларни тушираёзди. (А. К.)

10. Кел кўмакчи феъли ҳаракат ва ҳолатнинг кўп давом қилишини, такрорланишини билдиради: *Бир кун кечаси репитиция айни авжига чиққандা, залга Комил кириб келди.* (О. Е.)

229- §. Тўлиқсиз феълли анализатор шакл. Тўлиқсиз феъл ўзаги э якка ҳолда қўллानмайди, мустақил лексик маънога эга эмас, эди(ди), экан(кан), эмии(миш), эса, эмас ва архаиклашган эрур каби шаклларда келади.

Тўлиқсиз феъл сифатдош, равишдош ва ҳаракат номларига бирикиб, феъл замонларининг анализатор усул билан ясалган шаклларини ҳосил қиласди. Шунингдек, бошқа сўз туркumlари билан келиб, боғлама вазифасини бажаради. Бунда тўлиқсиз феълнинг шаклларига қараб турлича маънолар ифодаланади. Жумладан, эди ёрдамчиси -(а)р (-мас), -тан, -ётган аффиксли сифатдош билан бирикиб, ўтмишда маълум бир вақт ичida тугалланмасдан, давом этиб турган ёки нутқ пайтидан жуда илгари бажарилган ҳаракатни билдиради: *Каналда бояги олтида машҳаладан бошқа яна сон-саноқсиз кичик машҳалалар, чироқлар оқиб келар эди* (А. К.) *Ховлида ток ҳам, дарахтлар ҳам, гуллар ҳам дид ва уқув билан ўтқазилиб, гўзал букет — даста ясаган эди.* (О.)

Эди тўлиқсиз феъли -(и)б, -моқда шакллари билан бирикиб, ўтмишдаги ҳаракат, воқеа-ҳодисаларни эслатиш, ҳикоя қилиш ўйли билан ёки унинг давомли эканлигини англатади: *Орзиқул амаки эшагидан ирғиб*

тушиди, икки тавақали эшикни секин тақиллатиб эди, «ҳозир» дёған овоз эшитилди. (Н. С.) Райком секретари... хонанинг тўрида қўлида трубка, қўзлари ярим юмуқ, ким биландир секин гаплашмоқда эди. (О. Ё.)

Эди шакли феълдан бошқа туркум сўзлари билан келса, тусловчи аффикс олиб, от кесимнинг боғлама қисми вазифасида келади: *Комила ва Ўқтамнинг юраклари баҳор ва умрбод севгининг баҳти ва нашъаси билан тўлиқ эди. (О.) Харитонов ашуулани ҳам, гапни ҳам қойил қилас, умуман, жуда ёқимтой йигит эди. (О. Е.)*

Экан формаси сифатдош билан бирикиб, воқеа-ҳодисанинг кейинча маълум бўлганлиги, ҳолат, пайт, сабаб маъноларини ифодалайди: *Ўрмонжон, ука, «Колхозга кирмайман», — деб мен хато қилган эканман, «Товуқдай қийқиллатиб олиб кираман», — деб сен хато қилган экансан. (А. К.)*

Экан тўлиқсиз феъли -(и)б, -моқда шакллари билан бирикиб, эслатиш, давомлилик, такрорийлик, мақсад маъноларини билдиради: *Раис отхонага кирди. Отлар пишқириб хуштаъм ҳўй бедани шитаҳа билан чайнамоқда экан. (О.) Оиласида саккиз жон бўлганмии ... битта ўзи қолибди экан. (А. Мух.)*

Экан формаси боғлама вазифасида келса ҳам, юқорида кўрсатилган маъноларни ифодалайди: *Ўзи доктор экан. Доктор бўлганда ҳам чаққонгина доктор экан. (А. К.) Ўйлаб қараса, Эртоев унга қаттиқ гапирадиган ҳолатда эмас, тили қисиқ экан. (О. Ё.)*

Эмиш тўлиқсиз феъли кўпинча сифатдош билан бирикиб, эшитилганлик, гумон, ноаниқлик маъноларини билдиради: *Бу киши синфга кирганда, бир муаллим ҳисоб дарси ўрнига ўз таржими ҳолини эртакдай сўзлаб берадиган эмиш. (О.) Иродаси қаттиқ одамлар севигига қаршилик кўрсатишга уринар эмиш-у, лекин бу уларнинг севисини яна мустаҳкамлар экан. (А. Мух.)*

Эмиш шакли боғлама вазифасида келганда ҳам шундай маъноларни ифодалайди: *Гап кўп, дўстим, ... у Қамбар билан иноқ эмиш. (У.) Шу ерда бир муддат дам олишимиз керак, борадиган қишлоғимиз ҳали анча олис эмиш. (А. Мух.)*

Эмас ёрдамчиси ҳам аслида тўлиқсиз феълнинг бўлишсиз шакли бўлиб, ҳозирги ўзбек тилида, асосан, бўлишсизлик, инкор маъноларини ифодалашга хизмат қилади: *Яхшиликни унутиш одамга муносиб иш эмас.*

(М. Ибр.) Дэхқонбой мени эмас, мен Дэхқонбойни хафа қилган эканман. (А. К.) Түсатдан ҳаво айниди-ю, ... катталиги ёнғоқдай, тухумдай дүл ёға кетди. Бундай даҳшатли манзарани ҳеч ким күрган эмас. (О.)

230- §. Жуфт ва такрорий шакллар. Феълнинг жуфт шаклларида биринчи компонент лексик маъно англата-ди, иккинчи компонент эса шу маънога тугалланганлик, тез бажарилганлик, жадаллик, кутилмаганлик каби маъноларни билдиради: Қанотли-қўйруқли маҳлук, учади-кетади. (О.) Юмшоқ гапирсанг, хамирдек бўша-шади-кетади. (А. К.) Шунча уриниб унутолмаганим энди бирданига ўзидан-ўзи кўнгилдан чиқди-кетди. (А. Мух.)

Жуфт шакллар таркибидаги ҳар икки компонентнинг бир хил морфологик кўрсаткичга эга бўлиши билан характерланади.

Такрорий шакллар эса айни бир феълнинг такроридан ҳосил бўлади. Бу вақтда биринчи компонент шарт майли шаклида, иккинчи қисм эса буйруқ-истак майли шаклида келади: айтсам-айтай, ёзсанг-ёз, келса-келсин каби. Бу шакл сўзловчининг ҳаракатни бажаришга бўлган турлича муносабатини билдиради: борсам-бо-рай, ишласа-ишласин, келсанг-кел каби.

Сифатдош ҳам такрорий шакл ҳосил қиласди. Бундай шакл давомлилик, такрорийлик маъноларини билдиради. Икки ишл бурун шаҳардан қариндошлигини-кига кўчиб келди, колхозга кирди. Ҳар вақт югургани-югурган. (О.) «Хозирги ёшлар қарияларни куйдургани-куйдурган»,—деб оҳ чекди. (А. К.)

Равишдошнинг такрорий шакллари орқали такрорийлик, давомлилик, кучайтириш, таъкид маънолари ифодаланади: Қиз нозиккина бурилиб, қўллари билан гулларни сийпаб-сийпаб, айвонга томон кетди. (О.) Бир оз тинчиганимдан кейин дадам: «Темирчи деган куйиб-куйиб темирчи бўлади-да!— деди. (А. К.)

РАВИШ

РАВИШНИНГ МАЪНОСИ ВА ГРАММАТИК БЕЛГИЛАРИ

231- §. Равиш мустақил сўзлардан бўлиб, ҳаракат ва ҳолатнинг белгисини, шунингдек, белгининг белгисини билдиради. Равиш морфологик жихатдан ўзгармас булиб, кўпинча феълларга боғланиб келади. Масалан, Кундузи ёнингда туриб, шакаргуфтторлик қилувчи, ке-

часи муюлишдан чиқиб, елкангдан пичоқ урувчи маккор душманни Эргаш ҳали етарли билмас эди. (А. Мух.) Кароматхон юргурганича ичкари кириб кетди. Мирзаев шу куни жуда зерикди. (А. К.)

Равиш айрим ҳолларда сифат ва отга, шунингдек, равишининг ўзига ҳам боғланиб келиши мумкин: *Кўп молдан оз ақл яхши.* (Мақол.) Эрта кузакда тог чўққи-ларига биринчи қор тушди. (П. Қод.) Саида бу сұхбатни жуда дикқат билан күзатди. (А. К.) Ўша куни Усмонов уйига жуда кеч қайтди. (Ў. Усм.)

Равишининг турланиш ва тусланиш хусусиятига эга эмаслиги кўпинча феълга боғланиб, хол вазифасида келиши унинг асосий грамматик белгилари хисобланади: *Ғуломжон* бу кекса дунёда жуда кам яшаган бўлса ҳам, бошидан жуда кўп уқубатлар кечирди. (М. Исм.) Саида орқасига қайтди, жўрттага сада остидан юрди. (А. К.)

Махсус сўз ясовчи аффиксларга эга бўлиши (-ча, -она, -ларча, -лаб каби) ва шакл ясовчи аффиксларни олиб келиши ҳам равишиларнинг грамматик белгиларига киради.

Белги билдирувчи сўз бўлганлигидан равишилар сифатга яқин туради. Равишилар ҳаракат ва белгининг белгисини сифат каби даражалаб, бошқаларига чофишириб кўрсатиш хусусиятига эга: *Зайнаб илгарироқ, Кумуш кейинроқ* ичкарига киришиди. (А. Қод.) Аваз сурувнинг кетини тезроқ бехатар жойга чиқаришга шошилар эди. (П. Қод.)

Айрим равишилар отга боғланиб, предметнинг белгисини билдириши мумкин: *Оз сўз — соз сўз.* (Мақол.) *Аймирмат меҳрибон, жонкуяр қариндошнинг* уйида узоқ вақт меҳмон бўлиб қолди. (О.) Аммо белги маъносини англатиш хусусияти, вазифаси ва бошқа-бошқа сўзларга боғланиши жиҳатидан равишилар сифатдан фарқ қиласди. Сифат, асосан, отга боғланиб, предметга хос турғун белгини билдиради ва сифатловчи вазифасида келади: *Она тим қора сочларига узун, нозик бармоқларини тиқди.* (М. Исм.) Равишилар эса асосан фетлга боғланиб, ҳаракатнинг жараён билан боғлиқ бўлган белгисини англатади ва ҳол бўлиб келади: *Муҳиддин билан Салимжон рухсат сўраб ичкари* киришиди. (А. Мух.) Ёрмат шаҳардан пиёда қайтиб, ўлгудек чарчагани учун отларга Йўлчи қаради. (О.)

Ўзбек тилида бир туркумдаги сўзнинг бошқа туркумдаги сўз ўрнида қўлланиши кенг тарқалган ҳодиса-

дир. Бундай ҳолат сифат билан равишининг ишлатилишига ҳам хосдир. Баъзи сифатлар феълга боғланиб, ишҳаракатнинг белгисини билдиради, равиш ўрнида келиб, ҳол вазифасини бажаради: *Аҳмаджон жуда қаттиқ сўкинди.* (А. К.) Одамни яхшироқ билиб, ўрганмай турраб, унинг тўғрисида ёмон гапириши мумкин эмас. (В. Ажаев.)

Отга боғланиб келган равишилар гапда сифатловчи вазифасини бажаради: *У анча жўякларни оралади, анча қовунларни ушлаб, қай бирини узишни билмади.* (О.) Аммо феълга боғланиб, ҳаракатнинг белгисини билдирган сифатлар бутунлай равиш туркумига ўтиб кетмагани каби, отга боғланиб келган равишилар ҳам сифат туркумига ўтмайди.

Отга боғланиб, предметнинг белгисини билдирган равишилар баъзан отлашиб келиши ҳам мумкин. Бундай вақтда равишилар отга хос келишик, эгалик ва кўплик аффиксларини қабул қилиб, гапда эга, тўлдирувчи, қаратувчи вазифаларида келади: *Ҳар бир иши миздан эртанинг шабадаси келиб турибди, ўғлим.* (О.) *Кўпни кўрган қари дунёда Бахт ахтариб кўплар ўтдилар.* (Ҳ. О.) *Ҳозирнинг ўзида шуғулланмасак ҳам, келажак режаларига киргизиб қўйиши мумкин.* (П. Қод.)

РАВИШЛАРНИНГ МАЪНО ТУРЛАРИ

232- §. Равишилар маъно жиҳатидан тўрт гуруҳга бўлиниади: 1) ҳолат равиши, 2) миқдор-даражага равиши, 3) ўрин равиши, 4) пайт равиши.

233- §. Ҳолат равиши. Ҳолат (тарз) равишилари ишҳаракатнинг қай тарзда бажарилишини, юз бериш ҳолатини билдиради, қандай?, қандай қилиб?, қай тарзда? каби сўроқларга жавоб бўлади: тез, секин, ниёда, яёв, бекорга, тўсатдан, қўйқисдан, астойдил, дўстона, қаҳрамонларча, очиқдан-очиқ, юзма-юз, зўрға ҳабилар: *Водийларни яёв кезганда.* Бир ажиг ҳис бор эди менда... (Ҳ. О.) Комила полизда аста-секин юриб ... қай бирини узишни билмади. (О.)

Ҳолат равиши гапда:

1. Равиши ҳоли вазифасида келади: Алексей мудроқдан зўрға кўзини очар экан, секин товуш чиқариб боладан сўради. (Б. П.)

2. Отга боғланиб, сифатловчи вазифасида келади: *Иигитнинг кўнгли тинчиди ва айборларча табассим билан қизга қаради.* (О.) Бу вақт эшик очилиб, ўрта

бўйли, солдатча гимнастёрка кийган, гавдаси ихчамгина бир қиз кириб келди. (А. Мух.)

3. Кесим вазифасида келади: *Бригада ерларида культивация ҳам, кетмон чопик ҳам, сүфории ҳам жадал. (О.)*

234- §. Миқдор-даража равиши. Миқдор-даража равиши ҳаракат ва ҳолатнинг миқдори белгисини ёки белгининг ортиқлигини билдиради ва қанча?, қандай? каби сўроқларга жавоб бўлади: *Мирҳайдар отанинг яхшилигини, фойдасини кўп кўрганмиз. (О.) Ўқтамнинг қовуни қизга жуда ёқди, икки тилимни мактай-мактайеди. (О.)*

Миқдор-даража равишилари англатган маъносига қараб ҳаракатнинг миқдор жиҳатидан белгисини кўрсатувчи ва ҳаракат ёки белгининг ортиқлигини кўрсатувчи равишиларга бўлинади.

1. Ҳаракат ва ҳолатнинг миқдор белгисини билдирувчи равишилар: *кўп, мўл, анча, кам, бир оз, пича, хийла, сал* кабилар. Озгина тупроқни тил учун билан ялаб кўрди-да, тупурди. (О.) Баҳорда паҳтакор учун вақт оз, меҳнат эса чексиз мўл. (О.) Бир жиҳатдан келганинг ҳам маъқул бўлган: *машинанинг хушторлари беҳад кўп. (О.)*

2. Ҳаракат ва белгининг ортиқлигини кўрсатувчи равишилар: *жуда, энг, foят, ниҳоят, ўта* кабилар. Масалан: Ерни обдон пишиши керак. (О.) Аваз изтироб билан олдинга қаради, ёмғир бениҳоя кучайган эди. (П. Қод.)

Миқдор-даража равиши гапда:

а) кўпинча равиш ҳоли вазифасида келади: *Отда кўп юриб ўрганган Ортиқ энди мотоцикл эгаридан тушмайди. (П. Қод.)*

б) кесим вазифасида келади: «*Қари кўнгилда ёш орзулар кўп, Ўқтамжон*», — деди мамнун илжайиб Мирҳайдар. (О.)

в) баъзан отларга боғланиб, сифатловчи вазифасида ҳам келади: *Улар анча ергача аста бориб, гаплашиб кетдилар. (О.)*

235- §. Ўрин равиши. Ўрин равиши ҳаракат ва ҳолатнинг бажарилиш ўрнини ва ҳаракат йўналган томонни билдиради. Ўрин равишилари қаेरга?, қаेरдан?, қаеरда? каби сўроқларга жавоб бўлади: *узоқда, пастда, тубанда, олдинда, унда-бунда, юқоридан, қўйидан, яқиндан, орқадан, тўғрига, тўғридан, юқорига, ишларига, олға* кабилар. Масалан, *Олисдан тунги смена-*

даги экскаватор ва ўзга машиналарнинг құдратлы нағраси барада эшитилар әди. (О.) Гуломжон орқадан қараб қолди, аммо қиз узоққа кетмади. (М. Исм.) Қанча күнлар орқада қолди, Кетда қолди қанча манзиллар. (Х. О.)

Үрин рационалары, асосан, үрин ҳоли вазифасида келади: Ҳар ёндан ариқларнинг жонли нағи оқар, нозик ниҳол дараҳтларнинг кўк қаторлари узоқлардан теварракни қуришаган әди. (О.)

Баъзан кесим вазифасида келади: Ободончилик соҳасидаги катта ишлар ҳали олдинда. (О.) Ойкўлда дам олиш ўйи қуриб бўлмайди, чунки у арчазорлардан анча узоқда. (П. Қод.)

236- §. Пайт равиши. Пайт равиши ҳаракат ва ҳолатнинг бажарилиш пайтини билдиришга хизмат қиласи ва қачон?, қанчадан бери? каби сўроқларга жавоб бўлади: ҳозир, боя, бугун, кеча, аввал, олдин, энди, эрта, индин, саҳарлаб, эрталаб, доим, ҳали-бери каби: У эрта-кеч ўзини ўзи койиши, ўзининг соддалиги, ишонувчанигидан аччиқланди. (О.) Ёшлар унинг юзида оналарча меҳрибонлик, нуроний жилмайшини энди қўришиди. (А. Мух.) Сўраб кўринг аввал сиз, мен ҳозирча панада тура-турай. (У.)

Пайт равишли гапда кўпинча ҳол, баъзан кесим вазифасида келади: Бугун сенинг түғилган кунинг, Бугун ўйинг тўлади гулга. (Х. О.) Пахта далаларида меҳнатни, мусобақани қизитиш палласи — ҳозир.

РАВИШЛАРДА ШАКЛ ЯСАЛИШИ

237- §. Бошқа сўз туркумларида бўлганидек, равишиларда ҳам турли шакллар ясалади, бу шаклларда ҳаракат ва ҳолат белгиси турлича тавсифланади, сўзловчи томонидан турлича баҳоланади. Бу шакллар қўйидағилардан иборат:

1. Равиши қиёсий даражада шаклини ҳосил қилувчи -роқ аффиксими олиб ёки энг, жуда, foят, ниҳоят каби сўзлар билан бирикиб, белгининг даражасини ифодалайди. Равишига -роқ аффикси қўшилганда, асосан, ҳаракат ва белгига хос белгининг камлиги, кучсизлиги, баъзан эса кучайтириш, белгининг нисбий кўплиги маъном, энг сўзи билан келганда эса белгининг ортиқлиги маъноси ифодаланади. Масалан: Биз нарироқ боргач,

Умид кўйлагини тўғрилаб, шими ичига тиқиб олди.
(Мирм.) Баҳорда энг олдин бодом гуллайди.

Жуда, ғоят, ниҳоят каби сўзлар равишларга бири-
киб, ҳаракат белгисининг кучайтирилганлигини кўрса-
тади: Ўн учта колхозчи ўзларининг яп-янги мотоцикл-
ларида ғоят тез суръатлар билан қурилишга жўнади.
(О.) Қамбар ота жуда секин тўпдан чиқиб кетди.
(П. Қод.)

2. **-гина (-кина, -қина)** аффикси орқали ясалган ра-
виш шакллари ҳаракат ва ҳолат белгисининг кучиз-
ланганлигини ёки таъкидланганлигини англатади, асо-
сий диққат шу белгининг ўзига қаратилади: *Комила
қошлиарини чимириб, ўртоғининг билагини секингина
чимчилади.* (О.) У гўё кечагина отасининг доно, ақлли
сўзларини эшиштгандай бўлди. (О.)

3. Равишларда жуфт ва такрорий шакллар ҳам кенг
ишлатилади. Жуфт шакллар икки равишнинг жуфт
ҳолда келишидан ҳосил бўлади: *олдин-кеин* (*олдин-
кетин*), *аста-секин*, *нари-бери*, *буғун-эрта*, *эрта-кеч*,
эрта-индин каби. Жуфт шаклларда икки равиш-
нинг маъноси умумлаштирилади: *Комилахон, ҳалқ
ицида мени изза қиласкерманг, эрта-индин гумбурлама
кўприк ясаймиз!* (О.) Хотиржам шилайверинглар, мен
ўзим аста-секин етиб бораман. (О. Ё.)

Равишларнинг такрорий шакли эса битта равишнинг
такроридан ҳосил бўлади: *аста-аста*, *секин-секин*, *зўрға-
зўрға*, *тез-тез*, *кўп-кўп* каби. Одатда, такрорий шакллар
давомлилик, такрорийлик, таъкидлаш, кучайтириш каби
маъноларни ифодалайди: *Отлар пишқириб қаттиқ ел-
дилар, секин-секин паҳта далалари орқада қолди.* (О.)
Поччаев шартта бурилиб, тез-тез юриб кетди. (А. Мух.)

МОДАЛ СЎЗ

МОДАЛЛИҚ ВА МОДАЛ СЎЗ ҲАҚИДА ТУШУНЧА

238- §. Гапда ифодаланган фикрнинг воқеликка му-
носабатини кўрсатувчи модаллик категорияси ҳар бир
гапнинг муҳим конструктив белгиларидан бири ҳисоб-
ланади. Ўзбек тилида модал маънолар бир қанча йўл-
лар билан — от, феъл ва равишларнинг айрим шаклла-
ри, шунингдек, юклама ва модал сўзлар билан ифода-
ланади. Айрим боғловчи ва боғловчилашган сўзлар ҳам
гапнинг баъзи турларига модаллик тусини беради.

Феълнинг майл шакллари ифодалайдиган маслаҳат,

сўраш, истак, огоҳлантириш, буйруқ, қисташ, тақиқлаш, шарт каби маънолар модал маънолардир.

Айрим от ва равиш шакллари орқали хоҳиш, истак, зарурият, имконият, мумкинлик каби маънолар, юкламалар орқали эса гумон, тахмин, фараз каби модал маънолар ифодаланади ва бошқалар.

239- §. Ўзбек тилида фикрнинг воқеликка муносабатини ифодалаш учун хизмат қилувчи алоҳида сўзлар борки, улар *модал сўзлар* номи билан юритилади.

Модал сўзлар (лотинча *modus* — «усул», «ўлчов») сўзловчининг гапда англатилган фикрига, воқеа-ҳодисаларга муносабатини ифодалайди. Модал сўзлар гапда англатилган фикрнинг сўзловчи учун қанчалик аниқлигини, бу хабарни сўзловчи қандай баҳолашини билдиради. Модал сўзлар, одатда, умуман гапга тегишли бўлиб, гап бўлаклари билан грамматик алоқага киришмайди. Шунинг учун улар гап бўлаги ҳам бўлиб келмайди. Масалан: *Меҳнат ҳамда турмуши тажрибаси, ҳунари бўлмаган одам шидаги кишининг ўйини, туйғусини англамайди* гапига албатта, *шубҳасиз, эҳтимол* каби сўзлар киритилса, бу гапнинг мазмуни ўзгариб қолмайди; бу сўзлар фикр сўзловчи томонидан қандай баҳоланишини билдиради.

Модал сўзлар бир бутун лексик бирлик сифатида қаралади, уларнинг таркиби морфологик элементларга ажратилмайди. Масалан, *шубҳасиз, сўзсиз* сўзлари келиб чиқиш жиҳатидан сифат. Бу модал сўзлар аниқлик, қатъийлик, реаллик каби маъноларни ифодалайди. Аммо уларни айрим морфологик қисмларга ажратиб бўлмайди (уларда сифат ясовчи **-сиз** аффикси ажратилмайди).

Баъзан эса айрим мустақил сўзлар гапда модал сўз ўрнида кўлланиб, модаллик маъносини билдиришга хизмат қиласди. Бундай сўзлар ҳозирги тилимизда бутунлай модал сўзлар категориясига ўтмаган бўлиб, маълум ўринларда тасдиқ, таъкид, айриш каби оттенкаларни ифодалашга хизмат қиласди: *Тўғри, энди ҳар қандай бўлганда ҳам, сабр, қаноат, жиiddият, сабот керак эди.* (F. F.)

240- §. Бошқа сўз группалари каби, модал сўзлар ҳам ўзларининг морфологик, синтактик ва семантик белгиларига эга. Модал сўзларнинг ўзгармаслиги унинг морфологик белгисига киради. Гапнинг бирор бўлагига ёки бутун гапга тааллуқли бўлиб, кириш сўз вазифасида келиши эса унинг синтактик белгисидир. Модал

сўзларнинг аниқлик ёки тахмин каби модал маъноларни англатиши, мустақил сўзларга нисбатан камроқ номинативликка, ёрдамчи сўзларга қараганда кўпроқ мустақилликка эга бўлиши унинг семантик белгисидир.

Демак, фикрнинг воқеликка муносабатини аниқлаб, уни тасдиқ ва тахмин йўли билан ифодалаб, гапда кириш сўз вазифасида келувчи сўзлар модал сўзлар дейилади. Модал сўзларнинг доираси қатъий ва тўлиқ аниқланган эмас. Нутқимизда фикрнинг шакллари ранг-баранг бўлганлиги сабабли модал сўзлар группаси ҳам кенгайиб бормоқда.

МОДАЛ СЎЗЛАРНИНГ МАЪНО ТУРЛАРИ

241- §. Модал сўзлар ўз маънолари жиҳатидан хилма-хил бўлиб, қўйидаги тўдаларга бўлинади:

1. Гапда ифодаланган фикрнинг аниқлиги, реаллигини тасдиқловчи модал сўзлар: *албатта, шубҳасиз, сўзсиз, шаксиз, ҳақиқатан, дарҳақиқат* кабилар: *Чўлни обод қилиш савоб, албатта, қаниқуда, болаларга фотиха берайлик.* (A. K.) Ҳақиқатан ҳам, юрагининг гурсиллаб ураётгани ва оёқ-қўлларининг титрагани сезилиб турарди. (Ойдин.)

Сўзсиз, шубҳасиз, шаксиз каби модал сўзлар бошқаларнинг эътироз, фаразига ўрин қолдирмайдиган қатъий шаклдаги тасдиқни, заруратни билдиради: «*Зо-кир ота, шубҳасиз, жуда тажрибали пахтакор, қўли гул одам.*» (A. K.)

2. Гапда ифодаланган фикр тахминий, гумон, ноаник эканини билдирувчи модал сўзлар: *эҳтимол, чамаси, шекилли, афтидан, ҳайтовур, чоги* кабилар. *Бу саёҳат жуда маъқул келди, шекилли, Умарали бортга ёнбошлиб, аллақандай бир куйни хиргойи қила бошлиди.* (A. K.) Хотин яктакни олиб ёнига қўйди, афтидан, ҳозир тикмоқчи эмас эди. (A. K.) Ҳайтовур, ишимиз чакки эмасга ўхшайди. (O.)

2. Бирор воқеа-ҳодисадан афсусланиш, ажабланиш кабиларни билдирувчи модал сўзлар: *афсуски, аттанг, ажабо* каби. Масалан, *Аттанг... шундай долзарб вақтда энг яхши бригадиримиз ётиб қолди-да.* (A. K.) Ажабо, шу ўзимизнинг *Саодатми?* (F. F.)

4. Фикрнинг ўзаро муносабатини ва тартибини билдирувчи модал сўзлар: *демак, хусусан, аксинча, масалан, жумладан, чунончи, бинобарин, хуллас, аввало* каби.

Демак, хуллас, масалан, жумладан, умуман, чунончи каби модал сўзлар фикрни умумлаштириш, унинг хуносасини билдириш, яна далиллар келтириш сингари маъноларни билдиради: *Хуллас, унинг уйида аллақандай янги гаплар кўпаймоқда эди.* (А. Қ.) *Мақташга лойиқ кишилар ҳам оз эмас бизда, масалан, Тансиқ Аҳмедов, ... Собир Эрматов звеноларини кўрсанг, юрагинг қувончга тўлади.* (О.)

Бинобарин, хусусан, аксинча модал сўзлари фикр оқимини, бирор фикрни таъкидлаш, ажратиб кўрсатиш, бирини рад этиб, иккинчисини тасдиқлаш кабиларни билдиради: *Қиши ичи Фарҳод қурилишига бориб, иш кўрсатсан, дейман. Бинобарин, кўкламгача жавоб бершингизни сўрайман.* (F. F.) *Нафисахоннинг назарида қизи енгилтак эмас, аксинча, бамаъни бўлган, гаплари ҳам ўринли ва қисқа.* (Мирм.)

Аввало, дастлаб кабилар модал сўз ўрнида келиб, фикрнинг тартибини билдиради: «*Қизиқ экансиз, ойи,— дейди Аваз.— Аввало, Тошкентда ким кўп, соч қўйған кўп, сўнgra, уларнинг ҳаммасини чиқараверса, телевизорга одам сиғадими?*» (П. Қод.)

Юқорида кўрсатилганлардан ташқари, лозим, мумкин, шарт, зарур, керак сўзлари ҳам модалликни ифодалашга хизмат қиласи. Гарчи бу сўзларда модал сўзлик хусусияти кам бўлса-да, булар хилма-хил модал муносабатларни (зарурият, имконият, мумкинлик, қатъийлик каби) билдиради: *Чол — ақлли одам, унга ўргатиш ҳам мумкин, ундан кўп нарсани ўрганиш ҳам мумкин.* (О.) «*Жуда ҳам бу ишга берилмаслик керак,— ўз ўзига хитоб қилди Умид,— мен ишлишим, иш қилишим зарур.*» (Мирм.)

242- §. Модал сўзлар асосан қуйидаги синтактик функцияни бажаради:

1. Диалогларда аввал айтилган фикрга муносабатни ифодалаб, сўз-гап вазифасида келади: «*Учувчилик бизнинг иши миздан ҳам оғир, шундай эмасми?*—«*Албатта*». (Ойдин.)

2. Кириш сўз вазифасида келади: *Шарофат... ерга қараганча ўтирас, афтидан, бу саволга жавоб бермоқчи эмас эди.* (А. Қ.)

Кириш сўз вазифасида келган модал сўзлар баъзан оҳанг билан, ёзувда ҳам алоҳида белгилар билан ажратилмайди: *Ўрмонжон, бу соатнинг тўғрилигига шубҳаланди шекилли, ўз соатига қаради.* (А. Қ.)

243- §. Модал сўз билан кириш сўз ўзаро тенг эмас. Чунки модал сўз морфологиянинг, кириш сўз эса синтаксиснинг текшириш объектидир. Кириш сўз вазифасида турли сўз туркumlари, шу жумладан, модал сўзлар ҳам кела олади. Шунингдек, кириш сўз вазифасида қўлланадиган сўзлар қайси сўз туркумидан бўлса, ўша сўз туркумига хос маъно ва грамматик белгиларни сақлайди. Демак, модал сўз кириш сўз вазифасида кела олади, лекин ҳар қандай кириш сўз модал сўз бўлавермайди. Фақат кириш сўз сифатида қўлланиб, ўзи тегишли сўз туркуми билан боғланишини, муносабатини йўқотган айрим сўзларгина модал сўз ҳисобланади. Бу сўзларнинг маъно ва грамматик функциясидаги жиддий ўзгаришлар уларни ўзи тегишли бўлган сўз туркумидан ажратиб туради. Шунга кўра гапда кириш сўз вазифасида келиб, фикрнинг умумий оқимини, нутқ услубини билдирувчи (*шундай экан, шундай қилиб, тўғрисини айтганда, қисқача айтганда, бошқача айтганда* каби), турли муносабатларни билдирувчи (*баҳтга қараш, менинг баҳтимга, иқрорман, айтгандай, айтмоқчи* каби), фикр манбаини билдириш, уни изоҳлаш, аниқлаш, чегаралаш учун хизмат қилувчи (*менимча, айтишича, сизнингча, ўйлашимча, сизнинг фикрингизча, унинг айтишича* каби) сўз ва сўз биримлари модал сўзлар группасига кирмайди.

244- §. Сўзларнинг алоҳида лексик-грамматик гуруҳини ташкил қилган модал сўзлар асли қўйидаги сўз туркumlари билан боғланган, шулардан ўсиб чиқсан:

- а) от билан: *ҳақиқатан, дарҳақиқат, чамаси, афтидан, афсус* каби;
- б) сифат билан: *шубҳасиз, сўзсиз, шекилли* каби;
- в) феъл билан: *демак, демоқчи* каби;
- г) равиш билан: *албатта, аввало, айниқса* каби;
- д) ёрдамчи сўзлар билан: *балки, кошки, ҳатто, ҳайтовур* каби.

ЁРДАМЧИ СЎЗЛАР

ҚУМАКЧИ

ҚУМАКЧИ ҲАҚИДА УМУМИЙ ТУШУНЧА

245- §. Кўмакчи ўзи боғланиб келган сўздан кейин келиб, сўзлар орасидаги биргалик, пайт, сабаб, мақсад

каби турли-туман муносабатларни ифодалашга хизмат қилади.

Кўмакчилар маъно ва вазифа жиҳатидан келишик аффиксларига яқин туради. Шунинг учун баъзан келишик шакллари билан англатилган маъно кўмакчи билан ҳам ифодаланади (*Машина келдим* — *Машина билан келдим; Укамга олдим* — *Укам учун олдим* каби). Лекин булар келишик аффиксларига қараганда маънони аниқ, конкрет ифодалайди.

246- §. Кўмакчилар маъно жиҳатдан бир хил эмас. Улардан айримлари (*билин*, *учун*, *каби*, *қадар*, *сари* кабилар) мустақил маъно англатмайди, вазифа жиҳатидан келишик аффиксларига яқин туради; баъзилари эса (*олд*, *ора*, *иҷ*, *тӯғри*, *орқа*) маълум даражада ўз лексик маъноларини сақлайди ва ўрин келишиклари билан турланиб, кўмакчи ўрнида қўлланади. Шунга кўра кўмакчи дастлаб иккига бўлинади:

1. Соф кўмакчи.
2. Функционал кўмакчи.

СОФ КЎМАКЧИ

247- §. Соф кўмакчи гап ичида бошқа сўзлар билан бирга келганидагина ўзига хос қўшимча маъноларни англатади.

Соф кўмакчилар қайси сўз туркумидан келиб чиққанлигига қараб учга бўлинади:

1. Асл кўмакчилар: *билин*, *учун*, *қадар*, *сари*, *сайнин* каби. Булар ўз лексик маъноларини йўқотган бўлиб, бошқа сўзларга бириккан ҳолда турли муносабатларни англатади.

2. От кўмакчилар: *бурун*, *илгари*, *кейин*, *бошқа*, *ташқари* кабилар. Булар от, равиш каби сўз туркumlаридан кўмакчига ўтган сўзлардир.

3. Феъл кўмакчилар: *қараб*, *кўра*, *қарагандা*, *ярасла*, *бошлаб* каби. Булар феълнинг равишдош ва сифатдош шаклларидан кўмакчига ўтган сўзлардир.

Соф кўмакчиларнинг бир қисми бош келишикдаги сўз билан ишлатилса, иккинчи қисми воситали келишикдаги сўз билан ишлатилади.

248- §. Бош келишикдаги сўз билан ишлатиладиган кўмакчилар қўйидагилардан иборат:

1. **Билин.** Бу кўмакчи қўйидаги маъноларни билдиради:

а) бирор ҳаракатнинг бажарилишида шахс, предметларнинг биргалигини билдиради: *Аҳзамжон билан Тошиб*

кентда кўришган эдим, ўша гапириб берди. (А. К.) *Кўпчилик билан одам ўзини кучли сезади* («С. Ўзб.»);

б) ҳаракатни бажаришда восита маъносини билдиради: *Шу гапнинг устида Ислом бобо ҳассаси билан эшикни очиб кириб келди.* (П. Қод.) *Комилжон бинокль билан қаради;*

в) пайт билдирувчи сўз ёки ҳаракат номи билан бирикиб, ҳаракатнинг бажарилиш вақтини билдиради: *Кечаси билан ором олмаган тоғ шабадаси ҳали ҳам ором олгани йўқ.* (И. Р.) *Дарча очилиши билан ҳужрага совуқ ёпирилиб кирди* (М. Исл.);

г) сабаб маъносини билдиради: *Fуломжон отасининг сўзи билан ҳушига келди* (М. Исл.);

д) ҳаракатнинг бажарилиш ҳолатини, тарзини билдиради: *Дўстининг ҳолатини дикқат билан кузатиб турган Хотам секин кулди.* (Мирм.) *Муҳайё бу содда, беғубор, ичи-таши бир болага ҳавас билан қаради* (А. К.);

е) бирор ҳолатнинг нима билан мавжудлигини билдиради: *Юрагим қандайдир яхши, ёруғ бир ҳис билан тўла эди.* (О. Ё.) *Қаландаров бошқа юмушлар билан районда бир-икки соат айланиб қолди.* (А. К.) *Бу кунларда ҳар ким ўз дард-алами, ўз ғам-ҳасрати билан эди. Азиз пойтактдан кўтаринки руҳ, катта бир маънавий куч билан қайтди.* (Ў. Усл.);

ж) билан кўмакчиси бириттирув боғловчиси ўрнида ҳам қўлланади, уюшиқ бўлакларни боғлаб келади: *Жамолнинг овозини эшишиб, Ёқуб билан Каромат ўзларини панага оладилар.* (У.) *Деҳқон билан ишчининг меҳнати баравар эмас.* (А. К.)

Ўзбек тилида **билан** кўмакчиси бирлан, бирла, била, ила, -ла, шеваларда эса минан, ман каби кўринишлари тарзида ҳам ишлатилади.

2. Учун. Бу кўмакчи қўйидаги маъноларни билдиради:

а) аталғанликни: *Йўлчи учун келтирган тугунчак ёдига тушди.* (О.) «Хозир мен фақат сиз учун айтиман», — деди Жаннатхон ва янги бир куйни бошлиди (П. Қод.);

б) мақсадни билдиради: *Саида кулиб юбормаслик учун билагини қаттиқ чимчилаб, лабини тишлади.* (А. К.) *Анвар юзидағи кулгини яшириш учун четга қаради* (А. Қод.);

в) сабабни билдиради: *Бу звенонинг тўзаси анча эрта экилганлиги учун анча бўлимли, бошқа звенолар-*

ницидан ўсиқ ва тетик эди. (О.) Сайёра кечаси билан ухламай ҳаяжонда юриб чиққани учун, қанча уринмасын, иши юришмади (Ү. Ү.);

г) хосликни билдиради: Ҳалигача мажлис учун клубимиз йўқ.

3. **Қаби, сингари.** Бу кўмакчилар бир нарсани бошқа нарсага ўхшатиш, чоғишириш маъносини англатади: *Биламанки, севган ёринг ўзинг каби жуда оқ кўнгил.* (Ү.) Хилма-хил ранглар билан мавжланган майдагуллар орасида кўркам юксалган дуҳоба гуллар олов парчаси каби ёнади. (О. Ё.)

4. **Орқали.** Бу кўмакчи ҳаракатнинг бирор восита билан бажарилишини билдиради. *Чўпонлик айниқса... қишида оғир эканини Ҳулкар энди Аваз орқали билар эди.* (П. Қод.) *Анвар ўз истиқболини ёлғиз муҳаббаг орқали кўрар эди.* (А. Қод.)

5. **Сайнин.** Вақт жиҳатидан такрор, давом маъноларини билдиради: *Унақа талтайманг, индамаганим сайин қуюшқондан чиқиб кетяпсиз.* (О.) Чорбоғнинг кун сайин ўзгариб бораётганини кўрган чол ўзида йўқ хурсанд эди. (Ҳ. Н.)

6. **Ўзра.** Ҳаракат предметнинг устки қисмига йўналганлигини, бирор нарса воситасида бажарилишини билдиради: *Борлиқ ўзра тушганда оқшом, Зайнаб қўйди далага қадам.* (Ҳ. О.)

7. **Сари.** Предмет томон йўналганликни, сифатдош билан бирикканда пайт, давомни билдиради: *Одамлар шошиб-пишиб шаҳар сари йўл олдилар.* (Ё. Хаимов, М. Раҳмон) Автобус шаҳар марказига кириб борган сари йўловчи кўпаяр эди. (П. Қод.)

8. **Сабабли.** Бу кўмакчи сабаб маъносини билдиради: *Ота хат келмай қўйгани сабабли шунақа қилиб юрган экан.* (А. Қ.) *Бўёқ, ип етишмагани сабабли Санам хола гиламни ҳеч битиролмаяпти.* (П. Қод.)

9. **Бўйи.** Давомлилик маъносини билдиради: *Йил бўйи қилинган меҳнат маҳсулин Халқим хирмон-хирмон қилмоқда якун.* (Ғ. Ғ.) *Деҳқон умр бўйи табиат билан беллашиб келади.* (С. Аҳм.)

10. **Ҳақда, тўғрида, хусусда** (ҳақида, тўғрисида, хусусида). Бу кўмакчилар фикр ким ёки нима ҳақида эканини билдиради: *Меҳнат, китоб, дўстлик ҳақида сұхбат қизғин давом этади.* (Ү.) *Насиба ўз баҳтини ўзи ўз қўли билан яратади.* *Баҳт хусусида уни адаштирманг.* (А. Қ.)

249- §. Жұналиш келишигидаги сүз билан ишлатыладиган күмакчиларга қуидагилар киради:

1. **Қадар, довур.** Бу күмакчи ҳаракатнинг бирор томонға йұналиши жиҳатдан ва пайт жиҳатдан чегарасыни билдиради: *Үйга қадар ой ёритди унинг үйлини.* (Х. О.) Тантанали йиғилиш бошлангунга қадар асқия, үйин-кулғи давом этди. (О.)

2. **Қарши.** Бу күмакчи зидлаш, қарама-қарши құйышни билдиради: *Салобат босганидан унинг овози истагига қарши баланд жарангламади.* (О.) Асқар отанынг күтганига қарши Собирахон сүзіда давом құлмади. (А. Қ.)

3. **Қараб.** Бу күмакчи ҳаракатнинг предмет томон йұналғанligini билдиради: *Комила түппа-түғри идораға қараб кетди.* (О.)

4. **Яраша.** Бу күмакчи мослиқ, тенглик каби маъноларни билдиради: *Хозир Қаландаровнинг бу сүзларига яраша сүз айтиш бефойда.* (А. Қ.) *Бүйге яраша (бүйге қараб) түн бич.* (Мақол.)

5. **Қараганда.** Бу күмакчи чоғиширишни билдиради: *Чунки урушдан кейин аввалги қишлоққа қараганда мине чандон яхши қишлоқ қуриб олишимизга күзим етади.* (У.)

6. **Мувофиқ, биноан.** Бу күмакчилар асосланиш манбай, асос бұлған предмет маъноларини билдиради: *Программага мувофиқ, ҳар кимга тайинли бир вазифа топширилди.* (А. Қ.) *Эхтиёт бўлинглар, ноҳақликка мутлақо йўл қўйилмасин, ҳамма иш қонунга биноан олиб борилсин.* (П. Қод.)

250- §. Чиқиш келишигидаги сүз билан ишлатыладын күмакчилар қуидагилардан иборат:

1. **Илгари, бурун, олдин, аввал.** Бу күмакчилар пайт маъносини билдириб, ҳаракатнинг олдин бўлганлигини ифодалайди: *Карим ҳаммадан аввал имтиҳон топшириб чиқди.* Бундан икки соат илгари ҳаво тиник эди. (О.) *У ҳаммадан бурун отланиб, йўлга чиқиб турди.* (А. Қ.)

2. **Кейин, сўнг.** Бу күмакчилар ҳам пайт маъносини билдириб, ҳаракатнинг кейин бўлганлигини ифодалайди: *Сиддиқжон овқатдан кейин қўлига газета олган эди,* бир мақолани яримлатмасдан кўзи сузилди. (А. Қ.) *Таниширишдан сўнг Отабек билан Қутидорнинг кўзлари тез-тез учраша бошлади.* (А. Қод.)

3. **Бери, буён.** Бу күмакчилар ҳаракатнинг бошланишидан маълум вақтгача чўзилганини, давомини бил-

диради: *У эсини танигандан бери бошидан кечиргандары хаёлида яна такрорланялти.* (П. Қод.) *Кечадан бүён үйга ботаман-у, таажжуб қиласын.* (О.) *Отабек бир неча күнлардан бери Ҳасаналининг күзига бошқача күринар* эди. (А. Қод.)

4. Бошқа. Бир нарсани бошқа нарсалардан ажратишни билдиради: *Турсуналидан бошқа ҳамма ишга чиқди.* (У.) *Ёш Ҳакимадан бошқа ҳамма қизлар Анорхонга тегажаклик қилишиди.* (О.)

Ташқари, бўлак кўмакчилари ҳам шу маънода қўлланади: Иифилишига правление аъзоларидан ташқари, активлар ҳам таклиф қилинди. (А. Қ.) Энди менинг сизлардан бўлак фарзандим йўқ. (П. Қод.)

5. Кўра. Бу кўмакчи сабаб, ўхшатишни билдиради, асосан, чиқиши келишигидаги сўз билан келади: *Лекин тил билишига келганда Софья Борисовнадан кўра Башорат уддабурон чиқди, Башорат билган русча сўзлар Софья опаси билган ўзбекча сўзлардан кўра, ҳар ҳолда, кўпроқ* эди. (А. Мух.)

ФУНКЦИОНАЛ КЎМАКЧИ

251- §. Функционал кўмакчилар аслида ўз лексик маъносини сақлаган мустақил сўзлар ҳисобланади. Улар гапда кўмакчи ўрнида келиб, ҳаракат билан предмет орасидаги турлича муносабатларни ифодалайди. Функционал кўмакчи, одатда, жўналиш, чиқиши ва ўрин-пайт келишиги шаклларида келиб, ўзидан олдин келган сўзга нисбатан қаралмиш ҳолатида бўлади, шунга кўра келишик аффиксидан олдин эгалик аффикси келади. *Олд, ўрта, ён, орқа (кет), ич, уст, ост (таг), ора* кабилар функционал кўмакчиларга киради.

1. Олд. Бу сўз жўналиш, чиқиши ва ўрин-пайт келишиги шаклларида келиб, ҳаракат нарсанинг олд томонига йўналганлигини, ўша ерда бўлаётганини, ўша ерда бошланганлигини билдиради: *Кун ботар олдида виъдасига мувофиқ Козимбек келди.* (А. Қ.) *Азиз котиба қизни кўз олдига келтириб кулимсиради.* (Ў. Усм.)

Олд кўмакчиси турли феъл шакллари билан биринкиб, пайти билдиради: *Синглиси билан далага кетиш олдида бекасам тўнга орден ва медалларини тақиб қўйган* эди. (О.) *Автобус кунботар олдида кириб борди ва ёрдамчилар штабининг олдида тўхтади.* (А. Қ.)

2. Ўрта. Ўрин келишикларида келиб, ҳаракат нарсанинг ўртасига йўналганлигини ёки шу ердан бошланган-

лигини билдиради: *Мирзо Улуғбек қалбини чулғаб олган аламли дуддан бўғилиб хонанинг ўртасида тўхтади.* (О. Е.) У кино залига кириб, бир неча қизлар ўртасига келиб ўтиради. («С. Ўзб.»)

3. **Ён.** Бу сўз ҳам ўрин келишикларида келиб, ҳаракат нарсанинг ён томонида бўлаётганлиги, ўша ерга йўналганлигини билдиради: *Гуломжон отаси ёнида туриб атрофга қаради.* (М. Исл.) *Нусрат хола депо ёнидан ўтиб борар эди.* (Ойдин.)

4. **Орқа, кет.** Жўналиш, чиқиш ва ўрин-пайт келишиги формаларида келиб, ҳаракат нарсанинг орқа қисмига йўналганлиги, ўша ерда бўлаётганлигини, ўша ердан бошланганлигини билдиради: *Олча дараҳти орқасида бир нарса шитир этгандай бўлди.* («С. Ўзб.») *Али Қушчи Қаландар орқасидан қоронги туйнукка кирди.* (О. Е.) *Улар машинадан тушиб, йўл четидаги дарахтлар орқасига ўтиб туришиди.* (О.)

5. **Ич.** Ўрин келишикларида келиб, ҳаракат нарсанинг ички қисмида бўлаётганлиги, ўша ерга йўналганлигини, баъзан пайт маъноларини билдиради: *Собир кетмөнни ерга қўйиб, гўза ичидан қичқирди.* (О.) *Бу уй ичидаги Отабекнинг саодатли кунларининг ширин хотира-лари сақланар...* (А. Қод.) *Мана бир ҳафта ичидаги икки марта маориф бўлимида бориб келдим.* (А. Қ.)

6. **Уст, тепа.** Ҳаракат нарсанинг устки қисмида содир бўлишини, баъзан пайт маъносини билдиради: *Майдон устида юзларча кабутарлар айланиб-айланиб учарди.* (О.) *Негадир дераза тепасига кўз тикиб, осмонга қаради.* (Ў. Усм.) *Чой устида сұхбат қизиди...* (Ў.)

7. **Ост, таг.** Ҳаракат нарсанинг остки қисмида содир бўлганини, пастки қисмига йўналганлигини, шу ерда бошланганлигини билдиради: *Катта қозон тагидан тутун кўтарилиди.* *Тепалик остида кўм-кўк майсалар ҳозир унга яшнаган водийни эслатди.* (О.) *Котиба қиз дераза тагида патиллатиб машинкада нимадир ёзарди.* (Ў. Усм.)

8. **Ора.** Бу сўз ҳам ўрин келишикларида келиб, ўринни, баъзан пайтни билдиради: *Эрназаров ака орқасига қаради, тутунлар орасида Комилжон билан Гуломов кўринди.* (И. Р.) *Қий-чув, ўйин-кулги орасида дарров қош қорайди.* (О.) *Офтобойим донхонанинг эшигидан туриб, хотинлар орасидан кимнидир ўз ёнига чақирди.* (А. Қод.)

9. Томон. Ўрин, йўналиш маъноларини билдиради: ... Ўкта муз колхозига томон отини аста ҳайдади. (О.) Нур томон тил чўзар бунда ҳар гиёҳ. (Х. О.)

Томон кўмакчиси воситали келишикларга боғланиб келганидек, ўзи ҳам келишик аффиксини олиб ҳам ишлатилади, (мактабга томон — мактаб томонга): Эшон беихтиёр боққа томон юрди, дарвозадан кириб, Саиданинг ҳужраси томонга қаради. (А. К.)

Томон кўмакчиси баъзан ҳаракат йўналган пайтни билдиради: Кифоятхон келгани ҳам яхши бўлган экан, кечга томон келди-кетди кўпайди. (А. К.)

10. Бош, қош, ўрин, ёқа каби сўзлар ҳам кўмакчи ўрнида қўлланади: Оломон чинакам қурол ўрнига таёқ ва чўқмор кўтарган. (О. Ё.) Беихтиёр уларни Азизнинг тажриба участкаси бошига олиб келди. (Ў. Усм.) Одамлар ариқ ёқасида чуғурлашиб, сув билан бирга пастга қараб боришди. (М. Исм.)

БОҒЛОВЧИ

БОҒЛОВЧИЛАР ҲАҚИДА УМУМИЙ ТУШУНЧА

252- §. Гап бўлакларини ёки қўшма гапнинг қисмларини боғлаш учун хизмат қиласидан ёрдамчи сўзлар боғловчи дейилади. Боғловчилар гап бўлаклари ва қўшма гапнинг содда гапга тенг қисмлари орасидаги турлича алоқаларни, грамматик муносабатни кўрсатади.

Гап бўлаклари ва гаплар орасидаги грамматик муносабат боғловчилар ёрдамида ифодаланса ҳам, боғловчиларнинг ўзи бу сўзларнинг грамматик формасига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатмайди, улар билан бирлашмайди.

Боғловчилар тузилиши жиҳатидан содда ва қўшма бўлади. Содда боғловчилар морфологик жиҳатдан бўлинмайди: *ва, ҳам, лекин, аммо, бироқ, балки, ё, ёки агар* каби. Қўшма боғловчилар жуда оз бўлиб, морфологик жиҳатдан бўлинади: *Ҳолбуки, шунинг учун* каби.

Боғловчилар қўлланишига қараб якка боғловчилар ва такрорий боғловчиларга бўлинади.

Якка боғловчилар: *ва, ҳамда, лекин, аммо, бироқ, -ки (-ким), чунки, агар, токи, балки, гўё, башарти* каби.

Такрорий боғловчилар гап бўлакларини ва гапларни ўзаро боғлашда такрорланиб келади: *Ё..., ёки..., ёки...*,

ёки...; дам..., дам...; гоҳ..., гоҳ...; баъзан..., баъзан...; бир..., бир... каби (ё, ёки, ёхуд якка ҳолда ҳам ишлатилади.)

Гап бўлакларини боғлаб келган боғловчиларга нисбатан гаплар орасидаги муносабатни кўрсатган боғловчиларнинг вазифаси кенг ва турли-тумандир. Чунки гап бўлакларига қараганда гаплар орасидаги муносабатлар хилма-хил.

Боғловчилар вазифаси жиҳатидан икки турга бўлинади: 1) тенг боғловчилар; 2) эргаштирувчи боғловчилар.

ТЕНГ БОҒЛОВЧИЛАР

253- §. Тенг боғловчилар грамматик жиҳатдан тенг ҳуқуқли гап бўлакларини ва гапларни ўзаро боғлашга хизмат қиласди. Тенг боғловчилар ўзларининг маъносига, грамматик алоқаларни кўрсатишига қараб бириктирув, зидлов ва айирав боғловчиларига бўлинади.

254- §. Бириктирув боғловчилари: *ва, ҳам, ҳамда* каби. Булардан *ва* бириктирув боғловчиси энг кўп қўлланади. Бу боғловчи:

1) гапнинг уюшиқ бўлакларини бириктиради: *На-войи ва Мирмұмтоз кекса шоирнинг фикрини тасдиқла-дилар.* (О.) *Меҳнат ва муҳаббат, шониҷ ва ҳаёт Нас-лимиз иқболи учун пояндоз.* (F. F.) *Димоққа ҳандалак ва раийҳон ҳиди уради.* (O. Ё.);

2) қўшма гап таркибидаги гапларни боғлашга хизмат қиласди ва қўйидаги маъно муносабатлари ифодаланади:

а) бир пайтлилик муносабати, воқеа-ҳодисаларнинг бир вақтда бўлганлиги ифодаланади: *Паға-паға майин қор осмондан қўйилиб турди ва шамолнинг секин, бўғиқ гувиллаши эшитилади* (O.);

б). кетма-кетлик муносабатини билдиради: *Яrim кечада эшик ғийқ этиб очилди ва чол бошига оқ авра тўн ёпиниб кириб келди* (A.К.);

в) натижани билдиради: *Сен ўргатган илм билан қўшилди катта ният Ва шунчалик камолотга ета олди та-факкур.* (F. F.) *Неча кундир йўқолди тинчим Ва уйқуга этдим алвидо* (Ҳ. О.);

г) зидлик, қарама-қарши қўйиш муносабатини билдиради: *Онасида ғазаб оташи Ва Зайнабда андеша ғаши.* (Ҳ. О.)

Ҳам, ҳамда боғловчилари, **ва** боғловчиси сингари, гапнинг уюшиқ бўлакларини ва қўшма гап қисмларини боғлашда қўлланади. Лекин ҳам боғловчиси кейинги бўлакни изоҳлаш, таъкидлаш маъноларини ҳам билдиради: *Султонмурод ҳам дўсти Зайниддин чексиз қувондилар. Буни қариялар ҳам тажрибали пахтакорлар жуда яхши биладилар.* (О.) Республика олдида пахта, дон ва бошқа деҳқончилик ҳамда чорвачилик маҳсулотлари етишириши янада қўпайтириши соҳасида катта **ва масъулиятли вазифалар турибди.** («С. Ўзб.»)

Бўлакларнинг мустақиллигини, айримлигини чизиб кўрсатиш, таъкидлаш учун ҳам боғловчиси ҳар бир бўлакдан сўнг ёки аввал такрорланиб келади: *Биз иш учун ҳам, одамлар учун ҳам, бир-биришимиз учун ҳам жавобгармиз.* (А. Мух.) Унинг юраги ҳам шод, ҳам қандайдир нотинчроқ эди. (О.)

Ҳам сўзи боғловчи бўлиб эмас, балки гап маъносини ёки айрим гап бўлакларини таъкидлаш, кучайтириш учун кўп ишлатилади: *Ҳаммаси ҳам хурсанд, баҳтиёр.* (Ҳ. О.) Бир лаҳзадан кейин укаси ҳам келиб, Үмидга тикилди. (Мирм.) Фақат хазина бойлик эмас, меҳр ҳам бойлик, одам кўзининг қувонгани ҳам бойлик. (А. Мух.)

Бириктирувчи боғловчи ўрнида билан кўмакчиси, -да, -у (-ю) юкламалари ҳам келади.

Билан кўмакчиси боғловчи ўрнида келганда ҳам биргалик маъносини сақлайди: *Қаландар билан Али Күшчи оёқларини ерга тираб, кифтлари билан тошини итаришиди.* (О. Ё.) ... улар сен билан менга ўхшааш ўз одамларимиз. (А. Мух.)

-да, -у, -ю юкламалари бириктирувчи бўлиб келганда бир пайтилик, кетма-кетлик, сабаб, натижা каби маъно муносабатлари ифодаланади: *Мадрасада айтган гапларим учун қасос олянти деб ўйлади-ю, мингбошига бориб арз қилди.* (М. Исм.) Шу пайт ўғилчаси эшикдан югуриб келди-да, дадасининг қучоғига отилди. (О.)

255- §. Зидлов боғловчилари: *Бироқ, аммо, лекин, балки кабилар бўлиб, булар мазмунан бир-бирига қарама-қарши қўйилган бўлакларни ёки гапларни боғлаш учун хизмат қиласди.* *Бироқ, аммо, лекин* боғловчилари боғлаб келган гапларнинг кейинги қисмида аввалги қисмда айтилган фикрга қарама-қарши, зид фактлар ифодаланади. Шунинг учун бу фактлар, воқеа-ҳодисалардан фақат биттасининг бўлаётганлиги, иккинчисининг инкор этилганлиги маъноси англашилади: *Fўза су-*

ғоришини жуда яхши биладилар, лекин амал қилмайдылар. (О.) Бақириб, қичқирди, аммо унинг қичқириш овозини ҳеч ким эшигтмас эди. (С. А.) Ўқтам меваларни саралайди, ҳидлайди, бироқ егиси келмайди. (О.)

Бу боғловчилар гап бўлакларини боғлаб келганда ҳам зидлик англашилади, шу билан бирга, гап мазмунини тўлдириш, изоҳлаш, қиёслаш учун ҳам хизмат қиласди: *Бутун кучимни икки кўзимга йиғдим-да, унинг бевафо, бироқ ғамгин, шўх, лекин маъюс кўзларига тикилдим. (F. F.)*

Зидлов боғловчилари гап бошида келиб, аввал айтилган фикрга зид бўлган янги фикрли гапни олдинги гапга боғладиди: *У содда, уятчан, камтарин йигит эди... Лекин бир лаҳзада аллақандай куч уни итаргандай бўлди. (О.)*

Балки зидловчиси гапнинг мазмунан бир-бирига қарама-қарши уюшиқ бўлакларини боғлаб келади. Бунда зидлик маъноси анча кучли бўлади: *Олег ўзининг энди Олег эмас, балки Кашиклигини кўрсатди. (А. Фадеев.). Тинчликни кутиб турмайдилар, балки уни курашиб қўлга киритадилар. («С. Ўзб.»)*

Баъзан кўшма гап таркибидаги мазмунан зид бўлиб, бири инкор этилган, иккинчиси тасдиқланган гапларни боғлашда қўллаиади: *Уларга унинг айтган гапи кор қилмади, балки овозининг оҳангига таъсир қилиб кетди. (А. Мух.)*

Балки боғловчиси баъзан бирор бўлак олдидан келиб, шу бўлакни ёки гап мазмунини кучайтириш, изоҳлашга хизмат қиласди: *Улар пахта масаласини ишиб, балки кийиб юборганилар. У икки, балки уч йилдан буён ўз тўйини кутар эди. Бу содик қул, балки ундан баттар одам эди. (О.)*

Балки боғловчисини балки модал сўзидан фарқлаш лозим. *Балки модал сўз сифатида фикрга гумон, эслатиш, ажабланиш оттенкаларини бериш учун хизмат қиласди: Лабларинг шивирлар, изламоқдадир... Балки бир эркалаш, бир она бўса. (F. F.) Мана у Ҳиротда, ўз уйида. Балки энди бутун бир умр бу суюкли шаҳарда муқим бўлиб қолар. (О.)*

Мазмунан бир-бирига қарама-қарши гап бўлаклари ва гапларни боғлаб, зидлик, сабаб, номувофиқлик, натижа каби маъно муносабатларини англатишда -да, -у(-ю) юкламалари ҳам ишлатилади: *Бир нима демоқчи бўлди-ю, тили оғзига тиқилиб қолди. (О.) Танқидлари тўғри-ю, тиллари аччиқ. (У.) Биз жанг кўрмадиг-у, жанг-*

дан мүшкүлроқ Дамларни кечирдик тинчлик онлари.
(Э. В.)

256- §. Айи्रув боғловчилари. ё, ёки, ё..., ё...; дам..., дам...; гоҳ..., гоҳ..., хоҳ..., хоҳ...; баъзан..., баъзан...; бир..., бир... кабилардир.

Бу боғловчилар нарса, воқеа-ҳодисаларни бошқала-ридан ажратиш ёки уларнинг галма-гал бўлишини кўрсатиш учун хизмат қиласди. Булардан ё, ёки; ё..., ё... кабилар асл маънолари билан айирувчи боғловчилар бўлиб, айтилаётган нарса, белги, ҳаракатлардан бирини ажратиб кўрсатишга хизмат қиласди: *Кўпинча секретарь областдан ё марказдан келган бирор ходимни бошлиб келар эди.* (О.) «Ё подиоҳ бирон ерга чиқади, ёки элчи келиши кутилади», — деди Зайниддин. (О.)

Баъзан..., баъзан...; дам..., дам...; гоҳ..., гоҳ... каби боғловчилар эса галма-галликни, навбат билан алманиб, такрорланиб туришни ифодалашга хизмат қиласди: *Иўлчи дам у экинда, дам бу экинда... ишлайди.* (О.) Навоий гоҳ отда, гоҳ пиёда пайдо бўлар эди. (О.) Дам жаҳлим чиқади, дам кулгум қистайди. Гоҳ севиниб, ширин хаёлларга ботиб сабрсизланади, гоҳ бутун-бутун вужудини қўрқув босади. (О.)

ЭРГАШТИРУВЧИ БОҒЛОВЧИЛАР

257- §. Эргаштирувчи боғловчилар -ки (-ким), чунки, шунинг учун, гўё, гўёки, токи, агар, гарчи, башарти кабилар булиб, қушма гап таркибидаги содда гапларни бир-бири билан боғлаш учун хизмат қиласди.

Эргаштирувчи боғловчилар грамматик алоқаларни ифодалashi ва маъноларига қараб: а) аниқлов боғловчиси; б) сабаб боғловчилари; в) чоғиштирув боғловчилари; г) мақсад боғловчиси; д) шарт ва тўсиқсизлик боғловчиларига бўлинади.

258- §. Аниқлов боғловчиси -ки (-ким) жуда кўп грамматик алоқаларни кўрсатади. Қўшма гап таркибида бу боғловчи орқали муносабатга киришган гапларнинг бири иккинчисига тобе бўлиб, мустақил гапнинг бирор бўлагини изоҳлаб келади: *Тилагимиз шуки, яхши ишлаб, обрў орттирсин, одамларнинг ҳурматига сазовор бўлсин.*

Аниқлов боғловчиси деярли эргаш гапнинг ҳамма турларини (эга, кесим, тўлдирувчи, аниқловчи, сабаб, натижা, равиш ва ўхшатиш эргаш гапларни) бош гап билан боғлаш учун хизмат қиласди. Аниқлов боғловчиси шу вазифага қараб бош гапдаги бирор сўзга қўшилиб

келади. Масалан: а) эга эргаш гапни боғлайди: *Кимки бирорга чуқур қазиса, унга ўзи ийқилади*; б) кесим эргаш гапни боғлайди: *Бизнинг шаҳримизнинг хусусиятларидан бири шуки, бу ерда бир кунда тўрт фаслнинг ҳавосини кўриш мумкин* (О.); в) тўлдирувчи эргаш гапни боғлайди: *Билсинларким, йўлдошим бўлмас Кўзда ёши билан кулганлар.* (Ҳ. О.); г) сабаб эргаш гапни боғлайди: *Тўрт қаватли бино кўзимга шундай иссиқ кўриндики, йиғлаб юборай дедим* (О.); д) пайт эргаш гапни боғлайди: *Мирзо Улуғбек жойига ўтиргмаган ҳам эдикӣ, саройбон кириб, иккинчи номани тутди.* (О. Ё.)

259- §. Сабаб боғловчилари чунки, шунинг учун, негаки, зероки, наинки кабилардир. Бу боғловчилар алоқага киритган гапларнинг бирида бош гапдаги асосий фикрнинг юзага чиқиши учун, амалга оширилиши учун сабаб, восита бўлган воқеа-ҳодисалар ифодаланади. Самимий айтилган сўз содда бўлади, чунки дилинг ҳукмронлиги тилдан устун бўлади. (Ғ. Ғ.) Бизнинг колхозчи йигитлардан уста ўйинчилар чиқса керак, негаки чарчашини писанд қилмайди. (О.) Ҳаёт гўзал, ҳаёт мароқли, Шунинг учун эрка кўнгил шод. (У.)

Баъзан қўшма гап таркибидаги биринчи гап тугалланган оҳанг билан айтилганда, у гапдан кейин нуқта қўйилиб, боғловчи кейинги гапнинг бошида келади. Лекин бу гапларнинг мазмунидан уларнинг бири иккинчисига тобе эканлиги англашилиб туради: *Бу сўз Йўлчини жуда қувонтируди. Чунки у синглим камбағал оиласа боқим бўлиб қолди, деб ўйлар эди.* (О.) Ҳар бир ишишимиздан эртанинг шабадаси келиб турибди. Шунинг учун дилим бақувват, қўлим юмуш қидиради. (О.)

260- §. Чоғишириув боғловчилари гўё, гўёки кабилардир. Булар воқеа-ҳодиса ва нарсаларни ўзаро ўхшатиш, чоғишириш йўли билан турли грамматик алоқаларни билдиради: «Чирилдоқларнинг майин мусиқаси ҳамма ёқни тўлдирган, гўё кечанинг ўзи куйлайди. Баъзи қушларнинг қанотлари ёзилган, гўё улар учиб тушмоқчидай. (О.) Анор дараҳтларида анор шигил, ҳар бири гўё чойнакдай-чойнакдай бўлиб осилиб ётибди. (А. К.)

Чоғириув боғловчилари содда гапда гумон, тахмин, ишончсизлик каби қўшимча маъноларни ҳам билдиради: ... *Сизнинг таклифларингиз гўё ҳамманинг номидан бўлди.* (О.) Тиллар гўё сўзлашдан ожиз эди (О.)

261- §. Мақсад боғловчиси токи қўшма гап таркибидаги мақсад маъноси ифодаланган эргаш гапни бош

гап билан боғлайди. Мақсадни билдирган эргаш гапнинг кесими, одатда, феълнинг буйруқ-истак майлида бўлади: *Қўшиқни баҳузур айтиб ишлай бер, токи ҳамма баҳраманд бўлсин.* (О.)

262- §. Шарт ва тўсиқсизлик боғловчилари: *агар, модомики, башарти, гарчи, гарчанд* кабилардир. Булар бирор воқеа-ҳодисанинг юзага чиқиши учун зарур шарт, восита бўлган иккинчи воқеа-ҳодиса ифодаланган эргаш гапни ёки асосий фикрга зид бўлиб, унинг бажарилишига тўсиқ бўла олмайдиган эргаш гапни бош гап билан боғлайди. Эргаш гапда шарт ёки тўсиқсизлик, бош гапда эса шарт бажарилгандан кейин ёки у тўсиқ бўлмагач юзага келадиган натижа ифодаланади: *Агар кишининг ҳаёти бирор мақсад, бирор ғоя учун кураш билан ўтса, бундай ҳаётга ҳеч афсус қиласлик керак.* (М. Ибр.) Коинот буюкдир, еримиз гарчанд Узилган кичкина юлдуз порадир. (F. F.) Аниқ, тож гарчи ёқут, гарчи зардир, Халойиқ бошига битган заардир. (У.)

263- §. Грамматик алоқаларни ифодалаш учун баъзан бошқа туркум сўzlари ҳам боғловчи ўрнида қўлланади. Масалан, *деб, деган, ким, нима, қайси, қанча, қаерда* каби сўzlар боғловчи ўрнида келиши билан бирга, уларнинг ўзи бирор гап бўлаги вазифасини бажаради, мақсад, сабаб, изоҳ, кетма-кетлик, зидлик, аниқлов каби маъно муносабатларини ифодалайди: *Ёзилди бу шеър баҳор тонгида Азиз фарзандларга совға бўлсин деб.* (F. F.) Ўзи сўз очар деган умид билан сукут қилди. *Қаерда-ижодий ташаббус барқ урса, жонкуярлик кўрсатилса, ўша ерда янгидан-янги фикрлар туғилади.*

ЮКЛАМА

ЮКЛАМАЛАР ҲАҚИДА УМУМИЙ ТУШУНЧА

264- §. Юклама ҳар хил қўшимча маъно ифодалаш учун хизмат қиласди. Юкламалар бутун бир гапга тегишли бўлиб, унинг маъносини таъкидлаб, кучайтириб, чегаралаб келиши, сўроқ маъноларини билдириб келиши ҳам, алоҳида сўzlарга боғлиқ ҳолда шу сўзнинг қўшимча маъноларини, оттенкаларини билдириб келиши ҳам мумкин.

Юкламалар ўз тузилиши жиҳатидан икки хил:
а) аффикс ҳолатидаги юкламалар: *-ми, -чи, -а(-я), -да, -у(-ю), -оқ (-ёқ), -гина (-кина, -қина)* кабилар; б) сўз

ҳолатидаги юкламалар: *ахир, фақат, худди, наҳотки, ҳатто, ҳаттоки* кабилар.

Аффикс ҳолатидаги юкламалар шаклан аффиксларга үхшайди. Булар орасидаги асосий фарқ шундаки, аффикслар асосга қўшилиб, янги сўз ва шакл ясади, турлаш, туслаш учун хизмат қиласди; *юкламалар* эса ўзи тааллуқли гап ва сўзларга қўшимча маъно киритади.

Бир-бирига шаклан үхшаш юклама ва аффикс айтилишда ҳам, ёзувда ҳам фарқланиб туради. Масалан: а) -чи: *тракторчи, кетмончи, колхозчи* — от ясовчи аффикс; *трактор-чи? кетмон-чи? колхоз-чи?* юклама; б) -да: *заводда, уйда, ишда* — келишик аффикси; *келди-да, борда* — юклама: *Ҳафизаҳон, тогангизга ҳавасим келади. Ҳўн тогангиз бор-да. Мен ҳам сизни жуда дўст тутаманда* каби.

ЮКЛАМАЛАРНИНГ ТУРЛАРИ

**265- §. Юкламалар ўз хусусиятларига қараб қўйида-
ги турларга бўлинади:**

1. Кучайтирув ва таъкид юкламалари: *-да, -у(-ю), -ку, -оқ (-ёқ), ҳатто, ҳаттоки, ахир.*
2. Сўроқ ва таажжуб юкламалари: *-ми, -чи, -а(-я), наҳотки.*
3. Айирув ва чегаралов юкламалари: *фақат, фақат-
гина, -гина (-кина, -қина).*
4. Аниқлов юкламаси: *худди.*
5. Гумон юкламаси: *-дир.*
6. Инкор юкламаси: *на..., на...*

266.- §. Кучайтирув ва таъкид юкламалари. Гап мазмунини кучайтириш, таъсирчанлигини ошириш ёки гапда ифодаланган бирор воқеани таъкидлаш учун қўлланади.

-да юкламаси кўпинча таъкид оттенкасини беради: *Чатоқ бўлаётиди-да! Бориб-бориб менга гап тегмаса эди дейман-да... (A. K.)* *Марасул акам касалимни айтгандирлар-да. (A. K.)*

-у(-ю) юкламаси маънони кучайтириш, таъкидлаш, бир ҳаракатдан кейин иккинчисининг тезлик билан бошланганлигини билдириш учун хизмат қиласди: *Бизнинг Марғилонда ҳам шундай келинимиз бор экан-у, билмай юрган эканмиз-да... (A. Қод.)*

-да, -у(-ю) юкламалари биринтирувчи ва зидловчи боғловчи бўлиб ҳам қўлланади: *Немисга ета олмадим-*

да, ака. Келишда қадамлаб келди-ю, қочишида ёмон ҳам шаталоқ отиб қочди-е! (А. Қ.) Қиз унга бир табассум ҳадя қилди-ю, хирмондан тез чиқиб кетди. (М. Исм.)

-ку юкламаси гапда ифодаланган воқеа-ҳодисанинг тўғрилигини тасдиқлаб, фикрни кучайтириб, айрим сўзларни таъкидлаб келади: *Бу она-ку, бу зўр инсон-ку!* Ҳурмат, муҳаббатнинг тимсоли. (У.) Нима деяпсиз ўзингиз? Зирақ Муниснинг ўзиники-ку! Эсингииздан чиқдими, ўзингиз олиб бергансиз-ку? (Ў. У.)

-оқ (-ёқ) юкламаси ҳаракатнинг бирин-кетин тезлик билан давом қилишини, бошланиш пайтини, таъкидлашни кўрсатади: Ҳусайн ёшлигиданоқ билим манбаи — китобга муҳаббат қўйди. («С. Ўзб.») Она ишдан қандай ўй, қандай ташвиши билан қайтмасин, шу қизчаларини кўрибоқ кўнгли ёзилар, яъни чиройли кунлари туғилаётганини ҳис қиласарди. (А. Мух.) Офтобойим эридаги майлни бошидаёқ пайқаган эди. (А. Қод.) Мирзо Улуғбек мактубни ўқиб тугатмасданоқ ўрнидан туриб кетди. (О. Е.)

Ахир, ҳатто, ҳаттоки юкламалари ҳам фикрни кучли таъкидлаш, аввалги воқеани эслатиш, ифодани кучайтириш учун қўлланади: *Музaffer ака, ёрдам беринг, дадам ҳалок бўлмасин.* Ахир сиз дўйстсиз-ку! Ахир турмушининг бутун аччиқ-чучугини бирга тотгансизлар-ку! (О. Е.) Мирзачўлда бир вақтлар ҳамма, ҳатто Мавлон аканинг ўзи ҳам янги эди. (А. Қ.) Унинг бундай дейшиши Шарофатга жуда қаттиқ тегди, ҳатто ғашини келтирди. (А. Қ.)

267- §. Сўроқ ва таажжуб юкламалари -ми, -чи, -а (-я), наҳот, наҳотки кабилардир.

-ми юкламаси турли туркум сўзлариға қўшилиб, сўроқ маъносини билдиради: —Ая, аяжон, шу ҳам гапми? ... Уялмайсизми... Ким айтади сизни тушунган хотин деб? (А. Қ.) «Раҳимжон ака, тинчликими?»— «Тинчлик».—«Олдингида одамлар борми?» (Ў. У.)

-чи юкламаси сўроқ маъносини, кучайтирув, ҳараратга ундаш маъноларини билдиради: *Оқилага-я?* *Оқилага раҳмингиз келадими?* *Насибага-чи?* *Насибага раҳмингиз келмайдими?* (А. Қ.) Хотининг-чи? У ҳам ҳеч нарса демаганмиди? (Ў. У.)

-а(-я) юкламаси сўроқ, таажжубланиш, ҳайратлашиши, тўлқинланиши билдиради: Эрталаб соқол олган эдилар, ҳали ўсганий ўйқ, яна қуртишлайтилар. Нега бунақа қиладилар-а, Ҳафизахон опа? (А. Қ.) Ўй-

ламаганда ўртогум кириб келди. Кўришганимизга ҳам анча бўлди-я! (О.) Менинг бригадамда қирқ уч кило пахта терса-я!.. (А. К.) А? Очикроқ айт, бир гап борми? (У.)

Наҳотки, наҳот юкламалари сўроқ билан боғлиқ бўлган таажжубни билдиради: Вой, домласи, наҳотки шунга ишонган бўлсангиз? Сизни отаси ўрида кўрсак-у. наҳотки сиздан бесйрок иш тутсак... (А. К.) Наҳотки севгига шудир таманно? Наҳот гўзал учун фақат, фақат дод! (Ҳ. О.)

Баъзан наҳотки юкламаси риторик сўроқ бериш асосида гап мазмунидан сўзловчи кутган холосани чиқариш учун қўлланади: Наҳотки еримиз чаппа айланисб, Наҳотки дарёлар оқар тескари?! (F. F.)

268- §. Айиув ва чегаралов юкламалари: фақат, фақатгина, -гина (-кина, -қина) кабилардир. Бу юкламалар айрим нарса ва ҳодисаларни бошқаларидан ажратиш, ҳаракатни чегаралаш учун қўлланади: Тўй фақат шунга қараб турган бўлса, уларни гаплаштирганим бўлсин. (О. Ё.) Ўқтам индамади, фақат юрагида тўлқинланган меҳр билан онага узоқ тикилди. (О.) Йўқлаш одатини қилмагил канда, Шугина, шугина илтимос сендан. (У.) Онахон тонготарга яқингина уйқуга кетган эди. (А. Мух.)

Айириб кўрсатишини яна кучайтириш учун фақат ва-гина юкламалари бирга келиши ҳам мумкин: Фақат отасигина шундай деб ўйлаб ётибди. (У.) Фақат бугина эмас, кейин уйдан мана бу дур чиқди. (У. У.)

-гина юкламасини сифатларга, баъзан отларга қўшилиб, сўйиш маъносини билдирувчи **-гина** аффикси билан аралаштирмаслик керак: Ўқтам армияга кетганда синглиси ўн бир яшар, соchlари майда ўрилган инжиққина, ориққина қизча эди. (О.) Кўчанинг нариги юзида тўхтаб қолган Жўрахонгина ундан кўзини олмасди. (А. Мух.) Биринчи гапда аффикс ишлатилган, иккинчи гапда эса юклама қатнашган.

Асли ҳам сўзи юклама бўлиб, маънони таъкидлаш, кучайтиришга хизмат қиласди: Онахон рўйхат ҳақидагина эмас, артелнинг ўзи ҳақида ҳам... ўйлаши керак (А. Мух.)

269- §. Аниқлов юкламаси **худди** ҳаракат ва предметларни аниқлаш, бошқасига ўхшатиш маъносини билдиради: Худди Неъматжоннинг ўзгинаси-я! (О. Ё.) Унинг ... ҳамма ерини чўлнинг иссиқ шамоли ялаган,

худди чармдай қотириб юборган эди. (А. Мух.) «Қўлинг худди йигитнинг қўлига ўхшайди-я, Мастон»,— деди Турғуной. (А. К.)

270- §. Гумон юкламаси -дир турли туркум сўзлари га қўшилиб, гумон маъносини беради: *Омон кимдир, борми Ватани, Ким ҳам қизга танитар уни. (Ҳ. О.) Балки бу ерларда кўп дилбар Манзаралар жилва қилгандир... Балки у ерларда соз чалиб, Базм қуриб нозли булбуллар Қалбига севинчлар солгандир. (У.)*

271- §. Инкор юкламаси *на...* *на...* уюшиқ бўлаклар ва қўшма гап таркибидаги айрим гаплар олдидан келиб, уларнинг мазмунини инкор этади, бўлишсизга айлантиради. Инкор шаклли гап бўлаклари ва гаплар олдидан келганда, бўлишсизлик кучайтирилади, таъкидланаиди: *На муаттар чаманзор, на муҳташам кўшклар, на кумушланган ҳовузлар, на чиройли қафаслардаги қушлар — ҳеч нима уни қизиқтирмайди. (О.) На уфқ ўрамай ёқут-зар, На булут силкитмай олтин пар, Тонг кулмасдан бурун Жонтемир Қуюқ бир завқ билан туради. (У.)*

УНДОВ

УНДОВ ҲАҚИДА УМУМИЙ ТУШУНЧА

272- §. Ундов ҳис-ҳаяжонни, хитобни билдиришга хизмат қиласди. Ундовлар бошқа сўз туркumlари сингари лексик маънога эга эмас, у туйғу ва ҳис-ҳаяжонни бевосита ифодалайди.

Ундов гап бўлаги вазифасида қўлланмайди ва гап бўлаклари билан грамматик жихатдан боғланмайди. Ундовда оҳанг муҳим ўрин тутади. Чунки ундов маълум оҳанг билан айтилмаса, у ҳис-туйғуни ифодалай олмайди. Оҳангнинг турлича бўлишига қараб ундовлар хилма-хил ҳис-туйғуни англатади. Жумладан, оҳ ундови қўйидагиларни билдиради: 1) шодликни: *Оҳ, қандай сўлим кеча-я (О.); 2) афсусланишни: «Оҳ, умр ўтдикетди оқар сувдай!..»— шикоятли овоз билан деди кампир (О.); 3) ажабланиш, афсусланишни: «Оҳ, гўё ўзинг билмайсан»,— деди кўзларини ўйнатиб Тансиқ. (О.)*

Ундовлар фонетик шаклланиши, морфологик бутунлиги, экспрессивлиги ва маҳсус оҳангни билан, келишик, эгалик, шахс, замон каби грамматик маъноларни англатмаслиги билан бошқа сўз туркumlаридан фарқ қиласди.

УНДОВЛАРНИНГ ТУРЛАРИ

273- §. Ундовлар тузилиши жиҳатидан содда ва таркибли бўлади.

Содда ундовлар фонетик жиҳатдан қўйидагича:

а) бир унли товушдан иборат бўлади: *a, o, э, ў* каби;

б) унли + ундош ёки ундош + унлидан иборат бўлади: *оҳ, уҳ, эй, эҳ, ҳо, фу* каби;

в) икки унли ва бир ундошдан ёки икки ундош ва бир унлидан иборат бўлади: *эҳе, оҳо, ие, ҳай, дод, туф, ҳим (ҳм), ҳув, ҳов, ҳей, беҳ* каби.

Таркибли ундовлар қўшма ва такрор келиш асосида тузилади: *ӯҳҳӯ, эвоҳ, воей, бай-бай,вой-вой, ҳой-ҳой, ҳай-ҳай* каби.

Ундовлар маъноларига қараб иккига бўлинади:

1. Ҳис-ҳаяжон билдирувчи ундовлар. 2. Буйруқ-хитоб ундовлари.

Ҳис-ҳаяжон билдирувчи ундовлар

274- §. Эмоция билдирувчи ундовлар сўзловчининг туйғулари, кечинмаларини, турли ҳис-ҳаяжонини билдиради: *оҳ, эҳ, уҳ, э, бе,вой, ӯҳҳӯ, эҳе, оҳҳо, ҳаҳ, ҳе, а, о* кабилар.

Бу хил ундовларда оҳанг муҳим ҳисобланади. Бир хил оҳанг билан айтилган турлича ундовлар, асосан, бир хил туйғуни ифодалаши, аксинча, турли хил оҳанг билан айтилган бир ундов хилма-хил туйғуни, кайфиятни ифодалаши мумкин. Масалан: *оҳ, эҳ, воҳ, аҳ* каби ундовлар бир хил оҳанг билан айтилса, асосан, бир хил туйғуни ифодалайди. Шулардан *эҳ ёкивой* ундови ҳар хил оҳанг билан айтилса, турлича туйғуларни билдиради.

275- §. Ҳис-ҳаяжон билдирувчи ундовлар, асосан, қўйидаги маъноларни ифодалайди:

1. Шодлик, севинч, кўтаринки руҳий ҳолат, кайфиятни ифодалайди: *О, қуёш жарчиси, бериб хушхабар, Ҳаёт рубобини сайратувчисан!* (А. Умарий.) *Оҳ, лагерь қандай яхши, келгуси йил ҳам бориб дам оламан.* (У.) «*Аҳ, паҳтакордан айланай*», — деди *Шарофатбиби қизғинлик билан.* (О.)

2. Хафаликни, оғир руҳий ҳолатни ифодалайди. Бунда ундов ва у қатнашган гап шунга мос оҳанг билан

айтилади, қайғу, хафалик, хавфсираш, пичинг, нафрат, ғазаб, ачиниш сингари түйғуларни ифодалашга хизмат қиласы: *Оҳо, оҳо, қалай әкансиз? Пиңақни аввал ўзинге үр, оғримаса бирөвга үр.* (Х. Х.) *Ә-воҳ, осмон йироқ, ер қаттиқ!* Чархин ғузилсін, фалак! (П. Т.) *Хай, аттанг. Қани, ўртоқ Одилов, сиз айтинг, шу гаплар ростми?* (А. Қ.) *Оҳ, Мунис, Мунис...* нима қилиб кетдинг?! (Ү. Ү.)

3. Таажжубланиш, кутылмаганлик, шубҳа, иккила-ниш, тараддулдланиш, әътиroz кабиларни билдиради ва оқанғ жиҳатидан бошқа хил маңнодагилардан фарқ қиласы. Бунда воқеа-ҳодисаның сұзловчи кутганидан ортиқ бўлганлиги, суҳбатдошининг фикрига әътиroz билдириш, бирор воқеани тез эслаёлмаслик каби ҳар хил эмоционал ҳолат ифодаланади. Масалан: *Бай-бай-бай... Менинг ҳасратим сизниң үрвоқ ҳам бўломай қолдик, биродар.* (П. Т.)

Буйруқ-хитоб ундовлари

276- §. Буйруқ-хитоб ундовлари огоҳлантириш, хитоб қилиш, таклиф, чақириқ, буйруқ, ман қилиш, дўқ қилиш, ҳайдаш каби маъноларни билдиради. Буйруқ-хитоб ундовлари қўйидагилар:

1. *Чақириқ ундовлари.* Булар икки хил бўлади:

а) номини айтмай чақириш, мурожаат қилиш кабиларни ифодаловчи ундовлар: ҳей, ҳой, ҳай, эй каби: *Ҳей, менга қаранг ... нима, қочмоқчимисиз дейман.* (Н. Ҳикмат.) Ҳой, болалар, менинг тилим аччиқ бўлса ҳам, дилим тоза. (Ү.)

б) Турли ҳайвон ва паррандаларни чақириш, ҳайдаш учун ишлатиладиган ундовлар: қурей-қурей; чу (от учун); баҳ-баҳ (ит учун); хўш-хўш (сигир учун); ту-ту-ту, кишт (төвук учун) кабилар. Масалан: *Гулсум ... теварак-атрофга қараб: «Ҳайбар-Ҳайбар, баҳ-баҳ...»*— деб чақира бошлади. (С. А.) *«Беҳ-беҳ...»* деб төвукларни донга чақирап ва үнинг олдида бир талай төвук қутқутлашиб дон талашар эди. (П. Т.)

2. *Буйруқ ундовлари.* Бу ундовлар ҳаракатни бошлиш ё тўхтатиш учун берилган буйруқ ёки шартли сигналларни билдиради: тс (тсс, ссс, тисс, тиши, иши) кабилар, *«Ш-ш-ш...»*—пичирлади Чибаров. Зинапоядан оёқ товушлари эшитилди. (Н. Каз.)

3. Табрик, ташаккур, хайрлашув ундовлари: *Хайр, салом, раҳмат, марҳамат, ҳорманг, балли, оғарин, кабилар.* Масалан: *Раҳмат, ўртоқ Мавлонов, аҳволим кўнгилдагидан ҳам зиёда.* (П. Т.) «Балли», — деди Ҳожи Зокир Муродни ҳалиги гапи учун мақтагандан кейин... (С. А.) Оғарин, қизим. Эшиздингми, бойвачча, ишинг чатоқ. (М. Г.)

ТАҚЛИДИЙ СҮЗЛАР

277- §. Тақлидий сўзлар шахс, предмет ва турли жониворлар товушига, уларнинг ҳаракат ва ҳолатига тақлидни билдирувчи сўзлардир. Тақлидий сўзлар турли хилдаги ихтиёрий, ихтиёrsиз товуш ва қичқириқларни, ҳаракат ё ҳолатни билдиради. Улар фикрни равшан ва образли қилиб ифодалашда муҳим ўрин тутади. Тақлидий сўзлар иккига бўлинади: товушга тақлидий сўзлар, ҳаракат ва ҳолатга тақлидий сўзлар.

278- §. Товушга тақлидий сўзлар борлиқдаги турли хил товушга тақлид қилиш, уларни қайта такрорлаш асосида ҳосил қилинади: *тарс, турс, тарс-турс, чарс, қарс, қарс-қурс, гумбур-гумбур, чий-чий* каби.

Товушга тақлидий сўзлар қўйидагича ҳосил қилинади:

а) одамларнинг ихтиёрий-ихтиёrsиз чиқарган товушларига тақлид қилиш билан: *Мунча курт-курт қилиб чайнайсиз?!* (А. Қ.) Бегимхон пиқир-пиқир қилиб, ер остидан Адолатга қараб қўйди (И. Р.);

б) ҳар хил жонсиз нарса ва предметларнинг товушига тақлид қилиш билан: *Бу товушнинг эгасидан аввал тўқ этиб ҳасса кирди.* (А. Қ.) *Бу иккиси гап-сўзсиз савағиц қаламни қирр-қирр қоғоз устида юритиб турар эди.* (А. Қод.) *Тўйатдан тарс-турс милтиқ отила бошлиди.* (И. Р.);

в) турли парранда, ҳайвон ва жониворларнинг товушига тақлид қилишдан: *Сиддиқжон шундай кулдики, бурчакда кулча бўлиб ётган мушук шошиб ўрнидан турди ва Сиддиқжонга қараб «миёв» деди.* (А. Қ.) *Онда-сонда беданаларнинг битбилдиғи эшишилади.* (И. Р.)

279- §. Образга тақлидий сўзлар шахс ва нарсанинг шуъла, ҳаракат, ҳолат ёки миқдорини тасвирилаш, уларга тақлид қилиш асосида ҳосил қилинади: *ялт, ярқ, ялтюлт, милт-милт, лапанг-лапанг, билқ* каби.

Образга тақлидий сўзлар маъно жиҳатидан қўйидатича:

а) бир лаҳзали ёки кутилмаган шуъла, ҳаракат ва ҳолатни билдиради: *Сиддиқжон ялт этиб хотинига қаради. Бир оздан кейин оқиши йўлнинг уфқида бир нима йилт этди.* (А. Қ.) *Кутидор билан бек ялт этиб Кумушга қарадилар* (А. Қод.);

б) ҳаракатдаги нарсаларнинг ташқи қиёфасини, ҳолатини билдиради: *Ўрта дехқон эшикдан кириши билан дир-дир титради. Сиддиқжон катта йўлдан анча четда милт-милт этаётган чироққа томон бурилди.* (А. Қ.)

280- §. Тақлидий сўзлар тузилиш жиҳатидан якка, такрорий ва жуфт бўлади.

Якка тақлидий сўзлар биргина сўздан иборат бўлади: *ниқ, пақ, ниқир, ғийт, тақ, тарс, гумбур* каби.

Такрорий тақлидий сўзлар шу сўзларнинг такрорланиши асосида тузилади, бунда фонетик ўзгариш бўлиши, сўз бир неча марта такрорланиши мумкин: *Пиқир-ниқир, ҳир-ҳир, ғир-ғир, дув-дув, ширт-ширт, қилт-қилт, дукур-дукур, пақ-пуқ, тақ-туқ, тарс-турс, шов-шув* каби.

Жуфт тақлидий сўзларда бир неча тақлидий сўз жуфтлашади: *Тўғоннинг икки томонида тўрттадан саккизта чилдирма «така-тум-так», «така-тум-так» қилиб, бараварига мақом бошлиди.* (А. Қ.) *Ўнинг хурраги ҳам ... адабиyroқ эди: «плуқ-қум-пrr ... плуқ-қум-пrr».* (А. Қ.)

Тақлидий сўзлар товушнинг атамаси эмаслиги ва номинативлик хусусиятига эга эмаслиги билан ундовларга яқин турса ҳам, маъно ва грамматик хусусияти билан ундан фарқ қиласи. Ундовлар сўзловчининг ҳис-ҳаяжонини, бўйруқ-хитобини билдиrsa, тақлидий сўзлар ихтиёрий ва ихтиёrsиз юз берган ҳайқириқлар, жонли ва жонсиз нарсалар товушига, ҳар хил ҳаракат, шуъла, ҳолатга тақлидни билдиради.

281- §. Тақлидий сўзларнинг синтактик вазифаси ундовларга нисбатан анча кенгдир. Шунингдек, тақлидий сўзлардан от, феъл ва бошқа туркум сўзлари ясалиши ундовлардан ясалишга қараганда анча маҳсулдор. Масалан, *ҳуштак, хуррак, ғуррак, ғижжак, чапак, қарсак қўнғироқ, бодроқ, ҳиқилдоқ, шақилдоқ, тақа, қаҳқаҳа, дағдаға* каби отлар; *ницирла, шитирла, жарангла, чиқилла, ғижирла, тиқирла, тақилла, гуркира, ярқира, пишиқир, бўқир, ўқир, ҳайқир, ҳурпай* каби феъллар тақ-

лидий сўзлардан ясалган; ярқирама, шалдирама, ялтироқ, йилтироқ, милтироқ каби сифатлар эса тақлидий сўзлардан ҳосил қилинган феъллардан ясалган.

Шунингдек, кўпгина тақлидий сўзлар қўшма феълнинг асосий компоненти бўлиб кела олади: жиз этмоқ, шип этмоқ, гиқ этмаслик, йилт этмоқ, вағ-вағ этмоқ каби. Ҳарорат зарбидан ҳамма ёқ лип-лип этади. Чумчук пир этса, юрагинг дир этар. (А. К.) Трактор ҳам керосини тамом бўлиб қолса, пақ-пук қиласди-ю, тўхтайди. (А. К.)

282-§. Тақлидий сўзлар гапда қуидаги вазифаларда келади:

а) эга вазифасида: Шаҳар подаси қайтиб, теваракдан сигир ва бузоқларнинг «ма-а-а, му-у-у»лари, қўзичоқ ва қўйларнинг «ба-а-а, бу-у-у»лари эшитилиб турар эди (А. Қод.);

б) сифатловчи вазифасида: Йўлакка қулоқ солиб, ғўнғир-ғўнғир товушни эшитди (А. Қод.);

в) тўлдирувчи вазифасида: Ўз ғув-ғуви билан гузарни тўлдирган одамларнинг гурунги бир зумда тинди (М. Исм.);

г) ҳол вазифасида: Онаси пиш-пиш ухлар эди. Турсуной юзини қўллари билан тўсиб олиб, дағ-дағ титрар, пиқ-пиқ йиглар эди. (М. Исм.) Оға-ини ўз юракларининг гуп-гуп урганини эшитардилар. (О.)

МУНДАРИЖА

Кириш	3
ФОНЕТИКА ВА ФОНОЛОГИЯ	12
Фонетика ва унинг вазифаси	12
Нутқ аъзолари	13
Нутқ аъзоларининг тузилиши	14
Ўзбек адабий тилининг товуш тузуми	15
Унли товушлар таснифи	17
Унли товушлар тавсифи	21
Ўндош товушлар таснифи	23
Сўзнинг фонетик тузилиши	25
Сўз таркибидаги фонетик ўзгаришлар	28
Фонема ҳақида тушунча	31
Орфоэпия	35
Графика ва орфография	41
Графика ҳақида тушунча	41
Ўзбек ёзуви ҳақида	44
Орфография ҳақида	45
Ўзбек орфографиясининг принциплари	47
ЛЕКСИКОЛОГИЯ БИЛАН ФРАЗЕОЛОГИЯ	49
Кириш	49
Лексема — тил бирлиги сифатида	53
Лексеманинг ифода плани	53
Фразема-тил бирлиги сифатида	55
Фраземанинг ифода плани	56
Лугавий бирликнинг мазмун плани	61
Лексеманинг мазмун плани	61
Фраземанинг мазмун плани	74
Лугавий полисемемия	79
Лексик полисемемия	80
Фразеологик полисемемия	101
Лугавий синонимия	107
Лугавий антонимия	120
Лугавий омонимия	126
Лугавий паронимия	141
Лугавий бирликларнинг ишлатилиш доираси	143
Лугавий бирликларнинг замонийлиги	151

Луғавий бирликларнинг нутқ кўринишларига хосланган- лиги	165
Луғат бойлигидаги ўз қатлам ва ўзлашган қатлам	173
Лексикография	183
МОРФЕМИКА	187
Сўзниңг морфем тузилиши	187
Аффиксал морфемаларнинг ҳусусиятлари	188
Аффиксларда шакл ва маъно муносабати	192
Сўзниңг морфема таркибидаги ўзгаришлар	195
СЎЗ ЯСАЛИШИ	198
Сўз ясалиши структураси	198
Сўз ясаш асослари	200
Сўз ҳосил қилиш усуллари	202
Сўз туркумларида сўз ясалиши	205
От ясалиши	206
Сифат ясалиши	219
Феъл ясалиши	226
МОРФОЛОГИЯ	235
Грамматика ва унинг вазифаси	235
Морфология ва синтаксис, уларнинг ўзаро муносабати	237
Грамматик маъно	239
Грамматик шакл	240
Грамматик категория	245
Сўзниңг морфологик структураси	245
Сўз туркуми	247
МУСТАҚИЛ СЎЗ ТУРҚУМЛАРИ	250
От	250
Отнинг маъноси ва грамматик белгилари	250
Отларнинг маъно турлари	251
Отнинг грамматик категориялари	254
Сон категорияси	254
Эгалик категорияси	258
Келишик категорияси	259
Отларда шакл ясалиши	274
Аналитик шакл	279
Жуфт шакл	279
Сифат	280
Сифатнинг маълоси ва грамматик белгилари	280
Даражада категорияси	283
Эркалаш шакли	285
Жуфт ва такрорий шакл	286
Сифатнинг отга кўчиши ва отлашуви	287
Сон	287
Соннинг маъноси ва грамматик белгилари	287
Соннинг маъно жиҳатидан турлари	290

Миқдор сонлар	290
Саноқ сон	291
Олмош	301
Олмошнинг маъноси ва грамматик белгилари	301
Олмошнинг турлари	303
Феъл	315
Феълнинг маъноси ва грамматик белгилари	315
Феълнинг грамматик категориялари	316
Феълда бўлиши ва бўлищиз шакллар	317
Утимли ва ўтимсиз феъллар	319
Нисбат категорияси	320
Майл категорияси	327
Замон категорияси	332
Шахс-сон категорияси	347
Феълларда шакл ясалиши	351
Феълнинг функционал шакллари	351
Феълнинг модал шакллари	360
Равиш	365
Равишнинг маъноси ва грамматик белгилари	365
Равишларнинг маъно турлари	367
Равишларда шакл ясалиши	369
Модал сўз	370
Модаллик ва модал сўз ҳақида тушунча	370
Модал сўзларнинг маъно турлари	372
ЁРДАМЧИ СҮЗЛАР	374
Қўмакчи	374
Қўмакчи ҳақида умумий тушунча	374
Соф қўмакчи	375
Функционал қўмакчи	379
Боғловчи	381
Боғловчи ҳақида умумий тушунча	381
Тенг боғловчилар	382
Эргаштирувчи боғловчилар	385
Юклама	387
Юкламалар ҳақида умумий тушунча	387
Юкламаларнинг турлари	388
Ундов	391
Ундов ҳақида умумий тушунча	391
Ундовларнинг турлари	392
Тақлидий сўзлар	394

Турсунов У. ва бошқ.

Т 91 Ҳозирги ўзбек адабий тили: Олий ўқув юрт. филология фак. талабалари учун дарслик. /У. Турсунов, А. Мухторов, Ш. Раҳматуллаев; [Масъул муҳаррир Ш. Раҳматуллаев].—3—Қайта ишланган ва тўлдирилган нашри.—Т.: Ўзбекистон, 1992.—399 б.
ISBN 5-640-01266-8

I. I. 2 Автордош.

Турсунов У. и др. Современный узбекский литературный язык.

ББК 81.2ЎЗя73

№ 519—92

Навоий номли ЎзР
Давлат кутубхонаси.

Т 46020400—88 12—92
М 351 (04) 92

*Улуг Турсунов, Абдужаббор Мухтаров,
Шавкат Раҳматуллаев*

СОВРЕМЕННЫЙ УЗБЕКСКИЙ ЛИТЕРАТУРНЫЙ ЯЗЫК

Учебник для студентов филологических факультетов вузов.

Издание третье, переработанное, дополненное

На узбекском языке

Издательство «Ўзбекистон» — 1992, 700129, Ташкент, Навои, 30.

Тех. муҳаррир *А. Бахтиёр*
Бадиий муҳаррир *А. Деконхўжаев*
Мусаҳҳих Ш. Мақсудова

ИБ 5789

Теришга берилди 15.04.92. Боснига руҳсат этилди 7.09.91. Формати 84×108^{1/32}, № 2 босма қоғозига «Литературная» гарнитурада юқори босма усулида босилди. Шартли бос. л. 21.0. Шартли кр. отт. 21,21. Нашр л. 21,97. Тиражи 5000. Заказ № 396. Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот қўмитаси Тошкент матбаа комбинатининг изараадаги корхонасида босилди. 700129, Тошкент, Навоий кўнгаси, 30.

m